

ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД

# БЕОЗОР ҚУШНИНГ ҚАРФИШИ



Ҳикоялар

«ШАРҚ» НАШРИЁТ МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2006

**Хуршид Дўстмуҳаммад.**

**Безор қушнинг қарғиши: Ҳикоялар. — Т.: «Шарқ»,  
2006 — 512 б**

**ББК. 84(5У)6.**

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2006.

## **Хотира ва кайфият манзаралари**

*Муаллиф ва муҳаррир суҳбати*

— Хуршид ака, китобхонлар ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу ҳажман салмоқли ҳикоялар тўпламига ижодга кириб келган пайтларингиздан ҳозирга қадар яратган барча ҳикояларингиз киритилганми?

— Қарийб барчаси деса ҳам бўлади. Турли даврда матбуотда эълон қилинган, лекин китобга киритишни лозим топмаганларим ҳам бор.

— Дастлабки ҳикояларингиз эълон этилганидан буён орадан йигирма беш йил ўтибди. Бу фурсат ёзувчининг шаклланиши учун етарли, деб ўйлайсизми? Яъни чорак аср мобайнида ёзувчи ижодкор сифатида поғонама-поғона юксалиб борадими? Қарашлари, услуби ўзгарадими ёки...

— Аллоҳ таоло иқтидордан, истеъдоддан қисмаса, қўлига қалам тутган инсон бир йилда ҳам шаклланиши мумкин. Лекин ҳеч бир истеъдод соҳиби мен шаклланиб бўлдим, ижод чўққисига эришдим, деган гапни айта олмайди. Бадиий ижоднинг табиати шундай: қўлингиздаги қалам ҳамиша сизнинг юрагингизга таҳлика солиб туради, яъни сизни ҳушёрликка чорлайди, ўзингизни ўзингизга талабчан бўлишга даъват этади. Мана шу таҳдикани, чорловни ва даъватни ҳамиша ҳис этиб турган ижодкор изланишдан, қора меҳнатдан тўхтамайди.

Поғонама-поғона юксалиш... Ҳар сафар янги ҳикояни хаёлда пишитиб юрганингизда, уни қорозга тушира бошлаганингизда аввалгиларидан зўрроқ асар яратман деган туйғу сизга рағбат бериб туради. Бу фойдали туйғу, лекин ҳикоя яратиш мусобақа эмас. Қайсидир бошқа ёзувчидан ёки бўлмаса ўзимнинг бурунги ҳикояларимдан ўзиб кетадиган янгисини ёзишга интилиш эмас. Ҳар бир ҳикоя — янги ижодий кайфият! Воқеликни ўзгача идрок этишга ҳаракат! Пайдо бўлаётган ҳикоя зўр бўладими, ғўр бўладими, ўқувчилар орасида

шов-шув уйғотадимми-йўқми, ҳар қалай мен бу ниятда ижод столига ўтирмайман.

Айтдим-ку, сизни қалам тутишга ундайдиган кайфият ҳолатига тушдингизми, марҳамат, ёза бошлайсиз, ўша топдаги кайфиятингиз ҳикоянгизга кўчади, ҳикоя орқали ўқувчида ҳам кайфият уйғонади. Уйғонса, демак, ҳикоянгиз кимгадир маъқул, уйғотолмасангиз... ёнингизга қолаверади, яна янгисига киришасиз. Миллатнинг менталитетидаги сифатий ўзгаришлар сезилиши жуда қийин бўлганидек ёзувчининг услубий янгилини ҳам оғир кечади. Бир умр ўзининг бир хил услубидан воз кечолмаган, унинг исқанжасидан қутила олмаган ва шуни тўғри ва маъқул деб ҳисоблаган ёзувчи-шоирлар бор. Шахсан менинг қарашларим сал ўзгачароқ, яъни услуб ўзгармаса, дунёқараш, ҳаёт мураккабликларини бадиий идрок ва ифода этиш йўсинлари ўзгармаса, шу йўлда турфа тажрибаларга қўл урмаса, бундай ёзувчи нафақат миллий адабиётда, лоақал ўз ижодида ҳам бирор янгилик яратиши амримаҳол. Тасаввур қилинг, ёзувчи умри мобайнида мингта ҳикоя ёзса-да, уларнинг бари бир хил услубда бўлса?! Воқеа, сюжет хилма-хил, мақсад, ифода тарзи эса бир хил! Ахир одамларнинг ҳар бири алоҳида бир олам эмасми?! Ҳар бир руҳий ҳолатта, руҳий изтиробга янгича, жилла қурса, ўзгачароқ ёндашиш мумкин-ку.

Мен ана шу ЎЗГАЧАРОҚ ёндашишни қадрлайман. Ўзгачароқ ёндашиш асносида ўзим тасвирлаётган руҳий ҳолатни қутилмаганроқ нуқтаи назардан, бошқаларникига ўхшамаганроқ аспектда тасвирлашдан маънавий баҳра оламан.

— Китобдан ўрин олган «Кенг осмоннинг тор кўчалари» деб номланган туркумга киритилган, айниқса, «Кўнгила янгилик истайдур» деб номланган туркумга мансуб ҳикояларда ўзингиз айтаётган ўзгача руҳ яққол сезилади. Бу ўзгачалик қаҳрамон руҳий оламини ниҳоятда нозик ҳолатларда қутилмаган нуқтаи назарлардан таҳлил этишга уринишда кўринади. Шакл изланишлари, шакл ўйинлари ўзингиз айтган тажриба намуналарига ўхшайди.

— Инсон онги, шуури, қалби коинотдек бепоён, бу бепоёнликни ўрганиш, унинг тор кўчалари сайридан завқ туйиш учун хилма-хил шакл — хилма-хил тас-

вир воситасини излаш имкони. Шаклий жиҳатдан «Вазият» билан «Бугун эрталаб»ни қиёслаб бўлмайди. Лекин ҳар икки ҳолатдаги изтиробли кечинмаларни ўзига хос тарзда тасвирлаш мақсадида бошқачароқ шаклни синашга уриниб кўрганман.

— «Саф», «Қазо бўлган намоз», «Маҳзуна», «Жимжитхонага йўл», айниқса, «Жажман» ҳикояларингиз кенг ўқувчилар ва адабий жамоатчилик томонидан катта эътибор билан эътироф этилган. Ҳикояларингизга билдирилган муносабатлардан кўнглингиз тўлганми? Ёки ўқувчи сифатида ёндошадиган бўлсангиз қайси ҳикояларингизни ўзингиз кўпроқ маъқул кўрасиз?

— Сиз санаб ўтган ҳикояларимни қанчалик маъқул кўрсам, бошқа кўлаб санокча киритмаганларингизни ҳам улардан кам кўрмайман. Камситмайман. Дастлаб ёзган «Онам, жияним, мен»да тасвирланган оний руҳий ҳолат нечоғли қадрдон бўлса, «Жим ўтирган одам»даги руҳий изтироб талвасаси ҳам шунчалик жиддий. Ўқувчи сифатида «Васий»ни, «Қоялардан баландда»ни, «Тўхтабойнинг бойликлари» ёки «Бугун эрталаб»ни такрор-такрор ўқигим келади. «Кулган, кулдирган» туркумидаги ҳикоялар қанча-қанча ҳаётий манзараларни кўз ўнгимда гавдалантиради. Хуллас, юқорида айтдим-ку, ҳар бир ҳикоя ўзгача бир кайфиятдан, ҳолатдан хотира. Ёзувчининг ҳаёти эса ана шу кайфият, ҳолатлардан ташкил топади.

Қолаверса, кайфият ҳам, хотира ҳам буткул шахсий-хусусий ҳолат эмас, балки ижтимоий воқеликнинг маҳсули эканлигини унутмаслик керак.

Яна бир гапни айтишни истар эдим: ҳар бир бадий асар ўзича бир руҳий олам. Дейлик, ҳикояда қамраб олинган маънавий ҳудуд, маънавий макон ва замон ўқувчини ҳаёт реаллигидан тамоман фарқли ҳолатта олиб кириши, таъбир жоиз бўлса, олиб қочиши керак. Ҳаётнинг айнан ўзига ўхшатиб ёзиш жуда-ям катта маҳорат белгиси эмас, йўқ, ҳикоя айнан... ҳаётга ўхшамаган ҳолатлар оламига айланмоғи зарур, токи, ўқувчи лоақал шу ҳикояни ўқиш асносида ҳаёт ҳақиқатларидан узилмоғи ва мазкур асарда ифода топган бадий ҳақиқатлар оламида яшамоғи лозим. Бадий асарнинг ҳаётий, тарбиявий ва ҳоказо аҳамиятлари буткул бошқа масала.

— Тўпламга киритилган тарихий ҳикоялар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Тошкент шаҳри ўтмишининг энг гуллаган палласи Юнусхўжа даврига (1784—1803) тўғри келади. Ушбу давр воқеалари бир неча романга мавзу бўла олади. «Оқ либос» ана шу катта ниятдан кичик бир мужда, холос. Андижонлик машҳур Миркомилбой XIX асрнинг охири, XX асрнинг энг мураккаб шахсларидан. Тошкентлик Тўхтабой ҳам сиёсий тизим қурбонларидан. Архив манбаларидан фойдаланиш имкони топилгани боис мазкур ҳикоялар яратилди.

— Ҳар учала ҳикоя қаҳрамони тақдири алоҳида романга арзийдигандек туюлади. Шундай эмасми?

— Шундай. Ҳар учала ҳикояни романга айланиб улгурмаган ёки келгусида яратилажак романларга чизгилар дейиш мумкин.

— «Дилдаги хориж» туркумига мансуб ҳикоялар, драматик фожиа ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Жаҳон адабиётини ўрганмаслик, унга беписандлик ҳеч бир миллий адабиётта, хусусан ёзувчига шараф келтирмайди. Менда турли даврда мутолаа асносида Достоевский, Л. Толстой, Кафка, Гаршин, Акутагава, Ч. Чаплин, Э. По сингари улкан сиймолар ҳаётдан бадий ҳикоялар яратиш ниятлари туғилган. Мазкур китобга киритилганлари кўнгилдаги катта ниятлардан бир шингили, холос. «Елғизим — Сиз»да менинг тасаввуримдаги Достоевский, «Ал-Аъроф»да эса менинг тасаввуримдаги Эдгар По образи гавдаланган, муҳими, бу даҳо санъаткорлар баҳонасида ўзимнинг тасаввуримдаги бадий олам, бадий воқеликни яратишга уринганман. Ишончим комилки, буларни ўқиган ўқувчиларимиз жаҳон адабиётининг бу икки намояндаси ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишади, уларнинг асарларини ўқишга ўзларида рағбат пайдо бўлади.

— Демак, азиз китобхонларимизни Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ҳикоя оламига таклиф этамиз. Ва ишонтириб айтаемизки, китоб ҳозирги замон ўзбек адабиётининг етук вакиллари билан бўлмиш адибнинг ижод йўли билан батафсил танишиш имконини беради.

# Ҳизни улаёттирган болалик



Болалик кезларида вужудга кела бошлаган синдиковлик, айниқса, кимиларнинг туффа ҳолатига, дарду тилишларига, ҳаёт кемтикликларига ҳамдардлик туйғуси шакллана боғгани сайин изтиробни ҳис этиш касба айлана болади, шонрлик, ёзувчилик, муқавбирлик ва ҳоказо ижод аҳли ана шу касб соҳиблари ҳисобланадилар...

## ОНАМ, ЖИЯНИМ, МЕН

Акам, жияним, мен ёзги кинотеатрдан қайтганимизда ҳовлимиз бурчагидаги супада отам, онам, катта опам, поччам чой ичиб суҳбатлашиб ўтиришган эди. Супага яқинлашганимиз ҳамон уларнинг ҳаммалари жиянимга қарапди.

— Қани, Азизжон, қандай кино бўлди? Айтиб бер-чи?

— Ҳа, ҳа, қани!

Жияним кинони бир бошдан ҳикоя қилишга тушди. У экранда кўрган ҳар бир одамнинг гап-сўзини ўхшатиб, оқизмай-томизмай айтиб, юз ифодаси-ю, оёқ-қўл ҳаракатларини кўрсатиб бера бошлади. Мушглашиш ва жанг манзараларини кўрсатаётганида, супадан сакраб ҳовлига тушди. Ҳамма қатори мен ҳам Азиздан кўз узмай, унинг хатти-ҳаракатларини томоша қилиб ўтирдим.

— Синдбод ёнидаги қиличини шартта суғуриб олиб, анув томдай девнинг олдига бостириб борди. Кейин шақира-шуқур, шақира-шуқур, шаққ-шуққ!.. Шақира-шуқур...

Супадагилар мириқиб, кўзларидан ёш тиркираб чиққунича кулишди. Мен ҳам уларга қўшилиб кулдим. Азиз нафаси етгунча «шақира-шуқур»лаб, ҳикояни давом эттирди. Скелет билан қиличбозлик қилган жойини жияним бутунлай тўқиб-чатиди. Чеккада ўтирган жойимдан гап қўшдим:

— Йў-ўқ, ундай эмасди. Синдбод...

— Сен жим! Азизжон ўзи яхши гапириб бер-япти!

Отам билан онам бараварига менга ўқрайиб, оғиз очгани қўйишмади. Жимиб қолдим.

Азиз панжаларини ёйиб, икки қўлини икки ёнга тарвақайлатганича девнинг ҳамла қилишини кўрсата-



ётиб, яна ёлгон кўшди. Ўша жойда дев ҳеч нарса демаган, фақат ўкирган эди, холос. Аниқ эсимда! Азиз эса оғзига келганини кўшиб юборяпти.

— Ў, Азиз, алдама, дев ҳеч нарса...

— Аралашмай ўтир! Азизни адаштириб юборасан!

Бу сафар онам билан отам бараварига жеркиб беришди. Азизнинг отаси кулиб турган бетига жиддий тус бериб, менга хўмрайиб қаради. Нафасим ичимга тушиб кетди. Кўзим филт-филт ёшланганини сезди-маслик учун бошимни эгиб, чурқ этмадим. Катталар буни пайқашмади.

Азиз Синдбоднинг саёхатларини яна узоқ ҳикоя қилди. Катталар ҳў-ў кечасигача ундан кўз узишмади.

Ниҳоят, ўрин солинди. Онам, жияним, кейин мен — қатор ётдик.

— Буви, матал айтинг. Ҳа-а, буви, айта қолинг...

— Айтаман, болам, айтаман, сен аввал жойлашиб ётгин, болишнинг тугмаси бошингга ботмаяптими? — Онам ёстиққа ёнбошладилар. — Бир бор экан, бир йўқ экан, қади-им ўтган замонда...

Эртак ярмига етар-етмас жиянимнинг бир текис нафас олиши эшитилди. Онам кўрпанинг чеккасини Азизнинг елкасигача тортиб, бошларини ёстиққа қўйдилар. Мен бошимни кўтардим.

— Ойи, давомини айтинг.

— Секин. Овозингни чиқарма! — Онам оҳиста, таҳдидли шивирладилар.

— Айта қолинг, ойи.

— Жим, деяпман. Бўлди, ухла!

Кўрпани юзимга тортиб, кўзимни очиб ётдим. Эртакнинг давомини ўзимча тўқишга уриндим. Кўз олдим жимир-жимир қилади: ранг-баранг излар, нақшлар, ўргимчакнинг уясига ўхшаш чизиқлар. Жилвакор чизиқлар ўртадан чеккага етганда яна ўртага келиб қолади, яна боягиндай алфозда чеккага сурилаверади. Айқаш-уйқаш чизиқларни кўзим билан кузатиб-тутиб, тутиб-кузатиб, жиянимнинг пишиллашига қулоқ соламан, сал ўтмай унга онам қўшилдилар.

Кўрпа остидан аста бошимни чиқардим. Ҳовлида — супа тепасида ёниқ қолган чироқнинг хира шугъласи биз ётган уйнинг зич қилиб терилган кўк тоқиларини аранг ёритиб турибди. Қоп-қоронғи уйда бир ўзим, якка-ёлғиз ётганга ўхшайман.

— Буви, матал айтинг. Ҳа, буви... Буви эмас, ойи, дейман!.. Азиз бувини «був» дейди, эртақни «матал» дейди!.. Мен ойи, дейман, чўпчакни охиригача айтиб бера қолинг, деб айтмаганларига қўймайман!.. Жудаям эшитгим келяпти-да!..

Шивирлаб-шивирлаб такрорлайвердим, такрорлайвердим, катталарни бир оғиз сўзда ийдирадиган жиянимга ҳавасим келди. Шунинг учун Азиз онамдан сўрайдигандек сирли, таъсирчан оҳангда айтишга уриндим, уринавердим. Ўзимча жуда-жуда ўхшатган бўлдим, янаям ўхшатишга тиришавердим... ухлаб қолдим...

1989 йил.

## КЎЧИШ

«Уйлар бузилар эмиш, ҳамма ҳар ёққа кўчармиш», деган овоза тарқаганда бу янгилик қандай ўзгаришлар олиб келишини улар тушуниб етишмаган экан. Қўшни кўчадаги уйлар ўрнида кенг яланглик ҳосил бўлгач, Кайковузга тўғри йўл очилди-ю, болаларнинг қувончига қувонч қўшилди. Қачонгача чўмилишга бориш учун икки кўча айланиб юришади! Адҳамларнинг уйини бузишаётганда улар «бузиш, бузилиш» деган сўзнинг шунчаки оддий сўз эмаслигини биринчи марта ўйлаб қолишди. Адҳамлар энди қаерда яшайди?..

Ҳозир ҳамма ўз уйини бузишга тушган. Танкага ўхшайдиган трактор ҳайдаётган малла киши катта-ю кичикка таниш бўлиб қолди. У навбати билан уй бузишга ёрдамлашяпти.

Ҳар жой-ҳар жойда эски-туски тўсин, ёроч, фишталар уюб-уюб тахланган. Бузилган уйлар ҳовлисидаги дарахтларда пишай-пишай деб турган олма, ноклар, сўриларда осилиб турган шифил-шифил узум бошлари оппоқ чангга беланган. Нок қоқиб, ё сўри-

га тармашиб узум узсанг ҳам катталар индашмаяпти. Уйлар бузилгани сайин дунё кенгайиб қолаётганга ўхшайди. Ўзларининг тор, боши берк кўчаларидан камдан-кам узоқлашадиган болалар учун энди тўрт тараф кенг майдон.

Зиёд билан Музаффар яланг оёқларини билқиллаган тупроққа бир-бир босиб келиб, сургичи ерга ботиб турган трактор кабинасига чиқишди. Музаффар ҳайдовчига тақлидан ричагларни ушлаб-ушлаб трактор бошқараётганини ҳеч ким кўрмаётганидан афсусланар эди. Зиёд эса негадир жим, бугун у ҳайдовчининг ўрнини талашмади ҳам. У калта иштонининг липпасига қистирган ёнроқларини пайпаслаб, пичирлаб санар, дам-бадам ўртоғининг майкаси остидан дўмпайиб кўринаётган ёнроқларга кўз югуртириб қўярди.

— Музаф, Беҳзодни чақирмаймизми?

— Опаси чиқармайди. Чойини ичиб дастурхонни йиғиштиради, кейин опаси «хўп» деб розилик бермагунича кўчага жилмайди.

— Чақириб кўрайлик-чи...

Шу пайт орқа томондан пусиб келган Беҳзод тракторнинг занжирли оёғига сакраб чиқди. У ҳам майка, калта иштонда, қўлида бурда нон, иккита конфетни кафтчасида сиқимлаб турар эди.

— Опанга кўринмай қочибсан-а? — деди Музаффар кўзини конфетдан узмай. — Биттасини чўз, Зиёд билан бўлишамиз.

Беҳзод Музаффарга, кейин Зиёдга иккала конфетни улашди-да, тупугини ютиб-ютмай гап бошлади:

— Эрталаб уйғонсам уч киши уйимизни бузяпти! Бугун бутунлай кўчамиз. Дадам айтдилар.

Бизникини эртага тракторда бузишади, — дея ваҳима қилишга тушди кўзларини олайтирганича Музаффар, лунжини шишириб. — Томоша бизаникида бўлади.

— Бизникини бузиб бўлишганидан кейин силаникини бошлашар экан, — деди Беҳзод. — Дадамдан эшитдим.

— Менга тракторчи амаки айтди, — деб гапини тасдиқлади Музаффар.

— Беҳзодларнинг уйи бузилмай силаникига трактор киролмайди, — деб луқма ташлади Зиёд.

Музаффар шундагина одофида якка тавақали кўча эшиклари кўриниб турган тор кўчага қаради.

— Биз Йўлдош амакимгиларнинг даласига кўчамиз, — деди Беҳзод Музаффарнинг паст тушганидан дадиллашиб. — У ёқда-чи, қовун-тарвуз, узум, ҳамма нарса бор. Катта ҳовузда маза қилиб чўмиламиз. Ҳовлимиз бу ердагидан ҳам кенг экан.

— Бизнинг уйимиз бешинчи қаватда. Деразадан ҳаммаёқ кўринади. Кейин, ҳар куни ваннада чўмилаверамиз, «Жигули»нинг камерасини ташлаб кетаман. Керакмас...

Зиёд бирорта нарчасини бировга раво кўрмайдиган Музаффарга жим, маъносиз тикилди. Кейинги кунларда унга катталарнинг нуқси урган, ҳозир ҳам ўртоқларининг баҳсига ёшига ярашмаган босиқлик билан қулоқ солиб турар эди. Айниқса, у кеча Адҳамлар кўчи ортилган машинанинг кетидан анча жойгача қийқиришиб, хайрлашиб боришга борди-ю, сўнг бир нарчасини йўқотган одамдай паришон бўлиб қолди. «Беҳзодлар далага кўчишади, Музаффар дўмга, — хаёлидан ўтказди у, — яна бир кун ўтгач, биз. Ундан сўнг бу ерда ҳеч ким қолмайди. Ҳеч ким...»

— Музаф! — деди Зиёд Музаффарга қараб. — Уйилани бузишса сен маза қилиб томоша кўрасанми?

— Нариги кўчадаги уйларни бузишаётганда ўзинг ҳам кўрдинг-ку. Трактор худди танкага ўхшайди. Тракторчи амаки эса уруш киноларда бостириб келадиган фашистнинг ўзгинаси. Ёмонми?!

— Уйилани ким қурганини биласанми? — сўради Зиёд Музаффарнинг гапига эътибор бермай.

— Дадам!

— Бекор гап! Дадангни бувасининг катта бувалари қуришган. Тушундингми? Калковузда биргалашиб чўмиламиз, камерада ётиб узоқдан оқиб келамиз дегандинг. Дўмдаги ваннани эшитиб, энди анҳорда чўмилмимиз дейсан. Қизларга ўхшаб!

Беҳзод кулиб юборди. Музаффар унга жавоб топиб улгурмай, учала ўртоқнинг хаёли бўлинди.

— Керосин-инин!

Улар катта кўчанинг бошланишидаги муқолишда кўринган от-аравага баравар қаралди. Қарашди-ю, трактор ҳам, жанжал ҳам эсдан чиқди.

— Кетдик, осиламиз! — деб огоҳлантирди Беҳзод овозини пасайтириб, — югуриб борсак керосинчи амаки сезиб қолади.

— Анув куни арава ёнимдан ўтишини кутиб турдим-да, шартта осиддим, хипчин ширт этиб тушди! Қочиб қолдим, — деди Музаффар кўрсатма беришда давом этиб. — Оёқни араванинг орқа ўқига қўйиб, бошингни бочка панасига яширсанг амакига кўринмайсан. Сезиб қолса ҳам, чол ўтирилиб қарагунча қочворамиз.

Бу пайтда арава улар турган жойга яқинлашиб қолган, дўпписига газета парчасини қистириб соябон ясаб олган керосинчи чол жиловни бўш қўйганидан қари от йўрон, тақаси тушиб кетган оёқларини эриниб ташларди.

Чол лампа мой юқларидан қорайиб, ялтиллаётган тунука карнайни лабига яқинлаштирди, бўғиқ, паст овозда хирилади: «Керосин-инин!» Кўчанинг нариги томонидаги тор кўчадан ўн икки ёшлар чамаси қизалоқ югуриб чиқди. От тўхтади. Чол инқиллаб тушди, хипчинни этик қўнжига суқиб, араванинг орқасига ўтди. Қизнинг қўлидан кичкина шиша банкани олиб, унга лампа мойи соларкан: «Нима бўлади бу?» деб қўйди. Чол саволига қандай жавоб эшитишини билса ҳам, қизалоққа қандайдир гап қотиш ниятидагина гапирган эди. Қизча қўлидаги тангани бериб, «Бир-икки кунга етса бўлди, кўчяпмиз», деганча кўчасига кириб кетди.

Араванинг жилишини пойлаётган Беҳзод, Музаффар, Зиёд керосинчи чол кутилмаганда улар томон келаётганидан тараддуланиб қолишди. Музаффар бирон кор-ҳол юз берса деган ўйда тупроғи кўпчиб ётган йўлни, чала-ярим бузилган уй томонни мўлжаллаб қўйди. Зиёд нима қилишини билмай жойидан жилма-

ди. Болалар салом беришни ҳам унутишган эди. Уларни бу қийин аҳволдан Беҳзод қутқарди.

— Амаки, бизаям кўчаяпмиз, — деди у чолга қараб.

Чол оҳиста келиб, ярми бузилган девор соясига иккита гиштни устма-уст тахлади, шошмайгина чўқди.

— Ҳа-а, кўчаяпсизлар... Қайси томонга? — дея кўзларини қисганча Беҳзодга қаради у.

— Далага.

— Қайси далага?

— Амакимгиларни даласига.

Чолнинг офтобда қорайган афти буришиб, кўзлари юмилди — жилмайди. Болалар унга яқин келишди.

— Силар қаёққа кўчяпсилар? — деб сўради у Музаффар билан Зиёддан.

Чол сўроғини тугатгунча Музаффар «дўмга» деб улгурган, Зиёд энди оғиз жуфтлаётган эди.

— Ҳой, муаллимнинг ўли, силар ҳам домга чиқасизлар-а?

— Ҳа, — деди Зиёд.

— Ака-опаларинг кўп эди шекил, нима, ҳаммаларинг битта жойда яшайсиларми?

— Йўқ. Бувим, катта акам, кеннойим, чақалоқ бошқа уйда туришади. Биза бошқа уйда. Яқин экан. Бувим билан чақалоқни кўргим келса битта ўзим чиқиб келавераман... Бувим тўртинчи қаватта қандай чиқиб-тушаман деб йиғладилар...

— Шўрлик...

Зиёд бу сўзни яхши тушунмаса-да, унинг оҳангидаги ўзи билмаган хазинликни туйиб, бувисига кечагидан ҳам қаттиқроқ ачинди.

Оқшом қоронғи тушганда бувиси ичидан кўч-кўрон олиб чиқилган ҳовли этагидаги пастак уйга кириб пахта толасидан ўзи ясаган пиликни ёқди-да, алламаҳалгача ўпа ерда ўтирди. Зиёд шийпонда ётганича ухламай бувисини кузатди. Анчадан кейин бувиси уйдан чиқиб, ҳовлида тимирскиланиб юрди. Зиёдни кўзи илинай деб қолган экан.

— Буви, нима қилдиз? — деб сўради у бошини ёстикдан кўтариб.

— Чироқ ёқиб қўйдим, болам, — деди бувиси Зиёдни ётқизиб, елкасига кўрпасини тортар экан.

— Нега? — яна сўради Зиёд уйқуси ўчган кўзларини пирпиратиб.

— Зиёд, кўзичорим, бувангни яхши кўрасанми?

— Ўзларини кўрмаганман-да.

— Катта уйдаги осиглиқ расмда кўргансан-ку.

— Яхши кўраман...

— Ўша буванг ана у этакдаги уйда ўлиб қолган.

— Нега, буви?

— Жудаям қариб, чол бўлиб қолганлар-да.

— Ўша ерга чироқ ёқса нима бўлади?

Бувиси Зиёдни қучиб, бармоқлари билан унинг сочини силади.

— Ким бувасини яхши кўрса, ҳурматласа, чироқ ёқади, эслайди... Сани аданг катта қиляпти-а?

Зиёд индамай бошини лиқиллатди, кейин, «Сиз, опам...» деб қўшиб қўйди. Бувиси уни ўпди.

— Адангни буванг боқиб, катта одам қилганлар... Мана шу ҳамма уйларни-чи, болам, буванг, бувангнинг оталари қуришган. Мен, сен, акаларинг шу уйда яшадик. Энди уни бузишади.

— Бувам ўлиб қолган уй ҳам бузиладими?

Кампир пайпаслаб, кафти билан неварасининг овзини беркитди. Унинг семиз, юшоқ бармоқлари титрар эди. У бир неча дақиқа жимиб қолди, сўнг гап қотди.

— Ҳаммасини бузишади...

— Кейин қаёққа чироқ ёқамиз?

— ...

Сокин тунда давом этаётган буви билан неvara шивирини Маъмир муаллимнинг жеркиши бузди.

— Қўйсангиз-чи, ойи! — деган овоз эшитилди нарироқдаги ёлғиз сим каравот томондан. — Ёш болага шу гапларни уқтиришнинг нима ҳожати бор?! Катта бўлганда ўзи билиб олади!

Афтидан кампир худди шу гапни кутаётган эканми, бошини ёстиқдан узиб, ўғлини янишга тушди:

— Чироқ ёқсам, ирим десанг, болангта ўғит қилсам нима ҳожати бор, десанг. Тутуриринг борми, ўзи?! Шу ақлинг билан сенга муаллимликни ишон-

ган ҳукуматга ҳам ҳайронман. — Кампир сўз тополмай тўсатдан тўхтаб олди-да, зум ўтмай энди гина, шикоят аралаш давом этди. — Тўрт-беш кунлигим қолди, шу уйни буздирмай туриш чорасини топ десам, уддасидан чиқмадинг. Битта ҳовли олармиз, одамларга ўхшаб етти пуштимизга етадиган қилиб уй-жой солармиз десам қўлинг калталиқ қилди, энди чироқ ёқманг, боламга бунақанги насиҳат қилманг дейишингга куяйми!

— Ойи, боланинг кўнгли эзилмасин, деяпман.

Кампир сўри суянчиғига кўксини бериб чўккалаб шу кўйи узоқ жанжаллашадигандек жойлашиб олди.

— Мен ҳам эзилсин демаяпман. Фақат эс-ҳушини таниганида мана бу жойларни эслолмаслигини ўйлаяпман. Ота-бобоси умр кечирган ҳовли-жойни билмаса, уларнинг ўзларини хотирлашни қаердан билади?!

Маъмир муаллим ётган каравотнинг сим тўри қаттиқ, беўхшов ғижирлади, ҳовлига жимлик чўқди. Муаллимнинг гавдаси чангақдек букилиб, кўрпа остига кўмилди. Яримта ойнинг хира шуъласида дўмпайиб кўринаётган кўрпа остида жонли тана ётгани сезилмас эди.

— Боланинг эртага улғайишини ҳам унутма-да! Буларнинг кўнгли сан билан маникидан нозикроқ...

Кампир жаҳлга минганда уни шаштидан тушириш қийин эмас. Маъмир муаллим бу сафар ҳам «бир гапдан қолди-ю» онаси жим бўлди-қўйди. Зиёд катталарнинг жанжалига аралашмай ўзини ухлаганга солди.

Бу маҳалладаги харидорларидан ҳам ажралаётган кerosинчи чолнинг кўнгли ишдан тамомила совиган. У болалар билан анча вақтгача элакишиб ўтирди. Болалар эса сира-сира ажралмай катта бўлишга аҳдлашишгани, лекин биринчи бўлиб Адҳамлар, бутун Беҳзодлар кўчиб кетаётганини, энди бир-бирларини кўришолмаслигини ачиниб айтиб беришди.

— Битта мактабда бирга ўқиёлмаймиз ҳам, — деди Музаффар Беҳзодни қучоқлаб. Зиёд уларнинг икковини қучди.

Жўраларнинг беғубор хатти-ҳаракати, самимий гап-



сўзидан таъсирланиб кетган чол ёшларга хос эпчиллик билан қаддини ростлади-да, «Мининглар», деганча араваси томон юрди. Болалар кутилмаган марҳаматдан юраклари ёрилгудек бўлиб аравага ёпирилишди. Қойил! Доим тажанг, хўмрайган, болаларни яқинлаштирмайдиган керосинчи амаки бугун ўзи аравага чиқаряпти. Бунақаси бўлмаган!

Улар туртина-туртина аравага тармашиб, чолнинг ёнига тизилишди.

— Эҳ, Адҳам бўлганда у ҳам минарди-да, — деди Зиёд ачиниб.

Уч оғайни «катайса» қилиб, катта кўчанинг охиригача, яна уч-тўртта тор, узун кўчаларга кириб чиқишди. Амаки аравани икки марта керосин сотишга тўхтатганда отнинг жиловини болаларга ишониб бериб қўйди. Арава катта кўчага қайтиб чиқиб, эрталаб келган томонига юрди. Болалар ўз уйларидан ҳам ўтиб, ҳув узоқдан қайтишга келишиб олишди. Бироқ аравага минишган жойга келишганда Беҳзодларнинг кўч-кўрони ортилаётганини кўришди. Беҳзод аравадан ўзини пастта отиб, уйлари томон чопқиллади. Музаффар билан Зиёд ҳам «Хайр, раҳмат», деганча аравадан шошилинич тушишди. Улар кўч ортилаётган машина атрофини айланиб, Беҳзоднинг ортидан ҳар ёққа эргашар, бу ҳолат узоқ сафарга отланган поезд тўсатдан силжиганда саросимага тушган кузатувчиларнинг аҳволини эслатарди.

Беҳзоднинг дадаси шип-шийдам бўлган ҳовлини, пойдевордаги ёшишлари қазиб олинган хоналарни бирма-бир айланиб чиқди. Кейин, «бўлди-да» деган оҳангда қўлини силтаб машина томон яқинлашар экан, «Тамом, кетамиз!» деб фармойиш берди. Уч оғайни бир-бирига тикилганча жавдираб, гап-сўзсиз туришар, улар бу қадар осонлик билан ва бир зумда хайрлашишни кутишмаган эди.

— Музаф, ўртоқ! — деди Зиёд, — камерангни Беҳзодга бериб юборақол. Уларнинг даласида ҳовуз бор экан.

Ҳалол ўйинда ютқазган ёнғоғини минг фирром билан базўр бошқаларга раво кўрадиган, шунда ҳам кўзи

қиймас, ютқазган ёнғоғини балаңд томга иргитиб юборадиган Музаффар бу сафар Зиёднинг гапини эшитди-ю, уйи томон везиллади. Беҳзод дадасига «Ҳозир!» деганча Зиёд билан алланарсаларни гаплашар, кабина зинасида турган дадаси эса кафтини соябон қилиб, паҳсаси кўриниб қолган уйларга, вайронага айланган ҳовлининг бурч-бурчларига яна бир бор кўз югуртирарди. Унинг қарашларида шошилаётганидан бошқа маъно уқиш қийин эди.

Музаффар камерани дам кўтариб, дам ғиддиратиб тор кўчадан чиқиб келди. Беҳзод Зиёдни қаттиқ кучоқлади, ўпди, сўнг югуриб бориб, бир қўлаб камерани, иккинчиси билан Музаффарнинг бўйнидан қучди. Ўпишишди.

— Раҳмат, оғайни! — Беҳзод дўстига хижолатомуз тикилди. — Борсаларинг бирга ҳовузда чўмиламиз.

— Бўпти! Сен ҳам... — Музаффар гапини тутатмади. Беҳзодларнинг уйига қандай боради-ю, Беҳзод уларникини қаердан топади. Дадалари олиб борармикан. Ахир катталар кўч-кўрон билан овора, болаларнинг ўртоқчилиги уларнинг хаёлига келармикан...

Юк ортилган машина кетма-кет бибиблади. Беҳзоднинг дадаси: «Сенларнинг хайрлашишинг қийин бўлди-ку», деганча жеркиб келиб, ўғлининг кўлидан тутди-да, кабина томон етаклади.

— Ҳой, барака топгур! Менга қара! — Боядан бери иккала қаноти олинган дарвоза кесақисига суяниб, қўшниларнинг кўчаётганини кузатиб турган Зиёднинг бувиси илдам юриб машинага яқинлашди. — Бир зум сабр қилсангиз дунёнинг ишлари битмай қоладими? Сиз билан биз дардимиззи ичга ютиб кетаверамиз, булар бола-ку! Уларнинг ҳам райига қараш керак-да. — Буви жаҳли чиққанидан дам Беҳзоднинг дадасига, дам бошқа қўшниларга қарата сўзларди.

Шошилинича насиҳатғўйлик бошланганидан гижинган Беҳзоднинг дадаси ўғлини тутган жойда тўхтаб қолиб, кампирнинг бемаврид ўтитларини бетоқат эшитди. Сўнгра, «Хўп бўлади бувижон, хўп, буларнинг райига янги жойларда қараймиз. Бизга оқ

фотиҳа беринг», деб кампирни юмшатишга уринди. Кампир жаҳлдан тушмаганига қарамай дуога қўл очди. У қўлини юзига тортишга улгурмай Беҳзоднинг дадаси ўғлини судрагудек бўлиб йўлида давом этди. Машинага яқинлашганда «Музап» сўзи қингир-қийшиқ ёзилган камерани Беҳзоднинг қўлидан юлқиб олиб, уни юклар орасига ирғитди, кабинага ўғли билан кетма-кет кирди-ю, машина эшигини қарсиллатиб ёпди.

Зиёд билан Музаффар машинанинг ёнида югуриб боришмади, улар у ер-бу ерда омонат туриб қолган қўшнилар ёнида худди ипи узилиб, варраги олислаб кетаётган боладек бўшашиб қолишди. Зиёд Беҳзодга қандайдир муҳим гапни айтиш имкони сира-сира бўлмайдигандек юраги увишди. Кўч ортилган машина бузилган уйлар орасидан катта кўчага чиқар-чикмас Беҳзоднинг дадаси итқитиб юборган камера тиккасига қўйилган шкафга урилди, кейин стол қирраси, сўнг борт тахтасидан сапчиб, юриши тезлашиб, қуюқ чанг кўтараётган машина филдираги остига «дўп» этиб тушди...

1984 йил.

## ҲАШАРЧИЛАР

Қишлоғимиздаги барча хонадонга ҳашарчилар жойлашишди, бизникига эса ҳеч ким кирмади. Фаффорларнинг ҳамма уйи ҳашарчиларга тўлди. Ўшаларнинг ярми бизникига чиқса ҳам бўларди, афсуски, мен айтолмайман-да. Ҳафсалам пир бўлиб бўшашиб турганимда автобус ёнида шивирлашиб гаплашаётган ҳашарчиларга кўзим тушди. Негадир кўнглимга улар бизникига киришади, деган фикр келди. Бўлмаса, ҳашарчилар кела бошлаган биринчи кундан «ҳашарчилар бизникига ҳам кирсин», деб неча марта эландим, дадам эса «бизникида жой йўқ», деб гапни қисқа қилавердилар. Иккита хонамиз бўм-бўшлигини, ўша уйларда етти-саккиз ҳашарчи бемалол жойлашиши мумкинлигини айтолмадим.

Автобус ёнида турган беш нафар кишининг биттаси кўзойнакли, ёши каттароқ экан, биламан, ўша ҳашарчиларнинг директори. Ана, биргад ҳам фақат ўша одам билан гаплашяпти. Айтдим-ку, ўйлаганим тўппа-тўғри чиқди, улар биз томонга келишяпти!

— Қани, катта йигит, отанг уйдами?

Биргаднинг сўровини охиригача эшитмай уйга физилладим.

— Ота! Ота! Сиззи биргад чақиряпти! — дедим энтикиб. Отам пинагини бузмай ўтирган жойидан жилмади, кейин, бир неча дақиқадан сўнг «ҳозир» деб шошилмай ўрнидан турди. Мен Холбой акамни четга тортиб, шошиб-пишиб куловига пичирладим: «Бизникига ҳашарчилар келяпти!»

Холбой акам бўшанг. Шундай гапни эшитмай «А, нима дединг?» деб сўраганига хунобим ошиб, у алай-балай дегунча мен отамнинг кетидан етиб бордим.

Ҳамманинг ҳовлисига тап тортмай бақириб-чақириб кираверадиган биргад бизникига дарвоза ҳатлаб қадам босмайди. Отам чиққанида биргад дарвозамиз рўпарасидан оқиб ўтадиган ариқ ёқасида сувга термилиб турар эди. У отам билан кўришиб, баланд овозда ҳол-аҳволлашди. Кейин овозини сал пасайтириб, отамга ниманидир уқтира бошлади.

— Қишлоқда ҳашарчи олмаган бирорта хонадон қолмади. Шаҳардек жойдан ёрдамга келса-да, биз уларга бошпана топиб беролмасак...

Отам бош эгиб, ерга қараб турар, қўлларини орқага боялаган кўйи оёғининг учида ер чизар эди. Биргаднинг овози янаям пастлашди. Автобус ёнидагиларга ишора қилди. Бугун яна ўн автобус ёрдамчи келганини, уларнинг ҳаммасини жойлаштиргунича кун кеч бўлаёзганини айтди.

— Ўн автобус ёрдамчи терадиган пахта қолмади-ку, далада, — деди отам норозиланиб, худди биргаднинг ташвишини осонлаштирмоқчи бўлгандек вазмин оҳангда.

— Бу ёғини сиз минан мендан сўраб ўтиришармиди, барака топгур, менга қолса...

Мен отамнинг нега шунчалик тихирлик қилаётганига ҳайрон бўлсам-да, унинг рози бўлишини, ҳозир «майли» деб юборишини кутиб, ичим таталаб кетаёзди. Ниҳоят, отамнинг овози эшитилди:

— Сен уйга киргин, — деди у тўсатдан менга ўгирилиб, кейин дарвозадан киришимни кутиб тургач, гапида давом этди. — Жоним билан... уйимнинг тўрини... — Кулоғимни ҳарчанд динг қилмай отамнинг сўзлари чала-ярим эшитилди. — Майли... тинчлик бўлса бас...

— Булар ўқиган, тушунган... бежавотир, — деди биргад.

Отамнинг розилигини билишимиз ҳамоно Холбой акам билан югуриб бориб автобустга чиқдик. Автобус эшигини дарвозамизга рўпара қилгач, ҳашарчиларнинг йиғма каравоти, ўрин-кўрпаю ўраб-чирмалган халталарини тушира бошладик.

— Баракалла, шоввозлар! — деди ҳашарчилардан бири елкамга қоқиб. — Чаққон бўлинглар, ҳеч нарса қолмасин.

Қоронғи чўкаёзган, жимжит ҳовлимиз ёришиб кетгандек, говур-гувур ва кулгидан жонлангандек бўлди.

Ҳашарчилар жуда валати одам бўлишади, улар биз сира эшитмаган, етти ухлаб тушимизга кирмаган воқеаларни айтиб беришади, кўтариб юрадиган приёмниклари, магнитофонлари бўлади. Фақат... онамнинг жаҳди ёмон-да...

Ҳашарчилар ошхона ёнига тушган бўм-бўш уйга киришлари билан йиғма каравотларни ёйиб, ўрин-кўрпаларини тўшашга киришишди. Дераза тоқчасидаги магнитофондан шўх куй янгради.

Айтмадимми! Икки ҳатлаб магнитофон тепасига ўтдим. Мўйлабли, шимининг киссасига шернинг расми туширилган ҳашарчи исмимни сўраб қўлимни сиқди-да: «Шу магнитофонни эшитиб юраверасан», деди. «Хўп», дедим. «Энди Ғаффорларникига ҳашарчиларни кўргани чиқмайман!» дедим.

Магнитофонга елимланган расмларга анграйиб турганимда кўзойнакли директор келиб, унинг овозини пасайтириб қўйди.

— Йигитлар, — деди у нимадандир эҳтиёт бўлаётган одамдек паст овозда, — мен штабга бориб келаман. Сизлар жойларни солиб дам олинглар. Ташқарига чиқмай, шовқин солмай ўтиринглар. Мен тезда қайтаман.

Директор жўнаши билан магнитофонни баландлаштирди. Деворнинг етти-саккиз жойига газета қоқишди. Эски, ҳеч ким яшамайдиган, ярим омбор вазифасини ўтайдиган уйимиз бирпасда чиройли, шинам бўлиб қолди. Бешта каравот, унга ёзилган чиройли адёллар топ-тоза, улар устида оппоқ қоп чойшабга тикилган ёстиқлар. Эшикнинг ёнгинасида деворга каттагина кўзгу осиб қўйишди.

Ҳашарчиларга ҳавасим келди, катта бўлсам мен ҳам шаҳарга бораман, ўртоқларим билан ҳашарчи бўламан! Ҳа, албатта бўламан!

Тўртов ҳашарчи каравотга чўзилиб энди дам олишаётганида, улардан бири ўрнидан ирғиб туриб гап бошлади:

— Ётсак ётаверамиз. Қорин ҳам сурнай чалаяпти. Ҳаммамиз ёпирилиб ошни бошлаб юборсак қалай бўларкин?

Таклиф маъқул келди шекилли, яна тапир-тулур бошланиб кетди. Хонтахта устида пичоқ, сабзи, гўшт, пиёз пайдо бўлди.

— Қани, жиян, — деди мен билан биринчи танишган ҳашарчи йигит, — ошхонага бошла-чи. Онанг уйдами, бир минутта чақириб юборгин.

Онам ҳар куни оқшом чоғи ҳовлидаги чироқларни ёқдирмай сўрининг лабида қўл қовуштириб, элас-элас кўзга чалинаётган олислардаги юлдузларга тикилаётгандай қотиб, ўйга чўмиб ўтирар эдилар. Ҳашарчи йигит билан ташқарига чиққанзимизда онам одатдаги алфозда осмонга мўлтираб ўтирган эдилар. Ҳашарчи йигит онамдан ҳол-аҳвол сўраша кетди. У тез-тез, кулиб, очилиб-сочилиб гапирар, онам эса ҳар куни ўн карра кўриб, учратиб юрган одами билан гаплашаётгандай жиддий, пинагини бузмай, ҳашарчи йигитнинг эътибор қозониш ниятидаги чираниб гапиришларига парво қилмай калта-култа жавоб қайтарди. Онамининг авзойини тездан илғаш маҳол эди.

— Бугун бизнинг қўлдан бир ош ейсизлар-да, янга, — деди у ҳамон онамдан жонланиш кўришга умид боғлаб.

— Ошхона анёқда!

Онам шундай деб бетини терс бурди.

Мўйлабли ҳашарчини мен ошхонага етакладим. Йигит ошхонага кирди-ю, «вой, ву-у» деб юборди. У остонадан ўтган жойида тўрт ёққа аланглаб ошхонани кўздан кечирди, сўнгра қозонга яқин келиб, қоп-қорайиб чирк босган тахта тувоқни икки бармоғининг учида ирганиб кўтарди, қозонга мўралаб «Ҳм-м...» деб турди-да, чўзиб ҳуштак чалиб юборди.

Шу пайт ошхонага шошиб отам кирди. У ҳашарчи йигитнинг қўлидан тувоқни олиб қўйди-да, дам чўмич илирлоқ қозиқни, дам идиш-товоқлар айқаш-уйқаш тахланган тандирнинг ичини кўрсатиб, пойинтар-сойинтар гапира кетди. Мен отамни бундай аҳволда сира кўрмагандим. У ё шошиб қолганидан, ё хижолат чекканидан нима демоқчи бўлаётганини ўзи ҳам билмаётган эди. Охири ўзини босиб:

— Тўхтанг, ука, — деди ҳашарчи йигитнинг юзига қарамай, — сиз масаллиқни тайёрлаб турунг, буларни... қозонни, капгирни ювиб қўяман.

Отам кўпинча ўзи овқат пиширарди, лекин қозон-товоқ ювганини ҳечам кўрмаганман.

Ҳашарчи йигит: «Йўқ, ўзимиз ҳаммасини бошлаймиз», деди-ю, ўзи уйга кириб кетди. Ичкарида нимадир деди, кетидан шериклари уйни бузиб юборгудек бор овозда ха-холаб юборишди. Мен эса мўйлабли йигитнинг изидан қолгим келмасди.

... Отам ошхонадан чиқиши ҳамоно мўйлабли йигит қозонни қайта-қайта ювди, негадир капгирни ўчоқда ёнаётган оловга узоқ тоблади. Кўп ўтмай қозон жазиллаб, ҳаммаёқни ёқимли ҳид тутиб кетди.

Тўртовлон ҳашарчи ошхонага кириб олишгач, бири олиб-бири қўйиб ҳазиллашар, бир жуфт жаздан ол, деб мўйлабли йигитни шоширишар эди.

Қозонга сув солишганда ҳашарчиларнинг директори терлаб-пишиб ошхонага кирди.

— Нима қияпсизлар, — деди у кўзларини олайтириб қозонга аланглар экан, — намунча ҳовлиқмасаларинг? Мен у ёқда жой гаплашиб келдим-ку!

Директор қозон-ўчоққа, девору шипларни қоплаган ёғ аралаш дуд-исларга аланглаб афтини бужмайтирди, бошини сарак-сарак қилди.

— Ишни хом қилибсизлар, — деди у бўшашиб, — шу ерда ош дамлаб, ошхўрлик қилиб бўладими? У ёқ-бу ёққа қараларинг, табиатларинг кўтарганига балли-е!

— Ҳаммасини обдон тозаладик. Капгирни ўзим ўтга тобладим, — деди мўйлабли йигит.

Унинг гапи директорга ёқмади.

— Мен жой излаб юрибман. Шу ерда ош дамлаб, ош еб бўладими, деяпман?! — Директор овозини пасайтирди. — Эртага ўша ёққа кўчсак ошни бемалол дамлайверардик, кўнгил тортиб ўтиришардик ахир!

Йигитлар жим бўлиб қолишди. Ичимда нимадир шув этиб кетди.

— Жойлашиб олдик-ку? — деди йигитлардан бири савол аломати билан директорга яқин келиб. Тўртала ҳашарчи директорни ўраб олди. Мен тўдадан чеккада қолиб кетдим. Директор товушини чиқармай шипшиди:

— Хотини... экан... — У кўрсаткич бармоғини чеккасига нуқди. — Ҳа-а, ана, ану сўрида ўтирган...

Мен турган жойимда серрайиб, устимдан совуқ сув қуйиб юборгандай қотиб қолдим. Нима қилишни, ош-хонадан қочиб чиқишни ҳам, ҳашарчилар ёнида қолишни ҳам билолмадим, назаримда оёқларим ерга михлангандек эди. Баданим қалтираб, тишларим такиллади, тилим айланмай қолди. Онамнинг шундай эканини бировлар оғзидан биринчи марта эшитишим эди. Отам роса жиғибийрон бўлиб, хуноби тошиб кетганида ҳам онамни «Э, жаҳли ёмоним-е!» деб койир, бундай койиш менга койишдан кўра, эркалаш бўлиб туюлар, мен Холбой акам билан у ҳақда сира-сира ўйлаб ҳам кўрмаган... бу ёғи... қачо-он тонг отади-ю, ҳашарчилар қачон директор топиб келган ўша жойга кўчишаркин...

1983 йил.



Елиб-югуриб Қўштут тепалигига борсам, болалар қийқиришиб сирпанчиқ учишаётган экан. Тепа ёнбағридан чўзилиб тушган яхмалак йўл шишадек йилтирар эди. Болаларга қўшилиб юқорига ўрмаладим, тепага чиққач, қўйнимдаги эски калишни олдим-да, чўнқайиб унга оёқ суқдим. Орқамда турган болалардан бири туртиб юборди-ю, сирганиб кетдим — юзимни шамол тилиб ўта бошлади. «Мазза-а!» деб қийқириб юбордим. Қўштутни ўрлаб ўтган сирпанчиқ катта йўлга етмай хиёл ўнгга қайрилар, сўнг яна анча қиялаб боргач, дўнгликка қадалиб тутарди. Мен ўзимни ўнглаб ололмай, ҳар гал бурилишда ёнбошга ағдарилавердим — калишнинг иккинчи пойи ҳам бўлганида эди!.. Эҳ, ётиб сирпаниш ҳам зўр-да!..

Бу сафар ҳам оёғимни узатганча, юзим музга тегмасин учун бошимни балаңд кўтариб қоринда сирпаниб тушавердим. Калишим отилиб кетди, брезент туфлигим намиқди, оёғим жикқа ҳўл бўлди, бармоқларим сумалақдек қотди. Дўнгликка етаёзганимда қорни булғаган кўмир бўлақларига, кейин қия йўлда зўрға ўрлаётган аравага кўзим тушди. Уюб кўмир ортилган арава бир жойда чайқалиб силкинар, эшак қилтириқ оёқларини музга тираб, тумшуғи дамо-дам ерга тегайтегай дер, сувлиқ лунжини йиртиб юборгудек таранг тортилган эди.

Аравакашни кейин пайқадим. У жиловни силтаб тортар, лекин эшак бир қадам ҳам силжимас, чамаси, калласини кўтаришга ҳоли йўқ эди. Тўсатдан у олдинги оёқларини букиб тиззалади, аравакаш амаки мук тушиб унинг сувлиғига ёпишди, сўнг зўр бериб ўмиздан кўтарди. Амакининг пешанаси эшакнинг нақ қаншарига тегиб турар, чўзинчоқ юздан чиқаётган ҳовур эшакнинг қаншаридан кўтарилаётган буюга қоришиб, ҳавога сингирди.

Эшак оёғини ростлади. Бир-икки қадам илгариларди ҳам, сўнг яна бояги-бояги — қотди-қолди.

Амаки эшакни ниқтади, жонивор қимир этмади, қамчинни ҳаволатиб, худди дорга ёйилган намёт чан-

гини қоқаётгандай, курғурнинг яғринига шартиллатиб солди. Қамчиннинг устма-уст тушишига чидолмаган эшак бир чиранишда муздан оёқ узди, узди-ю, муво-занатни йўқотиб, чайқалиб кетди. Амаки ҳовлиқиб шо-тига ёпишди, «иҳ-ух»лаб кучана-кучана зўрға уни ту-тиб қолди, сўнг арава устидан икки бўлак кўмир олди-да, филдирак остига тикди. У оғир ҳансираб эшакнинг олдига ўтди, жонивор ютоқиб нафас олар, оёқлари боягиндан баттар қалтирар, юкни тортиш у ёқда тур-син, аравани ҳам базўр тутиб турар эди. Амаки хуноб бўлиб, дам эшакка, дам аравадаги кўмирга олаяр, нима қиларини билмай бошини қашлар эди. Яхмалак уча-ётган болалар ёрдамга келса, эшак қийналмай-нетмай тепага чиқиб оларди-я, лекин улар парво ҳам қил-мас — Қўшгут тепалигини бошларига кўтариб қийқи-риш билан овора эдилар.

Тура солиб калишимни қўйнимга тикдим-да, арава томон юрдим. Нафас ростлаб олди шекилли, амаки яна эшакни ниқташга тушди. Эшак зўрнинг зуғумидан қилтириқ оёқларини қимирлатди-ю, бари бир ўзини ўнглолмади. Амаки тисланаётган аравага ёпишди. Би-роқ унинг чираниши беҳуда эди — эшак олдинги оёқларини букиб, мук тушди, сўнг эгасининг ҳай-ҳай-лаши-ю, сўқиниши, қамчилашига ҳам қарамай, оёқла-рини узатиб ёнбошга ётди. Кўмир бўлаклари эшак-нинг яғринига, ундан йўлга думалади ва оппоқ қор юзига қорамтир доғлар ёйилди. Амаки қаттиқ сўқин-ди, эшакни аямай-нетмай, яғринига, қорнига, тумшуги-га қулочкашлаб урди, ураверди. Жонивор кўзини зарбдан олиб қочиш учун калласини гоҳ у-гоҳ бу томонга ташлар, амаки эса кутуриб кетганидан уни турғазиш учун эмас, гўё уриб ўлдириш ниятида сава-лаётгандай туюларди.

Ниҳоят, у ҳолдан тойди, юзи, бўйнини артди-да, тўнининг барини қайриб белбоғига қистирди. Эшак эса ётган жойида қалт-қалт титрар, кўзининг четидаги чўзиқ доғ узра кўз ёши думалаб тушарди.

Амаки тўкилган кўмирни битта-битталаб териб олди-да, аравага тахлади. Сўнг жиловни силтаб торт-ди, жониворнинг човига қамчин сопини суқди. Эшак

сачраб, оёқларини йиғди, кейин бир-икки силтаниб, урина-урина турди. Ҳамон ғазабдан тушмаган амаки, «Ҳа-а, хиҳ! Ҳа, хиҳ деяпман, лаънати!», дея ўшқирганча жиловни тортди. Эшак чирана-чирана базўр жойидан кўзғалди, арава гупчаги синиб кеттудай беўхшов ячирлади, бироқ дўнглиқдан ошиб ўтишга, қолган саккиз-ўн қулоч масофани босишга жониворнинг мажоли етмаслиги аён эди.

Мен ҳеч нимани ўйламай-нетмай бориб аравани итардим. Кейин унга кафтимни тираб, жон-жаҳдим билан итара бошладим. Бир одим силжиса ҳам ҳарнада. Зўриққаннимдан инқилаб-ихраётганимни, «ҳа, ҳа-а!» дея ундай бошлаганимни ўзим ҳам сезмабман.

Арава кўзғалди. Мен туфайли, ёрдамим туфайли жойидан жидди! Мана, ҳозир, ҳозир арава тепага чиқади, эшак азобдан қутилади, йўлнинг у ёғи текис, бемалол кетади, бемалол!..

Эшак имиллаб бўлса-да, икки-уч, ҳатто, тўрт қадамча юқорилади, юқорилагани сайин қамчиннинг чийиллаб ҳавони кесиши тезлашаверди. Бари бир ўша — тўртинчи қадамдан сўнг яна арава тақа-тақ тўхтади. Шўрлик эшак уч-тўрт қайта ночор силтанди-ю, оёқлари музга михлангандек қотди-қолди.

Арава менинг кўмагимда силжиди, деган ўйда совқотганимни ҳам унутибман. Кифтим зирқираб оғригани учун уни кафтларим билан итариб турардим, шу тобда ортиқча чиранганимдан икки букилиб, бошимни осилтириб олгандим. Назаримда, далдам туфайли эшакнинг кучига куч қўшилгандек... Ҳозир у жойидан кўзғалади... юқорига чиқади... йўлнинг давоми равон, ҳатто, нишаброқ... бечора эшак чеккан азобига яраша у ёғига қийналмайди... оёғи тойиб кетмаса бас, тойиб кетмаса... тақаси... тақаси янгимиқан?!

Шу пайт қамчин ҳавода чийиллаб, нимадир «тирс!» этди-ю... елкам ачишиб кетди. Дабдурустдан нима бўлганини англолмадим. Кўзимга кирза этик кўринди. Бу — аравакаш амакининг этиги эди.

Бирдан ўзимни орқага ташладим. Рўпарамда — юзлари бўғриққан, кўзлари қонталаш амаки еб юборгудек важоҳат билан устимга ёпирилиб келар, бўрала-

тиб сўкинар эди. У эшакни сўкаяптими, мени ё ўзиними — англолмадим. Қамчин зарбидан саросимага тушиб, шошиб қолдим. Бир нима деб гўлдирадим, ишқилиб, амакини шаштидан туширадиган сўзлар айтдим:

— Мен... мен... ачиниб кетдим... Ёрдамлашаётган эдим, ахир!

— Ачинсанг, нега аравага осиласан, зумраша!

Хўрлигим келди, бўғзимга тикилган йиғини ичимга ютдим. Шоша-пиша уч-тўрт қадам чекиндим. Энди... амакини шаштидан тушириш учун эмас, йўқ, аксинча — унинг юзига қамчиндек тегадиган гап ахтарардим. «Ажаб бўлди. Бундан беш баттар бўлинг!» дейми? Ўрил болачасига сўкиб қочайми? Ёки, «Сизга эмас, ў-ў, амаки, эшакка мадад бердим, сизга эмас, эшакка раҳмим келди. Эшакка!», десаммикан?.. Нима дей? Қай бири қаттиқроқ тегаркин?..»

Мен унинг шаънига энг «муносиб» гапни ўйлаб топдим, у эса ғазабдан бўғриқиб ҳамон устимга бостириб келарди. Шунда у қувса етолмайдиган жойга бордим-да, айтдим. Айтганда ҳам чунонам болаб айтдимки, амаки лапанглаб келаётган жойида пешанаси деворга урилгандек таққа тўхтади, тўхтади эмас, ҳайкалдек қотди. Мен эса аламимни олганимдан, дилимдаги гапни айтганимдан, айта олганимдан энгил тортдим...

1984 йил.

# Бедор мазий



Кишлар хотирасидан ўзмаган та-  
рихий воқеаларини тифик ҳисобланади.  
Олис ўтмишимизда буни лойиқ мазий  
Зарфараклари истаганига топилди. Улар-  
нинг аҳамияти, қиммати кейинги авлод-  
ларга бедорлик бахш этишидандир...

## ОҚ ЛИБОС

*Тошкент. 1810 йил ҳикояси.*

«Ҳоким ҳазратлари келяптилар», деган хабар эшитилиши билан икки канизак ва табиблардан уч нафари Оқ хонани тарк этишди. Эшикка довур вазмин одимлаб келган Юнусхўжа ичкарига киргач, қаттиқ хавотирда эканини яширолмай илдам қадамлар ила пастак сўрига яқинлашди. У онасидан бурун табиб йигитнинг авзоига кўз ташлади. Эндигина мурти ниш урган табиб йигит ёшига номуносиб салоҳият билан кампирнинг ёноғига бир чимдим пахтани босиб турарди. Унинг кўзларидан ҳам бирор маъно уқиш мушкул эди, ҳоким ҳазратлари ташриф буюрганини гўё сезмагандай авзойини бузмади.

Юнусхўжа парку ёстиққа бош қўйганча кўзларини чирт юмиб ётган онасига термилди. Волидаи меҳрибонининг юзи ёқимсиз бир тусда сарвайганини кўриб, ичидан зил кетди. Табиб йигит қизларникидек узун, тим қора киприкларини кўтариб, ҳоким ҳазратларига қаради.

— Зулук солдик... — деди у шивирлаб: — Аҳволлари дуруст...

Юнусхўжа ишонқирамай унинг кўзларига тикилди.

— Эрта билан сизни сўрадилар... — ҳамон овозини ўзгартирмай деди табиб, сўнг, қаранг, дегандек кампир томон ишора қилди. Юнусхўжа онасининг қовоқлари сезилар-сезилмас пирпираганини илғади. Омила онанинг кўзларида нур йилтиради. Юнусхўжа узун ва кенг енгини пайпаслаб онасининг билагидан тутди, сўнг унинг кафтини силай бошлади.

— Хон ўғлим... — Омила онанинг товуши жуда заиф эшитилди. Вужуди қулоққа айланиб, Юнусхўжа онаси сари энгашди, чўк тушди. — Келдин-гизми?

— Она, тузуксиз... мен шу ерданман... сиз тузуксиз... — деди Юнусхўжа узуқ-юлуқ ғўлдираб.

— Юрт тинчми?..

— Тинч, она, тинч... Улус сизга саломатлик тила-  
моқда, она...

Табиб йигит Юнусхўжанинг енгидан тутди. Ҳоким  
ҳазратлари унга эътибор қилмади.

— Мен — ризоман... хон ўғлим... юртни сизга топ-  
ширдим...

Юнусхўжанинг товуши бўғзига тикилди — тили  
калимага келмади, у нуқул онасининг қоқсуяк қўлини  
силар эди. Омила онанинг товуши бардамроқ эшитил-  
ди:

— Мени ризо қилай десанг юртга тинчлик бер...  
Кентнинг бошини қовуштирдинг... бунинг савоби етти  
пуштинга етади... У ёқда отангиз... биз тинч ётамиз,  
хон ўғлим.

— Юрт фаровон, она, улус осойишта яшаётир...

— Кўнглим алаяда, ўғлим... Отанг ёнига етган жо-  
йимдан қайтдим... Недандир дилим ғаш...

— Ундай деманг, она. Ҳадемай соғаясиз... Дуруст-  
сиз, она...

— Оқил ўғиллар онани... улусни безовта қилмай-  
дилар, болам.

Табиб йигит бу сафар ҳоким ҳазратларининг би-  
лагидан тутди, бу билан суҳбат бас қилинишига ишо-  
ра қилди. Омила онанинг юзида бирор ўзгариш се-  
зилмаса-да, қошлари ўртасидаги из чуқурлашгани  
унинг беором эканлигидан далолат берарди.

— Ишончим сиздан, хон ўғлим, ишончим...

Юнусхўжа қаддини ростлади...

Юнусхўжа даҳалар ўртасидаги низоларга чек қўйди,  
гузарма-гузар, маҳаллама-маҳалла тўқнашишлар шар-  
мандали ҳол, деб ман этди. Тўртала даҳа аҳолиси бир-  
лашгач, Кентнинг довуғи олис Сибириядан Чин ўлка-  
сигача, бу ёғи Оврупа тарафларгача етди. Яқин-йироқ  
юртлардан ташриф буюрадиган элчилар, карвонлар  
хонликни четлаб ўтиб, тўғридан-тўғри Кент сари йўл  
оладиган, савдо-сотик юзасидан бевосита Юнусхўжа  
билан кенгашадиган бўлишди. Хонлик ҳам Кент ҳоким-  
лиги билан ўйлашиб муомала юритаётир, аксари ҳол-  
ларда уни ўз эркига қўяётир. Шунга қарамай Юнус-  
хўжа ҳокимият шон-шухратини ўзга юртлар, қўшни

музофотлар ҳисобига оширишни у дунёю бу дунё хаёлига келтирмади. Бироқ...

— Хон сарбозлари чўлу биёбондаги кўчманчилар билан овора. Темирни қизигида босайлик десангиз... — Ражаббектўра Султонхўжа билан кўз уриштириб олдида, тақлифини ниҳоясига етказди: — Шу кунлар айни мавриди!..

Ўғли Султонхўжани Ражаббектўра йўлдан урдими ёинки аксинча бўлдими — Юнусхўжа бунинг тагига етолмади. Улар-ку, бир-бирини йўлдан оздирса-оздиргандир, лекин ўзи-чи? Ўзи қандай шайтон ҳийласига учиб ўтирибди?!

Уч кун илгари ҳузурига тўнғичи — Султонхўжа кирди, савдо-сотик, туриш-турмушдан сўз очди. Кейин гапни ховлиқка бурди. Айтишича, хон яқин-атрофдаги кўчманчи элни ўзига тобе қилиб олишга киришибди.

Юнусхўжа унга эътибор қилмади.

— Сўнг навбат сиз билан бизга келади, — деди Султонхўжа отасига тик боқиб.

— Биз хонлик тасарруфидамыз-ку, — деди Юнусхўжа кулиб. — Хавотиринг ноўрин, ўғлим.

— Тасарруфида бўлсак-да, бу қабилдаги гуркираб юксалишимиз аъло ҳазратларининг тинчини ўғирлаган бўлса ажабмас...

— Хўш, нима қилайлик дейсан, Султон, тахтни бўшатиб қўяйми?..

— Пайт пойлаб ўрдани қўлга олоғимиз керак!

Шу пайтгача бўшашиб ўтирган Юнусхўжа бу гапни эшитгач, бир сапчиб тушди. Сапчиб тушди-ю... хаёлига ғаламис фикрлар оралади. Қўл остидаги ҳокимият қудратини чамалади, халқининг садоқати-ю тоғувлигини ўйлаб, ғурурланди. Афтидан, аъло ҳазратлари ҳам шундан бохабар, бинобарин, у Кент ҳокимлигидан ҳайиқади... Бу ёқда беш нафар ўғли вояга етаяпти, ҳар бири бутун бошли музофотга ҳокимлик қилгудек... Башарти, аъло ҳазрат Султонхўжа хавотирлангандек иш тутса!..

Юнусхўжаниннг баданидан совуқ тер чиқиб кетди, у ортиқ ўй суролмай ишонган маслаҳаттўйлари бўлмиш бош саркарда — Бобохонтўра, даҳа ҳокимлари — Рус-



тамхонтўра ва Ражаббектўрани кенгашга чақирди. Ҳузурига кирганлар орасида Бобохонтўра кўринмади.

— У киши кеча буюрган юмушларингиз юзасидан шаҳарга чиққан кўринадилар, — деди Ражаббектўра ва зимдан Рустамхонтўрага кўз қисиб қўйди. Сўнг фавқулодда муҳим гапни айтаётгандек овозини пасайтириб деди: — Ҳар не маслаҳат бўлса, Рустамхонтўра биродаримиз кўмакларида битирурмиз.

Рустамхонтўра эса, одатан, аини кенгашталаб дамларда паққос сукут сақлар, ўз мулоҳазасини айтиш зарурати туғилса-да, ҳоким ҳазратларининг оғзини пойлар эди.

Кенгаш узоқ чўзилди. Юнусхўжа муддаони маслаҳат тариқасида ўртага ташлар-ташламас Ражаббектўра уни маъқуллашга тушди. Ҳатто, тез кунларда Кент ҳокими шаъни-шавкати кўкларга кўтарилишини башорат қилди. Рустамхонтўра эса муҳораба хусусидаги гапларни тинглаб, чуқур ўйга толди-да, кесақдан учқун чиққандек тўсатдан эътироз билдирди:

— Муҳорабага дохил тадбирни Бобохонтўрамнинг иштирокисиз ҳал этмоқлик менга шошқалоқлик бўлиб туюляпти, — деди у.

Юнусхўжанинг манглайи дув қизариб, зумда аслига қайтди. Ҳуфия кенгашга Султонхўжани чақиртирди. Султонхўжа барча гапдан хабардордек Ражаббектўрани кўллаб-қувватлади, кўзларидан ўт чақнаб аини кунларда хон ўрдасини бир ҳамлада ишғол қилиш чораларини саржиндек тахлаб ташлади.

Кенгаш мавзуси бошқа ҳар қандай масалада бўлганида Юнусхўжа Рустамхонтўранинг сўзига қулоқ осган, Бобохонтўранинг иштирокисиз қатъий қарорга келмаган бўлур эди. Аммо шу сафар... — Рустамхонтўранинг озиб-ёзиб кенгаш чоғида билдирган эътирози Юнусхўжанинг ҳамиятига тегди. У энг қалтис паллада ҳам Бобохонтўранинг маслаҳатисиз иш юрита олишини кўрсатиб қўйиш мақсадида кенгашга яқун ясади:

— Қўшинлар жанговар ҳолатта келтирилсин!

Уч кеча-кундуздан бери Бобохонтўранинг етти ухлаб тушига кирмаган ҳодисалар юз бераяпти. У беҳад таажжубда: фармони олийга бўйсуниб, лашкарни шай ҳолатига келтирди. Бош саркардани хабарсиз қўйиб

мухораба сари йўл тутиш, устига-устак Юнусхўжадек оқил кишининг хон ўрдасига кўз тикиши уни ортиқ даражада ажаблантираётган, бу иш унга шер панжасига панжа уришга чоғланган мушукнинг қилигини эслатаётган эди. Бобохонтўра сўнгги имкониятдан фойдаланиш — юриш бошлаш арафасида бўладиган кенгашда ҳамшаҳарларини қалтис йўлдан қайтариш умидида эди. Ражаббектўра билан Султонхўжа эса...

Бобохонтўра Ражаббектўранинг: «Шу кунларда айни мавриди!» деганини эшитди-ю, Султонхўжанинг оғиз жуфтлашини кутмай кенгаш аҳлига савол ташлади:

— Қўшинларимиз Ўрдага етиб боргунча хон лашкарлари чўлу биёбондан қайтишга улгурмаслигига кафолат борми бизда?..

Савол кенгаш аҳлидан кўра кўпроқ Ражаббектўрага қаратилган эди. Бобохонтўра унинг изҳорига муҳтож эмаслигини намойиш этиш ва унинг қалтабинлигини фош қилиш мақсадида савол устига савол берди:

— Борингки, Ўрдани кўлга киритдик дейлик, кўчманчиларни енгиб, кучига куч қўшилиб қайтган Умар Али кўшини бизнинг бошимизга не кунларни солмасми?!

Бобохонтўра бундан ортиқ далил беҳуда эканини фаҳмлади, у нажот кутиб Юнусхўжага қаради. Ҳоким ҳазратлари синчков нигоҳини Ражаббектўрадан узмас эди. Буни сезиб, ич-ичидан рағбатланган Ражаббектўра афсуслангандек бош чайқади:

— Бундай мужмал сиёсат билан ҳеч бир саркарда зафар нашидасини тотолмас...

— Суворийларимиз ҳамлага шай турган бир чоқда бундай мулоҳазаларга бориш... мени авф этинг-у...

Султонхўжа шу чаланилиги билан падари бузрукворининг кўзига енгилмас баҳодирдек кўриниб кетди. Қони гупириб қаддини ростлади, назарида бу яқин-атрофда Кент ҳокимиятига бас келадиган куч йўқ эди...

Кенгаш аҳли ўринларидан кўзвалиб улгурмай Юнусхўжа ниманидир эслади-ю, баногоҳ қовоғини уйди. У калта қилиб текисланган мош-гуруч соқолини тутамлаб этигининг қайрилма учига тикилди, маслаҳаттўй-

лари турган жойларида мисланиб, ундан садо чиқишини кутишди.

Юнусхўжа бир-бир қадам ташлаб Ражаббектўрага яқинлашди, юзини-юзига суртгудек туриб, унинг кўзларига тикилди. Ражаббектўра ҳоким ҳазратларининг муддаосини англолмай таҳликага тушди, сир бой бермасликка уринмасин, қути ўчди... Юнусхўжа қайрилиб Рустамхонтўрага юзланди, унинг кўзларидан ўзи истаган маънони уқишга уринди. Ҳоким ҳазратлари билан бетма-бет келадиган даҳа ҳокимлари, йирик ҳунармандлар, савдогарлар Юнусхўжанинг шу одатидан беҳад юрак олдириб қўйган эдилар.

Юнусхўжа Бобохонтўра рўпарасида тўхтамади, ундан ўтиб, Султонхўжа билан кўз уришгирди. Ота-ўғил ўртасидаги нигоҳ тўқнашуви хийла чўзилди. Ниҳоят, Юнусхўжа кўзидаги шубҳани тилига кўчирди:

— Онамга сен айтдингми?

— Нимани, ота?..

— Ҳозирлик кўрилаётганини!..

— Ота...

— Ёки сен кирдингми, Ражаб?!.

— Волидаи мукаррамамининг умрлари зиёда бўлсин! Билло, кўришмоқ ниятида эдим, табибингиз йўлатмадилар...

— У ҳолда кампирнинг хаста юрагига гулгула солган ким?!

— Мен!..

Юнусхўжа шитоб билан бурилиб, ён томонга қаради. Ичкари хонага кириладиган якка қаватли нақшин эшик бўсағасида Пири Тархон турарди. Кенгаш иштирокчилари ҳам «ялт» этиб унга ўтирилишди, уларнинг назарида Юнусхўжанинг шу важоҳати Тархоннинг калласини сапчадек узиб ташлагудек эди.

— Се-ен?! — ўдағайлади Юнусхўжа.

— Ҳа, ме-ен! — деди Тархон тап-тақир бошини силаб.

Юнусхўжа вазабини босолмай қичқириб юборди:

— Қани, бери кел-чи, таъвия!

— Кўнглингиз хон тахтини тусаб қолибди-ку, ботинолсангиз... ёнимга ўзингиз келинг, — деди Тархон пинагини бузмай.

Бообрў аъламлар гувоҳлигида отасининг калака бўлаётганига чидалмаган Султонхўжа шиддат билан Тархон томонга отилди.

— Тўхта!

Султонхўжа гезарган лабларини тишлаб, отасига ўтирилди. Юнусхўжа ҳаммангизга ижозат ишорасида қўлини кўтарди. У чиқиб кетаётганларнинг изига кўз тикиб турди-да, эшик ёпилгач, бошини кўтариб, Пири Тархонга қаради.

— Хўш, пирим, кўнглим хон тахтини тусаганини қаёқдан била қолдинг?

— Совқотяпман, суякларим қақшаяпти, — деди Пири Тархон қўлларини кўксида қовуштириб.

— Тўн буюрайми?

Пири Тархон хахолаб кулди.

— Сен буюрадиган тўн баданимни иситолмайди, тўрам, — деди у ҳазин ва надомат овозда. — Омила онам азобдалар, Омила онам...

— Ўчир!..

Пири Тархон жим бўлди, у ўзига ўқрайган ҳоким ҳазратларининг овиз очишини кутди. Сўнг Юнусхўжанинг турқидаги жамики салобатни писанд қилмай-диган бир салоҳият билан кулимсиради.

— Бир нарса дедингизми, тўрам?.. Мен дунёга келганда ер юзида сену аждодларинг тутул, Кенту хонликларингдан ҳам асар йўқ эди. Эҳ-ҳе-е, мана бундай зарбоф тўн кийганларнинг озмунчасини кўрдимми, тўрам... Мен эса оппоқ либосим — шу яқтак, шу иштонда...

Юнусхўжа Ўрдани қўлга киритиш Тархонга бовлиқдек бирдан юмшади:

— Нима қилай, пирим, айт? Хонлиқдан кўнглим тинчиса, қайтиб қўлимга қурол тутмайман. Тахтни, давлатни ўғилларимга топшириб, сенга йўлдош бўлман. Шундан ўзга чорам йўқ, Тархон.

— Онангни ризо қил!

— Волидамиз у дунё-ю бу дунё биздан ризолар!

— Омила онам ўтган туңда қайтиш қилдилар... — Пири Тархоннинг овози ниҳоятда совуқ ва шафқатсиз эшитилди. — Паймонаси тўлган банда ўлим тўшагида азоб чеккандан кўра омонатини топширгани минг чан-

дон маъқул. Ҳалимга тик боқиш — донишлик, эл-юр-тидан кўнгли тўқ кетиш эса — саодатдир... У кишига бу мушкулот...

— Нималар деб вайсаяпсан, Тархон?

— Юрт тинч — оналар тинч, юрт пароканда бўлса, оналар гўрида тик туради, тўрам... Муҳораба бошланса, ота-оналар руҳи безовта бўлади...

Пири Тархон шундай деб якка тавақали эшикка ўтирилди. Юнусхўжа шошиб унга эргашди.

— Тўхта, Тархон, йўригинга муҳтожман, тўхта!..

Ўртанча ўғли Ҳамидхўжанинг икки минг лашкари хонлик тасарруфидаги Қураматепа вилоятини ишрол қилган куни оқшом Юнусхўжанинг ўзи ҳам у ерга етиб келди. Ражаббектура билан Султонхўжа унга ҳамроҳ, уларнинг ҳар бири икки минг нафар суворийга бош эдилар.

Илк ғалаба нашидасидан маст бўлган кентликлар тўда-тўда бўлиб базму жамшидни бошлаб юборишган эди. Отасидан мақтов сўзлар эшитиш умидида қаддини роз тутиб келган Ҳамидхўжа падари бузрукворини мажҳул бир кайфиятда кўриб, тарвузи қўлтигидан тушди. Юнусхўжа зафар кучган ўғлини оқшишлаш ўрнига унга танбеҳ берди:

— Тўйдан бурун новора қоқилаётган экан-да...

Ҳамидхўжа отасининг ҳузуридан чиқар-чиқмас шовқин-сурон тинди. Юнусхўжа дарча ёнига бориб, дарё ёқалаб чўзилган қишлоққа қаради. Қураматепа ўлат ургандек жимжит, ҳатто, итлар ҳам акилламас, чигирткалар чирилламас... бу — ўғли Ҳамидхўжанинг иши эди...

Юнусхўжа тўшакка омонат ёнбошлади. У йўл юриб толиққан бўлса-да, пинакка кетмаслик учун дам-бадам чордона куриб ўтирар, сўнг яна ёнбошлар эди. Ташқарида от дупури эшитилиши билан сапчиб ўридан турди, қўшни хонага чиқиб баланд овозда: «Кираверсин!» деди.

Чопар йигит қуллуқ қилиб салом берди, сўнг хушхабар келтирганини писанда қилгандек илжайди:

— Ҳоким ҳазратларига қувонч ила маълум қиламизки, волидаи муҳтарамамизнинг саломатликлари аъло. Омила онамиз кун ва соат сайин соғаймоқдалар.

Юнусхўжанинг юзига табассум югурди. Чопар кетига тисланиб чиқаётиб, яна гап қотди:

— Табибнинг айтишича, волидамиз ўринларидан туриш истагини билдирганлар...

...«Инсон ҳаёти бунчалик кемтик бўлмаса... Ҳушингда қувонсанг — тушингда қайғу, тушингда севиинсанг — ҳушингда алам... Қай бири туш-у, қай бири ҳуш? Гоҳо фарқига етолмайсан, киши...»

Юнусхўжа тонгта довур ўн қайта ухлаб, ўн қайта уйғонди. Уйғонса ҳам, ухласа ҳам кўз ўнгидан Оқ хона кетмади. Бино теварагини эл қуршаган. Кўчалардан, хиёбонлардан эса ҳамон халойиқ оқиб келар, одамнинг охири кўринмас, уларнинг муродини англолмаган Юнусхўжа талвасага тушар, уйқу аралаш, сипоҳларини оёққа туришга, оломонни қувиб солишга ундар, уйқуси ўчди дегунча Оқ хона теварагида зичлашаётган халойиқнинг шовқинини аниқ эшитар эди:

- Омила онамиз ҳаётми?
- Ҳаёт! Ҳаёт!
- Омила онамиз тийракми?
- Тийрак! Тийрак!
- Омила онамиз ўрлини қайтарсин!
- Қайтарсин!. Қайтарсин!

Тумонат йиғилган... Ҳунармандлар, деҳқонлар, аёллар, гўдаклар... Сарбозликка яроқли эркаклар... Қура-матепани тарк этиб, шаҳарга қайтган суворийлар... Юнусхўжа бақириб ҳудайчини чақирар, чақиргани сайин тўшакдан туришга уринаётган бемажол онаси кўзига кўринар, бўйнига... волидасининг оппоқ дока рўмоли чирмашар, бўғилар, дод солиб бақиргиси келар эди...

Тонгта яқин саман йўрға минган чопар келди.

— Омила онамиз соғаймоқдалар, очиқ ҳавога олиб чиқишларига изн сўрабдилар! Табибингиз ҳозирча волидамизни безовта қилмасликни лозим кўрибдилар!

Юнусхўжа тонгги хушхабардан анча енгил тортди, тунги алағдаликни кундузги чарчоққа йўйиб, ўзини чалғитиш муродида лашкарни оёққа турғазди.

...Қураматапа вилоятини кўз юмгунча ишрол қилишни Юнусхўжа сира кутмаган бўлса-да, ичидагини сиртига чиқармади. Тўнғич ўғлининг, Ражаббектўранинг

омилкорлигига, қолаверса, ўзи бошлиқ қўшиннинг қудратига тасаннолар ўқиди, сўнгра темирнинг қизигида қўл чўзса етгудек жойда турган Ўрдани қўлга олиш тадорикига киришди. Таассуфлар бўлсинки, янги зафарлар сари шайланаётган кентликлар тонг-ла маҳшарда даҳшатли тошқин ва қуюн остида қолди. Бу қуюн уларни оқизиб кетмади, йўқ, балки уларни тиги паррондан ўтказди...

Кураמתепадан йигирма чақирим кунботардаги хилват гўшалардан бирида ҳушига келган Юнусхўжа дастлаб Бобохонтўранинг номини тилга олди. Бироқ унинг ёнида Пири Тархондан бўлак ҳеч зот йўқ эди. Ҳокимдан садо чиққанини эшитган Тархон унинг бошини тиззасига олди. Юнусхўжанинг нафас олиши енгиллашса-да, кўз олди қоронғилашди. Сўнг зўр-базўр пичирлаб нуқул волидаси ҳақида сўрайверди. Пири Тархон эса донишманд солномачилардек вазмин овозда сўзларди:

— Омила онам оқ либосда халқ ҳузурига чиқди-лар... юрт нотинч — оналар нотинч, тўрам...

— Яна тапир, Тархон...

— Бир... икки... уч...

— Нима деяпсан, Тархон?.. Қандай рақамлар булар?..

Тархон жавоб бермади, лекин у дилида, «минг бир юз етмиш икки... минг бир юз етмиш икки... ҳижрий», деб такрорлар, ўзаро қирғинбарот юз берган бу санага лаънатлар ёғдирар эди...

1985 йил.

## ҚАЗО БЎЛГАН НАМОЗ

Извош гузардан ўтиб, катта кўчага бурилди ҳамки, Ёқубхўжадан садо чиқмади. Бой икки-уч дафъа ҳамроҳининг авзоига зимдан кўз югуртирди. Ёқубхўжанинг қади униқидан ярим қарич тик, шу боис у ўтирган ҳолида ҳам хийла салобатли кўринади. Одамлар, «Ёқуббойнинг шахсий кўрикчиси», деб гап тарқатишди, «Миркомил унинг измидан чиқмайди», деганлар

ҳам бўлди. Тўғри, Ёқубхўжа кўз очиб топган масла-ҳаттўйи бўлмаса-да, унча-бунчани хушлайвермайдиган Миркомилнинг ишқи шу одамга тушган, бинобарин, ёнида доим уни олиб юришга одатланган эди. Ҳақиқатан, унинг Ёқубхўжадан яширган-нетган сирини бўлмаган.

Суриштириб келганда, Миркомил кимдан, нимани сир тутган ўзи!.. Қув ёхуд маккор бўлганида раҳматли отасининг Макка ва Мадинада така қурдириш ниятида ўттиз минг тилло васият қилиб қолдирганини уезд ҳокимига айтирмиди?! Соясидан чўчиса, ҳатто, ўз пуштикамаридан бўлган ўғил-қизларидан ҳадик-хавотирда яшаса етти ёт бегона, бунинг устига ғайридин Искандарни<sup>1</sup> гумашта қилиб олармиди?! Икки кўзнинг бири янглиғ ёнидан узоқлашмайдиган Ёқубхўжадан ҳам гумондор юрса, уни дўстми-душманми дея бош қотирса... одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши эмасми!.. Йўқ, Миркомил бундай мужмалликка тоқати йўқ — у жини суйганга ҳам, суймаганга ҳам дилидагини ямламай айтган.

Извош Кўтармадаги завод кўчаси муъолишига етди, бой «ана ёрилар, мана ёрилар» деган ўйда ҳамроҳининг қуюқ соқолига қараб қолди. Шунда:

— Тўхтат, извошни!.. — дея ҳайқирди бой.

Бир маромда йўрғалаб бораётган қўш от сувлуғи туйқус силтаб тортилганидан пишқириб, тумшуғини тўшига босгудай бошини қийшайтириб тўхтади.

Извошчи «нима гап» дея ортига ўтирилиб улгурмай, бой тош йўлга сакраб тушди. Извошчи ҳам, Ёқубхўжа ҳам бойнинг муддаосини тушунмай, унинг изидан қараб қолишди.

Миркомил катта-катта қадамлаб, қоп орқалаган кишининг тепасига бостириб борди. Оғир юк остида икки букчайган киши бойни кўрди-ю, кўсак тўла қопни «тўп» этиб ерга ташлаганича тили калимага келмай, кўрққанидан салом беришни ҳам унутди.

— Қаёқда обкетяпсан, кўрнамак?! — Ўтакаси ёрилан киши дудуқланди. Бой унинг жавобига муҳтож эмас эди. — Куппа-кундузи ор қилмадингми?!

---

<sup>1</sup> Александр Тимофеев — Орсқдан келиб қолган, 1909—1911 йилларда Миркомилбойга гумашталик қилган. Бой унга Искандар деб лақаб қўйган.



Чангга беланган, яғри чиққан оқ яктагининг енгини билагига қадар шимарган ишчи кулоқ-чаккасига бехос тушган тарсаки зарбидан чайқалиб бориб деворга суяниб қолди...

Извош завод дарвозасининг рўпарасига етгандагина Ёқубхўжа тилга кирди:

— Чакки қилдингиз, ака...

Ҳали вазаби сўниб улгурмаган Миркомил «сен маҳмадоналик қилма», деган маънода ҳамроҳига қаттиқ ўқрайди. Ёқубхўжа эса бойнинг жаҳли чапақай чиққанига яраша босиқлик билан бўлса-да, ўпкалади:

— Аши, бир қоп кўсакни куппа-кундузи ўмариб чиқишига нима мажбур қилганини суришгирмадингиз-ку... Жўжабирдай жондир, ҳойнаҳой...

Извошчи отнинг яғринига тарсиллатиб қамчин босди. Миркомилбойнинг ўнг қоши тепага сапчиди.

— Жўжабирдай жон бўлса оиласини ўғрилик орқасида боққани маъқулми?!

Ёқубхўжа дарҳол жавоб қайтармади, извош завод ҳовлисига кириб тўхтагачгина бояги ўпкаланганнамо оҳангда мулојимлашиб деди:

— Одамларди кўнглига қаранг-да, ака... ҳақ гапни айтаман деб... у ёқда Темурҳожини изза қилсиз...

Темурҳожини изза қилгани рост. Изза қилмаслик учун ҳақ гапни айтмаслиги керак, айтмаса... ахир, Миркомилнинг хусумати йўқ, талашган мол-ҳоли йўқ, уни жин урибдимики, Темурҳожига душманликни соғинса!..

Нима бўлди-ю, эликбоши кўча бошида йўлиқиб: «Тақсир, қозиликка Темурҳожини мўлжаллагандик, сиз нима дейсиз?» деб сўради. Миркомил ортиқ ўйлаб турмади: «Ҳожи ҳалол одам, юртнинг хизматини қилсин», деди-қўйди. Орадан уч-тўрт кун ўтмай эшикка йўқлаб келишди. Бой ташқари ҳовлига чиқса, супа ёнида эликбоши билан янги қози — Темурҳожи қўл қовуштириб турибди.

— Келинлар, келинлар! Қани, ичкарига, — деди бой меҳмонхонага чорлаб.

Меҳмонлар оёқ тираб туриб олишди.

— Бирров кирдик, — деди ўнрайсизланиб эликбо-

ши. — Аши, ҳожингиз сира қўймади.... Бир ният қилган экан...

Эликбоши гапини адоғига етказгунича қози туғуннинг боғичини ечиб, зарбоф тўнни қўлига олди. Миркомилбой келувчиларнинг муддаосини тушунди.

— Э, баракалла-а!—деб юборди у бошини чайқаб.

Мезбон мамнун бўлди, деган ўйда ҳаракати дадиллашган меҳмонлар тўнни қўлга олиб улгурмай бой муддаосини ойдинлаштирди:

— Бу ишларинг дуруст эмас... Бир оғиз ризолигим эвазига ҳада келтирибсизларми, ундан чиқди, ризолик бермаган тақдиримда ортимдан тош отар экансиз-да?!

Темурхожи икки қўллаб тутиб турган тўнни тушириб юбораёзди. Эликбоши тушунуксиз гўлдиради:

— Йўр-э, тақсир!.. Биз... ҳожингиз, оқ фотиҳа олай деб...

Миркомилбой ўзига етганча қайсар ҳам эди — у эликбошининг тутилиб-бурилиб гапиришига қулоқ солмай, кўнглидагини охиригача айтди:

— Хушомадни баъдага эмас, Худога қилинлар!..

Ёқубхўжа бўлса, «тўғри гапни айтаман деб душман ортирасиз», дейди. Ҳақ гапни айтгани учун душмани ортадимми?.. Ҳақ гапни айтиш душманликми?.. Ахир у кимга, қайси ҳамюртига ёмонликни раво кўрди?!

Феъл-атвори шундай экан, начора, бир юмалаб бўлак одамга айланиб қололмаса! Ҳақдан воз кечиб ҳар кимнинг кўнглига қарай олганида бир уй бойваччанинг бетига оёқ қўйгудай иш қилмас эди. Энди афсусланиш, пушаймонлар қилиш осон, лекин... табиатидаги кажбахслиқдан қутулиш фурсати жон чиқар вақтига қолди...

Убайдулла жунфуруш Майлисойдаги заводига икки қур келиб, уйига таклиф қилиб кетди. Айтилган куни Ёқубхўжани эргаштириб борганида бир уй меҳмон гурра кўзвалиб, Миркомилнинг ҳурматини бажо келтиришди. Бой, ёнида Ёқубхўжа — уйнинг тўрига ўтиб жойлашиб ўтириб олгунча йиғилганларнинг қандай одамлар эканлигини, ҳатто, бир-иккиси ўзаро маъноли кўз уриштириб олганигача пайқаб улгурди. Деразага яқин ўтирган Фафуржоннинг туси гезарди. Бериди — Фафуржоннинг амакиси Ҳошимбой, сўнг пахта

тижоратини энди-энди йўлга қўяётган Нигмонбек! Уларнинг ҳеч бирида Миркомилнинг хусумати йўқ, хусумат қай-да, йиғилганларнинг ҳеч бири Миркомил билан беллашадиган сармоя жамламаган, шу маънода ҳам бу давранинг посонгиси Миркомилбой учун хийла енгиллик қилиши аён эди.

Миркомил сир бой бермади. Илиққина суҳбатга гоҳ қўшилиб, гоҳ сўзсиз бош ираб ўтираверди. Тўсатдан Ҳошимбой гурунг мавзуини бузди:

— Закот — фарз! Закотдан бўйин товлаш бенамозликдан кам бўлмаган гуноҳи кабир!

Миркомил умр бўйи лойнинг ичидан чиқмаган кулолдай ранги заҳил Ҳошимбойнинг афтига чимирилиб қаради. Ёқубхўжа қуюқ, қора соқолини қўл учида сийпалади.

Гапга гап уланди, суҳбатга ғийбат, фисқу фасод аралашди. Ким оғиз очса, айтганига Миркомилдан тасдиқ ишорасини кутар, бойнинг авзоидан эса на эътироф, на-да эътироз маъносини уқиб бўларди. Нигмонбек ҳам гурунгга қўшилди:

— Закот тўлаш ниятидаги одамнинг кўнгли тоза бўлмоғи лозим, — деди у хотинчалиш овозига зўраки салобатли тус беришга уриниб. — Бизлар-ку, майда... давлатмандликни ҳавас қилувчилар, холос... эррайма<sup>1</sup> бойлар орасида ҳам закотга хиёнаткорлар бор экан...

Миркомилнинг тишига оғриқ тургандай кўзини бир зум юмиб-очди-ю, сир бой бермасликка уриниб, икки бармоғи билан иягини чимдиб олди.

— Нигмонбек!..

Келишганидан бери илк бор овозини баралла қўйиб мурожаат қилган Ёқубхўжанинг салобати ҳаммани жим қилиб қўйди. Одатда, Ёқубхўжа гапни бошлаб қўйиб, хийла фурсат сукут сақлар, аксари ҳолларда, шундай сукутининг ўзиёқ бузуқ ниятли суҳбатдошни анча саросимага солиб қўяр эди. Бу сафар ҳам у худди гап бошламаган одамдай жим, лабини қимтиб кўзойнаги остидан Нигмонбекка қадалиб қаради. У қайтиб тилга киргунича Нигмонбек неча қизариб-неча бўзарди. Ни-

---

<sup>1</sup> Эррайма — хеккайган.

ҳоят, Ёқубхўжа сукут билан азоблаш «машқи»ни маромига етказгач, сўради:

— Бу, кичкинтойни кулала қилдиларми?

Ниғмонбекнинг баданидан совуқ тер чиқиб кетди. «Ёмон чиқитти<sup>1</sup>-ку, аблаҳ!» деб сўкинди ичида.

Миркомил енгил тортганини сездириб қўйиш маъносида бир қўзвалди. Ниғмонбек ўтган йилнинг жадйи кунлари ўғил кўрган, бойнинг ҳурмати учун унга «Комилжон» деб исм қўйган эди. Энди Миркомилга пичинг қилиб, уни ёмонотлиққа чиқармоқчи... Миркомил эса... «ўша ҳурмати чинми, манави пасткашлигимиз?» деб мана, орадан беш йил ўтгач, мулоҳаза посангисига қўйиб-олиб, олиб-қўйиб кўраяпти... Оғзига кучи етмаганлар: «Миркомил айрим даромадларидан закот тўламайди», деб овоза қилгани бойнинг қулоғига етган, шуни эслади-ю, ўша машваратнинг нишаби қай томонга оғанини, ўша пайтда қисман ва ҳозир тўла-тўқис пайқаб етди. Тўкин дастурхон теварагида ўтирганлар пинҳона кўзлаган муддао амалга кўчаётгандек бараварига бойнинг оғзига тикилди. Миркомил ҳеч бир даврада сўзини йўқотмас, умуман, тили қисқлик нима эканини билмас эди.

— Закотдан баҳс кетди-и. Яхши... Ашнақа мунозаралар бошлаганда... — деди у ҳафсаласизлик билан бепарво оҳангда ва «тортишиб ўтиришга арзимаёнлар» дегандек, тўсатдан гапнинг думини юлди:

— Закот-ку, фарз, илло закотнинг олдида нима бор?... — Бой саволи жавобсиз қолишини аниқлаштириб оладиган фурсат жим бўлди-да, ўтирганларнинг жон-жонидан узиб олди:—Ашнақа-да, закотдан аввал ушр бор... Закот тўлови хусусида эрраймалик қилишдан бурун ушрни тушуниб қўйсинлар...

Тижорат сўқмоғида энди атак-чечак қилаётган ҳамюртлари, диндошлари бу борада катта-катта кўчалар очиб улгурган Миркомилнинг оёғига осилишлари не учун керак бўлди?... Ахир бой уларнинг мушугини «пишт» демади, аксинча, қаддини ростлаб олсин деган муродда нечтасига қарз берди... фақат Ғафуржон омонатга хиёнат қилди, иш қозигача етди...

<sup>1</sup> Чиқитти — тағдор киноя қилди-ку, демокчи.

Наҳотки, шу душманлик бўлса?! Кимсан, Миркомилбой шунча давлат, шунча иззат-обрўни наҳотки ўз халқига ғанимлик ниятида тўплаган бўлса?.. Агар у ўз ҳамшаҳарларига ғайирлик қилса, Убайдулла жунфурушниқиди йирилганларга: «Бир фаранги бойнинг завудини Анжанга кўчириб келтирмоқчиман. Ашининг маслаҳатига бораман», деб айтармиди!.. Ахир ўша пайтларда барча бойлар топганини хорижга сотиш билан банд, завод қуриш ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига кирмаган, беҳисоб даромад келтирадиган бундай ниятни ҳеч бир бой ошкор этмас эди. Лекин Миркомил шундай қилмади. Айтди. «Билса билсин, урдасидан чиққанлар ҳаракатта тушсин», деди... Деди-ю, ўзига дўст эмас, ғаним орттирганини, у ғанимлар ўзга юртлардан келиб юртни, диёрни босиб турган ўрислар эмас, ўзининг ўзбеклари эканини... жуда-жуда кеч билди.

Кўпни кўрган Миркомилдек урдабурон инсон ҳам омади кулиб боққан одамни бегоналар эмас, аввалбош ўз яқинлари кўролмаслигини жуда-жуда кеч англади. Англагунига қадар... ҳамюртлари жонига ора кириш, уларни ўрис истибодидан ҳимоялаш йўллари излаб, саъй-ҳаракатлардан толмади. Култепага масжид, мадраса, мусофирхона, касалхона, ҳаммом қуришни режалаштирганида ўзининг манфаатини кўзламади, аксинча ҳаловатидан айриди: шаҳар ҳокимияти вилоят ҳокимиятига, вилоят ҳокимияти ўлка губернаторлигига рухсат сўраб нома йўллади. Йиғину муҳокаманинг адори кўринмаса кўринмадики, иш жойидан силжимади. Уезд маҳкамасидаги йиғинга бойнинг ўзини таклиф этишди.

— Э-э, Миркомил Мирмуминбаев узлярими?— кўзойнагининг тепасидан мўралаб, савол қотди ҳашамдор стол юқорисида ўтирган семиз юзли, ҳарбийча энгил-бошли киши. Бу беписанд гап бойга оғир ботди. Ҳарбийча либосли киши саволини давом эттирди:— Та-акс, бу, страительствага цель нема? Цел-ль?!

Миркомил ҳайбатли, унча-мунча инсон зоти яқинлаша олмайдиган бундай маҳкамаларда шу қадар саёз, бемаъни саволлар берилиши мумкинлигини тасавву-

рига сиздир олмас эди. У ҳайратидан ёқа тутиб турганида, бошлиқ татарбашара киши томонга шох ташлаб сўради:

— Целни нима айтамыз?

— Мақсад, муддао,— жавоб қилди татарбашара киши.

— Айтмоқчиман... Мақсад, муддао нима куришдан?... Авторитет...— татарбашара киши, «абру» деб илова қилди. Бошлиқ такрорлади: — Абру керакми-и?..

Энди Миркомил кўзларига ишонмади. Тушунтирай деса, бошлиқнинг столи устидаги семиз қоғоз тахламида кўзлаган барча нияту мақсадлари қайта-қайта баён этилган. Тушунтирмай деса, сўлқиллаган лунжини осилтириб ўтирган бошлиқ меровроқми?..

Бой ўйини ўйлагунича ўзини атайин доводиртабиат қилиб кўрсатаётган бошлиқ қоғоз тахламини варақлай-варақлай, чеккасига икки қат қалин чизик тортилган саҳифасини очиб, Миркомилга синчков бўзрайди. Юзи, лунжи таранглашиб қизарди ва лабини қимтиб, лунжини шишириб татарбашара кишига нимадир деб пўнғиллади. Татарбашара киши бир кўзгалиб олгач, чала-чулпа ўзбекчалади:

— Бу қураётган учреждинлар только сартларга хизмат қиламиш икан, касалхонада только сартлар лечит итилар имиш, ҳаммомга только ирлик аҳоли пользоватся итармиш. Бу қандай гап бўлай?!

Миркомилнинг тарвузи қўлтиғидан тушди — мусулмонлар касалхонасининг талабларини, мусулмону кофир бир ҳаммомда ювиниши оддий инсоний одобга хилофлигини тушунтирмоқчи эди, бирдан ниятидан қайтди — у кўнглида турилган тоза нияти не сабабдан беш-олти йилдан буён чўзилаётганини, ҳарчанд уринмасин, раҳматли отасининг васиятини рўёбга чиқара олмагани боисини тўсатдан — фавқулодда англаб етди. Энди ўйлаб кўрса, ҳарбийча кийинган бошлиқ илоннинг ёғини ялаган экан. У тарвузсимон юмалоқ калласини сарак-сарак қилиб кулиб, тиржайди ва:

— Вот, бунда,— деди стол жавонига имо қилиб.— Ку-уп севеденилар китирганлар. Так что... шутка китмайди, бай! Давай, дружно, а то!..

Миркомил ўрисчани чала-ярим гапирар, унча-мунча тушунса-да, ўзини бу тилдан мутлақо беҳабардек тутар, шу «хийласи» аксари ўринларда иш бериб қолар эди. Ўша сафар уезд маҳкамасидан чиқиб кетди ҳамки, бир неча кунга довур қулоғининг тагидан, тилининг учидан «дружно» деган сўз аримади. «Дружно, дружно... дўстона, иттифоқ, бирлик... ҳар ким уддасидан чиққан яхшилигини аямаса, савобни кўзласа, шум ният бўлмаса... Шу-да, дўстона яшаш!.. Савоб истасанг-да, савобинг бошқаларга гуноҳдек ботса, у ҳолда ким дўст-ким душман?! Севедениеси кўп эмиш. «Куп севеденилар китирганлар», деди. Ҳай, истибод мақсадида келган ўша ҳарбий бошлиқ тоифасидаги қорни, мияси тўла ғараз одамлардан гинаси йўқ, лекин унга ким севедени келтирган?.. Миркомилбой ҳақида кўплаб «севедени»ларни ким унга етказиши мумкин?.. Искандардан шубҳаси йўқ, унинг атрофида айланишадиган бошқа ғайридин бўлмаса, у ҳолда ким уни сотади, ким?..» Турли давраларда йиғиладиган барча таниш башараларни бирма-бир кўз ўнгидан ўтказди — боши қаттиқ қотди.

Миркомилбой кўнглининг бир чеккасида айланишадиган шубҳани илғади-ю, илғгани тилига кўчишидан қўрқиб, ўзини чалғитишга тутинди. Тутинса-да, «Наҳотки?! Наҳотки?!» деб такрорлайверди.

Ротмистр Розалион қалин муқова орасидан тепасига «Чақувлар» деб ёзилган варақни олиб, уни даҳани ингичка полковникнинг столига қўйди. Хона соҳибни вараққа эриниб кўз югуртирди.

— Ишончлими?.. — ҳомуза тортиб сўради у.

— Ҳар хабарига мўмай-мўмай олаяпти, жаноби олийлари!

Полковник «чақувчи» деган ёзув тўғрисидаги исмни ўзича шивирлади:

— Кел-ди... — ўқиб бир зум ўйга чўмди-да, бармоғини нуқиб туриб сўради: — Манавининг ўзи назоратдами?

— Худди шундай, жаноби...

Полковник «бас» дегандай кафтини қулоғига бос-

ди. Гапи бўъзида қолган ротмистр тисарилиб ташқарилади. Эшик ёпилар-ёпилмас полковникка жон кирди — у ўтирган жойидан энкайиб жавондан қороз тикилаверганидан семирган папкани олди, очди ва охирги варақларга кўз югуртирди. Шошиб, ютоқиб ундаги сўзларни ҳижжалаб, янги келтирилган варақдаги ёзувларга солиштирди:

— Та-акс... Қори чакки эмас... Комилбойни Тошкангача қўшни купеда кузатиб борган... Бой Тошканда Олимжонбоев исми купес билан учрашган... Та-акс... Олимжонбоев ҳақида... Мана, Содиқ келтирган... Тўхтабой Олимжонбоев!.. У билан ҳам алоҳида шуғулланамиз! Та-акс, бойнинг сарф-харажати, банкдаги давлати Келдининг назоратида... Та-акс, яхши!..

Полковник янги келтирилган варақни қайта бошдан назардан ўтказаетиб бош чайқади. «Бундан хабаримиз бор», деди шивирлаб. Шу пайт телефон жиринглади. Полковник зўр бир мамнуният билан телефон дастагини қулоғига босаетиб, қоматини ростлади.

— Полковник Сошальский эшитади!

У тинимсиз бош ирғаб нималарнидир тез-тез қорозга қайд қилди. Ниҳоят, кўрсатмалар тутади шекилли, тўсатдан овозини кўтариб: «Бор, жаноби олийлари!» деди топишмоқ топган боладай қарийб ҳайқириб, сўнг оромкурсининг қирроғига кетини илантириб ўтирдида, янги маълумотни чўқиб-чўқиб ҳижжалади:

— Аянжоннинг учинчи қисмида яшовчи Мадрайим-ҳожиникида... йиғин бўлди. Миркомилбой раислик қилди... Мазмуни — сарт ўғлонларни соллатликка жўнатмаслик маслаҳат... Даъват... ҳа-ҳа, ёзма даъват тайёрланган!..

Полковник жим бўлди. Бир оздан сўнг яна гапирди:

— Ҳа-ҳа, эртасига... мана, бор-бор, саҳарлаб Мирмўминбоев поездга миниб, Скобелевга жўнаган. Фаргона губернаторини қўлга олишга уринган... Нима дедингиз?... Маълумот келтирувчиларни... Ҳа-ҳа-ҳа-а!.. Э-э, жаноби олийлари, бу сартларга-чи, тўрт танга берсангиз Миркомил деган бой экану, ўзининг отасини сотади!.. Ҳи-ҳи-ҳи!.. Ўзимизнинг хуфияларга иш қолдирмайди булар!.. Розалионнинг бир ўзи, ҳа, бало



у, бир ўзига йигирматаси тинимсиз маълумот етказиб туради. Ҳа-ҳа, ҳаммаси бир-бирининг кетидан қўйилган... Хотиржам бўлинг, жаноби олийлари!..

\* \* \*

Миркомил тонгги ғира-ширада юк вокзали яқинидаги тепалик ёнбағридан ҳандақ қазиётиб Мадраимқожиникидаги йиғинни, унинг эртасига Скобелевга борганини ҳам эслади. Ҳарбий ҳокимнинг эшигида узоқ сарғайиб ўтирди, алҳол, уни ҳокимнинг муовини қабул қилди.

— Анжандан қанча мардикор оласиз?— сўради у гапни чўзмай.

— Нима эди?— ўсмоқчилади муовин.

— Барининг ҳақини тўлаймиз! Бизнинг йигитлар ўрус ўрмонларида жон сақлаб яшолмайди. Совуқ!..

Муовиннинг ранги гезарди.

— Ў-ў!.. Давлатингиз шунчалик зиёдами?..— деб юборди энтикиб.

— Борини бераман... Тўлаймиз, лекин биронта фарзандимизни жўнатмаймиз!..

Миркомил зимдан иш битирадиган қув табиатли одам бўлганида ҳарбий ҳокимга келиб бор ниятини тўкиб сочармиди! Шундай одам бўлгани учун ҳам Содик, Қори, Келди... исмли юртдошлари, диндошлари кетида илашиб юриши, босган қадами, айтган сўзини оқизмай-томизмай пешма-пеш етказиб туриши мумкинлигини сира-сира тасаввурига сиғдирилмас, бу шубҳасини, ҳатто, ҳозир ҳазм қилолмаётган эди. Лекин мана, ўйлайдиган пайти келди, ҳаёт шундай экан-да, во, ажаб! Ҳатто, энг эзгу, савобли орзуниятингга етишмоқ учун ҳам ҳийлакорроқ, маккорроқ бўлишга мажбур экансан. Акс ҳолда, тубанлик ва маккорлик пардаси билан ҳимояланмаган энг тоза ва ҳалол ниятларингга ҳаётнинг ўзи муттасил тупуриб, уларни оёқ остида топтаб, тупроққа қориштириб ўтар экан.

Эҳтимол, Миркомил шу аччиқ ҳақиқатта риоя қилганида сургунма-сургун, қамоқма-қамоқ сарсон-саргардон бўлмас эдими!.. Атрофида лайча итдек гир-гир

айланиб, дўқ-пўписа қилаётган аскарчанинг измига бўйсуниб, шу саҳармардонда лой аралаш тупроқ кавламаётган бўлармиди?! Э-эх, фалак!..

Лоақал Истанбулда Анвар пошонинг маслаҳатига қулоқ солганида...

— Туркистондан умидни қўпоринг, Миркомил сайим, бизим юрдада қола билурсингиз,— деган эди Анвар пошо.

— Мен бу ерда қолсам, болалар-чи, оиламнинг аҳволи не кечади?— деб эътироз билдирди Миркомил.

— Жужуқлардин, наслардин-да қайғурманг, сайим. Иншааллоҳ, уларни-да, бу ерда гўтаражакмиз. Ота юрдимиз хурият эдана қадар бизим Истанбулда яшай билурингиз.

Миркомил гўё Анвар пошонинг таклифига розилик бергандек бўлди-ю, ичида нимадир узилиб кетди, қўл-оёғидан мадор қочди.

— Жужикларни, насларни кўчириб келармиз, пошо афандим, — деди Миркомил қаҳратонда қолган одамдай совуққотиб.— Лекин ватанни қандай опкеламиз?.. Ватанни кўчириб бўлмайди-ку!..

Энди ўйласа, ўшанда Миркомил ичидан ёмон зил кетган экан, кўксининг алақаерида «чирт» этиб узилган нарса энди бутун вужудига тарқагандек бемадор-бемажол... ўй-хаёлга фарқ, қўли онгсиз, шуурсиз тупроқ қазир эди, холос... Тўйларда фарчли бачкана этик кийиб, хотинчалиш рақсга тушадиган баччалардек гирдикапалак бўлаётган аскарча маҳбус қазийётган чуқурча одамнинг белига келиш-келмаслигини чамалади-да, дам чуқурга, дам чор-атрофга аланг-жалаглаб олгач, «Бўлди, етади!» деди.

— Энди кунингиз битди, бой, — деди у тўсатдан ўдағайлаб.

Миркомил қулоғига ишонмай аскарчага ўтирилди. Ўтирилди-ю, қоши чимирилиб, юрагида санчиқ қўзғанди. Ғудраниб, сўкинди.

— Комилжон ака, шошилинг, қочишдан бўлак чора қолмади!— деди қўлга олинган кунга ўтар кечаси уйига яширинча келган дўстларидан бири.

— Тинчликми?— бамайлихотир сўради Миркомил.

— Эртамианан сизни ҳибс этишга буйруқ бор. Большовойларнинг нияти бузилди.

— Нияти бузилса менга нима?.. Менинг ниятим бузуқ эмас-ку! Ҳибсга неча қайта олди, тагин чиқиб келавераман-да!..

— Гални чўзманг, ака, тонг отмай Анжадан чиқиб кетасиз. Зудлик билан Афғонга ёхуд Туркияга жўнайсиз. Хўп, денг!..

Миркомил қайсар эди — хавотирни ҳис этмай миёғида кулди.

— Афғонминан Туркияда худо бошқами?.. Ҳамма ерда худо бир, пешанада борини ҳар ерда-да, кўраверамиз...

Дўсти йиғлаб юборди, саҳарда — кун ғира-шира ёришмай эса — бойни олиб кетишди ҳамки, мана, уч ой ўтаяпти: на сўроқ бор, на жавоб! Мана энди мишиқи аскарча бола «кунингиз битди» деб милтиқ ўқталиб турибди.

— Ё, раҳмдил эгам, — деб юборди Миркомилбой, — кимларнинг қўлига топширдинг қулингни?!

— Инқилобий трибунал қўлига! — бидирлади аскарча. Миркомил ҳибсхонадан олиб чиқишганидан буён кетида келиб, хандақ қазигунича беш-олти одим нарида «чурқ» этмай босиб тамаки тутатиб турган ўрта ёшлардаги кўзлари мовий соқчига маъносиз тикилди. У ҳамон жим эди, узбек бола яна бидирлади: — Ҳукм бор, ҳозир, машетта бажо келтирилади!..

— Ўйлаб гапираяпсанми? Валдирайвермай, отингни айт, бола?

— Менга дўқ урманг, Мирмўминбоев! Аскарни ҳақоратлаш—инқилобни ҳақоратлашдир!..

— Отангди отини биласанми?

— Отангди отини нима қиласиз суриштириб, барибир отиласиз!..

Саҳар эпкини эсди-ю, Миркомилнинг димоғини янги қазилган тупроқнинг ёқимли исси қитиқлаб ўтди. Бой юзини хандақ томон бурди. Аскарча ҳамон нима-лардир дея бидирлайверди.

— Менга сув келтир, таҳорат олай! — чўрт кесди унинг гапини бой.

Аскарча бир зум вайсашдан тухтади-ю, овозини баралла қўйиб хахолаб юборди. Зум ўтмай қўққисдан кулгини бас қилди, бирдан жиддий тортди. Турқи ге-зариб, жуссаси инқилобий тус олди.

— Нималар деяписиз, бой! Буйруқ қиладиган дав-рингиз ўтди. Энди пўписангиз кетмайди!

Миркомил оғир бурилиб, аскар ва аскарча томон ўтирилди, унинг мош-гуруч мўйлаби асабий титрар эди. Афсус-надомат ўрнини адоқсиз ва оғир ўйчанлик эгалаётган нигоҳини кўтариб, аскарчани бош-оёқ ку-затди. Маҳбусдаги бундай ўзгаришни кўриб ҳайратни яширолмаган мовий кўз соқчи, ниҳоят, аскарчага қараб дўриллади:

— Нима деяпти?

— «Сув келтир» эмиш! Таҳорат қилармишлар! Та-ҳоратни ашиёқда қилади, энди!..

Мовий кўз соқчи тутаклиб кетди.

— Одамнинг боласимисан, мол?! Ўзингнинг сар-тинг бўлса, мусулмон бўлсаларинг, охирги илтимосини бажарсанг ўлиб қоласанми, энафар!..

Аскарча қўрққанидан ерга ўтириб қолаёзди. Тиз-заси қалтираб, энкайиб соқчининг ёнига милтигини қўйди-да, қоқилиб-суқилиб қамоқхона биноси томон физиллади. Миркомил мовий кўз соқчидан андиша қил-ганидан унга ортиқ қараб туролмади — шаҳар томон ўтирилиб, олис-олисларга кўз ташлади. «Наҳотки?...» деди беихтиёр пичирлаб.

Орадан кўп ўтмай аскарча шошилиб қайтиб келди-да, Миркомилнинг оёғи остига обдаста қўйди. Бой икки-уч қадам четлаб ўтиб чўнқайди, таҳорат олишга киришди. Юз-кўзларини ювди. Яктагининг этагига, ен-гига артинди. Сўнг чакмонини хандақ ёқасига ўтириб тўшади-да, ортига ўтирилди.

— Менга қара, бола,— деди жуда майин-вазмин оҳангда,— икки ракат бомдодни ўқиб олай. Сўнг қад ростлаб, «Аллоҳу акбар!» дея қўл кўтарганимда отса-отаверсин, тушунтириб айт, хўпми?

Миркомилбой «Муқаррар мовий кўз соқчи отади!» деган фикрда эди. Аскар бола жим бўлиб қолди. Хиёл фурсат ўтиб: «яхши», деди бош ирғаб.

Миркомил яланг оёғи билан камзулининг этагида қад ростлаб на қўл, на кўз етмас Маккатилло ёқда узоқ тикилиб тошдек қотди. Шу алфоз хийла фурсат ҳаяллади, икки ракат суннат намозини ўқимоққа ният қилди, қўлларини қулоқлари мақомига кўтариб, «Аллоҳу акбар!» деди баралла. Субҳи содиқ сукунатида унинг овози гуриллаб чиқди, овозининг фавқулодда маҳобатли эшитилганидан ич-ичидан гуруранди. Шу ўйда яна бир карра «Аллоҳу акбар!» дегиси, шу каломнинг сеҳрли жарангига узоқ тин олиб қулоқ тутгиси келди-ю, ўйи охирига етмай қаттиқ силтаниб кетди. Шопилиб, «Аллоҳу акбар!» деб юборди-ю, ушбу калом сеҳрини яна бир бор вужудига сингдириш умидида иродасини жамлади. Икки курагининг қоқ ўртасидан яна бир қаттиқ зарб еди — қандай бўлмасин, мувозанатни сақлашга тутинди — хаёллари янаям сокинлашди: у намозни бошлаш учун ният қилиб улгурди, холос... Парвардигорнинг буюклик сифатини зикр этди, ҳа, баралла ёд этди... Энди суннатни, сўнг фарзни адо этади... Миркомил елкаси, бели аралаш устма-уст санчилаётган, аъзои баданини ўпириб-қўпориб ўтаётган қўрғошин сочмасининг гўё ўзига дахли йўқдек бомдод намозини адо этиш ниятида тинимсиз «Аллоҳу акбар!» дер, башарти, бир сония ортига ўтирилса, кейинги кунларда тилидан тушмай қолган «Наҳотки?» деган қаттол саволга жавоб топар — зеро, мовий кўз соқчи бояги-бояги чеккада турганича тамаки тутатаётган, босар-тусарини йўқотган ўзбек аскарча эса талвасада устма-уст тепки босаётган эди... аммо лекин Миркомил учун ўзидан чиққан ва бутун умр таъқиб этган душманини ўз кўзи билан кўриш орзуси ҳам ниҳоятда арзимас нимарсага айланган — унинг учун бу ёруғ дунёда холис ният-ла бошлаган сўнгги ибодатини адо этишдан муқаддасроқ мақсад-муддао қолмаган эди, бироқ ақлсиз ўқ узилаверди-узилаверди...

Миркомилнинг тилка-пора бўлган жасади ўзи қазирган хандаққа гурсиллаб ағдарилди...

1992 йил.

## ТҶХТАБОЙНИНГ БОЙЛИКЛАРИ

### I

— Зулфи-и! Ҳо, Зулфияхон! Чиқа қолинг, севинчли хабар кеп қолди!

— Ҳозир, опа, ҳозир чиқаман.

Зулфиянинг товуши қўнғироқдек жаранглаб чиққан бўлса-да, унинг ўзи хийла паришонхаёл эди. Кундошларининг ёнида сир бой бермайди, шу боис қандай бўлмасин, чеҳрасидан табассум аримайди. Уларнинг раъйига қарамови лозим, улардан ҳушёр юрмоғи лозим, улар билан орани бузмаслиги шарт... аммо лекин ҳарна қилганда ҳам аёл—аёл-да: Зулфия иккала кундошидан ўзининг ёшлиги, қолаверса... самбит новдасидай расо бўй-баста, суксурдай чиройи билан бойга суюклироқ эканлигини ҳам яхши ҳис қилади, вақтибевақт шу борада тили узунлигини кўз-кўз қилиш илинжида киборли юришлару беписанд боқишлар қилиб қўяр, унинг бундай қилиғидан Адолатнинг ич-эти қирилиб тушаётганини сезиб, қувончидан қарсақ чалиб юборишдан базўр ўзини тияр эди. Ўрни келганда, Адолат ҳам жазиллатиб игнасини санчиб олар, Зулфиянинг туғмаслигини киши билмас пичинглар билан бетига солар эди.

Тавба... Зулфия қизлик чоғи ўзидан икки ёш катта Адолат билан Олия отинда таҳсил олган. Негадир ўша вақтларда у билан жанжаллашгани-жанжаллашганди. Отинойи: «Ҳо-ой, Зулфи! Ҳо-ой, Адол! Нима бало, кундошмисанлар, юмма талашганинг-талашган!» дея чакак қоққани-қоққан эди. Фаришталар «омин» деган экан, тақдир уларни бир эрга қўш хотин қилди...

Улар орасидаги пинҳона «жанг»лар бир сафар ошкор тўқнашувга айланди. Нима бўлди-ю, уйда ўзларидан бошқа ҳеч зор йўқигидан фойдаланишдими, икки кундошнинг дилидаги тилига кўчди: Зулфия бойнинг суюкли кенжа хотини эканини пеш қилди, Адолат унинг тирноққа зорлигини «фош» қилди. Шунда Зулфия кундошининг бу борадаги севинчини ҳам чип-пакка чиқарди:

— Куз келсин, қўчқордай ўғил туғиб бермасам, отимми бошқа қўяман! Ҳа-а, аламингдан ёрилиб ўларсан, ўшанда!..

Адолат ҳанг-манг бўлиб қолди, ишониб-ишонмай кундошининг қорнига анграйди, сўнг ўзининг вафлатда қолганини сезди шекилли, бир нарсани шошилинич олиб чиқмоқчидек зипиллаб юриб уйига кирди. Алланималар дея вайсади-вайсади-да, охири йиғламсираб қарғади:

— Тўқол, маҳаллангга йўқол!

Зулфия дабдурустан қарғишининг маънисига тушунмаган бўлса-да, бўш келмади. Дераза ёнига яқинлашди-да, овозини баралла қўйиб аламини олди:

— Жа, билгинг келаётган бўлса тарозини опке, тағитахтимиззи бир тортиб кўрамиз! Тўқол кимлигини ўшанда биласан! Ҳу-у, зоти паст!

Бу жанжал Мактабхон онанинг қулоғига қайдан етди — Зулфия ўйлаб-ўйлаб тополмади. Она Адолатга нелар деб танбеҳ берган-бермагани унга қоронғи, лекин бир оқшом суҳбат орасида Зулфияга ётиғи билан насиҳат қилди:

— Зулфияхон, болам, кибор кибрдандир, кибр ҳаромдир... Илоҳим, бой отамиззи давлати зиёда бўлсин, манаши «Насанал» меҳмонхонасининг барча жиҳозини Пўлшадан келтирдилар... Ҳаммамизга етиб ортади... Хонадонимизга ҳаром ораласа барчамиз кўр бўламиз-а, худо асрасин!..

Зулфия одам бўйига икки баравар келадиган тошойнадан ўзига қараб турган оппоқ юзи хиёл чўзиқ, ранги тиниқ, қорни дўппайган кўҳлик жувонни бошоёқ кузатиб туриб, ўша-ўша, Адолат билан қайтиб қирпичоқ бўлмаганига ичдан севинди. Мовий кўзларида филтилай бошлаган ёшни шошилиб артди.

— Кичик ойи-и!

— Чиқвомман, Саломатхон,—деди Зулфия Адолатнинг иккинчи қизини овозидан таниб.

Зулфия оғир-вазмин қадам босиб айвонга чиққан эди, Саломат югуриб келиб, унинг қўлидан тутди.

— Отам-чи, ҳайитта янги қўйлак тиктиринглар деб, газлама дафтарини киритибдилар. Вой, шунақаям кўпки-и!..

У хабар берди-ю, сабри етмай яна югуриб, бош кўтармай дафтар варақлаб ўтирган Муборак опасининг тепасига борди.

Зулфия Мактабхон онанинг чап томонига бориб оҳиста чўқди.

— Муборакхон қизим, дафтарни бер-чи, аввал биз кўрайлик, кейин сан синглинг билан танлайсан.

Муборак дафтарни Мактабхон онага узатди. Она дафтарни бир бошдан варақлай туриб: «Мана, мана-а», деб қўяр, уч-тўрт варақ ўтгач, «Ёқадими, танланглар», деб икки биқинига суқилиб ўтирган кундошларига қараб қўярди.

— Оввалбош сизга танлиймиз, она, — деди Адолат тўнғич кундошнинг ҳурматини сақлаб. — Ке, Мубор, силар ҳам танлашасилар.

— Ўнг қўл вазирларга ҳам атлас ярашади-да! — деди кулгисини яшириб Муборак.

Тўхтабой «Мактабхон — ўнг қўл вазирим» деганини хонадон аъзоларининг катта-ю кичиги эшитган, Муборак шунга шама қилаётганини сезган кундошлар орасида енгил кулги кўтарилди.

— Ўрисча таҳсилга қатнаб тилинг чиқиб қолди-я, сен қизнинг! — деди Мактабхон она кўзойнаги остидан қизга ёлғондака ўқрайиб.

Муборак катта онасининг жирига тегишни давом эттирди:

— Хонатлас бўлганда ҳам қўш этакли бўлса, хўп, ярашади-да!

— Ке-ке, олдин сенга танлаймиз, — деди Мактабхон она ён бериб. — Анув дўнғир-дўнғирингни чалиш учун ҳам алоҳида қўйлак сўрарсан?

— Бўлмаса-чи! — Муборак шундай деб югуриб келди-да, катта онаси билан кичик онаси орасига суқилиб дафтарга энгашди. — Зулфи онам мента мосини танлаб берадилар!

Зулфия гапга чечан, энди-энди ўрис тилини ўрнаётган, ҳатто, Варшавадан махсус келтирилган пианинода куй чалишни машқ қила бошлаган бу қувноқ қизни астойдил яхши кўрар, у ҳам бошқаларга ёрилмайдиган сирларини кичик онаси — Зулфия билан баҳам кўрар эди. Шундай бўлса-да, ҳозир



Мақтабхон онанинг ҳурматини сақлаш лозимлигини унутмади.

— Она, ўтган ҳайитда хонатлас танлаган эдиз, бу сафар ўқлоғи шойидан тиктиринг, сизга чунонам ярашадики!.. Ниҳол-ниҳоллигидан бўлса яна яхши!.. Адолатхон опам хонатлас кийсинлар.

— Бе-е, менга ким қўйибди хонатласни,— эътироз билдирди Адолат,— одмироқ бўлса ҳам майли.

— Камсуқумлигинг қолмади-қолмади-да, Адол, кимсан, Тўхтабойваччага қатор-қатор ўғил-қиз туриб берган хотин бўлсанг. Бой ота ҳайит баҳона дафтарни киритибдилар, чертиб-чертиб, танлаб-танлаб киямизда! Учовимиз бир сидра хонатлас, бир сидра оч пушти шойи бор-ку, мана, рангини қаранглар, шундан киямиз. Чўғдай ял-ял ёниб юрасизлар!..

— Мен ҳозир қўйлак тиктирмай турақолай...

— Вой, нега тиктирмас экансиз?! — суҳбатта аралашди Саломат.

Зулфиянинг муддаосини тушунган Адолат қизини беозор, енгилгина жеркиди:

— Сен аралашмай ўтир. — Шундай деб қалин дафтарнинг ҳар варағига ёпиштирилган бири-биридан рангдор ва чиройли газмол намуналарини ёнидагиларга кўз-кўз қила бошлади: — Аввал ҳаммасини бир бошдан кўриб чиқайлик, яқинда хориждан янгиларини олиб келишди деб эшитувдим...

— Олмон шойиси деган эдилар, — унинг гапини тўлдирди Зулфия.

— Мана, манави эмасми?— қўйлаклик танлашда «улоқ»ни ўз ихтиёри билан ёшларга топширган Мақтабхон она, оч ҳаворанг газмол парчаси ёпиштирилган варақни кўзига яқинлаштириб қаради. — Қурмагурлар-эй, бунча нозик ишлашмаса! Шишага ўхшайди-я!..

— Шуниси сизга ярашади, Зулфияхон, — деди Адолат.

— Мовий кўзла-ар, мовий либосла-ар!..

Кундошлар, уларга қўшилиб қизлар Муборакнинг хиргойисини эшитиб кулиб юборишди. Зулфия ўзининг кўм-кўк ҳаворанг кўзи беғараз кулгига сабаб бўлганидан эркаланиб ширин жилмайди.

Худди шу қаҳ-қаҳ кулги устига эшик очилиб, ичкарида Тўхтабой пайдо бўлди. Биринчи бўлиб Муборак билан Саломатхон «дик» этиб ўрнидан турди. Адолат бой томон бир қадам пешвоз юриб тўхтади, Зулфия ўрнидан оғир қўзғалиб, қад ростлаган Мактабхон онанинг панасига ўтиб, ер чизганча тураверди. Бойнинг доимо вазмин, босиқ, айнаи чоғда, жиддий қиёфасидан унинг авзоини бирдан англаб бўлмас, баъзан феъли айниброқ турибдими ёхуд хушнудми — шуларни-да фарқлаш қийин кечар, одатда, биринчи гапини эшитиб, у кишининг кайфиятини аниқлаб олинмагунча, катта-ю кичик «чурқ» этиб товуш чиқармас эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Бой хонтахта устида очиқ қолган дафтарга кўз қирини ташлаб қўйди-да, лабининг бир чеккасида кулимсираб, деди:

— Силар кўйлақлик танлагунча ҳайит ўтиб кетар ҳали...

## II

Тўхтабой гумаштаси бошлаб келган извошга чиқиб жойлашиб ўтириб олганича хаёлга толди. Хаёл олиб қочиб, ҳатто, қўш отнинг туёқлари тошга тарақлаб урилишини ҳам, жониворларнинг сувлуқни чайнаб асабий кишнашини ҳам эшитмади. Извош Масковдан ташқарига чиқаётгандагина тек қотиб ўтирган кўйи сўз қотди:

— Борадиган жойимиззи тушунтирдингми?

Гумашта йигит хўжайиннинг авзойига қараб, дамини ичига ютиб ўтирган эканми, бойдан садо чиққан заҳоти жонланиб тилга кирди:

— «Ново Варварьевск» десам, ўнта извошчи «К дачу Миркамиля? Я, я отвезу!» деб ҳозир у нозир бўлиб турибди, бой ота!

Унча-мунчага қувончини ҳам, ранжиганини ҳам намоеён қилавермайдиган Тўхтабой ҳаяжондан қалқиб тушди. «Дача» эмиш, ҳукумати сургунга жўнатиб қўйибди-ю, булар «дача» дейди. Миркомилбой Мас-

ковга келганига икки ой бўлди-йўқми, извошчилар исми-шарифига хабар топибди...»

Тўхтабой Миркомилбойнинг «дача»сида уч кун қандай ўтиб кетганини ҳам пайқамади. Назарида, Миркомилбой уни совуқ қаршилагандай туюлди. Андижонлик бойнинг димордорлиги аввалига унинг ҳамиятига тегди, бироқ кейин Тўхтабой шайтонга хай берди: «Юртидан бадарға қилиниб, сургун муддатини шу зах ва мовор иси анқиб турган ўрмонда ўтказаётган одамдан гина қиламанми?!»

Миркомилбой ҳам Тўхтабойни бирров келиб изига қайтади, деб ўйлаган эканми, иккинчи кунга қолганини кўриб, унинг елкасига қоқиб, бағрига босиб, миннатдорчилигини яширмади:

— Раҳмат, Тўхтажон, ука! Мусофирликда ёнингда душманинг бўлсаям ҳамюртинг бўлсин экан. Сиз эса ўзимиздан... Шундан пича қийналиш бор, холос...

— Худо хоҳласа, бундан қийналмайсиз, тақсир, — деди Тўхтабой ҳам Миркомилнинг билагидан тутиб.

— Жой... мана, бемалол, — деди Миркомил қатор кетган икки қаватли тахта уйларга ишора қилиб.

Тўхтабой ҳазилга йўйди:

— Нима, «Сургун қилинганлар келаверсин», демоқчимисиз, тақсир?

Миркомил шундагина гапининг тескари маъносига эътибор қилди ва одатига хос қошини чимириб, лабларини қимтиб кулди.

Тўхтабой Миркомилнинг ниҳоятда зийрак ва ҳушёр одамлигини яхши билса-да, Ново Варварьевскка келишининг учинчи кундаги суҳбат асносида ҳайратидан ёқа ушлаб қолди. Миркомилбой билан неча марталаб қуюқ меҳмондорчиликда бир дастурхондан овқат еган, неча дафъа у билан икки-уч кунлаб бир поездда ҳамроҳ бўлган — Миркомилнинг босиқ ва тағдор гап-сўзи, қочириқлари, танбеҳу насиҳатлари икки-уч оғиздан ошмас эди. Мана, энди, мусофирчилик боисми ёки бўлак сабаблари борми — бой пича сўзамоллашибди...

— Бизнинг Туркистон бойларимиз узоқни кўра билишмайди. Қайси савдогар, қайси топармон-тутармонга

қараманг, биздан пахта, пилла жўнатади, Россидан ва ҳоказо ўзга юртлардан эса газмол, уст-бош олиб боради. Камина ҳам, кимсан, Миркомилбой бўлгунича Анжану Фарғонанинг пахтасини сотмаган юртимиз қолмади. Ўзларини ҳам биламиз, Россидан газмол, тел-пак, мўйна оббориб сотадилар.

Миркомил шундай деб таққа тўхтади-да, Тўхтабой томон ўтирилди. Сўзида давом этди:

— Эътибор берсинлар-а!.. Биз хом ашёни икки қўлаб кепак нархига сотамизу, булар ўла қолса ҳам хом ашё сотмайди — тайёр буюм сотади, буюм! Дейлик, мўйнининг хомини сўранг-чи, ўша шойи газламанларнинг шойи ипагини сўраб кўринг-чи, икки дунёда ҳам бермайди! Чунки, буларнинг калласи сизминан меникидан дурустроқ ишлайди!..

Бу гаплар Тўхтабой учун фавқулодда янгилик бўлмаса-да, негадир эти жимирлашиб кетди, бошини кўтариб қараганда ҳам учлари кўринмайдиган тик дарахтнинг моғор босган танасидан совуқ уфурди — ҳам алам, ҳам вазабдан лаби гезарди.

— Мен Лондон, сўнг Парижга ўйнагани борганим йўқ, — сўзларини янаям чертиб-чертиб гапида давом этди Миркомил. — Ўша юртлардан йигирувчилик, тўқимачилик ускуналарини ундиргани бордим. Гаплашдим, келишдим ҳам.

— Нақадар улуғ ишлар бошлабсиз, тақсир!— ҳайратини яширмай деди Тўхтабой ва бир зум сукут сақлаб, бирдан шаштидан тушди: — Бироқ сиз билан биз улуғ муддаоларни кўзласагу ўрис ҳукумати ўз ҳолимизга қўймаётгани чатоқ-да...

Миркомил жавоб қилмади. У хиёл бурилиб рўпарасидаги дарахтнинг қучоқ етмас танасига қаради: кўкимтир пўпанак босган, тик, ниҳоятда баланд... йиқитай деса, нақадар бақувват, шох-бутоқларини синдирай деса, нақадар қўл етмас...

Бой лабини тишлади, нафрат-ла афтини бужмай-тирди, узоқдан кўрган одам уни куляпти, деб ўйлаши мумкин эди.

— А, биз сиёсатчи бўлмасак!.. Тужжор одамни ўз ҳолига қўй, қизталоқ!

— Тужжорлик ҳам сиёсат экан-да, аслида, тақсир. Савдогарчилик қилавурибмизу замоннинг тошу тарозисини ҳисобга олмабмиз, ака. Аслида...

Миркомил ҳанг-манг бўлиб қолди. Унинг ҳайрати Тўхтабойнинг ҳозиргина ҳайратланишидан ўн ҳисса ошиб тушди. Бир неча сонияда жуда-жуда кўп воқеалар хаёл ипидан чақмоқ янглиғ учиб ўтди. У бутун умр ўзини йирик бир савдогаргина ҳисоблаб келар, кези келганда: «Менинг сиёсат билан ишим йўқ», деган жойлари бўлган, энди... неча бор тафтишу терговга чақирилиши, қийин-қистовга олиниши, сургунга жўнатилиши, изидан соядек айроқчилар эргашиб юриши... булар сиёсат бўлмай, нима?! Нега шу чокқа довур, кимсан, Миркомил шуларни ўйламади, нега...

— Тўхтабой?!

Бойнинг бу тахлит мурожаатини кутмаган Тўхтабой «ялт» этиб суҳбатдошига қаради. У худо ярлақаб савдогарчилик йўлида иззат-обрў топган ва шунинг баробарида... азиятлар чеккан Миркомилга ич-ичидан ачинди. Тўхтабой хаёлга толганидан Миркомилбой қандай қилиб мавзуни ўзгартириб юборганини сезмай қолди.

— Шундай ишлар бошлаш ҳаракатида юрибмизу сиз қаёқдаги Захарўв, Кнопларга кунингиз қолиб, синиб ўтирибсиз.

Башарти, шу топда: «Ия, бой ака, шулардан ҳам хабарингиз борми?» деса, Тўхтабой жуда паст кетган бўлар эди, шу боис «билсанг-билибсан-да» деган мазмунда атай чурқ этмади. Унинг устомонлигини пайқанган Миркомилбой ҳам «индамайсан-а, индамайсан» деган маънода пичингини атай қарийб тақрорлади:

— Нима қилиб, ўша ўрисминан немис жуҳудининг қармоғига илиниб ўтирибдилар, Тўхтажон?

Тўхтабойнинг назарида Миркомил «Тўхтажон» деганда ҳозиргина «Тўхтабой» деб юборганининг аламига «жон»га қаттиқроқ урғу берди. Энди эсласа, бой унга сира «Тўхтабой» деб мурожаат қилмаган экан. Ваҳоланки, Тўхтабой қаерда бўлмасин Миркомилнинг ёшини, давлатини ўзига нисбатан энига ҳам, бўйига ҳам йириклигини тан олади, ҳурматини жойига қўяди.

Бироқ Миркомилнинг «Тўхтабой» дейишга тили бор-майди.

Бундай гина-кудуратнинг ўрни эмас эди.

— Векседдан куйдим...

— «Насонал»ни топширдилар?..

— «Насонал» кетди...

— Аши-и... Яна?..

— «Насонал»га қўшни кўчадаги икки қаватли дўкон...

— Яна?..

— Яна...

— Тошкани ҳам ташлаб чиқибдилару!..

Тўхтабой ер тепиниб юборди. Азбаройи манглайдан тер чиқиб кетди. Ҳақиқатан ҳам Миркомилбойнинг тили аччиқ эди. Ўйлаб кўрса, шундай — кимсан, Тўхтабойдек дасти дароз бой меҳмонхонаси, ҳайҳотдек дўкони, расталари кетгани етмагандай бола-чақаси-ю, уч хотинини қўқон аравага юклаб, етти пушти яшаб ўтган она шаҳрини ташлаб жўнаб юборибди.

Шу топда Тўхтабой: «Ажаб, тақсир, бу ҳақда қайдан хабар топдингиз?» деб савол қотганида анча содадилликка йўл қўйган, ернинг остида чувалчанг ғимирласа сезадиган Миркомилдек бой олдида жуда-жуда қадри тушиб кетган бўлур эди. Яхшики, Тўхтабой ҳам анойи эмас, «бозор кўрган» бойлардан... У ажабланганини сездирмади. Сездирмади-ю... тўнғич хотини Мактабхоннинг тош ютиб сабр қилишларини эслади.

Адолат «Шўтта қоп кетамизми, энди!» деб очиқ бош кўтарди, Зулфия норозилигини «Тошкентдаги уйимиз яхши эди-да...» дея изҳор қилди, холос. «Сабр қилинглар, худо хоҳласа қайтамиз», деб тасалли беришга берарди-ю, худо қачон хоҳлашини тахминан бўлса-да, билмас эди.

Тўхтабойнинг жим қолиши хийла чўзилганини Миркомилбой изза бўлганликка йўйдими, унинг кўнглини кўтаришга уринди:

— Сабрлисиз, Тўхтажон, ука... Ўзбек сабрга тутилган... Сабр, сабрнинг таги олтин... Сабрнинг...са....

Айтмоқчи, «Насонал»да туғилган ўғилчанинг отини Собиржон қўйган эдингиз, каттакон йигит бўб қолгандир?

Энди Тўхтабой чинакамига ҳанг-манг бўлиб қолди.

Энди у ҳайратланганини яширмади. Дунёнинг ташвишини бошида кўтариб юрган, Андижон йигитларини мардикорликдан олиб қолиш илинжидаги саъй-ҳаракатлари ва бошқа туҳматлар эвазига мана шу қора ўрмонга сургун қилинган Миркомилбойдек одамнинг Тўхтабойни, унинг сингани-ю оила аъзолари билан Тўқмоққа кўчганигача, «Насонал» меҳмонхонасидаги уйида уч йил муқаддам туғилган ўғлига Собиржон дея исм қўйганини эсда сақлаб юришдан бўлак ташвиши йўқми?! «Келин онамиз фарзандли бўлишни беш йил кутибдилар, меҳмоннинг отини Собиржон қўя қолайлик», — деган эди гўдакнинг қулоғига азон айтган қори домла. Тўхтабой рози бўлди, айтган эди, Зулфия ҳам эътироз билдирмади ўшанда...

Миркомил Тўхтабойни яна ўйга толдириб қўйганидан ичида севиңдими ёки унга ачиндими, юпатишга ўтди:

— Савдо-сотик иши шу, тақсир. Бугун чикка, эртага пукка. Бу ёғи ёлғиз Яратган эгамизга аён, ука... Ўзбекнинг Тўхтабойини векселминан синдирган жухудларнинг белини биз пул билан, тадбир билан букамиз. Иншоаллоҳ, Собиржоннинг суннат тўйини ўзингиз қурган «Насонал»да ўтказамиз. Тўйболага атаб «Насонал» ҳовлисига ўз қўлим билан тўриқ етаклаб кираман, иншоаллоҳ!..

Бу меҳрибонлик қиёфасидан баджаҳл ва қаттиққўл кўринадиган, аслида дийдаси бўш Тўхтабойнинг кўнглини тўлдириб юборди — у сўзсиз ва несиз Миркомилга термилди. Миркомил мазмундор ва салобатли бош ирваб кўзларини юмиб қўйди ва қуюқ ўрмон қўйнидаги кимсасиз ёлғизоёқ йўл устида турган қўйи баралла гапирди:

— Тадбирли одамлар қараб турмайдилар, Тўхтабой ука. Биз ҳам анойи эмасмиз!..

### III

Қўқон аравада кетаётган Мактабхон она йўловчиларнинг гўнғир-гўнғирини эшитди-ю, соябон ичидан ташқарига мўралади-да: «Мерободнинг гузари», деди. Араванинг силкиниши мақомига фарқ бўлиб хомуш хаёл суриб кетаётган Зулфия бошини кўтармади.

Кўчада ит ҳуриди. Мактабхон онанинг тиззасига бошини қўйиб ётган тўрт ёшли Солиҳжон: «Кучу, кучу!»—деганча «дик» этиб сакраб турди. Мактабхон она ҳеч бир сўз айтишга мажоли қолмагандай Солиҳжоннинг қўлидан тутди. Зулфия бояги-бояги — бир нуқтага тикилганча кўзини узмади. «Йиғлаяпти», деб ўйлади Мактабхон она. Бояги итнинг ҳуришига дайди итларнинг вовуллаши қўшилди. Солиҳжон яна соябон ичидан ташқарига чиқишга интилди. Онасининг, катта онасининг авзодан оғир кўнгилсизлик юз берганини ўзича тахмин қилиб, турли хаёлга бораётган Собиржон: «Ўтир!..» деди товушини баландатмай, укасининг қўлидан тортиб.

Йўловчилар гўнғир-гўнғири ортада қолди. Араванинг тунука қопланган ёғоч филдираги йўлнинг ўнқир-чўнқиридан тарақлаб-ғичирлаб, туртилиб-урилиши, карвоннинг «Ҳа, чувв-э!» деган асабий ҳайқириши тез-тез эшитила бошлади.

— Қаёққа кевоммиз, котта ойи?..

Мактабхон она ташқарига яна бир қур кўз ташлади-да, елка қисди:

— Танимадим. Бу кўчаларни кўрмаганман...

Арава силтанди, гупчаги қаттиқ ғичирлади, бир оёғи зум кўтарилиб қайтиб тарақлаб тушди. Соябоннинг гардиши сингудай қисирлади-да, Зулфия йиғлаб юборди. Собиржон онасини юпатмоқчи бўлгандек, унинг елкасини силади. Солиҳжон онаси не сабабдан йиғлаб юборганига ақли етмай, жим бўлиб қолди.

— Собиржон, укангни маҳкам ушла, болам. Йўл чатокқа ўхшайди, ағанаб тушмасин тагин!

Тўрт ёшли Солиҳжон йўлнинг нотекислигидан эмас, балки ундан даҳшатлироқ бир хавф-хатарни туйган-



дек, ўзини онасининг пинжига ташлади. Ниҳоят, Зулфия тилга кирди. У бошини кўтармай, сўради:

— Қаёққа боришимизни айтдиларми?..

— Қаёққа бораётганимиз ёлғиз Яратганга аён...

Шом намозига азон айтилиб, намозшом пардаси қуюқлашаётганиданми ёхуд Мактабхон онанинг ўйчан бир кайфиятда берган жавобининг мавҳумлигиданми — кенгина соябон ичи туйқус қоронғилашди.

Зулфия аравадан тушганда ҳам атроф нимқоронғилигидан ҳайрон бўлди. Кўча тор, икки томондаги гувалак девор қўқон араванинг филдиракларидан пастроқ эди. Уларга ҳеч ким пешвоз чиқмаган эди. Фақат кимнингдир: «Бу ёққа», деган қарийб шипшиган товуши эшитилди-да, аравадан бугчасини қўлтиқлаб биринчи тушган Мактабхон она ортиқ илтифот кутмай тор ва ичақдай узун йўлка бўйлаб юрди. Зулфия аравадан тушганда кимдир Солиҳжонни кўтариб олди — тор йўлакнинг қоронғилигидан ташқари, унинг юракни сиқиб юборадиган биқиқлигидан Зулфия нафаси қайтиб, чачвоннинг бир чеккасини кўтарди. Адоғида қўш қаватли, пастак эшик кўриниб турган йўлак назарида жуда узундай туюлди. Зулфия бошини кўтариб қаради — қуюқ дарахт шохлари орасидан қорамтир осмон парчаси кўринди. «Ҳартугул, осмон кўринар экан», деди Зулфия енгил нафас олиб. Бироқ бу енгил тортиши узоққа чўзилмади — у эшик остонасидан ичкарига бир қадам қўйди-ю, бетига урилган зимистоннинг қуюқлигидан ҳушини йўқотаёзди. Кўз олди қоронғилашди. Тўхтади. Темирдай қаттиқ қўл кўксидан итаргандай бўлди, у ортиқ оёғини силжитолмай қолди.

— Бу ёққа, Зулфиой, бу ёққа!..

Зулфия Насвали бувининг овозини таниди, эшитди, лекин бувининг ўзи кўзига кўринмади. «Зиндонку!» деб юборди Зулфия ичида.

— Юринг, опа, — деган Собиржоннинг овози келди.

Зулфия шундагина тор, шифти паст, зим-зиё йўлакда милт-милт қилиб жон сақлаётган шуълани кўрди-

да, оёғини базўр ердан узди. Шуъла кўринган томонга икки қадам қўйганда Насвали буви:

— И-и, Зулфиой, у ёққа эмас, бу ёққа, бу ёққа,— деди шошиб унинг билагидан тутиб.

Инсон зоти абадул-абад «йилт» этган бўлса-да, ёруғлик сари интилишини бу чоқ Зулфия хаёлига келтирмади албатта, бироқ у одамлар одамларни фақат ёруғлик томон даъват қиладилар, бошлайдилар, деб ишонар, шундай ўйлар эди. Аммо-лекин Тўқмоқдан не шодиёна-ю, не ёруғ ниятлар билан йўлга чиқишган бўлса, не шоду хуррамликлар билан Тошкентга етиб келганлари ва... лаҳза сайин ўзларини қарши олаётган ёвуз ва даҳшатли қоронғилик ичига кириб кетишаётганини ич-ичидан туйиб, юрагини буровга солаётган оғриқдан ўзини қўярга жой тополмаётган эди.

У шу хаёлларда Насвали бувининг етовида пайпасланиб, амаллаб нарвонга оёқ қўйди. Бир поғона кўтарилиди. Яна. Нарвон қаттиқ ғичирлади. Зулфиянинг юраги орқага тортиб кетди — нарвонга чиқишдан олдин кўзига кўринган шуълани излади. Тополмади. Паранжисининг этагини йиғиб, оёғининг остига қарамоқчи бўлди.

— Опангни қўлидан торт,— деди тепада Мактабхон она.

— Опа, қўлиззи беринг,— деди Собиржон.

Зулфия, «ҳозир» деди-да, нарвондан яна икки-уч поғона кўтарилиди. У онда-сонда тушида шундай аҳволга тушар — ниҳоятда тор ва қоронғи ораликдан қисилиб-бўғилиб, сирғалиб, нафаси қайтиб ўтиб олгунича жони ҳалқумига келар — тушидаги азобдан кун бўйи ўзига келолмай юрарди.

Ҳозир ўнгида худди ўшандай аҳволда қолди. У ўғлининг мададида нарвоннинг юқори поғонасидан икки-уч бўйра катталигидаги тор саҳнга оёқ қўйди. Кетидан изма-из чиққан Насвали бувига ҳам, Мактабхон онанинг, яна бир нотаниш аёлнинг қимтиниб ичкарига таклиф қиладиганига ҳам эътибор қилмай, чачвон ва паранжини қўлига олганича осмонга қаради. Турган жойида ўтирилиб аланглади, юлдуз кўринмади.

— Намунча юлдуз қидириб қолдйиз, Зулфияхон?

Зулфия Мактабхон онанинг иродасига, ҳар қандай вазиятда эркакшодалик билан ўзини йўқотмай, ҳатто, ҳазил-мутойиба қила олишига ҳайрон қолар, унинг бу фазилатидан ўрнак олишга интилар эди. Бинобарин, шу топда ўзига ёқмаса-да, лоақал онасидек маслаҳат-гўйи бўлиб қолган тўнғич кундошининг ҳурмати учун мутойибага яраша жавоб беришга уринди:

— Юлдуз кўриб қолайлик, деяпман, опа. Топсам, сизга ҳам кўрсатмоқчи эдим...

Шундай деди-ю, ҳазили ҳазилдан кўра кўнглидаги қўрқув-хатарнинг даракчиси бўлиб қолганини кейин сезди.

— Умидсизланманг, Зулфияхон, умидсизланманг. Бой отангиз омон бўлсалар, кўчимиз кўчада қолмайди, иншоаллоҳ.

— Худой хоҳласа, шундай бўлади, — унга илова қилди Насвали буви.

Икки кундош, икки ўғил, Насвали буви, мезбон аёл ичкарига кириб, фэйзсиз хонада кигиз устига тўшалган қуруқ дастурхон теварагига омонатгина ўтириб, юзга фотиҳа тортишди-ю, мезбон аёл оёқ учида юриб ташқарига чиқди, Насвали буви гапга тушди:

— Боя мени шетга ташлаб кетишди. Супурдим. Ҳам-маёқ озода. Ҳай, Собиржон, болам, укангга эҳтиёт бўл, ҳовличанинг чеккасига бормасин, хўпми?.. Ери ўпирилган экан...

Зулфия чўчиб ёнида жимгина ўтирган Солиҳжонни бағрига босди. Оиланинг ҳақиқий аъзоси бўлиб кетган, ёшу кекса бирдай ҳурмат қиладиган Насвали бувининг сўзини бўлмай, ўзини, Мактабхон онани ташвишлантираётган хабар ҳақида бирон янги гап эшитиш умидида кампирнинг оғзини пойлади. Насвали буви давом этди:

— Ўзлари жой топишқа кетти. Сўгин, оташаравада келаётган юкларни кутиб олишга борар экан.

— «Насонал»ни, уйимизни нега олибдилар?!—сабри етмай сўради Зулфия.

— Захаруп олган, масковлик бой...

Мактабхон она унинг гапини бўлди:

— Захаруп эмас, ҳукумат оған.

— Ҳукумат?! Ҳукумат қандай олади? — тушунмай сўради Зулфия.

— Шўро деган ҳукумат кепти. Ҳамма катта иморатлар, ҳамма катта уй-жойлар энди ўша шўронинг қўлига ўтармиш.

— Вой, шўримм!.. Биз-чи?!

Зулфиянинг аянчли товушига зид ўлароқ Мактабхон онанинг дадил, босиқ товуши эшитилди:

— Бир кеча минг кеча эмас, кимсан — Тўхтабойнинг болаларимиз — худо хоҳласа кўчада қолмаймиз...

...«Кўчимиз кўчада қолмайди. Худо хоҳласа кўчада қолмаймиз»... Зулфия йўлда обдон толиққан эканига қарамай, алламаҳалгача мижжа қоқмади. Тўқмоқда икки ёз яшаб, ниҳоят, Тошкентга қайтиш дарагини эшитгандаги севинишлари, кўч-кўронни ортишаётганда, аввал араваларга, Тўқмоқдан Пишпекка етгач, аравалардан вагонга ортишганини — ўшандаги энтиқишлари бу қадар чиппакка чиқади деб ўйламаган эди. Кимнинг хаёлига кебди дейсиз! Орада Тўхтабой неча бор Тошкентга қатнади, Масковга борди. «Насонал»ни, уй-жой, дўконларнинг барини қайтиб қўлга олганини айтиб, даста-даста суюнчилар улашди. Мана энди, шўро... Зулфиянинг ўйлови «қоқилди». У эслашга уринди: «Шўромиди?... Шўра-ми? Шў-ро... Йўқ, Ҳў-ра, йўғ-а, шў-ра... Шў-ро... Ҳа-ҳа, шўро-шўро! Отинг қурсин-а... Хўра бўлсаям, шўра бўлсаям бировнинг жойига кўз олайтирдими, бас, бир гўр-да!..»

Зулфия у ёнбошидан-бу ёнбошига кўп ағдарилди, алҳол, кўзи илинай деганда, қорнидаги гумонаси қимирлаб яна уйқуси қочди. Фимирлаш аломати сезилган ўнг биқинини авайлаб силади. Тўқмоқда, зориққан чоғлари яхши ниятлар билан кўйлакчалар, қалпоқчалар тикканини эслади. «Буниси қиз бўлади, Зулфия», деди Мактабхон она. Насвали буви ҳам шу тахминни тасдиқлади. Дунёдан фарзанд кўрмай ўтаётган Мактабхон онанинг, ҳатто, оила қурмаган Насвали бувининг бу қадар самимий ниятларини эшитиб Зулфия галати бўлиб кетди. «Майли, қиз бўлса, яна

яхши», деди. Шу «тахмин янгилик»ни Тўхтабойнинг кулоғига шипшиганида, бой: «Ўғилми-қизми — хайрли бўлсин», деди-қўйди. Наҳотки, бой ўшанда манави аҳволни сезган бўлса?! Хотин, бола-чақаси шундай кунларга қолишини — она шахрига келиб кимсасиз, овлоқ кўчадаги пастқам ва файзсиз болохонада тунаши мумкинлигини сезса, бой Тўқмоқдан кўч-кўронини ортиб йўлга чиқармиди!..

Зулфия шундагина Тўқмоқда вақтинча қолган Адолатни эслади. «Яхшиямки, у келмаган экан. Бир этак бола билан қаерга сизарди?» Фақат...

Кўч-кўронни саранжомлаётиб Адолат тушмагур қизил кигизга ўралаётган тугунлар орасига Зулфияга қарашли бўғчани ҳам ирғитиб юборди. Ёмон ниятда қилгани йўқ. Бироқ Адолат бўғчани ирғитиб юборганига кўзи тушди-ю, Зулфиянинг юраги жувилаб, ачишди. Ўзи билан аравада олиб кетиш ниятида бўғчани қайтиб олишга жазм қилди-ю, негадир қайтди. Кундоши ёмон хаёлга бормасин, деган ўйда қайтди. Аслида, олса бўларкан... унда қорнидаги, мана, ҳозир устмасуст «тўполон» қилиб оромини бузаётган, турилажак қизалоғига аталган ширин-ширин кўйлакчалар, қалпоқчалар бор эди...

Зулфия хаёлини олиб қочаётган шайтонга ҳай берди. Ўзини чалғитди. Ҳомиласини тинчлантириш ниятида қорнини силади-сийпади, силади-сийпади. Бир текисда нафас олиб ширин ухлаётган Мактабхон онага, ёнма-ён ётган ўғилларига ҳаваси келиб, худодан хайрли тонгларда хайрли янгиликлар билан уйғотишини сўраб-ёлвориб, оғир уйқуга кетди...

Зулфиянинг дуоларини худо инобатта олди — у тиниқиб ухлади, бир пайт уйғонди-ю, қаерда ётганини дабдурустдан эслай олмади, кўзини пириллатди, сўнг деразадан кўринаётган қўшни томни қолаган оппоқ қорни кўрди-ю, тонгдан оқликни кўрганидан севиниб кетди. Руҳини қамраган шодлик қанотида парвоз қилгудай қанотларини ёзиб ўрнидан турмоқчи эди, ташқаридан ғўнғир-ғўнғир овоз келди. У ўрнидан ирғиб туриб, дераза ёнига борди. Мактабхон она зинада, Насвали буви қалин ёққан қорга тиззасига қадар ботиб

ҳовличада қаққайган кўйи зина тепасида совуқдан дийдираб гапираётган хонадон соҳибасининг оғзига бақрайиб қолишган эди. Уй бекаси худди оғир айб қилган одамдай гуноҳқорона бир мунг билан бошини ҳам қилганча гапирди:

— Сахар келиб айтишди... Пишпекдан кевоттан қизил вагондаги кўчни ҳукумат кимошдига сотиб юборибди. Бой ота ўшани суриштиргани кетибдилар...

#### IV

Эски паранжи ёпинган кимса муқолишдан ўтиб, кунботардаги Аллон масжиди томон боратуриб, йўлнинг лойлигидан қадамини секинлатди, бундай пайтда, одатда, одам йўловчилар босиб из қолдирган қуруқроқ жойларни мўлжалга олиб қадам ташлайди, бироқ кимса одимини секинлаштирганига қарамай, аксинча, на лой-на кўлмак демай кечиб кетаверди. Ташқаридан кузатган киши паранжили кимсани кўзи ожиз, деб ўйлаб уни етаклаш учун кўмакка ошиқиши тайин эди. Кўча кимсасиз, ҳадемай масжиддан қайтадиган намозхонлар уй-уйига кириб кетса, бу пилч-пилч лойгарчиликда то бомдодга қадар лой-сув кечиб, кўчада юриш ҳеч кимга зарил келгани йўқ!

Паранжили кимса ўнг ёқдаги икки тавақали, кенг дарвоза рўпарасига келганда қарийб тўхтади, яқинлашмай туриб дарвозага разм солди — орқасига бирров ўтирилиб кўз югуртирди-да, ўзини қия очиқ эшикка урди. Йўлак кенг, оёқ остига чорбурчак ясси гишт ётқизилган — озода эди. Кўлага тезгина ҳовлига ўтиб, чапга — деразасидан ғира-шира шуъла кўринаётган равон томонга юрди, яқин келганда атай томоқ кириб ясама йўталди.

Сандал чеккасида алақачон уйқуга кетган ўрилчасини ёнбошлаганича ҳамон аллалаб хаёлга толган Зулфия йўтални эшитиб сергак тортди.

— Адам! — деди сандалнинг бошқа томонида кўрпани белига довур тортиб ётган Солиҳжон ёшига хос бўлмаган эҳтиёткорлик билан шипшиб.

— Овозингни чиқарма!— Зулфия шошилиб сандал устидаги пиликни пуфлаб ўчирди-да, ўғлининг эҳтиёткорлиги мақомида шивирлади ва қад ростлаб даҳлизга чиқди. Солиҳжон отаси паранжини бошидан олиб ташлашини кутмай қучоқлаб олди. Ота-бола соғинчларига зид ўлароқ сас-садо чиқармай қучоқлашиб ўпишар, Зулфия эса дам сайин хавотири ортиб, кўзлари девор оша кўчани кузатар эди.

— Тинчмисизлар?.. Собиржон қани?.. Осимхон ух-ляяптими?..

Зулфия эрининг саволига жавоб қайтариб улгурмади.

— Собирингиз Хайриниса билан Мактабхон онадан хабар огани кетувди... Қора қозонни қайнатиб ўтирибмиз... Ўзингиз тузукмисиз?.. Опам, болалар яхшими?.. Хўрда бориди...

— Қорним тўқ,— деди Тўхтабой хотинининг таклифига ортиқча илтифот қилмай. — Солиҳжон! Бозорга опчиқадиган ул-булларинг қолдимиз?

Зулфия қоронғида эрининг юз бичимини кузатди, Тўхтабой ўғлига қарата сўз бошлаган бўлса-да, ўзи жонсарақ, думалоқ, дўнг пешанасидан, пича букри ва учли бурнидан ҳовур кўтарилаётгандек туюлди наза-рида.

— Олма сотвоммиз... Баргақдан оз қолди.

— Дуруст. Окангминан санга ишондим, ўғлим. Онангни, сингилларингни эҳтиёт қилинглар. Тузукми?

— Ман...

— Қачон келдиз? Тошқанда беш-олти кун бўларсиз?

— Сенлардан хабар олишим хавфли бўлиб қолди, узоқ кемай қолсам, Собиржон ё сен — Солиҳжон, Абдулхай амакингга ё бўлмаса Сағбондаги Дўст тоға бор-ку, махсидўз, ўшанга учраш. Дурустми!.. Орттирганимни ўшаларга қолдириб кетаман.

— Ўзингизга қаранг. Уёқда... кўпчиликсизлар...

Тўхтабой кенжа аёлининг тантилигидан, танти бўлмаса-да, бу қадар зукколигидан кўнгли кўтарилди.

— Безовта қилишмаёттими? — сўради у.

Зулфия эрининг товушида зарда-ю, алам аралаш адолатсизликка нисбатан нафрат оҳангини сезди.

— Бойналогчиларнинг нафси тўядиганга ўхшамаётти-да. Хай, сабр қип турайлик, уларга боққан балоям бордир...

Тўхтабой эҳтиёткорликни унутиб баралла томоқ кирди — одатда, у негадир жаҳлини ичига ютган кезлар шундай қилар эди.

Бой ортиқ гапирмади. У ҳамон билагида ушлаб турган паранжини ўнг-терсини пайпаслаб қарана бошлади. Кавшандоздан ўтди-да, эмаклаб чўзилганича бориб, ухлаб ётган Осимжоннинг пешанасидан ўтди. Қаншаридаги холини силади. Сўнг қиблага юзланган кўйи чўк тушиб, дуога қўл очди. «Ўзингга топширдим», дегани эшитилди, холос. Сўнг, тезда турди-да: «Бор, кўчага қара-чи, ҳеч ким йўқми?»—деди ўғлига. Ўзи Солиҳжоннинг изидан кела туриб паранжи ёпинди.

...Тақдир не кунларни раво кўрмади унга! Эсини танибдики, ўзини тижоратга урди: шу йўлда машаққат чекди, ютди-ютқазди, кимсан — Тўхтабой деган ном орттирди. Бири биридан гўзал отларини миниб, гижинглатиб ўтганида ёшу қари ҳурматини бажо келтиришар эди. Сағбондан Пиёнбозорга қадар, Бешёғочдан Каласга қадар — уни танимайдиган одам йўқ. Эски шаҳар бозорида қатор-қатор расталарда, Янги шаҳарда икки қаватли дўконларда Тўхтабойга қарашли мол-холлар сотилар, Янги шаҳарнинг кўркига кўрк қўшган «Насонал» унинг фахри, иззат-обрўси эди — бари-баридан айрилди. Уч хотин, ўн бир ўғил-қиз унинг шип-шийдам этилган қўлига қаради-қолди...

Худо шоҳид, Тўхтабой қўлдан кетган ҳеч бир нарсага юрак-бағри ўртаниб ачинмади. «Ўзи берганди — ўзи олди», деган гапни бот-бот такрорлар, унинг бу гапини эшитгани сайин Зулфия тугул, ҳатто, оғир-вазмин Мактабхон она ҳам баъзан тутақиб кетар, «Ўзи олдим, шўро олдим!» деб алаmidан дардини тўкиб соларди.

— Ё, боқий!..

Бу хонадонда Тўхтабойга тик қараш у ёқда турсин, унинг сўзини икки қиладиган одам бўлмаган, хусусан,



бой шу жарангдор каломни тилга кўчиргач, катта-ю кичикнинг уни ўчди.

— Сен ҳам, — деди Тўхтабой Мактабхон онага, сўнг Зулфияга гапирди: — Сен ҳам, анави, манави — ҳамма-ҳаммаси фоний — омонат. Ёлғиз боқийнинг ўзи боқий? Тузукми?! Мол-давлатимнинг бари йўқдан бор бўлди — мана энди, барча-барчаси бордан йўқ бўлди — фийсабилллоҳ, ризоман, тузукми! Шўрога шу керак экан — икки қўллаб топширганим бўлсин!

— «Шўро узоққа бормади» дейишвотти, барака топгур...

Ҳамма қолиб Насвали буви орага суқилганидан Тўхтабойнинг ўзи ҳам ҳайрон бўлди — бувига, хотинларига — Собиржон билан қизи Хайриниса ҳам бор эди шекилли — болаларига бирма-бир қараб чиқдида, ҳам жаҳл, ҳам босиқлик билан деди:

— Шўро ҳам боқий эмас, илло шуни унутмаларинг, у юз қовун пишиғидан сўнг йўқолади. Тузукми?!

Бойнинг бу иқрори хонадон аъзоларининг бошига бир неча йиллардан буён устма-уст тушаётган дарду ситамлар, айрилиқлару тўзондай сочилиб кетишлардан марлаубликни тан олгувчи фатводай гумбурлади.

«Ё, боқий, антал боқий!.. Ё, боқий, антал боқий!.. Ё, боқий!..»

Тилидан шу муборак калима тушмай қолган Тўхтабой тақдир зарбаларининг биттасигагина чидолмас — ўз маҳрами — шаърий хотинидан хўжакўрсинга ажрашиб, ўз пуштикамаридан бўлган болаларини ўғринча, бу етмагандай, паранжи ўраниб кириб кўрса, бирров кириб чиқишини биров пайқаса Зулфияга, болаларига зуғум баттар зўрайишини ўйлаб, алланеча кунгача хавотирда юрса...

У Кайковус анҳори устидан ўтгач, кўприқдан пастликка эниб, толзорга етганда рўпарасидан югургилаб келаётган ўн-ўн бир ёшлар чамасидаги қизалоқни кўрди. Қизалоқ рўмоли билан бош-кўзини тўсиб, тугунчани қўлтиғига маҳкам қисганича тўхтаб қолди. Узун-узун киприклари остидаги бир-биридан чиройли кўзлари жавдираб, қизалоқ нима қиларини билмай тараддуланиб қолди.

Бошқа пайт Тўхтабой гап-сўзсиз ўтиб кетаверар, толзор теварагида доимо гавжум бўладиган супада ўтирганлар орасидаги «холис»ларга гап топилишини истамас эди.

Бу сафар у одатини қанда қилди.

— Моҳич, ке, қизим.

Моҳиниса кўча-кўйда отаси дуч келиб қолса у кишини танимагандай ўтиб кетиш шартига қаттиқ риоя қилиши зарурлигини унутмаган, шу боис, отасининг бу қабил қарши олишига тушунмайроқ турган эди.

— Ё, боқий!.. — Тўхтабойнинг лаблари асабий пичирлади. Учди. — Ке, қизим. Эрталабдан қаттан кевоссан? Онанг дурустми? Окаларинг-чи?..

— Ҳм... — деди Моҳиниса ҳамма саволга жавобан.

— Бунча юпун кийинмасанг, Моҳич?..

Тўхтабой ортиқ жавоб кутмади, узун чакмонининг ички чўнтагидан бир кафт парварда олди-да, қизининг жажжи ҳовучига солди.

— Уканг йиғламаяптими?

— Йў-ў...

— Бор, борақол. Эҳтиёт бўл, она қизим...

Тўхтабойнинг томоғига алланарса қадалди. Қайрилиб қизига қарамасликка уриниб, йўлида давом этди. У Тошкентга бу сафар келганидан буён кунлари ниҳоятда бебарака ўтди. Ўйлаган ҳеч бир режаси унмади. Эски дўқондор таниши икки тўп шойини бошқага пулаб юборибди — савдо аҳли орасида бунақанги лафзсизликни Тўхтабой кўрмагани — ўшани амаллаб Тўқмоққа етказиб олса, у ердаги болаларига чойчақа чиқарди. Яна уч-тўрт кун кутай деса, Адолат тез-тез кўрпа-тўшак қилиб ётиб оладиган бўлиб қолди — кўнгли шундан алағда. Шунча кун Тошкентда юриб Мактабхондан хабар ололмади. Тўғри, Мактабхон — укаси Асқархонникида, унинг иссиқ-совуғидан хавотир олмаса ҳам бўлади, шундай бўлса-да, йўл усти кириб чиқиш илинжида икки қайта Бешёвочга ўтди, чалғиб, қайнисиникига кириш фурсатини топмади.

«Янаги келишимда кўриб чиқаман», деб дилига тугди Тўхтабой. Оғзи қуришди. Зўр бериб ютинди — лабларини базўр намлади. Заргарликка олиб борадиган кўча

ёнидан ўтаётганида, «Тоға, ҳу, тоға!» деган чақириқни эшитиб тўхтади.

— Бунча тез юрмасангиз, тоға, изингиздан етолма-япман-а.

Тўхтабой кулимсираб келиб кўришган Абдумалик жиянининг қўнғиз мўйлабига, итёқа оқ кўйлагига разм солиб, хаёлини жамлади.

— Э, жиян, Обида опам тузукмилар? Бола-чақалар омонми?

— Дуруст, дуруст. Келсиз, деб эшитдим. Қаёқларда юрибсиз, ўзи? Тўқмоқдай жойдан келиб, бизникига кирмасангиз?..

Тўхтабой синиқ жилмайди. Жияни аҳволни билиб туриб гина қилаётган эди.

— Бир-бировимизникига яширинмай-нетмай, бе-хавотир кириб...— Тўхтабойнинг лаблари бир-бирига чиппа ёлипди, гапани давом эттириш учун чираниб оғиз очди: — Кириб чиқадиган пайтлар ҳам келар, жиян...

— Иншоаллоҳ, этганингиз келсин. Ман...

Тўхтабой гапани айтиб олишга ошиқаётган одамдай жиянининг сўзини бўлди:

— Тинч бўлсанглар, бас. Гина-кудуратлар ҳам ўшанда ярашади... Сан бу ёққа кетвоссан, шекил?— Тўхтабой шундай деб ўнг томонда юқориллашиб кетган тор тупроқ кўчани кўрсатди. Бехосдан қалқиб кетган одамдай томоғини қириб йўталди. — Йўлингдан қолма, жиян.

— Ман...— Абдумалик тоғасининг ўйчан, ҳатто, маъюс кўринаётганини сизди, тўхтаб-тўхтаб гапираётганига эътибор қилди, шундан у кишини ёлғиз қолдириб кетгиси келмай ғудранди.

— Тушунаман, жиян, тушунаман. Хижолатвозликни хаёлингга келтирма, акоси... Б... бборавер...

Абдумалик тоғасининг худди томоғи оғриётган одамдай қийналиб ютинаётганини, қайта-қайта тамшансада, овози дарал чиқаётганини, шу боис, гапиришга қийналаётганини энди пайқади. «Мазангиз йўқми?» деб сўрамоқчи эди, Тўхтабойнинг қатъият билан «Боравер» деган амрини икки қилолмади. Ноилож, тоға-

сининг бетига қарамай хайрлашди ва тор кўча томон қадамини жадаллатди. Тўхтабой ҳам ўз йўлидан қолмади. У бу йўлларда ёлғиз юрган одам эмас, албатта ён-веридан ҳамроҳлар аримас эди. Энди... У пича юргач, негадир орқага ўтирилди, чамаси Абдумаликдан бир нимани суриштиргиси келди, ҳатто, товуш бериб чақирмоқ ниятида лаб жуфтлади-ю... овози чиқмади. Абдумаликни тўхтатса, Чиватойдан тушаверишдаги Сомонбозор чойхонасида бир нафас гурунглашса... Абдулхайни сўраса... Айтмоқчи, Абдувалининг тақдири нима кечди?.. Олмонияга икки-уч йиллик ўқишга жўнапман, деб кетганича, мана, ўн йилдан ошди-ёв!..

Қизик, Қаюмхон почча баджаҳл, серзарда, фикри-хаёли савдогарчиликдаги одам. Лекин ўрилларига илмага ташналикни қаердан юқтирган?.. Кенжаси Абдували, ўқиндан бошқа нарсани билмайди. Ў-ў, ўқиганга нима етсин! Дунё — ўқиганники!.. Утлибил илма минал маҳди, илал лаҳди<sup>1</sup>. Дарвоқе, ўша — хуфтон пайти уйига охирги яширинча кириб чиқаётганда ўғли Солиҳжон шошилишда маслаҳат сўради:

— Ада, ўқисам дегандим...

У ёғини айтолмади. У ёғини Тўхтабой ҳам айтолмади. Нима десин?.. Кимсан, Тўхтабойваччанинг ўғлини шўро ўқитармиди!.. Бойнинг фарзаңларига шўро илмни раво кўрмайди. Ўз кучига ишонмаган ҳукумат фуқароси илмли бўлишдан чўчийди. Тўхтабой буни жуда яхши билади. Шундай бўлса-да, кўча эшик олдига Зулфияни чақирди.

— Онаси, — деди бурунги қатъиятли овозда таъинлаб. — Болаларни ўқитиш пайида бўлинглар. Собиржон ўқиса, укаларини ҳам изидан етаклайди. Қаюм поччага олиб бор. Абдулхайга, Абдумаликка маслаҳат сол, ёрдамини аямайди улар. Тузикми?..

Аммо-лекин... шўрога илмли одам керак эмас. Абдували мусофир юртларда кимсан, пистончи бўлиб юрибди, эрта-бириси кун Тўхтабойнинг ўриллари ўз юртига мусофир бўлиб қолмасмикан? Ё, боқий, ангал боқий!.. Ё, боқий!..

---

<sup>1</sup> «Хадис»дан: «Бешиқдан қабргача илм иста» маъносига.

Тўхтабой Сомонбозор муюлишидаги чойхона ёнидан ўтаётганда сўрида ўтирган беш-олти чойхўрга қарамади, кўз қирини ташлаганида кунда-шунда Саҳий тайибнинг ёнида Абдумалик орқасини ўтириб тургандай туюлди. Тўхтабой паришонхаёллигидан унга эътибор қилмади.

Ҳар сафар Пичоқчилик муюлишидан ўтгач, Тўхтабой йўлни ўнгдан солар, шу кўчада яшовчи, яратганининг ўзидан бошқа ҳеч бир жонзоту жондордан ҳайиқмайдиган Қобил ҳожини учратса пича гурунглашар, Алишер маҳсумнинг ҳасратларига қулоқ тутар эди. Бу сафар ҳам шундай қилди — бир оз юрса извошлар бекатига етар, у ердан Пиёнбозорга борар, ваъдалашган танишларини кўргач, у ердан Тўқмоқ қайдасан, дея йўлга равона бўларди. Фақат у бир қанча одимни оғир ўй остида ўтди ва... изига қайтди. Изига қайтиб, ўнг ёққа бурилганда, ҳозир ўзи келган сўл томонда кўринган уч йўловчидан бири ўзини дуч келган эшикка урди. Тўхтабой ундай шарпага эътибор қиладиган аҳволда эмас эди.

Шу топдаги вазиятдан келиб чиқса, у ўзи қурдирган жоме масжидига қадам босмаслиги керак — қандай бўлмасин, Тўхтабой бойлигини унутган фақир ва бечораваш одам қиёфасида юрмоғи лозим, у бой эмас, масжид қурдирмаган, меҳмонхона бунёд этган эмас, ҳар қайит арафасида Пиёнбозорда етим-есирга беминнат ош-нон улашган эмас, қатор-қатор дўконлари ҳам йўқ... булар майли-я, бари-баридан қўлнинг кири янглиғ воз кечди, мол-мулкнинг баҳридан ўтиш мумкин, лекин унинг бойлиги... битмас-туганмас орзу-ниятлари, бир-биридан арзанда уч аёли, бир-биридан шакар ўн бир ўғил-қизи қайда қолди?... Мактабхон укасиникида, Адолат Тўқмоқда, Зулфия Гулбоғ ўрнидаги ҳовлида — жўжабирдай жон... «Худо сиззи етказди, Тўхтажон, — деган эди ўлим тўшағида ётган Зулфиянинг отаси — Ислон саррож кўзидан ёш дувиллаб. Қизим — ҳалолингиз. Оиламга бош бўлинг, кўчада қолишмасин...»

Тўхтабой истамаган эди уларнинг кўчада қолишини... «Ё, боқий. Ўзинг боқий!.. Ё, боқий!..»

Тўхтабой намоз пайти эмаса-да, масжид дарвозасидан кириб борди. Сўл томондаги пастак уй теваригини супураётган дароз, ҳирсдай бақувват, эчки соқол қоровул чол уни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди. Мум тишлади.

— Ассалому алайкум раҳматуллоҳи ва барокатуҳ!..

Тўхтабой қоровул чолга эмас, масжидга, бу муборак масканнинг заминуну қадди-бастига салом берган эди. У тўғри хонақоҳга йўл олди, меҳробга икки-уч одим қолгунча бир маромда вазмин юриб борди. Ташқаридан уни кузатиб турган қоровул чол гўё Тўхтабой ҳозир масжидни орқалаб кетадигандек талвасага тушди, дод-вой солиб бошига халойиқни йиғмоқчидек лапанглаб кўчага югурди. Тўхтабой эса меҳроб пойида пешанасини саждага қўйди...

— Ёлғиз ўзинг боқийсан, эгам!.. Фонийлар узра боқийлик ёлғиз сенга ярашади!.. Қодирсан!.. Закийсан!.. Одилсан, одил!.. Одилликда боқийсан!.. Боқий!.. Антал боқий — ўзинг боқий!.. Ё, боқий!..

... Қоровул чол ҳовлиқиб, чоригини сургаб тўрт-беш бекорчини бошлаб келганда, Тўхтабой Калонхонадан ўтиб, Махсидўзликка, ундан оша Хадрага етаётган — йўл-йўлакай нимаики кўрган бўлса, ким билан учрашиб, ким билан гаплашган бўлса — бари-барини унутган, қай ўй-қай хаёлда кетиб бораётганини сезмас, меҳробга юзма-юз чўк тушиб илтижо қилаётганда овози равонлашганини, сира қийналмай тупук ютганини, мана энди баҳорнинг намчил кунида оғзи янаям қуришиб бораётганини ўйламас, фикри-ўйида юрса-юраверса, йўли адоғ бўлмаса, жон-жонига туташ бўлиб кетган Тошкент кўчаларидан айланиб-ўргилса... шу кетганча Тўқмоқнинг биқинидаги сермавж Чу дарёсига шўнғиса-да, ҳовурдан чиқса, ҳароратлари босилса, муздай ва тезоқар сувни сипқорса, ташналиги қониб, ҳуши жойига келса ва ҳамма-ҳаммаси қайта бошдан бошланса... болалиги, ўсмирлиги, тижорат йўлига кириши, уйланиш, бола-чақа орттириш, доврўф таратиш, манман деган ўрис, немис, жухуд бойларига иззат-икром кўрсатиш... бор-шудидан айрилиш, асл бойликлари

бўлмиш аёллари-ю, фарзандларидан мосуво бўлиш...  
Чунинг суви тезоқар-да!.. Муздайлиги яхши, о-оқ!..  
Тез оқиши ундан яхши. Шиддат билан оқади. Одам-  
нинг умрига ўхшайди — тўхташ нелигини билмайди,  
олдинга, олдинга, олдинга...

— Ҳой, амаки!..

— Қочинг-г-г!!

— Тога-а-а!!!

Тўхтабой устига бостириб келаётган трамвайни  
кўрди-ю, унинг ваҳимасини фаҳмлаб улгурмади —  
беихтиёр бошини силтаб тортди, вагоннинг тумшугури  
чириллаб бетини ялаб ўтди. Тўхтабой тўхтамади —  
яна бир қадам олдинга ташлади-ю, трамвай вагони-  
нинг «думи» зарб билан уриб, уни тош йўлга ағдарди.

Тўхтабой шаҳар ўртасида ерга узала тушиб ётади-  
ган инсон эмас эди, зеро, у лаҳзалар ичида ҳушини  
йиғди-ю, ирриб турмоқчи бўлди, оёғи ўзига бўйсунма-  
ди, қўли билан тиралиб қаддини ростламоқчи эди —  
кафти аранг кўтарилиб кўксига етди, холос. Йўловчи-  
лар югуриб келиб, уни ўраб олишди. Қий-чув қўпди.  
Аёллардаи бири ҳўнграб юборди. Одамлар орасидан  
ёриб ўтган, итёқали оқ кўйлак кийган, қўнғиз мўйлаб-  
ли йигит энгашиб, энтикиб Тўхтабойнинг бошини би-  
лагига олди. Қалтироқ қўллари билан ёқа тугмаларини  
ечишга тугинди.

— Ё, боқий...

Ранги доқадай оқариб кетган Тўхтабой гўё фоний-  
лар орасидан боқийлик истагандай, сўниб бораётган  
кўзларини аранг очиб, тепасида гавжумлашаётган ба-  
шараларга аланглади, қийналиб тамшанди, нотаниш  
чехралар орасидан итёқа кўйлак кийган қўнғиз мўй-  
лабли йигитни топди, бор қувватини кўзларига жам-  
лаб унга тикилди, лекин у йигит мубҳам бир хавотир-  
да ўзини изма-из кузатиб келаётган жияни — Абду-  
малик эканини танимади...

Ўрта ёшлардаги дароз бўйли гўрков узун қўлларини  
лаҳаддан чўзиб, оппоқ кафанга ўралган маййитнинг  
оёқ томонидан олди, сўнг белбогини кафти аралаш  
ўради, авайлаб пастга туширди.

У кеча шом чоғи, «Тўхтабой бандаликни бажо келтирибди!» деган хабарни эшитганда ажабланиб ёқа тутди. «Эс-сиз, шундай одам ҳам ўтибди-да!» деди бош чайқаб. Бош чайқай-чайқай, мархумнинг ҳаққига дуолар ўқий-ўқий қабрни ҳозирлади, лаҳад тупровини кенгроқ олди. Тупроқ тортаётиб манглайига нимадир илашди — лаҳад шифтида бир қарич чиқмайдиган қилдай ингичка илди осилиб турган экан. Уни юлиб ташлаш ниятида тортди — илди узилмади, «зарари йўқ» деган ўйда ишини битирди, ташқарига чиқаётиб илдининг муздек учи яна пешанасига тегди, бу сафар у кетмонни ишга солди — калта сопли кетмонни икки дафъа сирмади ҳамки, илди узилмай тебраниб тураверди. Шунда... тебранишдан тўхтамаган илдининг у-учида бир томчи сув симобдай йилтираб кўринди. «Ажабо!» Гўрков тушгунолмай бир зум ҳаяллади, чинчилорининг учида томчини «илиб» олди-да, лабининг чеккасига теккизди, теккизди-ю, ҳайрати чандон ортди: «Тавба! Бу қадар суюқ, бу қадар тиниқ, бу қадар тотли!..»

...«О-омин! Савол-жавобингизни Аллоҳнинг ўзи осон қилсин!» Гўрков шивирлаб юзига фотиҳа тортгач, лаҳаддан сирғалиб чиқди, юқоридан қўлма-қўл узатишаётган гувалани лаҳад орзига тера бошлади. Сўнгги икки-уч гувалани қўйишга улгурмай, қоронғилашиб бораётган лаҳадга беихтиёр қаради. Қаради-ю... маййитнинг қоқ лаби устига томган илди шираси пахтадай оқ кафанликдан шимилиб ўтаётганини кўрди...

1993 йил.



# Кенг осмоннинг тор кўчалари



Инсон онг-шурфини қоннопта қис-  
лашади. Қалб ҳам қоннопдан-да бепоеён.  
Ақл-идрокни ҳам, юрак ва руҳият сиф-  
ларини ҳам ўғраниш ва қалшф этиш уфун  
эса уини жуда-жуда тор ва кўзга кўфрин-  
мас жинкўчалари бўлаб қадам-бақадам  
самфру савехат қилмиш керак бўлади...

## САФ

Ҳали тонг бўзармай Райим чолнинг уйқуси қочди. У имиллаб-симиллаб кийинди-да, кўчага чиқди. Шундай кунларда рафлат босиб ухлаб қолса ёки уйғонса ва дарвозадан чиқишга ҳаялласа, субҳи содиқ сокинлигини бузиб, дарров чақиришади:

— Ошга-а-а!..

Унинг қулоғига бу — «Сафга-а-а!» дегандек эшитилади.

Райим чол кейинги пайтларда тетапоя боладек атак-чечак юрадиган бўлиб қолди. Атак-чечакдан бошланган дунё яна шу тарзда яқунланишини у ич-ичидан ҳис қилар, кунда-кунора дарвозадан қўшалоқ симёючгача — қўшнилар тўпланадиган жойгача бўлган масофани босиб ўтар экан, ўзининг ҳар бир қадам товушини диққат билан тинглар, шуурида нимадир ойдинлашаётгандек бўлар эди. Баъзан бу масофани умрининг ўлчовига, сафдаги ўрнини эса шу ўлчовга босилган муҳрга ўхшатарди.

Қўшнилар тўплангач, Райим чол ёнидагиларга бирма-бир қарайди, кейин йўл бошлайди. Мўйсафиднинг пешанасидаги ажиндек иланг-биланг саф чўзилиб йўлга тушади.

Уни Райим чол бошқаради. Ота белига мадор бўлсин учун қўлларини орқасига қилиб юради. Яқин-яқингача Райим чолдан сўнг Фулом ота юрарди. У келбатли, яғриндор эди. Оғзидан «Беломор» аримас, папиросни тишлаб олганча онда-сонда гапга қўшилмаса, аксари ёнидагилардан аразлагандек жим бораверарди.

Фулом ота умрида кўрпа-тўшак қилиб ётмаган эди. Бир кун бурун қўшни кўчага тўйга чиқишди. Бирор ерим оғрияпти, деб нолимади ҳам. Аксинча, Райим чол зорланди: «Фулом, — деди, — олис юришга чоғим келмаяпти, мабодо мен чиқолмай қолсам, қўни-

қўшниларга ўзинг бош бўлиб, бориб келаверинглар». Шунда Фулом ота мийиғида кулди, хиёл ўтгач, тўнғиллади: «Чоғингиз келмай қолганига ҳам ўн йилча бўлди-ёв?» «Ўзим ҳам ҳайронман, Фулом, — деди Райим чол синиқ овозда. — Насибанг қирқилмасин экан...» Қўшни кўчага муқолишда йўл кескин нишаб-лашди. «Шунақа жойдан ҳеч юролмайман, — деди Райим чол, — мункиб кетаётгандай бўлавераман». Фулом ота унинг тирсағидан олди, кейин ҳазиллашди: «Орқангизда мен борман — хотирингиз жам бўлсин. Тўнингизнинг баридан тутиб юраман ўзим».

Шу гапни эслаб, Райим чолнинг юраги орзиқиб кетди. Қоронғилиқда бир ўзи бораётгандек, ҳозир мункиб йиқиладигандек туюлди. Баридан тутиб юрадиган Фулом ота эса йўқ. Ўша ҳазил-мутойиба аралаш суҳбат бўлган куннинг эртасига... насибаси узида. Кутилмаган бу айрилиқ Райим чолни каловлантириб қўйди. Фулом ота сафнинг адолатли тартибини бузиб кетди...

Райим чол қарийб элик йилдан буён эл-юрт қатори ошга чиқади. Эсида, раҳматли отаси рўпарасига ўтқазиб: «Ўраим, энди сен ҳам маҳалла-кўйга аралаш. Мен бир кун соғ бўлсам, икки кун носоғман. Эшигимиздан лаббай деб чиқадиган эркак — сенсан», деган эди. Ўшанда отасининг гапидан ичи тошиб кетгани ҳамон ёдида. Бутун эса, битта-яримта ҳазиллашиб, ҳали ёшсиз, деса, «йўғ-э» деб қўяди-ю ичида севинади, кўнгли кўтарилади.

У дастлаб ошга чиққан кезлари кексаю ёш кўни-қўшни билан саломлашарди-да, уларга эргашар, яъни сафнинг энг охирида қўл қовуштириб бораверарди. Бирон йилгача шундай бўлди. Икки уй наридаги қўшинининг ўғли ҳам ошга чиқа бошлади-ю, Райим охиридан иккинчи бўлди. Шунда у бирдан улғайиб қолгандек туюлди. Йиллар ўтди ва унинг ортидан сафланувчилар сони янада кўпайди. Жуда ўртада бўлмаса ҳам ҳар ҳолда, шунга яқинроқ жой энди уники эди. Ўзгалар иззатидан манмансираши гарчи табиатига ёт бўлса-да, баъзан ошга чиқадиган ёшлар кўпаяётганига — одам учун ҳурмат-эҳтиром ҳам зарур экан, деган хаёлга борибми — ўзига йўл бўшатадиганлар сероб-лашаётганига ич-ичидан мамнун бўлиб қўярди.

Райим тўй-маъракаларга аралаша бошлаган кунлар Ориф бобо бандаликни бажо келтирди. Қаторни бошқариш Маҳкам бувага қолди. У узоқ яшади, чамаси, юзни қоралади, саф узайса узайдики, қисқармади. Бирдан Маҳкам бува, кейин Хусан тоға омонатларини топширишди. Ушанда катталар, «Хусан тоғани Маҳкам бува тортиб кетди», дейишган эди. Сўнг, ҳа-я, отасидан илгари Раззоқ бобо — у ёғоч оёғини дўқиллатиб юрар эди — кейин Миржалил борбон — тўй-маъракаларда унга кенжа ўғли ош едирар, чунки урушда ҳар иккала қўлидан ажралган эди... Ваҳоб чолдан кейин сафни «етақлаш» унинг отасига қолди. Энди эса... Райим чол орқасида гурунглашиб келаётган қўшнилари хаёлан бир-бир кўз олдидан ўтказди. Дароз, ўрта бўй, пакана... Савлатли, суханбоз, кўримсиз... Бири бирига ўхшамайди... Саф учун бунинг фарқи йўқ. Насл-насаби, топармон-тутармонлигидан қатъий назар, улар ҳаётнинг энг одил таомилига бўйсуннишади — ҳар ким ёшига кўра ўз ўрнини олади. Бу «ўрин» муттасил илгари силжийди — орқадан ўртага, ўртадан олдинга, сўнгра... саф тарк этилади. Чекинишга йўл йўқ, ҳеч ким, ҳеч қандай куч бу тахлит силжишни на секинлаштира ва на ортга қайтара олади!..

Райим чол сафнинг охирини ҳаётнинг бошланишига, қаторнинг бошини умрнинг интиҳосига, бинобарин, сафни ҳаётнинг ўзига қиёслайди.

Райимнинг «манзили» сафнинг ўрталарига силжиб қолган кезлар хаёлига галати бир фикр келди. Разм солса, афтидан, бир-бирига сертакалуф кўринган айрим қўшнилари орасида зимдан адоват ҳам бор, сафда ёшига қарамай икки-уч, жила курсида бир кишидан аввал туришга — сафнинг олдинроғида бўлишга интилувчилар йўқ эмас экан. Ундайлар гоҳ паришонхотирлик қилиб, гоҳ кўра-била туриб, ўзидан кўра ёши улуғроқлар олдига тушиб кетаверади. Тўйхона ҳам, азахона ҳам гавжум жой — таниш-нотаниш, дўст-душман бор. Шуларнинг кўз ўнгида саф охирида судралиб келиш ундай кимсалар учун уят, таҳқир.

Сафланишнинг ёзилмаган таомилини писанд қилмай, Райимни ортда қолдириб кетганлар ҳам бўлди.

Лекин у на чурқ этиб оғиз очди, на ваши келганини сездирди. Шунга қарамай на одамгарчиликдан, на обрў-иззатдан айрилди. Эсиз, «Райим ака» бўлган даврлари ўтди-кетди. Энди у — Райим чол. Сафимизнинг фэйзисиз, деб уни ошга чиқмаганга қўйишмайди. Фулом ота эса сафни ўпириб кетди. Ҳосил бўлган «хандақ»-нинг нариги тарафи мустаҳкам — ёшлар, бу томонида эса Райим чол — ёлғиз. Шу палла Райим чолнинг хаёлига бир савдои ўй келди: лоақал бир мавсум сафнинг охирида юрса эди!.. «Кўнглинг яна нималарни тусамайди, Райимбой? — деди ўзига-ўзи. — Кўчанинг арзанда қарияси бўлсанг, иззатингни жойига қўйиб юрган кўни-кўшнилари сени орқада қолдиришармиди?..»

Райим чолнинг хаёллари чалкашди: бўлар-бўлмаста зорланиб, хасталигидан нолиганида Фулом отанинг безоргина жеркиб ташлаганини эслади: «Э-э, қанақа одамсиз, Райим ака! Дунёга келдингизми, мириқиб яшайверинг! Тирикчиликдан қолманг. Паймонамиз тўлиб, қани, сафар халтангни кўтар, деб келиб қолса, олдига тушиб жўнайверамиз-да. Шуюм бош қотирадиган нарса бўлди-ю...»

Фулом отанинг тал тортмай ҳазиллашганидан Райим чол қаттиқ музтар бўлса-да, сир бой бермади. «Менга қара, — деди у, — кўчамизнинг азалий удуми бор. Шу вақтгача ҳам аввал келган — аввал, кейин келган кейин кетган дунёдан. Ҳозир ҳаммангдан кексарофинг — ўзим. Уқдингми? Мабодо, олдига солиб кетадиган келса, менга рўпара қил. Янаям қарираганимиз бор, дегин...»

Йўқ, Фулом ота ундай қилмади... Мана, кўни-кўшнилари, қариндош-уруғлар, яқин-йироқлар Фулом отани кига кўнгил сўрагани келишяпти.

— Мен бир оз хизматда бўлай, — Райим чол кўшниларига шундай деб дарвоза ёнидаги ўриндиқлардан бирига чўқди. Турнақатор тизилиб, бирин-бирин келаётган саф-саф одамлар Фулом отанинг ҳовлисига кириб чиқаверишди. «Тўйхонага, азахонага, ошхона-ю ишхонага кириб-чиқишда — ўнгами-иккитами одам тўпланган жойда улуғлар — аввал, ёшлар — кейин юради. Одамгарчиликнинг таомили —

шу. Лекин...» Райим чол ҳассасига иягини тираганича ўтаётган сафнинг олди, ўртаси ва охирини кузатар, турфа хил ёшдаги одамларни муқояса қилар, улар орасида ёши улурроқларни босиб ўтиб, олдинроқдан жой олишга интилаётганлар ҳам борлигини сезиб, ми-йирида ҳорғин жилмайиб кўяр эди.

1982 йил.

## ВАСИЙ

Оппоқ, тоза дастурхонга йўргакланган чақалоқни тиззалари орасига ётқизиб тебратиб ўтирган жувон айвоннинг ланг очиқ деразасидан бўйинини чўзиб ҳовлига қаради. Қувалашаётган бир жуфт мусичани кўрди-ю, йўргакни авайлаб кўрпачага ётқизди, ўрнидан илдам туриб калишини оёғига илганича ҳовлига тушди. Мусичалар қанотини париллатиб, олдинма-кейин томга кўтарилди.

Жувон айвон қаторига солинган ошхонадан ўтди, девор пойига суяб қўйилган хокандозни кўтариб, унинг остидаги супургини олди, хокандозни қайта жойига қўйди. У мусича кўнган жойга келди-да, оёқларини кенг ёйиб, икки букилганича гўё йўқолган игнани қидираётгандай ерга тикилди, шу алфозда бир нафас тургач, тупроқдаги мусича изини топди. Қўйлагининг этагини орқага сирмаб, ўша ерни супурди.

Ҳовли топ-тоза эди, супурги кесак увоғини тирнаб чиқарди. Жувон кесакни бармоқлари учида авайлаб ушлаб кўчиб чиққан жойини излади. Топди шекилли, увоқни жойига қўйди, аввал бармоғининг учи, кетидан калишининг тумшуғи билан текислади, супургини яна бир сирмади-да, ошхона томон юрди, бориб хокандозни кўтарди, супургини жойига қўйиб, устидан хокандозни деворга суяди.

Жувон айвонга қайтаётиб водопровод ёнига борди, бош ва кўрсаткич бармоғи билан жўмракни бураб сувни жиддиратди, қўлини совунлади, ювди-совунлади, совунлади-ювди, сўнг тирсагини жўмрак чамбарига ботириб, уни бурашга унади. Сув камайса-да, тўхтамади, кўнгли жойига тушмаган жувон тирсаги

билан жўмракка таянган кўйи водопровод теварагида гир-гир айлана бошлади: бир, икки, уч... ниҳоят, жўмрак қотди — сув тўхтади. Жувон сув юқи селгишини кутиб қўлларини ёнига осилтирди, кейин боши баробар кўтариб қуёшга тутди.

Ботиб бораётган қуёшнинг лаққа чўдек тилими яшириниб улгурмаган, унинг ҳароратсиз, қизғиш нури атрофни ёритиб турарди. Жувон шафақ ёруғида янаям оқариб кўринаётган, тоб ташлагандек қийшиқ ва ориқ бармоқларига тикилди, қон талашгандай қизариб кўринаётган зич панжалари орасидан кўз узмай, панжаларини ёйди, сўнг кафт ва бармоқларидан сув селгиб бўлганига ишонч ҳосил қилгач, шипиллаганича айвон томонга юрди, калишини ечиб, кавшандознинг бир бурчагига текислади-да, айвонга ўтди, ҳовли саҳнига кўз югуртирди, хотиржам тортиб, боя туриб кетган жойига қайтиб ўтирди. У йўргакни тиззасига ётқизиб, дастурхоннинг қайрилган учларини текислади, қайта-қайта сийпалашига қарамай, бир чеккаси қайрилаверди. Жувон кўрпача остидан қайчи олиб, дастурхоннинг йиғилиб-қайрилиб қолаётган парчасини қирқди, осилган ипларни ҳам қайчилади. Шундан сўнг кўнгли таскин толиб, яна йўргакни авайлаб тебратишга киришди. У нималардир деб пичирлар, дам-бадам бўйнини чўзиб ҳовлига разм солар, дастурхон четларини тортиб-тортиб чақалоқнинг юзини яширишга тиришар, ҳовли жимжит, айвон жимжит, баъзан жувоннинг шивири қулоққа чалинмаса, ҳовли ҳам жимжит эди.

Ногаҳон йўлак томонда нимадир «шапп!» этди. Жувоннинг йўргакни сийпалаётган қўллари асабий қалтиради. Тўсатдан ҳушини йўқотган одамдай ранги қув ўчди, лабларини қимтиб бирпас тин олди. Сўнг қайчини кўрпача остига яширди, йўргакни тиззасидан тушириб оҳиста кўрпачага ётқизди, қаддини ростлади. Калишини оёғига идди-да, зинадан чаққон тушиб ошхона томонга юрди. Ошхонани ёнлаб бориб супурги билан хокандозни иккала қўлига олди, зипиллаганича қайтиб, йўлакка ўтди. Йўлакда нимадир «шарпп-ширпп!» этди-ю, жувон у ёқдан чиқди — хокандозни тутган қўлини олдинга чўзганча бурнини жийирди, хокандозда эса янги келган газеталар бор эди, холос.

Шу алфозда жувон ҳовли этагига борди. Ошхонанинг орқа томонига бурилиб кўздан йўқолди. У талай фурсат қайтиб кўринмади, шарпаси ҳам сезилмади. Ҳовлига хавотирли сукунат чўқди.

... Уйнинг ёпиқ деразаси гўё шу сукунатта халал бермоқчи эмасдек «қирс... с...» этиб журъатсизгина очилди. Тавақалар ярим-ёрти очилиб улгурмай...

Ошхона муъолишида жувоннинг қораси кўринди. У супурги билан хокандозни аввалги ўрнига қўйди, кейин... водопровод ёнига келди. Бош ва кўрсаткич бармоқларининг учида жўмракни бураб сувни очди, қўлини икки-уч қайта совунлаб, эринмай ювди, жўмракни тирсаги билан қотирди, сўнг кафтларини боши баравар кўтариб, ботиб бораётган қуёш нурига тутди. Ёйиб турган панжаларига узоқ тикилди. Кафтларини юзкўзига яқинлаштирди-узоқлаштирди, яқинлаштирди, яна узоқлаштирди. Уфққа бош қўяётган қуёш нури кафтларининг сиртидан сингиб ич томонга ситилиб ўтаётгандай, кафтларидан ўтиб, кўзларини баттар қамаштираётгандай бўлаверди.

Шу пайт унинг нигоҳи рўпарасига қадалди. Равиш-ҳолатини бузмай узоқ, синчков тикилди, сўнг бирдан қўлини қуритаётганини унутиб айвонга югурди. Саросимадан кўзлари олайиб, йўргак тепасига келди, қон-талаш шафақнинг қирмизи нури равон ромининг юқори кўзига тушиб турар, ойнадан синиб ўтган бир тутам нур чақалоқнинг устини ёритган эди. Жувон йўргакни даст кўтариб, уни нариги кўрпачага ётқизди, сўнг ўша тезликда айвондан тушиб, ҳовли этагига югурди, у ерда омборхона томига суяб қўйилган узун нарвонни елкасига қўйиб, изига қайтди. Чайқала-чайқала аёлларга хос бўлмаган ғайритабиий куч билан оғир нарвонни лапанглатиб кўтариб келди. Нарвон учини равоннинг юқорисига қадар кўтариб қўйганида дераза кўзи қарсиллаб кетди. Жувон бунга парво қилмади, индамай-нетмай зипиллаб нарвондан икки-уч поғона кўтарилди. Нарвоннинг учи ғийқиллаб бир ёнга қийшайди.

... боя ярим-ёрти очилган уй деразаси шиддат билан, лекин шовқинсиз ланг очилди.

Жувон поғонада турган жойида бир силтаниш би-



лан нарвонни жойига қайтарди. Шошиб-пишиб юқори-лади-да, равон ромининг энг тепасидаги — шафақ нури тушаётган кўзини қаттиқ-қаттиқ арта бошлади. Бироқ ойнага ҳамон нур тушаверди, жувон ҳарчанд артмасин, уни кетказолмади, тўхтаб бир муддат тикилди — ойнада худди сув юзасида ёйилгандай мой доғлари кўриниб турар — унда қуёш нури жилвала-наётган эди.

Жувон нурга шу қадар жон-жаҳди билан тикилдики, ойнадан қайтган шуъла унинг кўзларига игнадек қадалди, оғриққа дош беролмаганидан бошини силтаб орқага тортди. Ногоҳ силтанишдан мувозанатни йўқотган жувоннинг гавдаси орқага оғди — уч-тўрт қулоч тепалиқдан боши билан тиккасига ағдарилиб тушаётган аснода ҳам у ола-кула кўзларини ойнадаги доғдан — шуъла аксидан узмади. У йиқилишидан эмас, балки ўша қизғиш-қирмизи нурдан саросимага тушган, ваҳимадан ўзини ўнглолмай қолган эди.

... ланг очилган деразадан ҳовлига бир йигит ирғиб тушди. Тушди-ю, оёғи ерга тегаёзганида мункиб кетди, ўзини базўр ўнглаб югургилаганича нарвонга етиб келди ва жон ҳолатда унга ёпишди. Йигит дағ-дағ қалтираган қўллари билан нарвонни тутган чоғида жувон мувозанатини тиклади, ҳеч нарса юз бермагандек тик турганича бояги-бояги — ойнани артаверди, ойна эса топ-тоза, гард-ғуборсиз, ҳатто, қуёш янаям уфқ ортига чўкканидан қирмизи шуъла анча юқорига силжиган, дераза кўзига тушмаётган эди.

Жувон ойнани ҳали узоқ тозалайдигандек бир маромда ҳаракат қилаётганида йигитни кўрди. Ранги қув ўчди, оёқ-қўли бўшашиб, нарвонга ҳолсиз суянди, ойна артаётган латтаси чўзилиб осилиб қолди. Кейин ўзи имиллаб туша бошлади.

Яна водопровод жўмраги буралди, қўллар ювилди, тирсак билан жўмрак қотирилди-да, жувон кафтларини қуёш ботиб кетган томонга тутди. Унинг узун-узун, қоқ суяк бармоқлари ола-чаллоқ ёруғда жонсиздек кўринар, ўзи кафт ва бармоқларидаги нақшин чизиклардан асабийлашар, ўжар нигоҳи билан уларни силлиқлагиси келар, айти чокда нарвон ёнидаги йигитга рижиниб кўз қирини ташлаб қўярди.

...нимжон, майкачан, сочлари тўзиган рангпар йигит миқ этмай унга мўлтайиб тураверди...

Таҳлика ва хавотирдан гезариб кетган жувон қўлини орқасига яширди, югуриб айвонга чиқди, йўрғадаги чақалоқни даст кўтариб бағрига босганича ўзини ичкари уйга урди.

... нарвонга суянган кўйи жувонни кузатаётган йигит юришга чорландию, ўрнидан жилмади. У жувон эшик тирқишидан ўзини кузатаётганини сезмагандай кўрсатиб бошини хам қилди. Хиёл фурсат ўтказиб, эҳтиёткорлик билан эшик томонга кўз қирини ташлади. Жувон кўринмади. Йигит яланг оёқларининг учидан бир-бир қадам босиб айвонга чиқди. Бўсавага етган жойида ниманингдир «ққирч, ққрич»лашини эшитиб, таққа тўхтади...

— Сени мендан олиб қўйишмоқчи!

— Мен сенинг болангман-ку.

— Не-ечта туғдим-а!.. Туғаман — улар олиб қўяди, туғаман — олиб қўяверишади. Озмунчасини йўқотдимми?! Сени бермайман!..

— Мениям тортиб олишса-чи?

— Унда яна туғаман. Агар эндиям эрга беришмасачи, ўзимми мана бунақа қилиб қи-йиб ташлайман! Кўряпсанми?..

...йигит жон халписида эшикка яқинлашиб кўзини тирқишга босди...

Хона тўридаги тахмонга ўтирилиб ўтирган жувон тиззасидаги чақалоқ ўралган дастурхон — йўрғакни буйдалади, силаб-сийпалади, бир йўла юзи ёпиқ чақалоқ билан гаплашаверди:

— Ўзингни қийсанг мени ким боқади?

— Вой, тилингдан айланай, уларга қолсанг ёнбошига боси-иб ўлдириб қўяди. Бериб бўлибман!

— Бўлмаса, уларнинг ўзини қийиб ташлай қол!

— Дамингни чиқарма, яшшамагур! Қияман! Ҳаммасини қияман. Ҳовлида ёлғиз қолсам-чи, дарвозани тамбалаб қўйиб туравераман, туравераман. Ҳаммаларингни қатор-қато-ор ётқизиб жонимни бўли-иб-бўли-иб бераман, қоқиндиқ!.. Ҳу-увв!.. Ҳу-уввв!.. Улардан — зolimлардан қачон қутиламан? Қутиламанми?! Ҳу-увв!.. Ҳу-уввв!..

Йўргак устига дув-дув кўз ёш тўжила бошлади. Лекин жувон йиридан тез тўхтади. Улғайиб қолган фарзандини рўпарасига ўтқазиб олиб, унга хотиржам насихат қилаётган онадек вазмин гапирди:

— Сен кўп вайсама. Юзингни очма. Хўпми?.. Улар овозингни эшитса, сени олиб қўйишади. Сенсиз ҳолим нима кечади? Сени қаердан топаман яна?

— Бўлмаса, яшириб қўй.

— Товушингни чиқарма деяпман! Изимдан юради улар, мени ўз ҳолимга қўйишмайди... Эшитиб қолса уйим куяди, вайрон бўламан!

— Яшир, тезроқ! Шошилсанг-чи!

— Менга ўргатма, деяпман! Нима, яширишга ақлим етмайдими? Етмайдими!.. Мана!.. Мана!..

Жувон ўрнидан дик этиб турди-да, уй ичини гир-гир айланишга тушди. Бирдан тўхтади, излаганини топди шекилли, тоқчага тўшалган оқ қорознинг чеккасидан ушлаб қаттиқ тортди. Устма-уст терилган пиёла, чойнак ва ликобчалар оёқ остига шарақлаб тушди.

...пойгақда турган йигит уй ичига отилиб киришдан ўзини базўр тийди. Ҳолсизланиб, эшик кесакисига суюнди. Унинг оёқ-қўлидан мажол кетган, асабий қалтирар, лекин кўзлари ҳамон сергак, ҳушёр ҳам меҳрли боқар эди...

Йўргак устига сочилган чинни парчаларини кафти билан суриб ташлаётган жувон бирдан чўтга ботириб олгандай қўлини силтаб тортди ва кўзига яқинлаштирди. Кафтининг қиррасида қон кўринди. Жувон дам кафтига, дам қон томчиларига менграйди, шунда... эшик «тиққ» этди...

Жувон букчайиб ўрнидан турди, аста эшик томонга ўтирилди.

... эшик ортидаги одам шарпасини... сизди.

У апил-тапил йўргакни қорозга ўрай бошлади. Шу аснода эшик ва дераза томонга қараб худди бадбўй исдан нафаси қайтгандай «Хувв!..» деб лабини чўчқайтирар, қўллари шиддатли ҳаракатланиб, чақалоқни ўраб-чирмар эди. У йўргакни бағрига босганича югургилаб эшиқдан чиқар-чиқмас таққа тўхтади.

... йигит айвондан тушиб улгурмагани...

Жувон ўша заҳоти орқасига қайтди. Эшикни та-

рақлатиб ёпди. Йўргакни яшириш мақсадида унинг устига кўрпача тортди. Кейин деразадан ташқарига қаради, бошини чиқариб энгашди. Афтидан дераза ошиб ҳовлига тушишга чоғланди. Журъат этолмади чоғи, чироқни ёқиб, кўрпача остидан йўргакни олди, шокила-шокила бўлиб кетган дастурхонга қўлидаги қон юқларини артди. Арта туриб зич ёпилган эшикка қараб оғир тин олди. Сўнг ҳамон хавотирли нигоҳини эшикдан узмай унга яқинлашди. У болани бағрига босганича эшикка пешанаси теккудек оралиқда тўхтади...

...нариги томондан эса йигит ичкарига мўралаб турарди...

Жувон аллакимлар эшикни бузиб уйга бостириб киришга ҳозирланаётганини пайқаб қолгандай даҳшатта тушган, аъзойи-баданига югурган қалтироқни босолмаётган эди. У анча вақтгача шу аҳволда турди. Титроқни босишга чиранганидан пешанаси ва юзларида совуқ тер томчилари пайдо бўлди.

Бир оздан сўнг у анча хотиржам тортди. Энди унинг ҳаракатларидан ҳадик, пала-партишлик ариди, аксинча, фавқулодда бамайлихотирлик билан тахмондаги кўрпаларнинг ярмини зумда ағдарди. Сўнг қовозга ўралган йўргакни тахмонда қолган кўрпанинг устига қўйди-да, унинг устидан йиқитган кўрпаларни қайта йиғишга тушди. Шунда у оёғининг остидаги кўрпани олаётиб этагини қўшиб кўтарганидан унинг зангори ич кўйлаги кўриниб кетди.

...эшик ортидаги йигит кўзини олиб қочди...

Ичкаридан жувоннинг бўғиқ ва зардали овози келди:

— Энди топиб бўлишибди! Топади-я, топади! Тахмонга яқинлашсин-чи! Битталаб қияман... Қўлимга тушганини қиймалайман!

— Мени қийма!

— Сени қиймайман, қоқиндигим! Тагин ўлиб-не-тиб қолмагин, хўпми?... Йўқолмагин... Туғишда қийнадим-ей!.. Яна қачон бола кўраман. Яна қачон эрга беришади мени... Сен ўлмагин, сени яшираман!.. Ўлиб қолмагин!.. Увв!.. Хиҳ, уввв! Хувв, кет! Хувв, кет! У-уввв!..

Жувон аччиқ-аччиқ хўнграб юборди.

...эшик ортидаги йигит икки букилиб калит уяси-дан мўралаб қарар, бир лаҳза бўлсин жувондан кўз узмас эди...

Уйдан алла товуши эшитилди. Жувон алла айтаёт-тиб гапдан тўхтамас, дам ўзи, дам чақалоқ бўлиб савол-жавоб қилар, «боласи» ёқимли гап айтгудай бўлса, «Вой, айланай-эй!» деб тахмонга талпинар, лекин қўли-ни чўзар-чўзмас йиғлаб юборар, яна аллалашда давом этарди.

У шу алфозда узоқ юрди. Кейин тўхтаб, уйнинг ўртасида бир нуқтага қадалганча қаққайиб қолди, узоқ-дан элас-элас қулоққа чалинаётган шовқинни эшит-моқчидек сергакланди. Унинг шу туришида яна не ба-лоларни бошлашини билиб бўлмасди...

Аллақанча вақт ўтди. Жувон ўй суриб ўйига етган одамдай шошилмай тахмондаги кўрпанинг икки-учта-сини туширди. Сўнгра йўрғақдаги чақалоқни деворга тақаб унинг устидан кўрпаларни қайтадан йиғди. Йи-ғилган кўрпаларни кафти билан итариб-суриб текис-лади, текисланмаган жойларини қийди. Шундан сўнгги-на кўнграи тасалли топди чоғи, қўлларини икки ёнга осилтирганича елкаси билан кўрпага ҳорғин суялди...

...йигит калит уясида тикилиб тураверди...

Ниҳоят жувоннинг кўзлари юмилди, сирғалиб ту-шиб гиламга ўтириб қолди.

...йигит эшиқдан чекинаётиб сезилар-сезилмас эн-тиқди, енгил нафас олиб ёнгинасидаги стулга оҳиста чўқди...

Тун ярмидан оғиб, тонг отишига пича қолган, уй-нинг чиройида ҳовли саҳни, қорайиб кўринаётган нарвон, айвон юзасида сочилиб ётган дастурхон қий-қимлари қандайдир сирли-безовта манзара ҳосил қил-ган.

...майкачан, елка суяклари туртиб чиққан увоққина йигит студда суянганича тиззаларини қучиб, қунишиб мудрар эди...

Жувон гира-шира тонг ота бошлаганида уйғонди. Ўтирган кўйи остин-устин бўлиб кетган уйнинг аҳво-лига разм солди. Ўрнидан шошилмай туриб сочини, кўйлак ёқаларини тузатди, сўнг тахмондаги кўрпалар-ни туширди, боя ўзи қўйган йўрғакни олиб қон доғла-

ри қотиб қолган қорозга, қайчилаб ташланган дастурхонга анграйди, чуқур, сўлғин уф тортди. Қорозни, дастурхонни очди-да, унга ўралган чақалоқ-ёстиқни олиб тахмонга қўйди, оёқ учида юриб желиб, эшик тирқишидан айвонга мўралади.

...Йигит стулда ғужанак бўлиб ўтирганча ухлаётган эди...

Жувон тахмондан туширган кўрпалардан бирини келтириб эшикни оҳиста очди, йигитнинг тепасига яқинлашиб, кўрпани икки қўлаб ёйиб балаңд кўтарди. Эшик шовқинсиз очилгандаёқ қуш уйқусида ётган йигит чўчиб уйғонган эди. Жувон унинг кўзига қарамай, юзини кўрпа билан паналаб туриб гуноҳқорона ва чорасиз бир изтиробда гапирди:

— Жойингга кириб ухла, укам. Мен тузукман... Мен яхши бўлиб қолдим...

1983 йил.

## ЭТАҚДАГИ УЙ

Андиша ва кўнгилчанлик қилиб бировнинг илтимосини рад этолмай, кейин панда емайсизми?..

Бек одатдагидан барвақт уйғонди. Ювингач, жадал кийиниб олди-да, ҳовли юзида у ёқдан-бу ёқда юришга тушди. У дам-бадам ҳовли этагидаги уйга қараб қўяр, худди у уйдан кимдир чиқиши керагу, биргалашиб бирон ёққа жўнашлари зарурдек сабрсизланар, бунга сайин қадам олиши тезлашар эди.

Эшик шарақлаб очилди. Уйқуси ўчиб улгурмаган ёшгина жувон ҳовли бурчаги томон беш-олти одим ташлаганда ток сўрисининг нариги томонида қаққайиб турган Бекни кўрди. Бек жувонга саросар тикилиб турар эди. Жувон ошхонага бурилди, эшикни қиялаб ёпди.

Бек тўхтаган жойида яна-бир икки фурсат турди. Ошхона томонга қулоқ солди. У ёқдан ҳеч қандай овоз эшитилмади. Шундагина бу тахлит туриши ноўрин эканини сизди. Лекин уйга кирмади, фақат ошхонадан кўз узиб, яна бояги-бояги юринишда давом этди.

Жувон бетини артган сочиғини қўлида тутганича ошхонадан чиқиб изига қайтди.

— Синглим!

Бек ўз овозининг дабдурустан дағал, таҳдидли эшитилганини сезди. «Салом» деб ўзига қараган жувонга ихтиёрсиз «Яхши ётиб турдингларми?» деди-да, жавоб кутмай ўша оҳангда давом этди.

— Ражаббой менга учрашсин, зарур гап бор!

Жувон «хўп» деб аввал Бекнинг авзоига кўз қирини ташлади, кейин уйга кирди.

Бек туш кўриб уйронганидан буён кўнгли хижил, авзои бузуқ эди.

... Отаси, онаси, опалари, акалари ҳовли этагидаги катта хонада ўтиришган экан. Анча гаплашишди, тортишишди, кулишишди. Бек ҳам гапирди, кулди. Шунда онаси билан отаси унинг гапларига қулоқ солишмаётганини тўсатдан сезиб қолди. Бекнинг юраги шувиллаб, орзиқиб кетди.

У ҳолда... Бекнинг гапига опалари, акалари кулишди-ку? Кулаверишди. Бек ота-онасининг эътиборсиз ўтиришларини фаҳмлагунига қадар ўзи ҳам овозини баралла қўйиб кулди. Демак, гапи кулгили эди. Нега бўлмаса, тағдор қочириқни нозик илғайдиган отаси билан онаси кулишмаяпти? Ёки ҳазили беўхшов чиқдимми? Аксинча — опалари, акалари ҳамон кулишяпти. Бек гап нимада эканини англади-ю, баттар талмовсиреди: улар Бекнинг ҳазилига эмас, унинг ўзига, унинг устидан кулишаётган эди!..

Ўзини тамом йўқотган Бек мадад умидида акалари, опаларига бирма-бир аланглади. Йўқ, уларнинг қиёфаси секин-аста хиралашди, сўнг тиниқлашди. Бекнинг кўз ўнгида туғишганлари бегона одамга айланиб қолишди. Бек ёлборувчан кўзлари билан онасига, отасига тикилди. Бироқ чол, кампир унинг нажот истаб қарашини сезмаётгандек ҳамон бепарво эдилар.

Бекнинг тили айланмади, ўйлай деса мияси ишламас, онаси билан отасига яқинлашай деса орада ўтирган кимсаларни босиб ўтолмади. Шу пайт ичкари хонанинг эшиги очилиб Ражаббой чиқиб келди. Бек севинганидан ирғиб ўрнидан турди. Ражаббой катта-катта кафтларини ҳовуч қилганича Бекка чўзди, Бек ҳам

кафтларини жуфтлади. Оқ тангалар шарақлаб Бекнинг ҳовучига тушди. Танга беҳисоб эди. Бекнинг ҳовучини тўлдириб, гирдидан ошиб-тошиб жаранглаб тўкилди. Бек ҳовучини олдинга чўзганча онаси билан отаси ўтиришган томонга юрди. Пул кўп, тўкилгани билан ҳовучидаги танга камаймас, бундан Бекнинг хурсандлиги орттандан-ортар, тангаларни ота-онасининг олдиларига тўкмоқчи бўлар эди. У яқинлашай деганда отаси аввал сапчиб ўрнидан турди, онасининг қўлидан тутиб уни ҳам турвазди, кейин ичкари уй эшиги тарафга етаклади. Бек уларга эргашди. Отаси ичкари уйнинг эшигини очганича жойида қотди.

Чол билан кампир ичкарига ҳам кирмай, орқага ҳам қайтмай остонада туриб қолишган, шунга қарамай Бек ҳарчанд уринмасин уларга ета олмас, уй тўридаги каравотдан Ражаббойнинг хотини унга кулимсираб қараб ётарди.

«Нимага?», «Нега?» деган сўроқлар тушга уланиб кетди. Бек қандай уйғонган бўлса ўша алфозда қимир этмай ётди. Жавоб тополмади, ётолмади ҳам. Кўрган туши унинг кўз ўнгида айрим манзаралари билан эмас, балки бутунича гавдаланар эди.

Бек чироқни ёқиб тошойна жавони устидаги пулга ажабсиниб қаради. Ўн сўмлик, беш сўмлик ва уч сўмлик қоғоз пуллар букланган, биринчи ижара пули. У на Ражаббой билан, на унинг хотини билан ижара ҳақи хусусида гаплашган, ҳамма муомалани Фазилат қилган. Кеча кечқурун ётар олдидан хотини: «Пул беришди, дадаси, шунча бойликни қаёққа қўямиз?» деб кулди. Бек пулга қўлини теккизмади ҳам.

Бир ҳовуч танга. Отаси билан онасининг ундан юз ўтириши. Улар турмуш қуришганидан то вақт-соати билан дунёдан кўз юмгунларига қадар ётиб-турган ётоқларига киролмай эшик остонасида тўхтаб қолишгани. Ака-опалари уни мазах қилишгани, бегонасирашгани...

Ахир, Бек ўз ҳолича ижарачидан тегадиган ҳақ учун одам қўймади-ку. Бир куни опаси келди. «Бирга ишлайдиган яхши жувон бор, эрининг бир йиллик ўқиши қолган, яшаётган жойи жуда нобоп, сеникига кўча қолишсин — ҳовли этагидаги уйлар бўш



ётибди-ку, бир йил ўтади-кетди. Мен айтиб қўйган-дим», деди.

Ҳовли этагидаги уй жиҳозлари ўша-ўша — отаси ҳаёт чоғидагидек сақланган, доим сарамжон-саришта бўлади. Опалари, акалари келишганда дастлаб этакдаги уйга киришади, онасини, отасини хотирлашади. Бек у уйга онаси билан отасининг ҳузурига кираёттандек оёқ қўяди, кенгашталаб масалаларни отаси билан маслаҳатлашади, шундагина тўхтамакча келган хулосасидан таскин топади, чол-камбирнинг ҳурмати учун эшикни авайлаб ёпиб чиқади.

Бек биров билан муомалада ўзининг хоҳиш-истакларини поймол этиб бўлса-да, бошқаларнинг кўнглига қарайди. Шу ваддан ижарачилар келишига «йўқ» дейёлмади, опасининг кўнглига қаради. Ўша топда бир оғиз «йўқ» дея олмаганининг азоби одатдагидек, кейин ич-этини ўртай бошлади. Ана шунда...

Тамоман ҳақ бўла туриб кўнглингиздаги гапни очиқ-ойдин тўқиб солганингиз учун «беандиша» деган ном орттирмайсизми?..

— Ҳа-а, менинг юзимни шувит қигани қўйганми-динг, квартирга?! Ё, ош-нон талаб қилдими сандан? Ё, бераётган пулини назаринг илмай қолдими?

Таънанинг аввали шундай бошланди. Бек опасининг ранжишини билар, лекин бу даражада тутаб кетишини кутмаган эди. Опаси унга оғиз очирмади.

— Ким деган одам бўлдим мен?! Ёттан жойидан уйғотиб ҳайдаб чиқармасанг уйингни эгаллаб олаётувдими? Ҳақини берган экану!

— Ўша берган пулини кўчини ташиган машинага тўладим. Сиззи ҳафа қилиш ниятим йўқ эди, опа! Кенгроқ ўйланг ахир!

— Кенгроқ ўйлашни сенга чиқарган! Кенгроқ ўйласанг иккита мусофирни уйингдан қувиб чиқарарми-динг. Андишани еб қўйибсан, ука! Уят-э!

Бек ўша куни саҳарда кенгроқ ўйлаганида жўяли мулоҳазаларга борган бўлар, опасининг ранжишидан қатъий назар, икки мусофирга «беандиша»лик қилаётганини тушуниб етар ва бошлаган ишини охирлат-

маслиги тайин эди. Лекин бундай мулоҳазакорлик азобини кейин яна ўзи тортар, аламидан ич-эттини кемириб юришга тўғри келар эди. Шунинг учун у кўнгли бўшашиб, раҳм-шафқат ҳисси туғилаётганини сезиши ҳамоно, ўзига-ўзи аёвсиз танбеҳ бераверди. «Бувам билан бувим, отам билан онам ётган, яшаган хонада етти ёт бегоналар яшамаслиги керак!»

... Ҳовли этагидаги уй Бекнинг отасидан эмас, отасининг бувасининг буваларидан қолган... Бу уйда охири отаси яшади. Отасининг ёши аниқ эмас эди. Инсон зоти ёруғ дунёда кўриши мумкин бўлган жамики қувончу аламни бошидан кечирган чол уйни кимсасиз қолдирмаслик мажбуриятида атайин ўлмаётгандай, уй билан унинг жони бир-бирига пайвандлашиб кетгандай туюлар, баъзан кўҳна уй ва қари чол ким узоқ яшашга чоьлангандай кўринар, гоҳо, Бекнинг назарида, ўлим унинг отасини унутиб юборганга ўхшар эди. Отаси «юзга кирдим» деганидан кейин ҳам тўққиз-ўн йил яшади...

Ижарачилар кўчиб келишган куниданоқ Бек ўзини янишга тушди. Назарида, отаси билан онаси қаёққадир кетишгану ҳали-замон кириб келишадигандек, шунда уйнинг баъдлигини кўриб... Ражаббой билан хотини ҳовли саҳнидаги кўч-кўронини битта-битта олиб кириб, уйга жойлаштирар, ҳар битта бегона буюм Бекнинг отаси билан онасининг, уларнинг ота-боболарининг руҳини чирқиратиб қувиб чиқаётганга ўхшайверди. Опаси «ижарачилар бор» деб оғиз очган заҳоти бир оғиз «йўқ» деганида шунча азоб қаёқда эди. «Ҳа»ям демади-ку. Ёки, одамлар бировнинг раъйини қайтара олмаслигиндан фойдаланиб қолишармикан?

Бек бундай хаёлларини жиловлашга, бўлмағур ўй-фикрларни миясидан соқит қилишга ҳарчанд уринди, илло унинг учун азобли хаёлларини ситиб чиқаришдан кўра, ижарачиларга жавоб бериб юбориш осонроқ эди.

Икки-уч кун кейин оила аъзолари учун ота ўрнига ота бўлган катта акаси келди. Ҳовлига кириб, одатича тўппа-тўғри этақдаги уй томон юрди. Ярим йўлга етар-етмас очиқ деразадан бегона жиҳозларни кўриб, тўхта-

ди. Акасининг аҳволини сезган Бек телба-тескари гапга тушди:

— Опам илтимос қилдилар... Бирга ишлашар экан... Бир йилга... — деди у узук-юлуқ сўзланиб, — яхши одамлар экан...

Акаси унинг гапига қулоқ солдими-йўқми, тўхтаган жойида бир зум ўйланиб турди, орқага қайтди. Тез-тез юриб йўлакка ўтди.

— Уйга кирмайсизми?— Бек гарангсиган, акасини бу нохуш вазиятдан қутқазिश учун арзирли сўз тополмас эди.

Бекнинг таклифи акасининг қулоғига кирмади, у худди этакдаги уй деразасидан кўринаётган бегона жиҳозлар таъқибига учрагандек ўша томонга яна бир марта хавфланиб қаради-да, «Яхши одамлар... Яхши одамлар кўп», деганча тез-тез юриб дарвозадан чиқди.

... Ўшандан бери акаси қайтиб ҳовлига оёқ босмади...

— Гап шундай, ука, бутундан қолмай бирорта жой топасиз ё биноси нобоп бўлсаям аввалги жойга борасизларми — бу ердан кўчишинглар керак. Шундай!

— Хўп, ака,—деди Ражаббой гуноҳқорона товушда. — Бирор кўнглисизлик бўлдимиз?.. Тўсатдан...

— Айтдим-ку, Ражаббой! Жойни қизванмайман! Мени тўғри тушунинг... Фақат, бутундан қолмай, илтимос...

Бек қандай бўлса-да, жаҳлидан тушмасликка уринди, кўнгли бир оз юмшаса андишавозликка ўтишини билиб, Ражаббойнинг кўзига қарамади. Бахтига уйдан Фазилат чиқиб қолди.

— Бояги... кечагини ола тушгин! Тошойна тоқчасидагини.

Фазилат Бекнинг рўпарасида бошини ҳам қилган Ражаббойга, этакдаги уйнинг қия ёпилган эшиги ортида серрайиб турган унинг хотинига кўзини пирпиратиб қаради. «Нимани?» деб сўрашга офиз жуфтламаёқ эри ўшқирди.

— Булар беришганини, — деди у этакдаги уйга бармоғини нуқиб, — кеча кўрсатдинг-ку!

Хотини орқасига қайтиб улгурмай Бек уни тўхтатди.

— Кўч обборадиган машинага бер! Бугундан қолмай! Эпитдингми?! Мен кетдим!

Бек кечқурун ишдан қайтганда дарвозани оҳиста очиб ёпди, товуш чиқармай қадамлаб ҳовли этагига ўтди. Иккала уй бўм-бўш, супириб-сидирилган эди. Бекнинг кўзига Ражаббойнинг эрталабки аҳволи кўринди. Ачинганидан ичдан зил кетди. Халқумида зардоб қайнагандек афти бужмайди. «Бунинг хижолатвозлиги қачон унутиларкин...»

Хотини саломлашмади. Бек вазмин кўринишга уринди, индамади. Фазилат чидай олмади. «Бу шармандаликнинг купи менга тегади», деди. Бек миқ этмади. «Биров гапирса сиззи эмас, мени гапирди — «хотинидан келган бу иш», деб маломат ёрдиради.

— Менга тўнкаб қўявер, маломати менга буюрсин.

— Менга тўнкаб қўявер дейсиз, кетиб қолдингизку! Юкларни машинага ортгунича ҳовлига чиқолмай ўтирдим уйда.

— Бўлар иш бўлди, энди...

— Бўлар ишни бошламасдан аввал ўйлаш керак эди... Шўрлик «Ҳай, опа, яхши-ёмон гап айтган бўлсак», деб хайрлашса, йиғлаб юборибман!..

Бек жаҳдининг измига тушди.

— Ҳа, йиғлаб хумордан чиқасан! Бахтингга кўз ёши бор! Менга осон тутасанми?! Мен ачинишни билмайманми? Унисига ачинсанг буниси, бунисига куюнсанг униси қолиб кетади. Ўзига-ўзи ачиниши ҳам керакда, одам!

Бек хотинига эмас, ўзига гапирар, тўғрироқи, ўзини аёвсиз койиб хумордан чиқаётган эди. Фазилат нимадир деб эрининг гапини бўлди.

— Учир!

Бекнинг бўғзидан райритабий овоз портлаб чиқди. У олайган кўзлари билан хотинига (хотинига эмас, унинг сиймосидаги ўзига!) еб юборгудек тикилди. Фазилат юзини беркитиб, товуш чиқармай йиғлар, жажжигина қизалоғи унга ёпишиб олганича Бекка ҳадик ва хавотирда анграяр, қайси томон ҳақлигини билолмаётган тўнғич қизи ҳам бир чеккада отасига бегонасираб қараб турар эди. Кўшни хонадан чопкиллаб чиққан ўғли дам онасига, дам отасига аланг-

лади, кейин онаси томон бораркан, кўнгли тўлиб кетди.

— Опамми уришманг, ў, ада! Уришманг!..

Бек ўраига, қизларига, хотинига бирма-бир тикилди, оиланинг бошлиғи, маслаҳаттўйи бўла туриб уларнинг олдида ўз ожизлигини шу қадар очиқ-ойдин намойиш қилиб қўйганидан таъби хираланди, тўсатдан қўл-оёғи бўшаши. Бек шу алфозда хотинига, болаларига ички бир гуноҳкорлик билан разм солар экан, кўнглидан шундай хаёл кечаётган эди: «Омонлик бўлса, буларнинг бошига ҳам шундай савдолар тушаверади, ана ўшанда ҳар ким ўз ҳолича ҳақ эканини тушунади...»

... Тушунади. Дунёни, муросаю мадорани ҳар ким ўзича тушуниши табиий, бироқ шундай тушунчаю туйғулар туфайли одамлар орасида ёлғизланиб қолмай-сизми?..

1983 йил.

## ҚАДР

Леонид Андреевни ўқиб.

Тор кўчанинг бошидан охиригача сув сепиб супирилган, ланг очиқ дарвоза рўпарасидаги узун столга дастурхон тузалган, унинг бир томонида қатор ўтирган мўйсафидлар тараддулда — ҳадемай куёв жўралари билан келади.

— Ҳой, тирранчалар, нарироқда ўйнанглар! Куёв келиб кетсин, тўйхона сизларга қолади!

— Ол-а! Куёв келиб-кетса, болалар тўйхонада нима қилади? Хиҳ!..

— Нима қиларди, ўйнайверади!—Мўйсафидлар қаторининг бошланишида ўтирган ориқ, ёноқ суякларини туртиб чиққан, юзи қип-қизил киши: «Ия, менга киноя қиладиган одам ҳам туғилган эканми?» деган мақомда бўйинини чўзиб луқма ташловчига ўтириди. Қаторнинг охиридаги одамнинг ёнида иккита стул бўш, ундан нарида Тоживой узоқ ва овир хаёлга чўмгандек боши эгик, тикилган нуқтасидан кўз узмай ўтирар

эди. У ҳеч нарса эшитмагандай қимир этмади, ўзига-ўзи гапирган кўйи гўлдиради:

— К-куёв кет-тгач, тўйнинг қизиғи қоладими?

— Э-э, қийиқ, мен билан олишишни сенга ким кўйибди?!

Тоживой ғалайлашиб кетаётган кўзларини базўр очиб, қаторнинг бош томонига қаради:

— Абдаз ака, сиз осмондан оёқ узатиб тушгансиз, б-биз ердан кўкариб чиққанмиз... шу... дай демоқчисиз-да?

— Ўзингдан катта бир гап айтганда сен тилингни тийиб ўтиравер, жиян! — Абдаз ака лов этиб ўт олганича ҳали шаштидан тушмаган эди.

— Оғир-роқ гапириб юбор-дингизми дейман-да... — Тоживой иккала кафтини тиззасига тираб, бошини аранг тутиб турар, унинг шолғомдек қизариб кетган юзидан, сархуш кўзларидан на жаҳд, на осойишталикни уқиб бўларди.

— Оғир ботса мени чакагимни очма!

— Битта гапдан қолинглар, энди, — деди мўйсафидлардан бири, — Абдаз, сен тушунган одамсан-ку, ҳар қалай.

— Ана, Абдаз ака тушунган одам, биз — ғалча, юрт кўрмаган...

Шу пайт икки меҳмон келиб тавозе билан тўйхонага юрди.

— Бу ерда тушунмаган одам йўқ, — деди ўзини оқлашга уриниб, бояғи мўйсафид, — омади гапни айтдим-кўйдим-да. — У ёнидаги қарияга маъноли кулимсиради.

— Биз ҳам улпат кўрган йигитмиз... ҳа, энди, 3-зокир акамиз озиб-ёзиб би-ир қиз чиқараётган эканлар, шунга... жиндек хурсандчилик қилсак... шунга...

— Жиндайлиги кўриниб турибди!

Тоживой ўтирган стул синиб кетаёзгудек қаттиқ гичирлади, унинг ўзи суянчиққа тираниб ўрнидан оғир турди, стулнинг орқа оёғи ерга ботди. Тоживой Абдаз ака томон икки қадам ташлади.

— Эрталабдан хизматти жойига қўйдик, Зокир акам бир шиша... яримта қўйдилар, шунга... Фахр билан майдаладик. Тортмайди, деб ланжлик қилди. Дўстинг

учун... деганларидек, ўзим оворибман, акам. Яримта-нинг кўплиги қаёққа борарди.

— Оз дейсан-у, одамлик сиёқинг қолмади, Тожи! На гап-сўзингда, на юриш-туришингда тайин бор!

Тоживой ўзига ўқрайиб турган Абдаз аканинг кўзларидан нигоҳини узмай унга яқинлашди. Гўё Абдаз ака кўзларидаги кўринмас ип билан чирмаб ўзи томон бирма-бир тортиб олаётгандек Тоживой алпанг-талпанг қилиб келди-да, унинг рўпарасида тўхтади. У ортиқча эгилганидан шундоқ ҳам чувак гавдаси баттар кичрайган, устига-устак бўйинини елкалари орасига тортиб янада аянчли тус олган эди.

— Шунақами... Аб-бдаз ака, одам... лик сиёқимиз қолмабдимиз?.. Ундан кўра юзимга би-ир шапалоқ тортинг. Мана, «финг» деган номард.

Ўтирганлар орасида енгил, беғараз кулги кўтарилди. Улар Тоживойни, Абдаз акани юпатган бўлишди. Зокир амаки оғзини очмай кулди. Абдаз ака: «Одамлар келишяпти», деб меҳмонларни кутувчига им қоқди, Тоживойга ишора қилди. Тим қора мўйловли киши ўрнидан туриб Тоживойга рўпара келди: «Йўлда туриб қолибсан, ука, чеккароққа ўттин». Меҳмон кутувчи тезгина яқинлашди-да, Тоживойнинг биллагидан чангаллаб уни боя ўтирган томонга судрагудек етаклади. Тоживой чалишиб-қоқилиб бориб жойига ўтирди. Меҳмон кутувчи шу заҳоти изига қайтиб, майин табассум билан келувчиларга юзланди.

Тоживой чўнтагини узоқ кавлади. Кавлай-кавлай эзилган папирос донасини топди. Ёнига ўтирилиб, бошини кўтарди — икки қадам наридаги қўшнисига қаради. У Тоживойга орқа ўтириб ўтирар эди. Тоживой қўл силтади. Костюм чўнтаklarини тимирскилади, ўрнидан туриб, шимининг чўнтагидан гутурт олди. Биринчи чўп синди, иккинчиси «чижзз» этди-ю, ўчди. Учинчиси ёнди. Тоживой оғир уфлади. Папирос тутунини чуқур-чуқур ичига тортиб, бир нуқтага тикилганча ўтираверди. Ниманидир эслади, бошини сараксарак қилиб чайқади. Мувозанатни йўқотмаслик учун секин ўрнидан турди. Бир-бир қадам ташлаб ўтирганлар олдидан ўтди. Улар Тоживойни жимгина уйига кетаётганга йўйиб, ўзларини пайқаманганга олишди. То-

живой қатор бошидаги стул ёнида тик турган Абдаз ака рўпарасига келиб тўхтади.

— Одамлик сиёқимиз қ-қолмадими, Абдаз ака? Қирқдан ўтганда-я!.. Майли! — Тоживойнинг билак-дек ингичка, узун бўйни дош беролмагандай боши шилқ этиб эгилди. — Майли, битта... дилдан чиқариб, «гинг» десам.

Абдаз ака тишлари орасидан кулиб чолларга, Зокир амакига, кейин Тоживойга қаради.

— Сен-чи, қийиқ, уйингга кир-да, бир уйқуни ол. Бор!

— Ия! Хо-хо! Куёвни кутмай-м-мизми? Ичиб кета-веришми! Йу-ўқ. Зокир акам биззи ҳурмат қилдиларми — сийлаш биздан. Тан бердим, Зокир ака! — Тоживой Зокир амаки томонга ўтирилаётиб оёғи чалишди. Ўзини аранг ўнглаб, боядан бери юзидан табассум аримаётган Зокир амакига жилмайди.

— Келин-куёв қўша қарисин, омин! — Тоживой кафтларини юзига тортди, кўзини очди.— Ўғил бола гап — қўша қарисин!

— Дуо қилишни ҳам уддалайди, — деди ўтирганлардан бири.

Тоживой яна Абдаз акага юзланди:

— Куёв кевотти-ю, акамм, мен ухлар эканманми? Унақаси кетмайди!.. Бизда ҳам қиз бор, икки ўғил борр... Хотиннинг мияси бутун — қудалик бўлай деяпсиз, ичишни ташланг, дейди.

Шу аснода катта кўча томондан ногоранинг тарақлаши эшитилди. Болалар, «Куёв келди! Куёв келди!» деганча ҳовлидан дувиллаб чиқишди. Тоживой ҳавасланиб, улар изидан мамнун тикилди.

Катталар ҳам жонланишди. Мўйсафид меҳмон кутувчига, Зокир амакига кўрсатма берди, улар йўлакка кириб ўзларидан ёшроқларга, ёшроқлар эса ўзларидан кичикроқларга ул-бул юмушларни эслатишди.

Тоживой қучоқ очиб йўлакдан чиқиб келган Зокир амакининг бўйнига осилди. «Роҳатини кўринг! — деди у Зокир амакининг юзидан чўпиллатиб ўпиб,— куёвингиз ҳам келиб қолди... Бизга ҳам шш-унақа куёвлар учрасин!»

Зокир амаки «Айтганинг келсин», дея Тоживой-



нинг қўлларидан авайлабгина бўшадди-да, хижолато-муз кўзлари билан кимнидир излади. Ҳовлидан икки-уч нафар ўсмир йигит чиқди, Тоживойга қараб мийи-ғида пиқирлаб ўтишди. Карнай-сурнай, доира-ноғора тор кўчани бошига кўтариб яқинлашаверди.

Зокир амакининг ҳоли қололмаётганини кўрган мўйсафидлардан бири ўрнидан туриб келди-да, Тоживойнинг билагидан тутди, унинг кулоғига нима-дир деб шивирлади. Тоживой қўлини силтаб тортди, чайқалиб, гандираклади. Зокир амаки билан бояги киши «ҳой-ҳой»лаб уни суяб қолишди.

— Нарироққа олиб турадиган бирор кимса йўқми? Ҳозир ҳаммани шарманда қилади!

Қариялардан бири шу гапни айтиб улгурмай Абдаз ака шитоб билан келди-да, Тоживойнинг қайишидан чангаллаб ушлади, кўзларини янаям қисиб, унга ўқрай-ди:

— Қийиқ! — ўшқирди Абдаз ака паст, лекин дўқ-иддао аралаш, тишлари орасидан тупук сачратиб,— нари тур, бўлмаса нақ майиб қилиб қўяман, бола!

Тоживойнинг ёнидаги мўйсафид: «Майли, майли, ҳозир ўтамиз», деб Абдаз акани тинчлантирди-да, Тоживойни гапиришга ҳам қўймай чеккага судради. Кўча муюлишида шўх-шўх сакраб ўйнаётган ўспиринлар кўринди...

— Сенда гапим бор, зарур, — деди мўйсафид Тоживойга, — сени укам деганман-у, Тожи, менга қулоқ солмайсанми, жигар? Юргин.

Тоживой мўйсафидга итоаткорона бўйсунди, кета туриб, «Майли, Абдаз ака майиб қилсин, майли» дер, шунинг орасида, «Сиз акамсиз» деб қистириб қўярди.

Куёвнавкарлар қариялар рўпарасида ярим давра қуриб ўйин кўрсатишди. Ногорабазм забтига олди.

— Агар мени акам десанг, шу ерда тура-турамиз,— деди мўйсафид Тоживойга босиқлик билан. — Куёв-лар уйга кирсин, кейин бирга жойимизга ўтирамиз.

— Ўтирми-миз! Хиз-зमत қиламиз... Менда ҳам қиз бор, икки ўғил бор. Эрта-индин қудалик бўламан... Хотиннинг мияси бутун...

Тоживой гапириб туриб, ногоранинг ўйноқи та-рақлашига монанд сакрашга тушди, қўлларини кўта-

риб, гўё ноғорани қаршисидаги қария чалаётгандек ва мўйсафид унинг қилиқларидан ҳузурланаётгандек тобора тезроқ, чаққонроқ ирғишлай бошлади.

Карнай-сурнай нағмаси ҳовлига кўчди, бир оз ўтиб унга «Тўйлар муборак» уланди.

Кўча жимжит бўлиб қолди. Жойларига қайтиб ўтирган мўйсафидлар сафи энди сийраклашган, ўрта ёш-лилар ичкарига киришган эди. Тоживойни орқада қолдириб қайтаётган мўйсафид Зокир амакининг: «Қани, бўлмайсизми», деганини эшитиб, «Мана, биз тайёрда», деди-ю, йўрлаганича ўзини йўлакка урди.

Тоживойнинг назарида дунё ҳувиллаб қолгандек бўлди. У пешанасидаги терни сидириб, чайқала-чайқала қатор охирига яқинлашди. Уч-тўрт нафар нуроний қария оҳиста гаплашиб ўтирар, Зокир амаки у ёқдан-бу ёққа ўйчан юринар эди. Тоживой жойига ўтиришини ҳам, ўтирмаслигини ҳам билмади. Гудранди.

— Қирқдан ўтиб қобман-у... Қирқдан-а!.. Ўтиб қобман-у! О-ов-рў шу бўлдими?!

Ҳовлидан ўрта ёшлардаги бир киши чиқди. Зокир амакига нимадир деб орқасига қайтаётганида амаки уни тўхтатиб, қулоғига пичирлади. У боши берк кўчага кириб қолган мусофирдек серрайиб турган Тоживойга қаради:

— Тожи, нега қаққайиб турибсан, қани, юр ичкарига. Ия, ўртоқ, тўйхонага кирамиз. Юр!

Тоживойнинг эти жимирлашди. Ўзидан бошқа Тоживой бордек ён-верига аланглади. У дарвозахона томонга йўл кўрсатиб турган одамни аниқ-тиниқ кўраётганидан тамоман ғалати, яқин-орада туймаган алланечук алфозга тушган — худди маст эмасдек, умуман мастлик ҳолати нима эканлигини асло билмайдигандек ҳушёр тортган, кўз олди, мияси тиниқлашганидан кўкси, бутун вужуди майин шабададан қониб ҳузурланаётгандай масрур эди.

— Нима, бегонамисан, туришингни қара, ичкарига юр деяпман!

У киши Тоживойни қўлтиқлаб йўлакка олиб кирди. Ҳозир ҳовлида елиб-югуриб хизмат қилаётганлар, чекка-чеккада турган одамларнинг ҳаммаси Тоживойга

қарайди, «Қани, Тожи!» деб унга илтифот кўрсатишадди, «Юқорига, юқорига!» деб ҳовлининг тўрига бошлашади...

Тоживой сергакланди, кўйлагининг тутмасини қадаб кўкрагини беркитди, мижғалоқ дастрўмолини олиб қизарган, тер қуйилиб келаётган юзи, бўйнини қайта-қайта артди. Қирғийникидек қайрилма бурнини ўзгалар кўзидан яширгудек энгашди-да, қўлтиқлаб олган киши кўрсатган — йўлакнинг ўнг томонидаги тор, бир қанотли эшик остонасига қадам қўйди. Тоживой энди мастлигидан эмас, балки ҳаяжондан тутилиб-тутилиб гапирар эди, холос:

— Бизда ҳам ов-ру бор! Бизам юрт ичида юрган, улпат кўрган йигитларданмиз, ҳа. Биззи ҳам хурматимиз бор, ҳҳ... хурматимиз...

Намат устига эски, тақир кўрпача билан юпқа ёстиқ ташлаб қўйилган тор ҳужрада ҳеч зоғ йўқ, у ер жимжит эди...

## ҚОЯЛАРДАН БАЛАНДА

*Калхат қариб, тамом қолган тойган ва шу боис рўпарадан эсаётган шамолга қарама-қарши парвоз этолмас, шамолга чал бериш ва уни доғда қолдириш учун ўзини четга олар, бироқ барча уринишлари зое кетар эди...*

*Т. Пўлатов, «Мулк».*

Қоя тошнинг камгак еридан қуёшнинг беозор тилларанг нури кўринди-ю, ҳаво совиб кетди. Қуёш ўзидан совуқ пуркаётгандек бўлди, ундан таралаётган заррин изғирин қоя тошни ёнлаб-ялаб ўтиб, қоя ёқасида турган бургутнинг қанотига, бўйнига қадалаётган эди. Бургутнинг оёғи остида ғўдир тошга тегай-тегай деб осилиб қолган кўнғир қаноти елпигичдай оҳишта тебранди. Совуқ шамол қанотларининг остидан йўл топиб, унинг майин пар қоплаган юмшоқ биқинини изиллатди. Бургут бўйнини вазмин буриб, шамол эсаётган томонга қаради.

Қоя тош емирилаверганидан унинг биқинида чу-

кур ўйиқ — камгак ҳосил бўлган, ҳозир шамол заб-  
тига олгани сайин ўша жойдан тош зарралари тирна-  
либ-тирналиб кўчиб тушарди. Қўнғир бургут қум зар-  
раларининг тошдан кўчишига, ерга қўниб-қўнмай ша-  
мол аралаш ҳаволаб келиб тумшуғига, қарийб жонсиз  
қанотига урилаётганини кузатди. Бошини тескари бур-  
ди. Бир сакраса еттулик жойда — уя ёнида турган  
жуфтига, унинг кифтидаги оқиш хол-хол тангачалар-  
га қаради. Унга орқа қилиб турган жуфти бўйинини  
чўзиб узоқ-узоқларга аланглади. Қўнғир бургут ше-  
ригининг думидаги булутдек оппоқ бир тутам патидан  
кўз узмай қолди. Оқ думли бургут дам ёнидаги тошде-  
вор ортида тумшуғини каппа-каппа очиб тинимсиз  
чағиллаётган полапонларга, дам олис-олисларга қаран-  
ди. Қўнғир бургут ҳам бошини ўша ёқларга бурди,  
бирор хавфдан таҳликага тушгандек шошқич сузиб  
бораётган булут уюрларини, дарахтзорни, бепоён дашту  
далани ўткир назаридан ўтказди. Зум ўтмай қуёш бош  
кўтаради — юмронқозик, тошбақа, типратиканлар ин-  
инига кириб кетади, қуёнлар ғойиб бўлади.

...Қўнғир бургут одатда айни шу дамда овга отла-  
нар, офтоб чиқиб, олам баногоҳ чароғонлашиб кети-  
шини сезмай, рафлатда қолган жониворларни осон-  
ликча чангалига туширарди. Агар улар бирон ўлжа  
ёхуд емишга чалғиган бўлса яна яхши — жонивор-  
ларнинг ўзи қўнғир бургут тажовузига гирифтор  
бўларди. Тонг ғира-шира ёришиб, қуёш қоядан кўта-  
рилгунга қадар қўнғир бургут икки қайта овга бориб  
қайтар, мўлжаллаб туриб ерга бамисоли тошдек оти-  
лиши бесамар кетмас, у овдан ўлжасиз қайтиш нима-  
лигини билмасди...

Оқ думли бургут тўшини тошга босиб чоғланди-  
чоғланди-да, енгил сакраб қанотини ёйганича қоядан  
пастга шўнғиди. Қўнғир бургут бўйинини қисиб, ҳур-  
пайди, кўзини юмди. Шамолнинг зўридан танаси чай-  
қалиб, қайрилма тумшуғи тошга тарақлаб тегди. У кўзи-  
ни очиб панжаларига, ўсиқ орқа тирноғига қаради —  
тошни чангаллади.

Полапонлар бехосдан қаттиқ чағиллади. Қўнғир  
бургут ҳуркиб уяга қаради. Полапонларининг калта,  
сарғиш тумшуғи, бесабр қоқилаётган заиф қанотчала-

рининг учлари кўринди. Уя шамол йўналишидан чек-када — совуқ оқимдан панада эди.

Оқ думли бургут қанот қоқмай дашту дарахтзор тепасида айлана бошлади, кўнғир бургут эса... кўзларини юмди... Ҳарчанд уринмасин қанотларини йиға олмади — у қалтираётган эди...

Қоя тош — баҳайбат, у на шамол, на иссиқ-совуқни писанд қилмай гўдайиб турар, биқинининг остидан зарра-зарра бўлиб емирилаётганига ҳам бепарво эди. Кўнғир бургут билан қоя тош оралигидаги яйдоқ бўз ерда бир неча тош дўнгликлар ер бағирлаб туртиб чиққан — бу, аллазамонлар шу ерларда залворли харсанглар бўлганидан, улар вақтнинг бешафқат ва мутлақ ҳукмига — тинимсиз шамол, иссиқ-совуқларга дош беролмай емирилиб-емирилиб зарра-ю тўзонларга айланганидан, ҳу-у жаҳаннам узра тўзи-иб-тўзи-иб кетганидан далолат берарди... Энди баҳайбат қоя тош ҳам йўқлик сари сафар бошлаган, унинг зарралари шамол аралаш кўнғир бургутга урилаётган, патлари, парлари орасида илашиб-улоқиб силласини қуритаётган, лаҳза сайин мажолсизлантириб адои тамом қилаётган... тириклик дунёсидаги насибаси одош бўлганидан дарак бераётган эди...

...вақт-бевақт қоялар тепасида шамол жазавага тушар, залворли тоғ ўрқачларини онтариб ташламоқчи-дек увиллар, шунда қоя тош ҳам дош беролмайдиган-дек, бир юмалаб тубсиз жарликка ағдарилиб кетадиган-дек туюлаверар, уясини паноҳ тутган кўнғир бургут эса асов бўрон билан юзма-юз олишмоқчидек қанот ёйиб унга қарши борар, шамол уни дам ўнг, дам сўл тарафга итқитиб ташлар, лекин бургут бўш келмасди. Жуфти ҳалолининг шўхлигидан саросимага тушган оқ думли бургут унинг ёнига отилиб борар, таҳликали «қъеқ-қъеқ»лаб уяга қайтар — уни уяга чорлар... кўнғир бургут эса шамолга бас келмоқчидек унга қарши учаверар-учаверар, толиқиш нелигини билмасди...

Кўнғир бургут ўзини шамолдан четта олиш учун панжасини тошдан узди, узди-ю, мункиб кетди, қанотига тиралиб, ҳурпайди. Титроқ қанотидан панжаларига, ундан тирноқларига кўчди. Пўсти тоб ташлаган-дек қават-қаватлашиб қотган панжалари, қайрилма

тирноқлари оёғининг остидаги харсанг тошдек сарвайиб кетган, гўё тирноқлари тошга илдиз отгандек ёхуд оёқлари тошдан ўсиб чиққандек ҳаракатсиз, жонсиз эди. Шу алфоз тошдан тўшини узолмаса, бошини кўтаролмаса, вассалом — қайтиб қадини тутолмаслиги, ҳатто, ҳу-у жаҳаннамга ағдарилиши ҳеч гап эмасди. Лекин шу пайт қанотларининг ости... биқини... шу қадар совқотдики, бутун танаси музга айланаётгандек бўлди, қаттиқ ҳуркиди. Ҳали муз танасига тарқаб улгурмай кўзини очди, бўйинини чўзди. Қанотларини йиғди. Жон сақлаш сезими зўр келиб, уя томон оғир ва оҳиста сурилди.

У шу ҳурпайган кўйи икки кун уя ёнида тош қотиб турди. Дам-бадам бўйинини чўзиб бесабр полапонларига узоқ термулар, алақаёқларга учиб тўсатдан қайтган оқ думли бургутта таҳдидли ва умидвор қарар, у эса чангалидаги ўлжани уяга ташлагач, дарҳол қайтиб чиқар ва «тўп-тўп» этиб сакраб қўнғир бургутта яқинлашар, атрофида айланар, айланаётиб қаноти билан уни беозор туртиб қўярди. Дастлабки куни қўнғир бургут ўзининг бемажол туришидан, оқ думли бургутнинг ғалати қилиғидан ғашланди, ҳатто, бир сафар унинг бўйнидан қаттиқ чўкиди. Қўнғир бургут танасида, қанотларидан тортиб панжалари, тирноқларига-ча қандайдир номаълум, лекин қандайдир қўрқинчли ўзгариш юз бераётганини пайқамаган, зотан, доимо куч-қувват, шиддат-шижоат билан яшаган мавжудот учун бундай ҳолат бегона ва мавҳум эди.

Иккинчи куни у тонг отишини сарбсизланиб кутди, осмон олачалпоқ ёриша бошлаганда учишга чоғланди-ю, уяда полапонларини бағрига босиб ётган оқ думли бургутни кўриб тайсалланди. Оқ думли бургут алақандай нохушликни сезгандек безовта, беҳаловат ётар — у синовчан, айни чоғда ишончсиз бир назар билан қўнғир бургутни кузатаётган эди. Қўнғир бургут одатдагидек парвоз қилишга, бепоён дашт узра чарх уриб ўлжа излашга андек фурсат борлигини чамалади — осмонга бемаврид кўтарилиб, беҳуда мадор сарфлашдан ўзини тийди.

...У шу чоғгача ҳеч қачон, ҳеч нарсадан ўзини тийган эмасди. Вужудда парвоз майли уйғониб, бу майл

тўла истакка айланиб улгурмасиданоқ бир сапчишда қоядан шўнғир, қанотларини даст ёйиб осмони фаллакка кўтарилар, вазмин ва салобат билан сузиб борар экан шамол оқимлари, булут уюрлари, қуёш нурларини тумшуғи, кўзи, бўйни ва парларида, эту суяклариди ҳис қилар, худди шундай масрурлик ўзга бирор жонзотга насиб этмаслигини билгандек виқор-ла учаверар, учаверар, учаверарди...

Энди эса ўлжа излаш учун пича фурсат борлигини чамалади, беҳуда куч сарфлашдан ўзини тийди. Шундагина у қанотида нотайин оғирлик пайдо бўлганини сизди. Оғирлик хали оғриққа айланиб улгурмаган эсада, шу ўзгаришнинг ўзиёқ парвоздан тийилишга ундаб улгурган, шунинг ўзиёқ қари бургутнинг шашгини қиркиб қўйганди.

Кўнғир бургут емиш келтириш умидида икки қайта парвоз қилди, тоғ этаклари, дашту далалар узра айланди, ҳар бир дарахт, бута остини ўткир нигоҳидан ўтказди, ҳар бир дўнглик, сойлиқда, ўнғирда қимирлаган жон излади. Омад чопмади.

Янаги сафар ўлжа тополмагани етмагандай учишдан толиқди, баногоҳ қанотларидан мадор кетди — икки ёнига даст ёйилган кенг ва ҳайбатли қанотлари бегонадек туюлди ўзига — алҳол узоқда кўриниб турган қоядаги ошиёнини қора тортиб изига қайтди. Қайтар чоғида бир туп юлғун панасида чўнқайиб ўтирган кулранг қуёни кўрди. Кўрган заҳоти қанотидаги оғриқни унутди... Ҳозир биргина ўшандай лаҳза учун жонидан кечишга тайёр эди...

...у осмонга кўтарилгач, еру кўкнинг мутлақ соҳибқиронидек қанотларини тек тутиб салобат билан, катта-катта айлана ясаб парвоз этар, уяси жойлашган қоядан алақайларга олислаб кетаверарди. Аксари юқорига йўл солар, юқорилагани сайин ер, дарахтзор, сўнг тоғлар, қоялар ҳам кўринмай кетар, шунда қудрати қанотларида, боши ва бўйнида офтобнинг ёқимли ҳароратини туяр, тўши, биқини эса аксинча — муздек шабададан беадад ҳузур топарди. У шамол оқимлари билан ўйнашгани-ўйнашган эди — илиқ шамол қатламида учиб бора туриб тўсатдан тиккасига кўтарилар ёхуд пастга шўнғир — баданига совуқ ҳаво урилиши

хамоно бир текис сузишга тушар, ҳозиргина илиқ хароратдан яйраган бадани энди совуқ оқимдан ҳадсиз ҳузурланарди.

Сўнг пастлашарди, нафс ва жиғилдон майли уни осмону фалақдан пастлашишга, ўткир кўзларини ерга қадашга, ўлжани мўлжалга олиб, қоядан узилган тошдек шўнғишга ва найзадек панжаларини куённинг, юмронқозикнинг ёки бирор парранданинг баданига жаҳд билан санчишга човланар... унинг ҳамласига дучор бўлган ҳеч бир жондор омон қолмасди...

Бир туп юлғун панасидаги куённи кўрди-ю, ана шундай хуш сезимлардан танасидаги қон гупурди — қанотларига, панжаларига куч қуйилиб, кўзлари йиртқич истақдан чўғланди. Қанотларини йиғиб, панжаларини қорнига тортди — шўнғиди!..

...шу қабилдаги ҳамлада у қуюндек елиб бораётган куённи, қавақдан тумшугини чиқарган юмронқозикни илиб кетарди...

Бу сафар қўнғир бургут — ҳали юлғунга етиб боришга аллақанча бор эди — туйқусдан қаттиқ ҳуркиди, шу қадар ҳуркидики, қаноти танасига ёпишганча қотиб қолгандек, у қайтиб ёйилмайдигандек туюлди — жон ҳалписида қанотларини ёйиб юборди — сузи-иб ке-ет-ди... куённи қайтиб кўрмади, қояга — уясига аранг етиб келди... Орадан икки кун ўтди...

Оқ думли бургут чалажон паррандани келтириб уяга ташлади. Полапонлар жон таслим қилиб улгурмаган ўлжани хомталаш қила бошлади. Қўнғир бургут тамшаниб тумшуқ тақиллатди. Оқ думли бургут икки қатлаб қўнғир бургутга яқинлашди ва унинг теварагида асабий айланаётиб қанотини типирлатди. «Қъёқ-қъ-ёқ, қъёқ-қъ-ёқ»лай туриб жуфтини туртиб юборди. Қўнғир бургут ёнбошига ағдарилай деганда қанотига суялди. Бошини кўтармай оёққа турди. Оқ думли бургут яна устма-уст келиб урилишини у кутмаганди — кейинги зарбдан бояги — совуқ шамол гуриллаб эсаётган яйдоқ ялангликка бориб қолди. Қўнғир бургут қаршилик кўрсатмади, полапонлар ёнига қайтган жуфтига қарамади ҳам — бошини қанотининг орасига яшириб ҳурпайди — яна қалтирай бошлади. Шу туришида у қорамтир-сарғиш дўнгликка ўхшар эди...



...аслида... оқ думли бургут қоянинг чеккасига келиб бирдан парвоз этар, қўнғир бургут ҳаялламай унинг ортидан изма-из қанот қоқарди... оқ думли бургут тобора тезлашар, қўнғир бургут орқада қолмас, оқ думли бургутдан ўзиб кетар — қайтар, ўзиб кетар — яна қайтар, шунда гоҳ тепасидан, гоҳ остидан, гоҳ ёнидан яқинлашиб қанотининг учлари билан шеригини силаб-сийпаб ўтарди... оппоқ-мовий булутлардан ҳам тепада қўнғир бургут тўсатдан узоқлашар — баҳорнинг илмилик шамоллари билан шодон ўйинга тушар, шунда қанотларига, думига ёмғир томчилари томишидан ҳузурланар — жуфти ҳалоли тобора ўзи томон яқинлашаётганидан маст бўларди... оқ думли бургут етиб келаётганда у ён-бу ёнга лапанглаб учар — қўнғир бургутта ҳамма қилаётгандек ташланар — четлаб ўтар — олислаб кетар — ҳарчанд олислаб кетмасин қўнғир бургут унинг оқ думини назардан қочирмас — қувиб етар, чексиз ва поёнсиз самонинг бу икки эрка жондори дам мўъжаз, дам катта-катта айланалар ясаб бир-бирларига яқинлашар, яқинлашар... висол рақси айни забтига чиққан чор оқ думли бургут қоя томон йўл солар... уларнинг жуфтлиги осмоннинг мовий гумбазидан гўзалроқ, қоялардан, дашгу далалардан боқийроқ кўринади...

Шамол тинди. Қўнғир бургутнинг қалтираши қолди. У бошини қаноти остидан чиқарди. Офтоб қоя тошдан юқорида — энди ундан изғирин эмас, балки баданни яйратувчи нур таралаётган эди.

Қўнғир бургутнинг қанотларига жон югурди, оҳиста кўтарилди, лекин улар ярим-ёрти ёйилиб улгурмай, тўхтади. Бургут бошини солинтирган кўйи тўғрига — қоя тошга қаради. Тош боя унинг устига ағдарилиб тушаётгандек бўлса, энди у узоқлашган — гўё тобора тиккага кўтарилаётган қуёш ўз нури билан қоя тошни бургутдан нарига суриб қўяётгандек эди. Бироқ қўнғир бургут қоя тошдан кўз узмади, унга узоқ термилиб тургач, таҳликага тушиб, бўйинини у ён-бу ёнга бурди — ён-вери, оёғининг ости, уянинг деворлари — ҳаммаёқ тош, тош... қўнғир бургутнинг қанотлари ҳам тошга айланиб бораётган эди.

...у офтобрўяда тоблангани сайин қанотлари кучга

тўлгандан-тўлар, турган жойида қанотларини елпигич-дек ёйиб, солланиб юрар, ички бир майлага бўйсуниб қуёш тиккага кўтарилгунга қадар унинг ҳароратидан баҳраманда бўлар...

Ҳозир эса аксинча — офтоб тафти унинг қанотларини қимирламайдиган қилиб қотираётган, жонини суғуриб олаётгандек эди.

Бири олиб бири қўйиб чуғурлашаётган полапонлар кўнғир бургут турган жойдан кўринмади, у тобора тиккага кўтарилаётган қуёшга қаради — сояси кичраяётган қоя тош томон яқинлашди. Шу пайт орқада — уя деворида турган шеригининг қанот қоққан шарпаси эшитилди. Кўнғир бургут ўша томонга бошини бурди — полапонларнинг сап-сарик, учли тумшугини кўрди. У қанотининг симиллаб зирқираётганини унутди. Қоя тошнинг гўдир дўнгликларидан оғир ва базўр кўтарилгани сайин полапонларининг кўнғир-қорамтир боши, тийрак ва бежо кўзлари, пати ниш уриб қота бошлаган қанотлари — ҳаммаси кўриनावерди...

...шундай паллада у ўлжани уя ичига ташламай тош деворга босиб турар, ебтўймас полапонлари чуғурлаб дунёни бошига кўтарар, қанот қоқиб ўлжага бўй чўзар, чўзаверар... сапчиб деворга тармашар, унинг устига чиқиб оларди ҳам. Кўнғир бургут ёнига чиқолган полапонининг қанотларини беозоргина чўқилагач, ўлжани унинг ихтиёрига қўяр, лекин бирор лўқма ютиб улгурар-улгурмас уни тўши билан туртиб ташқарига тушириб юборарди. Саросимада қолган полапон ёруғ дунёга ўгирилиб қарамас, балки кўнғир бургут оёғининг остидаги емиш илинжида яна тошдеворга тармашар, талпинар, талпинаверар... тош деворга қанот ёзиб чиқар... учирма фасли шундай бошланарди...

Тобора зўриқаётган оғриқ кўнғир бургутнинг танашига ёқа бошлади, оғриқ унинг ўз мулкига айланганди. У қоя тошнинг янада тепароғига чиқишни кўзлади, тарадудланмай-нетмай майлига изн берди — турган жойидан сапчиб, қанотини ёзди — учди!.. ҳавога кўтарилди!.. ва... қанотлари қоядан думалаган тошлардек қарсиллаб кетди! — ўзи қаттиқ чайқалди, жон ҳолатда панжаларини ёйиб юборди!.. кўзлари олайди — оғирлигини кўтаролмай тўнкарилаётган лаҳзада

уясидаги полапонлари бирдан қаттиқ чийиллаб юборгани, бўйинларини чўзганча жим қотиб қолганини кўрди — ўзи қоя тошга келиб урилди... У сўнги мадорини оёқларига жамлаб қоя тошга канадек тармашди. Баҳайбат танасини панжалари, думи тутиб турар, боши, танаси оғирлик қилиб пастга осилиб қолганди. Энди унинг тошни кўйиб юборишга, панжаларини бўшаштириб шундайгина ялангликка сакраб тушишга ҳам юраги бетламас — қўрқув ҳали ожизликка айланиб улгурмаган бўлса-да, тақдиру қисматта маҳқумлик ундаги ўжар бардошу туганмасдек кўринган куч-қувватни паймонасига етказмоқда эди...

Кўнғир бургут қоя тош қирраларига ботгудек чангаллаган тирноқларини, панжаларини бирма-бир кузатди — шу алфоз яна қанча фурсат тура олишини чамалади. Кўзидан нур аримаган бўлса-да, олис-олисларда майсазордек ястаниб ётган қуюқ дарахтзорга, тоғ этаклари, дашту далаларга, ҳатто, паға-паға булутлар сузиб юрган осмонга қарамас, қанот остларига, оёқларига, тош чангакка айлангандек қотиб қолган панжаларига узоқ-узоқ термулар, қандай ҳодиса юз бераётганини ҳамон тўла англаб етмаган, етмаган эса-да... уясини, ўзидан кўз узмаётган полапонларини интиҳосиз мунгли бир нигоҳ билан кузатарди...

У бирдан шабада эсганини, илиқ ҳаво қанотининг остига ёқимли урилганини илғамади — панжасига қўнган заррага қаради. Бу зарра шамолда емирилаётган қоя тош заррасидан йирикроқ, ҳатто... жонлироқ эди. Кўнғир бургут панжасидаги зарранинг ўрмалаб тирноқлари остига яширинаётганини кўрди. Яна шабада эсди, энди бургутнинг панжасида, тирноқларида ўрмалаётган зарралар кўпайди. Кўнғир бургут уларни чўқиб териб ташламоқчи эди, лекин ўзи аранг тармашиб турганидан бунга журъат этолмади. Фақат шабада эсгани сайин тирноқлари, оёғининг момиқ пар қоплаган этигача зарралар зичлашаётганини, улар тобора жонлироқ гимирлаётганини кўриб таҳликаси ошди. Ўрмаловчи зарралар қанотининг ораларида, биқинида урчиётганини, дув-дув тўкилаётган бу қумурсқаларни чўқиб адо қилиб бўлмаслигини у кейин сезди... Кўнғир бургут шу топда энг майда қумурсқадан ҳам ожизроқ

эди... У зўр бир илтижо ва алам билан куёшга қаради. Куёш тиккада, атроф чаровон, еру осмон, тоғу тош қизигандан-қизир, ёлғиз қўнғир бургутгина совуққотаетган эди. Шу чоғгача унинг баданига, вужуд-вужудига ҳарорат бағишлаган офтоб энди бир умр ҳаёда этган тафту роҳатларини қайтариб олаётгандек, оқибатда унинг ич-эти лаҳза сайин қаҳратонга айланаётгандек эди... Қуёш чарақлаб нур сочар, қўнғир бургут унга аламноқ боқарди...

Олам жимжит бўлиб қолди... Жимликни полапон — жўжаларнинг дам-бадам ва якка-якка чағиллаши бузмоқда... Қўнғир бургут сапчиб бош кўтарди... уяга қаради... Оқиш бошли жўжа тошдеворга мингашиб учишга талпинаётганини, икки қўнғир жўжа тошдеворга тармашаётганини кўрди... учишни қўмсади...

...қўнғир бургут осмонга кўтарилар, учишга талпиниб ўзини кузатаётган жўжаларига қанот силкиш, чарҳ уриш, шўнғиш ва пастлашиш машқларини намойиш этар, учаверар, қоялар ортида кўздан йўқолар, бундан таҳликада чуғурлай бошлаган учирмалари ёнида тўсатдан пайдо бўлиб қолар, уларни эркалаб чўқилаб кўяр... Ҳозир аини шундай учирма палласи эди...

Қўнғир бургут учирма полапонларининг кўз ўнгида лоақал бир қур осмонга кўтарилгиси, доира ясаб учгиси, қоялардан баландларда чарх ургиси келди. Чоғланди, чоғланди, чоғланди...

1986 йил.

## МАДАНИЯТЛИ КИШИ

— Э, қуллуқ, қуллуқ, мулла Фалончи! Эсонмилар-омонмилар? Хонадонлар тинчми?.. Буни қаранг-а, икки кундан буён тушимда пайдо бўласиз, мана, дийдор кўришар эканмиз-а!.. Гижинглаб юрибдиларми, ишқилиб? Бобой бардаммилар?..

Умматовичнинг омонлашуви шу жойга етганда Фалончи маънос тортиб бошини хам қилди-да, «Бобойни бериб қўйдик... ҳадемай йил тўлади», деди қарийб шивирлаб.

— Ҳ-и-и-и-и!.. — деб юборди Уматович кўзларини ола-кула қилиб.

Фалончи, жуссаси увокроқ эмасми, Уматович ачиниб ва ҳамдардлик изҳори учун чуқур нафас тортганда беҳос унинг бурнига кириб кетишдан чўчиб ўзини орқага ташлади. Уматович ҳамдардлик изҳорини давом эттирди:

— Бай, бай, ба-ей!.. Э, аттанг, буни қаранг! — деди у. Сўнг баногоҳ эслаб қолгандек, бир зум гапдан тўхтади-да, савол қотди: — Вой, кечагина тойдек гижинглаб юргандилар-ку! Наҳотки...

— Қаричилик, иложимиз қанча...—деди Фалончи Уматовичнинг ҳамдардлигидан кўнгли ийиб. Сўнг хайрлашишди.

— Омон бўлсинлар, омон бўлсинлар. — деди Уматович рамгин қиёфада.

У шундай деб дароз бўйига, узун оёқларига яраша икки-уч қадам ташлаб анча нарига борганда таққа тўхтаб, кескин орқасига ўтирилди.

— Кечирадилар!.. — деб чақирди Фалончини ва физиллаб унинг ёнига қайтиб келди-да, секин сўради: — Ноўрин гап қилмадимми?

Фалончи муддаони тушунмай елка қисди, Уматович эса сийрақ сочи силлиқ таралган каттакон бошини салгина қийшайтириб, кўзини чақчайтирганча суҳбатдошига синовчан разм солди.

— Оғзимдан беҳос чакки сўз чиқмадимми? — деб сўради у яна. Негаки, Уматович «Тушимда пайдо бўласиз» дегани фалатироқ чиққанини, хусусан, ўзи тенги қариялар бировнинг вафот этганини эшитса юзига фотиҳа тортишини, ёши саксондан ошиб вафот этган чолни «Тойдек гижинглаб юргандилар-ку», дейиш мутлақо ярашмаслигини билар эди. Лекин Уматовичдек хушёр киши шундай бообру маҳкама биносида юзга фотиҳа тортишга зинҳор-базинҳор йўл қўймас, бу ёғи баъзан узукка кўздек ярашиб тушадиган сўз-ибора тополмаса нима қилсин. Нақ йигирма бир йил юртидан, халқидан олисда яшади, ўзбекча мулоқотда бўлмади, тили-таомилидан кўра жонини сақлашни ўйлади...

Хуллас, Фалончи Уматовичнинг муддаосига фаҳ-

ми етмаса-да, «йўқ, йўқ, ҳаммаси ўринли гаплар», деб қутилди, йўлига кетди.

Уматович қушдек енгил тортди. Қувонганидан оёқ учида юриб йўлида давом этди. Рўпарасидан аёл киши келаётганини кўриб, дарҳол ўнг томон деворига суйкалгудек четлашди, қорни семиз, ялтироқ портфелини ёнбошига сиқиб ушлади ва келинчақларга хос ибоби табассум билан ерга қаради, эшитилар-эшитилмас пичирлади:

— Омонмилар...

Ўзидан басавлат, кўркам, қолаверса ёши бир жойга бориб қолган киши мана шундай тавозе кўрсатиб ўтаётганда ҳар қандай фаросатли аёл хижолатдан ловлов ёниб, ер чизиб қолиши керак, деб ўйларди Уматович. Шу боис аёл бошини ҳам қилган чоғ, унга бирров кўз ташлаб улгурди, шу ўғринча назар ташлашнинг ўзида кўп нарсаларни англаб олди. «Азбаройи илтифотимдан уялиб кетди, демак, нақадар хушмуомала одам эканимга яна бир карра ишонди», деган хулоса чиқарди у ўзича ва севинчига севинч уланди...

Хонада ҳали ҳеч ким йўқ эди. Уматович эшик-деразаларни ланг очди, радионинг қулоғини буради, графинда сув келтириб тувақдаги гулларни суғорди — шу аснода энсиз, узунгина хонада у ёқдан-бу ёққа ўтар экан кўшни столдаги қоғоз-китобларга кўз қирини ташлади: у киши бировнинг ёзувини берухсат ўқиш даҳшатли маданиятсизлик эканини яхши билади, аммо лекин уларга кўз ташлаб қўймаса сира кўнгли тинчимайди ҳам.

Уматович алмисоқдан қолган кенг суянчиқли стулга тўшалган кўрпачани кўтариб у ёқ-бу ёғини ардариб кўрди, қайта тўшади, шундан сўнгина бемалоо ўтирди. Стол жавонларини бирма-бир тортиб, синчиклаб кўздан кечирди. Қалам учи ичкарига қаратиб қўйилган, ўнгда ручка, ўчирғич билан жавон ён деворининг оралиги бир қалам бўйи келади.

Шундай ҳисоб-китоблардан сўнг, «жавонни ҳеч ким кавлаштирабди», деган хулоса чиқарган Уматович яна бир марта енгил нафас олгач, жавонга тўшалган қоғоз остидан буклоғлиқ газета олди, ручкани бармоқлари орасида сиқимлаганча кеча тугатилмай қол-

ган таржимасини ўқишга киришди. Ўқиб туриб пешанаси тиришди, «Лох-Нессиси ҳам куриб кетсин-е!» деб юборди туйқус ва шу пайт остидаги стул чайқалиб кетди. Уматовичнинг баданидан муздек тер чиқди, ўрнидан оҳиста турди, оёқ учида столни айланиб ўтиб, деразадан ҳовли томонга энгашиб, ён-атрофга қаради, деразани зичлаб ёпди, эшикка бориб йўлакни кўздан кечирди — пича енгил тортиб эшикни ҳам ёпди. Бошини чайқай-чайқай жойига ўтираётди «Бесуяк бўмай ўла-а!» деб тилини тишлади — қўли қалтираб таржимага уннади.

Уматович уч-тўрт жумлани ағдариб улгурмай, эшик очилиб, ҳамхоналаридан иккитаси кириб келди (кейинги кунларда уларнинг ишга барабар етиб келаётгани ҳам Уматовичнинг кўнглига гулгула солди), у бир ҳафтадан буён қадалиб ўтирган одамдек базўр бошини кўтарди, қаншаридан кўзойнагини олиб қўйиб, ҳорғин жилмайганича келганларга пешвоз чиқди.

— Ия, ҳа, шу ерда тунаб қолганмидингиз, Уматович? — дея ҳазилдан бошлади Сабрия опа саломаликни.

Уматович кулимсиради, кулди, мамнуниятларга фарқ бўлиб жавоб қилди:

— Иш битсин дейман, барака топгур, иш... иш чала қолганини эслаб тунда уйқим ўчиб кетди денг... Саҳар азонда турдимۇ келавердим. Давлатнинг иши чала қолмасин, дедим...

У «иш» деганда худди думли «ш»ни талаффуз қилгандек «ш»ни ботириброқ айтади. Бу билан ўзининг давлат ишига фидойилигини таъкидлаган бўлади.

Рўпарасида ўтирадиган Миржон ака жойлашиб олишини кутди-да:

— Миржон!—деб чақирди, лекин дарҳол гапирмади, Миржон аканинг юз-кўзига мулойим тикилиб (аслида синовчан қараб) турди-да: — Ташқарида ҳаво дурустми? — деб сўради.

Об-ҳавонинг қандайлигини Уматовичнинг ўзи ҳам жуда яхши билади, шунга қарамай сўрайди. Чунки, Миржон ака, масалан, бугунгидай ҳаво айниб турган бўлса-да: «Дуруст, ҳаво анча юришиб кетди», деб жавоб қайтарса, демак, у кишининг димоғи чоғ, Умато-

вич унинг кўнгли учун: «Ҳа, жуда тўғри айтасиз, ҳаво юришиб кетди», дейди. Қарабсизки, Миржон ака кун бўйи Умматовичга табассум билан қарайди. Борди-ю, Миржон аканинг феъли айниб турган бўлса, «Йўқ, ҳаво юракни безовта қиляпти», дейди гапни мухтасар қилиб. Лекин Умматовичнинг қармоғи ҳар қандай ша-роитда ҳам сувдан қуруқ чиқмайди.

— Қўйинг-е, Миржон ака, — дейди у Миржон ака ўзидан ўн ёш кичик бўлса ҳам. — Сизнинг юрагингиз тош бўлиб кетган, бунақа ҳаволарни бир тепишда қочиради.

Қарабсизки, натижа яна ўша-ўша: соддадил Миржон ака кўнгли мойдек эриб, ялпайиб қолади. Об-ҳавони суриштириб бировнинг кўнглига йўл топишда Умматовичнинг олдига тушадиган одам оламда йўқ. Шунга қарамай, у кишининг бу ҳадиси баъзан панд бериб қолади. Дейлик, эшиқдан кириб келган Миржон ака ивиб кетган ёмғирпўшини ихраб-сихраб қозикқа илиб жойига ўтиргач, тўсатдан Умматович савол қотади:

— Миржон, барака топгур, ташқарида ҳаво қалай? Миржон ака тутоқиб кетади:

— Қап-катта одам мени калака қиляпсизми? — дейди у жаҳди чиққанини яширолмай.

— Йўр-э, йўр-э! — дея ўрнидан тапир-тутпур қилиб туриб кетади Умматович. — Зинҳор калака қилмадим. Сиздек олижаноб ўртоқни калака қилиш хаёлимга келган бўлса кўрган-кечирганларим ҳаром бўлсин.

Миржон ака ўша заҳоти шаштидан тушади.

— Ана, ёмғир шариллаб ёғаётганини кўриб туриб-сизу, тагин мендан сўраганингиз ортиқча-да... — дейди Миржон ака энди ўзи узр сўраётгандек.

— Э, ёмғир қуриб кетсин, — дейди Умматович дарҳол тўнини ўзгартириб. — Туриб-туриб сиз йўлда келаётганингизда ёғганини қаранг-а! Челақлаб қуйяпти, денг! Ҳи-и-и-и!..

Умматовичнинг бу «ҳи-и-и»лаши билан боягина Фалончининг отаси ўлганини эшитгандаги «Ҳи-и-и»лаши орасида фарқ бўлмайди. Миржон ака эса Умматович ёнидаги деразага шартиллаб уриб ёғаётган ёмғирга қараб туриб жилмаяди...



Шу чоқ апил-тапил қилиб эшиқдан тўртинчи ҳам-хона — Ҳасратилла кириб келди. Уматович яқинда ишга жойлашган бу ёш йигитнинг бир бурда афтига, ночор энгил-бошига, увоқдек жуссасига қараб ичида кулди. Кайфи чоғлигидан жойига — пойгақдаги столи ёнига ўтираётган йигит тепасига бориб юқоридан эн-гашди.

— Ҳа, Тиллобек, эсон-омон етиб келдиларми? — Уматович янги ҳамхонасининг қитиқ патига тегиб ўтди.

— Қизчани боғчага қўйиб келгунча... Автобусга сон кирмади-кирмади-да! Эрталабдан шунақа хуноб бўлгач, ишга қўл борармиди!.. Шаҳар каттаконлари қаёққа қараяпти, ахир?.. Такси ёллай десанг, киссада ҳемири йўқ! Тўйиб кетдим-э!..

— Ҳай-ҳай-ҳай! — деб юборди Уматович остки лабини тишлаб. — Сиздай забардаст йигит-а... Сиздай гайратли тойча-я!..

Уматовичнинг бунақанги гапларига ҳамхоналари кўникиб кетишган, Ҳасратиллага ҳам бу ҳақда шип-шитиб қўйишганди. Шунинг учун у беўхшов тасаллига зътибор қилмади. Лекин Уматовичнинг ўзи оғзидан чиқадиган ва чиққан ҳар бир каломини миясида ҳиж-жалаб ғалвирдан ўтказди. Ҳозир ҳам у шундай қил-ди. — «Нега бутун тилимга «тойча» ёпишиб қолди?.. Эрталаб ўлган чолни тойчага ўхшатувдим, энди, мана-ви тирмизакни... Путимнинг ярмича келмайди-ю, «забардаст» деб юборибман! Ҳи-ҳи-ҳи!..»

Шу пайт телефон жиринглади. Миржон ака труб-кага қулоқ солди-ю, Уматовичга узатди.

— Эшитаман!.. Ҳа, э, салом, салом, ўртоқ Шидда-тов! Барака топгур, бормилар, ҳозиргина кўнглимдан ўтказиб тургандим-а! Э, яшасинлар... лаббай, келади-ларми?.. Марҳамат қилгайсиз, марҳамат! А, лаббай?.. Ия, сиз келаман десангиз шомгача эмас, тонггача кўз юммай кутаман-а, барака топгур!..

Уматович трубкани қўяр-қўймас Сабрия опа ёза-ётган хатидан бош кўтармай деди:

— Шу чалаям доктор бўлиб олди-я!

— Ки-и-им? — деб нола чекиб юборди Миржон ака ёқасини чангаллаб. — Қанақа док-тор?

— Фан доктори-да! — жавоб қилди Сабрия опа.

Уматович кўкимтир ясама тишини ликиллади хиринглади.

— Сабрияхон тўғри айтадилар. Шиддатов яқинда докторлик паттасини олди. Локигин-чи, Миржон ака, сиз ҳайрон бўлаётганингиз ҳам жуда асосли... Бир куни газетада чиққан мақоласини кўнгли учун мақтаб кўйгандим, кўчада туриб олиб саҳаргача гапга тутса денг. Қулоғимни қоқиб киссамга солиб кўйди. Фалсафага олиб кириб жуғрофиядан олиб чиқса бўладими!.. Ҳай агар ҳеч вақога тушунмадим! Миямнинг ичи терлаб ҳали-ҳали ўзимга келолмайман...

Миржон ака кулиб юборди. Сабрия опа ҳамон бошини кўтармай гапирарди:

— Шиддатов Тўрабоевнинг қайниси-да, ўшанинг даврида доктор бўп қоган.

— Э, ҳа-а,— деб юборди Миржон ака стул сунчиғига ясланиб,— гап бу ёқда денг!.. Айтмоқчи, Тўрабоев бояқиш йирик олим эди. Саломатлиги дурустми?

— Тунов куни кўрдим, касалга ўхшамайди, — гапга аралашди Ҳасратилла.

— Ўхшамайди ҳам гапми, — деди Уматович лабини чўпиллатиб. — Тўрабоев бетоблиги туфайли вазифасидан озод этилганда кўқон араванинг гупчагидан бақувват эди.

Ҳамхоналар теша тегмаган ташбеҳга мириқиб кулишди.

Уматович жойига қайтди. Тўртовлон мук тушиб ишга киришдилар. Икки-уч дақиқа ўтар-ўтмас Ҳасратилла тўнғиллади:

— Шиддатов ёшлигида «Пахтакор»да ўйнаган. Бу фан доктори бўлиб юрибди-ю, «Пахтакор»нинг боши мағлубиятдан чиқмаяпти.

— Нимасини айтасиз, Ҳасратилла ука, — деди афсусланиб Миржон ака, — ўзимиздан дуруст футболчилар етишиб чиқмагунича «Пахтакор»нинг пешанаси ярқирамайди.

— «Пахтакор» венегирит-ку! Кечагинда Марсдан ҳам футболчи таклиф қилишибди!

Ҳасратилла ўрнидан тура солиб хахолаб юборди,

Миржон аканинг одатдагидек аввалига нафаси ичига тушиб кетди, сўнг қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Қотирасиз-э, Уматович! Раҳмат, сизга!.. Шоир бўб кетинг!..

— Шунақанги ўхшатишларингизни тўпласангиз, қўлма-қўл бўлиб кетади! — деди Миржон акага қўшилиб Ҳасратилла. У ҳам кулаверганидан кўзларидан ёш тирқираб кетди. Сабрия опа ҳам кулгига қўшилди. Уматович қайта ўрнидан турди, қўлини ҳавода силкиб гапга тушди:

— Шоир, ёзувчи дейсиз... Умар Нозим «Ичинг тўла ташбеҳ!» деб ёнидан жилдирмас эди...

— Умар Нозим?! — сўради Ҳасратилла Уматовичга бақрайиб. У тасдиқ маъносида бош ирғаб гапида давом этди:

— Умар Нозим билан бир кўрпада тевалашиб катта бўлганмиз... Бир партада ўтирганмиз. Етимхонада ёнма-ён сўрида ётардик... ҳамма шеърини биринчи бўлиб менга ўқиб берар эди...

Хона бирдан сув қуйгандек бўлиб қолди. Миржон ака билан Сабрия опа бу гапни илгари эшитган чоғи бошларини хам қилиб қолишди. Ҳасратилла эса ҳамон ҳайрат ва таажжубдан лол, севган шоири Умар Нозим тирилиб келгандай ҳамон оғзини очганча Уматовичга бақрайиб турарди.

— Умар Нозим-а?! — қайта сўради у қулоқларига ишонмай.

Ҳасратилланинг бу қадар ҳайратланиши Уматовични баттар жўшдириб юборди.

— У-у, Умар нодир йигит эди!.. Лермонтовни ёдаки айтарди!.. Чўғдек кўзларига тикилиб ўтириб шеър ўқишини эшитганлар дод деб юборарди... Тантилигини айтмайсизми!.. Яланғоч қолса қолардики, кийим-кечагини ўртоқларига кийдириб юборар, қўлига тушган пули чўнтагини искамай тарқаб тутар эди!.. Пивони яхши кўрарди... Ҳеч ким билан гаплашмай бир чеккада ўтирганча палирос қутисига майда арабий ёзувда шеър битарди... Хатини томоша қилиб тўймасдик... Ажралмас дўст эдик... Кейин... бир куни эрталаб тўсатдан Умарни олиб кетишди, гарангсиб эс-ҳушимни йиргунча кеч бўлди... оқшом учтаси келиб, мени ҳибсга

олди... «Ёт унсурнинг дўсти ҳам душман», дейишди...  
Ўша ёқларга ҳам бир кечада жўнатишди... Эҳ-ҳе-е...  
Қаҳратонда уч ой демай тишларимиз тўкилиб битган...  
Умар нозик эди, бадани ҳилвилаб кетди... жони узи-  
лай деб ётганда ҳам кўзидаги ўт сўнмади...

Хонага совуқ сукунат чўқди. Уматович даҳанини муштира тираб ташиқарига қаради.

Ёмғир севалаб ёраётган эди...

Ҳасратилла қабр тепасига яқинлашаётган одамдек бир-бир қадам ташлаб келиб, Уматовичнинг ёнидаги стулга чўқди. Уматович бир қанча фурсат кўзини деразадан узмади. Уни хаёл олиб қочган эди... Алҳол, у қўлини даҳанидан тушириб, кўзойнагини олиш учун чап ёнига қаради, қаради-ю, илон чақиб олган одамдек сапчиб ўзини ўнг ёнга ташлади. Қора суянчиқли стул тарақлаб қийшайди ва Уматовичнинг туядек жасадини кўтаролмай қарсилаб синди. Ҳасратилла қандай ҳодиса юз берганини дарҳол фаҳмламади. У Уматовичнинг чап оёғи стул устида, ўзи эса икки букчайиб бурчақда тўмпарилиб ётишига бир лаҳза бақрайиб қотиб қолди. Уматовичнинг кўзлари пахтаси чиққан, ияги, столи тутиб қолган ўнг қўли қалт-қалт титрар, ўзини ўнглаб олишга мажоли етмаётган эди.

Ҳасратилладан бурун Сабрия опа, Миржон ака ёрдамга етиб келишди. Учовлашиб унинг қўлидан тортиб, суяб турвазишди.

Ҳеч ким оғиз очолмай қолди. Сабрия опа пиёла кўтариб графин турган дераза томон югураётган ҳам эдики, кутилмаганда, Уматовичнинг бўғзида бир нима қалдиради, тинчиди, қалдиради — Уматович кулмоқчи бўлаётган эди. Унинг ранги докадек оқарган, лаблари гезарган, юзи тиртайиб, бурни бир ёққа қийшайган, лекин кулиб турарди.

— Э, яшасинлар!.. Э, омон бўлсинлар, Тилло!.. Хаёл қурсин... Айтдим-ку, тойчоқдек гижинглаб юрасиз, дедим-ку!.. Э, барака топсинлар!..

— Уматович, домла!.. Кечирасиз... ахир Умар Нозим ҳақида хотираларингизни ёзсангиз бўлар экан-ку!.. Ахир, сиздан бўлак ҳеч ким билмайди-ку, уни... Ёзганларингиз энг ноёб, нодир хотиралар бўлиб қолади!.. Одамлар, авлодлар ўқийди! Ахир...

Уматовичнинг энди қон югура бошлаган лаблари гезарди.

— Ҳе-хе... ҳе-хе... — деди у дам кулиб-дам тўхтаб. — Э, омон бўлсинлар, Тилло йигит!.. Минилмаган тойчоқнинг қазисини еб катта бўяптилар-а?.. Э, барака топсинлар!.. Ўзларини ҳуркитиб юбормадимми ишқилиб?.. А, чўчиб кетмадиларми?.. Устули қуриб кетсин-а!.. Некалайнинг стули-да, ўзиям!.. Бехосдан сапчиб кетди десангиз... Э, барака топсинлар!..

Ҳасратилла гўё Уматовичнинг гаплари қулоғига кирмаётгандай мўйлаби асабий титраб ўзиникини такрорлайверди:

— Домла! Ахир, бирдан машҳур бўлиб кетасиз. Ҳамма, ёшу кекса қўлма-қўл қилиб, кўзларига суртиб ўқийди ёзганларингизни... Тушуняпсизми, халқимиз учун тордек савоб иш қилган бўласиз... Агар... агар сиз...

Башарасида совуқ табассум қотиб қолган Уматович ўнг қўлини мушт қилиб костюм чўнтагига суқиб олган — шаҳодат бармоғини кўрсаткич ва ўрта бармоғи орасига қисиб олганини ўзидан бўлак ҳеч кимса сезмас, «Агар сиз ўлиб қолсангиз», демоқчи эди Ҳасратилла. Айтолмади.

Ниҳоят, Ҳасратилла амаллаб гапни бошқа ёққа бурди:

— Домла! Ёшингиз нечада?.. Кечирасиз, қачон туғилгансиз?.. Ахир...

— Етмишдан ўтдим... Ўттиз еттинчи йили туғилганман...

— Ҳасратилла тушунмади, ҳайрон бўлиб сўради:

— Қанақасига? Ўттиз еттинчи йилда туғилсангиз, қанақасига етмишга тўласиз?!.

Уматович ўша жавобини сўзма-сўз такрорлади:

— Етмишдан ўтдим... Ўттиз еттинчи йили туғилганман, Тилло...

Лекин у ҳам дилидагини тилига кўчиरोлмаган эди. «Қулоғинг туқини мўйчинак тишламаган-да, мишиқи!» демоқчи эди у. Айтмади. У мулойим табассум билан Ҳасратилладан уэр сўрашда давом этаётганда эшик очилиб ёпилади-ю, хонада Шиддатов пайдо бўлди. Уматович унга пешвоз чиқди.

— Э, хуш келдилар! Хуш келдилар!.. Трубкини

қўйдиму кўзим йўлингизга мунтазир!.. Марҳамат қилдилар!.. Марҳамат қилгайсиз!.. Марҳамат!..

Уматович такалуф билан тисарилиб, Шиддатовни столи ёнига бошлаб борди-ю, стули синиб ётганини кўриб бирдан хижолат чекди, лекин ўзини йўқотмади.

— Э, узр, Шиддатов ўртоқ, маъзур тутадилар. Мана бундай ўтирсинлар, мен ҳозир. Узр, — деди-да, синган стулни кўтариб эшик томон йўналди. Шиддатов: «Опкелинг, мен олиб чиқай», деб стулга қўл чўзганди, Уматович уни икки қўллаб боши узра кўтарди-да, тўхтади. Жилмайиб:

— Зинҳор! Зинҳор, Шиддатов ука, — деди у бош чайқаб. — Сиз пан доктори, биз — бир оми... Мен бунга йўл қўймайман. Зинҳор!.. Ўтирсинлар, мен ҳозир!..

Уматович шундай деб хонадан отилиб чиқиб кетди. Шиддатов қўл қовуштирганча хонадагиларга кулиб аланглади-да, астойдил ҳаяжонланиб гапирди:

— Жуда маданиятли киши-да, домла. Қанийди, ҳамма шундай бўлса...

1988 йил.

## МАҲЗУНА

Телефон бехосдан ва қаттиқ жиринглади, ошхонани йиғиштираётган Маҳзуна худди биров туртиб юборгандек чўчиб кетди, артаётган ликобчани қўлидан тушириб юборди, деярли овоз чиқармай «Вуй», деди-ю, нафис ликобча синмаган-нетмаганини кўриб, севинди. Шу пайт уч ёшли қизалоғи ётоқ бўлмасидан югургилаб чиқди-да: «Адам... адам» деганча пастак столчада турган телефонга қўлчасини чўзди. «Маҳфуза, тегма!..» деб қичқириб юборди Маҳзуна, гўё қизалоғи қизиган дазмолни ушлаётгандек ва юраги дукурлаб ураётганини сизди — қизалоғининг тепасига югуриб борди, «Қўлингни урма... тегма...» деди овози титраб — қизалоғини кўтариб ётоқ бўлмасига кирди, қизи «Адам... адам»лаб хархаша қилаётганига қарамай, эшикни ичкаридан зичлаб ёпди — шошилиб дераза ёнига борди, борди-ю, дарҳол изига қайтди — тошойна рўпарасига келиб қолди — қизалоғининг ойнадаги аксига

кўзи тушди: Маҳфуза бирдан жим бўлиб қолган, кўнгли алланимани сезгандек жиддий тортиб, хўмрайиб олган эди. Маҳзуна қизалогининг кўзига қарай олмади, уни палосга ўтқазиб, дераза томонга юрди... «Меҳмондорчилиги қуриб кетсин-а!» деди қарийб овоз чиқариб, «ҳе, культурниликни худо кўтарсин!.. Бормай, дедим, кўйинг, мен эртага жўнаб кетишингизга ул-бул тай-ёрлай, ўзингиз бориб кела қолинг», дедим — «Йўқ, ҳамма хотини, эри билан келади, бир ўзим сўппайиб борсам уят бўлади», деб туриб олдилар... Уятмиш!.. Хотинини бир уй эркак олдига қўлтиқлаб бормаса, уят эмиш!.. Тағин-чи... Чиройини очиб, очилиб-чочилиб, суҳбатга қўшилиб ўтириши керак эмиш... Суҳбатига ўт тушсин!.. Ўша, ўша турқи совуқни биринчи кўрганида кўнгли бир алағда бўлувди-я... Аввалига ҳамма сипо эди, Маҳзуна бош кўтариб бировга тик қарамади, эрининг биқинига тирғалгудай бўлиб нон чимдиб ўтирди, аста-секин қизиб бораётган гап-сўзларга ҳам кўпда қулоқ солмади. Навбатма-навбат сўз олаётган эркакга аёл мезбонларни янги уй билан қутлашар, баъзан қутловга ҳазил-мутойиба уланиб кетар — зиёфат қизийётган эди... Мақсаджон акаси икки-уч «Олинг, еб ўтиринг», деб уни дастурхонга ундади. Маҳзуна баттар тортиниб-қимтиниб, «секинроқ гапиринг» дегандек эрига ер остидан хўмрайди — дастурхонга қаради — ул-бул чимдиб ўтирди... қулоғи бўлаётган суҳбатга кўникаётганини ўзи ҳам сезмади... табрик сўзи айтаётганларга ўғринча кўз югуртираётиб кўзи рўпарасида ўтирган басавлат кишининг кўзи билан тўқнашиб кетди... Маҳзуна кўзини олиб қочди, нигоҳини яширди... Яшира туриб ўша киши сўз бошлаганини сизди — қулоқ солди, сал ўтиб кишибилмас бошини кўтарди — табрик айтаётган басавлат кишини беихтиёр кузатди — оқ-сарикдан келган, қирра бурун, хушбичим экан... овози салобатли, ҳам жаранглаб эшитилар экан... бўйни халқоб бўлиб осилиб қолибди... қорни... у киши ҳам Маҳзунанинг кўзига тикилиб турганини Маҳзуна анча кечикиб пайқади — ўғрилиқ устида қўлга тушган одамдек ҳуркиб, дув қизарди, кўзини олиб қочди — шошиб қўлини стол остига яширди, шунда ҳам тинчимай эрига қаради — Мақсад акаси

мулойим, одобли табассумлар сочиб, басавлат кишидан кўз узмай ўтирар эди... Маҳзунанинг назарида табрик аччиқ ичақдек чўзилди, хотини бетоқат бўлаётганини кўрган эри «жим ўтирсанг-чи», деган мазмунда уни туртди. Маҳзуна жим ўтирмоқчи эди, рўпарасида бегона нигоҳ безрайиб турганини сезиб, ичи таталаб кетди — энди ўйласа, унинг табриги яна икки-уч дақиқа чўзилгани-да, сапчиб ўрнидан туриб кетган бўларди — йўқ, аксига олиб қутлов тугади, хонада бирдан ғала-ювур кўпди — меҳмонлару эр-хотин мезбон чувиллашиб қадаҳ кўтаришди... Маҳзуна қафасдан қутилган қушдек енгил тортди — эрига, бошқаларга эргашиб ўрнидан турди — йигирма чорли биллур қадаҳ жаранги хонани тутди. Шу пайт басавлат кишининг овози эшитилиб ҳамма жим бўлди. «Ўртоқлар, — деди у жиддий оҳангда.— Орамизда нарушение қилаётганлар ҳам бор, мен кузатиб ўлтирибман». Маҳзуна гал ким ҳақда эканлигини англаб улгурмай, ҳамма ўзига қараб қолганини кўрди. «Шунча яхши тилаклар, истаклар айтилди-ю, мана, келинимиз қадаҳдан тотинмадилар ҳам», деди басавлат киши. Маҳзуна учун шу топда ер ёрилиб, ерга кириб кетиши юз чандон осонроқ эди. У бошини кўтармоқчи эмасди, афсуски, бир уй одам ўзига тикилиб турганини, бу ёқда эри ҳадеб, «мени уялтирманг» деяётганини базўр англаб етди. Бундай давраларнинг одобига кўра гапирётган одамга кулиб, табассумлар ҳаё этиб, маъқуллаб турмоғи керак эди. Давранинг, эрининг зўрига дош беролмаган Маҳзуна шундай қилди: рўпарасида мўлтайиб ўтирган қирра бурунли, оқ-сарикдан келган хушбичим кишига базўр қаради. Унинг тавозе ва одоб тўла нигоҳининг алақаерларидан бир қувлик, шумлик мўралаб турарди. Маҳзуна қадаҳ тутган кўлини чўзишга мадори етмади, гудранди — шунда басавлат киши стол оша кўл чўзиб қадаҳни тўқиштирди — биллур қадаҳлар нафис ва афсункор жаранглади. Маҳзуна лов-лов ёнаётган эди, ҳозир ичиши керак, Маҳсад акаси «пича ичақол», дейди, «бўлмаса уятга қоламиз», дейди... Ичмаса — ўзи, эри номусга қолади, умрида қадаҳ тутмаган эса-да, ҳозир одоб юзасидан ичади... Шу чоқ қутилмаган жойдан нажот келди —



басавлат киши унинг жонига оро кирди. «Ичмасангиз ҳам майли, қизим, за кампанию тўқштирдик, холос», деди. Маҳзуна қутилганига севинди, қадахни дарҳол жойига қўйди — уялиб қўлларини стол остига яширди... Зиёфат давом этди, қизигандан-қизиди, эркаларнинг бири қўйиб бири хахолаб, Маҳзунанинг эри аския-мутойибага қўшилиб кетган, тобора лаҳза сайин эркалар қаҳ-қаҳасига аёллар ҳам қўшилаётган эди... Маҳзуна ўнг томонида ўтирган аёл билан узук-юлуқ суҳбатлаша бошлади, хотин-қизларнинг ҳаммаси бир бўлиб тезда тил топишиб-чатишиб кетишларига эркалар монелик қилиб турганди. Фақат столнинг ҳув тўрида ўтирган ёши ўтиброк қолган хотин — Мақсад акаси ва шу ердагилар билан бирга ишлайди шекилли — ҳеч кимга сўз бермай ҳуда-беҳуда қиқирлай бошлади. Ундан сал берида ўтирган юзи катта қария курак тиши тушган кувачадек оғзини очиб «қаҳ-қаҳ»лаб кулди — бояги хотинга қараб, «қақажонсиз, қақажон!» деди тиззасига шапатилаб — «қақажон»нинг ёнида ер чизиб ўтирган чоли, дурустгина ичиб қўйган эканми — қизариб-бўғриққан афтига табассум югуртириб, кемшик қарияга қаради. «Биз Орзухон опани «қақажон» деб чақирамиз, — деди қария кафти билан оғзини тўсиб. — Рашк қилмайсиз, деб эшитганмиз». Меҳмонлар хахолаб юборди. Қариянинг лунжлари тортишиб, сочлари пешанасига тушди — хотинини энди кўраёттандек бошини кўтариб унга разм солди — «қақажон» ўрнидан туриб олган, кулги пайишини кутиб, оғиз жуфтлаётган эди — ниҳоят, гапирди: «Бизнинг чолимиз рашк қилмай қўйганига нақ йигирма йил бўлди!» Хонани қаҳ-қаҳа кўтариб юборай деди. Маҳзуна ҳам кулди. Ҳаммани ўзига қаратиб олган Орзу опа тўсатдан қадах кўтариб ҳе йўқ-бе йўқ сўзлай кетди: «Мана шундай зиёфатларимиз анъанага айлансин!.. Қизларимиз, келинларимиз уйда ўтиравермай юрсин, ўйнасин, кулсин!.. А, лаббай, Бўриной Собитович!..» Орзу опанинг таклифини ҳамма маъқуллади — қадах кўтарилди, Маҳзуна вазиятдан фойдаланиб, исми шарифи айтилган рўпарасидаги басавлат кишига кўз қирини ташлади. Бўри Собитовичнинг ёши бир жойга бориб қолган, шунга қарамай ўзини ёш-

лардай тутар — тилла тишлари ялтираб, лаблари хўроз-қанд шимаётган боланинг лабидек қизариб кўринар-ди, «ёшлигида келишган йигит бўлганга ўхшайди... хотинининг юзи сўлоқмондек, чўзиқ... Эридан қарим-сиққа ўхшайди», деган ўй кечди хаёлидан. Шу пайт... Орзу опага кулиб қараб ўтирган Бўри Собитович Маҳзунага еб юборгудек тикилди — нигоҳлар бир-бирига санчилди. Маҳзуна типирчилаб қолди, жони питирла-са-да, кўзини олиб қочолмади, «Мақсад ака, қутқаринг!» деб бақариб юборай деди. Бўри Собитович: «Ҳа, қўлга тушдингми!» дегандек унга бақрайиб ту-рарди. «Кўзинг тешилсин!» деди Маҳзуна ичида, шу пайт Бўри Собитовичнинг хотини жилмайиб ўзига қараётганини кўриб, қарангани учун хижолат чекди. «Бу киши аёллар кўнглини олмасалар тинчимайди-лар, — деди Бўри Собитовичнинг хотини Маҳзунага. — Олинг, лабингизга теккизиб қўя қолинг». Маҳзуна кўзини олиб қочиш ва ортиқ бошқаларнинг эъти-борини тортмаслик учун қадахни қўлига олди — олди-ю, энди қутиладим деганда, Мақсаднинг ҳазили ҳамманикидан ўтиб тушди. «Шунақа одати учун зиё-фатларга олиб келмайман-да!» деди у. Бўри Собито-вич «хай-хай»лаб Мақсаднинг оғзига урди: «Што ви, што ви, — деб бош чайқади. — Маҳзунахон биринчи марта иштирок этаётган эканлар, бунинг гуноҳи сизга, укажон, а, бу, келинни банкетларга обкеб туриш ке-рак-да, ким айтади сизни тушунган, замонавий йигит, деб!..» Маҳзуна Бўри Собитовични тушунолмаб қол-ди. «Қанақа одам ўзи бу — дам отангдек насиҳат килади, дам...» «Мен келинимизнинг кўнглини жуда яхши тушуниб ўтирибман, Мақсаджон ука, сиз кўп хижолат бўлаверманг-да, Маҳзунахонни кеннойингизга топширинг!.. Шундайми, онаси!» Бўри Собитовичнинг аёли оғзини очмай кулди, сўнг: «Ҳа, ҳа, биз ўзимиз суҳбатлашиб ўтираемиз» деди бош ирғаб. Маҳзуна ичи-дан дам тер қуйилиб келаётганини, дам музлаб қола-ётганини сизди. Бўри Собитович ёнидаги қўшилари-га чалғиганини кўргачгина таъқибдан қутилган оҳудек енгил нафас олди, «уф-ф...» деб чуқур хўрсинди. Бўри Собитовичнинг аёли кулимсираб кузатаётган экан, қад-дини стол оша букиб шивирлади: «Ичиб олсалар

шўхликлари тутади... қариб қуйилмаган». Аёл ҳиринглади, Маҳзуна ўзини зўрлаб кулди, «Бунақа жойга сира келмаганман-да», деди, деди-ю бошқа гап тополмаганига хафа бўлиб кетди. Бўри Собитовичнинг аёли уни юпатишга тушди: «Биринчи сафар олиб борганларида мен ҳам номусдан ўлиб қолай деганман... Кейин-кейин ўрганиб кетдим...» Маҳзуна Бўри Собитовичнинг аёлига қаттиқ тикилди — «Йўқ, тоза, кўнгли тоза», деди ўзича. Шунда хаёли ўтлаб кетаётганини сезиб ўзидан хижолат тортди — ўзини-ўзи қойиди: «Не хаёлларга бориб ўтирибман-а!..» Мақсад акам «зиёфатга» деб неча марта етакладилар, кўнмадим, «ҳамкасблар қўйишмаяпти» деб қистадилар, мана, келдим, кўрдим — ўйин-кулги, базми жамшид... Мақсаджон акаси «Бўри Собитович ундоқ, Бўри Собитович бундоқ» деб эди, ана, Бўри Собитовични ҳам кўриб ўтирибди. Орзу опанинг лақаби «Қақажон» эканини деярли кунига эшитади, ана, уни ҳам кўрди, таниди — ҳаммани назаридан ўтказди... Нега бу йўқ ердаги хаёллар билан ўзига азоб беряпти?.. Ҳализамон меҳмондорчилик тугайди, турадилар, кўчага чиқадилар, хайрхўшдан сўнг ҳар ким уй-уйига жўнайди... Маҳфуза нима қилипти экан, «Икки-уч соатга» деб қўшнисиникида қолдиришган эди, йиғлаяптими, ухлаб қолдим, ҳали... Маҳзуна бетоқатланиб эрига қаради, Мақсад акаси тозадил йигит эмасми, ҳеч нарсадан беҳабар, эмин-эркин гурунглашар, дам-бадам: «Олинг, Маҳзуна-наҳон», деб хотинини қанчалик ҳурмат қилишини намойиш этиб қўярди. «Уйга борайлик!.. Бир қулоқларини чўзиб қўймасамми!..» деди Маҳзуна ичида эркаланиш аралаш эрини яниб. Ҳа-я, ҳаммаси зиёфат тутаганда, меҳмонлар бирин-сирин ташқарига чиқишаётганда юз берди... Аввал уйдан эркаклар чиқа бошлади, аёллар уйнинг бир томонига ғуж бўлиб йиғилиб қолди, икки-уч эркак йўлакка чиққанда, Орзу опанинг «Тўхтанлар!» деган фармони эшитилди, «Қанақа одобсиз эркакларсиз!.. Аввал аёллар чиқсин, кийинишсин-да», деди баралла қўлини кўтариб. Ҳали ташқарига чиқиб улгурмаганлар Орзу опанинг шаддодлигидан кулиб тўхташди, аёллар Орзу опанинг зўри билан йўлакка ўта бошладилар. Маҳзуна йўлакка чиқ-

қанида, у ерда икки аёл кийинаёттан эди, Махзуна улар орасидан ўтиб қозикдан пальтосини олаётиб кўшни хона эшиги олдида... Бўри Собитович турганини кўрди — хуркиб, қочмоқ ниятида аланглади, пальтосини кийиб улгурган аёл: «Раҳмат, Бўри Собитович», деди. Бўри Собитович унга пальтосини кийишида ёрдамлашганига Махзуна кейин ақли етди — олдинга ўтаётиб Махзунага туртиниб кетди, нозлиниб кулиб, «тор жой ёмон-да», деди. Махзуна кўлида пальтоси йўқ бўлиб қолганини, уни ким тортиб олганини кўрди-ю, бехосдан илонга рўпара келгандек сесканди. Бўри Собитович пальтосини ёйиб ушлаб Махзунага кийдирмоққа човланиб турарди!.. Махзуна талвасага тушди, азбаройи типирчилаб қолди, ўзини у ён-бу ёнга ташлаган эди, оёқ остидаги туфли-этикларни босиб-тепкилаб юборди, мувозанатини йўқотиб йиқилай деди, деворга суяниб: «Йўқ, ўзим», дея олди, холос. Овози титраб, қалтираб, ҳатто, ялинчоқ оҳангда чиқди, ўша топда жеркиб ташласа ҳам бўларди — тортинчоқлиги қуриб кетсин! — секин гапирди, Бўри Собитовичнинг жиддий, ҳушёр ва ўктам товуши безбетларча унинг овозини босиб тушди. «Аёлларимизнинг қулиман!..Ҳа, шундай...» деди у баралла. Йўлакдаги хотинлар, ичкаридаги эркаклар кулиб юборди, уйдаги эркаклардан бири: «Бўри ака, хизматдамилар, ишқилиб!» деди қийқариб, яна кулги кўтарилди. Махзуна тортиб олиш ниятида қўлини пальтосига чўзди — шу аснода кийиниб ташқарига чиқаётган аёл: «Ҳа, энди отангиздай одам, кийинтирсалар кийинтирибдилар-да», — деди совуқ бир оҳангда. Махзунага бу: «Намунча ўзингни бозорга соласан!» дегандек эшитилди ва... ҳавода муаллақ қолган қўлига пальтоси кийилганини пайқади... Йўлакнинг хира чироғи ёруғлик эмас, қорамтир елимшак мой сочаётгандек бўлди — Махзунанинг кўз олди қоронғилашди, ҳиқилдорига аламли ўксинишми-хўрсинишми ё аламли ҳақоратланишми — нимадир тиқилди... Бу орада у пальтони кийдириб улгурди... Махзуна чап елкасида қўланса исни тўйди, пальтони кийиб улгурмай, икки кафт икки елкасидан қисиб ушлаганини, бояги қўланса ис пуркаётган ўрадек оғиз ёноғига теккудек яқинлашиб: «қўнғироқлашамиз...» деганини

эшитди!.. Маҳзуна орқасида ўлим шарпаси қоядек турганини, у совуқ бармоқлари билан ҳадемай бўға бош-лашини олдиндан билгандай ва тақдирга тан бергандай илкис бўшашди — қўл-оёғидан мадор кетди — устидаги пальто жонли-ю, аъзон бадани бежондек бошидан ҳуши учди... — бир-бир юриб, кўча эшик томонга ўтди... йўлақда гала-ровур, беўхшов мутойиба давом этди — у аёлларга қуллуқ қилишни давом эттираётган эди. Сўнг кўчага чиқишди, у одобга ўралган «қуллуғи»ни кўчада ҳам давом эттирди — меҳмонлар давра қуриб турар, у эса худди давранинг энг азиз ва мукаррам зотидек барча билан бирма-бир қўл олишиб хайрлашар, аёллар қўлини лабига теккизиб илтифот кўрсата бошлади... Ушандагина Маҳзунанинг ми-ясида яшин чақнагандек бўлди, индамай-нетмай ҳиринг-ҳиринглаб қўлини унга тутаётган аёллардан нафратланди, ўзини Мақсаджон акасининг панасига олди... «Майли, қизим, майли...— деди у Маҳзунага узатган қўлини ҳавода муаллақ тутиб,— ёш экансиз...» У бу гапни қай маънода айтди — Маҳзуна тушунмади, қийналиб кетди, хўрлиги келиб йирлаб юборай деди ва ниҳоят, кемшик қария Маҳзунанинг ёнини олди: «Биринчи сафар Маҳзунахонни кечира қолинг, Бўри-вой, йиғилишиб турсак кўникиб кетадилар», деди. «Келишдик, Маҳзунахон билан келишдик», деди у Мақсаджон акасининг қўлини қўйиб юбормай, сўнг нари кетди... Яна бирпас шу алфоз туришса Маҳзуна ақдан озиб қоларди, орзига келганини айтиб ташларди, ҳамманинг дилини сиёҳ қиларди... тилини тишлади — чидади... таксига ўтириб уйига етиб келгунига қадар, қўшнисиникида ухлаб қолган қизалоғини бағрига босиб уйига олиб чиққунига қадар, қизини, кейин «қалай, коллективимиз сизга ёқдимми?» деб эзмалик қила бошлаган эрини ўрнига ётқизиб меҳмонхонага чиққунига қадар, ундан ваннахонага ўтиб сувни охиригача шариллатиб бураганига қадар, беихтиёр ечиниб ич кийимларигача улоқтириб ташлағунига, сўнг шариллаб оқаётган сув остига бошини, юзини, елкасини — чап елкасини, чап ёноғини туттунга қадар чидади — тилини тийди ва... ичидан қаттиқ ўқчиқ келди, йўталди ва чироқ нурида симобдек йилтираб тушаётган сувга, ол-

поқ ваннага, оппоқ деворга... оппоқ баданига қарашдан уялиб, кафтларини юзига босганича ўксиб-ўксиб ҳўнграб юборди... узоқ, тўйиб-тўйиб йиғлади, бошини сувдан тортиб шашқатор кўз ёшлари сочидан силқиётган томчиларга қўшилиб кўксини, оппоқ, покиза сийнасини ювиб тушаётганини томоша қилиб турди... йиғидан тўхтади, руҳи енгиллашди... сувни тўхтатиб узоқ артинди, оппоқ сочиққа ўраниб қайта-қайта артинди... янги, охори тўкилмаган кўйлагини кийиб ташқарига чиқди... хириллаб ухлаётган эридан, пишиллаб нафас олаётган қизалоридан хабар олди — хотиржам торттандек меҳмонхонага ўтди... тимирскиланиб-ғимирлаб эри олиб кетадиган анжомларини ҳозирлади... сочи қурий бошлагач, алавақтда аста келиб, ўрнига чўзилди... Бошини ёстиққа қўйган ҳам эдики, қулоғига биров «кўнғироқлашамиз» деб шипшиди — ирғиб бошини кўтарди, эрига қаради — Мақсаджон акаси қотиб ухларди — Маҳзуна атайин кулишга уринди — ўзига дадда берган бўлди-да, авайлабгина ёстиққа бош қўйди... оёқ-қўлини чўзди... «ухлайман... ухлаб қоламан!» деб ўзига тасали берди, «ўйламайман, қуриб кетсин ҳаммаси, қуриб кетсин» деб ўзини овутди... «Келишганмиш!.. Турқинг қурсин, совуқ!.. Сувоқ!.. Ўлганим яхшимасми!.. Э!..» Маҳзуна ўрнидан туриб кетди, дераза ёнига бориб томларга, дарахтларга, ерга бир маромда тўшалаётган нурдек оппоқ қорга тикилиб қолди... ошхонага чиқди, ошхонадан айвонга ўтаётиб бемаҳалда кўчага чиқиб кетаётгандек бўлиб юраги орқасига тортиб кетди — айвон эшигини зичлаб ёпиб йўлақда туриб қолди — кийим илинадиган қозикқа қаради, нигоҳини узиб, телефон тепасига борди, унга маҳзун термудди, бир кўнгли уни узиб қўйгиси келди, фикридан қайтиб меҳмонхонага кирди. Кўчадан тушаётган чироқ ёруғида жавонга ясатилган чинниларга, биллур идишларга, қадахларга мажҳул бир алфозда, эътиборсиз кўз ташлади... тунни тонгга бедор улади... Кейин... Мақсаджон акаси уйғонди, уйғондию апилтапил ваннахонага кириб кетди... Маҳзуна чой қўйди, қуймоқ пиширди — нонушта ҳозирлади, Мақсаджон акаси соқолини қиртишлагунича бир бурда нонга сарриёғ сурди, чой қуйиб, уч-тўрт чақмоқ қанд солди,

«Бўла қолинг, самолётдан қолиб кетманг», деб эрини шоширди. Эри тик турганича нон кавшаётиб Маҳзуна етти ухлаб тушига кирмаган гапни бошлади: «Матлубами, Мансубами деган синфдошимиз бўларди», деди. «Ўшани тушимда кўрдим-эй, тавба. Исми эсимдан чиқиб кетибдию, тушимга кирганига ҳайронман!..» Маҳзунанинг юраги ҳаприқиб кетди — «Хўш, кейин-чи?..» дегандай Мақсад акасига тикилди. «Жуда маъсум, бо-одоб, оғир-вазмин қиз эди... кўзлари, киприги шунақаям чиройли эдики!» Маҳзуна кўнглининг алақасида рашк ўти аланга ола бошлаганини сезди, «Севги изҳор қилмаганмисиз, ўша синфдошингизга?» деб эрини узиб олмоқчи эди, Мақсаджон акаси унинг кўнглидагини пайқагандек деди: «Юзлари қизариб, уялиб-тортиниб юрарди... Бечорага ҳеч ким қайрилиб қармасдиям... Нега шунақа қилишган — ўйлаб кўрмаган эканман...» Сўнг эри шошилди: «Ҳай-эй, қаерда бўлсаям бахтли бўлсин», деб лаб-лунжини артди, Маҳзунасини бағрига босиб ўпич олди, шошиб кириб уйқудаги қизалогини ўпди, чиқди, «Майли, яхши ўтиринглар, қизингга эҳтиёт бўл!» деганча ихчам жомадонини кўтариб кўчага ошиқди. Маҳзуна зина майдончасига чиқди, Мақсаджон акаси биринчи қаватта тушгунича кузатиб турди. «Ўзингиз эҳтиёт бўлинг, Мақсад ака!» деб хайрлашди — эри билан охириги марта хайрлашаётгандек юраги увишиб кетди... боши қотиб уйга кирди, эшик занжирини илиб, қалитлади... қаёққа юришини билмай бир-бир босиб ошқонага борди... Ошқона топ-тоза, нонуштада ишлатилган това, ликобча демаса, ҳаммаёқ саришта эди... Маҳзуна ликобчани ювди, авайлаб артди, ётоқ бўлмасида қизалогининг ихраб-ихраб каравотдан тушаётгани эшитилди... Маҳзуна шошмади, боши баттар қотиб қизалогининг ёнига боргиси келмагандай ликобчани артаверди. Шунда... шу пайт... телефон қаттиқ, асабий жиринглади. Маҳзуна кўлидаги ликобчани ташлаб юборди — ликобча стол устига тушди — синмади — телефон дағдага билан жиринглади... Маҳфуза «Адам!.. адам!» лаб югургилаб чиқиб, телефонга қўл чўзди... Маҳзуна қизалоғи гўё қизиган дазмолни ушлаётгандек бақириб юборди, югуриб бориб уни кўтарди, бағрига босиб

ётоқ бўлмасига кирди, тез-тез юриб дераза ёнига борди, кўчага, майдону хиёбонга тўшалган оппоқ қорга термилди, қайтди — тошойна рўпарасига келиб ойнадан ўзига ҳайрон бўлиб қараб турган қизалогининг кўзларига қаради — уни ерга қўйди... Телефон қайта-қайта, бўғилиб, сачраб устма-уст ва чўзиб-чўзиб жиринглади... Қизалоғи «Ада! Адам!..»лаб йўлакка талпинди. Маҳзуна оёқларига ботмон-ботмон тош боғлангандек оғир юриб йўлакка чиқди, телефоннинг муздек дастасини қўл учида тутиб, қулоғига яқинлаштирди...

— Вой, қизим-эй, ўтакам ёрилди-я!! Телефонни нега омаяпсан?.. Кечасиминан алағда бўб чиқдим-а, болам! Уйинг тинчми, ишқилиб?..

Маҳзуна қизалоғи туғилган йили вафот этган онасининг овозини таниб, дастакни икки қўллаб қучоқлади, чўк тушиб, юзини тиззасига босганича ҳўнграб юборди...

1988 йил.

## ЖАЖМАН

— Ёмоннинг кучи ман япалоққа етибди-да!.. Ҳ-ах, сағирри ҳаққи урсин-а!

Тонг саҳарги бу аламли қарғишдан тим ичи оёққа қалқди. Раста устида, остида, қоп-қанорга ёнбошлаб омонат ухлаб ётган кексаю ёш туршакфуруш, ёнғоқфуруш, майизфуруш, пистафуруш ва ҳоказо фурушлар уйқули кўзи билан апил-тапил ён-верини пайпаслай кетди, кўнгли жойига тушганлар бирин-сирин оҳ чекаётган жувон теварагига тўплана бошлади. Ҳамдардлар ҳам топилди:

— Кўп обдеме? — сўради улардан бири шанғилаб.

— Қопни яримлатиб кетибди,— деб пиқиллади жувон.

— Ў, хотингалоқ!..

— Шу аёлди майизини егунча тили ўйилиб тушсин-а.

— Неччи қопиди, опой? — чийиллаб сўради яна бирови.



— Бир қоп... иди... етимчалар насибасидан қайириб овкелгандим.

— Қўлга тушириб манаша тим шифтига осиб керак! — деди бошқаси дағдага қилиб.

Тўдадан чеккароқда бошини солинтириб турган Зардушт бобо бирон ерда пусиб ётган ўғри-каззобнинг гирибонидан олишига имони комилдек, вазмин одимлаб тимнинг этаги томон юрди, икки ёни кета-кетгунча чўзилган раста оралаб бораётиб, кунда-шунда бозорчиларнинг мудраб-керишиб зўр-базўр уйғонаётганини кузатганича ўйлади: «Ҳамма ўзи билан овора... тириклик ташвиши... сотиш, сотиш, сотиш... уюм-уюм писта, бодом, туршагу майизни сотиш, пулга чақиш дардида бари...» Бобо беихтиёр устма-уст тахланган қоп-қанор чўғини чамалади, яна пича юрди, сўнг сотувчи аҳди сийраклашгани боис тим одоғига — деворга етмай изига қайтди. Қайтаётиб... орқа томондан кимдир деворни муштлаётгандек заиф гурсиллаган товушни эшитди. Бобо қордек оппоқ соқолини тутамлаб қулоқ осди, хийла шу кўйи тек тургач, ортиқ эътиборини бўлмайд жабрдийда жувон ташвишида келган йўлига қайтди.

Бобонинг растаси тимнинг бошланишида — дарвоза биқинида эди — у нотайин хаёлларга чалғиб жойига келди-да, қопларидан бирининг орзини очиб, сара майиздан қийиқчасига уч-тўрт кафт солди, олиб бориб жувоннинг яримлаган қопи устига қўйди. Бобонинг изидан майиз келтириб тўкувчилар қаторлашди. Улар ўлимдек бедаво куч олдида ўз ожизликларини тан олгандек, жувонга сўзсиз ҳамдардлик изҳор қилишар ва бошларини қуйи солинтирганча изларига қайтишарди.

Зардушт бобо растаси ёнига тўшалган кўрпачага ўбдон жойлашиб чўк тушаётиб, бир нарсадан хавотирлангандек: «Ўзинг мададкорсан, Аҳурамазда...» деди шивирлаб. Шивирлагани замон соч-соқолидан, қуюқ қошларидан нур таралди — ён-атрофида бир зум фонус ёниб ўчгандек бўлди... Тўсатдан уч-тўрт устун нарида кап-катта эркак киши беўхшов дўриллаб фарёд кўтарди:

— Уйим куйде!.. Худо урде!..

Бояғи безовталиқдан сўнг хийла тинчиб қолган тимда яна ғала-ғовур кўтарилди. Яқин-атрофдагилар,

жабрдийда жувонга ёрдам бериб қайтаётганлар дўриллаб дод солаётган киши тепасига борди. Эликни уриб қўйган, бўрдоқига боқилган қўйдек биққа семиз туршақфуруш алпанг-жалпанглаб эмақлаганича қават-қават тўшалган кўрпачаларни итқитар, нуқул, «Йўқ!.. Йўқ!.. Шилиб кетибди!» дер, лекин йўқотганини топишдан умидвор шекилли, қалт-қалт титраётган қўллари билан кўрпачаларни қайта-қайта аядар-тўнтар қилишдан тинмас эди.

— Қанчайди, Қамчевой? — сўради шинаванда бозорчилардан бири.

— Ёстуж остуга... ёстугди остуга қўйгандим... — деб гўлдиради туршақфуруш бошини кўтармай.

— Қанчайди, деёпман? — чийилади бояги киши.

— Анчайде... ман санамаган... бир даста эди!..

— Ол-а!

— Баракалла-е, Қамчи-е, ёстикди остуга ҳам пул қўядиме, инсон! А, бу...

— Ёстикнинг остуга қўядими, устигами, бу — ҳар кимнинг хоҳиши. Аммо-лекин пулни олдирганимиз эмас, алақандай зингарчанинг таъзирини бериб қўёлмаётганимиз алам қилади, одамга!

«Нурингни дариг тутма!..» деб юборди Зардушт бобо ўзига-ўзи гапираётгандек ва афт-ангорини кўрмасанда, гап бошлаган Сўзамол ёнроқфуруш йигитни овозидан таниб. «Ота ёнроқфурушнинг ўғли...» деган ўй кечди хаёлидан. Йигит астойдил ёниб-куйиб гапираётганидан халойиқ сукут сақлаб унинг оғзига анграйган эди.

— Кеча икки шўринг қурғур пулини ўғирлатди, — деди Сўзамол йигит, — илгариги куни куппа-кундузи бир халта хандон пистани олдирдик, кеча — пул, мана, бутун яна... ия, муттаҳамлик ҳам эви минан-да! «Вей, яхшилар, кўзни очайлик!» дейдиган бирон забонлик мард йўғ-а!..

Хаёлга чўмган Зардушт бобонинг кўксига тушган соқоли сезилар-сезилмас титради...

...Сахар эди, гира-ширада таҳорат олгач, тимирскиланиб-пайпасланиб расталар орасидаги йўлакчадан ўтаётганида икки газ нарида алақандай шарпа гимирлаганини пайқади. Тикилди, кўзи илғамади. Жойига

қайтиб чўк тушди — бошини тиззасига солинтириб кўзини юмганича сукутга кетди. Ҳар кунги одатига биноан, мўйсафид хаёлларининг жиловини бўшатди... Ҳадемай тонг отади, олам нурга тўлади... одамлар уйғонади, бозор уйғонади... тим дарвозаси ланг очилади, гала-говур бошланади... тумонат тошиб-шошиб оқиб киради, оқиб чиқади... сотувчи келади, харидор келади, бекорчи келади... чумоли бўлиб келади... чумоли бўлиб чиқади... оёқлар тинмайди, қўллар тинмайди, оғизлар тинмайди... кираверади-чиқаверади, кираверади-чиқаверади... олаётган пулим дейди, сотаётган молим дейди... тирикчилик бани башарнинг тумшуғидан жилув ўтказиб етовга солади... «бозор» дея аталмиш товага солиб айлантиради, айлантираверади... қумурсқа тутганини чангаллайди, тутганини инига ташийди, ташийверади... олиш-сотиш, олиш-сотиш, олиш-сотиш... қўлга, тилга илинган нима нарса борки, сотилади... ё, алҳазар, Аҳурамазда!.. Ожизлар оловга муҳтож, Аҳурамазда!..

Зардушт бобо чўяндек оғирлашган қовоқларини аранг кўтарди, ёнбошида турган қопга қўл суқиб бир кафт майиз олди, уни ҳовучидан ҳовучига шопириб ўтирди-ўтирди-да, юз бир укубатда кўзгалди. У ер-бу ерда гимирлай бошлаганлар шарпасини илғаб: «Яхшилар тоблансинлар... Яхшилар поклансинлар», деб илтижо қилди ва раста олдига айланиб ўтаётиб икки устун нарида...

— Ёспирай! — деб юборди шошганидан. У турган жойида қотиб қолди, иродасини жамлашга уриниб кўзини пирпиратди — бўлмади. — Ўзинг мадад бер, Аҳурамазда!.. — деди пичирлаб. — Не жондорга рўпара қиялсан, Аҳурамазда?!

Бобо бўй-басти бир қарич чиқмайдиган ажабтовур бир махлуқни кўриб, ҳудди иркит нарсага кўзи тушиб нигоҳи булгангандай бирдан сесканган ва кўнглига хатарли бир қўлага соя солган эди. Нафаси бўтзига тикилиб, овози чиқмай қолди.

— Жажман!.. Тимга Жажман оралади, яхшилар! — дея олди базўр.

Зардушт бобонинг назарида тимдошлари ҳозироқ оёққа туради-ю, анов махлуқни тутиб, тилка-пора қила-

дигандек, супириб-супириб тимдан чиқариб ташлай-дигандек эди, лекин тимнинг бурчак-бурчакларига урилиб-қалдираб қайтган бобонинг овози ҳеч кимнинг қулоғига кирмади. Бобо ҳушини йиғиб овозининг борича ҳайқирмоқчи — одамларни фалокатдан бохабар қилмоқчи эди — шу чоқ махлуқнинг қилиғига кўзи тушди-ю, анг-танг бўлиб қолди — бобо инсон зотининг кўзи кўриб-қулоғи эшитмаган ҳодисанинг шоҳиди бўлаётган эди.

Махлуқ раста устидаги майиз уюми ёнига обдан чўк тушиб олганча лагандаги ошга қўл чўзаётгандек бемалол майиздан туширар, дамо-дам қорнидаги қопчиғига бир кафт, икки кафт ташлаб ҳам кўярди.

Бобо хийла маҳал махлуқни кузатди, унинг қўли-оғзи тинмас, лекин хали-вери тўядиганга ҳам ўхшамас эди. Унинг қандоқ қилиб бировнинг майизини тортинмай-нетмай паққос тушираётганидан бобо ҳайрону лол бўлганича, кўзларига ишонмас, хаёлида эса: «Бу қандай махлуқ ўзи? Бу қандай махлуқ?» деган савол чарх урарди.

Бобо хаёлга чалғиб махлуқ қачон ва қандай қилиб ерга тушганини пайқамай қолди, фақат унинг сакраб-ирғишлаб дарвоза томон бораётганини кўргачгина, ҳушини йиғди. Бобо шундагина бу ғаройиб жондорнинг башарасини аниқ-тиниқ кўрди — махлуқнинг кўзи, қулоғи, тумшуғи дам сичқонникига, дам тулкиникига ўхшаб тинимсиз товланар эди... «Олма-хон-ку!» деб юборди ичида бобо ва шу заҳоти бошини чайқаб: «Тулки минан сичқондан тарқаган кўринади», деган хаёлга борди, бирпас жим қолгач эса, «Қорни кенгуруники...— деди пичирлаб, лекин махлуқ қаддини ростлаб икки оёқлаб бораётганини кўриб: «Ё, одамдан тарқаганмикан?!» деб ўйлади ва беихтиёр шак келтириб кўйгандек шошиб ёқасига туплади...

Орадан алақанча кун ўтди, қоқ пешин чоғи туршакфурушлар қаторида қий-чув кўтарилди. Оломон гувиллаб ўша ёқда ёпирилди. Ёпирилгани сайин битта-яримта «Нима?», «Нима ўзи?», «Тавба-а!» деган узук-юлуқ товушлар эшитилиб турди-да, бирдан ғала-говур тинди.

— Тутамиз, тутамиз! — деб бақирди пистафурушлардан бири ҳовлиқиб.

— Тегма, тегмай тур! Кўрайлик-чи! — деб уни шаштидан қайтарди туршакфуруш чол.

— Ҳай, нима ўзи бу? — деб чийиллади қора чопонли мўйсафид.— Сичқонми?

— Одам-ку!

Ҳангоматалаб оломон ваҳ-ҳаҳолаб тимни бошига кўтарди.

— Жим! Чўчитиб юборасизлар!

Шу пайт махлуқ ҳуркиб, қочиш пайига тушдими, қора чопонли мўйсафид, «Қочмоқчи!.. Қочмоқчи!» деди баттар чийиллаб.

Оломон орасида ровур кўтарилди, тўрт-беш киши ёқалашиб гурпайлашаётгандек эмаклай, юмалай кетди — тўс-тўполон кўпди, кўпди-ю, зумда ҳамма ҳовуридан тушди.

— Қочди! Қочди! — деган ниҳолат кўпайди.

— Қўлинг тегди-ку! Шунини тутолмадинг-а!—деди бирови ўдағайлаб.

— Қаёққа юйиб бўлди? Қаёққа? — деди янаям ҳовлиқиб ёнроқфурушлардан бири.

Тўдадагилар аланг-жалаб махлуқ қочган томонни билалмай гарангсиз қолди. Ола-ровур пасайиб ҳар ким жой-жойига қайтаётганда «Тутамиз, тутамиз!» деб бақирган пистафуруш қўли махлуққа теккан кишига ёнбош келиб, шипшиди:

— Шу қўл билан одамларга бодом сотасанми энди?.. Қўлинг харом бўлди-ку!..

Бодомфуруш бу гапга ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмай пистафурушга анграйди-ю, кўрққанидан афти қийшайиб кетди. Унинг аҳволини кузатиб турган Зардушт бобо юраги увишиб, бошини тебратганича лаб жуфтлади, лекин ҳеч нарса демади...

Тимдагиларга гап топилди. Ётган ҳам, турган ҳам ўша махлуқдан ҳангома қиладиган бўлди.

— Хў-ўп галати нарса экан-а? — дейди бирови.

— Бирон ёмонликнинг аломати бўлмасин-да, ишқилиб,— дейди бошқаси юрак ютиб.

— Ёмонлик ҳам гапми, бирон бало-қазонинг уруғи бўлмасин, тагин! — дейди ваҳимачиси.

— Ола-а! — Шу зигирча нарса бошлаб кеган бало-қазо нима бўларди!.. Бу — бизга бир эрмак-ку, ха-ха-ха!—деб ҳамманинг кўнглидаги шубҳа-тумонни ҳайдаб чиқарди дали-ғулиси.

Ҳангомага харидорлар ҳам аралаша бошлади.

— Нонвойхонада ҳам ғалати махлуқ пайдо бўлганмиш! — деб гап топиб келди улардан бири.

— Қандолатчилар растасига бурноғи йил оралаган, нимаёганини ҳеч зор билмайди!

— Эрта-индин бутун бозорга тарқалармиш!..

Бундай узук-юлуқ хабарларни эшитган Зардушт бобо маъюс тортди. Ахурамаздага имон келтирди. «Наҳотки, бутун бозорга тарқаса...» деб хавотирда ўтирганида тим ичида Ота ёнғоқфурушнинг овози жаранглади:

— Эшитмадим деманглар! Махлуқнинг номи — Жажман! Жажман!.. Эшитмадим деманглар!..

Зардушт бобо бадани увишиб турган эканми, сесканди, Ота ёнғоқфуруш жар солаётган номни қадимда аллақайда эшитганини, эшитган эмас, номаълум жондорни ҳо-ов биринчи бор кўрганида ўзи беихтиёр, «Жажман!.. Тимга Жажман оралади, яхшилар!» деб юборганини эслади... Бобо оғир сукутга чўмди... «Ахурамазда аён қилибди... Яхшилар воқиф бўлибди», деди чуқур тин олиб... Эзгулик илоҳининг қаққига шукроналар бағишлади...

Бу ёқда туршакфуруш тепасидаги можаро давом этарди.

— Манаша сичқонбашара билан келишайлик. Еганича есин, ангишвонадай қорнига дунёни ютвормас!.. Тўғри, киссага тушгани яхшимас.

Кўса майизфурушнинг эзмаланишидан Сўзамол ёнғоқфуруш тутақди:

— Сизинан биз «яхши-яхшимас» деб ўйимизга етгунча Жажман тимни эмас, бозорни еб битиради! — деди у жеркиб. Сўнг сал ҳовуридан тушиб овозини пасайтирди: — Тўғри, илгари кўзимизга кўринмаган, у бир сиқим-икки сиқим майиз-туршак егани билан камайиб қолмасдик, «еса-ебди-да», дедик. Индамадик. Кейин, сезиб-сезмай эркатойимизга айлантирдик...

Зардушт бобонинг юзига майин табассум югурди. Жажман секин-аста тимдагилар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетган даврларни эслади.

... Махлуқ кўринди дегунча «Ма, Жажман, ма!» деб унга майиз, pista, ёнроқ ташлайдиганлар чиқди. Жажман ҳеч кимдан тап тортмас, хаш-паш дегунча «хайр-садақа»ни еб — халтасига солиб битирар, туршакни гоҳ данаги билан ютиб юборар, гоҳ қарсиллатиб чақиб, мағзини чапиллатиб чайнар эди. Унинг зигирдек қўли, бармоқлари, зигирдек тумшугуиго сичқонникидек оғзига, морор тусидаги митти кўзларига қараб... бозорчилар кулгани-кулган эди, бора-бора унинг ебтўймаслигидан, очофатлигидан юмалаб-юмалаб кулиб вақтичовлик қиладиган бўлдилар. «Уни мен тўйдираман! Йўқ, қорни ёрилиб кетгунча мен боқаман уни!» деб баҳс бойлайдиганлар чиқди, лекин ҳар сафар «Тўйдираман!» деб катта кетганлар чув тушаверди, Жажманнинг ебтўймаслиги сирлигича қолаверди...

Кейинроқ Жажман биров чақирмаса ҳам ердан ёриб чиққандек пайдо бўлишни, растага уюлган мева қоқисидан бемалол паққос туширишни одат қилди. Тимдагилар бунга ҳам кўниқди, сўнг... ўша кезлар, ким эди-я, ҳа-я, анави Сўзамол ёнроқфурушнинг бобоси Бобо ёнроқфуруш Жажманни «Йўқол-э!» деб қувиб солди. Қопдаги ёнроқни қарсиллатиб чақаётган Жажман пинагини бузмади, ошиқмай-нетмай қопчигини ёнроққа тўлдирди-да, «лип» этиб кўздан ғойиб бўлди.

Шу-шу аллақанча маҳалгача қорасини кўрсатмади. Чекка-чеккадан: «Эрмак эди, мана, тим ҳувиллаб қолди», деб таъна қилишди. «Тўртта ёнроқни кўзингиз қиймаса, ўзимиз боқардик», дея маломат ёғдиришди Бобо ёнроқфурушга. Бобо ёнроқфуруш Жажманни қувиб солганига минг пушаймонлар еса-да, сир бой бермади, ёнроқфурушлар қаторида сўппайиб, шумшайиб юраверди. Зардушт бобо бир-икки унинг жонига оро кирмоққа тутинди, лекин ҳар сафар лаб жуфтлаганида укпардек момик соқолига титроқ югурди. Ҳар сафар унинг мўйсафид хаёлларини олис хотиралар олиб қочаверди...

Қадим-қадим-қадимда — болалик чоғларида Оташ

момо кучорида чўпчак тинглаб ором олиб ётарди, савол устига савол ёғдирар, момосини ухлагани қўимас эди... «Момо, момо, — деди Зардушт бола иттифоқо, — туш кўрдим — осмон тўла қузғун боғимизга ёпирилди... бор-шудимизни еб кетди... ёмон кўрқдим, моможон». Чеварасини бағрига босиб ётган Оташ момонинг қўлига бехос қалтироқ турди, сўнг момо тасалли айтди:

«Бир осмон эмас, ўн осмон қузғун келгандаям, ба-ракадан қисмасин, кўзим... Улатдан асрасин, қирондан асрасин...» Момо жим бўлди, хиёл ўтмай яна сўйлади:

«Ривоят бўлгучи эди, унда айтилган... юртимизга девлар таңда қўярмиш... қўлга илинганини еб бити-рармиш... егани, тўйганига қаноат қилмай денгизу ден-гиздай ҳовучини тўлдириб олис ёқларга олиб кетар-миш...» Зардушт боланинг кўзи илинган экан, Оташ момосини девнинг ҳовучида кўрди, гўдак юраги ёри-лай деди, шунинг баробарида қандайдир куч топиб мовий кўзли девнинг чинор танасидек йўғон билагига ёпишди — тирмашиб-тирмашиб ҳовучга етай деганда ҳовуч ёқасида бошини чангаллаб турган момоси унинг кўксидан итариб юборди... Зардушт бола яна олдинга ташланди, интилди... девнинг билагию ҳовучи ғойиб бўлди... Зардушт бола чинқириб, чириллаб қолди... йиғи аралаш босинқираб кўзини очди, очдию ҳамон момо-сининг кучорида ётганини кўрди, «Момо, момо», дея овоз берди бетоқат, «Ухлаб қолибман, девлар сизни ҳовучига солиб олиб қочди», деди ўқсий-ўқсий ўпка-сини босолмай, «Нега ундай бўлди, моможон, кўрқиб кетяпман», деди. Момоси лом-мим демади, сўнг... қай-тиб сира-сира уйғонмади...

— Э-э, ади-бади айтишиб ўтираимизми, — деди пулини ўғирлатган пистафурушлардан бири.— Тўғри айтасиз! — деб Сўзамол ёнғоқфурушнинг гапини маъ-қуллади: — Ўйчи ўйини ўйлагунича бу лаънати бозор-ни адои-тамом қилади! Жажманни тутамиз-да, жазо-сини берамиз!

— Шу чоғгача ҳеч зор қўлга туширолмади-ю, қан-дай қилиб жазосини берамиз!—деди туршакфуруш қария.

Сўзамол ёнғоқфуруш қариянинг умидсизланишига қулоқ солмай хулоса ясади:



— Жазосини бергунча, ўлдирамиз қўямиз, вассалом!

— Жажманни биринчи бўлиб уриб ҳайдаган одам Сўзамол ёнроқфурушнинг отаси эди. Бобо ёнроқфуруш кўп маломатларга чидади. Жажман яна пайдо бўлиб, яна... фурушларнинг пинжига киргани сайин маломатлардан қутула борди... Жажманнинг нафси ҳақкалак отгани етмагандай тимдагиларни очиқ-ойдин калака қиладиган одат чиқарди. Соқоли кўксига тушган чолларнинг елкасига чиқиб олар, уларнинг қулоғидан, мўйлабидан тортқилар, ухлаётганларни қитиқлаб қочар, хириллаб-ҳиринглаб ғалати овоз чиқарар, унинг нима, қандай махлуқ эканини ҳануз ҳеч зор билмас, билиш ҳақида бош қотирмас ҳам эди. Шундай кунларнинг бирида Ота ёнроқфуруш ҳаммани анг-танг қилиб, қопчигига ёнроқ тўлдираётган Жажманни қадоқ тош билан уриб ўлдириб қўяёзди. Тош махлуқнинг тумшуғини ялаб ўтди — у орқасига умбалоқ ошиб қулади, қулади-ю ўзини ўнглаб қочиб қолди... ёнроқфурушлар қаторида тус-тўполон кўтарилди. Ота ёнроқфурушга ўдарайлаб айюҳаннос солиб келишди. Лекин тимда Ота ёнроқфурушнинг журъатини маъқуллайдиганлар ҳам топилди... Мана энди Ота ёнроқфурушнинг ўғли — Сўзамол ёнроқфуруш оломонни Жажманни ўлдиришга даъват этди. — Ўлдирамиз! Фақат ўлдириб қутуламиз! — деб гапни кесди у.

Тўпланганлар бирдан жимиб қолди, тимда Жажман ўралашганидан буён унга ўлим жазосини бериш хаёлга келган бўлса келгандиру, бировнинг оғзидан чиқмаганди. Сўзамол йигит: «Қани, нима дейсизлар?» дегандек одамларга аланглади. Кимдир: «Ўлдирамиз!» деб пичирлади, яна, яна... ва тўсатдан тим ичини «Ўлдирамиз!» деган хитобу даъват тутди.

Бундай жазони кутмаган битта-яримта ... фурушлар демаса, тимдагиларнинг бари оёққа қалқди. Фовур-ғувур зўрайди. Кутилмаганда издиҳомдан чеккада — раста устида ҳоли ўтирган чопонли жийдафурушнинг залворли, дўрилдоқ овози қўзғалганларни жойида тўхтатди.

— Ҳой, яхшилар, лоақал бобомиздан оқ фотиҳа олишни унутманглар...

Шовқин ўша заҳоти тинди, оёққа қалққан издиҳом Зардушт бобо томон ўтирилди. Сўзамол ёнроқфуруш тўда олдига ўтиб, бободан ижозат сўраб саволомуз терилди. Бобо кўзларини қисиб унга тикилди, сўнг ҳудудсиз осмонга кўз югуртирмоқчидек бошини вазмин кўтариб, одамларнинг боши узра тўғрига — тим одоғи томон нигоҳ солди. Чурқ этган сас эшитилмас, жамоат нафас олмай бобонинг оғзини пойлаётган эди. Бобо рўпарасида илҳақ турган фуқаро дардида Аҳурамазданинг ўзидан мадад сўрамоққа лаб жуфтлади, лафз айтишга улгурмай тим одоғидаги девор ортидан... зорланганнамо гурсиллаган шовқин чалинди қулоғига. Оломон унинг фатвосига илҳақ, бобо эса бирон кимса пайқамаётган бу сирли-синаотли нола қайдан келаётганини билолмай гарангсиб сукутга чўмган эди... Шу чоқ Зардушт бобонинг ўсиқ қошлари паноҳидаги нурсиз кўзлари илкис чарақлаб кетди, бобо бошини ёнбошига энкайтириб устун ортига мўралади. Ўша томондан «Мана! Мана!» деган шовқин кўтарилди. Тим ичи алғов-далғов бўлиб кетди. Тўс-тўлолон кўпди. Зардушт бобо рўпарасида ҳеч зор қолмади. «Мана! Мана!» деб ҳайқирган киши шекилли, икки қатор раста ўртасидаги ялангликка югуриб чиқди-да, «Ана! Анави қопдан олди! Олди!» — дея қўлини бигиз қилиб кўрсатганча тисарилаверди. Ёрдамга ошиққанлар у киши кўрсатган қоп тепасига етиб бордилар — қоп оғзи очик эди. Қоп-қанорнинг ён-верига тумшуқ суқаётган уч-тўрт човли кишининг бирови, «Ана, ур!» деганча ўзини раста устига ташлади. Зардушт бобо шундагина Жажманни кўрди, махлуқ растага тўшалган ўрин устида қавагидан бош чиқариб атрофга қулоқ солаётган кўрсичқондек аланглади-да, лип этиб яна ғойиб бўлди.

Қув-қувчилар кўпайди: кимдир эмаклаб раста остига ўрмалаб кириб кетди, кимдир қоп-қанорни сурриб-сургалашга, кимдир ағдариб-йиқитишга тушди, уч-тўрттаси қўлига яримта-яримта гишт парчасини тутганча аланг-жалаглаб хезланди.

«Жажман қўлга тушса керак», деб ўйлади Зардушт бобо, ўйлади-ю, шу заҳоти фикридан қайтди: «Бир ҳамлада қўлга тушадиган бўлса шу човгача жон сақлаб юролмасди». Бобонинг кейинги фарази тўғри келди:

ҳарчанд қув-қувга қарамай Жажман қўлга тушмади. У сон-саноксиз оломон тажовузига парво қилмай гоҳ у-гоҳ бу раста устида пайдо бўлар, майизми-бодомми, ёнрок, ё туршакними — бирдек иштаҳа билан митти юҳодек еб, қопчиғига тикиштирарди. Писта уюмини совураётганида муштдек гишт парчаси учиб келиб пистани тупроқдек тўзитиб юборди, Жажман шунда ҳам талвасага тушмай, ғойиб бўлди.

Дарвоза туруми шарақлаб харидорлар кира бошлади ҳамки, қув-қув тўхтамади: семизу ориқ, ёшга кекса ҳолдан тойди. Жувон майизини, туршакфуруш пулини ўғирлатганини унутди.

— Гиштни ким оттанди? — сўради ҳарс-ҳарс нафас олаётган шоп мўйловли киши.

— Мен! — деди пучуқ мағизфуруш гердаиб, сўнг афсусланиб қўшиб қўйди: — Мўлжалдан сал хато кетди-да!..

Зардушт бобо тимдошларининг болакайлардек суханбозлигидан кулгиси қистаб қўлларини орқасига қилганича жойига қайтди, қайтаётиб тим одоғига орқа ўтириб турган бўлса-да, яна гурсиллаган шовқинни эшитди. Ерга қоқилгандек тек туриб бутун вужуди қулоқ бўлиб тинглади: гурс... гурс... гурс... Бобога ер ости гурсиллаётгандек туюлди, беихтиёр оёқ остига разм солди, қулоқ осди... йўқ, гурсиллаётган — одоқдаги тим девори эканлиги аниқ эди...

Бобо жойига ўтиб ўтираётиб: «Дарвозани оча қолинглар», деган маънода қўшни майизфурушга қаради. Дарвоза очилди-ю, тим ичи харидорга тўлди: галаговур, савдолашишлар, талашиб-тортишишлар бошланди... Зардушт бобо тимдошларига кўз югуртирди, улар гўё ҳаётларида унутилмас қувончли воқеа юз бергандек димоғлари чоғ, руҳлари тетик эди...

Эрталабки ҳодиса бир қанча кунгача оғиздан тушмади:

— Жажман қайтиб қорасини кўрсатмайди! — деди пистафурушлар.

— Ўтакаси ёрилиб ўлди, қанор-панорнинг остидан ўлиги чиқади энди! — деди ёнроқфурушлар хахолаб.

— Зора қутилган бўлсак... — деди жийдафурушлар умид боғлаб.

Зардушт бобо эса мийғида кулди, унинг назарида Жажманнинг мавжудлиги куну туннинг алмашилишидек муқаррар эди. У фақат бир нарсадан ташвишда, «Жажман ёлғизми ё унинг уруғи кўпмикан?.. Ёхуд, ҳамма ёқни Жажман босиб кетса қандоқ қилади, одамлар?» деган ўйининг охирига етолмасди.

Бунга ҳам бобонинг ўзи жавоб топди...

Саҳарда одатдагидан пича эрта уйғонди, уйғонди-ю, кейинги кунларда камуйку бўлиб бораётгани, ухлаш ором эмас — азобга айланётгани мулоҳазасини қилди... Одамзод музлик салтанатига банди бўлмас экан, у — ҳаёт... «Ахурамазда, ўзинг мадакорсан!..— деб шивирлади бобо астойдил.— Иштиёр ўзингда, Ахурамазда!..»

Бобо ўй оғушида ўрнидан турди, ташқарига йўналган жойида Жажманга кўзи тушди. У пахтали камзулини елкасига омонат ташлаб ётган майизфурушнинг рўпарасида чордона қуриб ўтириб олган, лағандаги ошга қўл чўзгандек бемалол унинг қўйинини кавлаштираётган эди. Маст уйқуда ётган майизфуруш, қитиғи келдими, ғимирлади, кўзини қаттиқроқ юмди, махлуқ эса зиғирдеккина чанғалида пайдо бўлган пулни боши узра кўтариб бобосидан обакиданон ундирган болакайдек сакраб-ирғишлаб, лекин суварақдек сассиз-шовқинсиз югуриб дарвоза ёнига келди. Бобо ҳушини йиғиб улгурмай Жажман деворга суяб тахланган қоғларга тармашиб юқорига зипиллаб чиқиб кетди. Дарвоза тепасига етганида ўша ердаги девор туйнугидан ҳар бири сандалдек-сандалдек қўшалоқ ҳовуч пайдо бўлди. Жажман қопчиғини кўтариб ҳовучга авдарди, устидан чанғалидаги пулни ташлади, ҳовучлар шу заҳоти кўздан йўқолди, Жажман ғизиллаб пастга тушди...

Бобо кўз ўнгида содир бўлган воқеани хийла фурсатгача идрок этолмади — манглайда ўлим шарпаси елиб ўтгандай юраги орқага тортди... баҳайбат ҳовучлар ҳе-е аллазамонларда—болалик кезлари тушида кўрган, Оташ момосини олиб қочган ҳовучларнинг ўзгинаси эди...

«Одамлар, воқиф бўлингиз... пойлоқчилик қилингиз. Жажманни қўлга туширингиз», дегиси келди. Зардушт бобо баралла: «Жажман!.. Жажманни тутингиз,

яхшилар!» деб ҳайқирганини, ammo ҳайқирғини тим-дошларидан ҳеч кимса эшитмаганини эслади — «уларнинг дилини ўзинг нурафшон этгайсан, Аҳурамазда!» деди...

Зардушт бобонинг нолалари бесамар кетмади — қув-қув авжга мингани сайин Жажман ҳолдан тоя бошлади, энди у бемалолдан-бемалол нишхўрдлик қилмас, бир чўқиб ўн аланглар, сичқондек қув, олмахондек эпчил бўлиб қолган, нафси ҳакалак отганидан кунтуннинг фарқига бормай қўйганди. У тўппа-тўсатдан бирор раста устида пайдо бўлар, сотувчи ё харидорларнинг ҳай-ҳайлаб айюҳаннос солишига қарамай ер кавлаётган юмронқозикдек икки қўллаб қопчилигини тўлдирар ва одамлар эс-ҳушини ўнглагунича қочиб улгурарди.

«Ҳовучларни тўлдиролмай жони ҳалак!» — деган ўй кечди Зардушт бобонинг кўнглидан...

Сўл қатор растадагилар ҳар ерга каламуш қопқон қўйдилар, уни кўрган ўнг қатор растадагилар: «Жажман қопқонга тушмайди», деган хаёлда тешик-туйнук борки, сим тўр қоқиб ташладилар. Бозор эгалари юборган оқ халатли ҳалоскорлар куни бўйи савдони тўхтатиб қўйди, сотувчию харидорларни ташқарига ҳайдаб тим ичини қўланса исга тўлдирди. «Ўн йилгача Жажманнинг қадами узилади энди!» деган овозалар тарқалди, уч-тўрт кунгача одамлар оғиз-бурнини ёпиб жон сақлади. Жажман эса... тимдаги беҳаловатликларнинг ўзига дахли йўқдек ўша-ўша — кечани кеча, кундузни кундуз демай ўмаришдан толиқмасди, елдек пайдо бўлиб бировлар қўлидаги пулни юлқиб қочар, унинг изидан ушла-ушла, ур-сур бошланар, натижа эса ҳамишадагидек: Жажман осонгина қутилиб кетарди...

— Сим тўрнинг катагидан сирғалиб ўтди-я! — дейди бирови.

— Ўз кўзим минан кўрдим! — дейди унинг галини тасдиқлаб бошқаси, — хамирдай чўзилди-ю, зулуқдай сирғалиб ўтди-кетди!..

— Қўлим қопчилига тушиб йиртворай дедия, э, аттанг! — дейди яна бирови ҳовлиқиб.

— Кимда-ким қўлга туширса беминнат ҳадя бор! — деб қолди Сўзамол ёнғоқфуруш.

— Беминнат ҳадя!..

— Мукофот!.. Мукофот!..

Оғиздан-оғизга кўчаётган бу хитобу ҳайқирриқлар орасидан Зардушт бобо қулоғига гурсиллаган товуш хийла баландроқ, аниқроқ эшитила бошлади. «Вақти-соати яқин...» деди пичирлаб бобо. Ва растаси устида Жажманни кўриб соқоли асабий титради... Жажман сара сояки майиздан бир кафт олиб оғзига ташлади, шимди... Бобо унинг гуручдек майда, садафдек текис тишларини аниқ-тиниқ кўраётганидан кўзига ишон-маса-да, жондорни қизиқиб бош-оёқ кузатди — Жажман ўлар ҳолатда ориқ, қўл-оёғи гугурт чўпидек қилтириқ, фақат у чунонам шиддат билан ҳаракат қилар, хаш-паш дегунча майиз уюмининг биқинини ўпириб ташлаган эди.

«Еганингча еявер-чи...» деди бобо шивирлаб. Жажманни чўчитиб юбормаслик учун, сўнг махлуқ жон ҳолатда қопчиғини тўлдиришга тушганини кўриб беихтиёр кулимсиради, «Нафсинг бузилгани кунинг битганиданмикан?..» деб сўради. Жажман бобони мазах қилгандек тиржайди, аслида у талвасага тушган — беҳад ошиқаётган эди...

Бобо кунни бўйи саралаган майизига ачинмай қўйгандек эди ҳамки, растанинг олд томонидан пусиб келган ён қўшниси салчиб қад ростлади-ю, «Ҳу, отангни!..» деганча ўзини майиз аралаш Жажманнинг устига ташлади, яна икки давангирдек майизфуруш унинг устидан ёпирилди. «Жажманнинг абжари чиқди!» ўйлади бобо.

— Қочди! — деди бўшашиб қўшниси.

— Қандоқ қочди?..

— Қаёққа қочди?!

Жажманнинг устига ташланган майизфурушлар шундай деб ён-верига аланглай кетди. Қўшни майизфуруш кўзларини олайтириб бобога юзланди:

— Кўрдизми?.. Айтинг, қаёққа йўқолди?! — деб сўради у бўғилиб.

Зардушт бобо мийиғида кулимсираб тураверди.

— Гапирсангиз-чи, қаёққа йўқолди?!— деди азбаройи жон-фирони чиққанидан ўшқириб, қўшниси.

Бобо авзоини бузмади, қоматини адл тутиб рўпа-

расида тўдаланганларга сўзсиз қараб тураверди. Тўда катталашди. Қўшни майизфуруш бобонинг бетига ортиқ тик қаролмай кўзини олиб қочганда, унинг ёнида пайдо бўлган пистафуруш ғазабини яширолмай ўдағайлади:

— Барибир тутамиз!.. Сиз кўмаклашмасангиз ҳам бу аблаҳнинг уругини қуритамиз!..

«Ҳароратингни дариг тутма, Аҳурамазда!.. Кўнгилларни ўзинг мунаввар қилгайсан...» деди Зардушт бобо ичида илтижо қилиб. Унинг кўксидаги таваллони тим одоғидаги деворнинг гурсиллаши босиб тушди. Мана, мана, ҳозир жамики одамзода қулоғини динг қилади, олди-сотди, ивир-шивирни бас қилади, ёшу кекса тим одоғи томон юз ўтиради...

Ғазабга минган пистафурушнинг тўсатдан ялтоқла-ниши унинг хаёлини чалғитди:

— Ҳаммасини кўриб турибсиз, айтсангиз бўлмай-дими, бобо?! Қандоқ қилсак тутамиз, у баччагарни!.. Йўқотайлик, қутулайлик, хотиржам яшайлик, ахир!..

У ҳализамон галдан тўхтайдиганга ўхшамас эди, шу чоқ қарама-қарши томонда челақнинг қаттиқ шарақлагани эшитилди, кимдир: «Ушладим!» деб қичқирди — оломон гувиллаб ўша ёққа кўчди.

Кўнгли бир ғашликни туйган бобо жойидан қўзғалмади. Оломон ёпирилган томонда ғала-ғовур авжига минди. Ҳаммаёқни: «Ким?.. Ким ушлади?» деган овозлар тутди.

— Мен!.. Мен тутдим!.. Бопладим!..— деди кимдир мамнун ва қувончдан ўтакаси ёрилгудай бўлиб.

Оломон Жажманни қўлга тушириш бахти насиб этган кимсани кўриш умидида олдинга сурилди. «Ўлдирамиз!..», «Мен ҳам уриб қолай!» деган хитоблар, бақирик-чақириклар қулоқни қоматга келтирди. Ва туйқус сукунат чўкиб, Сўзамол ёнроқфурушнинг ҳаяжонланган, ғолибона овози эшитилди. У растанинг устига чиқиб олган, худди байрамона нутқ ирод қиладигандек, қайчиланган хушбичим мўйлабини силаб-силаб кўйиб, сўйлар эди:

— Гап битта — Жажман ўлимга маҳкум! Вассалом!

Оломон гувиллаб унинг ҳукмини маъқуллади. Ёнроқфуруш йигит худди туя сўймоқчидек ҳафсала би-

лан енгларини шимарди, челақ устига энгашиди, тўдалашганлар давра ясаб уни ўртага олдилар. Ким қадоқ тош, ким гишт парчаси, ким сўйил тутган — ҳамма шай эди.

Сўзамол ёнроқфуруш челақ остига қўл суқди — йиғилганларнинг кўзи олма-кесак терар, қасос чори етганидан нафрат ҳамманинг кўзига, қўлига кўчган эди — челақ шарақлаб ағдарилди-ю, ёнроқфуруш йиғит чўғ ушлаб олгандек қўлини силтаб тортди.

— Тишлади! — деди у жон ҳолатда бақириб. Челақ остидан чиқиб олган Жажман қочишга чоғланиб улгурмай учи айри сўйил уни ерга қапиштириб қўйди. Буни кўрганлар «ўлди-и!» деб улгурмай, Жажман айри остидан сирғалиб чиқди, бир силкинди-ю, ўзини оёқлар орасига урди — ўтолмай орқасига қайтди, қайтган жойида бошига муштдек қадоқ тош тушди — Жажман йиқилиб, ерга чўзилди, «Ўлди!.. Ўлди!» деб юборди оломон. Лекин Жажманга жин ҳам урмаганди, у яна оёққа турди, қўлчалари билан қопчиғининг оғзини тутганича дикирлаб олдинги қаторда турганлардан бирининг елкасига сакраб чиқди — қий-чув кўтарилди, Жажман лип этиб, дикирлаб бошдан-бошга, елкадан-елкага ўта-ўта бориб, нима бўлди-ю, яна оёқлар остига — тўда орасига тушиб қолди. Кимдир уни қаттиқ тепди. Жажман ердан икки кулоч кўтарилиб ерга чалпақдек бўлиб тушди, тушди-ю бояги учи айри сўйил уни яна ерга қапиштирди... «Бос! Бос!» деб ҳайқирди оломон гуриллаб, бироқ сўйилнинг учи худди муз устида тойиб кетгандек сурилди, Жажман айри остидан сирғалиб чиқди, чиқдию қаддини ростлай олмади — чамаси айрининг зарбидан унинг бели майишиб кетган эди.

— Ўзинг огоҳ бўл, Аҳурамазда! — деб кўзларини юмди Зардушт бобо.— Ўзинг огоҳ бўл!..

Тим одоғи томондан эшитилаётган зорланувчан, ёлборувчан гурсиллаш дўқ-иддаога айланиб бобонинг шивирини, унга қўшиб оломоннинг шовқинини босиб тушди. Зардушт бобонинг кўнгли оғир нохушлиқни сезиб, кўз олади қоронғилашди, мияси гувиллади... тим шифтига қапишган учбошли Аҳриман кўзларидан совуқ булут пуркаб Аҳурамазда устига ташланди, Ахура-



мазда оёқда туролмай ёнбошига ағдарилди, ағдарилан ётган жойида оғзини ўрадек очган Аҳриманнинг ба шарасига ўт пуркади, Аҳриман сапчиб шифтга кўтарилди, Аҳурамазда қаддини ростлай деганда Аҳриманнинг оғзидан пуркалган булутлар орасидан бир, икки, уч... яна, яна, яна Жажманлар дикирлаб чиқиб кела бошлади, Аҳурамазда уларга ҳам олов пуркади, Жажманлар куймади, Аҳурамазда ўт-оташга дош берадиган жондорни кўрмаган эди — босиб-босиб олов пуркади — Жажманлар худди алангаи оташда яйраб-ййраб ҳузур қилаётгандек ирғишлар, бу етмагандай, Аҳурамазданинг елкасига, бошига чиқиб-тушар, тинимсиз қандайдир товуш чиқарар эди. Шифтга қапишган уч бошли Аҳриман оламни бошига кутариб хахолади...

— Огоҳ бўл, огоҳ, Аҳурамазда! — деб кўзларини баттар юмди Зардушт бобо, турган жойидан қимирламай. — Аҳриман ўлмаган, Аҳурамазда!.. Огоҳ бўлгайсизлар, яхшилар, огоҳ?.. Аҳура...

Бобо эзгулик тангрисининг номини айтиб улгурмай осмонўпар қоятош ағдарилгандек нимадир беўхшов гумбирлади, шунинг баробарида оломон орасидан отилиб чиққан аянчли чинқириқ қулоққа найзадек қадалди, кейинидан «Қочди!.. Қочди!..» деган шовқин кўтарилди-ю, талотўп кўпди — ўн чоқли киши устмасуст ерга ташланди. Чалажон Жажман шунда ҳам таслим бўлмасди: девдек-девдек бесўнақай одамлар остида ерга чаплашгудек чўзилар, одамлар енгил нафас олган заҳоти дик этиб қаддини ростлар — қочишга чоғланар — яна издиҳом пойи остида қоларди...

Нафаси бўғзига тикилиб толиққанлар талотўпдан узилиб орқада судралар, улар ўрнини бошқалар эгаллар — Жажманга тинимсиз, беаёв калтак-мушт ёрди-рар — Жажман ҳар сафар ўзини ўнглаб олар, худди калтак остида қолганини сезмагандек, ҳамон кўзлари олма-кесак терар — афтидан кўлига илинадиган нарса қиди-рар — шундай бўлса-да унинг ҳолдан тояётгани, юришлари тобора сустлашаётгани, қаддини тутолмаётгани сезилаётган — оломон зўр келаётган эди...

Ва ниҳоят!.. Ниҳоят... бирдан ур-сур тўхтади, «ҳоюҳай-ҳай»лар тинди, тим ичига сув қуйгандек жимлик чўқди... у ер-бу ерда юмалаб, эмаклаб Жажманни

дўппослаганлар бирин-сирин оёққа турди ва... Сўзамол ёнроқфуруш Жажманнинг калта думидан тутиб, чалажон танани боши узра кўтарди.

— Ҳу-у, тўнғиз қўпгур! — деб юборди кимдир.

— Ўлгани рост бўлсин-а! — деди яна биров севи-ниб.

— Бир томчи қони чиқмади-я, тавба-а!..

— Худо адашиб яратиб қўйган бу баччағарди, қон — хайф унга!..

Оломон орасида кулги кўтарилди. Текинхўр балосидан қутилган аламзадалар қучоқлашган, ўпишган, йиғлаган... қуёш бу кун тимнинг ичидан кўкка кўтарилаётгандек эди...

Ёнроқфуруш йигит махлуқнинг жасадини кўтариб турганича тимдошларига қарата яна сўз айтди:

— Ёмоннинг куни битди, биродарлар!.. Жажманнинг қопчиғидан қолган-қутган майиз, писта қолдиқлари тўкилди. Оломон уни кўриб кулиб юборди, бироқ, шу пайт... Жажман тилга кирди:

— Ло... кила!.. Локил... ла!..

Сўзамол ёнроқфуруш чўчиб Жажманнинг жонсиз танасини иргитиб юборди, сачраб ўзини орқага ташлади, ҳангуманг бўлган оломон шамдек қотди. Тим ичи шунчалик жимжит бўлиб қолдики, азбаройи, Жажман жон бераётиб базўр такрорлаган бир оғиз сўз ҳамон ҳавода таралиб эшитилиб турарди. Оломон худди осмондан одамларнинг эсини овдириб қўядиган сас ёпирилиб келаётгандек талвасага тушди.

— Зардушт бобо...

— Зардушт...

— Бобо...

— Зардушт бобо!!! — деб юборди оломон бир овоздан илтижо қилиб — издиҳом кўчкидек сурилиб бобо томон силжиди. Зардушт бобонинг эса қулоғи том битган — эшитмас, рўпарасида умидвор тикилиб турган издиҳомни кўзлари кўрмас — бошини воз тутганича тўғрига — тим одоғи томон юз тутиб турарди. Шу пайт... шу пайт... тим одоғидаги девор тепасидан катта-кичик кесак-гувалалар кўчиб дўпирлаб ерга туша бошлади — тим ичи чанг-тўзонга тўлди... Деворга яқин турганлар аранг ўзини четта олишга улгурди, тумонат

бўридан ҳурккан сурувдек бир бурчакка гуж бўлиб қисилди, оломон кўзлари ола-кулалашиб тим одоғига анграйди... Шу кўзлар, шу нигоҳлар ўнгида тўзон босилди, босилди ва деворнинг тепасида ўранинг оғзидек қора туйнук кўринди... қандай ҳодиса юз бераётганига фаҳми етмаган оломон ҳанг-манг бўлганича қотиб турар, бирон зот қилт этишга журъат тополмасди ўзида... Ана шунда қора туйнукдан бир жуфт баҳайбат ҳовуч кўринди... ҳовучлар ичкарига суқилиб кирди-ю, улардан ҳозиргина базўр, минг бир азобда ўлдирилган Жажманга икки томчи сувдек ўхшаш бошқа бир Жажман сакраб ерга тушди, фақат у олдингисидан хийла дуркунроқ — бўйи икки қарич эди...

1989 йил.

### ИБН МУҒАНИЙ

Ибн Муғанний сув остида узоқ турганидан нафаси қайтган ва пўкакдек қалқиб сув бетига чиққан одамдек энтикиб ҳаво ютди ва юз берган ҳодисани илкис идрок этолмай фарқ бўлиб кетмаслик мақсадида қулоч отиб қўллари икки ёнига чўзди, типирчилаб оёқ кўярга жой излади, топди шекилли, ола-тасир ҳаракатлари секинлашди, ҳамон ҳарсиллаб — ютоқиб нафас олаётган бўлса-да, «қаерга кеп қолдим?!» деган таҳликада теварак-атрофга аланглади. Тўрт томон оппоқ қор, пасту тепаликлар, саноксиз дўнгликлар — қор босган, чеки-чегараси йўқ қабристонга ўхшайди. Ибн Муғанний юраги безовта тепаётганини сезди — ақл бовар қилмас бу шиддат қайдан келганига унинг ўзи ҳайрону лол эди. Шу пайт жуда олис... йўқ, ёнгинасидан — ер остидан ҳазин нола эшитилди:

- Дадаси-си-и!..
- Ота-а-а-а!..
- Отажон-н-н-и-мм!..

Ибн Муғанний таниди: аёли, ўғиллари, қизи ҳавотирланиб уни излашга тушган — зорланиб чақришаётган эди. Айниқса, қизчасининг овози юрак-бағрини тилиб юборди. Лекин шу топда Ибн Муғанний уйини

тарк этгани ва қор босган тепалик устига чиқишга куч топа олганига ҳайратланаётган эди, шу боис у аёли ва фарзандларининг зор қақшаб нола чекаётганига чалғимаслик умидида уйдан нари кетишга уринди — тўшигача қорга ботган айғирдек қорни суриб йўл очишга тушди, ҳаракат қилгани сайин танаси баттар ботаётганини кўриб қўлларини ёйди, олдинга интилди — пича силжиди, юз-кўзига ёпишган қорни кафти билан сидирди-да, яна янги куч-янги шиддат билан қор кечиб олдинга ташланди... у сукунат уммонига фарқ бўлгандек «тиқ» этган сас йўқлигидан, ҳатто, юраги орқасига тортиб кетди. Лоақал уйдагиларнинг ноласи ҳам эшитилмай қолди — ё улар тақдирга тан бериб жим бўлишди, ё Ибн Муғанний овоз етмайди-ган масофага узоқлашди, энди у қандай қилиб қорли тепа устига чиқиб қолгани ҳақида мулоҳаза юритишга тутинди. Шунда у тек турди дегунча оёғи, гавдаси лаҳза сайин қорга ботаётганини фаҳмлади — тирик-лайн кўмилмасликнинг бирдан-бир чораси тўхтовсиз интилиш, тинимсиз ҳаракат эканини англаб етди.

Афсуски, Ибн Муғанний гўдаклигидан қорни севар эди. У униб-улғайган ҳовлига жуда кўп қор ёғар, ёғаверар, ерга, дарахтлар шохига, девору томларга ёққан қор сира-сира эримас, аҳён-аҳёнда осмоннинг бир чеккасидан офтобнинг милт этиб мўралагани демаса, бу ҳовли осмонида қуёш чарақлаб нур сочмаганига эҳ-ҳе, аллақанча замонлар бўлган — қор қатлам-қатлам бўлиб тўшалаверганидан ҳовли лиммо-лим қорга тўлган, тўлгангина эмас, томларни, дарахт шохларини-да кўмиб ташлаган эди...

Қор тажовузига учраган шу ҳовлида ҳам бир замонлар тўю томошалар бўлган — Ибн Муғанний яхши ниятлар билан уйланган, бола-чақа орттирган. Тўйдан кейин кўп ўтмади, аввал онаси, сўнг отаси қазо қилди, шу икки айрилиқдан кейин яқин қариндош-уруғларнинг ҳам келди-кетдиси сийраклашди — ўша йиллардан чоғи, қиш куз ва баҳор мавсумларини забт эта бошлади: тинимсиз, тўхтовсиз ёғаётган қор одамлар кўзини очирмай қўйди. Кўпчилик табиатдаги бу адолатсизликнинг фарқига бормади, уни яхшиликка йўйганлар кўпчилик эди. Қор кўча-ю, ҳовлиларга

қўшиб одамларнинг орзу-умидларига ҳам чанг солиб ёғаверди, ёғаверди — ҳовлида оёқ босадиган жой қолмади. Пиравордида Ибн Муғаннийнинг оила аъзолари дарвозахонага олиб борадиган ёлғизоёқ йўлкадан ва алҳол ўзлари жон сақлаётган уй остонасидан ҳам оёқлари узилди. Қор уйга бостириб киргудай важоҳат билан дераза ойналарига ёпирилди — Ибн Муғанний бола-чақаси билан қор босган уйга қамалиб қолди.

Аҳвол ҳафта сайин, кун сайин таҳликали тус олаверди, қор уйни босиб-қисиб қовурға-синчларини қарсиллатиб мажақлаб юборгудай босиб келаверди. Ибн Муғаннийнинг аёли тоқати-тоқ: «Эркак кишисиз, ахир бундоқ ўғилларингизни ёнингизга олиб эшикни очиб ҳовлига чиқишга урининглар, жилла қурса кўчага йўл очинглар», деб хархаша бошлар, бунга сари Ибн Муғанний сўзсиз кулиб қўя қолар, аёли жаврайверса тутқиб кетар, шундайига ҳам ич-этини кемираётган аламдан пов этиб ёнар, «Э, жонингдан тўйганмисан?! Чикдинг, қор босади-қўяди!» деб захрини сочар эди... Гоҳида кенжатоий: «Отажон, нега уйимизга ҳеч ким кемайди?» дея отасининг ярасига туз сепеди, Ибн Муғанний бор гапни ўғлидан яширмайди — «Ҳамманинг ҳовлисини қор босган ўғлим, бошқалар ҳам ўзимиз сингари ўз уйида банди», дейди, дейди-ю тутқинлик алами жонидан ўтганида ҳовли этагидаги қазноқда қолиб кетган даста-даста курақларни армон билан эслайди. Болалигида, лоақал қор устма-уст ёғиши одат тусига кира бошлаган ўсмирлик кезлари курақларни пишиқ-пухталаб уйга келтириб эҳтиётламаганига кўп афсуслар чекар, эндиги пушаймонлари беҳудалигини англаб баттар ич-этини ерди... Ахир бир замонлар қор унинг жони-дили эди!..

Қор учқунлай бошладими, ҳовлидан бери келмас эди бола Муғанний! У «қор — оқлик», «қор — поклик» деган ҳикматларни дилига жо қилган, тушларида қор кўрса уйқудан беҳад қувониб уйғонар, ошиқиб-тошиқиб тушини онасига, момосига оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб берар эди. Момоси билан онаси «Яхшиликка бўлсин», деб қўя қолишар, бола Муғаннийнинг қорсеварлигини унинг болалик шўхликларига йўйишар эди.

У улғаяверди, бироқ қорға бўлган муҳаббати сира совимади, аксинча қор ёғиши Ибн Муғанний учун бемисл шодиёнага айланаверди... Паға-паға ёғаётган қорда тенгқурлари билан гурпаклашиш, янгигина тўшалган укпардек момик қор кўрпасида ўмбалок ошиш, эркаланиб-тантиқланиш энг масрур онлар эди унинг учун!.. Қорни суюб лабларига босиш, айланиб-ўрғилиш ўзига эриш туюлмас, ақл-идроки гўдакларча шодумонликлардан холи қолган кезлар кўнглининг аллақаерларида шубҳа-гумон кўз очар, шубҳа-гумон хавотир ва ҳадикка айланиб улгурмай: «Ҳаммаёқ, бутун дунё оқ либоста бурканса нимаси ёмон?» деб ўзини чалғитар — қорға бўлган болалик муҳаббати остига яна гулханлар ёқар эди...

Оила аъзолари учун на кун, на туннинг фарқи қолди — катталару болалар молихулиё кунларни бошдан кечираётган эдилар. Уларнинг ухлаётганини ҳам, уйроқдигини ҳам фарқлаб бўлмас, ҳаммалари шивирлаб, ҳатто, имо-ишора билан гаплашадиган бўлиб қолаётган, бундан хавотирга тушаётган Ибн Муғанний разм солиб кўрсаки, бу ҳам ҳолва — уйида гурунг, жавобмуомала қаҳатта учраётганини пайқади. У тўсатдан: «Гапирсаларинг-чи, нима, тилдан қоляпсанларми, ҳамманг!» дея бақириб-чақириб қолар, бурчак-бурчакда биқиниб, кўрпасига ўраниб тинимсиз нон кавшаётган ўғиллари, онасининг пинжидан чиқмайдиган қизи нима гап айтишни билмай ҳайрону лол бўлиб бўзрайиб ўтираверишарди. Шундагина Ибн Муғанний ўзи ҳам торабора камгап бўлиб бораётганини ўйлаб кўрса, кейинги икки-уч кунда уч-тўрт оғиздан ортиқ сўз айтмаганини эслаб қолар, ноилож, болалиқда кўрган-кечирганларини хотирлашга тушар, болалар тақрорланаверганидан ёд бўлиб кетган оталарининг ҳикоясини бетаъсир-бепарво тинглар эдилар.

«Ҳовлимиз бор эди, ости ям-яшил майсазор эди, — бошини ҳам қилганча сўзланарди Ибн Муғанний. — Кун бўйи ярим яланғоч, сарпойчан ҳовлидан бери келмасдик. Боғимизнинг этагида болохонали уйимиз бўларди...» — «Қанақа уй эди?» сўрайди ўғли. «Би-ир уй эди, э, кўрсанг!» деб қўзғалади Ибн Муғанний. Сўнг ширин хаёлга чўмиб, олис ва маъюс мусиқани ичида

хиргойи қилиб, беихтиёр тебрана бошлайди, узоқ тебранади, тебранаверади... Хотини, қизи, ўғиллари бир неча дафъа уйқуни олиб уйғонганида ҳам у ҳануз хотирдаги куй сеҳридан маст — дунёни, уй-жойини, ўзини-да унутиб ўтираверади, тебранаверади... Адоқсиз соғинч уқубати унинг хонанишин хаёлларини эндиликда совуқ қор остида қолган болохонали уй томон олиб қочади... Шундай дамларда унинг кўнгли қатларига қорга нисбатан илк нафрат уруғлари қадалгандек бўлар — бундай ўзгаришдан ҳайратланса-да, болалик муҳаббатидан кўра тотли соғинч, аламли кўмсаш уқубати устун чиқади — буларнинг бари Ибн Муғаннийни турёндан олиб, турён оташига ирғитади... Унинг тоқати-тоқ бўлгани устига қор ҳаддидан ошаверди — бўрон кўтариб, тўфон кўтариб ёғадиган одат чиқарди — қорли шамол уюрлари кунлар, ҳафталар, ойлар тиним билмас, дайди шамоллар олис ва етти ёт юртларга ёғажак қорларни учириб-кўчириб келиб, шу бор ҳовли устидан сочар, аёзли шамол гўё ўчакишгандек Муғаннийнинг етти пушти давру даврон сурган шу мўъжаз бор ҳовлини кўмиб, ер юзидан йўқотиб юборишга жаҳд қилгандек қор ёғаверар, ёғаверар, ёғаверар эди...

Бир сафар кичик ўғли: «Ота, қорни уяйлик, этакдаги уй томон йўл очайлик», деди, бу гапдан қувонганидан Ибн Муғанний азбаройи йиғлаб юбораёзди, фикр юритган, гап айтгани учун ўғлининг юз-кўзларидан ўпди, қўл-оёқларини лабларига босди, аммо лекин унинг ўзи кўп марталаб бундай мулоҳазага борган, зеро, ўғли айтганидай иш тутиш чуқур ҳовуз тубида туриб сувдан лаҳм қазишдек бесамар, мазмунсизлигини яхши ҳис қилган эди...

Ибн Муғанний тиззасигача ботиб кетган ўнг оёғини қордан суғуриб олиб олдинга интилганда чап оёғи сонига довуқ қорга ботди — у қулочини ёйди, акс ҳолда таги бўш, балки тубсиз қор қатлами уни комига тортиб кетиши ҳеч гап эмасди.

— Этакда бир уй китоб бўлгучи эди-я, дадаси, ўшаларни ташиб олмаганимизни қаранг-а, эссиз,— деб кўп афсусланди аёли. Хотини афсуслангани сайин Ибн Муғаннийнинг жони ўртанар, атай қилгандек болалари устига-уст саволга тутар эди:

— Китоб нима, ота?

— Китоб — ўқийдиган нарса... Боболаринг кў-ўп китобхон ўтган.

— Ўқиш нима, отажон? — деб кўярда-қўймай сўрайди қизи.

Ибн Муғанний ҳарчанд тушунтирмасин, китоб қан-дайин нарсалигини уқдиrolмай хуноби ортади.

Куллардан бир куни томдаги қор залвориданми, шифтнинг беш-олти тоқиси жойидан кўчиб тушди. Ибн Муғанний «Уй босиб қолади!» деган таҳликада тоқиларни апил-тапил йиғди, кўчган тоқиларни жойига ўрнаштиришга тутинди. Шунда пишиқ-пухта турган тоқилар орасида ям-яшил бахмал мато кўринди. Ибн Муғанний қизиқсиниб матони тортди, у не кўз билан кўрсаки, яшил матога китоб ўралган эди!.. Ибн Муғанний қувончдан эси оғиб қолаёзди, у шоша-пиша, айни чорда беҳад эҳтиётлик билан бахмал ўрамини очди — лаҳза ўтмай Ибн Муғаннийнинг тинимсиз қалтираётган кафтида қалин, сарғайиб титилган муқовали китобча пайдо бўлди!.. Ибн Муғаннийнинг кафти азбаройи қизиб кетди.

— Қутилдик!— деб ҳайқириб юборди нигоҳини шифтга қадаб у. —Халос бўламиз, халос!..

— Нима деяпсиз, дадаси? — Ҳайронланиб эрининг энгидан тортди хотини.

Ибн Муғанний саволни эшитмади, ўзини қўлга олишга қурби етмай, дағ-дағ қалтираганича аёли ва ўғил-қизларини қучиб ўла кетди. — Китоб!.. Мана шу — китоб! — деб кўзларидан оқаётган шашқатор ёшларини яширмади ҳам.

— Очинг, дадаси! Худо етказди, дадаси! — Энди аёли ҳам эридан кам ҳаяжонланмаётган, ниҳоят болаларига китоб кўрсатиш бахти насиб этганидан тўхтовсиз худога шукроналар ўқир эди.

Ибн Муғанний китобни очди-да, қалин муқова орасида бир жуфт хитойи саҳифадан бўлак ҳеч вақо йўқлигини кўриб дами ичига тушди. Афсусланганини сездирмай, китобни кўзига суртди, ўпди, сўнг ундан ёзув излади — неча замонлардан буён ёзув кўрмаган кўзлар басир бўлаёзган эди!— алҳол топди, «топдим», деди кўзларининг пахтасини ўйнатиб, «ёзуви бор!» деди



энтикиб ва гўё чумолининг изидек элас-элас кўринган ёзувни хижжалади:

— Куй... о-лам-ни... сел қи-ла-дур...

Ушбу тўрт оғиз калом битилган китобнинг топилиши Ибн Муғанний оиласида энг қувончли, унутилмас воқеага айланди. Уша кундан фарзандлари китобдан бош кўтармади, «Куй... оламини сел қиладур», деган ибора Ибн Муғаннийнинг қудуқдек тор ва лаҳаддек зимистон хонасига нур олиб келгандай бўлди.

Китоб топилгач, Ибн Муғаннийнинг хаёлига янги-янги ўйлар кела бошлади, у тўрт оғиз сўз мағзини чақмоққа кўп уринди, урингани сайин нималарнидир англагандек бўлар, бироқ нималарни англаётганини аниқ-тиниқ идрок этолмас эди...

У қорга ботиб кетмай олдинга силжиш машқини тезда ўзлаштирди, бунинг учун иложи борича тўхта-маслик, дам ёнбошига, дам қорга юзтубан узала тушиб бутун танаси билан қорни шиббалаб супача ясар, супача зичлангач унга оёқ тираб яна гавдасини олдинга ташлар ва шу тариқа силжиши илдамлашган — оппоқ қор ва изғирин совуқ салтанатига қарши ёлғиз курашаётган, фавқулодда юз берган ҳодиса унинг кучига куч, шиддатига шиддат қўшган эди...

Ибн Муғанний ухлаётган эдими, уйғоқми — иттифоқо «Чак!.. Трикк!..» этган садони эшитди. Ухлаётган бўлса — кўзини очди, хаёл сураётган бўлса — ҳушини йиғди, кўнгил кўзи очилди-ю ўй-шуури мубҳам умид муждасидан орзиқиб кетди!.. «Қаердадир сув томчилади!» деган ўй кечди хаёлидан. Ирғиб турди, бутун вужуди қулоққа айланди, «Эрувгарчилик!» деди энтикиб. Энтиқди-ю, мудрамасликка тиришди. Ахир у хавотирланганича бор — зумда мудраш, карахтлик комига тортдими, бас, қулоққа чалинган садо оҳангини унутиб қўйиши ҳеч гап эмасди. Шу боис атайин овоз чиқариб «Чак!.. Трикк!» дея такрорлади... Алақанча замонлардан бери мудраб юрадиган, мудраб ухлайдиган, мудраб овқатланадиган, ҳатто, оила аъзолари билан камдан-кам гурунгда берилиб кетган дамларда ҳам мудроқ босадиган одамга айланиб қолганди. Мудраб юраверса, сув томчисининг садосини илғамай қолса нима бўларди!..

Ибн Муғанний ҳарсиллаб, пишқириб биноларни, дов-дарахтларни кўмиб юборган қор билан олишаётиб осмонга қаради... «Чак!.. Трикк!..» деган садода офтобнинг чарақлаган жамолини кўргандек бўлди... Мана, қор тепаликларига чиқиб олгач, заъфарон, бир текис туссиз осмондан қуёш нуруни излади... мўйлабига ёпишган қор музга айланганини кўрди...

У боғ ҳовлининг сарҳадларини чамалади, лекин ўзи билган дарахтлар, девору иморатлар қор остида қолиб кетган, аксига олиб энди ўзи чиқиб келган уй ҳам мўлжалдан йўқолган, шу тобда Ибн Муғанний тўхтамай, фақат ва фақат олдинга интилишга маҳкум эди. У бояги-бояги — қорни кафтлари, тўши, тиззалари билан шиббалаб, сўнг унга оёқ тираб олдинга талпинаверди, ҳар сафар машаққат-ла ясаган супани ортада қолдириб қулочкашлаб илгарилагани сайин саботига сабот кўшилаверди. Баъзан минг уқубат эвазига шиббалаган супачаси оёқ қўяр-қўймас таги бўшлиги боис чўкиб-ўпирилиб кетар, шунда Ибн Муғанний турган жойида тиккасига қорга фарқ бўлар, қулочини ёйиб қорга тармашар, баъзан оёғи музлаган қор қатламига тирғалиб жон сақлар эди...

Ибн Муғанний осмонга аланглаб куннинг қай маҳал эканини, ҳовли этагидаги уйга довур яна қанча йўл босиши зарурлигини чамалай олмади. У фақат қувваи ҳофизасига ишонаётган, ботиний бир даъват измида ҳаракатдан тўхтамаётган, тўхтамагани сайин дам-бадам баданидан кўтарилаётган қуюқ ҳовурни кутатганча «Куй оламини сел қиладур»ни ҳам дилида, ҳам тилида такрорлар эди...

— Этақдаги уйда саноксиз соз қолди-я!.. Чордоқда қатор-қатор илинган созларни айтмайсизми!..

Хотини ҳақ — Ибн Муғаннийни болалиқда, ўсмирликда гафлат босди, у на созларнинг, на-да ота-бобоси ўтган этақдаги уйнинг қадрига етди, мана, энди... Ибн Муғанний чўчиб кўз очди — очди-ю, қор узра беҳол чўзилган кафтига қуш қўнганини кўрди. «Каклик, жонивор...» деди Ибн Муғанний беҳол жилмайиб. Каклик ундан чўчимади, билагига қўнганча мошдай митти кўзини милтиратиб аланглади. Қип-қизил офзини аста очди, Ибн Муғанний шундагина қорда

«ётган» кафти, бармоқлари какликнинг тумшугидан баттар қизариб кетганини кўрди. Ўзидан уч-тўрт қулоч нарида қорга ботган бир неча какликнинг ожиз ғимирлаганига кўзи тушди... кафти жазиллаб ачишди... Ибн Муғанний кўлини тортиб олди — каклик «дўп» этиб қорга тушди, Ибн Муғанний шаҳодат бармоғининг этили ёстиқчасида қон талашганини кўрди. «Чўқиди», деди ўзича шивирлаб, қушчага ачинди... Тўхтаб туриши мумкин эмаслигини эслаб олдинга интилди. Бир зум тўхтагани учун аъзои бадани совий бошлаганини, совуқни сезмай қўйган кафти, билаклари ачишаётганини, этининг қўнжи орасига тушган қор тўпирини, бармоқларини музлатаётганини пайқади...

Ибн Муғанний нечун бундайин машаққатли йўлга отлангани боисини ўйлаб кўрмади, этакдаги уйга етиб бориш насиб этган тақдирда ҳам у ерда қандайин тадбири амал муддаосини дилига тутди — ҳисобини олгани йўқ, у фақат йўлга отланган, қор босган боло-хонали уйни топиш, етиб бориш унинг бирдан-бир маслағига айланган эди!..

У сатҳи шапалоқча келадиган навбатдаги қор супачага оёқ қўйиб силтов беришга чорланди-ю, кўлини қулочкашлаганича мункиб кетди— мўлжалдан хийла берига башараси билан тушди, ён-веригади какликлар ҳуркидию, ҳавога кўтарилишга мажоли етмади. Ибн Муғанний ёнбошига узала тушиб қорга ботган какликни авайлаб кафтига олди — қушни силамоқчи, унинг қанотларига ёпишган қорни сидирмоқчи эди, каклик бир парча палёндек қорга қиялаб тушди. Ибн Муғанний ачиниб бошини сарак-сарак тебратди — «тарракдек қотибди», деди... юрагига ваҳм оралади. Шундагина у совуқдан, очликдан қотиб ўлаётган қушлар, совуқни ҳам сезмай қўйган кўли, оёғи, жазиллаб ачишаётган бели ҳақида ортиқча қайғуриш мумкин эмаслигини англаб етди — унинг олдинга интилишдан бўлак чораси йўқ эди... У янада шиддат ва жаҳд билан қорни шиббалайверди, оёқ остига супача ясайверди, унга оёқ тираб қулоч-бақулоч олдинга интилаверди — шафқатсиз-ҳиссиз, совуқдан-совуқ қорни кўкси, серсоқол башараси билан ёриб ўтаверди... Қор ёра бошлади. Ибн Муғанний алаמידан лабини тишлади, ғуд-

раниб, бўғилиб қорни, совуқни... иложсизликни сўқди. Сўка-сўка ҳолдан тойди, чалқанча ётиб қор элаётган бераҳм осмоннинг туб-тубини кузаттиси келди... Қор учқунлаб, сўнг паға-паға ёрса, лайлак қор ёрса, ётаверса... Ибн Муғанний ётаверса... Қимир этмай қорнинг унсиз ёғишидаги мусиқа оҳангига маст бўлса... баданидан ҳарорат кўтарилса... музласа... музлайверса... бошига, бетига, соқол-мўйлабига қўнаётган қор секин-аста, секин-аста уни оқ чойшабга ўраса...

— Чак!.. Трикк!.. Чакк!.. Трикк-к!..

Ибн Муғанний чўчиб кўзини очди, у ўзини йўлга чорлаган садони аниқ-тиниқ эшитди, юраги қаттиқ ҳаприқди, ҳушини йиғар-йиғмас оёқ-қўллари ҳаракатта тушди... Кимдир тепалик ортидан бир ҳовуч кесак ирғитгандек бўлди — Ибн Муғаннийнинг атрофига беш-олти парранда отилиб тушиб, қорни тўзғитиб питирлаб қолди. Ибн Муғанний беҳад толиққанидан юмилиб кетаётган мижжаларини базўр очиб қаради — патлари ялтироқ ёввойи ўрдакни кўрди. Чиройли, калта бўйнини қордан базўр чўзиб кўтариб ётган ўрдак бошига қор учқунлагани сайин кўзи юмилиб кетар, ўзи эса нажот кутгандай эшитилар-эшитилмас чийилларди... Ибн Муғанний ўз бошига ётаётган қорни «кураш» билан овора, жиндек ҳаракатсиз ётса анови каклик ва ўрдакнинг ҳолига тушишини билганидан тахтадек қотган, энди ачишаётгани ҳам сезилмай қўйган, фақат дам-бадам оғриқ зўраяётган билаги, кафти, шапалоғи билан қорни кучиб шиббалаб олдинга интилади...

Қош қорая бошладими ёхуд Ибн Муғаннийнинг кўзи тиндимми ҳар қалай чексиз қор салтанатининг туси хира тортди, энди унга авра-астарига жун қоплаган калта камзули оғирлик қила бошлади — шу заҳоти у керакли тошнинг оғирлигидан воз кечди... «Яхшики, тўнғич ўғлимни бирга олиб чиқмаганим, — деб мулоҳазаланди Ибн Муғанний. — Унга чалғисам йўлим унмас эди. Кейин, у бундай машаққатга дош бера олармиди?..»

Ибн Муғанний яна хаёлга толаётганидан норози-ланди, ўй ўйламасликка — на паррандаларга, на-да хаёлларига чалғимасликка аҳд қилди. Фақат камзули-

ни улоқтираётиб кўп куч сарфлаб юборгани чакки бўлди — кўл силташи ҳамано бир оёғи ўрага тушгандек пастга тортиб кетди. «Жушёр!» деб ҳайқириб юборди қор бўғзига етганда, оёғи қаттиқ қатламга тегди — «Муз!» деди. «Ҳайрият, энди хавотир йўқ», деб ўзини юпантирди... Оёғини авайлаб суғурди. Мушкули бунчалик осон кўчганига ишонмай севиндию, оёғидаги этик «ўра»да қолиб кетганини сезди... «Этиқдан айрилдим...» Юрагини ваҳм босди, ваҳм босса-да, ўзига тасалли берди. «Этиксиз бўлса этиксиз-да!» деб оёғининг қалтироғини босишга уринди — елкаларидан, кўксидан кўтарилаётган ҳовур қош қораяётгани боис кўринмай қолаётганини пайқади. Унинг тепасида қарғалар чарх уриб айланаётган эди, ғайришуурий бир кайфиятда қарғаларнинг тинимсиз қағиллашига кулоқ осди, уларнинг чарх уриб учаётгани ва безовта нола-сида ўзига даҳлдор бир безовталиқни туйди... «Куй оламни сел қиладур... Куй оламни... куй садоси...»

Ибн Муғанний баданининг тафти ва оғзидан пуркалаётган ҳовур билан тор-тор уюлган ва устига ҳамон ёраётган қорни эритишга ва шу билан қадимий бор ҳовлида эрувгарчилик мавсумини бошлаб юборишга қасд қилган, бутун сайъ-ҳаракатида шунга ишонган эди...

Камзулининг баҳридан ўтгач, у анча енгил тортди. Кўйлагининг ёқасидан, этагининг остидан қор ичларига кирди, энди у яланғоч сувдан тоймас қабилида қорга беланишини, совуққотишини ўйламай бор бўйи билан судралаверди. Қизиқ устида у иккинчи пой этигини ҳам ечиб улоқтирмоқчи эди — инқиллаб-синқиллаб уринди — оёғи шишганидан ечолмади... сўл оёғи йўқдек, унда на оғриқ, на жон аломатини сезди, гўё этикнинг ўзи унинг амрига бўйсунаеттандек-шиббаланган супа-чага тиралиб олдинга ташланишда асқотди. Қўллар бегона, оёқлар бегона, кимсасиз қор водийси, дўнгликлар бегона... қор эмас, ажал ёраёттандек, ажал учқунлари жажжи қанотли капалаклардек учиб-буралиб Ибн Муғаннийни кўмиб юбормоқ қасдида забтига олиб ёғар, унинг кўз ўнги қоронғилашган... оғзидан, катаклари керилган бурнидан пуркалаётган дуд-бўрон ҳам бегона... фақат силжиш, бир жойда туриб қолмаслик, қан-

доқ бўлмасин болохонали уй сари илгарилаш истаги унинг ёлғиз ҳамроҳи, дарди-қувончи эди...

Туйқус ўнг оёғининг болдири тив урилгандек ачишди. Тиззасига довур қорга ботган яланг оёғини суғуриб олиб қаради — болдиридан қон оқаётган эди. Оёғини суғуриб олган «қувур» ичига қаради — муз қоплаган, совуқ урган жимжилоқдек дарахт навдасини кўрди. «Богимиз хароб бўлди», деди Ибн Муғанний навдани тутиб... уни тортди, силтади... Қаёқда!.. Кафти зирқиради, ловулаб ачишди... Куч билан тортганидан кўз ўнгиде осмону қор қоплаган замин чирпирак бўлиб айланди... Ибн Муғанний жони ором олгандек узала тушиб, оёқ-қўларини ўз холига ташлади... Изғирин шамол аралаш буралаб ёғаётган қор баданига роҳат бағишлаётгандек, уни эркалаётгандек туюлди... билегига азбаройи найза санчилди — жони озор чекди, кўзи чарақлаб очилди... Қорга мук тушиб ётган экан — қаттиқ пишқирдимми, аксирдимми — қор тўзғиб кетди!.. Фира-шира дарпарда ортида бир жуфт ола қарға кўринди. Уларнинг бири иккинчисининг тумшугидаги хўракка тумшук солди, талашиб-тортиша кетди. Ибн Муғанний билегидан қуюқ қон сизилиб оқаётганини кўрди, аҳволни фаҳмлаб улгурмай, хўраксиз қолган қарға унинг билегига човут солди — қаттиқ чўқиди! Ибн Муғанний оғриқнинг зўридан инграб юборди, тишларини фижирлатиб типирчилади — типирчиллагани сайин бутун гавдаси билан қорни эзиб, фарқ бўла бораётганини сизди...

Ола қарға, қора қарғалар кўпайди. Улар тамом ҳолдан тойган, чалажон одам тепасида мазахўрак бўлиб чарх уриб айлана бошлади. Ибн Муғанний уйдан чиқаётиб таёқми, темирми — сўйил олмаганига афсусланди, боши узра айланишаётган, елкасига, сочига дамо-дам тумшук уриб ўтаётган қарғаларни совуқдан қора таёққа айланган қўллари билан ҳайдашга уринди... Оёғини пухта қўйишга қулай жой истади — оёғи билан қор остида пайпасланиб музли қатлам қидирди, шу пайт яланг бармоқлари силтаб тортиди, тивли нарса суягига қадар суқилгандек бўлди... Ибн Муғанний оёғини тилган муз парчасини кўчириш мақсадида кифтигача қўл суқди, музни топди, «яқинлашган қарғани

мажақлайман!» деган ниятда қўлига илинган муз парчасини зўр бериб торти — муз у ўйлаганидан кўра осонгина кўчди, кўчди-ю, Ибн Муғанний қўлида одамнинг бош чаноғи пайдо бўлди...

Агар у ҳу-у боя — уйдан чиққанида, лоақал хийла илғари эс-ҳуши ўзида эканида қўлида бош суяги пайдо бўлса эҳтимол капалаги учиб кетарди, лекин энди — тамом ҳолдан тойган вақт уни кўрқиш, жирканиш, ҳаяжонланиш туйғулари тарк этганди. Шу боис у ўта совуққонлик билан бош чаноғини боши узра гир-гир айлантириб турди-да, қарғалар галаси човут солишини мўлжалга олиб уларга қарата отди!.. Қарғалар тўзиб кетди. Пайтдан фойдаланган Ибн Муғанний олдинга талпинди... Унинг бадани совуди, мадорсиёланди... хаёлларининг овлоқ бурчагида эрувгарчиликнинг митти даракчиси янглиф «Чак!.. Трикк!..» этган садо ҳамон қулоғи остида жаранглаб турар — уни ўлимдан сақлаётган жиндек жонию, шгу ҳаётбахш садо оҳанги эди...

«Етдим!.. Етдим!.. Етаман... Болохона томига етаман!.. Уйга кираман... Ўлиб қолмайман!.. Ўлмай... Ўлмасам бас!.. Қорни уйиб, ўпириб чордоққа тушаман... уйга, иссиқ уйга кираман... уйнинг қайноқ оғушига жоним, жоним... жони-имм...»

Ибн Муғанний миясига тушган қаттиқ зарбдан қаловланиб кетди, кўзларида ўт чақнади. Чиппа ёпишган киприкларини минг уқубатда йириб очди, очди-ю, ўнг кўзи очилмаганини, очилмади эмас, чидаб бўлмас даражада оғриётганини пайқади. Лабини тишлади — соқолининг орасига илиқ қон югурди... Қўлини мушт қилиб тугмоқчи эди, тахтадек қотган кафти қарсиллаб сингандек бўлди, муштини беҳол, жон азобида ҳаволатди... Саноқсиз қарғалар қорни тўзғитиб, унинг кўзини хомталаш қилаётган эди... Ибн Муғанний сўл кафти билан соғ кўзини тўсди, тўса туриб бош суягини излади, аланглади, пайпасланди — тополмади... Базўр нафас олиб, ҳаракатдан тўхтади... Қулоғига «кирт-кирт-кирт»лаган ёқимсиз товуш чалинди, болалигида эшитган арра товушини эслади. «Кирт-кирт-кирт...» Арра нағмасидан бошқачароқ эди бу... киртиллаверди, киртиллаган сайин оёғида даҳшатли оғриқ турди... Ибн

Муғанний белигача қорға ботган күйи чидаб бўлмас оғриқ азобидан оёғини тортиди, болдирини биров ом- бурда қисиб бурагандай бўлди, Ибн Муғаннийнинг жони кўзига кўринди, ёввойи бир ўкирик келди бўтзи- га — гавдасини ёнбошига ташлаганча жон аччиғида силтов билан оёғини қор остидан тортиб чиқарди, чи- қарди-ю... болдирини очофатлик билан ражиётган қоп-қора, мушқудай бесўнақай каламуш «лип» этиб сакраб кўздан ғойиб бўлди... Ибн Муғанний қорға чал- қанча ётганча оёғини тепага кўтарди, кўтарди-ю, бар- моқлари кемирилганини, болдири, сон гўшти ўйилиб кетганини, қор ёпишган қонталаш этлари титилиб кет- ганини кўрди... Оёғидан шариллаб оқаётган қайноқ қон қорни эритаётган эди... Қон тафтига дош берол- маган қор эриб, сатҳи чўкаверди... Ҳушдан кетаётган Ибн Муғанний хомталаш оёғига, азобда қолган жони- га ачинмади, «майли», деди — ингради, «розиман», деди — ингранди, уйга етиб олсам бас... бобомдан қол- ган созларга қўл чўзсам... чак!.. трикк!.. оламини сел қила-дур... бу сас... Ибн Муғаннийнинг елкаси қаттиқ нарсага тегар-тегмас мўъжаз эшик беўхшов ғичирлаб очилиб кетди, у ўзини тутиб қололмади — ёнбошла- ганча чордоқ ичига кулади... Қор бостан водийга кўҳна соз ноласи таралди... Дунёни сел қилгувчи бу нолани Ибн Муғанний эшитдими-йўқми — ёлғиз Аллоҳга аён эди...

1990 йил.

## ОТАМНИНГ ОШНАСИ

Отам футболга қизиқмайди, шунинг учун ошнаси кечикаётганига парво қилмай кўприк панжарасига бе- малол суяниб турибди. Мен эса гурра-гурра стадион томон ошиқаётган ишқибозлар оқимини кўриб ичим таталаб кетяпти. Анҳорга қарайман — тўлиб оқаётган ўйноқи сув ҳам футбол томошасига шошаётгандек. Отамдан рухсат тегса жоним борича стадион томон югураман-а!..

Йўқ, отамнинг ошнаси билан шу ерда учрашишга келишилган, кутишимиз керак.



— Кемай қолсалар-чи? — деб хавотирда отамнинг бетига қарадим.

— Келади, — деди отам, — сўзида туради. Катта одам-да, иши бошидан ошиб ётибди...

Кеча эрталаб равонда, хонтахта атрофида нонушта қилиб ўтирганимизда ҳам отам шундай деган эди:

— Иши бошидан ошиб ётибди, бир кеча ётади-ю, индин жўнаб кетади.

Онам индамай бош ирғади-қўйди. Бобом гап ким ҳақида бораётганини тусмолаб сезди шекили, отамдан сўради:

— Қайси ўртоғинг келармиш?

— Чўлдаги-чи, каттакон бўп кетган. Ўша.

— Райўнни каттасими? — астойдил қизиқиб суриштира бошлади бобом.

— Жудаям каттасимас... катталаридан бири.

Отамнинг совуққон жавоби бобомни қониқтирмади.

— Манавиңда кўрсатадими, катталиги шу-да! — деди бобом ўдарайлагудай зарда аралаш, телеойнага ишора қилиб. — Қайси куни кўрдим, жа-а бийрон!

Бобом чордона қуриб ўтирганича нон кавшаётган отамнинг жуссасига бир қур назар ташлади, илова қилди:

— Сенга иккита келади-ёв?!

Отамга иккита келадиган одамни ярим соатдан бери кутавериш хит бўлиб кетдим. Футболчилар майдонга чиқиб чигилёзди машғулоти бошланишига, ундан дарак йўқ.

Отамга мўлтираб қарадим. «Ишқилиб, оғайниси келсин-да!» Кемай қолса борми, «Футболнингга тоқатим йўқ, уйга кетдик», деб қолишдан ҳам тоймайди, отам. Ўзи нима жин уриб футболдан гап очилди-я!..

Катта одамнинг ҳурмати катта бўлар экан. Онам, холам кун бўйи ошхонадан чиқишмади. Алланеча хил таому ширин нонлар пиширишди. Оқшом, гира-ширада «Келишди!» деган хабар эшитилди-ю, ҳовлида, уйда, йўлақда шивир-шивир, югур-югур бошланди. Менинг пешанамга битилган вазифа — меҳмоннинг қўлига сув қуйиш.

Гулзор чеккасига бориб обдастани икки қўллаб

кўтарганча турган жойимдан йўлакни кузатдим. Оқ кўйлакли, ёқавайрон бадалоқ киши икки қўлида катта-катта тарвуз қўлтиқлаб кирди. Физиллаб изига қайтди. Зум ўтмай иккита узун-узун қовун кўтариб, яна йўлақда пайдо бўлди.

— Анграйма! — шивирлаб дағдага қилди бобом. — Ўнг қўллаб қуйгин!..

Кўча томондан эшитилаётган гўнғир-гўнғирнинг ваҳимасидан ҳовлимизга бир автобус катта одамлар меҳмон бўлиб қаторлашиб кириб келадигандек туюлди. Катта одамнинг ҳамроҳлари ҳам катталар бўлади-да!.. Қўлларим титрай бошлади.

Бобом йўлакка ўтди, дарвозага етмай изига қайтди. Мен томон яқинлашди.

— Шалдиратмай қуй!..

Бобомнинг саросима аралаш ҳаяжони менга кўчиб, тиззаларимга қалтироқ югурди. Қўрққанга қўш кўринар деганларидек, сув қуяман деб обдастани энгаштирсам, қопқоғи «шара-аққ!» этиб меҳмоннинг кафтига тушса, отамга иккита келадиган одам бўлса, у!..

Доимий вазифамни насиё қилиб, жуфтакни ростлаб қолишни мўлжалладим. Улгурмадим. Йўлақда отам, отамнинг ёнида меҳмон кўринди. Назаримда йўлак ёришиб кетди. Аскарчасига воз қотган бобом меҳмонга пешвоз юрди.

— Э-э-э! Ас-саломалайкум!

Катта меҳмоннинг товуши кенгина йўлагимизга сизмай, ошиб-тошиб ҳовлига ёйилди. Меҳмон бобом билан қўш қўллаб кўришди. Кўришаётиб, юзи туйқус ёришди. Тиззамнинг қалтироғи босилди. Зум ўтмай меҳмоннинг чехраси қандай тўсатдан ёришган бўлса шундайига кўққисдан тундлашди.

— Хуш кебсизлар! — Бобом шундай деб яна келувчилар бор деган ўйда дарвозанинг очиқ тавақасидан кўча томон кўз ташлади. — Нега меҳмонлар киришмаяпти?

— Узрлари бор экан, — деди отам бобомга, — шунча қилдик, кўнишмади. Рухсат бердик. Майли, ўзимиз ёйилиб гурунглашамиз.

Басавлат меҳмон отамнинг гапларига эътибор қилмади. Рўпарамга келиб, қўлини ҳовучлаб ювишга чор-

ланди ҳамки, бир оғиз сўз қотиш у ёқда турсин, мени кўрмади ҳам.

Меҳмоннинг хаёли жойида эмасди...

Мен баттар довдирадим. Айтдим-ку, уйимизга келган меҳмоннинг қўлига сув қўйишни доим менга топширишади. Бобом ўргатгани-ўргатган: энкайиброқ тур, обдастани икки қўлаб тут, сувни оширмай-тоширмай, сачратмай уч марта қуй — бутун бошли мактаб! Яна, чиройим очилиб туриши шарт, обдастанинг қопқоғи тушиб кетишидан-ку, худонинг ўзгинаси ас-расин!..

Одамларнинг ҳовуч тутиши ҳам бир-бирига ўхшамайди. Икки кафтини устма-уст қилиб тутадиганлар бор, кафтларини жуфтлаб ҳовуч очадиганлар бор. Баъзан ҳовучи тезроқ тўлақолсин деган ўйда обдастани кўпроқ энгаштираман, шунда қопқоғи тушиб кетай дейди...

Кафтлар-ку, сира бири-бирига ўхшамайди. Бировнинг бармоғи семиз, бировиники ориқ. Кафтига икки ош қошиқча сув кетадиганлар бор, ҳар кафтига бир коса сув оладиганларни ҳам кўрганман... Бир хиллари-чи... кал-катта одам кафтида сувни тутиб туролмайди, нима бало, кафти тешикми дейман... Бир тоифа одамларнинг кафтидаги чизиклар кўзга яққол ташланади, бир хиллариникини фарқлаш қийин. Кафтини гўдда-гўдда қадоқ босган меҳмонлар ҳам келишган, бундайлар қўлини кун бўйи ювса ҳам тоза бўлмайди, йўғ-е, оқармайди.

Хуллас, меҳмоннинг ҳовучига сув қўятуриб, унинг чап бошмалдоғи ёстиқчасидаги эски, лекин чуқур тиг изига кўзим тушди. Меҳмон уни ювиб ташламоқчи бўлди шекилли, кафтларини қаттиқ-қаттиқ ишқади. Яра ўрнидан қон қочиб оқариб кетди, зум ўтмай тиг изи янгигина кесилгандек қонталашди. Катта одамнинг бармоғи қаерда шунчалик чуқур кесилиши мумкинлигига ақлим етмади.

Меҳмоннинг хаёлчанлиги менга юқдими, унга қай алфозда сув қўйдим, салом бердимми-йўқми — эслай олмадим.

Отамнинг ошнаси қўлини сочиққа артатуриб, секин уф тортди.

Хар қандай меҳмон кўлига сув қуйганимда, раҳмат дейди, катта йигит бўлинг, деб дуо қилади. Бу эса... бобом, отам жим. Чунки меҳмон жим.

Ниҳоят, меҳмон атрофдагиларни махтал қилиб қўйганини сезди, лекин бундан хижолат чекмади — вазминликни бой бермай сочиқни менинг кифтимга ташлади. Шу пайт хушёр тортди шекилли, бирдан тилга кирди:

— Ўрилчани уйлайдиган бўлпиз-да?!

— Жиндай бор ҳали, — деди отам жилмайиб.

— Пидвол тепишдан бўшасин, уйлантирамиз.

Бобомнинг гапи ўзига нашъа қилди, овоз чиқариб кулди. Отам бобомга жўр бўлди. Бобомнинг гапи меҳмоннинг қулоғига кирмади, тўғриси, у эшитмаганга олди. Индамай, зина томон юрди.

Сипо одам шунақа бўлса керак-да! Бўлар-бўлмасга тиржаявермайди, енгил-елпи мутойибага хахолаб кулавермайди.

Топдим, футболдан дастлаб бобом сўз очган экан. Отамнинг ошнаси, «Ў-ў, футболчими, ўғлинг?» деб сўраб-суриштиришга тушади деб кутгандим, қаёқда! — «чурқ» этмади, отамнинг изидан равонга кирди, отам меҳмонхона эшигини ланг очди, меҳмон эса равон ўртасидаги хонтахтани кўриб, кўпдан буён истаб етишолмай юрган нарсага кўзи тушган одамдек таққа тўхтади.

— Шетта ўтирамиз, — деди дўриллаб.

Бобом билан отам кўярда-қўймай меҳмонни ичкарига таклиф қилишди. Меҳмон қаққайиб тураверди.

— Уят бўлади-я, болам! Ичкарида жой тайёр.

Меҳмон биринчи марта кўраётгандек бобомга серрайиб қаради, «Нималар деяпсиз», деган оҳангда лабининг бурчаккинасида сезилар-сезилмас илжайди ва ушалмаган орзусига зришган одамдек севиниб тилга кирди:

— Би-ир чордона қуриб ўтирайлик!..

Меҳмоннинг раъйини қайтариб бўлмади. Эрталабдан буён зир югуриб кўрилган ҳозирликлар — меҳмонхонадаги столни кенгайттирганимиз, қўшникидан янги стуллар ташиб чиққанимиз, топган-тутганимизни дастурхонга тиқиштирганимиз — ҳаммаси меҳмоннинг бир хоҳишига дош беролмади.

Онам, онамнинг изидан мен ичкари хонага югурдик, тахмондаги меҳмонкўрпачаларни ағдардик. Мен равонга ташидим, онам хижолат бўлиб, шошиб хонтахтани гир айлангириб тўшади. Мен бир бурчақда қисилиб-қимтиниб туриб қолдим.

Бобом меҳмонни кўрпачага таклиф қилди. У жойлашиб ўтириш ҳаракатида энгашиб мушти билан хонтахтага таянди, шунда қип-қизил гулдор бўйинбори дастурхон устига тўлганиб осилиб тушди. Бўйинбор чироқ нурида шишадай ялтираб, кўзимни қамаштирди. Меҳмонга тақдослаганда отам жудаям жўн, ҳатто, ожиз одамдек кўриниб кетди кўзимга.

Кўприк устида турибмизу, бир кун бурун шу хаёлга борганимни эслаб, отамни қайта бош-оёқ кузатдим. Отам ҳар нарсага қизиқавермайди, қизиқса-да, ҳаяжонини ортиқча сездирмайди. Бирга ўқиган ошнаси шундай катта одам бўлиб кетганига ҳавас қилмагани-чи!.. Ёки, ҳавас қилармикан?.. Панжарага суянганча шуни ўйлаётгандир, ҳойнаҳой?..

Кўнглимга келган саволни ёрилиб отамга айтолмадим. Аслида кеча меҳмон билан очилиб-яйраб гурунглашиб ўтиришмагани сабабини суриштирмоқчи эдим, унга ҳам юрагим бетламади.

Онам кўрпача тўшагунича, сўнг меҳмонхонадаги тайёр дастурхонни равондаги хонтахтага кўчиргунига қадар ҳеч кимдан садо чиқмади. Ўша жимликда бурчақда қисиниб турган кўйи чордона қуриб ўтирган меҳмоннинг қордай оппоқ пайпоғига кўзим тушди. Кўзим тушди-ю... «Шунчалик савлатли, овози дўриллаган одамнинг оёғи шунча қадар кичкина бўладими?!» Ҳайрон қолдим.

Онам ҳовлига чиққанини сезмабман, орага чўккан ўнғайсиз сукунатни меҳмоннинг ўзи бузди.

— Пудвол тепади денг?..

У нимадан сўз очганини дабдурустдан бобом ҳам, отам ҳам тушунишмади, пича фурсатдан сўнггина меҳмон бобомнинг ҳовлида айтган гапини давом эттираётгани ёдга тушди.

— Ҳа-ҳа, шундай, — деди бобом, шошиб, — фикри-хаёли пидвол. Тўпқувардан бери кемайди.

Бобом «футбол» сўзини тўғри талаффуз қилолмас-

лигини у кишининг кексалиги ё бўлмаса бу варойиб ўйинни ўлғудай ёқтирмаслигига йўйиб юрар эдим. Меҳмоннинг «пудвол» деганини эшитиб, ичимда мириқиб кулдим.

— Айтмоқчи, «Пахтакор» ҳалиям борми? Ўйнаётими? — сўради меҳмон. Сўрай туриб, ҳарсилладими ё яна «уф» тортдими — сезмай қолдим.

Бобом овоз чиқармай енгил кулди.

— «Пахтакор»ини билмасам...

Бобом саволга жавоб беролмаганидан менга жон кирди.

— «Пахтакор» энди жонланаяпти. Ўзбекистон — зўр! Эртага ўйнайди!..

Ўзи футболдан сўз очиб, ўзи савол берган меҳмоннинг бирдан афти тундлашди, шунақаям жиддий тортдики, гапим бўғзимда қолди. Нафасимни ичимга ютдим. Отам жонимга оро кирди.

— Амакинг ашаддий ишқибозлардан!

Отам ниманидир эслаб шундай деди-ю, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Меҳмон булут орасидан «йилт» этган қуёшдай бир лаҳзагина жилмайди-ю, яна жиддий тортди. Бош ирғаб, отамнинг гапини тасдиқлади.

Меҳмоннинг бу қадар жиддийлигига, камгаплигига ҳайрон қолдим. «Каттакон одамлар шунақа бўлади-да», деган хулоса чиқардим. Ҳавасим келдики!.. «Мен ҳам бекордан-бекорга вайсамайман, тишимнинг оқини кўрсатиб тиржаявермайман!.. Сипо одам ўзини қандай тутуши зарурлигини яхшилаб ўрганиш ниятида ҳар сафар равонга чой киритиб ёки ликопча-косаларни йиғиб олаётганимда меҳмонни зимдан кузатдим.

Бобом ҳовлига чикди, ошхонага яқин келганида онам ичкаридан шивирлаб, сўради:

— Яхши ўтиришибдими?..

Бобом «ҳа» деган маънода бош ирғади, равон томонга орқа ўтириб туриб, онамга нимадир деди. Кулоғимга, «тилини ютворганми...» дегани чалинди, хос... Чиндан ҳам, меҳмон ёстиққа ярим ёнбошлаган кўйи телеойнадан кўзини узмай тек қотиб ўтираверди. Томошалар унга маъқул келяптими, уларга қизиқ-яптими, бефарқми, билиб бўлмайди. Отам билан очи-

либ-яйраб хангома қилишганини ҳам ё бўлмаса эски кадрдонлардек сирлашиб-ҳасратлашиб гурунг қуришганини ҳам сезмадим. Фақат у дамо-дам, «Яхши-и-и» деб чўзиб пишилар, нимани маъқуллаётганини отам ҳам фарқига бормаётган эди. Назаримда, меҳмоннинг ичига керагидан ортиқ ҳаво йиғилиб қолаётгану, шундай деб ўша ҳавони ҳайдаётгандек эди.

Равонга неча марта кириб чиққанамга қарамай меҳмон қайтиб бирон дафъа менга эътибор қилмади.

Стадион томон ошиқаётган ишқибозлар оқими анча сийраклашди, «учрашув бошланиб кетди» деган хаёлда бақириб юборгудекману, кечадан буён билгим келаётган нарсани отамдан сўрадим:

— Ада, меҳмон жудаям кам гапирар экан-а?

— Илгари жа-а сергап эди.

— Қандай қилиб камгап бўлиб қолади, одам?

— Иш, ташвиши кўпайса...

— Оғайнизиям ташвиши кўпми?!

Сўрадиму, саволим ёқмади деган ўйда отамнинг кўзига жавдирадим, отам аввалига энсаси қотгандек кўринди ва бирдан чиройи очилди.

— Ана, амакигни ўзидан сўрай қол.

Отам гапини тугатиб улгурмай биз томон яқинлашаётган меҳмоннинг таниш гавдасига кўзим тушди. Суюнганимдан саволаримни унутиб, турган жойимда ирғишлай бошладим.

Меҳмон аввал отам билан, сўнг мен билан қўл олишиб кўришди. Аҳдлашилган вақтдан хийла ҳаяллагани учун узр сўрайди, деб ўйлагандим, йўқ, сўрамади. Учовимиз индамай, ҳатто, қадамимизни жадаллатмай учрашувга кечиккан ишқибозлар оқимига қўшилдик.

Ўзимга қолса, қанот чиқариб учиб кириб кетардим-а! Лекин отам, бу ёқда меҳмон... футболга мутлақо ҳуши йўқ ҳамроҳ билан томошага келишдан оғирроқ уқубат бўлмаса керак!..

Бўлмаса вақт алламаҳалда, телеойна томошалари тугагач, меҳмоннинг «ашаддий» ишқибозлиги тутиб, сўради:

— Эртага ўйин бор де? — деди у хаёлида ниманингдир режасини тузиб ўтириб. — Одам кўп тушадими?

— Рос-са кўп. Стадион лиқ-лиқ тўлади!

Меҳмоннинг кўзида шуъла ёнди-да, росмана қизиқиб суриштирди:

— Лиқ-лиқ тўлади, дегин?.. Ҳалиям бири-бирини кучоқлаб кўтаришиб, қийқиришиб стадионни кўчириб юборай дейдими, одамлар?

— Бизникилар гол урса-да! Роса қийқириқ бўлади.

— Да-а-а, яхши-и-и...

Отамнинг ошнаси қай ният-қай муддаода шундай деди, билолмадим, фақат пича ўтгач, у мақсадга кўчди.

— Би-ир пудвол кўрайик.

У шундай деб отамга қаради, оғир қўзғалиб ўрнидан турди. Жиддий ва сипо афти назаримда маъжосдай туюлди.

Оқшом йўлакка қовун-тарвуз юмалатиб кетган оқ кўйлакли бақалоқ киши эрталаб «Волга» да келиб, отамнинг ошнасини миндириб кетди.

— Қандай юмуш минан кеган экан? — дея бобом отамдан сўради.

Отам елка қисди, сўнг, «айтмадиям», деб илова қилди.

Стадион зинасининг юқорисига чиққунча меҳмоннинг авзои ҳали-ҳали кечагидай маъжос эканига эътибор қилдим. Катта одамлар ҳеч шошиламайди, босайми-босмайми қабилда қадам ташлайди. Отамнинг ошнаси ҳам шундай: гўё у киши кириб ўз жойини эгаллаб ўтирмагунича футболчилар учрашувни бошламай кутиб турадигандек бамайлихотир, ҳатто, имиллаб қадам оларди.

Ўйин эса бошланиб кетибди, ишқибозлар зич, гув-гувв қилиб футболчиларимизни олқишлашни бошлаб юборишибди.

Чиптамизда кўрсатилган жойни изламадик — одам сийракроқ ўриндиқни мўлжаллаб, жойлашдик. Ҳамманинг кўзи майдонда. Футболчиларимиз олдинга ташланди дегунча бутун стадион ларзага тушар, минглаб мухлислар олқиши ҳавода гулдурос ҳайқириққа, наърага айланар, футбол шунча одамни бир жону, бир тан қилиб юборар эди. Бундай жойда ўтириб, футболга қизиқиб кетмасликнинг иложи йўқ. Шун-



дай бўлди ҳам — атрофдагиларнинг қийқириғи кучайгани сайин отам билан меҳмон уларга жўр бўла бошлашди.

— Нечанчи марта келишинг? — дея савол қотди бир пайт отам меҳмонга.

— Қаерга?— сўради меҳмон майдондан кўз узмай.

— Умуман, футболга-да?

Шовқин-суронда жавобни эшитмай қолишдан хавотирланиб, бўйнимни чўзганча меҳмоннинг оғзини пойладим.

— Иккинчи, — деди у.

Отам хахолаб, ҳузурланиб кулди. Елкамга қўл ташлаб, кулги сабабини менга тушунтирди.

— Бу аканг Тошкентта биринчи келган йили «Пах-такор»нинг ўйинига тушганмиз. Курсдошлар қўярда-қўймай олиб келишган икковимизни... Йигирма йил бўлди...

Меҳмон яйраб, жилмайди. Оғир, сергўшт кафти билан бошимни силади.

— Ўша-ўша, иккинчи мартаси шу, — деди у, отамнинг гапини тасдиқлаб.

Ўйин қизигандан-қизиди. Майдон марказида рақибларнинг икки ўйинчисини алдаб ўтган ярим ҳимоячимиз тўпни олдинга ташлади, марказий ҳужумчи ўнг қанотта, ўнг қанот ҳужумчи тўпни чунонам зарб билан тепдики, тўп дарвоза тўсинига урилиб майдонга қайтди.

Элик минг ишқибоз оёққа қалқди, элик минг ҳамнафас одам наъра тортди.

— А-а-а-ахҳ! — деб юборди меҳмон, ўнг қўл муштини чап кафтига уриб.

«Қизиқиб кетди» деган ўйдан севиниб беихтиёр меҳмонни кўпроқ кузата бошладим. Майдонга қайтган тўпни футболчиларимиздан бири тўхтатмай дарвозага йўлади. Меҳмонлар дарвозабони бало экан — у чапдастлик билан узаласига ирғиб, тўпни мушти билан уриб юборди. Стадион ларзага келди.

— Ия-а-а!..

Ҳамма бақиряпти. Ишқибозларнинг бақир-чақирлиғига қулоқ кўникиб кетган, лекин...

Меҳмоннинг бу тахлит ишқибозлиғи қулоғимга

жуда валати эшитилди. Унинг афтидан кўз узолмай қолдим.

Хужум устига хужум кучайди. Кейинги зарбалар ҳам дарвоза чизигидан ўтмай қайтаверди.

— Вой-й-й!..

— Вой-я-а-а!..

— Им-м-мм!..

Меҳмон ўрнидан туриб олган, қулоқни қоматта келтираётган қийқириқларга қўшилиб дам ундай-дам бундай овоз чиқарар, унинг олқиши, наъраси бошқа мухлисларникидан яққол фарқланиб қулоққа ботар, ҳар сафар овоз чиқарганида беихтиёр «Бирон кори-ҳол бўлдими?» деган хавотирда у кишининг афтига қарай-вердим.

Тўп рақибларнинг жарима майдонидан узоқлашмади. Бизникилар роса қисувга олди. «Тўққизинчи» хужумчимиз тўпни «тўртинчи»га узатди, «тўртинчи» жуссаси ихчам бўлса-да, ўзи жуда абжир. У тўпни шерикларига оширишга шайлана-шайлана турди-да, тўсатдан чап оёқлаб тепди, тўп устуннинг ёнгинасидан ўтиб оппоқ тўрни силкитиб юборди.

Қийқириқ!..

— Ур-ре-е! — деганча жоним борича бақирдим. Отам ҳам оёқда турди. «Қойил-е!» деб тасанно аралаш қарсақ чалиб юборди. Мен отамни кучоқлаб олдим. Меҳмон эса...

— Ийя-а-а!.. Вой-вой-я-а-а!!

Полвонлар кўтарадиган икки пудли тош синфдош дўстимнинг оёғига тушиб, панжасини мажақлаб ташлаганида у худди шундай ўкирган, инграган, ҳушидан кетиб қолаётган, мажақланган тирноғини кўрганда оламни бошига кўтариб дод солгани кўз ўнгимга келди. Бизникилар гол киритганини унутиб, меҳмоннинг бетига анграйдим. Меҳмон икки қўлини мушт қилиб боши узра ҳаволатганича, товушининг борича наъра тортар эди.

— Вой-я-а-а!.. Го-олл-эй-й!..

Ана шундагина отамнинг ошнаси тумонат қийқирғи, шовқини орасида.. ўкираётганини пайқадим!.. Қўрқиб кетдим. Ялт этиб отамга ўтиридим. Отам ўзи билан овора эди. Меҳмон томонга бурилдим. У зумда

нафас ростлади-ю, яна ич-ичидан тошиб-кўпириб чиқаётган ўкирикни ҳавога қўшиб таг-тути билан чиқариб ташлагудек важоҳат билан кекирдагини чўзиб... қаттиқ ўқчиб юборди. Кўзидан тирқираб ёш чиқди.

Футболчиларимиз бир-бирини қучоқлашиб, қутлашиб майдон марказига қайтишди. Меҳмон ҳам менга қаради, бир зумгина кўзимиз тўқнашди. Бир нафаслик нигоҳлар тўқнашуви асносида икковимизнинг ҳаёлимиздан алақанча шубҳа-гумон ўтиб, «суҳбатлашиб-келишиб» олдик: мен унинг ғалати ўкирганини сезганимни сезди — сезмаганликка олди... Ғалати ўкирганини сезсам-да, сезмагандек туришимни сезди-пайқади — афтида хижолат аралаш сирли мамнуният аломати кўринди...

Дарҳол ундан нигоҳимни уздим. Ерга қарадим. Меҳмоннинг гўдак болаларникидек жажжи оёғига кўзим тушди — «Кечагидан ҳам ихчам тортибди!..» — Унга ачиниб кетдим...

Учрашув давом этди. Бироқ ўйиннинг шиддати пасайди. Бизникилар мақсадига етгандай кифояланиб, ҳимояга ўтишди. Ортиқча шовқин-сурон кўтарилмади. Отамнинг ошнаси ҳам бақирмади. Бақирмади-ю, менинг елкамдан қучиб олди. Узуқ-юлуқ гаплаша бошлади. Енгил тортди, ёйилиб-яйраб ўтирди. Кечадан бери биринчи бор тунд чеҳрасига нур югурди. Лекин мен унинг оёғига тегирмон тоши тушиб кетган одамдек бу қадар алам билан ўкиргани сабабини сўролмадим.

Мен у пайтлар анча ёш эдим, шу боис кўп нарсаларни тушунмас эдим...

*1995 йил.*

### **НУСХАКАШНИНГ МЕРОСХҶРИ**

Бир неча кундирки, Нуриддин хотинига, болаларига сездирмай чордоққа танда қўйди. Отасидан мерос устахона алвов-далвов бўлиб ётганини кўриб юраги эзилди. У ердаги стол-стулу дасттоҳгача, мато тортилган-тортилмаган, чала-ярим қирқилган гардишларгача остин-устун бўлиб ётар, ҳаммаёқ чанг, ўргимчак тўри босиб кетган эди.

Устахонанинг шу аҳволга тушганига Нуриддиннинг ўзи айбдор, ахир ота ҳовли унга қолган, оила-оиласи билан турли ёққа учирма бўлиб кетган опалари, акалари келиб унинг уй-жойини йиғиштириб беришмайди-ку! Қолаверса, етти ўғил-қиз орасида ота касби фақат Нуриддинга юкди, холос. У ўзида рассомчилик иқтидори борми-йўқми, катта даъвоси йўғу, ҳар қалай, мўйқалам тутишни уддалайди, астойдил киришса, бировнинг афт-ангорини ўхшатиб чиза олади.

Лекин чизмайди...

Одил рассом ўлғудай тажанг одам эди. Гоҳо қизлари, ўғиллари устахонага чиқиб, атрофида айланишарверса бирдан тутақиб кетар, «Қани, марш-ш!» деб қаторасига қувиб соларди. Оталарининг авзои бузилганидан ўтакаси ёрилган ака-укалару опа-сингиллар диққинафас катак эшигидан отилишиб-қувалашиб чиқаётган хўрозу товуқлардек...

— Чиқсаларинг-чи, ташқарида ўйнасаларинг-чи!..

Одил рассом шу тахлит бўғилганича эшикни тарақлатиб ёпар, чордоқ зинасидан изма-из тушиб бораётган гўдаклари эшитмасин учун ичкарига кириб олгачгина: «Твоею мать!..» деб хумордан чиқар эди.

Одил рассом негадир шу тажанглигини кенжасига қилмади, кўпда уни устахонадан қувиб ҳайдамади, қувиб солган тақдирда ҳам Нуриддин «Қани, марш!»-ларга қулоқ осмади. Аксинча, у парча-пурча қоғоз топиб олар, ерга мук тушган кўйи ўз билганича алланималар суратини чизар, устидан ола-чалпоқ қилиб бўяр, сўнг отасига кўз-кўз қилиб, ундан мақтов кутар эди. Одил рассом жуда камгап эди, феъли шундайлиги боис, лоақал ўғилчасининг уринишларини тақдирловчи бирор илиқ гап-сўз топишга ҳам қийналар эди.

Бир куни Нуриддин қадалиб «ишлади». Одил рассом ҳам ўз юмуши билан банд, ўғлига эътибор бермади. Бир пайт у бўёққа беланган бармоқларини ирkit қўллатгага арта туриб, аланг-жаланглади. Буни кузатиб турган Нуриддин отасининг муддаосини сезди-ю, ирғиб туриб қоғозлар остида қолган «ВТ» қутисидан бир дона сигарет олиб, отасининг лабига тутди. Одил рассом ўғлининг зийраклигидан ҳайратини яширмади.

— Ты смотри, Нурик! — деди у кафтининг қирра-

си билан манглайдаги терни артиб. — Чекайми-чек-майми деб ўйлаамасимдан, ниятимни сездинг-а?!

Одил рассом шундай деб ўғлининг елкасига қоқди, отасининг диққатини жалб этиб олган Нуриддин эса муддаога кўчди:

— Қаранг... — деди у отасининг қўлидан етаклаб ўзи қоралаган суратнинг тепасига келтиргач.

Отаси ўғлининг «ижоди»га анграйиб қолди. Нуриддин чизган суратда баланд ўсган ўт-ўлан орасида бесўнақай бир кенгуру бўйнини чўзиб гўдайиб турар. унинг елкасига маймун мингашган, гиёҳлар орасидан бош кўтариб уларга даф солаётган илон тасвирланган эди.

— Анавини нега миндириб қўйдинг? — деб сўради Одил рассом.

— Маймунчага ачинган-да, илон еб қўймасин деб кўтариб олган!

— Ҳа-а... — деб юборди Одил рассом мийиғида кулиб. Сўнг бирдан жиддий тортди. — Ўзинг кўрмаган-нетмаган нарсаларни чизиб нима қиласан? Биз томонларда маймун, кенгуру учрамаса, тирик илонни ҳам ўз кўзинг билан кўрмагансан!..

— Кўрмаган бўлсам, ўйлаб, хаёлан чиздим... — деди Нуриддин эътироз оҳангини сездирмасликка уриниб.

Одил рассом кўнглининг бир чеккасида ўғлининг бу жавобидан мамнун бўлса-да, тўсатдан тажанглиги тутди.

— Мақтов эшитиш учун оғзимга сигарет тутдинг-ми?! — деб жеркиди. — Сенга қолса, ҳозир чизсангу оламга жар солсанг, шундайми?! Хаёлан чизганмиш!..

Нуриддин ёмон изза бўлди, индамайгина устахонадан чиқиб кетишни мўлжаллади-ю, журъат этолмай ерга термилганича қотиб қолди. Отаси деразанинг очиқ тавақасига тирсаги билан суянганича чуқур-чуқур тамаки тортди. Бир оз ўтиб, ўз ишига уннаётиб, гудранди:

— Сенинг хаёлингга кимнинг кўзи учиб турибди...

Нуриддин холст деб аталгич дағал мато тортилган гардишларни ажратиб, алоҳида-алоҳида тахлағунича қора терга ботди. У холстни, мўйқаламу мойбўёқлар-

ни ҳозирласа бас, сурат чизишга киришиб кетаверадигандек туюлган эди. Мана энди, устахонага кирганида уни рассомлик касбининг салобати босди. Дасттоҳ омонатдек, мўйқалам титилиб кетадигандек, бўёқлар ранг бермайдигандек туюлаверди. «Ўша вақтларда яхшилаб ўрганиб олсам бўларкан!» деб ўксинди. Фақат...

Ҳеч ким уни устахонадан ҳайдагани йўқ. Отаси вафот этди-ю, унинг ўзи қайтиб у ерга қадам босмади. Ўқишни битирганлиги ҳақидаги ҳужжатини сандиққа ташлаганича пул топиш дардига йўлиқди. У кезлар «тижорат», «тижоратчи» деган сўзлар энди-энди расм бўла бошлаган, қонунан изн берилган бўлса-да, одамлар очиқ-ошкора савдо-сотик қилишдан ҳамон ҳайиқар, юрак ютиб шу ишга жазм этганлар кўп эмас эди. Нуриддин таваккалига темирни қизигида босди. У икки жўрасига эргшиб хориж бозорларига қатнади. Ўйинчоқфурушлик қилди. Болалар ўйинчоғининг турган-битгани мўмай пул эканини Нуриддин ўшанда билди! Уч оғайни уч йил мобайнида озмунча ўйинчоқ келтириб сотишдими?! Биринчи бўлиб Нуриддин айниди.

— Қачонгача ўйинчоқ ташиб юрамиз, бизнесни катталаштириш керак! — деди у режаларини ўртоқлашиб.

Иккала жўра ўламан саттор уни ниятидан қайтаришга уринишди. Нуриддин кўнмади.

— Нурид, — деди дўстларидан бири, — топишимиз чакки эмас, насибамизга хиёнат қилмайлик.

Ҳозир ўша лаҳза қайтиб келса, Нуриддин шу гапни айтган дўстининг қўлини ўпишга тайёр эди, минг афсус... топиб, еб-ичиб турган туз-насибасига қилган хиёнати узоққа бормаё унинг ўзини кўтариб урди. Тўғри, дарҳол урмади, аввалига шерикларидан сармосини ажратиб олди-да, мўлжаллаб туриб, олисроқ мамлакат бозорларига қатнади. Янги-янги дўст-таниш орттирди, иши юришдигина эмас, чопқиллаб кетди!

Ошиғи ҳадеб олчи тушиб иш юришаверганида одам босар-тусарини унутади.

Кунтунбей билан навбатдаги сафар хорижга бораётиб самолётда танишди. Кўзлари тим қора, чехрасидан нур ёғилиб турган истараси ёқимтой йигит тенг-

кури экан, самолёт ерга кўнгунича икки бегона тижоратчи қиёматли дўст-биродарга айланди. Нуриддин унга шу қадар меҳри товланиб кетдики, аэропортда Кунтунбейнинг юкларини эмас, унинг ўзини ҳам кўтариб олишга тайёр эди!

— Тижоратнинг баракаси иймонда, афандим, — деди Кунтунбей. У ниҳоятда босиқ, вазмин ва донадона гапирар эди. — Намозни вақтида қилмоқ тижоратдан, дунёча даромаддан-да улуғдир. Сизнинг исмингиз ан-нурким, парвардигорнинг улуғ сифатларидандир...

Кунтунбей билан танишув Нуриддинни намозхонга айлантирибгина қолмай, унинг ҳаётини буткул ўзга изга солиб юборди. Кунларнинг бирида ҳе йўқ-бе йўқ устахонанинг калитини суриштириб қолди.

— Нима қиласиз? — ҳайрон бўлиб сўради хотини. — Қаёқдан устахона эсизга тушиб қолди?

— Ҳаммасини ёқиб ташлайман, — деди Нуриддин. — Керак эмас.

— Нега ёқасиз? — унинг муддаосини тушунмади хотини. — Керак бўлмаса, сиздан ош-нон талаб қиляптими, турибди, чордоқда!

— Сурат чизиб ҳеч кимнинг бири икки бўлаётгани йўқ!.. Бу ёғини сўрасанг, чордоқдаги лаш-лушлар одамнинг иккала дунёсини хароб қилармиш! Кунтун айтди...

Нуриддин ётса ҳам, турса ҳам ердан ўн минг газ тепада учиб бораётган самолётда орттирган қиёматли биродарининг измидан чиқмасликка, унинг исмини, ундан эшитган гап-сўзларию ўғитларини тилидан қўймасликка одатланди.

Нуриддин устахона шифтининг ярмини эгаллаган ойнаваңд ромнинг бир тавақасини очган эди, ёзнинг илиқ шабадаси дасттоҳ ва холстни қоплаган чанг аралаш димоғига урди. Нуриддинни йўтал тутди. Йўталини хотини эшитиб қолишидан чўчиди. Аслида чўчимаса ҳам бўларди, чунки айни топармон-тутармон кезларида ял-ял ясаниб-тусаниб юрган хотини йўқчилик кунларига ҳам чидади, ортиқча хархаша қилмади, ҳатто, бир сафар устахонадаги ашқол-дашқолларнинг бари-ни пуллаб юборишга жазм қилган эрини аҳдидан қай-

тарди, фақат кейинги пайтда қўл қисқалик жонидан ўтди шекилли, эрининг юз-кўзига «чанг» соладиган одат чиқарди. Уйда биқиниб ўтиравермай, кўчага чиқинг деб хархаша қилгани-қилган.

— Шу ёшга чиқиб бирор тайинли касбнинг бошини тутмадингиз, бирор жойда қўним топмадингиз. Тагин нолиганингиз ортиқча!..

Нуриддин чириган-нетган холстлар, тоб ташлаган гардишлар, тош қотган сиқма бўёғу мўйқаламлар орасида боши қотиб, хотинининг маломатини ўзича такрорлайверди. У устахонани бош-оёқ обдон артиб-суртмоқчи эди, юраги тошиб кетди. Гўё қўлга илнадиган нимадир топади-ю, ҳозироқ кўчага опчиқиб бировга пуллайдигандек ҳовлиқиб, мато тортилган катта-кичик гардишларни титкилашга тушди. Чала-ярим ишланган, қарийб битай деган, устидан бўёқ чаплаб ташланган суратлар...

Одил тажанг фақат номдор шахслар суратини чизадиган портретчи рассом эди. Унинг ижодкор сифатидаги иззат-обрўси, топиш-тутиши ўттиз-қирқ йил мобайнида таниқли сиймолар суратини яратгани билан боғлиқ эди.

— Дада, нега фақат одамларнинг суратини чизасиз? — деб қўққисдан савол қотди бир куни Нуриддин.

Одил рассом бундай саволни ҳеч кимдан эшитмаган эди, кўнглининг туб-тубида пусиб ётган бу ғурбат саволни қўзғатишдан ўзи ҳам чўчир эди. У мўйқалам тутган қўлини ҳавода муаллақ кўтарганича ўғлига анграйиб туриб қолди. Нуриддин ножўя мавзудан гап қўзғаб қўйганини англаб-англамай отасидан кўзини узмади. Отаси мўйқаламни эндигина бўёққа ботирган экан, ҳамон боши узра тутиб турган мўйқаламидан бир томчи қизил бўёқ пешанасига томди. Рассом унга эътибор қилмади, қизил бўёқ томчиси қондек сизиб оқиб, унинг қуюқ қоши устига ёйилди. Нуриддин қўлсочикни отасига узатмоқчи бўлиб, ўрnidан қўзғалди.

— Керакмас!.. — Одил рассомнинг овози бўғилиб чиқди. — Мен шунақа рассомман!.. Мана шу қон ранги пешанам экану, ич-ичимга сингиб кетган! Сен буни тушунмайсан...



Лекин отаси унинг танбеҳидан, таънасидан қувониш тутул, ўзининг фақат махсус портретлар чизгич рассом эканидан заррача ор қилмаган. Аксинча, фахрланган, ўил-қизлари тўкин-сочин яшаётганидан гурурланган.

Нуриддин чанг-чунг, доғ-дуғ остида кўзга аранг ташланаётган таниш-нотаниш чехраларни назардан ўтказа-ўтказа саралади. Яна пича сайқал берилса би-тадиган портретлар нима сабабдан сотилмаганига таажжубланди. Уни неча йиллардан буён қадам босмаган мерос устахонага бош суқишга мажбур қилган истак-ният ҳам... сотишга яроқли бир нарса топиш эди.

Нима бўлди-ю, бир маъракада узоқ қариндоши Миржалол тоғани учратиб қолди. Тоға Нуриддинга бир-ровгина бош-оёқ разм солиб қаради-да, ҳе йўқ-бе йўқ гап қўзғади:

— Одилжон ака раҳматли, зўр суратчи эдилар, сен ҳам эплайсан деб эшитгандим. Бирорта сурат-пуратимни чизиб бермайсанми?..

Тадбиркор одамнинг ҳаракатидагина эмас, ўйлови-даям амал бўлади. Миржалол тоғанинг ўйламай-нетмай шунчаки айтган бир оғиз гапи қачондан буён йўқсизликдан азоб чекаётган Нуриддин учун нажот йўлига чироқ ёққандек бўлди. Нуриддиннинг ичига чўғ тушди, у ўша заҳоти маъракани тарк этиб, уйига етиб боргиси, чордоқдаги устахонага биқиниб олиб, отасининг вафотидан сўнг мой-сув кўрмаган қилчўпларни ишга солгиси келди. Лекин, мана аҳвол, шу хаёл-шу алфозда у чизган суратни сотиб оламан деб кимнинг кўзи учиб турибди?!

— Аввал ўзимнинг, кейин опоқингнинг суратини чизасан, дурустми? — деди Миржалол тоға худди ўлига пўлиса қилаётгандек дағдаға аралаш. У кишининг топармон-тутармон бўлиб кетгани, уч қаватли иккита кошона уй-жой қургани-ю, қўша-қўша машиналари борлигини Нуриддин эшитган эди. Ундай бойвачча учун буюртма портрет чиздириш чўт эмас.

— Уриниб кўрайчи... — деди Нуриддин ичида жон-жон деб турганини яшириб. — Отамдан қолган устахонани шу чоққача очиб қараган эмасдим...

— Шуни билиб айтяпман-да, жигар!.. Ранг-рўйинг айтиб турибди барини. Ўзингни ҳар ёқда уравермай, отангдан қолган ҳунарни қил. Ишинг юришмаса бировдан эмас, ўзингдан кўрадиган замон келди, ука. Ҳамма бало ҳунарсизликда, эпини топа билмасликда...

Рассомчиликдан, умуман, ижод дунёсидан етти чақирим олисдаги одам отасидан қолган ҳунарни бежиз эслатмагандир?! Ҳунарсизлик, эпини билмаслик дедими?.. Билиб айтдимиз?!

Ҳақиқий рассом эмас, балки ҳунарманда портретчи эканини Одил тажангнинг ўзи ҳам яхши билар эди...

Хайрлаша туриб, Миржалол тоға Нуриддинни четга тортди.

— Анув энағар устозинг... домланг топилдимиз?.. — деб шивирлаб сўради.

Ҳов, ўша кезлар устозни ҳақоратлаш у ёқда турсин, унга зирирча тил теккизган кимсани, ким эканидан қатъий назар, Нуриддин оч бўридай ражиб ташлар эди, бироқ энди... шу ҳақда гап очилса, уни биров бўғаётгандек нафас олиши қийинлашиб қолар, шу боис ўша касофат кўнгилсизликни ўзи ҳам эсламасликка ҳаракат қиларди, тоғаси эса айни шу хусусда оғиз очишга мажбур қилди.

— Қулоғимга чалинганди-да, шунга, яранг битиб кетгандир, айтавер... — деб қўймади тоға.

Нуриддин ер чизди, бошини сараклатди.

— Битиб кетадиган эмас... — деб қўл силтади.

— Қанчага тушириб кетди, ит? — дея тиккасига кўчди тоға.

— Етти йил йиғиб-тергандим, борини қоқиб кетди...

Битган-битмаган, чала-чулла суратларни саралаб ажратаётган Нуриддин Миржалол тоғанинг гапларини эслаб иситмаси чиқиб кетди. Ранг-рўйинг айтиб турибди деди-я!.. Ўзингни дуч келган эшикка ураверма, отангдан мерос ҳунардан барака топасан, деди. Ҳамма бало — ҳунарсизликда, эпини билмасликда, деди. Ҳақиқатда, Нуриддин ҳунарсиз эди, эпини тополмаётган эди... Беш йил ўқиб, олган паттасида битилган ҳунарнинг кўчасига йўламади, ундан кейин, мана, шунча йил ўтди ҳамки, бирор-бир ҳунарнинг бошини тут-

мади, дам у-дам бу мамлакат бозорига қатнаб топганларининг омонатлигига ақли етмади... Жонини тикиб топганларини эса тасодифан дўст тутинган етти ёт бегонага икки қўллаб тутқазиб юборди... Тоға, бир чеккаси жигарлиги боис, унга йўл кўрсатмоқчи, кўрсатди ҳам, фақат буюғи яна Нуриддиннинг ўзига тан, тирикчилигини йўлга қўймоқчимиз, марҳамат қилиб бош қотириши, бели майишиб ишлаши, чанг ютиб, ҳаловотдан воз кечмоғи керак, лоақал эплаб устахонани очсинчи!..

У энг катта гардишни бошқалари орасидан суғуриб чиқарди, оғир экан, базўр жиждириб деворга суяди. Минг йилга етади бу холст, сира эскирмайди, деган эди отаси. Ҳақиқатда отаси ундан узоқ йиллар фойдаланди. Энг нозик портретларнинг хомаки нусхаларини даставвал шу матога чизар, ҳар сафар ўғли сўраса-сўрамаса, «бу — наброска» деб изоҳ бериб қўяр, отаси ҳар қандай «наброска»ни ҳам астойдил жон койитиб чизар, асл нусха биттач эса, отаси уни ҳайратларга солиб, «наброска»ни зўр ҳафсала билан оқ бўёққа шуваб ташлар, отасининг бу қилиғини тушуниб етмаган Нуриддин «шувоқ» остида қолиб кетган нусхаларга ачинса-да, юрак ютиб бунинг боисини суриштира олмас, отаси эса одатта айланган шу қилиғини кейинги сафар ҳам қанда қилмас эди.

Одил рассомнинг бор маҳорати, портрет яратиш тажрибаси алмисоқдан қолган ушбу ўта чидамли ва дағал матодаги қават-қават оқ бўёқ қатламлари остига жо бўлиб кетган эди. Бунинг Нуриддиндан ўзга ҳеч кимса билмайди, шундай экан... дағал ва бардошли матога суртилган ҳар бир оқ бўёқ қатлами остида портрет яратиш сири-саноати пинҳон ётибди. Нуриддин бамисоли тупроқ қатламларини қазиб ўрганганидан қадимшунос олим сингари бўёқ қатламларини артиб-кўчириб қараса, ўрганса... оқ «шувоқ» лар остида озмунча манглай, озмунча қош-кўз, озмунча лаб-у, озмунча соқол-мўйлаб борми?!

Отаси портретда кўзни ўхшатиш зарур, деб кўп айтар эди, кўзи ўхшамаса барча меҳнатинг зое кетади дер, чамаси ўзи ҳам кўз қарашларини оби-тобига етказолмай кўп қийналар эди. Шу боис кўзни ишлаган-

да аввал матони катакларга ажратар, сўнг устидан каттак тортилган фотосуратдан нусха кўчирар эди.

Нуриддин отасининг ҳар бир хатти-ҳаракатини тасавурида гавдалантириш ва айнан такрорлашга уринди. Катта ва залворли гардишга тортилган мато чангини супуриб туширди, чўткалади, артди. Чанг-ғубор остидан ўзи басавлат, ёш боланикидек чарақлаган нигоҳи олма-кесак тераётган чехраси очик, тепакал кишининг сурати кўринди. Эҳтимол, шуни эски-тускилар бозорига олиб чиқса битта-яримта харидори топилар, фақат у портретни юмшоқ латта билан арта туриб, суратдаги одамнинг пешанасига нимгатириқ қизғиш бўёқ суйкалиб кетганини кўрди. Эссиз, деди Нуриддин астойдил ўкиниб, эҳтиётсизлик қилиб бўёқ тўкиб юборган эканлар-да...

Нуриддин доғ бўлиб тушган бўёқни тозалашга унади, доғ «қайсарлик» қилмади, янаям қувончлисиди, холст ҳамон пишиқ-пухта сақланган, уни гоҳ хўл-гоҳ қуруқ латта билан артмасин, остки бўёқ қатламлари пешма-пеш очилиб чиқаётган эди. Нуриддин сал-пал машқини олсин, Миржалол бойваччанинг суратини ўхшатиб чизади, унинг тоифасидаги дастидарозлар қўли очик бўлади — бир сиқим пул ташласа Нуриддин ўзини анча ўнглаб олади, кейин тоғанинг хотинини чизади, унга бошқа таниш-билишлар уланади, қарабсизки!..

Нуриддин шу хаёлда портретдаги сурат доғини артаверди ва доғ ўрнида ингичка қалам қош пайдо бўлди. Аёл кишининг суратимикан, деб хаёли қочди унинг, бўёқ қатламини артишда давом этиб. Зум ўтмай тахминда янглишгани аёнлашди — қалам қош остида тилла гардишли кўзойнак, кўзойнак ортидан эса уккининг кўзидек кескир нигоҳ кўринди. Бундай одамларнинг бурни тўғри, хушбичим бўлади — Нуриддиннинг бу галги тахмини тўғри чиқди — портретдаги сурат эгасининг турқи, нигоҳи, бурун ва лаб бичимлари Кунтунбейни ёдга солди. Фақат Кунтунбейнинг сариққа мойил чехрасидан тақводорлик сиёқи уфуриб турар, шунинг ўзиёқ ҳар қандай таниш-нотаниш одамнинг гумону шубҳаларини тутундек тарқатиб юбориши ҳеч гап эмас эди. Кунтунбей биродари қаллобларча унинг

бор-шудини туя қилиб ғойиб бўлди, кўз олдада дунё зимистонга айланиб эси оғиб қолаёзган Нуриддин бормаган-йўлиқмаган одами қолмади. Унинг юртига, у орқали орттирган бошқа таниш-билишларга зир қатнади, наф бўлмади. Ўшанда Орлибек деган кўз таниш — ўзидан ўн беш ёш кичик болаинг насиҳати ёдида қолди.

— Одамнинг тақводорлиги, жумладан, намозхонлиги ишонч билдирувга кафолат бўлолмайди ака, — деди у.

Нуриддиннинг кўзи мошдек очилди.

Хуллас, Нуриддин портретдаги кимсанинг кўз қарашларини Миржалол тоғанинг нигоҳига қиёслади. Ўхшашлик тополмади, бу етмагандай, суратдаги одам кампирдахан экан, тоғанинг жағи эса ярим таноб чиқади-ёв!..

Нуриддин эринмай навбатдаги бўёқ қатламини ўчиришда давом этди. Дўрдоқ лаб, танқайган бурун, қалин ва ўсиқ қош кўзга ташланди. У яна бир карра отасининг маҳоратига тан берди. Анчагина кексайиб қолган, лекин залворли қадини роз тутиб турган қария қаёққа, қай маънода қараётганини, унинг на кайфияти, на-да мақсад-муддаосини уқиш қийин, демак... ўша одамнинг ўзи шундай бўлган дейишади... Ким билсин, эҳтимол, отаси шундай тасвирлашга мажбур бўлгандир?..

Муҳими, қариянинг орқага силиқ таралган қуюқ, тим қора сочи Миржалол тоғанинг сочига ўхшар экан! Нуриддинга кераги ҳам шу эди! Демак, у соч тасвири-ни топди! Энди унинг учун энсиз ва ясси пешана керак.

Нуриддин навбатдаги бўёқ қатлами остидан кимнинг қай тариқа чизилган сурати кўринишини билмади. Фақат пешана ўрнини тозалаётиб, пешана эмас, тап-тақир ва карамдек дум-думалоқ калла эканини кейин пайқади. Бояги қуюқ ва ўсиқ қош ўрнида сезилар-сезилмас малларанг тук пайдо бўлди. Моховми, нима бало?! Кўзи қисик, бурни юмалоқ. Оғзи хиёл очиқ, Валакисалангроқ одамга ўхшайди... Отаси одамнинг оғзи, бурни, лаби, оғзининг очиқ-юмуқлигига — бари кишининг феъл-атворини англатиши ҳақида

кўп сабоқлар берган. Ушаларни бирма-бир хаёлидан ўтказайтган Нуриддин ўзи учун улуф кашфиёт қилди. Портреткашлиқда соч, пешана, қош, бурун, лаб, даҳан, бўйин — ҳар бирининг ўз ўрни, аҳамияти катта. Шуларни эплаб, қотириб чизолса, олам гулистон!..

Нуриддиннинг юраги ҳаприқиб кетди, у ошиқаётган, гўё бир уринишда отасининг ҳунарини ўзлаштириб олса бас, шу устахонага қамалиб олади, савдо-тижорат тугул, ташқарига қадам босмайди, борди-келдиларни йиғиштиради, уни тинмай кўчага қувиб солаётган хотинининг ўзи харидор топиб келтириб турса вассалом!.. Харидор?! Харидор бозорда, дўконда бўлмайдами?! Устахона — дўкон, у — дўкондор бўлмоқчи эмас-ку!.. У рассом бўлмоқчи, раҳматли отасининг ҳар бир хатти-ҳаракатини айнан ўзлаштиради, гардишга мато тортишни қойиллатади, ранг тайёрлашни удалайди.

Нуриддин матога суртилган бўёқ қатламлари жуда осонлик билан ўчиб кетаётганига ҳайрон қолди. Бўлмаса отаси пиёз пўстидек қават-қават бўлиб кетган бу портретларни «наброска» қилгунича озмунча машаққат чекканми?! Ўхшатиб чизишга арзирли бўёқларни осонлик билан топганми?! Отаси уларни чизаётиб, яратган портретлари абадул-абад сақланиб қолишига, тасвирий санъат шайдолари томонидан ҳамма замонларда ҳам эъзозланишига ишонган. Ундай деса...

Бир куни отаси билан онаси қандайдир дабдабали зиёфатдан қайтишди. Одатда, онаси ундай жойларга жуда ясан-тусан қилиб борарди. Ял-ял ёниб, тавозе билан уйга кирди, пешвоз чиққан ўғил-қизларига бир гапириб-ўн кулиб дабдабали зиёфатни, зиёфат чоғида кимсан Одил рассомга кўрсатилган иззат-икромни оғзидан бол томиб таърифлай кетди. Нуриддиннинг опалари, акаси отасини қутлаб, қучиб табриклашди. Шу пайт, тўлиб турган эканми, кутилмаганда отаси шундай бақирдики!..

— Керак-кмас-сс! Ҳеч нарса керак-мас-с! Мана, мана!

У шундай деди-ю, гулдор хат халта ичидан бир даста пул олиб, сочиб юборди. Онаси, ака-опалари

ҳанг-манг бўлиб қолишди. Отаси янаям дарғазаб товушда, кўксига муштлаб, вазабини сочди:

— Мен рассом эмасман!.. Ким мақтаган бўлса п... ебди! Ёлгон-н!.. Сенларга маши керак, маши, маши-ши! Мана-а!..

Отаси яна бир гулдор хат халтадаги пулларни тўзи-тиб оила аъзоларининг боши устидан сочиб ташлади. Нуриддин бир уй бўлиб стол-стул, дивану оромкурсилар устига, оёқ остига бир бўлиб сочилиб ётган ўн ва йигирма беш рублик пулларни кўз олдига келтирди. Беихтиёр Миржалол торадан тегадиган пулни хаёлан санади, отасига ўхшаб хотини ва фарзандлари бошидан пул соча олиш-олмаслигини чамалади.

Эрининг феълани яхши билган онаси ҳушёрлик қилди, зиёфатда отангни табриклайдиганлар кўпайиб кетди, ҳар биттаси билан тўқиштиравериб... майли, ухласалар ўтиб кетади деб имо-ишоралар билан ўғил-қизларини хонадан чиқарди. Бироқ отасининг бу тахлит дағдағаси бир ухласа ўтиб кетадиган, унутиладиган эмас, балки у Одил портретчининг қон-қонига қўшилиб кетган тузалмас дард эканлигини кейинроқ Нуриддин отасининг ўзидан эшитди.

Бу сафар отаси дағдаға қилмади, вазабини сочмади. Нуриддин янги қоқилган бўйи баравар гардишга ҳафсала билан мато тортаётган эди, отаси узоқ ури-ниб бўёқ тайёрлади, бўёқнинг қуюқ-суюқлигини чамалаб чуқур ўйга чўмди, сўнг кимнингдир фотосурати устидан қаламда чизган катакларга термилиб ўтириб, мулойим товушда гап бошлади:

— Нуриддин... — деди катта ёшли одамга ҳасрат қилаётгандек босиқлик билан, отаси одатича «Нурик» демаганини, унинг исмини тўлиқ айтганини Нуриддин кейин пайқади. — Ҳеч кимга очмаган дардимни сенга ёрилай...

Нуриддин қўлидаги ишни қўйиб, отасига тикилди.

— Мен рассом эмас, нусхакашман...

Нуриддин «чурқ» этмади, қулоғи шанғиллаб кетди. Отаси бир муддат жим бўлиб қолди. Сўнг ўғли изтиробда қийналаётганини сезди чоғи, яна гўлдиради:

— Денгиз, ўрмон, осмонни чизинг дейсан... Нур, устахонага қамалиб олиб қиладиган ҳунаримни фақат

сен биласан. Уни сен ўргандинг. Мен сенга рассомликни эмас, нусха кўчириш ҳунарини ўргатдим... Лекин бир нарсани билиб қўй, мен чизган мана шунусхалар бор-ку — у шундай деб «минг йиллик» холстга бармоғини бигиз қилди — шулар дунёдан ўтган заҳоти менга ўхшаш нусхакашни рассом ўрнида осмонга кутараётган замоннинг ҳам думи тугилади... Унутма, сен ўша даврнинг одамисан, Нур. Сен кўчага чиқ, одамларга аралаш, ҳаётнинг ичида юр, негаки денгиз, ўрмон, осмон ташқарида, устахонада эмас...

Нуриддин отасининг армонлари замиридаги аччиқ ҳақиқатни энди янаям чуқурроқ фаҳмлаётган бўлсада, кўнглининг бир чеккасида уни рад этиш чорасини излади. Ахир, мана, ўзи денгиз, ўрмон, осмон суратини чизиш тугул лоақал нусхакашликни эпломмай гаранг бўлиб ўтирибди-ку!.. Лоақал отасичалик эплаганида ҳам бунчалик ҳунарсиз қолмас, лоақал тирикчилиги ўтиб турарди...

У алам билан холст юзасидаги бўёқ қатламини таг-тути билан кўчириб ташламоқчи бўлди. Кўз ўнгиде куюқ мўйлаб, қимтилган лаб, маъно-мазмун уқиш қийин бўлган бит кўз пайдо бўлди. Бошида ҳарбийча шапка.

Нуриддин қўллари толдими ёхуд бўғзига тикилиб қолганича лаҳза сайин катталаша бораётган тугун уни лоҳас қила бошлади — тушунолмади. Яна «минг йиллик» холстга устма-уст чизилган, устидан бўёқ шувалган суратлар ранги бу қадар осонлик билан ўчиб-кўчиб тушаётганига ҳайрон қолди, фақат бу ҳақда чуқурроқ ўйлаш ва хулоса чиқаришга қурби етмади.

— Ҳар бир одамнинг фақат ўзига хос нусхаси бор, — деган эди отаси. — Рассом ўшани ўхшатмагунича рассом бўлолмайди...

— Топганда-чи?! — деб юборди Нуриддин азбаройи хуноб бўлганидан товуш чиқариб. Назарида овози отасининг ўша — дабдабали зиёфатдан қайтган чоғидаги ғазаб сочиб бақирганидаги товушига ўхшаб кетди. Ўша кезлари отасига берган саволини эсладди. — Сиз айтгандек, ҳар бир одамнинг ўзига хос турқини, нусхасини топа олсам, кейин истаганча чи-завераманми?



Одил рассом силтаб-силтаб бош чайқади. Шитоб билан юриб ўғлининг тепасига келди. Нуриддин пас-так қўлбола курсичада ўтирган жойидан отасига жавдираб қаради.

— Нурик, Нуриддин, — деди Одил рассом. — Етита боламдан лоақал биттаси ўрганса ўргана қолсин дегандим. Чинакам рассом ҳар қандай замонда ўлмайдиган мавзу топади, шунинг учун у ҳеч қачон оғзини очиб ўтирмай чизади-чизаверади. Илло, сенинг қўлинг кеп қолганини кўриб... юрагим орқага тортяпти... Би-либ қўй, менинг нусхакашлигим ҳунар ҳам, санъат ҳам эмас. Буни касб қила кўрма... Шу билан рўзгор тебраттандан кўра...

Одил рассом шундай деб туриб салкам бир ойдан буён бош кўтармай, қадалиб ишлаб ниҳоясига етказ-ёзган оқ сариқ башараси бўйрадек келадиган нусханинг рўпарасига яқин борди-да, ўчоқдаги лангиллаган оловга сув сепаётган ёш боладек беўхшов ҳаракат билан пиёласимон идишдаги қондек қип-қизил бўёқни унинг афтига сепиб юборди!..

Хаёлга толган Нуриддин сапчиб тушди, чўчиб ик-кала кафти билан бетини тўсди, назарида отаси раҳ-матли бўёқни унинг юз-кўзига сепгандек... қўлидаги чанг-бўёққа беланган сочиқни оёғининг остига таш-лаганича, қавариб, қизариб кетган бармоқларига маъ-носиз анграйганича қолди. Рўпарасида пайдо бўлган отасининг шарпаси илдам юриб келиб, унинг қўлидан оҳиста тутди-да, хаёл гирдобидан чиқиб кетолмаётган ўғлини эшик томон етаклади...

2001 йил.

## ЖИМ ЎТИРГАН ОДАМ

### 1

Қирқ йилдан буён ишлаётган идорасига борар-келар йўл Қурбоналига ёд бўлиб кетган: уйдан чиқиб, бир юз ўттиз қадам ташласа катта йўл ёқасидаги бе-катта етади, автобустга миниб, у ўн иккинчи дафъа тўхтаганида — тушади, тушган жойидан етмиш-ет-

миш тўрт қадам одимлаб серқатнов кўчани кесиб ўтса, жонажон идорасининг бўсағасида турибди-да!

Қирқ йил бир жойнинг тузини тотигани, бир тус, бир тоифа нухалар билан нафас-банафас ишлашининг касофатими, Қурбонали ўзининг одамовилигини шундан кўради. Авлиёсифат билармонларнинг айтишича, ҳар қандай одамовидаям бир шингил шинавандалик бўлмай иложи йўқ. Қурбонали феълидаги шинавандалик қитмирлик, ҳатто, писмиқликка вобаста бўлиб кетганини ҳам яхши билади. Қитмирлигими, писмиқлигими тутганида у ҳеч бир мўминнинг етти ухлаб тушига кирмаган қилиқларни ўйлаб топади. Дейлик, уйдан чиққач, рўпарасидан таниш-билиш яқинлашаётганини кўрган заҳоти кўзини чирт юмиб, йўлида давом этаверади. Йўл беш қўлдай маълум — на қоқилади, на суқилади. Бетма-бет келган таниш эса ҳайрон — саломлашайми-йўқми, дея бир қарорга келгунича Қурбонали бекатга етиб улгуради. Қилиғидан ўзи мутаассир бўлиб мириқиб... ичида кулади. Ҳа, бу инсон ичида кулиб, ичида қувониб, ичида хуноб бўлишни, нймаики бўлмасин, барини ичига ютиш санъатини мукамал эгаллаган. Сиртига сув юқтирмайди. Автобусда бораётиб бирорта таниш башарага кўзи тушса, одамовиликка пайванд боягиндақа писмиқлиги қўл келади, яъни у ҳеч бир истиҳолога бормай, кўзини юмиб олади. Чала-ярим кўзтаниш билан энсақотирар суҳбат қуриб кетишдан кўра шуни аъло кўради. Йўловчи тирбанд, улов қай манзилни ортда қолдираётганига кўз қирини ҳам ташламай, ичида чамалаб кетаверади. Автобус ўн иккинчи тўхташида тушсаки, заррача адашмабди-да!..

Бундай дамларда Қурбонали ич-ичидан хахолаб кулади. Кулади-ю, сиртига чиқармайди, шундай шодумон ҳолатида ҳам қовоғи солиқ, сипо, вазмин ва беозор қиёфасига содиқ қолади. Қиёфа қанчалик тўнг бўлса, ҳуда-беҳудага гаплашаверадиган, отамлашаверадиган кимсалар шунча камаяди. Қурбонали елимдек ёпишқоқ таниш-нотанишлардан етти газ нари юради, «Би-ир отамлашмаймизми?» деб қўярда-қўймай улфатчиликка судрайверадиганларни-ку, кўрарга кўзи йўқ. Шу ўринда бу қадар нодиру ноёб фалсафанинг

бир илдизи қаҳрамонимизнинг қиблагоҳига бориб тақалишини хотирлаб қўймасликнинг асло иложи йўқ. Аллоҳ раҳматига олгур падар ўттиз етти ёшида маҳалла чойхонасида оғзининг бир бурчидан сирғалиб чиқиб кетган уч оғиз жумла «шарофатига» ўн икки йил ўтириб келган, ақли кириб, кўз мошдай очилиб ҳарчанд лабини лабига елимлаб юрмасин, нақ эллик бирга чиққанида ҳе йўқ-бе йўқ, бўрининг емасаям оғзи қон, қабилда шекилли, яна беш йилга кесилган, энг яқин жигарлари ҳам «Ҳа, энди қулоғини ушлаб кетди-и!» деб тақдирга тан бериб қўйишганида Яратганнинг ўзи нажот қўлини чўзиб, унинг сингари беайбларнинг жонига оро кирган, ўша тўлқинда қиблагоҳ ҳам муҳлатнинг ярим-ёртиси ўтмай бола-чақанинг бағрига қайтган, қайтгану кап-катта эркакнинг дунёга келиб орттирган бор-йўқ бисоти битта шўртумшуқ ҳикматдан нарига ўтмаган. Буёғини сўрасангиз, ота тушмагурнинг топқирлигини қаранг — икки қиз, бир ўғилни йиғиб эмас, уларнинг учовини уй ичкарасидаги бешам-бечироқ хужрага битта-битталаб чорлаб, фарзандларнинг қулоғига қуйган: «Худо душманни ҳар банданинг оғзига жойлаб қўйибди. У душманнинг оти — тил, забон!.. Ёруғ дунёда эсон-омон яшаб, ўз ажалинг билан ўлмоқчимисан — тилингда тутун солиб юр!» Қиблагоҳ икки қизига айтмаган васиятини арзанда ўғлига асраган: «Сен ботиргапчидан хавотирдаман. Муртингни мўйчинак тишламасидан бурун кўзингни оч, ман сани турмада чириб кетишинг учун эмас, қариган чоғимда суянчиғим бўлар деган умидда ювиб-тардим... Яна бир гап қулоғингда бўлсин: биззи халқ отамлашиш деса томдан ташлайди, илло йиллаб оғизбурун ўпишган улфату шинавандаларнинг отамлашиши замон ўзгариб, отишмага айланганини кўп кўрдим. Так што, қулоғингда бўлсинким, зинҳор-базинҳор!..»

Хуллас... Қурбонали ўз сановига биноан ўн иккинчи бекатда автобусдан тушиб, кўчанинг ўтиш жойига келганида қандайдир нотаниш нусха ўзига мўлтайиб қараётганини сезди. Қурбонали муомала маданиятига тааллуқли китоб кўрганлардан эмасми, нотаниш кимсага ним табассум аралаш бош ирғади. Қурбоналидан

ҳамон назарини узмай турган кимса фурсатни бой бермади:

— Танимадингиз-а?

Муомала маданиятининг кўчасидан ўтган инсон, нима, йўқ, танимадим дермиди! Қурбонали бу сафар сезилар-сезилмас бош ирғади. Одатича кўзини юмиб олмоқчи, йўлида давом этмоқчи эди, нотаниш одам дурустгина сур экан, унинг нигоҳини «қўйиб юбормади».

— Куни кеча Илёсвойникида ўтиришдик-ку! — деди кўзини лўқ қилиб, томдан тараша тушгандек.

Қурбонали дабдурустдан Илёсвойнинг кимлигини эслолмади.

— Илёсвой?.. Қайси...

— Э-э, яшанг! — деди нотаниш таниш. Ҳақиқатда у икки оғиз гапдан сўнг нотанишдан танишга айланиб улгураётган эди. — Хотира чатоқми дейман? Қўшнингизни эслолмаяпсиз-а?

Қурбоналининг чеҳраси ёришди. Хижолат чекди. Дарҳақиқат, икки кун бурун рўпарадаги қўшнисини худойига айтганди. Таклиф этилган пайти Қурбонали Илёсвойникига чиқди. Бир уйгина одам йиғилибди. Қурбонали хонага кирган заҳоти катта чорбурчак хон-тахта теваарагида тизилишиб ўтирган ўн беш чорли меҳмонга зимдан кўз югуртирди-ю, кўнглидан «мошкичири» деган сўз ўтди. Учтаси таниш, тўрттаси кўзтаниш, беш-олтитаси фирт нотаниш. Ёшини айтмайсизми — мункиллаган муйсафидлар қаторида мурти ниш урмаган зумрашалар ҳам елкама-елка дастурхонга кўзини лўқ қилиб, безрайиб ўтирибди. «Мошкичириям эмас, нақд винегрет!» деди энсаси қотиб Қурбонали. Энсаси қотадимиди-қотмайдими, қўшничилик, онаси омонатини топширганига ўн кун ҳам бўлгани йўқ, Илёсвой арвоҳ хотира ён-атроф қўни-қўшнилардан, яқин жигарлардан териб-термачлаб айтган экан.

— Э, шундай демайсизми! — деб юборди Қурбонали бирдан хотираси тиниқлашиб. — Илёсвой денг!.. Онасини бериб қўйди бояқиш. Чиқдик, ҳа, худойига чиқдик. Эсладим.

Нотаниш таниш тўсатдан гапни қисқа қилди. Қур-

бонали бундан ажабланиб улгурмаган ҳам эдики, у шоша-пиша хайрлашди-да, узоқлашди.

## 2

Қурбонали автобусдан тушиб, кўчани кесиб ўтган эди ҳамки, рўпарасида пешвоз чиқиб, қучоқ очиб турган нотаниш танишни кўрди. Унга бош ирваш билан кифояланиб, йўлида давом этмоқчи эди, бўлмади.

— Қўшнилар тинчми? Хафа бўмай ўтиришибдими? — деб савол қотди нотаниш таниш.

Қурбонали ўша камтарин худойидан буён Илёсвойни учратмаган эди, шунчаки айтди-қўйди:

— Ҳм, ўтиришибди...

Кампирнинг қазосини эшитган заҳоти Қурбонали қўшниникига чиқди, улардан кўнгил сўради. «Қаричилик, ака, онамиз ёмон яшамадилар...» деди Илёсвой ўшанда. Нафсиламрини айтганда, тўқсоннинг бўсағасидаги кампирнинг сал кам ярим йил кўрпа-тўшак қилиб ётиб, бандаликни бажо келтиргани фавқулодда айрилиқ эмас, Қурбоналининг назарида Илёсвой бир овиз шу гапи билан дунёнинг паст-баландини тушунган одам бўлиб кўринди.

— Ҳар қалай худойи қилгани дуруст бўлди, — деди нотаниш. Қурбоналининг назарида у ўсмоқчилагандай туюлди.

— Албатта, нимасини айтасиз... — дея гўлдиради у.

— Қўни-қўшнилар анча аҳил экан, — деди нотаниш дабдурустан.

— Аҳил?! — Қурбонали беихтиёр шундай деб юборди-ю, азбаройи овзидан бепарда сўз чиқиб кетган одамдай тилини тишлади. — Ҳаммалариям қўшни эмас...

— Калта соқолли ота қўшни эди, шекилли?

— Ҳа, — деди Қурбонали суҳбатдошининг синчковлигидан ажабланиб. — Калта соқолли?.. Қайси бири?..

— Исми нимайди бобойнинг?..

Нотаниш таниш савол қотганича Қурбоналининг афтига анграйди.

— Қайси бобой? Бобойлар кўпчилик эди, чамамда?

Қурбонали ўзини гўлликка солаётгандай туюлди суҳбатдошига. У писанда қилди:

— Улар мендан кўра сизга танишроқ... Сиздай тушунган-нетган одам қўшни чолнинг исмини билмас...

Гап шу ерга етганда Қурбоналининг чапақай жаҳли чиқди. Бу таъвия ким ўзи? Унинг йўлини тўсиб, сўроққа тутишга нима ҳақи бор? Қўшнисининг худойисида учратган бўлса учратандир, нима, шунинг учун ҳар сафар рўпара келганда у билан ош-қатиқлашиб гурунглашиши шартми?

Нотаниш таниш ҳушёрликда Қурбоналидан ўтиб тушди. У рўпарасидаги кишининг авзойига кўчиб улгурмаган норозиликни шу қадар нозик илғади-ки!.. Илғади-ю, ишни бузиб қўймадимми деган хавотирда дарҳол суҳбатта яқун ясади:

— Хизматта шошаётган сиздай одамни йўлдан қолдириб туришимни қаранг. — У хижолат чекаётганини сездириб қўймоқчидек лабининг бир чеккасида қулимсиради. Сўнг йўл қўйган номаъқулчилигини ҳаспўшлагандай ўзини оқлашга ўтди: — Жуда галати чол экан-да ўзиям. Қурбонми, Қурдошми дейишди-ю. Ҳай, майли, ҳозир жудаям шарт эмас, узр...

### 3

Нотаниш танишнинг бефаросатларча йўл усти гапга тутишидан Қурбоналининг ёмон жаҳли чиқди. Жаҳлидан тушганида: «Бечора, овсарроқ шекилли», деб унга ачинди. Овсар бўлмаса, Илёсвойникида зумда ўтган-кетган тиловати Қуръон деганларидек камтариндан-камсуқум маърақада учратган — Қурбонали ўша хонада ўтирганлар орасида бу нусхани кўрганини сира эслолмади — етти ёт бегона одам билан шу тахлит гапни чувалатармиди?!

Қурбонали беихтиёр хаёлига тирвалган шу ўйлардан ажабсиниб автобусдан тушди-ю, таниш нусханинг саломини эшитди. Пакана, новдадеккина нотаниш худди туғишган акасини туйқус учратиб қолган оқибатли укадек қаҳ-қаҳ отгудай қувноқлик билан Қурбоналига пешвоз юрди. Қурбонали бу ҳолатга ўзича баҳо бе-

ришга улгурмади. «Овсарроқ дедим-ку!» дея олди... ичида.

— Илло, қойилман, ака, — деди нотаниш овсар кўришиш учун қўл чўзиб. — Сиздақа батартиб одам кам бўлади. Овзига кучи етмаган лодонлар дунёда батартиб инсон қолмади деб вайсаётган бир замонда... Мана, сиз! Электр қувватида юргич соатта ўхшаб... ишга ҳа-ар куни бир вақтда келиб, би-ир вақтда кетаркансиз-а!..

Қурбонали бу гаплар ўзининг шаънига ёғдирилаётган мақтовлар эдими ёхуд?.. Ёхуд бошқа нима бўлиши мумкинлигини у сира ақлига сиғдиrolмади. Таъби тирриқлашаётганини сездирай деса, бу етти ёт бегона... Ким ўзи у? Исминиям айтмади... Илёсвойнинг қариндош-париндоши бўлгандаям Қурбонали учун ҳеч кимса-да! «Кимса бўлгандаям овсар кимса, кимсанбой!» Қурбонали ўзи истамаган ҳолда нотаниш танишига ўхшатиб «исм» қўйиб олганига ич-ичидан кулди.

Ўзи, асли овсар одамнинг ниятини билиш ҳам мушкул-да! Бу тоифа валакисаланг кимсалар овзига келганини алжирайверади. Кечаги сафар хайрлашаётиб, нима эмиш, «ҳозир жудаям шарт эмас» эмиш. Нима, кейин шарт деганими, бу?! Бунча зарил экан ўша калта соқолли чолнинг исмини билиш?.. Қурбон?.. Қурдош?..

Қурбонали хаёлини йириб олгунича нотаниш таниш — ҳа-я, Кимсан, Кимсанбой билан қўл олишиб кўришди, омонлашди. Ҳатто, кўчанинг ўтиш жойига ҳам бориб қолди. Шундагина Кимсанбой биқинига қапишган канадек бўлиб ёнида пилдираб келаётганини кўрди. Унинг заҳил башарасига, қоқсуяк ёноғида гўдайиб қонталашган ҳуснбузарига бирров кўз қирини ташлади-ю, ичида ўзидан гаши келди. «Шу мишиқи билан пачакилашиб ўтираманми, — деди ижирғаниб. — Тилим қисик жойи бўлмаса, бир овсар зумраша деб!..»

— Қурбон... Қурдош ота қайси касбда ишлаганлар?

Қурбонали бурнини жийириб йўлдошига разм солди.

— Қурбон эмас, Қурдош ҳам эмас, — деди у бошимни қотирвординг-ку, деган оҳангда. — Қурол, Қу-

ролбой ота. Фирт қора ишчи. Умр бўйи қора меҳнатдан бошқасига ярамаган. Яқин-яқингача қаддини роз тутиб юрарди, тўсатдан букилиб, букчайиб қолди.

— Соддароқ қарибдилар-да бобой...

Қурбонали луқманинг даромади қай томонга оғаётганини тушунмади. Қуролбой ота содда бўлса бордир, олтмиш йил юк ташиган одам етмишдан ошганда Афлотунга айланиб қолармиди?! Нима бўлгандаям, шахсан Қурбоналига бунинг қандай иссиқ-совуғи бор?.. Буёғини айтганда, Қуролбой отанинг соддароқ қариганини қаёқдан била қолибди бу тирмизак?! Нималар деди-я, ота, ўша куни?..

Қурбонали устма-уст саволларга жавоб топгунига қадар идора биносининг остонасига етиб қолди. Мармар зинадан беш одим ташласа, ичкарига киради-кетади.

— Ҳе, бунчалик оғир ўйламанг, — деди тўсатдан Кимсанбой, унга меҳрибончилик қилаётган оҳангда. — Арзимайди. Фақат кўк дўппили бақалоқ чол аямади. Жиззакироқ экан, ёмон чақди.

Қурбонали кўк дўппили бақалоқ чолнинг қиёфасини кўз ўнгига келтиришга қийналди. Чунки у худойига ййилган «винегрет»ни кўрганининг ўзидаёқ энсаси қотган, «худойиси тезроқ тугасаю, чиқиб кетсам», деган хаёлда ҳеч кимга эътибор бермай ўтирганди.

— Ўша чолнинг исм-шарифи нимаиди? Қўшингиз?..

Кимсанбой Қурбоналининг мармар зинага оёқ қўйганини кўриб таққа тўхтади, ўша заҳоти хайр-маъзурга кўчди:

— Майли, майли, ишингиздан қолманг. Жуда зарил нарсамас. Кейинги сафар...

#### 4

Қурбонали ёмон жиғибийрон бўлди. Ахир, у умрида бундай мужмал ҳолатта тушмаган. Вой, сур-ей, вой, сўтаг-ей, деб роса сўкинди. Қурбонали ким-у, Илёсвойнинг худойисида танишган шу овсар-калаварам ким?! Ҳа-я, ким ўзи у? Қурбонали оғзига келганини қайтармай болохонадор қилиб «безаганча-безаяптию»,



лекин буни ўзидан бўлак бирор банди мўмин эшитгани йўқ. Нар и борса, умрида кўрмаган-учратмаган етти ёт, етмиш ёт нотаниш нусха... кимса-да!.. Фирт Кимсанбой!..

Қурбонали ҳарчанд хуноби ошмасин, шу исми эслганида қитиғи келган одамдек ичида қиқирлаб куладиган одат чиқарди. Қаёқдаги саёқ Кимсанбой деб шунча нотинч бўлаётгани ўзига нашъа қилди. Расвоёй, ўзиям, нари борса, икки мучални кўрган ё кўрмаган тирмизак!..

Автобус ўн иккинчи бекатта яқинлашай деганда Қурбонали истар-истамас мана шундай хаёлларга боладиган бўлди. Ана, автобус тўхтамай бекатда шумшайиб турган Кимсанбойнинг қораси кўринди. Э, қоранг ўчгур, росмана винти кетган!..

Қурбонали автобусдан тушди-ю, хоҳиш-иродасига буткул зид иш қилди: у тўғри Кимсанбой томон икки одим ташлади. Кимсан қадамни илдамлаштирди.

— Ҳозиргина келувдим. Кўнги яқин-да, тавба, учрашганимизни қаранг!

Қурбонали обдан тўхтаб, у билан бафуржа саломлашмоқчи, ҳол-аҳвол сўрашмоқчи эди, Кимсан унинг билалидан кўлтиқлаб, йўлга бошлади.

— Хизматдан қолманг, тақсир. Юринг, гаплашиб бораверамиз.

— Нимани гаплашамиз?

Қурбоналининг овози дағалроқ чиқди. Кимсан буни сезди-ю, сезмаганликка олди.

— Бугунми? — деб сўради-ю, саволига ўзи жавоб берди: — Дунёда нима кўп — гап кўп, нима кўп — савол-жавоб кўп. Очиғи, сизга жудаям ҳурматим ортди. Инчунин, сиз билан ҳол-аҳвол сўрашишнинг ўзидаёқ бир дунё ишни битириб қўямиз, тақсир.

Қурбонали тушунмай елка қисди. Кимсан бутун анча вайсақилик қилди:

— Сиз ишли одамсиз, орамизда қолсин-у... мен ҳам бекорчи эмасман. Ишга, хизматта бош-оёқ шўнғиб юравериш, кўнгилга яқин ака-укалар, биродарлар билан ёзилишиб суҳбатлашолмаслигимиз оғир ботади, баъзан. Қаранг, Илёсвой аканикида танишганимизга

ўн кундан ошди, йўл усти — шу кўчани кесиб ўтиш асносидагина гурунглашаяпмиз. Эт-бетда бемало-ол ҳангомалашсак ҳам бўларди-ю... биз — хизматда, келинг, шу ернинг ўзидаям ишимиз юришиб кетар деган ниятда... Бир чеккаси сизниям аяб...

Қурбоналининг боши гангиди. Қадамини жадаллаштирса, мраммар зинанинг беш поғонасини бир қилиб, ўзини эшикка урса!.. Лекин нимадан чўчийди? Шу валакисаланг вайсақидан қочадими? Ҳар куни эрталаб биқинига ёпишиб олаётган канадан кўрқадими?..

Улар биқинма-биқин бораётган ота-ўғилдек мраммар зинага теппа-тенг етиб келишди-ю, иккалови таққа тўхташди. Қурбоналининг тили эшилди:

— Кўк дўппили, бақалоқ чолни сўраганмидийз? Биринчидан, у чолни эслолмадим. Иккинчидан, ўша худойига келган бир уй одамнинг кимлигини билишни истасангиз, яхшиси, Илёсвойдан суриштиринг, ҳаммасини айтиб беради, вассалом. Ҳар қалай, қийналиб юрмайсиз.

Кимсан кулди. Кулгандаям, ҳиринглаб кулди. Ипириски-ей, деди Қурбонали унинг афтига безрайиб. Охори тўкилмаган қордек оқ кўйлак кийиб олганига ўлайми?! Кимсан туйқус кулишдан тўхтади.

— Сиздай кўпни кўрган олим одам...

Қурбоналининг энсаси қотди, кўпни кўрган олим бўлсам сенга нима, деб сасимоқчи эди, Кимсаннинг авзои ўзгарди.

— Кўк дўппили бақалоқ чол кўшни эмас дедингизку! — деди безрайиб, пўписса оҳангида. Қурбонали бундай гапни озига олган-олмаганини дабдурустдан эслолмай шошиб қолди. Кимсан давом этди. — Кўшними-йўқми, илло тажангроқ экан. Қуролбой отани анча мулзам қилдими, дейман-да?.. Буёғи, мен билмайман, фалончидан сўранг деб қутулишга уриниш ҳам дуруст эмас, назаримда...

Бу гап Қурбоналини тамом каловлантириб юборди. «Мулзам» деб нимани назарда тутяпти, бу ит? Илёсвойдан суриштиринг деган бўлсам, нима, ўзим нимадан қутуломоқчиман?! Нимаси дуруст эмас экан?!

Кимсанбой Қурбоналини хижолатта қўйганини пайкаб, дарҳол гап оҳангини ўзгартирди:

— Майли-ю... Бобой тушмагурлар ёқалашиб кетадими, деб қўрқдим-да ўзиям!..

Қурбонали одатига зид ўлароқ ёйилиб, чехраси очилиб кулди.

## 5

Қурбонали бу қадар мириқиб кулишининг боиси иккита эди: аввало, шу гапни эшитган заҳоти кўз ўнгида — дарвоқе, у ўйлай-ўйлай дастурхон теваарагида ўтирган таниш, нотаниш, чала таниш башараларни бирма-бир кўз олдига келтира бошлади — хуллас, Кимсанбойнинг гапини эшитди-ю, кўз ўнгида мункиллаган Қуролбой ота билан кўк дўппили ўша хўппа семиз чолнинг сурати гавдаланди. Қолаверса, Қурбоналининг тахмини икки қисса ортиқроқ тасдиқланди, яъни Кимсан овсарнинг овсари! Фирт туғма валакисаланг! Оғзининг станцияси йўқ! Фақат оғзи эмас, мияси ҳам бепаровоз! Топган гапини қаранг: бировнинг худойисида тасодифан ёнма-ён ўтиришиб қолган бир-бирига етти ёт мункиллаган икки мўйсафид ёқалашармиш!.. Марҳума хотирасига ўтказилаётган маърақани жанжалга айлантирармиш!.. Нима, отасининг маҳрини талашадими улар?! Ярим соат, нари борса, бир соатта қолмай куюқ-суюқни ейди, ичади — чиқиб кетади, вассалом!..

Қурбонали мана шундай таъна-дашномларни кўнглидан ўтказар экан, ҳар куни уни автобус бека-тидан идоранинг остонасигача «кузатиб» қўяётган кимса ҳақида қатъий хулосага келди. У билан пачакилашиб ўтиришни бас қилади, шартта точка қўяди, та-мом!..

Шу қарорга келди-ю, навбатдаги «гурунг»нинг бошланишидаёқ ҳайратдан оғзи ланг очилди!..

— Мени роса ваҳимачига чиқариб қўйгандирсиз? — савол қотди Кимсан салом-аликни қисқа қилиб.

— Йўв-э, нега? — деди аввалига тушунмай Қурбонали.

— Мўйсафидлар ёқалашиб кетиши эҳтимолини айтдим-у, сўнг ўзимга нашъа қилди. «Эси жойидами, ўзи, роса ваҳимачи экан!» деб устимдан кулмадингизми, ишқилиб?

Қурбонали сал иродаси панд берса ҳайратидан кўзларини ола-кула қилиб Кимсанга тиккасига бақрайишдан, «Тўғри топдингиз, шундай хаёлга боргандим!» деб тан олишдан тоймас эди. Ахир, у ҳозиргина автобусда келатуриб ўйлаган, дилдан кечирган гапларни айнан такрорляпти-я! Қурмағур, худди Қурбоналининг миясига жойлашиб олган-у, ич-ичида кечаётган нимаики мулоҳаза бўлса, барини кўриб-билиб-пайқаб тургандек!

Қурбонали зумда бояги қатъий хулосасидан қайтди. Ҳатто, рўпарасида ишшайиб турган бефайздан-бефайз, кўримсиздан-кўримсиз иширисқи тирмизак олдида ўзини жуда ожиз ва нотавон ҳис қилди. Шу кайфиятда унинг таъсирига лаққа балиқдек илинди-қолди.

— Йў-ўқ, нега бундай хаёлга бордингиз? — деди у Кимсанни қўлтиқлаб катта йўлни кесиб ўтар экан, ялтоқдангудай оҳангда. — Ваҳимачига чиқарганим йўқ... асло...

Унинг хаёли Илёсвойникида бўлиб ўтган маъракага кўчди. Ўзи, чол тушмағурлар нимани талашди-я ўшанда?.. Қурбонали ҳаммасини бир бошдан хотирасида тиклашга уринди: хонага кириб борди, хонтахта тева-рагида кексаю ёш тизилишиб ўтиришибди. Дастурхонга қўл урилмаган. Таниш, нотаниш, чала танишлар жамланган бундай давраларда суҳбат қийин қовушади. Гурунг, одатда, «Олинглар, олинглар!»дан нарига ўтмай тугайди. Қурбонали-ку, бундай жойларда минг бир азобда ўтиради, мана шундай беўхшов одатлар кўплигидан, шу каби йиғинларга қўшилиб қолганидан аччиқланади, тишини тишига қўяди... Хуллас, у қисқагина салом берди-да, қуйироқдаги бўш жойга чўқди. Таниш-билиш, нотанишлар билан шунчаки бош ирғаб омонлашди. Кимсанбой тўғри айтди, Қуролбой ота тўрда эди, отанинг ёнидаги бақалоққина, кўк дўппили, кўзойнаги ортидан кўзлари чақчайганроқ чолни Қурбонали танимади. Ҳамма жим ўтирибди. Тўсатдан Қуролбой ота дўриллаб гап бошлади:

— Бизани мачитти имоми жа-а илмли бола-да, барака топгур!..

Ўтирганлар Қуролбой отага бир-бир қараб қўйишди-ю, ҳеч ким чурқ этиб гап қўшмади. Ўшандаёқ Қур-

боналининг энсаси қоттанди. Қуролбой ота нима қиларди шу гапни қўзғаб? Маҳаладаги катақдек масжиднинг имом хатиби ким, унинг илми қандай деб биров сўради, қизиқдими?!

Орага тушган жимликни кўк дўппили мўйсафиднинг салмоқлиниб ташлаган саволи бузди:

— Илму дедингизми?..

Мўйсафид савол қотди-ю, Қуролбой отанинг афтига бирров нигоҳ югуртириб, бошини тиззаси узра солиптирди.

— Илми бўлгандаки!.. — Яна дўрилади Қуролбой ота худди неварасини мақтаётган бободек талтайиб. — Қироатиям зўр!

— Ҳм-м, бародар... — деди кўк дўппили мўйсафид. Афтидан, у гапни узоқдан бошлашга шайланаётган, шунинг ўзиданоқ ёнгинасида ўтирган қарийб ўзи қатори Қуролбой отанинг мақтови унга ёқинқирамаганидан далолат бераётган эди. — Бирон кишини илму деб тан олмоқ учун, ўша инсон қандайин хосиятларга эга бўлмоғи керак? Қани, шундан келсунлар-чи?..

Қурбонали «Нима бало, муаллим бўлганми бу одам?» деган хаёлда мўйсафидга кўз қирини ташлади. Ёнида ўтирган Тўлаш тарашага зимдан мўралади. Тараша зийракликда тулкидан ўтадиган хилидан эмасми, ўша заҳоти «Чой қуяйми?» деб чойнакка қўл чўзди. Қурбонали эътироз маъносиде бош чайқади. Шунга қарамай, чойнакнинг биқинига кафтини босган Тўлаш: «Ия, совиган чой киритишганми?» деганича «дик» этиб турди-ю, зипиллаб ташқарига йўрғалади.

Қурбонали тарашанинг иттифоқо жуфттак ростлагани сабабини талқин этишга ақли етмади. Балки бошқаларга қўшилиб, Қуролбой отадан тайинли жавоб кута бошлади. Бироқ бундай саволга отадан бамаънироқ жавоб чиқмаслигига у минг қарра амин эди. Қуролбой ота эса ўз ожизлигини, яъни бу сингари саволларга жавоб қайтаришга ақли етмаслигиниям билмайдиган даражада гўл эди.

— Билмайдиган нарсаси йўқ. — деди Қуролбой ота. У киши темирчиларга ўхшаб бақририб гапирарди. — Қандай савол берилмасин, жойида қойиллатиб тушунтириб қўяди.

— Ота-бобосига раҳмат, — деди кўк дўппили мўйсафид. Қурбонали «Меҳмон сал юмшади», деган ўйда хайрият деб қўйди ичида.

Бироқ мўйсафид бир гапдан қолмайдиган, дурустгина қайсар ва тажангина чиқиб қолди.

— Илоким, саволда ҳам савол бор... Аҳли авомнинг пайдар-пай ёғдирган саволига қайтарулган жавоб билан киши илму ҳисобланиб қолмас. Шундай тушунчалар касрига ким — китоб кўрмаган билимдон кўпайду!..

Қуролбой ота бўш келмади-ю, «авом» сўзини тушунмаслигини сездириб қўйди. Кўк дўппили мўйсафид шуни пайқадими, баттар ижирғаниб, илова қилди:

— Уламоларни, имомларни асли машунақа чаласаводлик бузмоқда.

Қуролбой ота бу пичингга ҳам парво қилмади.

— Ана, мачитга чиқадиганлар кўп. Тўлаш, гапирсанг-чи!

Ота шундай деб пойгак томон чимирилиб ўтирилди.

— Ия, Тўлаш қани? Ҳозир ўтирувди-ку! — деди гезариб.

Қурбонали шу аҳволда, етти ёт бегона, нотанишдан-нотаниш аллакимса билан пачакилашиб катта кўчанинг ўтар жойида қирқ йиллик қўшнисининг аслида қандай одамлигини туйқус англаб етди! Тўлаш тарашанинг қувлигини кашф этди! Демак... ундан чиқди, Қуролбой ота оғиз очиб гап бошлаганининг ўзида бир ғалванинг иси анқиганини тараша сезган, сезгану чойни баҳона қилиб, жуфтакни ростлаган! Қурбонали эса... Ҳу-у, қизиталоқ!.. Ўшанга эргашибми-илашибми, чиқиб кетганида манави даҳмазани ҳам орттирмасмиди?..

Кимсан бу сафар оз вайсади, Қурбоналининг етовида кўчани индамай кесиб ўтди. Унинг сукут сақлаши Қурбоналини гапиртириб юборди.

— Ўша аҳволда узоқроқ ўтирилса, ёқалашиш экану, муштлашув чиқиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди.

— Нима?! — деб юборди Кимсан гоятда муҳим гапни қулоғи дурустроқ илвамай қолган одамдек ва

такрорланг деган маънода Қурбоналига ўтинч аралаш қаради. — Муштлашув, дедингизми?! Муштлашув, дегани тинч, осуда хонадонни жанжалхонага айлантириш, жамоат тартибини бузиш дегани-да, шундай эмасми?!

— Ўзи, эътиқодга дахлдор тортишув муштлашувга айланиб кетишидан осонроқ нарса йўқ, шекилли?..

— Э, яшанг! Э, баракалла! Э, офарин!..

Қурбонали неварачаси тенги боладан бундай олқиш олаётгани боисини фаҳмлашга шу қадар қаттиқ чирандики, азбаройи оғзи бир ёнга тортиб, пирпираб уча бошлади. Аллақаери симилаб оғриётган одамдек гезариб илжайди. Кимсаннинг навбатдаги лутфи шундайига ҳам гангиб турган Қурбоналини баттар довдиратди:

— Икки мўйсафид жанжаллашай, бўйишай деб турганида кап-катта эркак жуфтакни ростлаб қолишига нима дейсиз?..

## 6

«Оббо, баччағар-ей!» деб юборди Қурбонали. Ҳар банда ўзича бир синоат деб бекорга айтмайдилар-да!.. Бола пақирни овсар, лақма, довдирга чиқариб, устидан йўқ ердаги маъзавани ағдариб юрганди, мишиқига чиқарганди уни... Тўлаш тарашанинг чой келтириш баҳона сирғалибгина чиқиб, туёғини шиқиллатиб қолганигача пайқаган, заметкага олган экан-у!.. Қайтага Қурбонали гўл экан. Маърака бўлаётган хонага кирган заҳоти ўтирганларга кўз югуртириб, «мурти сабза урмаган тирмизакка мўйсафидлар қаторида пишириб қўйибдими?!» деб ичида ижирғанган эди, мана, ўша даврада биқинида ўтирган қўшниси нима сабабдан тўсатдан қочиб қолганига фаҳми етмабди-ю, бу бола... Қурбонали автобусдагина эмас, ишхонасида ҳам, уйига борганида ҳам ўз-ўзидан Кимсаннинг айтганларини мулоҳаза, муҳокама қиладиган бўлиб қолди. Қаттиқ ўйга толган чорлари тўсатдан тутақиб кетадиган, муштумдек йигитчага йўлиқиб, бошига шунча равво орттирганидан жиғибийрони чиқадиған бўлди. Кимсаннинг тусмолларини рад этадиған далиллар ўйлаб топ-

ди. Аллакимсанинг тазйиқига учиб қирқ йиллик қўшни-  
си, тобуткашининг шаънига маломат ёғдиргани учун  
ўзидан норозиланди. Тўлаш тараша чиқиб кетган бўлса,  
ундан нарига, қолаверса, маърақада иштирок этиш-  
этмаслик ҳар кимнинг хоҳиши. Чойни баҳона қилган  
бўлса қутулиб кетди, қандини урсин, эҳтимол, захар  
танг қилгадир... Икки мўйсафиднинг ёқалашини ту-  
шига кирибдими, унинг?! «Икки мўйсафид жанжал-  
лашай, бўғишай деб турганида», дедими Кимсан?! Хў,  
ўпкаси йўқ, жанжаллашмади-ку улар! Ваҳиманг кур-  
син-а!.. «Муштлашай деган»миш!.. Тўлашвой чойнак-  
ни кўтариб чиқиб кетаётганида Қуролбой ота эндиги-  
на бир оғиз гап очган, кўк дўппили мўйсафид билан  
ораларида ҳеч қандай гап қочмаганди. Ия, худойида,  
тарин мункилаган чоллар бўғишганини, ёқалашгани-  
ни кўз кўриб, қулоқ эшитганми ўзи?! Ҳа, энди, нари  
борса, икки чол тушмагур сал-пал қизишиб олди деса  
бўладиган бир ҳолатни жанжал, бўғишиш, муштла-  
шиш орқали одамларнинг, хонадоннинг тинчини, бу  
ҳам етмагандай жамоат тартибини бузиш дея талқин  
этиш...

— Касб-кори нимаикан? — ўсмоқчилади Кимсан  
эртасига эрталаб, Қурбоналининг пинжига кириб.

Тўғриси, Тўлаш тараша нафақа ёшига етмай ишни  
йиғиштирган, нима билан машғуллигини Қурбонали  
билмас, бунга қизиқмаган ҳам экан. Шу боис, жавоби  
мужмалроқ чиқди:

— Тадбиркор шекилли...

— Одамларнинг ўзи тугул, касби ҳам бетайинла-  
шиб кетди.

— Йўр-э! — деб юборди зътироз оҳангига урғу  
бериб Қурбонали. — Унчалик эмас-ов, оғайни.

У неча кундан буён сурункасига давом этаётган  
отамлашувлар асносида Кимсанга биринчи бор «оғай-  
ни» деб мурожаат қилди. Кимсан бунини сезди. Лекин  
сезганини сездирмади.

— Қиёматли қўшнининг касбини билмадингизми,  
унинг бетайинлиги шунда-да, демак, қўнимини йўқ одам.

Қурбонали жилмайди. Чамаси у хаёлига келган  
фикрни тилига кўчирса суҳбатдошини ханг-манг қилиб  
кўядигандек эди. Айтди:



— Ҳар қалай, Тўлаш тараша эҳтимоли тутилган низони олдиндан пайқайдиган касб одами эмас-да...

Қурбоналининг тахмини тасдиқланди, яъни Кимсан яйраб, мириқиб кулди. Кулаётиб, тўсатдан жиддий тортди-ю, асл муддаога кўчаётган оҳангда деди:

— Кам бўлманг, ака! Бор экансиз-у!..

Демак, забон бор, демак, ҳар қандай одамни гапиртириш мумкин...

Қурбонали катта ва серқатнов кўчани кесиб ўтишаётганига қарамай қадам олиши секинлашди, ҳамроҳининг оғзига анграйди. Назарида Кимсан шу сонияда нимадир дейди-ю, мана, неча кундан бери давом этаётган, уни хит қилиб жонига азоб бераётган мавҳумлик ойдинлашади! Қурбонали шунча кундан бери ўзини пичоқсиз бўғизлаётган азоблардан халос бўлади. Енгил тортади. Шу нусха билан эрталабки пачакилашишлардан халос бўлади. Уйидан бекатгача бир юз ўттиз қадам, бекатдан ишхонасигача етмиш-етмиш тўрт одимини ташлаб, истаса — кўзини очиб, истамаса — юмиб юриб ҳаётини сидқидилдан бахшида этган хизмати муддатини роса қирқ йилга етказди, ҳадемай қариялик нафақасини расмийлаштиради-да...

Кимсан ҳамроҳининг ҳаёли қочганини пайқаб, гапдан тўхтади. Кутди. Қурбонали эса мрамар зинага қандай етиб борганини ҳам сезмади. Ва ниҳоят, у зинага оёқ қўйган жойидагина Кимсан айтадиганини айтди:

— Майли-ю... — деди у атайин тайсалланиб, сўнг баттар салмоқланиб, лекин дона-дона қилиб деди: — Биров ўзини эшитмаганга олди, кимдир била туриб жуфтакни ростлади. Майли-и... бунисиям ҳар кимнинг хоҳиши. Лекин...

Кимсан гапининг давомини айтмаса ҳам бўлади-гандек алпозда бепарволаниб, ҳатто, ҳомуза ҳам тортди, лекин ҳомузаси беўхшов чиқди, шу аснода ўтган саноқли лаҳзалар Қурбоналининг ичини ўпириб юборди. «Айт, айтадиганингни, малъун!» деб бақириб юборишдан аранг ўзини тийди. Яхшиям, ўзини тийгани, Кимсан лаҳза ҳаялламай у зинҳор-базинҳор кутмаган гапни айтди:

— Лекин ҳаммасини кўра-била туриб, вазият ха-

тарли тус олаётганига ақли ета туриб сукут сақлаган... жим ўтирган одам хавфли!..

## 7

Кимсан шундай деди-ю, Қурбоналининг кўзига қаттиқ тикилди. Қурбоналининг назарида ўзига неча кундан буён ҳар куни эрталабдан оғзидан бол томиб шакарғуфторлик қилаётган, отамлашаётган инсон боласи эмас, укки... бойўғли ўқрайгандек бўлди! Ўқрайгандаям... Қурбоналининг кўзи тешилиб кетай деди! Найзадай санчилган нигоҳнинг «зарби»дан унинг залворли гавдаси чайқалиб кетди!..

Қурбонали ичидан асабийлашганида лунжининг пирллаб учадиган одати бор эди. Бу сафар лаб-лунжи аралаш, аъзон баданининг алақаерларида қалтироқ турди. У сир бой бермоқчи эмасди, аксига олиб тили калимага келмади. Тили калимага келмаса-да, гапирмоқчи эди, қандайдир куч лабининг икки бурчидан силтай-силтай жағи томон тортқилаб нафас йўлини тўсиб қўйди. Тил — одамнинг ўз оғзидаги душмани эканига Қурбонали шу топда яна бир карра иймон келтирди, тил бесуюқлиги, валдирайвериши билангина эмас, зарур пайтида гапирмаслиги билан ҳам ранимлиқни адо этиши мумкинлигига амин бўлди. Тилинг хиёнат қилиб турганида бирдан-бир чора жилмайиш, жилла қурса, ним табассум билан вазиятдан қутулиш деган ўй Қурбоналининг хаёлидан чақмоқдек ўтди.

Қурбонали буларни мутлақо ғайришуурий равишда ўйлаётган эди. Хаёлини жамлаб, тиниқиб ўйлай деса мияси ҳам ўзига бўйсунмади. Буни аниқ сезди. Тил калимага келмаганида, мия ҳам хиёнат йўлига ўтишини Қурбонали шу ёшда, шу топда билди.

Унинг шуурию вужудини қўрқув забт этган, қон томирларида қон эмас, қўрқув зир югура бошлаган эди!.. Нима, нима қилиш керак?!

Қурбонали ўзига шу саволни бера олганига қувониб кетди. Савол уни кўп азоблардан халос этгандек бўлди. Халоскор савол!.. Бирам енгил тортдики!.. Севинчдан лаб-лунжини қийшайтирмай жилмайди. Шундагина боядан бери мрамар зинага бир оёғини қўйганича

ғўдайиб турганини фаҳмлаб қолди. Мармар зина!.. Шу топда Қурбонали учун беш поёнали зинадан ўтиб ич-қарига кириб кетишдан кўра саодатлироқ орзу йўқ эди! Зинага қопланган оқ мармар кўзига садафдек, оёғи остига тўшалган кумуш поёндоздек кўриниб кетди. Сал кам қирқ йилдан бери чиқиб тушади Қурбонали бу зинадан. Бир замонлар оддий гиштин зина эди, чиқиб-тушувчи кўплигидан ҳар уч-тўрт кунда битта-яримта гишти ўйнаб кетарди. Қурбонали тилини тиёлмайдиган замонлар эди у пайтлар. Идора йиғинларида кўрилаётган масалаларни нақ бўғздан оларди. Унинг устидан кулишарди, уни тартибга чақирарди, ундан ранжишарди ҳам. Гиштин зина эпақага келтирилгунича Қурбонали озмунча чакак қоқдимми?! Маблағ йўқ, дейишди, рухсат йўқ, дейишди (зинани таъмирлашга ҳам рухсат сўралган!), маблағ топилганида ижрокўмга уч дафъа хат йўллаб тўрт қоп сиймон ундиришнинг эпини топишолмади ва ёруғ оламга қуёш беғубор нур сочган шодумон кунларнинг бирида... душанба куни эди, Қурбонали эрталаб идорага яқинлашиб не кўз билан кўрсаки, гиштин зина куёвболадек ясанибди!.. Қурбонали зинага оёқ қўйишдан бурун унинг ён-верини кўздан кечирди. Ҳамкасблар тўпланишди, қувонишди, бир-бирларини табриклаган, қутлаган. Шунда Қурбонали зинанинг бир чеккасига кечаги кун санаси ўйиб битилганини кўрди. Яъни, тарихий сана!

Қурбонали қаттиқ тутақди. Шунчалик ношудмизми?.. Шунчалик бечорамизми?.. Қўлимиз шу қадар қисқами?! У шу таъна-дашномларини йиғилишда тўкиб солди. У ваъзхонлигини тугатгунича раҳбар неча гезариб, неча бўзарди. Сўнгра, ўзи сўз олиб, биз сизни қутламоқчи эдик, масалани қайта-қайта кўндаланг қўяверганингиз шарофати билан шу иш ниҳоят енгил кўчди демоқчи эдик. Ҳа, энди қурувчи усталар тушмагур зина сиймонланган санани чизиб қўйибди, қўйинг, шунга ота гўрини қозихонага айлантирмайлик деб уни юпатмоқчи эди, Қурбонали сўздан қайтмади.

— Сиймон зинага санани ёзиш — биз бундан ортиғига қодир эмасмиз, беш қарич чиқмайдиган зинани сиймонлашнинг ўзиёқ биз учун тарихий воқеа деган маънони англатади, — деди у йиғилиш аҳлига қара-

та. — Ваҳоланки, биз мармар зиналар қуришга ҳақлимиз ҳам, қурбимиз ҳам етади!..

Шу жойига келганда жамоа орасида «пиқ-пиқ» кулги, кесатиқ ва пичингнамо луқмалар эшитилди.

— Қўйинг-е! — деб юборди раҳбар. — Ношукрчилик ҳам эви билан-да!.. Мусул... орзу-ният аста-секинлик билан-да!.. Шукр қилишни ҳам билайлик, ўртоқлар!..

Қурбонали кулиб юборганди ўшанда, айниқса, раҳбар шошганидан мусулмончилик деб юборишига оз қолди, хайрият, жумласини охирига етказмай уни «орзу-ният»га алмашлаб улгурди.

Хуллас, ўшанда Қурбоналини роса изза қилишди. Раҳбарни ножўя ранжитгани туфайли ярим ой-бир ойгача у билан салом-аликни мухтасар қиладиганлар чиқди. Орадаги совуқчилик... қиш-қировли совуқ кунлар бошланган — зинанинг сиймон сувоғи палахса-палахса бўлиб кўчиб кетган кезлар илий бошлади. Қурбоналига ошкора ва хуфиёна тан берганлар кўпайди. Иттифоқо раҳбар уни йўлда тўхтатиб, ён-атрофга аланглаб олди-да, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, «Қандоқ қиламиз, оғайни, мармар зиналардан чиқиб тушадиган дориломон замонлар ҳам кеп қолар», деб шивирлади...

## 8

Раҳбар одам шу бир оғиз надоматни минг истиҳола-минг хавотирда айтадиган замонлар ҳам Қурбонали кўрқмаган. Кўрқув нимаиканини билмаган. Ботиргапчи дейишарди уни. Айримлар унинг кўрқув билмаслигига ҳавас қилишарди. Энди... қаёқдан илашди унга, бу туйғу?.. Наҳотки, раҳматли падар авайлабгина қадаб кетган кўрқув уруғи энди ниш уриб, униб чиқаётган ва Қурбоналининг умрини абгор айлаётган бўлса?.. Инсон дунёдан кўрқмай яшаб ўтиши керак, деганди отасига, отаси мум тишлаб ўтираверган, эҳтимол, отасига оғир ботқандир ўша гапи?.. Отасининг дили оғригандир?.. Кўрқиб яшашдан кўра оғирроқ кулфат, разолат йўқлигини, ҳойнаҳой отаси ундан кўра чуқурроқ ҳис қилгандир?..

Наҳотки, қиблагоҳига ўтказган ўша зулми эвазига бойибдан қайтаётгани шу бўлса?! Қайси гуноҳлари учун путининг ярмича келмайдиган зумрашанинг олдида япроқдек қалтираб ўтирибди?! Суриштириб келганда...

Тўғриси-да, суриштириб келганда у нимадан қўрқиниб керак? Бирон-бир гуноҳи азимга қўл урдимики?.. Кимсан ўқрайса ўқрайгандир. Ўқраймагандир? Қурбоналига шундай туюлгандир?.. Кўзинг тешилгур қирғининг, йўқ, лочиннинг кўзига ўхшайди-я! Одамнинг кўзи ҳам шунақа совуқ бўладими?! Кўз ҳам...

«Тўхта!» деб юборди Қурбонали, неча кунлардан буён бош қотириб ечолмаётган жумбоқнинг калитини топгандек севиниб. Шунча кундан буён кўришиб, суҳбатлашибману кўзига қарамабман-а! Кўзининг ранг-туси қанақайди ўзи, аблаҳнинг?!

Қурбонали ётса ҳам, турса ҳам шуни ўйлайверди. Қай гўрдан шу балога гирифтор бўлди-я?! Аслида биринчи кўришган куниеқ гапни чўрт кесиши, пачакилашиб юришга йўл қўймаслиги керак эди. Аслида худойига чиқмаса биров унинг гирибонидан олармиди?.. Маҳалладан сазойи қилишармиди?!

Асли... э, аслиниям отасига ҳазор лаънат!.. Жилла курса, Тўлаш тарашачалик фаҳми йўқ экан-а!.. У чиқиб кетди-ю кутулди, Қурбонали бўлса...

Қурбонали «тутилди!» деган сўзни тилга олмади. Дилидан кечган шу сўздан вужудига қалтироқ югурди. Ўзини босди. Чалғитди. Узоқ чалғимай, хаёли яна зина томонга қочди. Кимсанбойнинг охирги илмоқли гапини қайта-қайта чиғириқдан ўтказди. «Майлию...» деганича жим туриб қолди, сўнг давом этди: «Биров ўзини эшитмаганликка олади...» деди. Ким эшитмаганга олди ўша кунини?.. Қуролвой амаки вайсашга вайсади, кўк дўппили мўйсафид уни тузлади. Қуролвой амаки ақли ноқислик қилгани етмаганига яраша тилини тия қолмади. Валдиради. Шунда кўк дўппили мўйсафид қизариб-бўзарди. «Илм бошқа, қироат бошқа», деди беш ёшли гўдакка уқдираётгандек. «Лоақал шунинг фарқига борма, ҳар кимга уламолик мартабасини ёпиштирамаклик — гумроҳлик!»! Ҳа, шундай деди. «Асаби адош бўлган экан», деди ичида Қурбонали. Бир муддат суҳбатта қўшилиб, иккала мўйсафидни ҳам бе-

худа мунозарадан чалғитмоққа оғиз жуфтлади. Гапирса бўлар экан, гапиравериши керак эди!.. Ке, қўй, менга нима, деди. Довдир Куролвой амаки бир тишлам нонни пиёладаги чойга ивитиб кавшаниб ўтирган-ди. У «гумроҳ» сўзини дурустроқ тушунмаслигини Курбонали сезди. Бир ҳисобда тушунмаганиям маъқул экан. Акс ҳолда иккала чол ёқалашиб кетиши ҳеч гап эмасди. Ҳар қалай, худойида ўтирганлар луқма ташлаб, ҳай-ҳайлаб дастурхон тўрини эгаллаган икки гурбат мўйсафидни шашгидан туширишди. Зокир ёймачи: «Раҳматли дуруст онахон эдилар», деди-ю, меҳмонлар қандай муносабат юзасидан йиғилишиб ўтириганини эслаб қолишди.

«Кимдир била туриб жуфтакни ростлади», деди Кимсан. Ҳа, Тўлаш тараша искович итдек галванинг исини олди-ю, қуённи сурди, Курбонали эса... Курбонали ҳаммасини кўра-била туриб, вазият чатоқлашаётганига ақли ета туриб тилини ютиб ўтирди.

Кимсаннинг назарида бу овир айб экан! Шунинг учун ҳам Курбоналининг бетига солди шунин!

## 9

Курбонали Кимсаннинг бу таънасига жавобни ўзича пишириб қўйди. Эртасига эрталаб бекатда учрашган заҳоти шартта-шартта айтиб кунда-шунда «улфати»нинг кўнглига инган шубҳа вуборини тарқатиб юборишга шайланди. Шу ўйда автобусдан шошилиб тушди-ю... Кимсан кўринмади. Курбонали атрофга аланглади. Тушунолмай, елкасини қисди. Ҳар сафар автобусдан тушишига пешвоз чиқадаган, бекатда ҳаялламай, дарҳол катта кўчанинг ўтиш жойига бошлайдиган Кимсанбой бутун йўқ эди.

Курбонали нима қиларини билмай серрайганича туриб қолди. Яна бир карра бекатни, ундан нарини назардан ўтказди. Одам кўп эмас, ҳар ким ўз йўлида ошиқиб кетяпти.

Нима қилсин, Курбонали, кутсинми? Унга айтадиган зарур гапи бор, ахир. Курбонали туни билан ўйловда ётди, дамо-дам уйқуси қочиб, хаёлан минг бир кўчада изриб чиқди. Ором олиб ушлаш қаёқда,

Кимсанга қайси гапини қай оҳангда айтиши лозим-лигигача тарози палласига қўйиб, мисқоллаб ўлчади. «Кимсанбой ука, — деб оғиз жуфтлайди ҳозир унинг қораси кўринса, — кечаги гапингиз андек оғир ботди»...

Қурбонали бирдан тутатди. Туни билан неча ўйловдан кейин топган сўзи ҳам, сўзининг оҳанги ҳам энди бемаънидан-бемаъни туюлди. Нега энди оғир ботди дейиши керак? Нимаси оғир ботади?! Оғир ботадиган гап эмас, эътибор беришга ҳам арзимаёди-ю, деса нима жавоб қилади? Қайтага... хўш, оғир ботган бўлма-са, нима қилиб Қурбонали тинчини йўқотди? Намунча юрагини ҳовучламаса?.. Нимадан тили қисикқи, Кимсаннинг олдида ўзини оқлашга уринса?!

Нима, ҳаммасини кўра-била туриб сукут сақладингиз демоқчими? Аввало, бир уй меҳмон-излом орасида ҳаммасини фақат Қурбонали билиб турган эканми? Бошқа ўтирганларнинг эс-песи паст эмасдир? Ҳаммасини бир чеккага суриб турайлик, Илёсвойнинг маъракаси чоғида икки тиррақи чолнинг қуюқ-суёқ гал талашганидан дунёга ўт кетмагандир? Кетганда-чи! Не боисдан бунинг оғирлиги бориб-келиб Кимсанга тушяпти? Ким ўзи бу кимса?! Борди-ю, Қурбонали сукут сақлаган бўлса, забон ўзиники, истаса — гапиради, хушига келса, Қурол чаласаводнинг кўзини мошдек очиб қўяди, меҳмон эканига қарамай кўк дўпили мўйсафидни ҳам жуда қаттиқ кетманг, бобой, қаттиқ кетиш ҳам иймонга путур етказиб қўяди, деб уни тартибга чақиритиш чўт эмасди. Лекин негадир ўша топда Қурбонали шуни хушламади. Шунчаки хушламади, холос. Таниш-нотанишни оғзига қаратиб ваъзхонлик қилишдан ўзини тийди. Қолаверса, Зокир ёймачи марҳумани ёдга солиб, ўртадаги ўнғайсизликни кўтариб юборди. Қайтиб гап чувалашмади, тамом-вассалом! Демак, Қурбоналини атайин сукут сақлаганликда айб-лашдан, бу етмагандай «жим ўтирган одам хавфли!» деган маломат ёрдиришдан муддао нима?!

Таъна эмас, маломат ҳам эмас — пўписа! Иддао!

Қурбонали ҳозироқ Кимсанни кўрмаса, у билан бафуржа гаплашиб, орани очди қилмаса ичини ит таталяпти! Ахир, у кеча кун бўйи, кун ўтиб тун бўйи,

сахармардондан бу ёғигача фақат шуни ўйлади. Аллақаердан жиний жавобгарликлар китобини топиб, ундан жим ўтирганлик учун кўзда тутилган жазо моддасини излади... Шуларни айтишга чорланди. Айтса, елкасидан тоғ қуларди, қутуларди!..

Кимсаннинг эса қораси кўринмади!..

Қурбонали тарвузи қўлтиғидан тушиб, шалвиллаб қолди. Имиллаб, ўтар жойга келди. Икки томондан мўр-малахдай гувиллаб яқинлашаётган автоуловлар юрагига ваҳм солди. Бир неча кундан буён бу ўтар йўлдан Кимсаннинг етовида ўтаётганини эслаб, ёлғиз, яъни етовчисиз ўтиш хавфлидек туюлди. Ҳар қалай, қариган-нетган, ҳардамхаёл одам ўтиш жойидан йўлнинг нариги томонига эсон-омон етиб олиши учун бир етовчига муҳтожлик сезаркан-да...

У баттар имиллаб, кўчани кесиб ўта бошлади. Кутилмаганда ёнбошида бир шарпа пайдо бўлди, шарпа салом, деганча унинг билагидан тугди. Қурбонали «ялт» этиб ўтирилишга ҳам сабри етмай, «Э, Кимсанжон ука, қаерларда юрибсиз, нега ҳаяллагингиз? Кутавериб жоним ҳиқилдоғимга келдию!» демоққа оғиз жуфтлаган ҳам эдики, кўзойнаги ортидан ишшайиб турган Одилхонни кўрди. Ҳардамхаёл эмасми, узоқ йиллик идорадошини Кимсанга ўхшатиб юборди. Дарҳол ўзини қўлга олди. Одил юввошнинг иккала шишаси дарз кетган кўзойнаги идорадагиларга отнинг қашқасидек маълум ва таниш эди. Ўзи беозор, юввош, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган истеҳзо тўла мутойибалар топиб юрадиган Одилхон Қурбоналининг пинжига киргудек яқин келиб, кўчани кесиб ўтгач, афти боягидан баттар бужмайиб, ишшайди.

— Бир гап... эшитдйизми?... — деди шивирлаб.

— Нимаикан? — ҳовлиқиб сўради Қурбонали. — Кимга тегишли гап?!

— Сизга, — деди Одилхон сирли равишда тайсаланиб. — Бутун идорада гап болаладию, хабарингиз йўқми?

— Йўқ, йўқ, дедим-ку! Таранг қимай, айтақол, ука!

— Айтишга-ку, айтаман-а-а...

Қурбоналининг тоқати тоқ бўлганди.

— Болаласа, ундан нарига!.. Ўзи-чи, ишлаш ҳам



жонга тегди! Пенсияни кутмайман ҳам, кетаман-қутуламан!..

— Ия, йўғ-е, Қурбон ака, нимадан қутуласиз? Қочиб қутулмоқчимисиз? Сиздек вазмин, сиздек устоз одам-а!.. Буёғи унчалик ёмон гап эмас... «Қурбон ака телехронитель ёллапти», деган миш-мишни айтмоқчийдим-да!.. Ҳар куни етаклаб, эшиккача кузатиб келяптию, сиззи, ўшани айтишяпти!..

Қурбоналининг ичини лиқ тўлдирган кўрқув бирдан ғойиб бўлди-ю, у қаҳ-қаҳ отиб, яйраб кулгиси келди. Одилхон ўйлаб топган пичинг, киноя ўзига ёқиб тушди. Унинг кифтига доқди.

— Об-бо, сиз-ей!.. Шундай олди-қочди тўқиб юришдан бошқа ташвишингиз йўқде-а?

Одилхон кекса ҳамкасбининг беозор иддаосига эътибор қилмай ҳиринглади.

— Қурбон ака, — деди кўзини чимириб. Кўзойнагига кўрсаткич бармоғини нуқди. Сўнг ғоятда махфий янгиликни ошкор қилаётган одамдек, бўзрайиб туриб шипшиди: — Зина қолиб, девору томларгача мрамар қопланиб кетди-ю, саккиз йилдан бери ойнакни бутлолмайман!..

## 10

«Кўзойнагинга урай!» деб ичида ёмон сўқинди Қурбонали. Кўзойнагинг дарз кетибди-ю, мабодо кўзинг ситилиб оқсаям аравангни ўзинг, ўз қўлинг билан судрайдиган замон келганига қанча бўлди, сўтак! Эпласанг — судра аравангни, кўчани бошингга кўтариб сурга, эпламасанг — эгамнинг даргоҳи бепоён!..

У шу вазоҳатида, қадимги феъли бўлса, калакаси учун Одил юввошни би-ир таъзирини берарди-я!.. Эссизгина, Қурбоналининг ёши кетди-я!.. Ҳаётда бир оз йўлимни топиб олай, оёққа туриб олай, ўзимни ўнглаб олай, дунёни ағдариб ташлайман, деган не-не оламшумул хаёлларда яшмади, мана, хаш-паш дегунча иш, хизмат, идора... идорадошлар иззатингиз битди, устоз, деб турибди. Нафақага чиқиш арафасида одам оламшумул ғояларга маст бўлиш у ёқда турсин, оёғининг остидан нарини кўрмай, ўлардай эҳтиёткор

бўлиб қолар экан, бўлар-бўлмаста валдирайвермас экан. Илсвойнинг қайтмас сафарга равона бўлган онаси, худойи... мрамар зина, дарз кетган кўзойнак, телохронитель... Топган гапини қаранг, писмиқнинг! Телехро... Қани, ўша, тан соқчи? Қай гўрдан келиб ёпишди ўша ўлакса?! Шу-ку, Қурбоналининг бир маромда ўтаётган осуда турмушига рахна солган. Шу-ку... Сўнгги бор кўришган кунининг эртасигаёқ очиқ-ойдин орани очди қилмоқчи эди Қурбонали — Кимсан келмади. Қурбонали яна бир кечаю бир кундуз зил-замбил хаёллар остида эзилиб юрди. Ўзини ҳарчанд чалғитмасин, хаёлларини жиловлай олмади. Ия, насл-насаби бетайин бир кимса... кўчада тутиб олиб ҳе йўқ-бе йўқ: «Сиз хавфли одамсиз» деса, бу маломат, бу тўхматни қандоқ қилиб ўйламайди?! Қанақасига ҳаловатини йўқотмасин Қурбонали?!

У умрида тонг отишини бунчалик бегоқат бўлиб кутмаганди. Кечаги бегоқатлиги бутунгисининг олдида ҳолва бўлиб қолди. Неча кундан буён қаторасига эрталабдан рўпара келавериш жонига теккан, қораси кўринди дегунча етмиш икки томири зирқираётган одамнухани, мана энди, шапалоқдек башарасига битта экану, мингта ҳуснбузар тошган бўлсаям, турқини кўришга зор бўлиб келяпти.

Автобус тўхтаб улгурмасидан Қурбонали бекатга олма-кесак териб аланглади. Икки-уч эркак, аёл турибди, ана, Кимсан!.. «Кимсан! Ҳо-ой, Кимсанжон! Кимсанбек, ука!..» Йўқ, бошқа экан!.. Қоранг ўчгур!.. Бетайин. Тайинли одам қолмади дунёда деганди, ўзини назарда тутиб айтган экан!..

Қурбонали автобусдан ёш болалардай сакраб тушди, худди Кимсан уни кўриб қочиб қоладигандек, шоша-пиша атрофга аланглади. Йўқ, йўқ, келмабди!.. Келмаслиги мумкин эмас. Ўлиб-нетиб қолмагандир?! Ўладиган махлуққа ўхшамовди!.. Тирик бўлса, қайси лаҳада ётибдийкин?!

Қурбонали ёмон тутақди, азбаройи тутуни чиқиб кетди. Телефон-пелефониниям ёзиб олмаганини!.. Қаерда яшайдилар, хизматлар қаерда, деб сўрамаганини!..

У миям айниб қолди, деб ўйлади. Мияси айнимаса

шунча кундан буён гурунглашиб, ўзига «тан соқчи»-лик қилган нозандай йигитнинг исм-шарифини сўрамайдимми?! Шу топда учратса айтардия-айтадиганини: «Хў, бола, ўзингдан ёши улу» одамнинг шаънига бир гап гапирганда кўзингни мулойимроқ очиб, каллани ишлатибро-оқ...».

Қурбонали хаёлига келган фикрдан калласи чарақлади-ю, кўз ўнги қоронғилашди. Шунча учрашган, суҳбатлашган одамнинг бирор марта кўзига қарамабди!.. Қурбонали Кимсаннинг кўзини, кўз қарашларини сира тасаввур қилолмади. Кўзига қарадимми, ўзи?.. Ўша, охирги сафар уккидек дўлайиб, бақрайганини айтмасан...

Қурбонали ўтар жойдан майда қадамлаб бораётганди, кўчанинг ярмига етаётганди, назарида орқасидан кимдир кузатаётгандек, хуфёна пойлаб келаётгандек бўлди. Орқага ўтирилди, йўловчилар орасига, ундан бекат томонга қаради. «Менга йўлиқмай, изимдан пусиб юрган бўлса-чи?!» Бу хаёл Қурбоналини тамоман ҳолдан тойдирди. У ўзини беҳад ожиз ва ёлғиз ҳис қилди. Қадам олиши жадаллашганини ўзи ҳам сезмади. Четдан қараган одамга у шиддат билан елиб келаётган автоуловдан қочаётгандек туюлар, аслида эса у Кимсандан қоча бошлаган эди!.. У энди топди, Кимсан у билан терговни битирди, энди у таъқибга ўтган, уч-тўрт кун, ҳойнаҳой беш-олти кун зимдан таъқиб этиб юради-да, сўнг... Қурбонали жон аччиғида югуриб борса, мрамар зинанинг беш зинасини бир қилиб сакраб ўтса, залворли эшикка ўзини урса қутулади!.. Ичкарида, идорада ҳеч ким уни таъқиб этмайди, Кимсан ичкарига киролмайди, қоровулар уни киритишмайди, Қурбонали қутулади...

Қурбоналининг ёмон хўрлиги келди. Неча кундан буён жонини жодига солиб азоблаётган шубҳа тўла хавотирини ҳеч кимсага оғиз очиб айтолмади. Бир кўнгли уйга бормаи, идорада тунамоқни мўлжаллади, гап-сўз, шубҳа-гумон чунонам болалашини ўйлаб, нијатидан қайтди. Хавотирини бирдан-бир айтиши мумкин бўлган Кимсан эса, тўртинчи кун ҳам қорасини кўрсатмади. Қурбонали ўз ёғида жазиллаб қовриларди. Кечалари алағда тушларни қалаштириб ташла-

ди. Гоҳ чўчиб, гоҳ босинқираб уйронди. Қўли ишга бормади, егани — татимади. Адоқсиз ўйлар орасида яна бир нарсанинг фаҳмига етди: Кимсан бекатда салом-алик қилар-қилмас уни кўлтиқлаб кўчанинг ўтар жойига етаклашининг, кўчани кесиб ўтар-ўтмас, мармар зинага етар-етмас гапнинг келган ерида чўрт кесиб, хайр-маъзурга кўчишининг сабабини, ниҳоят, топди. Кимсан шундай қилса кўз кўзга тушмаслигини, яъни нигоҳлар тўқнашмаслигини яхши билган, шунинг ҳисобини олган!..

Худа-беҳудага кўчага чиқавермайдиган Қурбонали вақт-бевақт, ҳатто, алла-палада сайр қилишга одатланди. Аксига олдимми ёхуд ҳаво совуқроқми, кўни-кўшнилар кўринмади.

— Ҳа, адаси, кўчага серқатнов бўлиб қолдйиз? — деб қизикди ҳеч нарсадан беҳабар хотини.

— Ўзим... — деди-қўйди Қурбонали. Шундай деди-ю, асли Илёсвойни қора тортиб кўчага танда қўйганини ўзи ҳам кейин сезди. У қўшнисига йўлиқса, ундан-бундан гап айлантирса, кишибилмас қабилда Кимсани сўраб-суриштира... Чиқишга чиқди, кўшнисининг йўлини пойлашга пойлади... ундан Кимсани нима деб сўрайди? Исм-шарифини билмаса!.. Нима, «Қариндошингмиди, ўша палакат?! Топиб бер!» деб қисди-бастига оладими? Илёсвойнинг ўзи ҳам оvsарроқ. «Қайси, қайси меҳмонни айтиёпсиз?» деб туради-туради-да, «И-и-и, ҳа-а, у-ми? У холаваччам ёки аммаваччам, ёки...» Шунга ўхшаш бир нима дейди-да, ишқилиб!.. Э, холаваччангни уруғига!..

Қачон қараса, ёғи чиққан юпқа, кўк тўнга ўралиб офтобга чиққан мушукдек қунишиб хурпайиб ўтирадиган Илёсвой атайин қилгандек шу кунларда кўринмади. Бир кўнгли Қурбонали бундан севиңди. Назарида Кимсан ҳам қайтиб қорасини кўрсатмайдигандек эди. «Қуриб-қирилиб кетсин-е!.. Кўзим учаётгани йўқ, келмаса — ундан нарига!» деди ўзини чалғитиб Қурбонали.

У шундай хулосага кела олганидан енгил тортди. Кўкси тўлиб нафас олди. Ҳаммасини унутди-да, ҳаётини доимий маромига солади, бекатгача юз ўттиз, бекатдан етмиш икки-етмиш тўрт одим... қадам-қадам-

лаб нафақага эсон-омон, бус-бутун етиб олади, сўнг... Нотаниш танишини йўқотиб қўйганининг бешинчи куни, эрталаб автобусдан тушди-ю, ўзи томон пилдираб яқинлашаётган Кимсани кўрди!.. Кўрди-ю, Қурбоналининг хотиржам тортиш ҳақидаги қарорию хаёли тамакининг тутунидек тарқади-кетди, ўзининг эса... капалаги учди. Оёқ-қўлига қалтироқ югурди. «Ёнида шериклари йўқмикан?!» деган таҳликада зудлик билан бекатда турганларга кўз югуртирди. Назарида бекатда қанча эркак-аёл турган бўлса, уларнинг бари Кимсанга тегишли, улар унинг ёлланма шотирлари-ю, ҳозир бир имо билан ёпирилиб, шу жойнинг ўзида — ҳа, қирқ йил хизмат қилган идорасининг ёнгинасида, ўтар йўлнинг ўртасида, касбдошларининг кўз ўнгида ерга ётқизиб, қўлларини орқага қайиришади, билагига темир кишан уриб, эшик-деразасига сим тўр қопланган улов-пуловга миндиришади...

Қурбонали бўзрайиб атрофига аланглади, пешанасида муздай тер томчилари чопқиллай бошлади. Оёқларининг ўзи юрмаётгандай, алақачон жони тарк этган сумбати Кимсан қўлтиқлаб олгани учунгина ҳамон ўзини тик тутиб бораётгандай, изма-из қувишиб келаётган-ўтаётган посондан-посон автолар уни босиб, асфальт йўлга чалпақдек қапиштириб юборадигандек... Қурбоналининг кўз олди зимистонга айланди...

— Ия, намунча, ака? Элбурутдан-а?.. Ўзингизни қўлга олинг.

Бошини елкалари орасига тортиб, ёнида пилдираб келаётган Кимсан меҳрибонлик қилиб айтдимиз бу гапни ёки дўқ урдими — энди Қурбонали учун бунинг фарқи йўқ эди.

— Бунча ўзингизни олдириб қўймасангиз?.. Кўзларингиз киртайиб...

Қурбонали фарқ бўлаётган одам хасга ёпишади қабилида бирдан кўзини Кимсандан олиб қочди. Шундай қилса фарқ бўлмайдигандек, асов оқимни енгиб соҳилга — катта ва серқатнов йўлнинг у бетига бус-бутун етиб оладигандек сўнги илинжда уч-тўрт кундан буён дилига тутиб, пишитиб юрган гапларининг бирортасиниям эслолмади. Бу уқубатдан уни яна Кимсан «халос» этди:

— Энг қийинидан ўтиб олдик...

— Ўт... дик... ўт-тиб ол-л-яп... м...

Қурбонали шундай деб катта, кенг, равон ва серкатнов кўча томон ўтирилди. Мармар зинага оёқ узатган чори чап кифти бирдан қўррошин қоплагандай оғирлашди, бундай зил-замбил юкни кўтариб, қад тутиб туришга инсон боласи ожизлик қиларди...

\* \* \*

Қурбонали касалхонада ана кетди-мана кетди бўлиб узоқ ётди. У хотин, бола-чақасига, ишига, ҳадемай кў-ўп яхши ниятлар билан расмийлаштиришни мўлжаллаган нафақасига ҳам бефарқ бўлиб қолганди. Уни жуда яқинларидан бошқа ҳеч ким йўқламади. Фақат касалхонадан чиққандагина — ўнг оёғини сургаб босадиган, чап қўлини қимирлатолмайдиган, тили гўлдираброқ гапирадиган қолатда оиласи кучоғига қайтиб келгандагина қўшниси Қуролвой амаки вайсақликда, Илсвойнинг олис қариндоши бўлмиш кўк дўппили мўйсафид мутаассибликда, Қурбонали эса муқаррар жанжал чиқишини била туриб сукут сақлаганликда айбланаётганидан хабар топди...

Яна бир омонат гап: қўни-қўшнилари Илсвойдан, Илсвой қариндош-уруғларидан сўраб-суриштиришмаган жойи қолмади, лекин камтарона худойидаги ўн беш човли меҳмон орасида келган Кимсан ким, қандай одам, кимга эргашиб-илашиб келган, исм-шарифи нима — ҳеч ким билмади...

Учинчи ё тўртинчи куни шекилли, Қурбонали гўлдиради:

— М-маҳалла-к-кўй, қ-қўшнилари м-майлику... л-лоқал девор-р дармиён Тўлашдан д-дарак й-йўқ...

Хотини жавоб бергиси келмай анча вақтгача тайсаллади, ниҳоят, хаста эри ич-ичига ботиб кетган кўзларини умидвор тикиб, мўлтираб ётганини кўргач, овозини ниҳоятда пастлатиб, шивирлади:

— Тўлаш йўқ... қидирувда эмиш...

2002 йил.

## ЖИМЖИТХОНАГА ЙЎЛ

*Италиялик машҳур адиб Дино Буцаттининг «Етти қават» ҳикоясини ўқидиму, анча вақтгача унинг таъсирида юрдим. Ниҳоят, ушбу фавқулодга ўзига хос ҳикояни бир қадар эркин таржима қилиб, унга «назира» ўлароқ ҳикоя битдим. Тажриба қандай самара берганини баҳолаш ўқувчига ҳавола...*

Муаллиф.

### 1

Шифохона шундоққина вокзалнинг биқинида дейишган эди. Дино Кортэ тарақа-туруқ қилиб тўхтаган поезддан тушди-да, ихчамгина жомадонини кўтарганича пиёда кетди. Ҳаво салқин, баҳор шабадаси салпал кўтарилган ҳарорат таъсирида қизиган манглайига, бетига ёқаётган эди. Қадамини илдамлаштиради.

Қиш оёқлаган кезлари эди, унга айни шу касалхонага боришни, шу ердаги шифокорларга мурожаат қилишни маслаҳат беришди. Дино Кортэ соғайиб кетаман деган умидда ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб юрди, бўлмади, ҳарорати тушавермагач, жомадонини қўлтиқлади-ю, поездга минди. Ана, ҳамқишлоқлари роса таърифини келтирган касалхона рўпарасида турибди. Айтганларича бор экан, касалхона эмас, нақ меҳмонхона дейсиз! Палаталари ҳам беш юлдузли мусофирхоналардан кам бўлмаса керак! Атрофини айтмайсизми, зич экилган дарахтлар балең-балең ўсган, ҳаммаси бирдан гулласа борми, чаман бўлиб кетар?!

Шифокорлари ҳам роса тажрибали дейишганди, ана, биносидан сезилиб турибди. Дино Кортэ малакали врачларнинг маслаҳатини жон қулоғи билан тинглайди, нимаки тавсия қилинса, ҳаммасини жон-жон деб адо этади ва соғайиб чиқади! Ана ўшанда, уйига қайтаётиб, шу ерга келади, бир зум тўхтаб ортига ўтирилади-да: «Якши қол, шифохона!» деб хайрлашади.

Уни умумий тиббий кўрикдан жуда тез ўтказишди, ортиқча овора қилишмади ҳам, касаллик варақасини очиб, шахсига доир маълумотларни қайд этишгач, ёши андак ўтинқираганига қарамай хушрўйгина ҳамшира

аёл уни еттинчи қаватга бошлаб чиқди. Ёп-ёруғ пала-тага олиб кирди, хона шу қадар озода эдики, деворлари, анжомлари-ю, жиҳозларидан тортиб, чойшабу дераза пардаларигача бамисоли нурга чайилгандек оппоқ эди! Пастак оромкурсиларга кийдирилган момик вилофларнинг оқлиги одамнинг кўнглини қитиқлайдиган даражада мусаффо кўринди. Дино Кортенинг руҳи, руҳига қўшилиб бутун вужуди ҳузурланди. Оппоқ чойшаб тўшалган каравотга чўзилди, уйдан келтирган китобни қўлига олиб варақлади, ўқишга тутиниб, зарурати бўлмаса-да, бошининг шундоққина тепасидаги девор чироянининг тутмасини босди. Мириқиб китобхонлик қиладиган жой экан, деди овоз чиқариб. Китобни қўйиб, чироқни ўчирди, бир зум кўзини юмиб, оғир тин олди.

Эшик оҳиста тиқиллади, ҳамшира кирди. У янги «меҳмон» билан танишди, касалхонада жорий этилган тартибни тушунтирди.

— Пастки қаватларга тушиб юрманг, — деди у ман этувчи тартибни айтаётганига хижолат чекаётгандек ийманиб, сўнг беморнинг «Нега?» деган саволини кутмай, сабабини айтди: — Пастда оғирроқ касаллар ётади. Уларнинг тинчи бузилмаслиги керак. Ҳар қаватнинг даволаш усули турлича, шунга, ноқулай-да...

Жаноб Кортенинг бошқа қаватларга тумшуқ суқиш нияти ҳам йўқ, нима қилади у ерларда? Яхшиси, роҳатижон палатасидан ҳеч ёққа жилмайди.

Дино КORTE деразанинг очиқ табақасидан ташқарини кузатди: юқоридан қаралса, дарахтзорнинг қуюқлигидан ер кўринмас экан, кўм-кўк!.. Дарахтлар гулга кира бошлабди, митти гул япроқчаларидан таралаётган хушбўй ҳид димоқни қитиқлайди.

Дино КORTE пастки қават деразаларига кўз югуртирди. Кундузи бўлгани учун беморлар муолажа билан банд шекилли, деразаларда камдан-кам одам шарпаси сезилди. Фақат биринчи қават деразалари тақатақ берк, устига-устига, деразалар ташқаридан майда кўзли сим тўр билан қоплангани уни ажаблантирди.

Зоҳид Яқин бўйи баравар тошойна рўпарасига туриб қадали-бастига разм солди. Аҳён-аҳёнда ўзининг



ниҳоятда келишган қоматига суқланиб қараш одати бор эди. У жудаям соғлом эди, бундан гурурланишини унча-бунча жойда яширмас эди ҳам. Ёр-биродарлар, таниш-билишлар соғлиғидан зорланса, тушгунмас, касал бўлишдан бошқа ишинг йўқми, деб уларни калака қилар эди. Ҳақиқатда, шу вақтгача унинг бадани игна кўрмади.

Нима бало урди-ю, бир ойлар бурун лоҳас тортди, боши айланди. Эътибор қилиш тугул, пинагини бузмади. Уч-тўрт кун ўтиб бозор оралади, ошкўк сотиб ўтирган увоқдина кампир кўзига увол кўриниб кетди. Ошкўқдан олиш ниятида кампирнинг рўпарасида тўхтаб, тик турган кўйи унга пул узатди. Увоқдина кўринган кампир шумлик қилдими — Зоҳид Яқиннинг қўлига уринган, сўлинқираган ошкўк боғламини тутқазди. Ёш, соғлом, бағри кенг Зоҳид Яқин ранжиганини тилига кўчиришга-кўчирмади-ю, шартта эгилди-да, оқ тоғорадаги ошкўк уюмидан сара боғламини олиб, қад ростлади. Қад ростлаган заҳоти... ер чирпирак бўлиб кетди!.. Кўз олди хиралашди. Ҳатто, қоматини тек тутолмай, чайқалди, мувозанатини аранг сақлай туриб, бошим айланди, деди ичида. Ўша топда Зоҳид Яқиндек барваста эркак ошкўк сотаётган қандайдир увоқдина кампирнинг кўмагига муҳтож бўлиб қолди. У бозорда юз берган ходисани кула-кула хотинига гапириб берди.

— Э, қурибгина кетсин-а, ўша кўкати! — дея жағиллади хотини. — Ҳеч замонда ошкўк опкемаган одам, зарилмиди, ўшанга энгашиб?!

Қилган қилиғи ўзига кейин нашъа қилди. Фалати гап-сўзлар хаёлидан кечди: «Кимсан, Зоҳид Яқин ошкўк оламан деб энгашибди-ю, боши айланиб, йиқилибди!..» «Кимсан, Зоҳид Яқиндай алп қоматли эркак чинчилоғдек бир боғлам ошкўкни кўтаролмай, бозорнинг ўртасида чалқанча ағдарилибди!..»

— Серқазии қилиб, ош дамла! — деб буюрди у хотинига. Оқшом паловни паққос туширгач, яна буюрди: — Новвот қайнатиб дамла-да, косага тўлдириб қўй, наҳорда симираман! Совуғим ошган кўринади...

Тушлик чоғлари қўлбола ошхонага таңда қўйди. Кабобхўрлик, сомсахўрлик қилди. Пўстдумбали нўхат-

шўракни паққос тушириб, тани яйради. Бир сафар, қорни тўйгач, кекира-кекира аччиқ фамил чойни эзиб ичиб ўтириб, танасида қаттиқ ҳорғинлик туйди. «Овқатта шунча зўр берганида-я?!» У елкасига уйдек тош бостириб қўйилган одамдек аранг ўрнидан қўзвалди, қадамини имиллаб босиб, ошхонадан чиқди. Бирдан хаёли қочди, кўнглининг аллақаерларида элас-элас гимирлаган нохушдан-нохуш ўйлардан юраги орқага тортиб кетди, манглайини совуқ тер қоплади.

Яширилган касалликнинг иситмаси ошкор қилди. Зоҳид Яқин ҳарчанд сездирмасликка уринмасин, хотини пайқаб улгурди. Қўярда-қўймай эрини шифокорга боришга ундади. Зоҳид Яқин аламини хотинидан олди, битта-яримта нордон сўзларининг бошвоғини ечиб юборди, айтишга айтди-ю... нима сабабдан ҳар куни тонгдан енгил-елпи бўлса-да, бадантарбия қиладиган, пишқира-пишқира совуқ сувга ювиниб, мушакларини қизартириб артинадиган одам, ҳе йўқ-бе йўқ, уйғонган замони кўнглини номаълум ваҳм эгалаб оладиган, юрагининг остими, биқиними — аллақаери симиллаб оғрийдиган, оғриётган жойини тополмай кўнгли баттар гашланиб, каравотдан оёғини осилтирганича қимир этмай ўтирадиган одат чиқарди.

Сира эрининг измидан чиқмайдиган Робия шу сафар ўзбошимчалик қилди — эридан берухсат укасини чақиртирди. Ойда-йилда йўқлаб-йўқламайдиган қайнисини кўрган Зоҳид Яқин бир чеккаси севинди, ҳатто, оқшом аламаҳалгача у билан гурунглашиб ўтирди. Ўтирди-ю, оғриқдан оғиз очмади. Робиянинг тоқати тоқ бўлди.

— Ўктамжон, поччангни анчадан бери мазаси йўқ, дўхтирга учранг, деявериб, чакагим тушди. — Робия шундай дея туриб, қўрқа-писа ранги ўчинқираб эрининг кўзига қаради. Эрининг кутилмаганда мулойим ер чизиб ўтирганини кўриб, енгил тортди-да, унинг ўзига маломат ёрдира кетди: — Дўхтирга бориш учун вақтингизни аясангиз, мана, ўз оёғи билан келиб ўтирибди, айтинг, ёрилинг. Олдини олайлик-да!..

Ўктамжон ўзини опасининг иддаосига зътибор қилмагандай тутди-ю, гурунглашиб ўтириб, поччасидан кўп нарсаларни суриштириб билди.

— Эрталаб келаман, бирга кетамиз, — деди тажрибали шифокорларга хос босиқлик ва қатъият билан.

Зоҳид Яқин қаёқда кетамиз, қаёқдан менга амри фармон қиладиган бўлиб қолдинг, деб қайнисига даҳанини чўзмоқчи эди, шаштидан қайтди. Ишим бошимдан ошиб ётибди, борадиган жойларим кўп, димоққа лаб жуфтлади ҳамки, айтмади...

## 2

Палата ҳавосининг енгилиги, ҳамшираларнинг ширинсуханлиги жаноб Дино Кортенинг кўнглини кўтарган бўлса-да, у шифокор билан юзлашишдан пича хавотирда, «Нима бўларкан?» деган савол кўнглининг бир чеккасини кемираётган эди. Назарида, касалхонага жойлашган заҳоти аҳволи бирдан яхшиланиб қолгандек, ўзини тетик ҳис қила бошлади. Ҳарорати пасайгандек бўлди. Дўхтир кўриб: «Соппа-соғ экансиз, бизга нима асосда қабул қилишди, ўзи?» деса-я?!

Профессорнинг далдаси унинг кўнглини ваши қилган шубҳаларини тамакининг тутунидек тарқатиб юборди, энг муҳими, неча кун ва ҳафталардан буён тинчлик бермаётган мавҳумлик бир қадар ойдинлашди.

— Хасталик аломатлари борликка бор, — дея тушунтирди профессор, — лекин хавотирланадиган жойи йўқ, нари борса, икки ё уч ҳафтада ўтади-кетди.

Шу бир оғиз лутфнинг ўзи Дино Кортени тетиклаштириб юборди. Демак, уни сўқир хавотир эзаётган экан. Мана, ҳаммаси ойдинлашди: икки ҳафта, жуда чўзилса, уч ҳафта ётади-ю, қишлоғига қайтади!..

Шу хаёлда у саломатлиги учун каромат кўрсатишни шифокорлар ихтиёрига ташлаб, ўзи «осмондан тушган» имкониятдан фойдаланиб қолиш қасдида аламини уйқу ва китобхонликдан олишга киришди. Орачора йўлакка чикди, озода ва ёруғ йўлакнинг у бошидан бу бошига бориб-кела туриб, эшиги қия очик палаталарга зимдан кўз югуртирди, бекорчиликда касалларнинг аҳволини кузатишга уринди, йўлида рўпара келганлари билан қисқа салом-алиқдан нарига ўтмади. Бу ерга жойлашган беморлар камгап бўлиб қоли-

шади, деди осма укол қиладиган ҳамшира. Дино Корте кулди: ахир мен камгап бўлиб қолмадим-ку, ичим тўла гап, фақат уларни тўкиб солишга бир меҳрибон ҳамсуҳбат топилмапти, холос.

Орадан ўн кунча ўтди-ёв, Дино Корте деразадан бошини чиқариб ташқаридаги бордан завқланаётиб, икки палата наридаги деразадан ўзига қараб турган кимсани кўрди. Жаноб Корте фурсатни бой бермади:

— Сиз ҳам яқинда келдингизми? — деб уни саволга тутди.

— Қай-да!.. — афтидан у ҳам тўлиб турган эканми, шундай деб нотаниш беморга бажонидил жавоб қайтарди. — Уч ойдан ошди.

— Уч ойда-ан?! — кўзи чиқиб кетди Дино Кортенинг. — Ҳалиям тузалмадингизми?

У киши овозини пастлатди, деярли шивирлади:

— Бир ойда оддек бўлиб кетасиз, дейишганди...

Дино Кортенинг юраги ёмон алағда бўлди. Буни сездирмаслик мақсадида яна савол бермоқчи эди, кўшни бемор бу сафар ғўлдиради:

— Укам билан бир кунда ётгандик, бир ой бурун тўртинчи қаватга кўчиришди, шу чоққача ундан хабар ололмадим.

— Тушиб, кўриб чиқа қолмадингизми? Икки қават пастда ётган укангиз...

Кўшни бемор аяччи кулди.

— Бошқа қаватга кириш-чиқиш йўқ.

— Йўқ-э!..

Дино Корте касалхонадан «ташқарида» — деразадан бошини чиқариб гаплашди-ку, ташқари-да! — бўлиб ўтган қисқа ва тасодифий суҳбатдан анча музтар бўлди. Эртасига эрталабгача минг бир хаёлда юрак ўйноғи бўлиб ётди. Ётолмади, ўтирди, юрди, ёнбошлади. Эрталаб профессор мулойим табассум билан кириб келганда одатдагидек чиройи очилиши ўрнига пешанасини тириштириб, кечадан буён ич-эттини кемираётган хавотиридан сўз очди:

— Доктор, мабодо мени қуйи қаватларга, дейлик, тўртинчи қаватга кўчириш ниятингиз йўқми?

Доктор унинг кўзларига синчков назар ташлаганча чимирилиб туриб қолди.

— Қажәқдан топдингиз бу гапни?! — деди у ниҳоят, норозиланиб. — Сизни пастки қаватта кўчиришга ҳеч қандай зарурат йўқ.

Профессор нигоҳини беморнинг кўзидан узмади. Ётқизиб қорнини, қиңдигининг ён-атрофини юмшоқ бармоқлари билан босиб-босиб, кўздан кечирди.

— Ўзгариш борми? — сўради Дино Корте унга умидвор мўлтираб.

У тузалайманми, деган маънода сўраган эди, профессор, бош ирғаб, бор, деди лабининг учида пичирлаб. Лекин бу ўзгариш яхшилиқками ёхуд бошқа маънодами — жаноб Корте бунисини аниқ фаҳмлолмади...

Орадан яна бир неча кун ўтгач, қишлоққа — хотинига хат ёзишга киришди. Аҳволи ўзгармаётганидан, профессор ваъда қилган икки-уч ҳафталик муддат ўтиб бораётганидан зорланди. Энг ёмони, неча кунда соғайиб кетишини айтадиган бир меҳрибон топилмаётганидан нолиди. Уч ойдан ортиқ ёттанлар борлигини айтди. Қишлоқдан овора бўлиб келиб юрмаслигини тайинлади, бунинг устига, бу ерга ташқаридан туғул, қаватлар орасида ҳам кирди-чиқди қатъиян таққиқланганини огоҳлантирди. Эртасига эса... хатни жўнатмаганига хурсанд бўлди.

Бир маҳал, чамаси профессор кирадиган пайт шекилли, палаталарнинг саранжом-сарипшталиги, тозаллигини назорат қилиб юрадиган ҳамшира аёл кириб келди-да, худди қарз сўрамоқчи бўлган одамдек хижолат ва истиҳола аралаш гап очди:

— Эртага икки болали хонимни жойлаштиришимизга тўғри келяпти... Қулайроқ палата тополмаяпмиз...

Дино Корте гап нима ҳақда бораётганини дарҳол тушунмади. Ҳамширанинг оғзига анграйди.

— Жаноб Корте, айбга йўймасангиз сизни... бошқа палатага кўчирсак-чи?.. Шунга сиз...

— Ҳечқиси йўқ, жоним билан, — деди Дино Корте худди касалхона хизматчисининг хожатини чиқараяпти-ю, бунинг эвазига даволаниши жадаллашиб кетадигандек. — Қайси палатага дедингиз, марҳамат, ҳозироқ-да, буюмларимни йириштираверайми?

— Йўқ, зинҳор, — деди ҳамшира аёл боягидан анча енгил тортиб. — Сизни анча тушунган одам деб ўйлагандим, янглишмабман. Сиз ҳеч нарса кўтармай-сиз, ёрдамлашиб юборишади, фақат...

Аёл шундай деб сал миждовланди, сўнг бирдан дадиллашди, ҳатто совуқ бир оҳангга кўчди:

— Фақат бир нарсани айтиб қўяй, бу қаватда бўш палата йўқ экан, сизни вақтинча олтинчи қаватга кўчира турамиз.

— Ҳм-м!.. — деб юборди Дино Корте оғзи қуришиб. — Олтинчи қаватта?!

— Айтдим-ку, кўчира турамиз, қаватимизда палата бўшади дегунча қайтиб олиб чиқамиз...

У бўлар иш бўлганини, розилик билдириб қўйгач, аёл киши олдида субутсизлик қилишга орияти йўл қўймаганини тан олди. Барибир профессорга шикоят қилишни дилига тутиб турганида бир эркак, бир аёл кириб, унинг лаш-лушини саранжомлаб, кўчиришга ҳозирлаб улгуришди.

Дино Корте шуларнинг барини қўшиб-чатиб ёзган хатини хотинига жўнатди...

Зоҳид Яқин унчалик назари илмайдиган қайнисини кўпчилик иззат-икром қилишини, мана, касалхонада, профессор қабулига кириш учун навбат кутиб ўтириб, кўрди. Зоҳид Яқин дам қайнисининг обрў-эътиборига ҳаваси келса, дам ўзини, касалини ўйлади. Назарида, унинг тез кунлар ичида соғайиб чиқиши қайнисининг иззат-ҳурматига боғлиқдек эди. Бир кўнгли, касалхонага келиб, шифокорлардан нажот кутиб ўтиргани ўзига эриш туюлди. Эриш туюлди-ю...

— Дуруст, — деди профессор Зоҳид Яқин билан қисқагина суҳбатлашгач, сўнг Ўктамнинг елкасига қоқиб, унга тасанно айтди: — Дурустсиз, ташҳисингиз анчагина аниқ... Укамиз ётсинлар... Ҳозироқ жойлаштираверинг, ҳаммаси яхши бўлиб кетади...

Зоҳид Яқин муддаони тушуниб улгурмай, ўзини ташқарида кўрди. Ажабланиб, қайнисига мўлтиради.

— Тинч палата бор, бир кишилик. Ўшани гаплашдим, — деди Ўктамжон поччасига айрича ғамхўрлик

кўрсатаётганини яширмай. — Биринчи қават, зерик-майсиз, бемалол ҳовлига чиқиб кираверасиз...

Ўктам узоқ ушланмади, у дераза тоқчаларини, қўл ювиш хонасини кўздан кечирди, каравотнинг ёнгина-сида деворга ўрнатилган радионинг қулоғини буради, ундан енгил мусиқа садоси эшитилди, у мусиқани ўша заҳоти ўчирди. Қайниси бунчалик тез чиқиб кетишини Зоҳид Яқин кутмаган экан.

— Қанақа касаллик экан? — деди у ўсмоқчилаб. — Профессор нима деди ўзи?

Ўктам жилмайди.

— Биров сизни касал дедими? Профессор ўзимизнинг домла. Бир оғиз айтгандим, мана, тинч, энг жонон палата сизники-да! Одамлар йиллаб навбат кутади, сиз учун эса... Одам дам олиши ҳам керак-да... Ҳа, айтганча, акангизни ўзим даволайман, қаровсиз қолдирмаймиз, деди домла...

Зоҳид Яқиннинг назарида қайнисидан кўра меҳрибони, унинг домласидан кўра қудратлироқ нажоткори йўқдек туюлди. Кўнгли бўшаши.

Хонадаги барча жиҳозлар, девору дарпардалар оқ рангда эди. Зоҳид Яқин оппоқ чойшаб устида эркаланиб ётганча атрофни кузатди — парёстик, остидаги тўшак унинг аъзон баданига шунчалик хуш ёқдики!.. Ҳатто, уйда — ўлан тўшагида ҳам бунчалик роҳат қилиб ётмасди-я!..

У ўрнидан туриб каравотнинг суянчиғини, дераза ромларини, кийим илинадиган чоққина шкафни очиб-ёпиб, ушлаб-ушлаб кўрди. Юраги орзиқиб кетди, худди кўздан бери илҳақ кутиб, сориниб юрган одамнинг дийдорига етишгандек... палатани бағрига босгиси келди. Шу кайфиятда, ҳатто, ўзининг касал эканини ҳам унутди.

Ҳеч ери оғримай, боши айланмай қўйди, жойлашган куниеқ кечга томон икки бўҳчани апил-тапил кўтариб келган Робия эрининг димоғи чоғлигини кўриб, ханг-манг бўлиб қолди. Ўзингизми, Зоҳид ака, деб сўраб юборишига оз қолди. Умида касалхонага ётиш тугул, шифокорга юзма-юз келмаган эри худди янги уй олган мусофирдек яйраб-қувнаб ётишини кўриб...

— Зап жой эканми! — деди Зоҳид Яқин палатани хотинига кўз-кўз қилиб, мақтаниб. — Одамлар бекорга касалхонага ётмас экан-да!.. Қара, чиннидай-а!..

— Қўйинг-е, кўнглингиз бунчалик суст кетмас! Палатаси бошидан қолсин. Нима, кўч-кўронингизни опкелиб яшармидингиз шу ерда?! Дўхтир кирдими, кўрдими?

Дўхтир эртасига ҳам қорасини кўрсатмади, самбит новдадек нозикбадан ҳамшира кирди-да, Зоҳид Яқиннинг бармоғидан қон олди, юмушини битиргунича чурқ этмади, беморнинг афтига қарамади ҳам, Зоҳид Яқин ҳам унга эътибор бермади.

У профессорни кутганди, профессордан дарак бўлмади. Домласидан ибрат олганми, нима бало, Ўктам ҳам қорасини кўрсатмаса-я! Учинчи кун ҳу-у ётар маҳали тўсатдан шарпадек кириб келди. Зоҳид Яқин «Э, бормисан, ука!» деб ўрнидан ирғиб турди, у билан обдон суҳбатлашишга чорланиб салом-алик қилди, бироқ Ўктам ўтирмади ҳам, балки шошилишча ҳол-аҳвол сўради, камчиликлар йўқми, деди-да, изига қайтишга чорланди.

— Менга қара, касалхонангга ўт тушдими, ука? — хайрон бўлди Зоҳид Яқин. — Ўтир, бунда-ай гап-шайлик, ахир!

Ўктам бошини сарак-сарак қилди.

— Кирганимни домла эшитиб-нетиб ўтирмасин... — Бошини ирғаб, ташқарига имо қилиб шипшиди: — Анетдагилар ҳам етказиши мумкин, шунга... кетдим, яхши ётинг. Хавотирланманг.

Зоҳид Яқин яхши ётишга ётибди-я, мана, уч кун биров унинг ҳолидан хабар олмади, биттаси нонуштадан аввал уч-тўртта хапдори билан сийлаб кетаётганини демаса... Бир чеккаси... Зоҳид Яқин палатанинг ўзи уни даволай бошлаганини сезди. Профессорга учрашай, суриштирай деб хархаша бошлаётган Робияни ҳам тўхтатди.

— Шундай шароитда беш-олти кун ётай, ўз-ўзидан тузалиб кетаман, чиқаман, — деди ишонч билан.

У палатасини сира тарк этгиси келмади, бир сафар ҳовлини айланиб қайтиб кирса, палата хувиллаб қолгандек, палатаси ундан ўпкалаётгандек туюлди. Палата-



нинг у бошидан бу бошига йигирма-ўттиз марталаб бориб келиб, унинг ҳар бурчагини кўриб, қайта-қайта назаридан ўтказди ва шу қарорга келди: «Кейинчалик Ўктамни ўртага қўйиб бўлса-да, келиб тураман, йилига камида ўн-ўн беш кун шу палатада ётиб кетаман!»

У шундай деб палата билан аҳдлашди. Овоз чиқариб айтган гаплари эвазига палатаси бутун борлиги билан уни эркалаётгандек, эъзозлаётгандек туюлди.

Тўртинчи кун нонуштадан сўнг энага аёл кирди.

— Зерикмаяпсизми? — деб гап бошлади у.

Зоҳид Яқин шундагина уч кун ётиб зерикиш хаёлига келмаганини эслади. Икки-уч дафъа на шифокор, на профессорнинг ўзи йўқламаганидан хуноби чикди-ю, палатадаги шарт-шароит, эмин-эркин ҳордиқ чиқариши учун барча имкониятлар муҳайё экани... палатани севиб қолаётгани...

— Зерикиш қатта!.. Палата билан тил топишиб олдик. Бежирим, кўркамлигини қаранг!

— Домла ҳам доим шундай дейдилар, касалхонага ётган беморни дастлабки кунларда палатанинг ўзи даволайди, деб уқтирадилар.

— Ўзлари қаердалар? — деб сўраб юборди Зоҳид Яқин беихтиёр.

— Бугун... ҳозир қабул қиладилар, — жавоб берди энага аёл палатага, каравотга кўз югуртириб.

— Ҳаммаси жойида, батартиб. Кираверадиларми? Ҳозирми? — шошиб қолди Зоҳид Яқин.

Энага аёл бош чайқади.

— Йўқ, — деди у меҳрибон товушда, — иккинчи қаватга чиқамиз, профессор ўша ерда қабул қиладилар.

### 3

Олтинчи қаватда Кортэ жанобларига икки кишилик палатадан жой беришди. Аввалига бу илтифот унинг иззат-нафсига тегди, лекин юқори қаватда ётган кезлари ҳамсуҳбат одамнинг йўқлигидан сиқилганини эслаб, индамай қўя қолди. Ўрта ёшлардаги ҳамхонаси чалқанчасига шифтга бақрайиб ётар, палатага

кириб келган янги беморни кўрмаётгандек, бепарво эди.

Дино Кортте профессорни кутди, унга тўкиб соладиган таъна-маломатларини ўзича неча марталаб хаёлида пишитди. Тун ўтди, тонг отди ва бир чимдим кўзи илинган дам профессор кириб келганини пайқамай қолди.

— Мана шу ерга ётқиздик, — деди ҳамшира унга пешвоз чиқиб. Профессор беморнинг тепасига келди. Дино Кортте чўчиб кўзини очди, ирғиб ўрнидан турмоқчи эди, профессор «қимирламанг» деган маънода кафтини кўтарди.

— Мен... Мен... — Дино Кортте шундай деди-ю, профессорни танитай дуудқланди. — Сиз...

У ўзига яхши таниш бўлиб қолган, кунора тепасига кириб диққат билан ҳол-аҳвол сўрайдиган таниш профессорни кутган эди.

— Безовталанманг, — деди нотаниш профессор бамайлихотир. — Аҳволингиз билан танишдим, ҳаммасини батафсил ёзиб қўйишибди. Мутлақо ташвишланадиган жойи йўқ. Касалликнинг зўрайиши қарийб сезилмаяпти. Фақат теридагина эмас, ички тўқималар бўйлаб ҳам кенгроқ тарқаганини аниқладик.

— Нима тарқаган, доктор?! — деб юборди Дино Кортте жон ҳолатда. — Ахир еттинчи қаватда бундай дейишмаган эди-ку!.. Яхшиси, мени ўша қаватга кўчиринглар!.. Олтинчи қаватда ётмай қўя қолай.

Профессор вазминлигини йўқотмади.

— Ихтиёрингиз, — деди-қўйди.

— Еттинчи қават касалхона эмас... Дўхтирлари ҳам кучли эмас...

Жаноб Кортте бояги-бояги алфозда ётганча тилга кирган қўшнисига қаради.

— Мана, мана ўзингиз эшитдингиз, — деди профессор худди шу гапни кутиб тургандек бир оз талтайиб. — Биз беморларнинг ҳеч бир хоҳиш-истагини эътиборсиз қолдиrolмаймиз. Уларни истаган қаватига кўчираверамиз, лекин ҳозирги сизнинг шароитингизда, айтдим-ку, тўқималарни забт этган касалликнинг тарқалиш даражасида энг қулайи — олтинчи қават!.. Биз ҳам даволаб кўрайлик, муолажамиз эмига тушса,

бир кун ҳам бу ерда тутиб турмаймиз, кўчирсак-кўчи-  
раверамиз.

Дино Кортте тақдирга тан берди. Бир чеккаси ав-  
валги профессордан кўра буниси қатъиятлароқ, ҳатто,  
билимдонроқ кўринди. Келган кунимданоқ шу про-  
фессорга йўлиқсам бўларкан, деган афсус кечди  
кўнглидан. Фақат энди янги профессорга қайта бош-  
дан мослашиш, у билан тил топишиш керак, овора-  
гарчилик-да, касалхонага ётгач, охиригача битта ши-  
фокор, битта ҳамшира парвариш қилса-да!..

Дино Кортте ҳамхонасидан профессор ҳақида ба-  
тафсилроқ суриштириб билмоқчи эди, қараса, каравот  
бўм-бўш, ҳатто, топ-тоза, охори тўкилмаган чойшаб  
тўшалган! Қачон кетибди-ю, қачон каравотни «пар-  
дозлаб» улгуришибди, билмай қолганини!..

Дино Корттега бу ҳол андак оғир ботди, ахир, ка-  
салхонадан соғайиб чиқаётган бемор одам ён-вериди-  
гилар билан хайрлашса ҳақи кетмасди, «Сиз ҳам тез-  
да соғайиб чиқинг» деса, хаста одамнинг кўнгли тоғ-  
дек кўтарилмайдими!.. Лекин ҳамхонасининг тилдан  
қолғудай аҳволда мум тишлаб, шифтга бақрайиб ёти-  
шидан соғайганга ўхшамаганди...

Уч кунгача Дино Кортте дамо-дам шуни эслаб жи-  
ғибийрони чиқди, ўзини чалғитди. Бу орада профес-  
сор билан ҳам юзма-юз келди, ундан ул-булни аниқ-  
лаштириб олишга чоғланган эди, профессор гапни  
қисқа қилди:

— Айтдим-ку, сиздаги касалликнинг хавфли жойи  
йўқ, авж олмаган деса ҳам бўлаверади.

— Еттинчи қаватдаги доктор тўқималар ҳақида ҳеч  
нарса демаган эди-ку?

Профессор қилт этмади.

— Ҳар қаватнинг ўз касали, ўз шифокори бор.  
Такрорлайман: сизнинг касалингиз оғир эмас...

Бу гаплардан Дино Корттенинг кўнгли бирмунча  
кўтарилди. Бир қават пастга тушиш унчалик офат эмас-  
ку, деб ўзига тасалли берди. Хотинига хат йўллаганига  
севинди. Йўлакка чиқиб бир оз юришни, ўрни келса,  
битта-яримта бемор билан танишиб, ҳасратлашинини  
мўлжаллади. Лекин у палатадан чиқиб улгурмади, эшик-  
дан ҳамшира аёл кириб саломлашди, шифохона раҳ-

барияти мутахассислар билан келишилган ҳолда касалхонадаги барча беморларнинг касаллик даражаси бўйича табақаланишига ўзгартириш киритганини эълон қилди. Дино КORTE тушунмади, беморларни табақалаштириш деган гапни эшитмаган экан. У шу ҳақда ўйлай бошлади-ю, касали қолиб, қаёқдаги бўлмағур гапларга бошини қотираётгани ўзига наҳъа қилди.

— Хўш, нима қилибди, — деди у ҳамширага бақрайиб. — Табақаланишга ўзгартириш киритилган бўлса, менга нима?!

— Еттинчи қаватдаги бир неча бемор олтинчига туширилади, — деди ҳамшира аҳамиятсиз янгиликни айтаётгандек.

— Олтинчига?

— Олтинчига.

КORTE жанобларининг чехраси чарақлаб кетди.

— У ҳолда!.. Демак, мен юқоридаги жойимга кўчар эканман-да?!

— Бешинчига!..

Дино КORTE тонг қотиб қолди. У ҳамширанинг жавобини эшитмади, йўқ, эшитди-ю, қулоғи шанғиллаб кетди, сўрамоқчи бўлиб ориз жуфтлади-ю, юраги «шув» этиб, тубсиз қоронғиликка тушиб кетди. Бешинчига дедими?!

Гўё Дино КORTE қайтиб сўрамаса, шу қаватда қолиб кетадигандек дарҳол тилини тийди, ҳамширанинг назарига тушмай жуфтакни ростлашни мўлжаллади. Бироқ ҳамшира «ҳукми одил»ни ўзгартирмади. Бу Дино Кортени қуюшқондан чиқариб юборди.

— Тутуруғи борми, бу касалхонанинг?! Бу қандай лўттибозлик?! На профессорининг, на ҳамширасининг тайини бор-а! Ётиб даволаниш учун келган беморни кўчманчига айлангириб юборасизлару бу аҳволда!

Шовқин бутун қават бўйлаб баралла эшитилди, зум ўтмай майда кўзли кўзойнаги ортидан хотиржамгина боқиб турувчи даволовчи шифокор кўриңди.

— Менга рухсат бера қолинг, яхшиси, уйимга кетаман! Қайтага қишлоқда тинчгина даволанаман!..

Даволовчи шифокор уни тинчлантирди.

— Беморларни табақалаштириш касалхона маъмуриятининг ўзбошимчалиги билан эмас, балки етук му-

тахассислар билан бамаслаҳат кўрилган чора. Тушунинг, жаноб.

Дино Кортэ жиндек шаштидан тушди.

— Ахир менга еттинчи қаватдан икки-уч ҳафтада жавоб беришмоқчи эди!

— Тўғри, — деб унинг оғзидаги гални илиб кетди даволовчи шифокор. — Аслида ҳам сиз еттинчи қават беморисиз. Салгина ҳарорат нима деган гал, айтишга ҳам арзимайди. Лекин касаллик ишғол қилган тўқималар ҳолатидан келиб чиқилса, сизни олтинчи қават беморисиз, дейиш ҳам мумкин. Шу ерда ётаверсангиз ҳам мумкин эди-ю.. келинг, менга қаранг, сиз учун қайси қаватда ётишмас, балки даволаниш, касалликдан фория бўлиш муҳим эмасми?! Шунини ҳам айтиб қўйай, бешинчи қаватдаги қулайликларни кўрсангиз, бундай тўполон кўтармас эдингиз.

Дино Кортенинг ҳўл-оёқлари бирдан бўшади. Кўзи тинди. Ҳар оқшом ётар чоғида ҳарорати кўтарилиши қанда бўлмаётганини, олтинчи қаватдаги муолажанинг нафи сезилмаётганини эслади, даволовчи шифокорнинг сўнги далдаси ва даъвати унинг кўнглида умид тугдирди. «Майли...» деди нафаси ичига тушиб, бу сўзини бошқалар эшитдими ёки эшитмаса-да, улар маъмурият кўрсатмасига сўзсиз итоат этишлик зарурлигини намоён қилиб қўймоқчи бўлишди — Дино Кортенинг лаш-лушини зумда йиғиштириб улгуришди. Касал бирон нарсамни унутиб қолдирмадимми, деган хаёлда у ён-бу ёнга аланглаб улгурмай ўзини бешинчи қаватга тушадиган зинада кўрди...

Профессор Зоҳид Яқиннинг касалини суриштириш, аҳволини билиш, дардига малҳам топиш учун эмас, худди бекорчиликдан зериккан одамдек, ҳангомалашиб ўтирди.

— Биринчи бор суҳбатлашганимиздаёқ кўнглимга ўтиришиб қолган эдингиз, — деди у ясама табассум билан. Шунинг ўзигаёқ Зоҳид Яқиннинг димоғи чор бўлиб кетди. — Яхши ётибсизми, шарт-шароитлар жойидами?

— Жуда жойида! — деди Зоҳид Яқин кўтаринки оҳангда гапиришга уриниб. У шундай дея миннатдор-

лигини изҳор этмоқчи эди. Мамғунлигини аён қила туриб, профессорнинг оғзини пойлади ҳам. Ахир, у даволанишнинг бориши ҳақида бирор тайинли гап айтиши керак-ку!

— Укангиз жуда бамаъни йигит, — деди профессор тўсатдан. Зоҳид Яқин худди ўзининг соғлиғи ҳақида яхши гап эшитгандек яйраб кетди.

— Тўғри, анчагина бамаъни йигит, лекин жуда камгап-да, шуниси бор, — деди ярим ҳазил оҳангда.

Профессор ҳазилни жиддийга бурди.

— Бизнинг врачлар учун камгаллик фазилат. Хасталик ҳақида ҳадеб вайсайвергандан, маҳмадоналик қилавергандан кўра, уни кузатиш, таҳлил қилиш, олдини олиш, даволаш муҳим.

— Ҳар қалай, билиб қўйиш... билиб қўйгиси келадиди-да, одам...

Профессор Зоҳид Яқиннинг муддаосини тушунди.

— Келин ҳам ҳузуримга киришга уринибдилар, у киши сира ташвиш чекмасинлар, биз сизни тўла назоратимизга олганмиз. Ёки жой ёқмаяптими?

— Йўқ, йўқ, асло ундай эмас! — деб юборди жон ҳолатда Зоҳид Яқин. — Шароит яхши, яхши эмас — аъло!

— Аъломи?..

— Биринчи қаватда жуда яхши жойлашган эдим, бу ерга эндигина чиқдим-у, назаримда, иккинчи қават янаям дурустроққа ўхшай...

— Баракала-а-а! — деди профессор ўзи шуни кутгандек. — Мен доим шогирдларнинг қулоғига қўйганим-қўйганки, бемор биринчи навбатда палатага, ётган жойига кўнгил қўйсин. Шундан сўнггина у шифокор билан, ҳамширалар билан тил топишади. Қолгани медицинага тан!..

Зоҳид Яқин ўзи айтгани учунми ёхуд айтмасидан илгариеқ профессор шу қарорга келганми, ҳар қалай, иккинчи қаватдаги палатада қолди. Палата айтарли катта эмас, лекин ниҳоятда саришта эди, Зоҳид Яқин ҳатто, деворга илинган радионинг симига зътибор қилди: биринчи қаватдаги радионинг сими осилиб, чувалашиб ётганди, бунисининг ортиқча қисми букланиб-тахланиб радионинг ёнига борлаб қўйилибди. Шу ҳам

сарамжонлик-да! Палатада беморнинг асабига тегадиган ҳеч бир майда-чуйда бўлмаслиги керак.

Зоҳид Яқин шу каби хаёлларга андармон бўлиб кайфияти чоғ ўтирганида ёшгина ҳамшира жувон кириб келди. У худди Зоҳид Яқинни эскидан танийдигандек, бир кулиб-бир сўзлаб, бемор ҳали сўраб улгурмаган, эҳтимол сўраш нияти бўлмаган нарсаларни гапира кетди.

— Шу палатага кирсам чиққим келмайди-я! Оҳан-рабоси борми, билмадим.

Зоҳид Яқин ҳамширанинг қалам қошига, узун-узун киприкларига, сутта чайилгандек оппоқ манглайига суқланиб қаради.

— Мен ҳозиргина... боягина кўчиб ўтдим бу ерга...

— Ажаб қипсиз! Тушунган одам экансиз! Шу-ундай шарт-шароитнинг қадрига етмайдиганларни кўрсам, ўлай агар, тушунмайман! Ҳайрон бўламан! Нера исм-шарифингиз фалати, ака?

Зоҳид Яқин ҳамширанинг очиққўнгилик билан савол қотишидан кулиб юборди.

— Нимаси фалати? — деб сўради.

— «Зоҳид»ни биламан, эшитганман, «Яқин» дегани... Одамга, кўнгилга яқинликни англагса керак-да, топдимми?!

Ҳамшира ихтиро қилган одамдек қувониб, овозини баралла кўйди.

— Ўзингизни таништирадингиз? — деб ўсмоқчилади Зоҳид Яқин каравот суянчиғига тирсагини қўйганича қиздан кўз узмай.

— Шавқия! Шавқ-завқдан олинган! Исми — жисмига мос! Хомуш, ўйчан одамларни кўрсам юрагим «поқ» этиб ёрилиб кетади. Одам қанча кўп гапирса, ичидаги ғуборлари шунчалик тез тарқайди. Тутун чиқарадиган мўри бор-ку, ўшанга ўхшаб тутунини пуркаб турмаган одамнинг ичини қурум босиб кетади, боши касалдан чиқмайди. Топдимми?.. Сиз...

Зоҳид Яқин профессорнинг камгаллик борасидаги талабчанлигини эслади. Шавқия унинг кўнгилидан кечган ўйни илаб олгандек гапида давом этди:

— Билиб турибман, сизга ҳамшираларимизнинг камгаплиги ёқмаган. Чунки елиб-югуриб ишлаб юрган соғ-

лом одам тўсатдан бундай жимжитхонага кўникиб кетиши қийин. Бу етмагандай, ҳеч зор гаплашмаса, мотам тутиб юрса...

Шавқ-завқ билан шақиллаб турган Шавқия тусатдан йиғлаб юборди. Мўлт-мўлт қилиб жавдираётган кўзларидан дувиллаб тўкилган ёшларини яширмади ҳам. Зоҳид Яқин ҳайрон бўлиб қолди, қизни юпатиш учун бирор тасаллибоп сўзни ўйлаб, тилига кўчиргунича аҳвол буткул ўзгарди. Шавқия яна қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Кўзёшиям қуриб кетсин! — деди халатининг чўнтагидан кафтдек дока олиб, кўзини артар экан. — Менинг сергаплагимни домла ҳам биладилар. Бошқалар салгина гап сотса борми, ёқтирмайдилар ҳам, кечирмайдилар ҳам. Айниқса, беморлар билан эзмаллашиб ўтирадиганларнинг жавобини бериб кўя қоладилар. Мени эса нуқул «Ҳа, қақилдоқ?» деб эркалатадилар. Бошқаларга роса алам қилади!.. Мана, кўряпсизми, шунча гапирсам ҳам сиз чидаяпсиз, чунки олим одам экансиз, сабрлисиз, ўзингиз ҳам тўхтамай гапиргингиз, қайнаб-тошаётган нималарингиз... тутунларингиз бор-ку, ха-ха-хо!.. Ҳай гапирингиз, ўшлар ичингизда қолиб кетишини истамаяпсиз. Шунинг учун ҳам мен палатангиздан бир қадам ҳам чиқмайман, сизга термили-иб ўтиравераман, фақат қулоқ соламан, сиз эса гапираверасиз-гапираверасиз, роса хумордан чиқасиз!..

Зоҳид Яқиннинг таажжуби баттар ошди. Жодугар эмасми, деб юборди ичида, нималар деяпти?! Олим одамсиз дегани нимаси?! Ҳақиқатан ҳам Шавқиядаги қувноқлик алақачон ўзига юқиб улгурган, чиндан ҳам тинмай нималарнидир гапиргиси келаётган эди. Ярим соатгина суҳбатлашиб улгурмай, мутлақо бегона қақилдоқ қиз кўнглига шунчалик ўтиришиб қолганига, уни ўзига ром қилиб олганига ўзи ҳам ишонмаётган эди.

— Уйингиздан келишибди, — деди энага очиқ турган эшиқдан бошини суқмай.

Тўғриси, Зоҳид Яқин шу топда Шавқиянинг суҳбатини тарк этгиси келмади, бу қақилдоқ қизнинг самимияти олдида хотини ҳам кўзига кўринмай қолди.



Уч кун кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Зоҳид Яқин касаллигини ҳам унутди. Ҳеч қаерим оғримаяпти, лоҳас бўлмаяпман, дея ўзига тинимсиз далда берди. Унинг кайфиятидаги кўтаринкиликни хотини ҳам пайқади, бундан у дам севинса, дам маъюс тортиди.

— Ўктамни учратмадингми? — деб сўради у Робиядан. Робия нигоҳини олиб қочди.

— Учратмай бўладими! — деди у. — Кунда ҳоли-жонига қўймайман.

— Нима дейди?..

— Нима дерди!.. Нима сўрасам, хавотирланманг, касаллик, одатда, шундай кечади, дегани-деган. Домласи...

— Профессорга кирмай қўяқол.

— Кирмайман. Профессори билан гаплашаман деб кўзим учмаяпти, фақат сиздан хавотирланганим учун...

Робия шундай деди-ю, ерга қараб олди, кўзидан томган ёшни яшириб, артди. Зоҳид Яқин кулди.

— Нимасидан хавотирланасан? Дуппа-дуруст ётибман, энг соғ юрганларимда ҳам ўзимни бунчалик енгил ҳис этмаганман. Палата шунақая...

— Э, қўйинг, намунча палатани мақтамасангиз?! Палата уй бўлармиди?!

— Шавқияни айтмайсанми?! Гаплашган саринг гаплашгинг келади. Шунақаям бийрон, шунақаям!.. Биласанми, одам зоти шавқ-завқ туйиб яшаши учун кўп нарса керак эмас экан, вой-ву-у, на тиним билмай, на ҳаловат топмай елиб-югуришларни эсласам, воҳ, эссиз куч-қувват, эссиз умр-а! Ақл-ҳушни йиғи-иб ётиб ўйласам...

Робия эридан бундай гапларни биринчи марта эшитётган эди, унга диққат билан қулоқ солиб туриб, эри қанчалик қувонмасин, унинг нигоҳлари чарақлаб боқмасин, кўзининг туб-тубида бедаво дард манаман деб пусиб турганини сизди. Шунинг учун ҳам эрининг бегона аёлни бу қадар оғзидан суви келиб мақташига эътибор қилмади.

— Барака топсин, ўша Шавқия... — деди-қўйди. Афсуски, орадан яна уч-тўрт кун ўтар-ўтмас тақдир Зоҳид Яқинга Шавқияни ҳам кўп кўрди...

Кимдир тирсагидан тутиб, етаклаб олганини у кейин пайқади.

— Ўзим... — деди зина суюнчиғини чангаллаб.

— Ўзингиз, ўзингиз тушяпсиз, — деди унинг қўлтиғига кириб олган йигит.

Дино Корте ўзи бемалол одим ташлаб тушмаётганини сезса-да, шу гапдан севинди. У бешинчи қаватдаги кимсасиз палатага кирди-ю, оппоқ каравотта оғир ва жонсиз юкдек чўзилиб, узала тушганини элас-элас эслади.

У жиққа терга ботган эди.

Жаноб Корте уйғонганида ўзини фавқулодда бардам ҳис қилди. Бунинг устига ажойиб хушхабарни эшитди: айтишларича, у бешинчи қаватдаги беморлар орасида энг тетиғи экан!..

— Масъулиятни шахсан зиммамга олиб айтаманки, сиз — қаватимизнинг энг соғлом беморисиз! — дея тантанавор оҳангда эълон қилди палата шифокори.

Афсуски, орадан беш кун ўтдимиди-йўқми, қаватнинг энг соғлом беморининг ўнг оёғига қирмизи тошма тошди.

— Қаший кўрманг, — деди шифокор унинг болдини диққат билан кузата туриб. — Ҳар қандай соғлом одамда учрайдиган тошма. Тошади-ю, йўқолади. Фақат сизга гамманур бор-ку, ўшани ёзиб бераман, уч-тўрт мартада йўқотиб юборади. Кўрмагандай бўлиб кетасиз.

— Бу ерда гамманур борми? — сўради Дино Корте.

— Бўлганда-чи! — фахрланиб деди врач. — Бизнинг шифохонада беморларни даволаш учун барча шарт-шароит муҳайё! Фақат, битта лекини бор...

— Қандай лекини? — Қандайдир нохушликни кўнгли сезиб, хайрон бўлиб сўради Дино Корте.

— Ноқулайлик шундаки... — шифокор миждовланди, рудранди. — Гамманурлар тўртинчи қаватда. Кунига уч маҳал олишингиз учун қаватма-қават тушиб-чиқаверишингизни шахсан мен маслаҳат бермасдим...

— Унда...

— Тошмадан мусаффо бўлиб, оёқларингиздан губор аригунича тўртинчи қаватдаги палаталардан бирида ёта-турганингиз маъқул. Хўп, деяверинг. У ёнига шахсан ўзим...

— Нима?! Пичоқ суякка қадалди! Етар! — чинқириб юборди Корте жаноблари. — Кўч-кўч ҳиқилдоғимга келди!

У шундай деб худди биров бўғаётгандек «ҳарс-ҳарс» нафас ола бошлади. Шифокор уни тинчлантиришга уринди. Тушунтириши кор қилмади.

— Ўлсам шу ерда ўлиб қўяқолай. Ўлайми? Шу ерда ўлақолсам, қутиласизларми?! Шу керакми, сизларга?! Илло, тўртинчи қаватга тушадиган аҳмоқ йўқ!

— Хоҳишингиз, — деди шифокор жон талвасасидаги беморнинг хумордан чиқишига йўл қўйиб, сўнг вазифасини адо этишни ҳам унутмади. — Лекин мен сизни даволовчи шифокорман. Сизнинг соғлигингиз учун шахсан бошим билан жавоб бераман. Шундай экан, кунига уч марталаб зина ошиб юришингизга рухсат беролмайман. Ўйлаб кўринг...

У уч кун ўйлаб ётди. Ош-овқатини, дори-дармонларини опкириб беришганини демаса, на профессор, на палата шифокори, на бошқа кимса «Дурустмисан, тирикмисан?» деб тепасига яқин йўламади. Учинчи кун чошгоҳ чоғи аввалига сониди битта-яримга, сал ўтиб бўксасида бир талай чумоли ўрмалагандек бўлди. Апил-тапил иштонини ечиб қаради: не кўз билан кўрсаки, болдиридаги шапалоқдек қизил тошма майдони зах тортган сувдек сони орқали думбаси томон кенгая бошлаган, ҳатто, белига етаёзган эди!

— Тўртинчи қаватта... тезроқ тўртинчига олиб тушинглар! Илтимос, зудлик билан гамманурга солинглар, розиман! — дея ҳам илтимос, ҳам илтижо оҳангида деворни гурсиллатиб уракетди Дино Корте...

Зоҳид Яқинни кутилмаганда учинчи қаватга кўчиришди. У ерда ҳам уни ўша таниш профессор қабул қилди. Профессор беморнинг анчагина қалинлашиб қолган касаллик варақасини тумба устига қўйганича кўрсаткич бармоғи билан тикиллатиб уриб ўтирди. У Зоҳид Яқин норозиланишини, ҳатто, маломат ёғдири-

шини кутган эди. Аксинча, бемор заррача оғринмади, зорланмади ҳам. Каравотда ётган жойида шундоққина бошининг ёнида деворга маҳкамланган радиони кўрсатиб, жилмайди.

— Яхши... радио баланда эмас экан... ётган жойимдан ўчириб-ёқавераман... — деди.

Профессор унинг ҳар бир сўзига жуда диққат билан қулоқ солди.

— Бу ерда қулайликлар янаям аъло... — деб гап бошлаган эди, Зоҳид Яқиннинг ўзи уни давом эттирди:

— Қизик, иккинчи қават ўз-ўзидан меъдамга ура бошлаганди, — деди у катта эҳтиромга сазовор бўлганидан мамнунлигини билдирмоқчидек шодон кайфиятда. — Босини ўзим ҳам сезмадим, лекин... домла, Шавқия деган ҳамширангизга гап йўқ, жудаям самимий, қувноқ қизалоқ экан. Бундай ҳамширалар беморнинг кўнглини тоғдек кўтаради. Сухбатига тўймайсан одам!.. Уч-тўрт кун тинмай вайсабман-е! Роса тўкилдим, ўзиям!.. Оғзимдан чиққан гапларни эслаб, энди хижолат чекиб ўтирибман...

Профессор худди беморнинг бундай ҳолат-кайфиятга тушишини аввалдан билгандек тиржайганича товушини чиқармай, елкаларини силкитиб кулди, сўнг оқ қалпоқ кўндирган бошини сермади-ю, бирдан жиддий тортди.

Учинчи қаватга кўчгач, Зоҳид Яқин ҳовлига деярли чиқмай қўйди. Фақат бир ҳафталардан сўнггина кўнгли алағда бўлди, алоқ-чалоқ тушларига таъбир тополмай хаёли қочди, пешинга қадар Робияни кўргиси, у билан бафуржа суҳбатлашгиси келди, ҳатто, профессорнинг ҳузурига кириб, уйига қайтиш учун рўхсат олишни мўлжаллади.

Шомга яқин амаллаб биринчи қават эшигига тушиб борганида баданини совуқ тер қоплаганини сезди. Эти жунжикди. «Пастга тушиш шунчалик малол келса, чиқиш нима бўлади?..» Хотини билан ўғли турган экан, Робия югургилаб келиб, уни суяди. Эрининг ич-ичига ботиб кетган кўзларига, қони қочган бетига қараб, ўзини йиғидан тўхтатолмади. Ўғлининг қути ўчиб, юзини отасининг кўксига босди.

— Индамай, ҳаммасини дўхтирга ташлаб қўймай, ўзингиз талаб қилинг. Майли, яхшироқ... ўткирроқ дори-дармонидан ишлатса-ишлата қолсин... Оғриқни қолдирадиган чораси сон мингта-ку, ахир!

— Қизиқ, ҳеч ерим оғримаяпти, — деди Зоҳид Яқин ўсиб, қулоқларини ёпиб қўйган сочларини бармоқлари билан тараб. — Учинчи қаватта чиқдим, учтўрт кун ўтгани сайин... билмадим, бошқачароқ дори-дармон қилди чоғи, оғриқ ҳам қолгандек...

— Оғрийверганидан кўникиб кетгансиз... Оғриганини билмаётгандирсиз?

Зоҳид Яқин шунчалик меҳрибонлик қилиб турган хотини билан гаплашгиси келмай қолди.

— Сен яхшимисан? Опанг, синглинг тинчми? — деб сўради у ўғлининг кўзига қараб-қарамай.

— Буларингиз қанақасига тинч бўлади, дадаси?! Ҳаммаси, бутун қариндош-уруғ бетинч.

— Биладан... Ҳаммаларининг умри узоқ бўлсин... Келиб юришмасин... Овора бўлишади...

— Қизиқсиз-а!.. Ўзим келай, ўғлингиз келсин, навбатма-навбат қараб турайлик. Бунча ўжарлик қилма-сангиз?!

Зоҳид Яқин худди танасига бурунги куч-қуввати қайтгандек, дўриллаб кулди.

— Робия, сен барака топ, онаси... Ўғлим, анча эсли бўп қолдинг... Лекин ҳали тепамда одам қараб ўтирадиган аҳволга тушмадим... Қайтага руҳим ҳар қачонгидан тетик. Мана, ўз оёғим билан юрибман, худога шукр. Иштаҳам карнай, ётиш-туришим... палата шунчакам қулайки, бемалол...

— Нима, уйингизда бемалол эмасмисиз? Ҳар қанча шароити билан палата уй-жой бўлармиди! Тавба, дўхтир деса энсаси қотадиган одам оғзингиздан палата тушмай қолганини!..

Робия билан ўғли кетгач, Зоҳид Яқин кун бўйи хаёлига келган ўйлари учун ўзидан хижолат чекди. Ўша кайфиятда профессорнинг ҳузурига кирса, уйга кетаман, деб туриб олса, профессор ҳам кўна қолса... Зоҳид Яқин касалхонанинг шинамдан-шинам ва сокин палатасида ёлғиз ётган кўйи руҳини авайлаб эркалаётган, хаёлларига қўшиб ўзини ҳам етгинчи қават

осмонларга учириб кетаётган... ўзи ҳам изоҳлаб беролмайдиган ҳузурбахш сонияларни кўнгилдан кечи-раётган ҳолатда уйда — хотини, ўил-қизлари қуршовида... ҳали қариндош-уруғлари, ёр-дўстлари ҳам ёпирилиб келишар! — йўқ, уйда, кўпчилик орасида бундай туйғуларни, ёқимли эхтирослар тўлқинини ҳис этиши амримаҳол...

Хотини ва ўғли билан хайрлашди-ю, бундан кейин бўшанглик қилмасликка онг ичди. Ҳа, башарти профес-сор ё даволовчи шифокор кетишига ижозат берса-да, у асло кўнмайди, қайнисини ишга солиб бўлса-да, про-фессорни рози қилиб бўлса-да, бу роҳатижон жимжит-хонадан чиқмайди, ҳеч қаёққа бормайди!.. Кун ва лаҳза сайин қадрдонлашиб қолаётган палатага хиёнат қил-майди... У бош кўтариб палатанинг бетига қарай олмади, шом қоронғиси тушмай, бошини буркаб ётиб олди.

Кун анча ёйилганда уйғонган заҳоти жуда узоқ ва тўйиб ухлаганини сезди. Шу ётишида у қайтиб уйғон-масликка ҳам рози эди, лекин начора, уйғонди, одам уйғоқми, демак, у яшашдан бош тортишга ҳаққи йўқ... Боши, елкаси жиққа терга ботибди, тердан ҳосил бўлган намлик шу қадар музлабдики, бармоғини чақ-қандек бўлди, ўрнидан турди, кеча йўл қўйган ирода-сизлигини эсламасликка уринди ва бошини тиззалари узра солинтирганча узоқ хаёлга чўмиб, худодан ўзига сабр-тоқат, тоқат-қаноат сўради. Сўрагани сайин ву-жудига қувват қўйилаётгандек ўзини тетик, бардам ҳис қилди, худди иродасини намоён этиб қўйгиси келгандек, шахдам қадамлар билан кириб, ювиниб чиқ-ди, ички қўйлагини алмаштирди, сўнг палатага бўлган садоқатини изҳор этиш ниятида ўрнидан турди, тура-ётганида ўнг биқини оғирлашиб, гавдасини ёнбошга тортиб кетди. Зоҳид Яқин аранг мувозанатни сақлади, биқинидаги шишнинг катталашганига ҳам эътибор қилмади. Унинг ўй-хаёли палатада эди... У кафтларини палата деворига, сўнг ундан узиб манглайига, бетла-рига босди, пешанасини девордан узмаган ҳолатда чўк тушди. Аксига олиб навбатчи энага ҳам худди шу топ-да палатага кириб қолди. Илдам қадамлар билан тўппа-тўғри Зоҳид Яқиннинг ёнига етиб келди-да, унинг билагидан, белидан тутди. Суяб кўтарди.

— Ётақолинг... Нима керак бўлса, айтинг, мен олиб бераман... Тортинманг...

Шу пайт Зоҳид Яқин беихтиёр айтиб юборган сўзини ўзи кейин эшитди.

— Домлани чақирсангиз... бир кўриб қўйсалар...

У каравотнинг чеккасига аранг қўнди, бир-бирига суяниб қолган тиззаларининг кўзида турган титроқ каравотта кўчди.

— Эрталаб саҳарда икки киши бўлиб келишди... Униси ҳам профессор... Ухлаб ётган эдингиз, уйғотишмай, узоқ кўришди...

— Эссизгина, рафлат босибди-да, айтадиган гапларим бориди...

— Зарари йўқ, ҳаммасини ўзлари кўриб-билиб туришибди...

— Қувватим етарли, эс-ҳушим жойида, фақат...

— Ҳм, шундай... — деди навбатчи аёл. — Ётаринг, ҳозир нонушта келтираман.

— Нонушта емайман! — деб юборди қатъиян рад этиб Зоҳид Яқин. — Менга овқат эмас... қорнимни тўйгазаман деб ётганим йўқ бу ерда. Овқатни... нонуштани ўзларинг еяверинглар... Тавба-а, қизиқ...

У гапини давом эттира олмади. Энага хонадан чиқиб кетаётганини сезиб, аранг шипшиди:

— Жоним оғриётгани ундан нарига, руҳим тетик, эшитдингизми, руҳим тетиклигини сезяпсизми?..

Зоҳид Яқин жисми-жони азобланиши қандай бўлишини бешинчи қаватта кўтарилаётганида бошдан кечирди. Аввалига уни замбилга ётқизиб кўтармоқчи бўлишди. Зоҳид Яқин бошқаларнинг ёрдамида бир қадам ҳам жилмайман, деб оёғини тираб туриб олди. Ўз оёғим билан келганман бу палатага, ўз оёғим билан чиқаман...

## 5

Тўртинчи қаватта тушган Дино Кортенинг ваҳимаси-ю хавотиридан асар ҳам қолмади. Бунга бошқа беморларнинг деярли барчаси тўшакка михланиб ётгани сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, Кортё бемалол ўрнидан туряпти, бир-бир ташлаб бўлса-да, нурлангирувчи ускуналар ўрнатилган ним қоронғи муолажахонага ўз қадами билан бориб келмоқда. Тўшақдан қимирламай ётганлар туғул, ҳамширалар ҳам Кортё жанобларининг жасоратидан ҳайратларини яширмадилар. Бу ҳайратланишлар унинг ғайратига ғайрат, мадорига мадор қўшди.

— Дино Кортёман! — деди у жарангдор овозда, янги шифокорга ўзини таништираётди. — Аҳволим анча дуруст. Аслида еттинчи қаватнинг ўзида тузалиб кетадиган эдим-у, аввал ўз ихтиёрим билан ёш болали аёлга жойимни бўшатиб бердим, кейин тўқималарни текширтириш мақсадида бешинчига, қизил тошмаларни нур ёрдамида йўқотиш мақсадида тўрттинчига кўчиришди. Гамманур билан даволаниб олай, бу ерда узоқ ётмайман, еттинчига қайтаман!

— Мутлақо тўғри! Мутлақо тўғри! — деди айнан унинг гапириш оҳангида шифокор. — Сизга қойилман, жаноб! Ўзи беморлар ваҳимачироқ бўлишади! Йўқ жойдан ғавғо кўтариб, тўполон кўзғаб юришади. Хайрият, сизда ундай одат йўқ экан. Мен ҳам кўриб-билиб турибман ҳаммасини! Касалликнинг қандайлиги сизга қанчалик маълум бўлса, менга ҳам шунчалик аён! Текширдим, кузатишлар натижаларини синчиклаб кўриб чиқдим — ваҳима кўтарадиган асос-пасоснинг ўзи йўқ! Тушунган одам экансиз, барака топинг, шунинг учун сизга гапнинг дангалини айтган маъқул, тўғрими?

— Т... тўғ...

Дино Кортё шифокорни яна бир қарра қойил қолдириб, унинг гапини баралла маъқулламоқчи эди, бирдан шув этиб юраги орқага тортиб кетди. Шифокор бунга эътибор қилмай мақсадга кўчаётган эди, у шошилиб, лекин боягидан анчагина шашти пасайиб гап қотди:

— Тўғри, касалман, мазам бўлмаяпти, тан оламан... сиз ҳам дангалини айтинг-чи, қайси қаватда даволанганим маъқул?

— Ия-ия!.. Бу нимаси, ҳозиргина мактаб тургандим-а! Нима, саволингизга ҳозирнинг ўзида жавоб бериш осон деб ўйлаяпсизми? Бунинг учун камида бир ҳафта сизни кузатишим керак.



— Тахминан бўлсаям... айтинг, — деди жаноб Корте баттар шалвираб.

Шифокор хаёлан чамалаётган одамдек бир нуқтага тикилганча сукутта чўмди ва ниҳоят, оҳиста ён берди:

— Қўймадингиз, қўймадингиз-да... Орамизда қолса — айтаман...

У шундай деб Кортега синовчан разм солди. Жаноб Корте дарҳол қўл ташлади:

— Орамизда қолади, ишонинг...

— Тўғриси айтсам, — деди шифокор сирли равишда овозини пасайтириб. — Очиғини айтсам, асли, жойингиз олтинчи қаватда. Ишонинг, олтинчи қаватнинг ўзида соғайиб кетар эдингиз... Яширишнинг нима ҳожати бор?! Мен доим бор гапни айтишга одатланганман. Буёғига танишиб олдик, кўнглимга ўтиришиб қолдингиз, ўзим...

Дино Корте касалхонага ётганидан буён биринчи бор дилкаш ва самимий инсонга рўпара келгандек, умидларга тўла нигоҳини суҳбатдошидан узмади. Ҳақиқатан ҳам, янги таниши ҳар сафар палатага кирганида Кортедан эринмай ҳол-аҳвол сўрар, унинг кўзи, юзи, томоғи, кўкраги, қорни, думбаси, болдирининг терисини эринмай кузатар, тунда ҳарорати нечага чиққанини унинг ўзидан суриштириб, ташқаридаги ҳаво ҳароратини айтар, шу тахлит беморнинг хаёлини палата муҳитидан чалғитишга уринар эди. Шундай дамларда Корте ҳали ёруғ дунё билан алоқаси тамоман узилмаганини эслаб қолар, хотинидан хат-хабар келмай қўйганига ичида ажабланар ва яна касаллиги, даволаниш муддати бу қадар чўзилаётганини ўйлаб кетар эди.

— Жиндеккина соғайсам эди, — деди у бир куни маъюс тортиб.

— Жиндеккина эмас, анчагина соғайдингиз, — дея унинг кўнглини яна-да кўтарди шифокор дангалига. — Тошманинг тарқаш суръати секинлашгани ҳам соғайиш аломати-да!

Жаноб Корте ўзини ҳамсуҳбатининг далдасига муносиб тетик тутмоқчи эди, чоғи келмади.

— Айтинг-чи, — деди у қўққисдан. — Чиндан ҳам тўқималарнинг қуюқлашиш ва тарқалиш суръатида ўзгариш борми, бўлса, қанчалик сезиларли?

— Бунақа бадгумонлик сизга қаердан юкди?! — деб хитоб қилиб юборди шифокор ҳам ҳазил, ҳам пўписа аралаш. — Касал одамнинг боши бунақанги бўлмағур васвасалар билан тулиб ётиши зинҳор мумкин эмас! Қайтиб мен сиздан бунақанги бемаъни саволни эшитмай! Уқдингизми!

— Хўп, хўп бўлади. Фақат ҳозир саволимга жавоб берсангиз...

— Жавоб бераман, жуда зарур бўлса, жавоб берганим бўлсин. — Шифокор тавозе билан такаллуф кўрсатгандек гапирди. — Тўқималарнинг емирилиши айтишга ҳам арзимаёди. Қаттол дард, холос.

— Қаттоли нима? Сурункали деганими?

— Мен бу сўзни тилга олмадим. Баъзан энг енгил дард ҳам сурункали муолажани тақозо этади.

— Аҳволим яхшиланиб кетишига умид борласам бўладими?

— Тағин бояги савол-а! Тағин... Неча марталаб айтдим-а, сизга?! Уч-тўрт кунда соғайиб кетиш умиди миянгизга жуда михланиб қолибди-а?.. Майли, қадрдонлашиб кетдик, шунинг ҳаққи ҳурмати ранжима-сангиз бир гапни айтгай.

— Айтинг, бемалол.

— Башарти, мен сизнинг ўрнингизда бўлсаму шу дардга чалинсам, ҳеч нарсани ўйламай-нетмай қуйи қаватларга ётқизишларини талаб қилиб туриб олардим. Ҳа, сўзсиз талаб қилардим!

— Биринчи қаватта демоқчимисиз?! — пичинг аралаш заҳарханда тиржайиб кулди Дино Кортё.

— Йў-ўқ, биринчигамас. Учтинчи ёки иккинчига. Билмайсиз-да, қуйи қават шифокорларининг қўли шунақаям енгилки!.. Асбоб-ускуналарини айтмайсизми, энг замонавийлари ўша ерда! Қолаверса, шифохонамизнинг асосчиси ва маънавий падарини биласиз-а?

— Профессор Факеттими?

— Хайрият, билар экансиз. У киши ўз фамилияси етти ҳарфли эканидан келиб чиқиб, шифохонани етти қаватли қилиб қурдирган. Даволаш услубларини ҳам ўзи яратган. Хонаси, яъни муолажа учун қабулхонаси

иккинчи, учинчи қаватлар орасида. Зина майдончасидан кириб бориладиган йўлакда. Энг кучли гамманурлар ўша ерда.

— Бундан чиқди... — Дино Кортенинг овози қалтираб, қалдираб эшитилди. — Бундан чиқди...

— Чунки... Сиз тошмани ҳисобга олинг. Тошманинг ўзи унчалик хавотирли эмас. Лекин ундан форир бўлиш чўзилиб кетса, сизнинг кайфиятингизга таъсир кўрсатиши муқаррар. Буткул совайишингиз учун эса хотиржамлик сув билан ҳаводек зарур! Шунинг учун... учинчи қаватда бевосита профессорлар профессори жаноб Факеттининг назоратида бўласиз. Уч-тўрт кун гамманур оласизу... қурбингиз етса, ҳеч тортинмай бу ёққа чиқаверинг, қадрдонлашиб кетдик-ку, ахир!..

— Демак... — Дино КORTE шундай деди-ю, ичичидан келган хўрсиниқни босолмай, елкаларини силкита-силкита ҳиқиллаб йиғлаб юборди. Шифокор жим бўлиб қолди, беморни ўз ҳолига қўйди, бир оз ўтгач, жаноб КORTE ўзини қўлга олиб, бошини кўтармай гудранди: — Пастки қаватдаги муолажа тошмани тезроқ йўқотадимми, ишқилиб?..

— Муқаррар. Айтдим-ку, мен сизнинг ўрнингизда.. Қадрдонлашиб кетганим учун очигини айтдим-қўйдим, бошқаларга икки дунёда ҳам буни тавсия қилмас эдим...

Хуллас, тошмадан тезроқ қутилиш илинжи Дино КORTE жанобларини сўзсиз-несиз яна бир порона қуйи қаватга кўчирди...

Ҳамширалар ҳам, навбатчи аёл ҳам Зоҳид Яқиннинг инжиқлигига кўнишди, у зинага қадар ўзи бемалол етиб борди, ҳатто, тўрт-беш поронага битта-битталаб кўтарилди ҳам. Ичида иродасига тасанно айтди. Бирдан кўзи тиниб кетди. Сир бой бермади, зина суюнчилигини тутди. Чирпирак бўлиб, чалқанча ағдарилса... суюклари мажақланиб кетмас, илло... атрофида гирдикапалак бўлаётган манави бечоралар балога қолади.

Уни бешинчи қаватда нималар кутяпти, бешинчи қаватда аҳволи қандай кечади — шуларни ҳам ўйлаб кўрмади.

Негадир Зоҳид Яқин соғайиб кетишни эмас, шу ерда — шифохонада, қаватдан-қаватта кўчиб-кўтарилиш дардига мубтало бўлганини кўпроқ ўйлаётган, бундай ўй-хаёл қачондан буён унга ёпишиб олганини ўзи ҳам сезмаётган эди.

У суянчиққа тирсагини қўйганича узоқ ўйга чўмди. Болалигини, ўсмирлигини, шўх-шан ёшлигини кўз ўнгидан ўтказди.

Бир поғона кўтарилди.

Ўйланди. Тўнғичи турилган йиллари касб-корини тополмай обдон қийналди. Неки машаққат чекса, ичига ютди. Одамлар орасида қанчалик хушчақчақ бўлса, ёлғиз қолди дегунча юраги ўзидан-ўзи сиқилавериш одати бор эди, буни ўткинчи омадсизликларга йўйди. Кейин...

Зоҳид Яқин икки поғона кўтарилди. Зина муқолишидаги чоғгина майдончага чиқиб, нафас ростлади.

У ўзини енга олганидан мамнун эди! Яхшиям, замбилга ястаниб ётиб олмади! Ўзи, ўз оёғи билан чикди! Демак, ҳали қуввати мўл, ҳали...

Кейин, тиним билмади, иши хўп юришди. Егани — олдада, емагани — ортида, иззат-ҳурмати жойида... соғломлигини айтмайсизми!.. Назарида ҳеч қачон дард яқинлашмайдиғандек, шу кетишда камида минг йил яшайдиғандек эди!.. Шунча вақт касал нималигини билмади. Бундан ўзи, болалари, хотини ғурурланар ҳам эди. Робия: «Мен қариб қолдим, сиз ҳали уйланмагандексиз», деб гина ҳам қилиб қўярди. Онда-сонда зрини бошқалардан қизғанарди ҳам.

Зоҳид Яқин икки-уч поғона кўтарилганини ўзи ҳам сезмади. Баданидан тер қуюлди.

Бу дард қаердан ёпиша қолди унга? Ҳатто, касалликка ҳам ўхшамайди, қизиталоқ! Биқинидан юқорироқда — қўлтиғига яқин жойида, йўқ, оғримади, ёнғоқдек думалоқ нарса пайдо бўлди. Аввалига эътибор қилмади. Орадан анча ўтиб, ўша дардисар «ёнғоқ» сал-пал ғимирлайдиган одат чиқарди. Ўшандаям оғримади, балки Зоҳид Яқиннинг қитиғи келди. У ер-бу ерда нозикроқ давраларда ўтирганида «ёнғоқ»нинг шўхлиги тутса, у кулгисини тўхтатол-

мади. Тўхтатолмади-ю, бировга ёрилиб дардини очмади ҳам.

Зоҳид Яқин кулиб юборди, кулги далдасида яна зинадан кўтарилди.

Уша ёнроқ йиқитди уни!.. Мана, ёнроқ ҳандалақдек катталашиб кетди-ёв!.. Ҳарорати сира тушмади-тушмади...

Зинанинг энг юқорисига етай деганда унинг ёнида яна бир оқ халатли жувон пайдо бўлди.

— Сиз кимсиз? — деб сўради Зоҳид Яқин худди эски танишини учратгандек.

— Ҳамшираман. Исмин — Мужоҳида.

— Мужоҳида?

— Ҳа, Мужоҳида!

Зоҳид Яқиннинг чиройи очилиб кетди. Жувонни қучоқлаб олмоқчидек унга томон талпинди. Мужоҳида уни суяб қолди.

— Дурустмисиз? Кайфиятингиз чоғми?

Зоҳид Яқин қувончини изҳор қилмоқчидек чиройи очилди. Негадир шу топда ўғлини кўргиси келди, уни рўпарасига ўтқазиб олиб, эзилиб насиҳат сўқдиси келди. Нега шуни илгарироқ хаёлига келтирмаганига афсусланди. Хаёли яна рўпарасидаги аёлга чалғиди.

— Жудаям! Қувватим етарли, тетикман, димоғим чоғ, синглим! Сизни кўрганимдан, сизга етишганимдан беҳад хурсандман!

— Тагин айниб қолмайсизми? — муғомбирона кулиб сўради Мужоҳида.

— Мужоҳидаҳон!.. Энди айнинаман, ҳаммасига ақлим етди, орқага йўл йўқ энди, синглим... Мужоҳида... Сиз, сизни...

— Мушоҳида! Мушоҳидани чақиринглар! — деди Мужоҳида йўлак томон бошини буриб.

У чақириб улгурмай олтинчи қават томондан оқ халатли бошқа бир ҳамшира илдам юриб, пастга тушди. Туша солиб, Зоҳид Яқиннинг иккинчи қўлидан тутди.

— Иродангизга балли, амаки! — деди Мушоҳида. Зоҳид Яқин ёш боладек севиниб жиламайди.

— Амаки эмас... ҳали унчалик қариб қолмадим... Мушоҳида қизариб, хижолатдан ўзи ҳам кулиб юборди. Шу пайт зинадан сакраб-ирғишлаб тушаётган ёшгина ҳамшира кўринди.

— Бу киши билан суҳбат қурмабсизлар, дунёга кемабсизлар! Исм-шарифлари ҳам роса валати!

Зоҳид Яқин бошини кўтариб қизчага қаради.

— Қақилдоқми?... — деди кулимсираб. Бир кўнгли Шавқия билан суҳбатлашгиси келди, бироқ шу топда унинг кўзига Қақилдоқ эмас, ҳатто, ҳозиргина бир қарашда маъқул кўриб қолган Мужоҳида ҳам эмас, Мушоҳида гўзалроқ, кўркароқ кўриниб кетди...

## 6

Учинчи қаватдаги аксарият беморлар тўшақдан турмай ётиши Дино Кортетага валати кўринса-да, шифокорлар, ҳамширалар, энагалар бир-бирлари билан фавқулодда хушмуомала эканини у дарҳол пайқади. Ўзича фол очиб, жаноб Фақеттининг хонаси яқинлиги боис ходим ва ходималар хўжайиннинг кўзига ёмон кўришиб қолмаслик мақсадида бу қадар серғайрат, сермулозамат ва беморларга меҳрибон бўлса керак, деган хулоса чиқарди. Шу хаёлда соҳибжамол ҳамширалардан бири билан учинчи кундаёқ тил топишди. Гапни узоқ айлантирмай, ходимларнинг кайфиятидаги бу қадар кўтаринкилик боисини суриштирди.

— Ия, хабарингиз йўқми? — деди қувноқ ва кўнги-роқдек жарангдор овозда ҳамшира. — Яна уч кундан сўнг ҳаммамизни меҳнат таътилига жўнатишяпти.

— Ҳаммани?! Қанақасига? Қандай таътил?!

— Қаватимиздаги барча хизматчилар икки ҳафта уй-уйларида ҳордиқ чиқарадилар. Тушуняпсизми, таътил... изн бериляпти. Таътилни орзиқиб кутаётганлар қанча! Ўзим ҳам баҳонада сафарга бориб кел...

Бу гаплар Дино Кортенинг қулоғига кирмади.

— Ҳамма кетса, касалларга ким қарайди? — деб сўради у ўдағайлағудай қиёфада.

— Қаровсиз қолишмайди, иккинчи қаватдагилар билан бирлаштирилади.

— Тушунмадим? — Андак чиройи очилгандек бўлди Дино Кортенинг. — Бу қаватдагилар тўртинчига чиқадими?

— Йўқ, юқорига эмас, пастга кўчирилади, — деб унинг хатосини тузатди ҳамшира.

Дино Кортенинг рангида ранг қолмади, у мурдадек гезариб кетганди.

— Иккинчига?! — Унинг ичидан фиғонми, нидоми отилиб чиқди. — Учинчидан иккинчигами?! Шундайми?! Мен... Мени... адо қилдингларми?! Мен сенларга кўчириш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман!.. Мен сендақа манжалақи ҳамшираларнинг кўпини кўрдим! Сен, мен...

Ҳақоратланган ҳамширанинг кўзлари косасидан чиқиб кетгудек бўлса-да, сир бой бермади, ўзини қўлга олди, қизишмади.

— Нимасига жиғибийрон бўляпсиз, жаноб Корте? Ахир, сизни иккинчи қаватда қолдирамиз демадим-ку!.. Бор-йўғи икки ҳафтага, бу қават бошдан-оёқ таъмирланади. Қурувчилар шай бўлиб, қаватни бўшатишимизни кутиб туришибди. Бунда бизнинг раъйимизга қаралмайди, бу — касалхонада ўрнатилган азалий тартиб. Навбатма-навбат ҳар қават икки ҳафтадан таъмир учун ёпилади. Сизни шунча даволаб, уч кунда оёғингиздаги тошмани камайтирганда кетиб қолаётганимдан ўзим ҳам афсусдаман. Қайтганимизда ўзим, албатта, сизни кўчириб чиқаман.

Дино Корте дам ҳамширага, дам болдирига, тиззаларининг кўзига анграйди. Ҳамшира бир ҳисобда ҳақ эди. Тошма камайди, қичишмаяпти ҳам, фақат ҳарорати ўша-ўша. Эссизгина, келиб-келиб шу пайтда таъмирлашга бало борми?! Ойдек, кундек, нурдек ялтилаб турган йўлагу палаталарнинг нимасини таъмирлашади?!

У кўнглидаги ҳадикни, қўрқувни боса олмади.

— Битта шартим бор, — деди у ҳамширага. Унинг бояги бақиршини эшитган икки-уч ҳамшира ва энага йиғилиб келишган эди. Дино Корте сенлар ҳам эшитиб қўй, деган маънода ўшқириб гапида давом этди: — Мана шу палата эшигига менинг исм-шари-

фимни ёзасизлар, ҳа, Дино Корте деб катта-катта қилиб ёзасизлар. Акс ҳолда, қимир этмайман! Қани, жилдириб кўринглар-чи! Директор жанобларининг хонасига кираман, барча кирдикорларингни битта қўймай айтаман. Факетти жаноблари!..

Йирилганлар ҳеч қандай райритабий ҳодиса юз бермагандек уни бамайлихотир кузатиб туришарди.

— Хўп, нима десангиз, шундай ёзиб қўямиз, — деди энагалардан бири. Афтидан у беморга ачинаётган эди...

Жаноб Корте иккинчи қаватга кўчди-ю, кўрпатушакдан бош узолмай қолди. Шифтга термилганча ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қилар, ўй-хаёлини банд этиш мақсадида дақиқаларни санашга тушар, уларни қўшиб-нетиб, соатга айлантирар, соатлардан кун «ясар», бундан қандай муддаони кўзлаётганини ўзи ҳам тушуниб етмас эди. Хаёли санокқа чалриганида оғриқ азобидан инграб, фарёд чекаётган одамларнинг калта-култа нола-ю фиғони қулоғига элас-элас чалина бошлади.

Бундай бетоқатликдан унинг касалига касал қўшилди. Азот туриб, ташқарига чиқиб кетишга жазм этолмаётганига баъзан ҳайрон қолар, бундан кулгиси қис-таб жилмаяр, ҳадемай тураман, деб чоғланар эди-ю... тўшакка михлангандек ётаверар эди. Юқори қаватларда ётганида деразадан қуюқ дарахтлар шохининг учи кўринаётган эди, сўнг шохлар кўринди... Мана, энди дарахтларнинг ёўдайган қари ва ёўдир танаси қорайиб кўриняпти.

Зоҳид Яқин бешинчи қаватни четлаб, бир йўла олтинчи қаватга кўтарилганини, уни роятда ёруғ палатага ётқизишганини ҳам пайқамасди. У жудаям ҳолдан тойган эди. Беҳол-бемажол ётган бўлса-да, оёқ-қўлини қимирлатишга ҳоли келмаса-да, руҳи ниҳоятда енгил эди.

— Мужоҳидаой қанилар? — деб сўради инқиллаб, анча вақт жим ётгач.

— Мужоҳида пастда — бешинчи қаватда, ўзингиз Мушоҳиданинг қўлларига ёпишиб олдингиз-ку, — деди



энага кампир жилмайиб, унинг овозида «бўлар иш бўлди» деган оҳанг борлигини Зоҳид Яқин базўр англади. — Ёки бешинчи қаватга олиб тушайликми?

— Йўқ, шу ер жудаям тинч экан, — деди у лабла-рини аранг қимирлатиб, унга кўшимча ўлароқ қўлини базўр кўтариб, «йўқ» маъносида тебратди. Тебратди-ю, Мужоҳидага берган ваъдасини, ваъдасига вафо қилмаганини эслаб афсус чеқди. Нега ундай қилди? Мужоҳида билан танишди, ниҳоят, унинг дийдорига етишганидан қувонганини айтди, сўнг... Мужоҳида сез-гир экан, сўради-я, таяин айниб қолмайсизми, деб ўсмоқчилади-я!.. Зоҳид Яқиннинг айниш нияти йўқ эди. Мужоҳида билан узоқ-узоқ гурунглашишни дилига тутди, биринчи кўрган лаҳзада, ҳатто, кучиб олмақчидек унга томон талпинди, Мужоҳидаҳон оғушига олгудай қучоғини кенг очиб, уни суяб қолди, ҳолаҳвол сўради.

Зоҳид Яқин шундагина Мужоҳидаҳоннинг ўзи Мушоҳидани чақирганини эслади. Аниқ эслади. Мана, Мужоҳиданинг кўнғироқдек овози ҳамон қулоғи остида жаранглаб турибди. Мушоҳида ҳам яқин-орада турган эканми, зум ўтмай пайдо бўла қолди. Зоҳид Яқиннинг кўзи Мушоҳидага тушди-ю!.. У чинни кабутар янглиғ, йўқ, оқ нурдан яралган малоика янглиғ юқоридан югуриб эмас, йўқ, қанот ёзиб учиб тушди, Мушоҳида эмас, садафдек нур-фаришта тушди. Ўша топда Зоҳид Яқиннинг кўзига оқ халат кийиб олгандек кўринган эди, адашган экан, халат эмас, бутун бўй-баста садафдек, она сутидек оқ-оппоқ эди!..

Мушоҳидаҳон шу қадар меҳрибонлик кўрсатди-ки!.. У авайлаб-ўргилиб Зоҳид Яқиннинг биллагидан тутди, тутган заҳоти Зоҳид Яқин ўз вазнини сезмай, қушдек енгиллашди. Мабодо зина суянчиғини қўйиб юборса қанот ёзиб учиб кетгудек бўлди. Ҳатто, кўзига Қақилдоқ... анув ўзини ром этган Шавқия ҳам кўринмади... Мушоҳида унга амаки деб мурожаат этди, Зоҳид Яқин кулди, амаки эмасман, ҳали қариганим йўқ, деганди, нима бало, Мушоҳида башорат қилган эканми, Зоҳид Яқин, мана, обдон қариб-чуриган мўйсафиддек қимирлашга мадор тополмай ётибди... Шу хаёл-

лар оғушида у дамо-дам хушини йиғиб, бирдан тилга кирди: — Башоратойни чақиринг...

— Башоратойни? — Энага кампир тушунмай сўради-ю, сир бой бермади. — Майли, чақираман...

Зоҳид Яқин кампирнинг устомонлигини пайқади, ичида кулимсиради-ю, кулимсираши сиртига чиқмади.

— Мушоҳидаҳон башорат қилди-ю, Башоратой-да... Яна бир марта кўрай уни... Дийдорига, висолига тўяй...

Зоҳид Яқиннинг туссиз ва қоқ суяк ёноғида пайдо бўлган йирик кўз ёш томчиси бир зум қалқиб турди-да, бўйни томон думалаб, ройиб бўлди. Зоҳид Яқин уйқусида жилмайган чақалоқдек лабининг чеккасида беозоргина кулди.

— Барака толинг, ука, сиз Башоратой деб сўраётганингиз асли — Мушоҳидаҳон... Топиб айтганингизни қаранг, Мушоҳидаҳон жудаям зийрак... Шу сиз ётган палата — мушоҳада, уқдингизми?.. Сиз Мушоҳада палатасида, яъни башорат палатасида ётибсиз. Бу ерда сизга ҳеч кимса халал бермайди, шунинг учун бемало-ол...

Зоҳид Яқин мижжаларини аранг йириб очди-ю, хонанинг ёруғлигидан кўзлари қамашди. Энага кампирни излади.

— Мен шу ердан, ҳеч қаёққа кетмайман, — деди кампир беморнинг муддаосини англаб. Унинг шивирлаши қай томондан келаётганини Зоҳид Яқин англай олмади. Шу чоқ у радиони эслади-ю, бошини аранг буриб, деворга қаради, радио кўринмади, керакмас... деб ичида шивирлади.

Қулоғига жуда сокин ва жозибадор мусиқа садоси қуюла бошлади.

— Профессорлар уйларига кетмай кўз-қулоқ бўлиб туришибди. Ҳализамон яна келишади...

Зоҳид Яқин кампирнинг элас-элас эшитилган шивирлашига қулоқ тутди. Қақраган лабларини аранг қимирлатиб, пичирлади:

— Яна бир марта Башоратни... Мушоҳидаойни чақирақолинг...

— Катта-катта дўхтирлар...

— Мен Мушоҳидани кўрай...

— Кўрасиз, ука, олтинчи қаватта кўтарилиш камдан-кам беморга насиб этади-я!.. Сезмаяпсизми, сиздан бўлак ҳеч зоғ йўқ, жимм-житг!..

— Худо хоҳласа... Худо хоҳлаганидан ўргилай... Худодан ўргилай, Худонинг хоҳлаганидан ўргилай... Шу... ундай роҳат... ни раво кўрган экан, етказганига шукр... розиман... Яқинларимга ҳам, яқинларим...

— Ота-онангиз исмингизни топиб танлашган экан, Зоҳид Яқинбой.

— Ота-ю онамга... яқинман...

## 7

Орадан ҳафта ўтди. Кун пешиндан оққанда оқ ҳалатни чаппасига кийган барваста йигит палатага арава-каравотни гилдиратиб кирди. Дино Корте шундоғига ҳам кўз олди хира тортиб ётганди, «Нима қилиб адашиб юрибсиз, ука?» деб сўрамоқчи эди, қақраб кетган лаблари чипиллаб ёпишиб, уни гапиртирмади. Арава ортида икки ҳамшира ва яна бир ўспириннинг қораси кўринди.

— Кўчамиз-а, дўстлар? — деди қувноқ товушда йигитлардан бири худди шодиёна муносабати билан қутлаётгандек.

Дино Корте бошини ёстикдан узолмади. Шу топда илгариги куч-қуввати бўлганида борми, буларга кўрсатиб кўярди-я!

— Яна қандай кўчиш? — хириллаб базўр сўради у. — Ҳазиллашаяпсизларми?.. Таъмирлаш ишлари туғашига ҳали бир ҳафта бор-ку?..

— Қандай таъмирлашни айтяпсиз? — деди пинагини бузмай кейин кирган йигит. — Учинчи қаватта эмас, биринчи қаватта ўтамиз. Бўйруқ, мана, қўлимизда. Истасангиз, марҳамат, ўқинг, жаноб Факетгининг имзосини танирсиз?

— Бўйруғига ҳам, имзосига ҳам тупурдим! — деб бақриб юборди Дино Корте. У бор қувватини йиғиб бақирганидан палата тугул, йўлак ҳам жаранглаб кет-

ди. — Шу ётган жойимда чопиб ташлай қолинглар! Ўзларинг ҳам қассобга ўхшаб турибсизлар! Қийманлар! Лекин жон таслим қилмайман! Менинг жоним сизларга ўйинчоқ эмас! Жа, кўчириш машқини олибсилар-а!.. Қани, ҳа, ўрнимдан турсам эди!..

У бир кўлини ҳаволатиб, ўдағайлаганидан қора терга ботган эди.

— Худо ҳаққи, шовқин солманг, офир беморлар ётибди, ахир.

— Худони орага қўшмаларинг!.. Худонинг дардисар касалликка йўлиққан бир бедаводан бўлак ташвиши йўқми?! Офир беморлар қатори мен ҳам ётибман. Ётавераман! Мени... мени пастта олиб тушманглар... Пастта туш-май... тушмай қўяқолай-й!..

Тўсатдан илтижога ўтган Дино Корте гапининг охирини шу қадар изтиробга тўлиб айтдики, аъзон-баданидаги бор куч-қуввати буткул тутагандек тамомила холдан тойди, шилқиллаб чўзилди.

Кўтарилган шовқинни эшитган қават профессори зудлик билан етиб келди, у одатдагидек мулойимлик билан жаноб Кортенинг пешанасига кафтининг сиртини босди. Қўлини беморнинг манглайдан узаётиб, кафтининг сиртини димоғига яқинлаштириб ҳидлади. Араванинг ёнида сукут сақлаб турган ўспирининг қўлидаги қорозни олиб, унга узоқ тикилди.

— Шу топда Корте жанобларини безовта қилишнинг мутлақо ҳожати йўқ эди. Интизомни унутиб қўйибсизлар-да!.. Қачонгача сизларга уқдириш...

Йигитлардан бири қорозга имо қилди. Профессор кейин пайқаб қолгандек ялт этиб қорознинг пастки қисмига қаради.

— Факетти жанобларининг имзосими?! Буйруқ чиқдимми?.. Э, аттанг!.. Лоақал директор жаноблари дам олишга жўнаб кетмаганида, ҳозироқ ўзим кириб ҳал этиб чиқардим-а!.. Корте жанобларини парваришлашни ўз зиммамга олар эдим... Э, афсус... Начора, эрта-индин биринчида ётсангиз ётатуринг, душанба куни директор қайтган заҳоти ўзим сизни бу ёқда олиб чиқишни гаплашман. Воҳ, шундай одам-а!..

Дино Корте қаҳратонда юпун қолган одамдек қалт-қалт титрар, унга қўшилиб тўшак лопиллар, ёстиқнинг жилди жиққа терга ботган эди. Унинг бўғзидан ғалати ўкирик отилиб чиқди. У бу дунёга, тириклар ҳақиға таъна-маломат ёғдириши учун бақириб-чақирришдан ўзга имконияти қолмаган эди. Кўтарган шовқинига яраша ўкраймоқчи бўлиб бутун мадорини кўзларига жамлаган эди, лекин шунинг ҳам урдасидан чиқмади.

Унинг тепасида турганлар анчагина бепарво бўлиб қолган эди.

Арава-каравотнинг резина қопланган ғилдирагидан бир маромда эшитилаётган заиф ғирилланиш шу қадар тинчлантирдики, у ғирт маст одамдек зумда кўзи илинди. Назарида, жуда узоқ ухлади, аҳён-аҳёнда кўзини очди, уйғонди — арава-каравот ғилдирагининг ғувиллаши — ҳу-у болалик кезлари қишлоқнинг тупроқ кўчаларида велосипедини тўнкариб қўйиб, қўли билан айлантирганида ғилдирак чархидан шундай овоз чиқар эди — унга уйқу дорисидек таъсир кўрсатган эди. Амаллаб уйқудан зўр чиқиб, кўзини амал-тақал йириб очганида нимқоронғи деразадан кўринаётган дарахт танаси, танасигина эмас, ҳатто, дарахт япроқлари ҳам ясамадек, жонсиздек туюлди. Хона жимжит, на жон, на сас аломати сезилди. Бу — даҳшатли жимжитлик эди.

Жаноб Кортенинг эсхонаси чиқиб кетди. Пайпаслаб каравот суйанчигига маҳкамланган тутмачани босди. Шу заҳоти эшиқда кўкимтир ҳалат кийган энага кампир кўринди.

— Кўз... ой...

Дино Кортенинг тили калимага келмади, қўлини базўр қимирлатиб кўзига ишора қилди. Энага ҳалатининг чўнтагидан кўзойнак олиб, унинг қаншарига қўндирди. Бемор бетини дераза томонга бурди. Наҳот истаб майда сим тўр қопланган деразадан ташқаридаги дарахтзорга чираниб қаради, аммо кўз олди чаплашиб кетди.

— Тунми?.. — деб сўради у аранг пичирлаб. — Соат неч...

Энага кампир алдамади:

— Кундуз, ука... соат уч... — деди оғир уф тортиб...

Энага кампир шитоб юриб, палатадан чиқиб кетди. Кампир шўрлик беморнинг аҳволида бу қадар кескин ўзгариш юз беришини кутмаган экан, зум ўтмай икки эркак кишини бошлаб кирди. Зоҳид Яқин ўзи илҳақ кутаётган одамлари келгандек, уларни кўриб, енгил тортди, фикри шу қадар тиниқлашдики!.. Кўзларини катта-катта очиб, икки эркакни таниб олишга, ҳатто, улар билан мириқиб гурунглашишга шайланди. Бироқ шу пайт ўзи ётган каравот ҳавода муаллақ сузиб бораётганини сезиб қолди.

— Каравотимнинг филдираги борми? — деб шошиб сўради у ҳамон тепасида гиргиттон бўлаётган энага кампирдан.

— Бор, — деди кампир, шундай деди-ю, кенг енгини оғзига босганча шовқин солмай йиғлаб юборди.

Зоҳид Яқин кампирнинг йиғисини тушунмади, ҳеч қиси йўқ, деб уни юпатмоқчи эди, нимадир деб фўлдиради-ю, товуши чиқмади, нафақат ўзининг, балки кўз ўнгида йиғлаётган кампирнинг ҳам товуши чиқмаётган эди... хонани комига тортган сукунат бошқа товушларни-да ютиб юбораётган эди... бунинг устига, лаҳза сайин кампир каравотдан ортда қола бошлади. Каравотнинг икки ёнида бораётган икки киши бири бири билан шивирлашди.

— Қушдай енгил экан... — деди ўнг томондаги ўрта ёшлардаги киши.

— Енгил ҳам гапми, укпардай-а! — деб унинг гапини маъқуллади чап томондагиси. — Жудаям беозор, фаришта одам экан, бечора.

— Фаришта бўлмаса, шу ергача кўтарилармиди?! Еттинчи қаватта-я!..

Бу қисқа суҳбат Зоҳид Яқинга шу қадар ёқдики!.. У умрида ўзгаларга малоли келишини сира истамади, бошқаларга оғири тушмай яшашни саодат деб билди, мана, каравотини филдиратиб бораётганларга ҳам малоли келмаяпти! Ўзингта шуқр, деди Зоҳид Яқин. Етказганингта шуқр. У севинчининг зўридан дик этиб

қад ростлагиси, каравотдан ирғиб тушиб, оёқларини қўлларига олганча югургилаб қучоғини очганча яна ва яна кўк сари кўтарилгиси келди.

Кимдир каравотнинг суянчирига қирмизи бахмал ёпди, ярмига оқ сурп тортидди, Зоҳид Яқин ажабланди-ю, бахмалу сурпни олинглар, қўйинглар, дея олмади. Тарангроқ тортиб чатиш керак, деди кимдир. Пешанасига оқ рўмол танғиган Робия, изидан ўғли, қизлари кўринди. Улар беҳад хомуш эди, Зоҳид Яқин бир нима деб яқинларига тасалли бермоқчи эди, уларнинг хомуш қиёфаларини кўриб кулгиси қистади, шунга ҳам йиғими, дея уларга тасалли бермоққа човланди. Ёшроқ йигит қирмизи бахмални тортиб, каравотни айлантириб ўрашга киришиб кетди. Ўктам, барака топкур, Ўктамжон, деди Зоҳид Яқин миннатдор товушда, охори тўкилмаган узун оқ қалпоғини бошига қўндирган профессор лабини қимтиб олган, ўйчан — ҳаммалари узун йўлакнинг икки томонида оҳиста одим ташлаб борар, йўлак — йўлак эмас, усти ёпиқ, лекин нурга лиммо-лим тор кўчага ўхшар, кўча адоғидаги очиқ тўйнуқдан чанг, йўқ, чанг-ғубор эмас, балки янаям ёруғроқ нур оқиб-тошиб тушаётган эди.

Шунча одам йиғилган жойнинг бу қадар сокинлиги, битта-яримта узук-юлуқ гап-сўзлар ҳам қандайдир сукунат оғушидан сирғалиб чиқаётган ҳазин-мулойим мусиқа садоси остида эшитилмай кетаётгани Зоҳид Яқинга шу қадар ёқаётган эдики, назарида мусиқа садоси тинса, остидаги каравот ялдирашдан тўхтаб қоладигандек, икки ёнида изма-из бораётганлар уввос солиб фарёд кўтарадигандек эди. Ҳамма хомуш — бемордан бошқа, деди Зоҳид Яқин астойдил кулимсираб. Нега хомуш улар? Ахир, шундай сукунат, шу-ундай ҳаловат... Шу гапини товуш чиқариб, ҳамма эшитадиган қилиб айтмоқчи эди, чорасини тополмади. Шундагина боядан бери Мушоҳидаойни эсламай қўйгани ёдига тушди. Ҳам сулув, ҳам бокира, ҳам жозиба...

— Жозиба!..

Қариндошларидан бири бўлса керак, ана, гапирди, деб юборди ҳовлиқиб. Ўғли, қизлари, хотини бири ишониб, бири ишонмай қирмизи ва оқ сурп тепаси-

дан унга томон эгилиб қарашди. Зоҳид Яқин йўлак адоғидан оқиб кираётган сутдек нур оғушида ястаниб ётган кенг ва ям-яшил сайхонликни илғаб, шу қадар баҳри-дили очилдики!..

— Жозиба-а!..

— Айтмадимми?! — деди бояги овоз эгаси яна жамоатнинг диққатини ўзига қаратиб. — Ҳалиям кеч эмас, қаранглар, ахир!

— Шовқин кўтарманг, биродар!.. Сиз, биз учун эмас, бемор учун жозиба. — Профессорнинг бўғиқ, лекин салобатли товуши паст-баланд ивир-шивирларни босиб тушди. — Зоҳидбойга... Зоҳид Яқиндек инсонларгагина насиб этадиган жозиба бу...

\* \* \*

Ўша куни бир-биридан олис Мағриб ва Машрик шаҳрида бир пайтнинг ўзида икки бемор бандаликни бажо келтирди...

2001 йил.



# Uz turod akan-ku, .muxabbat!..



Бир пайтлар мухавбат мавзусида кўрими қалам тутмайман, деган ўнда юрадим. Лекин сеҳрларга, жодуларга боғ бу ўзал тўғудан қўиб қўтилиш қинин экан. Аслида ҳар қандий ижодга, жўрладан, ёзишга ундовин кул Заминида ҳам мухавбат ўзи — гавҳари ловуллаб ётиган, жилва солиб туғган бўлади..

## ОҚИМГА ҚАРШИ... ОҚҚАН ГҮЛ

### Изҳор

*Япон Рюноске Акутагаванинг «Бисейнинг садоқати» новелласи, ўзбек Ойбекнинг дилбар шеърляти. Назокат, муҳаббат, садоқат ва ҳижрон изтиробларини куйлаган бу икки буюк ижодкор асарларининг завқи яхлит асарлар яратишга ундайди...*

Кўпдан буён оқмай қўйган сувни соғинган дарё ўзани айрилиқ азобига дош беролмай тарс-тарс ёрилган. Унинг тилка-пора бағрини бутлаш чораси битта, у ҳам бўлса шарқироқ сув кучогини тўлдириб оқса, ўзан зилол сувга қўшилиб узоқ-узоқларга бош олиб кетса...

Ўзан ўртасида миқти гавдасини роз тутиб кўприк томондан кўз узмай турган Йигитнинг бағри ўзандан баттар қақраган. Дарё ўзани жонига ором бағишлайдиган сувни кутгани каби йигит маъшуқасининг йўлига интизор.

Ўзан ҳам, Йигит ҳам умидга умид боғлаган. Умид кутишга ундайди...

Оқшом чўкишига хийла фурсат бор. Кўнгилга шугъла сочаётган умид учқуни ҳадемай оқшом қоронғуси оғушида қолиб кетади, лекин тоғ ёнбағрини қоплаган қуюқ ўрмон қора бахмал ёпингунга қадар Қиз келади, у оппоқ фаришта янглиғ ўрмон бағридан чиқиб келади, бир-бир қадам босиб кўприкка етади, қақроқ ўзанда тек кутган умидвор вужудни кўриб қувончдан хандон отади.

Кимсасиз дарё ўзанида интизор турган Йигитнинг қулоғига ўрмон ёқдан маъюс чолғу саси эшитилди. Йигит буңдан фиरोқ оҳангини туйди. Дарахт оғочларининг ўксик гичирлаши суяк-суякларига кўча бошлади. Суяклари зирқирагани сайин оёғининг остидаги қақроқ замин ортиқ дош беролмай сина бошлади.

Ўзан сувни, Йигит Қизни соғиниш азоби, фироқ қийноқлари туташган жойда мўъжиза турилади — кўприк томондан кўз узмай турган Йигит аввал оёқларининг остидан сизиб ўтаётган сув зумда тўпирини ялаб-юлқаб оқаётганини пайқамади. Пайқамаса-да, руҳи енгил тортиди.

*Олтин гардим, илми уздим, кўкка уч!  
Севганимнинг юзларидан ўлиб, куч!  
Ўлиб куч, ўлиб куч, ўлиб... куч... уч... уч...*

Йигитнинг қўллари қанотга айланади, парвоз этиб кўприк тепасига етади, ўзини Қизнинг оёқлари остига ташлаб, «Оқшом гўзал — кўнгил яйрар» деганча...

Кўнгил яйраши учун эса Қиздан дарак йўқ...

Йигитдаги соғинч ҳарорати Қизнинг келмай қолишига ишонмасликка йўл қўймайди. Ишонч қудрати боис у кутишдан толмайди.

*Йўлингга кутдим,  
Ҳасратлар ютдим,  
Ҳажринг-ла кўпдан  
Ўзни унутдим.*

Ўзини унутган Йигитни хаёл олиб қочади. Кўл ёқасидаги овлоқ ўриндиқда Қизнинг тиззасига бош қўйгани, Қизнинг кўксидан отаётган тонг нурларига бетларини тутгани...

Тиззага ура бошлаган сув салқинида Қиз пайдо бўлишига яна, яна ишонади. Ҳеч қандай куч унинг ишончига раҳна сололмайди.

Умидсизлик эса... кўкда «йилт» этган сомон парчасидан-да, нажот кутади, одам.

Хайрият, шу пайт кўкни ёриб чиқди сариқ бир чечак. Йигит кўнглини овутиб, аллалади шаршарак...

Шаршаракнинг шовқини дам зўраяди, дам олис-олисларга бош олиб қочади. Йигит кўкни ёритган сариқ чечакка кўнгил боғлайди, йўқ, кўнглида бир тугун боғланади. Йигит шу тугунга-да умид боғлайди, тугунни ечса соғинч тугунаклари ёйиладигандек қоронғида оёғининг остига қарайди, белига довури кўтарилган сув сатҳидан димоғига ураётган салқин ҳавони туяди.

Кутаверади...

«Эгасини йўқотган садоқатли итдек жоним ўртанади, соғинчдан», деган эди Йигит.

«Мен ўша итдан кўра қаттиқроқ соғинишимга ишонмайсизми?!», деган эди Қиз.

Шу сўзнинг далдасида кутади Йигит. Кўксини сийпаб ўтаётган ва лаҳза сайин кифтини кўмиб оқаётган сув сатҳида...

*Юлдузларнинг томар  
Олтин кўз ёши...  
Теграсида жим порлар  
Гавҳарнинг тоши...*

Йигит теграсида ўйноқилаб кўзни қамаштираётган «тошча»ларни тутиб мувозанат сақлайди, тобора тезлашаётган оқимда хасдек оқиб кетишга-да шай, бироқ мана ҳозир кўприк тепасида оппоқ фаришгаси кўринишига, кўрингани замони ҳижрон ўқлари вужудини тарк этишига жуда-жуда ишонади. Ҳижрон тўлқини ором толмаётган қалб сув тўлқинида на оқади, на-да чўқади.

Дўстим, қачонгача бу золим ҳижрон?..

Дарё ўзанини ҳижрон азобидан халос этган сув Йигитнинг бўғзига етди. У уч-тўрт дафъа қулоч отиб қирроққа чиқиши мумкин эди, йўқ, шу топда, айниқса, шу оқшом ҳеч бир куч уни аҳдидан қайтаролмайдди. Бир офиз дил розини айтади:

Эркам, бугун сен тувилган кун, дейди. Сўнг, ўзини оқим измига қўяди.

*Кўхка боқамен, қоқ ярим кеча  
Момик тўлқинларга аста ботамен...*

Йигит оғзи, бурни ва кўзи сув остида қолаётганидан эмас, балки ҳали-ҳануз кўприк томонда интизор кутган Қиз кўринмаётганидан хавотирда, унга сўнгги бор изҳорларини етказа олмаётганидан армонда, шу чоғ... шу чоғ кўрина қолса-ю, қутласа:

Эркам...

Сув бўғзига етди.

Эркам бугун...

Сув сочларини ювиб ўтди. Йигит осонгина ҳаракат билан юзини сув сатҳидан чиқарди...

... сен туғилган кун,

дея олди. Кўз ўнги қоронғилашди. Нафас ололмай қолди. Оқим шиддати зўрайди.

*Буюк тўлқин қаърига кириб кетамен  
Қайгасан у эрка хаёллар изи?..*

Йигит оғзини юмиб олишдан ўзга чора тополмади. Умид ипи узилай-узилай деган кўприк томонда оқ ҳарир либосга ўранган Қизнинг шарпаси кўринди. Йигит бутун вужудини сўз айтишга чорлади. Айтолмади. Севинч ёшлари дарё сувига кўшилди. Сув ариган кўз ўнгида Қизнинг заъфарон чеҳраси пайдо бўлди. Қизнинг шарпаси Йигит томон талпинди. Йигит қувончдан оғзини баралла очди, «Эҳтиёт бўл, жоним!» демоқчи эди хавотирда, улгурмади. Дарё ўзанини лим-лим тўлдириб айқираётган сув юзида дам кўриниб-дам кўринмай оқиб бораётган жасад оғзидан отилиб чиққан... бир даста гул ҳамон келишдан умидини узмаган Қизга аталган, зеро, Йигит чўкса-да, изҳорга айланган ажиб гулдаста оқимга қарши... Қиз келиши кутилаётган кўприк томон силжиётган эди...

1997 йил.

## ЖОЗИБА

Доим ўз ҳолига қололмаслигидан нолиб юрадиган Чинор Маъмиров ён-веридагилар унга лоақал кўз қирини ташлаб қўймаётганидан кўнгли пича оғриди. Муттасил эъзоз-эътибордаги одам беҳаловатликдан нолишга нолийди-ю, эътиборсиз қолган заҳоти... эътиборни қўмсайди.

Ҳавога кўтаришган самолёт гилдираklarини дўқирлатиб йиғиштириб олди-ю, Чинор Маъмиров худди ўзининг оёғи ердан узилгандек кўнгли беҳузур бўлди. У чиптада кўрсатилган ўз ўрнини эгаллаётганидаёқ ён-атрофида таниш-билишлар йўқлигига сеvingан, фур-

сатдан фойдаланиб, манзилга ета-еттунча мизғиб олишни мўлжаллаган эди. Жойлашиб олгач, ўша ниятини биров пайқаб қолиб, чиппакка чиқарадигандек, шошиб кўзини юмди. Дарҳол ухламаса-да, хаёлини жамлаб, чалғимасликка уринди.

«Бир-икки дақиқа ором олдим-йўқми, кимдир унинг ёнбошини кавлаштираётганини пайқади. Чинорбекнинг назарида кўшни ўриндикдан жой эгалаб, боядан бери тинмай гўнғирлашаётган ҳабаш эрхотиннинг бирортаси киссасига кўл суқаётгандек бўлди, йўғ-э, деб юборди ўринсиз шубҳасига ҳай бериб.

Чинор Маъмиров кўзини хиёл очди-ю, соҳибжамол стюардесса қиз унинг икки биқинининг остига кўл суқиб, қайиш учларини тортиб чиқараётганини кўрди. Ўзим, деди Чинорбек ўнғайсизланиб, бироқ у сўз айтиб тутатмай, қиз эпчиллик қилиб улгурди ва қайишнинг тўқаси «ширққ!» этиб қовушди. Чинорбек миннатдорчилик изҳор этишга ҳам улгурмай, стюардесса қиз орқа ўриндиқлар томон ўтиб кетди. «Белаб кўйдик!» деди Чинорбек тиржайиб. Янаям яхши, энди бемалол ухлайман!...

Шу пайт қиз яна пайдо бўлди, у Чинорбекнинг тумшугига турли чанқовбосди ичимликлар терилган патнусни қадаб турарди. Патнусга терилган нознеъматларни кўриб...

— «Само фаришталари» деганларича бор-да! — деб кулиб мурожаат қилди у қизга қараб. — Шу-унча сархил ичимлигу ширинликни муҳайё қилишга фақат сиз сингари пари-пайкар фаришталаргина қодир-да!...

«Фаришта» унинг галига эътибор қилмади-ю, оғзидан бол томди:

— Кўнглингиз тусганини қуяй: спрайтми, колами?... Истасангиз, винолардан танланг.

Чинор Маъмиров бош ирғаб миннатдорчилик изҳор этди ва қизнинг қўлидан «кола» қуйилган қадаҳни олди. Қадаҳни олатуриб, патнис тутган бармоқларнинг нозик ва ҳусайни узумидек узун-узунлиги, ҳаммасидан ҳам, пахтадек оппоқлиги эътиборини тортди. Қиз мулойим табассум инъом этиб, нари кетди.

Чинор Маъмиров қўшнилари ажнабийлар эканига яна бир бор севинди, чунки улар бегона одам билан бўлар-бўлмаста гап сотишавермайди, зарурат туғил-маса, қайрилиб қарамайди ҳам.

Шунинг учун у ҳозир «кола»ни ичиб олади, қадаҳни фариштаойга қайтаради-да, кўзини юмади, мириқиб мизғийди!..

У «кола»ни бу қадар ташналик билан тамшана-тамшана ичаётганига ўзи ҳам ҳайрон қолди, чунки назарида у умрида бу қадар тотли чанқовбосди ичимлик ичмагандек эди! Баданини яйратиб юборди-е!.. Чинор Маъмиров шу кайфиятда қаншаридаги экранда намойиш этилаётган рақамларга кўз югуртирди. Бир-пасда етти мингга кўтарилибди-я! Ҳали яна уч минг метр бор...

Шу пайт қайдандир пайдо бўлган қизгина Чинор Маъмировнинг қўлидан қадаҳни олди-да, «қайтим»ига ширин бир табассум қолдириб, самолётнинг тумшуқ томонидаги бўлмасида кўздан ғойиб бўлди. Чинорбек беихтиёр қизнинг қоматидан нигоҳини узолмади. Нав-дадек экан!.. Бу хизматта атайин шундай кетворганларини танлашади-да...

Чинорбек ниҳоят кўзини юмди. У самолётга чиқаётиб андек сувсираган эди, шуни пайқагандек «осмон фариштаси» сув келтирди, мана энди, юмшоқ ором-курсиде ясланиб мизғиши мумкин. Фақат суюнчиқ салгина тиклик қияпти...

Чинорбек хаёлининг бир чеккасидан елдек ўтган бу фикрни, ҳатто, мулоҳаза қилиб улгурмаган ҳам эдики, бошини қўйган суюнчиқ оҳиста орқага сурилди. У кўзини очди-ю, нигоҳи тепасида ўзига жилмайиб турган қизнинг шаҳло кўзларига қадалди. Чинор Маъмировнинг ҳаяжондан азбаройи иссиғи чиқиб кетди!

Жудаям зийрак қиз экан! Ёки қиз кўкиш бахмал парда ортидан уни кузатиб тургану... у ҳолда ҳамма қатори жойида жимгина ўтирган Чинорбекнинг хаёлидан нима кечаётганини, кўнгли нима тусаётганини у қаёқдан пайқаяпти?!

Экрандаги баландликни кўрсатувчи рақам «9»дан ошди. Самолёт буёғига «қилт» этмай бир маромда кетаверади. Чинорбек ҳам қилт этмай уйқуни уради!..

Бир пайт у хаёл аралаш нима юз бераётганини англамади, назарида самолёт тиккасига кўтарилаяпти-ю, унинг оёғи осмондан келиб... Чинорбек шошиб кўзини очди ва куюқ олтинранг сочи елкаси узра ёйилган «фаришта» энгашиб, унинг оёқларини икки билагида авайлаб кўтарганини, янаям авайлаб махсус таглик устига чиқариб қўйганини кўрди. Бу юмушни ғоятда назокат билан адо этган қиз бошини бир силтаб куюқ сочини елкаси томон итқитди-да, нимадир деб шивирлади. Чинорбек самолётнинг гувиллашида қизнинг гапини эшитмади, эшитмаса-да, унинг кўз қарашларидан, «безовта қилдим, узр, оёғингизни тагликка қўйиб ётинг, толикмайди», деганини тушунди. Бу меҳрибонлик уни шу қадар ҳаяжонлантириб юбордики!.. Чақалоқлик кезларида онаси бешикка белаётиб унинг жажжи оёқчаларини авайлаб-ўргилиб, ёглаб-сийпалаб чойшабга ураган, боғлаган, лекин Чинорбек уларни эслолмайди, эсини таниганидан буён эса биров унга бундайин лутфи қарам кўрсатганини билмайди... Мана, шу топда ер сатҳидан ўн чақирим осмони фалақда — осмоннинг ҳар қатида юзлаб фаришта бўлади, деганлари ростми — Чинорбек уларнинг бирини рўй-рост кўриб турибди, умрида кўрмаган-нетмаган меҳрибонликлардан баҳра олиб, ястаниб ётибди...

Чинорбек Маъмировни бу қадар танг қолдирган осмон фариштаси бахмал парда ортига ўтди-ю, кулгисини яширолмади.

— Нима гап?—сўради ундан ўз юмушларини адо этаётган дутоналаридан бири.

— Анув, учинчи қаторда ўтирган киши бор-ку, кўзи ўлгур, жуда ёмон экан!..

— Ўзинг ҳам хизмат қиламан деб жонингни берасан-да, намунча айланиб-ўргилавермасанг!

— Ҳечам айланиб-ўргилаётганим йўқ, ҳамма қатори, одатдаги хизматим...

Чинорбек стюардесса қиз томонидан кўрсатилаётган меҳрибонликдан сархуш бўлиб кўзини юмди, самолётнинг бир маромда гувиллаши уни аллалай бошлади, Чинорбек ўзини бешикка беланган гўдақдек ҳис қилди. Шу топда онаси бўлса, унга аллалар айтса, «Ухла, қўзим»лаб унинг пешанасини силаса...



Чинорбек эсини таниган чоқларида ҳам онасининг тиззасидан тушмас, бетини онасининг кўксига босиб, тўйиб-тўйиб ҳидлар... у ўша қадрдон ҳидни жуда-жуда соғинар, қўмсаган дамларида ўзини жуда-жуда гўдак боладек тутгиси келарди.

Чинорбекнинг кўнгли бўшашиди... Кўзини юмди. Хаёлларидан чалғишга, ҳеч нарсани ўйламасликка уринди. Кўзларини юмса-да, фаришта қиз ёнгинасидан илдам қадамлар билан у ёқ-бу ёққа ўтаётганини сезиб ётди. Ориққина, оппоққина, бели хипча, қарашлари ўйчан ва меҳрли, меҳрибонки!.. Меҳрибонликни унга биров ўргатганми?..

Ана, яна ўтяпти! Чинорбек кўзини сезилар-сезилмас очмоқчи эди, лекин ҳайрат ва самимиятдан бақрайиб қолганини қизнинг нигоҳига тўқнаш келгандагина пайқайди. Чинорбек ўзининг аҳволдан хижолат чеқди, қизгина эса уни бу ўнрайсизликдан халос қилмоқчидек шу қадар сирли ва латофатли жилмайдики!..

Чинорбек қизни кўздан қочирмасликка, ҳатто, уни очиқдан-очиқ таъқиб этишга тушди.

— Ҳарорат неча даражада? — деб савол қотди у бир сафар ёнидан ўтиб бораётган қиз томон талпиниб. Бу савол оғзига келиб қолганини унинг ўзи ҳам сезмади.

— Лаббай? — деди елдек учиб ўтаётган қиз жилмайиб ва Чинорбекнинг боши тепасига энгашиди. — Совуқми? Совуққотдингизми?

Чинор Маъмиров ғўлдирарди.

— Ҳм... — деди кўзи билан «ҳа» ишорасида. — Сал-пал...

У қизга «йўқ» деган сўзни айта олмади. Қиз самолёт шифтига қадалган «тахмон» эшигини кўтариб, унга томон икки қўллаб чўзилди. Шу топда гўзалдан-гўзал соҳибжамолнинг бутун таровати-ю, латофати Чинорбекнинг шундоққина кўз ўнгида ўзини тўла намоён этди! Чинорбек вужудининг алақаерларида жунбушга келган галаёндан ўзини ноқулай ҳис қилди, бегона қизга бўлган ғайрат-ҳаваси дам самимий муҳаббатга, дам... бетизгин туйғуга айланаётганидан ўнғайсизланиб, хаёлларини жиловлашга тутинди-ю,

қиз буни пайқаб улгурди. Улгурса-да, ўзини сезмаганликка олди.

Чинорбек хаёлини чалғитса, бақрайган нигоҳлари панд берар, нигоҳларини олиб қочса, хаёли уни ўз ҳолига қўймаётган эди. Ўзи не аҳволда-ю, қиз «тахмон»дан тортиб туширган иссиқ аёлни Чинорбекнинг кўксидан то тиззасигача ёйиб, ёпаётиб бетини унинг димоғига шу қадар яқин келтирдикли!..

— Исмингиз...

— Жози... Жозиба.

— Нима, Жозиба?!

Чинорбек саволини давом эттиролмади, ҳаммомнинг иссиғи элтган одамдек бўшашиб, кўзлари юмилиб кетди. Бироқ қизнинг исмидаги жозиба унга кўчиб улгурган, кўксининг алақасида пайдо бўлган чўғ тафтига дош беролмай, ўрнидан ирғиб тургиси ва шу қадар жозибага бой Жозибахон олдида ястаниб ётишга ҳақсиз эканлигини изҳор этмоқчи эди. Қиз эса одатдагидек ширин табассум ҳада этиб, мовий бахмал парда ортига ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

— Тавба! Умрида аёл зотини кўрмаганми, нима бало?! Еб юборай дейди-я!— деди у ҳайратини, ҳайрат аралаш мамнуниятини яширмай.

Уни дутоналари ўраб олишди.

— Ўзинг кўзингни сузаётгандирсан-да? Ул-бул дедингми ёки?..

— Қўй-е! Етти ёт бегона эркакка нима дейман?! Хизматимни ўтаяпман, холос... Совуқдотган эмишлар!..

Қизлардан бири мовий парда тирқишидан йўловчилар ўтирган учинчи қаторга мўралади.

— Бешикка белангандай, талтайиб ётибди!..— деб хабар берди у.

— Адёл ёпиб қўйибсану!..

— Олиб бердим. Ёпиб қўйдим... Ҳушидан кетиб қолаёзди...

«Само фаришталари» қиқирлаб кулиб юборишди.

— «Хизматимни ўтаяпман» дейсан-у, жоду қилиб қўясан-да, ўзиям!

— Қўйсанг-чи!.. — нозланиб, эркаланиб деди Жозиба лўқма ташлаган дутонасига.

— Ким билсин, аёл меҳрига зордир балки?..

Эндигина суҳбатта қўшилган «фаришта»лардан бирининг бу гапи бошқаларни бирдан жим қилиб қўйди.

— Аёллик меҳри билан стюардесса хизматининг фарқи бор-ку, Оҳис,—деди Жозиба ҳаммани ўйлан-тириб қўйган ҳамкасбига.

— Бизнинг назаримизда шундай, Жози,— деди Чинорбекнинг қай аҳволда ётганидан хабар қилган шад-доа қиз, кулги аралаш. —Оҳиста тўғри айтди, биз шунчаки парвона бўламиз-у, шунинг ўзи унча-мунча эркакни хушини ўғирлаб қўяди. Айниқса, сенга ўхшаш гўзалларнинг жозибаси...

Оҳиста гапни бўлди:

— Қани, бас қилинглар! Сал қўйиб берса ҳад-диларингдан ошасизлар-а! Уйларингга бориб ҳасрат-лашасизлар! — деди у энди ҳазил аралаш амирона товушда. Аёлдир-эркакдир ҳар бир йўловчи самолётдан тушгунича стюардесса учун — жазман! Бирортаси ранжиса, кўрадиганингни кўрасанлар!.. Қани, марш, салонга!..

Қизлар кулишиб-қиқирлашиб ҳаммалари ўз юмушини адо этишга ошиқди.

Жозиба қайноқ чойга икки чақмоқ қанд ташлади-да, Чинорбекнинг ёнига келди. Ҳамон сархушлиқдан ўзига келолмай ётган Чинорбек кўзини очди.

— Чой келтирдим. Қайноқ-қайноқ ичиб олинг... Мазангиз қочмаяптими? Дори келтирайми?

— Йўқ-йўқ,—деб юборди Чинор Маъмиров шошганидан тутилиб.

— Касал эмасман. Раҳмат. Фақат, менга қаранг, Жози...

— Лаббай?— деб сўради Жозиба хиёл энгашиб.

— Ёнимдан кетманг, илтимос...

Чинор Маъмиров қай юрак, қай ақл билан шундай дейишга таваккал қилди, ўзиям билмади. Назарида, қиз унинг илтижо тўла ўтинчини эшитади-ю, шу ердан нари жилмайдигандек эди. Жилмайдигина эмас, юрак-бағрига ўт тушган Чинорбек жанобларининг эркалигу тантиқликларини кўтариб, у кишимнинг тепасида парвона бўлиб тураверади! Афсуски...

— Кечирасизу, мумкин эмас-да... — деди қиз, у уялди шекилли чехраси ял-ял яшнаб кетди. — Хизматдан... Ишларим кўп... Биз учун сизлар яхши дам олсангиз, норози бўлмай манзилга етиб олсанглар бас.

Жозиба шундай деб орқа томонга ўтди. Чинорбек шошилиб суянчиқдан бошини узиб, қизнинг изидан қаради. Жозиба еттинчи ё саккизинчи қатордаги аллақандай эркакнинг тепасида парвона бўлаётганини кўрди-ю... аламдан хиқилдорига тош қадалди!.. Шу топда Чинорбек ўрнидан сапчиб туришдан, белидаги қайишни узиб, ўриндиқни жойидан қўпориб бориб, ўша нотаниш эркак устига ташланишдан тоймас эди!

У Жозибани қизғана бошлаганини сезди!..

Чинорбек жойида ўтиролмай қолди.

Ирғиб турмоққа хезланди-ю, белидан тортиб боғланган қайиш уни жойидан жиддирмади.

Шу пайт Жозиба шошиб етиб келди. У «тез ёрдам» машинасида келган шифокордек ғамхўрлик билан Чинорбекка юзланди.

— Нима бўлди? Тузукмисиз? Чойни ичиб олдингизми?.. Яна келти...

— Адёлингиз ҳам, чойингиз ҳам эмас, сиз ўзингиз керакисиз менга! Ўзингиз кетиб қолманг, бошқаларга парвона бўлишни бас қилинг! Тушуняпсизми, ёниб кетаман!.. Самолётта қўшилиб ёниб кетаман!..

Жозиба кулишини ҳам, жиддий тортишини ҳам билмай, довдираб қолди. Яқин-атрофда ўтирган йўловчилар стюардесса қиз билан Чинорбек ўртасида қандай ҳодиса юз берганидан бехабар, айримлари Чинорбекнинг шовқин солаётганини тушунолмай ўтиришарди.

Шошиб қолган Жозиба мовий бахмал парда ортига ўтди-ю, ҳайрат-ҳаяжон аралаш деворга суянганича энтика-энтика нафас ола бошлади. Ёқасини вожимлади. Шу заҳоти икки дутонаси унинг ёнига югуриб келишди.

— Бунақасини кўрмаганман!.. — деди Жозиба ҳамон ўзига келолмай.

— Эҳтимол, юрагидан ургандир?! Бирор нарса дедими?

— Деди. «Ёнимдан кетманг, ёниб кетаман!» деди!..

— Об-бо-о, Дон Жуаннинг ўзи-ку! Муборак бўлсин!..

— Ҳазилингни қўйсанг-чи, мен қай аҳволдаман-у, сен бўлсанг...

Шаддод қиз жиддий тортди.

— Ҳазиллашаётганим йўқ. Тўғриси, бунчалик хуш-торга йўлиқиш ҳар қандай қизга ҳам насиб этавермайди. Балки...

— Қизлар!— деди Жозиба қизариб. — Бирортангиз билан алмашайлик. Мен нариги йўлакка ўтай, хўп, денглар.

— Ўзинг ўлиб турибсану, нима қиласан қочиб?

— Бор-е! Ўшанинг нимасига ўламан?!

Қизлардан бири парда орасидан Чинор Маъмиров томон мўралади.

— Кап-катта киши-ку, уйида бола-чақаси бордир, ҳойнаҳой?

— Бўлса бордир, лекин Жозибадек жозибали фаришта қизнинг меҳридан боласи тугул, дунёни унутиб юборган. Хизматдаги эътиборинг учун шунчалик ўзини йўқотган бўлса... Эркак тугул, аёлларниям жинни қилиб қўясан-да, ўзиям, Жози!

Жозиба ўзини қўлга олди.

— Қўй, Оҳис, оширворма, — деди у чойдан бўшаган идишларни қутига ташлаётиб. — Буёғи, нотаниш одамни гийбат қилмайлик!..

— Ана, айтмадимми!—дея пичинг қилди «ўзинг ўлиб турибсану» деган шаддод дугонаси.

Ярми ҳазил-ярми чин суҳбатни радио орқали ўқилган эълон бузди:

— Ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Самолётимиз ҳадемай кўнишга ҳозирлик кўради!..

Қизларнинг бари ўз хизмат жойларига ошиқишди.

Жозиба ўзига «қарашли» йўловчиларга бирма-бир разм солиб ўтар экан, учинчи қатор ёнида бир зумгина тайсаллади.

— Ҳадемай кўнамиз...— деди у юз бир истиҳолада ҳаяжонини сездирмасликка уриниб. Чинорбекнинг оёғини оҳиста кўтариб, тагликни жойига суриб киритди, энгашганиданми ёки хижолатданми неча қизариб-неча оқарди. Синиқ жилмайди.

— Кўнмасак ҳам майли эди! — деди Чинорбек қовоғини уюб, гўё самолётнинг кўниш-кўнмаслиги қизнинг ихтиёрида экандек.

— Нега? — деди Жозиба жилмайиб. Сўнг Чинорбекнинг беҳад жиддий термилаётганини сезгач, атайин гапни ҳазилга бурди:

— Самолётнинг ёнилғиси ҳисобли, ахир. Буёғини унутманг.

Қизнинг бу ҳазили ҳам Чинорбекка қор қилмади.

— Жозибахон! — деди у кўзларини катта-катта очиб. — Сиздаги бу жозиба, бу меҳр қуввати ҳар қандай самолётни учиршига қодир! Ишонинг, шундай!..

Жозиба Чинорбекнинг тиззасидаги адёлни олиб, авайлаб тахлади. Чинорбек адёлнинг бир чеккасидан тутди.

— Мен тахлай...

— Кўйинг, ўзим! — деб юборди шошганидан Жозиба ва одатдагидек табассум билан гапирди: — Қайишингиз боғланганми?

— Ўзингиз тақиб қўйдингиз-ку. Сиз боғлаган камарларни мен ечолмайман, жон...

— Ҳадемай кўнамиз...

Жозиба шундай деб атайин нигоҳини олиб қочди, орқа томонга юрди.

Чинорбек Маъмировнинг тили тугилди. Ҳа, ҳадемай, ҳадемай, ҳадемай... самолёт ерга кўнади, бу темир калхат кўнади-ю, ҳаёт тўхтади!.. Ҳамма йўловчилар қатори у ҳам самолётдан тушади, зина пойида кутиб турган автобусга минади, автобус силлиққина юриб, уни самолётдан узоқлаштириб, самолётдан, самолётдагилардан узиб кетади, самолётда қолган қизлар, осмон фаришталари, Жозиба... зина тепасидаги супачада турганича қўл силкиб қолади...

Чинорбекнинг юраги ёмон санчди. Қандоқ қилади у?.. Тўғри, самолёт бир умр ерга кўнмай, парвоз қилиб юролмайдиган-ку! Лекин у ҳам энди Жозибасиз яшашни тасаввур қилолмайдиган... Шундай экан, самолётнинг кўниши муқаррарми, демак, Жозибадан айрилиш унинг ҳаётини тўхтатиб қўйиши ҳам аниқ-қ!.. Самолёт сира кўнмаса, ҳормай-толмай учиб кетаверса-кетаверса,

Чинорбек истаган пайтида Жозибани етаклаб ташқарига чиқса, самолётнинг қанотлари узра қўшилишиб-эшилишиб, тан-батан чирмашиб ҳаво тўлқинлари оғушида парвоз қилса ва шу зайлда бир умр Жозибанинг меҳрибонликларидан, Жозибани эса унинг ўтли муҳаббатидан баҳраманда яшайверса!.. Самолётнинг ичида — ширин-шакар жозибалар, чинорбеклар чопқиллаб юрса. Лекин... ҳадемай самолёт қўнади, кейин... кейин у Жозибани қайтиб қаердан топади? Ундан кўрган меҳрни-чи?! Топа оладими?!

Мовий бахмал парда ортига ўтган Жозибани елкаси билан деворга беҳол суянганича худди ҳаво етишмаётгандек чуқур-чуқур нафас ола бошлади.

— Ҳа, нима бўлди? — сўради унинг ёнига келиб, қизлардан бири.

— Билмадим... — деди Жозибани елка қисиб.

— Эт-бетинг оғриб қолдими? Тинчликми, ўзи?..

Икки-уч ҳамкасб дугоналари Жозибани қуршаб олишди.

— Кўнглим... — деди Жозибани. Шундай деди-ю, қаттиқ ўқчиб юборди. — Кўнглим ёмон айнипти...

— Ўзинг ҳам ўлиб турибсан дедим-ку, — деди қақилдоқ дугонаси.

— Кўй, шовқинлама, — деди жиддий оҳангда шивирлаб Оҳиста у қизга.

Қақилдоқ шаддодлигидан қолмади:

— Юракдан ургани шунақа бўлади, жонгинам! Эркак киши астойдил севса-чи, кўз қарашининг ўзи ҳомиладор қилиб қўяди!..

«Фаришта» қизларнинг қаҳ-қаҳ отиб кулишини филдираги дўқирлаб ерга теккан самолётнинг гувиллаган шовқини босиб кетди...

2001 йил.

## БЕОЗОР ҚУШНИНГ ҚАРҒИШИ

— Қадрия, мен бир савдойи йигит бўлсам, менинг нимамни ёқтирасан?

— Вой, ўлибгина кета қолай, мен қачон сени «ёқтираман» депман?! Ўзинг-чи, ўзинг! Қизимни узатай де-

япман-у, нима жин уриб менга илакишиб юрибсан?!  
Бошқа тирикчилигинг йўқми?!

— Тирикчилик?.. — Фозилбек шундай деди-ю, тиши симиллаб оғриган одамдай афтини бужмайтирди, кўзини хиёл очиб, рўпарасида — растанинг у томонида — шамшоддек қоматини тик тутиб турган жувоннинг пахтадай оқ, булоқ сувидек тиниқ юзига, бўйнига... қирмизи олмадек ёноғига разм солди. Овозини пастлатиб сўради:

— Баданинг садафдан ишланганми?

— Суюлма, — деди Қадрия, — мусулмон одамнинг фарзандисан-а!

— Мусулмон кишида нафрат эмас, муҳаббат кучлироқ бўлади.

Жувон саволга ортиқ эътибор бермади, афтидан у дуч келган эркак ё аёл билан э-эски қадрдондек сирлашиб-тиллашиб кетаверадиган, дам бегубор, дам ўта қув кўринадиган кунда-шунда бу йигит билан гурунгу қуриш нияти йўқ эди. Бироқ Фозилбек муддаосини тушунтириброқ ифодалашга киришди:

— Мана, Қадрия, ўзинг ўйлагин: одамлар одамлар билан тил топишиб, бир бирини ёқтириб яшагани дурустми ёки ит-мушук бўлганими?..

Қадрия суҳбатни бас қилиш ниятида беозоргина жилмайди, жилмайди-ю, Фозилбекнинг илтижо тўла нигоҳини кўриб, унга нимадир дейишга ўзида мажбурийят сезди.

— Биласанми, Фозил, бозор нима дуруст-нима нодуруст деб бош қотириб турадиган жой эмас. Бор нарсангни пулласангу, ҳайё-хуйт деб уйингга жўнаб қолсанг бўлга...

— Тўхта, Қадрия! Гапирма!..

Жувон лабини тишлади. Фозил қаймоқнинг оқ-сарғишлигига, сузманинг оқлигига, тирноқлари этига қадаб олинган жувоннинг бармоқлари, билаги, бўйни, юзи... халати, ясси қошиғию чўмичи, сирланган идишларигача оқ-оппоқлигидан мутаассир бўлиб, кўзини узолмай қолди.

Бир сафар Фозилбек тортинмай-нетмай шуни жувоннинг юзига солган: «Одам сут-қатиқ ичаверса, қаймоғу сузма еяверса бадани шунчалик тиниқ, мусаффо



бўлиб кетса керак-да?» деб савол қотган, Қадрия: «Ҳавасингиз келса, пулини тўланг-да, бошингизни кўтармай еб-ичаверинг», деб ясама жиддийлашган. Шунда Фозилбек ўзича хаёл суриб юриб яратган «олам-шумул» кашфиётини самимият билан ошкор қилган:

— Ҳамонки, доим ва муттасил истеъмол қилган нарсанг баданингдан, ҳусну тароватингдан сезилиб турибдими, демак, улар кўнглингни, дилингни ҳам шунчалик нурга тўлдириб, ёритиб турган бўлиши аниқ.

Қадрия ўз шаънига айтилган мақтовни эшитиб дув қизариб кетган, ичи чўғ тушгандек қизиган, чарос кўзларини ерга қаратган ва йигитни чалғитмоқ умидада лаб жуфтлаган, шунда Фозилбек: «Тўхта, Қадрия! Гапирма!» — деб юборган эди.

Ҳозир ҳам шундай бўлди: Фозилбек Қадриянинг сўзини чўрт узди-ю, унга ҳам таҳдид, ҳам умидвор маънода термилди:

— Қалби бу қадар бокира ва покиза аёллар бундай ўйламайдилар.

— Қ-қандай?.. — зўрра сўради Қадрия.

— Бозор бош қотириб турадиган жойми-эмасми, билмадиму, ҳар қалай сен бозор аёли эмассан.

— В... вой?!

— Келтирган нарсасини пуллашдан бўлак орзу-ҳаваси бўлмаган аёллардан кўра муқаддасроқ аёлсан, Қадрия!..

Фозилбек қачонлардир бир сафар суҳбатлашганининг ўзидаёқ Қадриянинг бокира туйғуларини илғаб олган, ўзи садафдек оппоқ аёлларнинг қалби ҳам ёш боланинг кўз ёшидай тиниқ, раҳм-шафқатга лиммолим бўлади, бундай аёллар ҳар қанча суйишга, эъзозга ва ардоқланишга лойиқ деб ҳисоблар эди.

— Қадрия, — деди Фозилбек.

Қадрия бош кўтариб йигитга сўзсиз қаради.

— Қадрия!..

— Гапиравер!

— Тимга қалдирғоч келганмикан?..

— Қалдирғоч шовқин-суронли жойни хушламайди.

— Яна қандай жойларни хушламайди?

Қадрия Фозилбекдан бу саволни илгари ҳам эшитган, у куюниб, афсусланиб, ачиниб: «Биласанми, Фозил,

қалдирғоч бехосият хонадонларга уя қурмайди», деб жавоб берган, ҳали дуруст-қуруқ танишиб улгурмаган қаймоқфуруш жувондан шу жавобни эшитган Фозилбекнинг бошидан бир челақ му-уздай сув ағдарилгандек бўлган... Унинг нафаси ич-ичига тушиб кетганда: «Бизникига қалдирғоч сира уя қурмаган», деган...

Йигитнинг авзои туйқус ўзгарганини, товушида адоқсиз армон ва ўкинч яширинганини Қадрия ўша заҳоти пайқаган. Йигит кўнглидаги ўкинч ва армонини сездириб қўйгани, сездириб қўйишдан тортинмагани жувон кўнглининг нозик пардаларига тегиб ўтган.

Хуллас, Қадриянинг гап айланиб, фавқулодда айтган бир оғиз лутфи йигитни беҳаловат қилди. Ўзи туйлиб вояга етган уй-жойлари унча-бунча одам суқланса суқлангудай, беками-кўст қурилган, мойбўёқда гуллар солинган. Бироқ на девору равонга, на кунградор бўғотларнинг ҳеч бир ерига қалдирғоч уя қуриш ниятида йўламаган.

Ундай деса, қалдирғоч уя қурмаган хонадонлар кам эмас. У ҳолда не боисдан Фозилбекнинг товуши бу қадар ўкинч ва армонли чиқди?..

— Ўшанда неча ёшда эдинг? — Қўшни тим томондан келаётган гала-ровурга бир зум хаёли қочиб, сўради Фозилбек.

— Қачон?

— Ўшанда-да, қалдирғоч...

— Қўйсанг-чи, Фозил, бозор қизиб турганда чўзили-иб ўшани айтиб берармидим?..

— Айтавер, Қадрия...

— Мени бозоримдан қолдириб...

— Сотилмай қолган қаймоғу қатинингга ўзим пул тўлайман, ҳаммасига. Айтиб берақол!..

Болаликнинг азиз хотираларига қайтишни ким истамайди дейсиз! Қадриянинг ўзи бажонидил рози бўлгани унинг кўзларидан сезилди, у ҳам хаёлан, ҳам руҳан бозордан узилган, савдо растасига фақат жисман боғланиб — суюниб турган эди.

— Мактабга чиқадиغان йилим эди. Олчага ранг кирган кезлар... — У шундай деб ўйчан алфозда ҳикоясини бошлади, бирдан атрофига аланглаб, бош чайқади:

— Э, қўйгин, Фозил. Нима, мен эртакчи кампирманми, сенга!..

Фозилбек бозордан, издиҳомдан буткул узилиб улгурган, унинг назарида сут маҳсулотлари растасининг бу томонида ўзи-ю, нариги томонида Қадрия — ёлғиз юзма-юз туришар, жувон айта бошлаган ҳикояси Фозилбекнинг ичига сеҳрли суюқлик янглиғ оқиб кира бошлаган эди.

— Ҳа-ҳа, мактабга чиққан йилинг, олчага ранг кирган... Айтавер!.. — Далда берди Фозилбек жувонга — у, Қадрия ҳикоядан тўхтамаслигини истаётган эди.

Қадрия эса аста-секин эртакчи буви қиёфасига кира бошлади.

— Айтгандим-ку, оиламиз ка-атта бўлган... бир томони ойнаванд равонимиз бўларди... сандалнинг гир атрофини тўлдириб ўтириб чой ичардик, овқатланардик...

Равоннинг шифтига қараган одам қади-им-қадимдан қолган ташландиқ кўрғонга кириб қолгандек ҳис этарди ўзини. Қалин-қалин тўсин ташланган, тўсин тепасидан май-йда тоқи зич-ч терилган. Тўқ-қ кўкмиди, қорамиди-ей, ранги?.. Ёки, ҳаётда бўёқ тегмаганмиди-ей! Ишқилиб, рангини билиб бўлмас эди!..

Бир куни сандал атрофини тўлдириб овқатланаётган эдик. Катталар сандал теварагида, мен укам билан катталардан чеккада, алоҳида дастурхонча тўшаб овқатланиб ўтирган эдик.. Ёз кезларида сандалдан фойдаланмасак-да, кўрпасиз курси тураверар эди...

Онам билан дадам аразлашган кунлар экан... — Қадрия кўзларини катта-катта очганича раста устидаги сузма уюмига тикилди. — Уйимизда бирон йигин бўлса, меҳмон-излом келса негадир дадам билан онамнинг ораларидан муқаррар ола мушук ўтмай қўймас эди... Билмадим, нега шундай бўларди?.. Ўша кунлар эса Зулфия опамни узатганимизга ҳали йигирма кун ҳам бўлмаган... Дадам билан онам аразлашиб, бир бирлари билан гаплашмай қўйишганига биз болалар ҳам «чурқ» этиб овоз чиқаришга чўчир, уйимиз яқиндаги-на тўй бўлиб ўтган уйга ҳам ўхшамас эди...

Хуллас, ҳаммамизнинг нафасимиз ичимизда, овқатланиб ўтирган эдик, Умид акам: «Ия, ановини қаранглар!» деб жимликни бузди. Ҳаммамиз акам кўрсатган

томонга — шифтта қарадик — деворга яқин тўсин биқинига қапишиб қалдирғоч кўниб турган экан! Укам ўзини туюлмади.

— Ур-ре-е, қалдирғоч! — деб равонни бошига кўтарди. Ирғиб ўрнидан турди.

— Ўчир! — дедилар онам таҳдидли товушда, лекин овозларини баландлатмай.

— Нимага кўниб турибди? — ҳайрон бўлиб сўради кичик акам.

— Ўшатта миҳ бор... Қолиб кетган...

Дадамнинг бепарво ва бамайлихотир айтган гапидан ҳаммамизнинг ҳайронлигимиз баттар ортди.

— Ҳеч қайсимиз кўрмаган миҳни, шу қуш топибди-да!..

— Секин, Умид! — онамнинг овозларида ҳам эҳтиёткорлик, ҳам қувонч, фавқулодда мамнунлик шарпаси яққол сезилди. — Чўчиб кетмасин.

— Кўниб тураверадими? — сўрадим мен қалдирғочнинг қизғиш томоғидан, жажжигина, юм-юмалоқ бошидан кўз узмай.

— Кечаям кирганди. Ҳайдасам, рос-са айланиб-айланиб учди-де, деразадан чиқиб кетди. Яна кирибди.

— Ҳай, бемаза, нега ҳайдайсан?! Уч кундан бери айланишади-я. Бугун тунашга қолди.

Онам бировлардан норозилансалар энг оғир сўзлари «бемаза» бўларди. Демак, укамнинг қалдирғочни ҳайдагани енгил гуноҳ, «бемаза» деган сўзлари шунчаки жўн танбеҳ эмас эди.

— Ҳайдамайми, ойи?! — бояги ҳовлиқишидан пича бўшашиб сўради укам.

— Йўқ, ҳайдама, — дедилар онам худди қалдирғоч эшитиб қолишидан хавотирлангандай шивирлаб. — «Шетта уя қурсам рухсат берасизларми-и?» деб ижозат сўрагани, шу туриши. Қалдирғочни ҳайдаса ёмон бўлади...

Эсимда, пиёладаги чойни майдалаб хўплаб ўтирган дадам бирдан товуш чиқармай, елкаларини силкитасилкита кулиб юбордилар.

Ҳаммамиз савол назари билан дадамизга қарадик. Дадам яна бир дам кулдилар, кулишдан тўхтаб чойни охиригача ичдилар. Бирдан жиддий тортдилар. «Ялт»

этиб онамга қарадим. Онам юзларини четга буриб, жим ўгиравердилар. Ҳаммамиз дадам бир нарса деса-лар керак деган тахминда у кишининг оғзиларини пойладик. Дадам эса тўсатдан қисқагина, «Омин!» деб фотиҳа ўқидилар-да, кўзгалдилар. Равондан чиқа туриб пойгакка етганда биз томонга қарамай — кесатиқ оҳангида гўлдирадилар:

— Ёмон бўлармиш!..

Қадрия ҳар сафар ҳикоясининг шу ерига етганда бир зум ўйга толади, чамаси, ичидан келган хўрликми, йиғими — уни гапиртирмай қўяди. Сўнг бунинг сабабини қуйидагича изоҳлайди:

— Дадам билан онам ниҳоятда тотув яшар эдилар. Фақат, айтдим-ку, уйимизда бирон йиғинми, тўйми — умуман сарф-харажат кўпайса бир кўнгилхиралик чиқмай қолмасди... Ҳаммаси чорасизликдан эди, шекилли...

— Тўй ўтган эди-ку?..

— Ўтишга ўтди-ю, негадир онамнинг кўнгиллари гаш эди... Буёғи тўйдан кейин опамнинг уйга биринчи келишларига ҳозирлик кўриш, шу муносабат билан ўзига яраша онорагарчиликлар кутаётган эди...

— Қалдирғоч нима бўлди?

— Қалдирғоч икки кеча равонда — ўша миҳга қўнган ҳолда тунади... Мен, онам, укам равонда қато-ор ётардик. Ўринга кириб, уйқуга кеттунча қалдирғочдан кўз узмас эдик. Қимир этмас эди, худди кимдир лойдан ясагану қанотларини тим-м қорага, бошини қизғиш, тўшини оққа бўяб миҳга қўндириб қўйгандек.

Учинчи кундан иккита-учта бўлиб чуғурлаб равонни бозор қип юборишди. Дам ўтмай кираверади-чи-қаверади, ғойиб бўлади-ю, зум ўтмай шўнғиб очиқ деразадан ўзини равонга уради. Қарасак, миҳнинг ёнгинасида, тўсиннинг тоқи билан туташган жойда томчи-томчи лой доғлари пайдо бўлди. Икки кун ўтар ўтмас уя девори кўзга ташланди.

— Қалдирғоч-чи, — дам ҳаяжонланиб, дам босиқ, давом этди ҳикоясида Қадрия, — уясининг деворига икки қатор лой уради, лойнинг нами кетиб қуригунича сабр қилади-да, лой оқариб, хом сопол тусига киргачгина яна лой ташишга киришади.

Бу сафар, кундузи, ҳовлида юрсам равон томондан

қалдирғочларнинг безовта чуғурлаши эшитилди, юғуриб равон олдиға бордим, ичкариға кирдим, укам ўша ерда экан — у мени кўрди-ю, ранги қув ўчди. Икки қалдирғоч дам шифтта сапчиб, дам пастта шўнғиб чарх уриб айланар, на ташқарига чиқар, на михға кўнар эди.

— Нима бўлди, нима қилдинг?! — деб сўрадим укамдан.

Укам оғир гуноҳ устида қўлга тушган одамдек ранги қум ўчди. Мушт қилиб олган кафтини очди. Қарадим. Чанғалида бир сиқим олча данаги. Янгигина ажратиб олган экан, чанғали қип-қизил қонға ботгандек, данаклар қон ичида тургандек эди..

— Айт, нима қилдинг?! Ҳозир онамга...

— Айтма, — деди укам ёлбориб.

— Нима қилдинг?

— Данақ отувдим...

Укамнинг «қонталаш» чанғалига шапати урдим, данак палосга сочилди.

— Ўласан, қўлинг қалтироқ бўлиб қолади!

Гапимни эшитиб укамнинг эсхонаси чиқиб кетди. Қўли ҳозироқ қалтирай бошлайдигандек қонталаш кафтига кўрқа-пуса анграйди.

— Тегмади... — деди бурнини тортиб.— Иккитагина отувдим...

— Ким қалдирғочни ўлдирса, қўли қалтироқ бўлиб қолади. Уйидан ҳайдаса баттар бўлади!.. Онам айтдилар...

Шундай дедим-у, ҳовли томондан дераза ёнига келиб бизни кузатиб турган дадамга кўзим тушди. Укамга айтганларим дадамга ёқмаганини сездим. Қўли қалтироқ «бўлиши»дан ўтакаси ёрилаёзган укам дадамни кўриб хўнграб юборди. Кафтига ёпишиб қолган битта-яримта олча данаклари ҳам палосга сочилди.

— Бекорри бештасини ебди, онанг!..

Дадам шу қадар дарғазаб бўлиб бақирдиларки!..

Қадрия гўё бу гаплари билан отасининг шаънини булаб кўйишни истамагандек бирдан хижолат тортди, тилини тийди.

— Кейинчалик, анча эсимни танигачгина билдим. Дадамнинг ўша кунлари сиқилиб, хуноб бўлиб юришлари мен укамга айтганларимга, қалдирғочнинг уя қури-

шига унчалик дахли йўқ экан... Амал-тақал ўтказилган тўй, тўйдан кейинги чиқимлар дадамни анчагина уринтириб қўйган, ошкор айтишга орият йўл қўймайди, ошкор қилмай деса, иложсизлик... Мен фақат бир нарсани — дадам шундай қийинчиликлар аламини онамдан олишларини сира-сира тушунолмас эдим...

Фозилбек ўзи танимаган-нетмаган Қадриянинг отасини, унинг аҳвол-руҳиясини кўз ўнгига келтиришга ҳаракат қилди. Хаёлан унга ачинди. Ва «хўш, кейинчи?» деб жувоннинг оғзига қаради. Қадрия йигитта эътибор қилмай, гўё ўзи учун овоз чиқариб хотирлаётгандай ҳикоясини давом эттирди:

— Ошхона томондан онам югуриб келдилар, дадамнинг ёнларида тўхтамай «Ҳа, тинчликми?» деганча равонга кирдилар. Бизни жанжаллашган деб ўйладилар шекилли, танбеҳ бера кетдилар:

— Ҳовлига чиқинглар! Қадрия, нима қип анграйиб турибсан?! Вой, ву-у, олча данакни сен опкирдингми?!

— Ановини йўқотларинг!!

Мен билан укам онамнинг койишларидан чўчиб турган эдик, дадам шундай ўшқирдиларки!.. Бизга қўшилиб онам ҳам чўчиб тушдилар. Уч-тўрт кундан бери аразлашиб юрган онам бирдан дадамга юзландилар ва:

— Қайсини? — деб жонҳолатда шошилиб сўрадилар.

— Ановини!.. — Дадам бармоқларини бигиз қилиб шифтни кўрсатдилар. — Ҳайдаб чиқарларинг!..

Мен, дадамнинг авзойини кўриб йиғидан тўхтаган укам ҳеч нарсани тушунолмай анграйиб туравердик. Дадамнинг феъл-хўйини яхши билган онам, ўша топда энг маъқул йўлни топдилар.

— Хўп, адаси! Хўп бўлади.

Онам овозларини мулойимлаштириб шундай дедилару, сўзсиз-несиз елкамизга қоқиб, бизларни ҳовлига чиқишга ундадилар.

«Хўп, адаси! Хўп бўлади»... Онамнинг қўрқув ва таҳлика, қаттол қайсарлик олдидаги ожизлик ва умид тўла овозлари ҳали-ҳануз қулоғимдан кетмайди...

Ҳаммаси эрталаб, тонг саҳарда маълум бўлди... Сандалнинг ёнида ётган эдим, онамнинг йиғлашларини эшитиб уйғониб кетдим. Кўзимни очдим, гир айла-

ниб, чуғурлаб равонни бошига кўтариб учаётган қалдирғочни кўрдим. «Укам тагин данак отибди-да!» деган ўй келди хаёлимга. Унда, нега онам йирғаяптилар?! Йўқ, укам бошқа данак отмасликка кеча онт ичди, у отмаган. Оқшом уйқуга кетгунга қадар укам билан кўрпа чеккасидан мўрала-аб рос-са томоша қилдик. Қалдирғочнинг бири михга, иккинчиси девори энди кўтарила бошлаган уянинг чек-касига қўнган, иккови бошини қанотлари орасига тортиб, ёнбошига салгина қийшайтирганча тош қотиб ухлар эди.

— Фозил, — деб сўраган эди бир сафар Қадрия, ҳикоя айтишдан тўхтаб. — Қалдирғочни эринмай узоқ кузатганмисан?.. Учаётганини эмас, уясида қўниб турганини?.. Бирон лаҳза тиним билмайдиган, вижирлашдан чарчамайдиган қушча қўниб ухлаётганида шу қадар мулойимлашадими, юввош, маъсум, беозор тортадики... бечорага ўхшаб қолади... Қанотининг сирти тим-м қора баҳмал... калласи қизғиш, тақир баҳмал... томори оппоқ шойи!.. Кўзлари қоп-қора мунчоқ дейсан!.. Томоша қилиб туриб, илоҳий қушлигига ишониб қоласан... Чиндан ҳам шундаймикан, Фозил?..

— Беозор, бокира жондорларнинг бари илоҳий бўладилар, — деди Фозилбек ва шивирлаб илова қилди:

— Сен ҳам...

Қадрия йигитнинг илтифотига эътибор қилмай муддаога қайтди:

— Хуллас, онамнинг йиғи товушларини эшитиб уйғондим. Ҳайрон бўлдим. «Нега йирғаяптилар?! Дадам қаердалар?! Нега онамга қарамаюптилар?» каби саволлар миямга келаверди.

Шу хаёлда ўрнимдан ирғиб турдим, чўк тушганча ҳовлига қараб қолдим. Равон деразасининг ёнгинасида дадам узу-ун таёқни икки қўллаб тутиб турибдилар. Онам ҳам икки қўллаб дадамнинг қўлларидаги таёққа ёпишганлар. Худди талашиб-тортишаётганга ўхшадилар.

«Наҳотки, дадам онамни шу-ундай таёқ билан калтаклаётган бўлсалар?! Нима қилай?! Акаларим ҳовлининг нариги бурчагидаги хонада тунашади. Югуриб бориб уйғотайми?!»

— Йўлимдан қоч! Четта ўт!



Онам дадамга кулоқ солмадилар. Ёлбордилар:

— Жо-он адаси, умрингиздан барака топинг. Тегманг!

— Ўт-т, деяпман!

Онам алам аралаш йиғламсираб яна ёлбордилар:

— Мани урақолинг, адаси, розиман. Ўлдилинг. Фақат қалдирғоччи инига тега кўрманг! Касофати уради, барака топ...

Онамнинг бу гаплари дадамни жунбишга келтирган вазаб оловига сепилган мойдек таъсир қилди.

— Э, ирим-сириминг билан қўшмозор бўла!.. «Ёмон бўлади — касофати уради»дан бошқа нарсага етмайди, ақлинг!..

Дадам шундай деб таёқни қаттиқ силтаган эдилар, онамнинг кўллари буралиб ерга чўккалаб қолдилар. Бошларидаги рўмол елкаларидан осилиб тушди. Соchlари тўзғиди. Мен дам онамга, дам равонда чарх уриб безовта айланаётган уч-тўрт қалдирғочга анграйиб, йиғлаб юбордим. Онам қад ростлаб улгурмай отамга илтижо қилдилар:

— Остига тахта қоқдираман, ифлос қилмайди.

— Фойдаси йўқ!

— Ифлосини ўзим тозалайман!..

— Уйни эмас, миянгни ифлос қилади булар, мана-ви миянгни!..

Дадам шундай деб вазаб билан онамнинг бошларига нуқдилар.

— Э, иримни билган!..

Онам бирдан йиғини, ялиниб-ёлборишни бас қилдилар. Жиддий тортиб, дадамни кўндиришнинг бошқа йўлига кўчдилар:

— Майли, иримга ишонмасангиз, қизингизни ўйланг!.. Зулфининг бахтига зо...

Дадам онамнинг гапларини очиқдан-очиқ мазах қилиб кулдилар.

— Э, одамми ўлгани яхши! Ҳар нарса бўгани яхши-я!.. Зулфиянинг оиласига нима дахли бор, бу кушнинг?!

Онам ҳам ўз билганларидан қолмадилар.

— Беозор қуш, қарғиши ёмон бўлади, ахир... Ния-

тингиз шундай экан, нега уч кун кўниб турганида хай-дамадингиз?

Дадам жавоб қайтармадилар. Онам сўзларим кор қилди деб ўйладилар чоғи, сал шаштларидан тушдилар.

— Ўша кўнган кунлари ҳайдасак... безовта қилсак ҳам майли эди, барака топгур... Энди бўлар иш бўлди, барака топгур. Рози бўлақолинг, адаси...

Бир оз ҳовурдан тушган, сал бўлса-да, хотиржам тортган онам рўмолни олиб бошларига ўрадилар. Мен чўк тушган кўйи йиғидан тўхтаган, бироқ «қимир» этмай нега қадирғочлар оламини бошларига кўтариб гир-гир айланаётганини тушунолмай туравердим. Кейин билсам, бу, қадирғочларнинг фарёди экан...

— Ҳа-ҳа, «бўлар иш бўлди», — дедилар дадам захарханда товушда, кейин кўлларидаги таёқни дарахт остига тарақлатиб улоқтирдилар. — Кўчириб ташладим...

... Дадамнинг гапини онам дабдурустан тушуниб етмадилар, бирдан хушёр тортдилару, лаҳза сайин англай бошладилар: онамнинг юзлари қийшайиб кетди... онам раҳматли сутга чайилгандай оппоқ, ниҳоятда хушрўй аёл эдилар... вужуд-вужудларидан тошиб чиққан қандайдир кўринмас бир куч онамнинг юзларини гижим-гижим қилиб ташлагандек бўлди!

Онам шу қадар жон ҳолатда олдинга ташландиларки, ўзларини тўхтата олмай, кўксилари билан равон деразаси раҳига зарб билан уридилар, шунда ҳам тўхтамай бошларини ичкарига суқиб, бўйниларини чўзиб — бутун вужудлари кўзга айланиб — қадирғочнинг уяси томон қарашга интилдилар. Йўрғақдаги болажони ётган уйга ўт кетганини кўрган онаизоргина шундайин телба аҳволга тушиши мумкин... Мен ҳам шундагина уя томон қарадим. Қарадиму:

— Вой-й! — деб қичқирганча иккала кафтимни оғзимга босдим.

Онам даҳлизга, даҳлиздан равонга ўқдай отилиб кирдилар. Ўша топда онам шўрлик кўздан қолган одамдай ҳаракат қилаётган эдилар. Бўлмаса, ҳовлида турган жойларидан кўзга ташланиб қолган уяни остига бориб турсалар ҳам кўрмадилар, чунки...онам уя қурила бошланган жойга синчиклаб, кўзларига ишонмай қайта-қайта қарадилар ва тўсатдан сапчиб орқага тис-

ландилар — оёқларининг остига энгашдилар. Энгашиб... пиёла синигига ўхшаб икки бўлак бўлиб ётган қалдирғоч уясини икки қўлаб кўтардилар. Ҳамон ишонқирамай кўзларига яқинлаштирдилар.

Онам гапиролмай қолдилар, йўқ, гапирётган эканлару, овозлари чиқмаётган экан. Бирдан, оёқлари мажолсизланиб деворга суяндилар, қафтларида турган уя қолдирғини кўрсатиб олдинга чўзганча бошлари баробар кўтардилар. Онам шўрлик қалдирғочлар уя қолдирғини олиб яна жойига ёпиштириб қўяди деган сўнгги илинжда шундай қилдилар. Қалдирғочлар эса уввос солиб, янада шиддат билан чир айланишга тушди — «ғувв» этиб деразадан ҳовлига чиқиб ғойиб бўлар, зумда қайтиб кирар, шифтга, деворга урилиб кетай-кетай дер, тошдек шўнғир, яна сапчиб кўтарилар, шу аснода бу беозор қушлар онамнинг зор қақшаб қилаётган таваллосини англаётган эдими-йўқми, ёлғиз Яраттанга аён эди.

— Шўрим!.. Шўрим қуриди!.. Шўрим қуриб қолди... — Онам яна нималардир дедилару, овозлари чиқмади, ранглари доқадай оқариб деворга суянганча орқалари билан сирғалиб тушиб, ҳушдан кетдилар...

Дадамнинг «Сув опке!» деган товушлари келди ҳовлидан. Умид акам пиёлада сув кўтариб равонда қандай ва қачон пайдо бўлганларини сезмай қолдим. Акам онамнинг юзларига сув пурқадилар, онам сапчиб тушдилар...

Қадрия жим бўлиб, ўйга чўмди. Афтидан у хотираҳикоясининг муҳим жойини унутиб қолдиргандек диққатини янаям жамлашга уринди ва овозини боягиндан пича кўтариб давом этди:

— Ишонасанми, Фозил, онам ҳушдан кетган заҳоти қалдирғочлар равонни тарк этдилар, бир-бирини қувиб, бири биридан ўзиб ҳовлида чуғурлашиб, безовта айланаверишди, ҳатто, равон деразасига қадар яқинлашиб учиб ўтаверишди ҳамки, лекин уларнинг бирортаси равонга йўламади.

Онам тезда ҳушларига келдилар. Жанжал катталашади деган хавотирда юрагимни чангалладим. Бироқ онам «чурқ» этиб оғиз очмадилар. Кўзлари нурсиз, ранглари девор, ўзлари суратдек, беҳол-бемажол туриб қолдилар. Акам онамни ичкари хонага етакладилар — онам сўзсиз, қадамларини сургаб акамга итоат қилдилар.

Бирдан уй ичимиз, ҳовли саҳни сув қуйгандек су-  
кунат оғушига ботди.

Ичкаридан Умид ақамнинг онамни юпатиш учун  
айтаётган гап-сўзлари узук-юлуқ эшитилди. Онамга  
шунақаям ачиниб, биласанми, Фозил... Ҳе-еч кимга  
айтмагину, ўша топда дадам дунёда э-энг тошбағир  
инсондек туюлдилар... Шунда... ҳовлида, ток сўриси  
ёнида ер чизиб туриб қолган дадамга қарадим. Она-  
нинг ҳимояси учун дадамга бирор гап айтиб юбор-  
моқчи бўлдим шекилли дадамнинг биз томон ўтири-  
лишларини кутдим. Шунда, дадамнинг ток зангини  
сиқимлаб тутган қўлларига кўзим тушди. Зангни азба-  
ройи қаттиқ сиқимладиларки, зангининг қуриган пўсти  
уваланиб-ўқаланиб ерга тўжилди... ва бирдан дадамга  
қаттиқ ачиниб, ичим ачишди...

Қадриянинг ойдек чиройи неча бор қизариб, неча  
бор оқарди. Кўзи ёшланди. Ортиқ гапиролмади. Фо-  
зилбекка қолса, Қадриянинг ҳикояси сира тутамаса, у  
гапираверса-гапираверса, Фозилбек Қадриядан кўз уз-  
маса, унинг ҳар бир сўзини вужуди қулоққа айланиб  
тингласа...

— Отанга ачиндингми? — уни қийин вазиятдан  
халос этиш ниятида сўради Фозилбек.

— Юрагим увишиб кетди!.. — деди Қадрия.

— Ҳозиргина дунёда э-энг бағри тош одам бўлиб  
туюлган эдилар-ку?

— ...

— Аввал ачиндинг, кейин яхши кўриб кетдингми?

— Иккаловларига ачиндим...

— Қандай қилиб? — сўради жилмайиб Фозилбек.

— Чунки, орада дадам ҳам, онам ҳам тушунмаёт-  
ган, тушунсалар-да, изоҳлаб бера олишмаётган нима-  
дир бор эди...

— Қандай нимадир?.. Кейин топдингларми ўша ни-  
мадирни?

— Менгина эмас, оила аъзоларимиз — ҳаммамиз  
икрор бўладиган ҳодиса юз берди.

— Қандай ҳодиса?!

— Уч ой ўтар-ўтмас Зулфия опам оиласи бузилиб,  
уйимизга қайтиб келди...

1995 йил.

# «Кўнғил... янғиллик кидиради...»



Жаҳон адабиётида ўзмас из қолдир-  
ган жуда кўп асарлар ўз даври анъана-  
ларидан воз кетиб, улардан юз ўнгириш  
шарофати ила дунёга кетган. Мана шун-  
дай изланишлар бўлмаганида бадийий ижод  
сеҳри сийқаланиб кетган бўлув эди. Буюк  
Ҷўштон бир хиллик ҳар қандай миллий  
адабиётни таназулга олиб боришини, ба-  
дийий қашфиетларга олуфти инсон кўнғили  
хаммша янғиллик кидиришини армон би-  
лан ёзган эди...

## ВАЗИЯТ

— Уйга кеч қайтдим. Эшик берк экан. Тақиллатдим.

— Ичганмидинг?

— Озгина.

— Ўлгудай маст эди.

— Ёлгон!

— Хўш, кейин-чи?

— Яна тақиллатдим. Товуш бўлавермади. Кейин...

— ... Шовқин кўтардинг.

— Эшитмадилар-да, кейин чақирдим.

— Эшикни гурсиллатиб тепди.

— Сиз менинг рухсатимсиз гап қўшманг... Хўш?

— Ичкаридан жавоб бўлавермагач, жаҳлим чиқди.

Тепдим... бир марта.

— Қўшнилар бир марта тепганинга безовта бўлиб уйларида чикишдимми?

— «Қўшнилар эмиш!» Ҳи-ҳи-ҳи! Қўшнининг эшиги тақилласа хабар оладиган одамларми, шулар? Уйни кўтариб кетса ҳам инидан бош чиқармайди, бу қуёню-рақлар.

— Безори!

— Сурбет!

— Тартиб сақланглар! Сиз ҳозир фақат менинг саволимга жавоб беринг.

— Жавоб бермай нима қиляпман?!

— Хўп, ана, эшик очилмади, дейлик. Кейин нима қилдинг?

— Уйроқ эканликларини, эшик орқасида йиғи-сиғи қилиб турганини сездим. Кайфим йўқ, дедим. Тўполон қилмай тинч ётасанми, деб сўрадилар. Ҳа, дедим. Очдилар. Суяниб турган эканман, эшик очилиши билан беҳосдан ичкарига қулаб тушаёздим. Чўчиб, бақириб юбордилар. Оғизларини кафтим билан беркитдим, аста... Қўшнилар эшитмасин, деган ниятда.

— Оғзингни юм, деб... ҳи-ҳиқ!.. Итариб юборди, эшикни қарсиллатиб ёпиб, ҳиқ... Қўлимни силтаб тортиб уйга киритди.

— «Наҳотки, силтаган бўлсам? Шунчалик мастмидим?..» Кейин хонамга кириб, жойимга ётдим. Тамом.

— Бўлган гап шуми?

— Яна нима бўлиши керак?

— Бунақа ҳодисалар тез-тез бўлиб турадими, деб сўраяпман.

— Йўқ.

— Йўқ, бўлса, шунча одам бу ерда нима қилиб ўтирибди? Ўзинг-чи?

— Ҳаммаси ёлгон. Иккала кишини ҳам, манави ойимчани ҳам танимайман. Даъволари тухмат эканини уларнинг афт-ангори айтиб турибди. «Ҳар қалай, қўшнилари бўлса керакки, келиб ўтиришибди. Мен уларнинг бор-йўқлиги билан ишим йўғу ҳаммаси мени таниганига ҳайронман».

— Ҳечам тухмат эмас!

— Сиз ўтиринг. Қани, сиз гапиринг-чи.

— Қаранглар, кўриб ҳавасинг келадиган йигит. Афсуски, унинг дастидан тинчлик йўқ. Соғ юрган кунини билмайман. Подъездагилар ҳаммаси безор бўлиб кетди. Пичоқ суякка қадади. Унинг жойи қамоқ!

— «Уларнинг тинчини бузганим учун? Шунга қамаш шартми?..»

— Шошманг, шошманг. Қани, ҳаммасини бир бошдан, бўямай-нетмай айтинг-чи.

— Тунги ўн иккилар эди. Шовқиндан чўчиб уйрондим, қўшнининг ўғли яна тўполон бошлабди, дедим. Юпагим ўйнай бошлади. Уйқум қочди. Шовқин-сурон ҳадеганда тинавермади. Эшикни тепдим-ей, кимнидир урдими-ей, бир нарса қарсиллаб кетди, денг! Ўша заҳоти дадасини уйғотдим.

— Ҳа-ҳа-ҳа! Юрак бўлса чиқади-да, дадаси!

— Жим!.. Уйғотдингиз?

— У кишининг уйқуси қаттиқроқ... Ўзим чиқиб, кампирнинг ҳолидан хабар олмақчи бўлдим.

— Чиқдингиз?

— «Чиқади-я!»

— Ҳа... йўқ, чиқамизми, деб рўпарамдаги мана бу қўшнимизниқига қўнғироқ қилдим — ҳар қалай эр-как одам. Бу киши, бир оз сабр қилайлик, дедилар.

— Мен, аёл киши аралашмай қўя қолсин, деган ниятда шундай дегандим.

— «Баҳона!»

— Бир оз ўтгач, яна қўнғироқ қилдим. Келишиб, баб-баравар чиқдик.

— Хўш, чиққаннингизда қандай манзарани кўрдигиз?

— Зина майдончасида ҳеч ким йўқ экан. Ичкаридан кампирнинг зорланиб йиғлаётганини эшитдим. Зум ўтмай, жимиб қолишди. Худога шукр, деб уй-уйимизга қайтиб кирдик.

— Бор-йўғи шуми?

— Ичволиб тўполон қилиш — одати. Шўрлик кампирни назарига илмайди, бор-шудини тортиб олади, уйини оёқости қилади. Онанинг аҳволига қаранг, жони лиқиллаб турибди, бечора!..

— «Мен туфайли-я? Мени деб жони лиқиллаб қолдими?..»

— Бошқа даъво йўқми?

— Й... й... йўқ. Ҳа, айтмоқчи, буни қамаш, фақат қамаш керак.

— Қамаш? Ҳи-ҳиқ. Шундай бўлсин, дебманми. Уувв... Ўзини бошшини еди-я!.. Пешанам курсин...

— «...»

— Ортиқ гапингиз бўлмаса, ўтиринг. Хўш, сиз нима дейсиз? Жиноятга алоқадор нимаики кўрган бўлсангиз, марҳамат, гапиринг.

— Мен ҳам тўполондан чўчиб уйғондим. Кўзимни очдим у мана бу зумраша санғишдан қайтганини сездим. Кампирни адои тамом қилди. Ўзи тупша-тузук бола эди... Фақат ичиб олса бўридай кутиради! Кўзига на онаси, на қўни-қўшни кўринади...

— Воқеанинг тафсилотига ўтинг.

— ... Чиқиб, би-ир попутини пасайтириб қўяй, деб отланган жойимда телефон жиринглади. Мана бу қўшнимиз экан. Аёл киши маст одамдан чўчимасин деган хаёлда, бир оз сабр қилайлик дедим, яна кампирдан хавотирландим. Кейин сабрим чидамай, енгил-



елпи кийиндиму, чиқаётсам яна кўнғироқ бўлди. Кейин бир вақтда чиқдик.

— Зина майдончасида нимани кўрдингиз?

— Мана бу қаҳрамоннинг туфлиси ётган экан. Бир пойи.

— «Ўша куни эрталаб артаётганларини кўргандим».

— Туфлини ечиб қўйиб эшикни тепгандим, ифлос бўлмасин деб.

— Ифлос бўлмасин деб туфлингни ечсанг, оёқларингдан ўпмасмидим!

— Менга ҳам ишонинг-да!

— Тартиб! Сиз залга, бизга қараб гапиринг. Гапнинг лўндасини айтинг.

— Чиқишимиз биланоқ кампирнинг эшиги ёпилди. Ичкаридан ўдағайлаш, йиғи товуши эшитилди. Эшикни очиб, зумрашанинг қулоқ чаккасига шапалоқ тортиб юборай дедим-у...

— Ҳа-ҳа-ҳа!

— Жим! Кейин?

— Кейин... уйимизга кирдим. Умуман, бу боланинг дастидан тинчлик йўқ. Онасини айтмайсизми. Елғиз ўзи, сурати қолган, жони лиқиллаб турибди-ю, боши ғалвадан чиқмайди. Шунинг учун уни, жилла курса, бир-икки йил ўтқазиб қўйиб жазасини бериш керак.

— Жаврайвериб куйдим-а! Одам бўлармикан?... Кейин...

— Қани, гражданин, сиз ҳам гапиринг-чи.

— Мен кўшни подъездда яшайман, девордармиён. Ҳар куни жанжал, шовқин. Сира тинчлик йўқ. Бундоқ одамларга ўхшаб хотиржам ўтган кунни билмайман.

— «Бизга хотинини ўпганиям эшитилади-ю». Хотинингиз билан шивирлашганингиз бизга эшитилди-ю, биз сал овоз чиқарсак сизнинг тинчингиз бузилиб қолдими? Ёқмаса, деворри икки қават қилиб олинг!

— Ҳой, ҳой! Сиз аралашмай ўтиринг деяпман... Хўш, ўша куни нима бўлди?

— Туни бўйи тўполон, шовқин-сурон тинмади. Ана тинчланар, мана тинчир, дейман, қани энди... Кампирнинг ҳиқиллаши юрагимни эзиб юборди. Бу полвонча

эса сўкинишни қўймайди, нималарнидир тарақлатиб улоқтирдими-ей!.. Бундайларнинг жазоси — қамоқ!

— «Ол-а, қамайдиганлар кўпайиб кетди-ку!»

— Қамоқми, қамоқ эмасми — қонун ҳал қилади-ю, сиз кўрганингизни айтсангиз бас.

— Хх-хўп... Мен кўрганимни... эшитганимни айттай... бизга девор орқали эшитилади, кўринмайди...

— Балки магнитофонни гапиртириб қўйгандирман. Ваҳ-ҳа-ҳа-ҳм-м... Хўп, хўп. Афу этадилар... «Сўтаг-эй!»

— Ўтиринг, қани, энди сиз гапиринг-чи.

— Туппа-тузук бола эди. Кимларгадир қўшилиб қолди, шўрлик болам. Қозонга яқин юрма, деб чакагим тушди, гапим кор қилмади. Мана, ёмоннинг балоси юқди-қўйди. Отасиз ўстирдим, ўзим ювиб-тарадим...

— «Отам бирга яшаганида шу кунларга қолмас эдимми?..»

— Бардошли бўлинг. Давом этинг.

— ... катта қилдим. Уф-ф! Ичкилик курсин! Танбеҳимни қулоғига олмади. Ичмаса — мушукдан ювош. Озига қитдек тегса — қиёмат қойим деяверинг. Тинчлик йўқ. Ўша куни одатдагидек оёқда туролмайдиган бўлиб келди. Келди-да... қўшнилар айтишди-ку...

— Демак, ўғлингизни тартибга чақириш учун фақат қамаш керак. Сиз ҳам шундай демоқчимисиз?

— Ув... ввв!.. Мен шундай бўлсин дебманми? Қўни-қўшнилар билан маслаҳатлашдик. Бир йилда эсини йиғиб қайтади, дейишди. Ҳий-йқ. Ўзимми беш кунлигим қолдими-йўқми, бу қачон тузаладию, қачон бағримга қайтади. Одамлар қатори юрганини кўрсам, кўзимми хотиржам юмардим. Сиз нима дейсиз, ука? Одам бўлармикан?.. Ё... Ўхи-ўхи, хи-хиҳ, ёлғиз ўғлимми қаматгунча ўлиб қўя қолсам бўмасмиди!.. Ўшоқда сал кўзи очилармикан... Ёки, қамамайсизми-а? Нима қилсамикан?!

— Суд қонун номи билан жиноятчининг ёшини, илгари судланмаганини, оилавий шароитини ҳисобга олиб уни... йилга озодликдан маҳрум этди.

— Вой, шўрим! Нима қилиб қўйдим?! Ҳой, айла-

най, болам, бунақа қаттиққўллик қилманг. Жон, ука, укажон! Ҳиқ, хи-их...

— Энди нега ҳиқиллаяпсиз?! Ҳиқил... йивламанг. Мана шу меҳрибонларингиз кунингизга яраб турсин, қайтиб келаман. Ҳа, келаман...

— Шунинг билан суд мажлисини тутатамиз.

— Ука, рухсат беринг... Ҳиқ, хи-ққ!.. Мана шу овқатни унга беришсин. Совиб қолди. Илтимос, бара-ка топгур. Пишлоқни жуда ёқтиради, хўп денг. Яна, нон, гўшт бор, холос... Уф-фф...

1986 йил.

## ТОПИШМАЧОҚЛАР

(Туркум)

**Муқаддима:**

*Туни билан пишллаб ухлайвермай туш кўриб ётсангиз бўлмайдими?..*

**Ҳазил.**

*Тушни еб қўйган одамни тупроқ ўзига тортар эмиш...*

**Беҳазил.**

## БИР ТОМЧИ СИМОБ

Фаросат уйғониб бошини болишдан кўтарди-ю, тонг эпкини ёноғини сийпаб ўтди — у энтикиб кетди. Оппоқ ёруғ нурга дабдурустдан тик қаролмай кўзини чирт юмди, бундан қаноатланмай кафтини кўзларига босди.

У кўзини очса ҳали идрок этиб улгурмаган лаззатли туш парқу булутдек тарқайди-кетди... ҳаётида бундай тушни қайта кўриш ё насиб этади, ё йўқ...

Фаросат туш кўрмаётган эди.

У аввал кўзини очди, сўнг кафтини қаншаридан узди... Йўқ, аввал қўлини туширди, сўнг нигоҳи нимагадир беҳос тегиб кетадигандек кўзини авайлабгина очди ва... салқин, уқпардек майин эпкин қандил та-

рафдан эсаётганини сезди... ним қоронғи хона шифт-даги қандилда игнанинг учидек бир томчи нур илиниб турарди...

Қордек оқ, кўз ёшидек тиниқ, фалак гумбазининг туб-тубида жимирлаётган юлдуздек митти бир нима базўр, жуда омонат илашиб-илиниб турибди, гўё Фаросат беҳос энтикиб юборса узилиб тушади-гандек...

Фаросатнинг юраги орзиқиб, қўққисдан ўт олган-дек безовта дукурлай бошлади... У ирғиб ўрнидан турмоқчи, жилла қурса бошини пар болишдан кўтариб ширин уйқуда ётган эрининг елкаларидан силтаб-силталаб уйғотмоқчи, «Ана, қаранг! Ҳамдам ака, кўзингизни очинг!.. Кўринг!..» деб ундан суюнчи олмоқчи бўлди. Лекин ғайришуурий бир ихтиёр Фаросатни бу ниятдан қайтарди... Фаросат кўзи қамашдимиди-йиғладими — билолмади, чеҳраси гул-гул яшнаб ёноғидан бир томчи ёш думалаб лабининг чеккасига тушганини сезди. Эҳтиётлик билан, оҳиста ўрнидан турди. Майда гулли жилдаи кўрпа остидан сирғалиб чиқди, сутта чайилгандек оппоқ баданидан нур таралди... хона ёришиб кетди.

У қандилга илиниб милтираётган симоб томчисидан кўз узмади, андак ножўя ҳаракат қилса у узилиб тушадигандек имиллаб, лекин енгил кийина бошладди... симоб томчисидан игнанинг учидек нур чўзилиб, оқи-иб тушаётган эди...

Фаросат оёғининг учида юриб даҳлизга чиқаётган жойида тўхтади, у ҳамон кўзини симоб томчисидан узмас, башарти эшикдан бир одим силжиса симоб томчисидан «тик!..» этиб томиб кетадигандек эди... Лекин шу топда Фаросатнинг жони ичига, ўзи хонага сирғас эди... У хандон отиб уйни бошига кўтаргиси, эрини уйқудан уйғотгиси келди, яна... негадир эри бегона кишидек туюлди кўзига, шу боис симоб томчисини унга сездирмасликка, сир бой бермасликка аҳд қилди, аммо-лекин у ҳозироқ ташқарига чиқмаса қувончидан энтикиб, ичи тошиб кетиши муқаррар эди...

Фаросат даҳлизга чиқди-ю, эшик тавақасини қучоқлаганча беҳол суянди... эшикнинг ўймакор қирраси мусичанинг тўшидек момиқ кўкракларини орасига бот-

ди... жони ором олди — ётоқ бўлмаси шифтидаги симоб томчиси обреза шифтида илиниб, ҳамон боягидай милтираб турарди.

Фаросат уйқуси буткул ўчган бўлса-да, бир зум ҳайрат ва энтиқишлардан ўзини тийиб, кўзларини ишқади.

Йўқ, Фаросат ухламаётган, туш ҳам кўрмаётган эди... умидларга кўмиб юборгувчи тушлар ўтди... йиллар изидан йиллар ўтди... энди эса, ана!.. ана!.. обреза шифтида, ҳу, ана!.. даҳлиздаги қандилда ҳам — симоб томчиси!.. Милт-милт этиб жимираяпти...

Фаросат эшикни, даҳлиз деразаларини ланг очиб юборди... ёпирилиб кирган салқин ҳаво Фаросатнинг оёқларини ердан узиб, уни учириб кетаёзди... қўлларини икки ёнга ёзса парвоз этадигандек, муаллақ учиб туриб, шифтдаги симоб томчисини кўзларига тўтиё қиладигандек...

Каталакдаги хўроз қанотини патиллатиб қаттиқ қичқирди, унинг товуши ўткир эди — «Қулоқни тешворгудай-я!» — дерди, одатда, жаҳли чиқиб Фаросат... Энди баногоҳ чўчиб тушди, ҳатто, юраги орқасига тортиб кетди, таҳликада уйга югуриб кириб ҳамдам акасини уйротмоқчи, «Туринг, қаранг, хўроз қичқирмасин! Қичқирмасин!» — демоқчи бўлди. Бахтига симоб томчиси хўроз қичқиринини писанд қилмай ҳамон шифтда милтираётган, ҳамон шуъла сочаётган эди...

Фаросат ҳовлига чўчимай, ҳадиксирамай тушди. «Деразалар очик, равон шифтидан кўз узмайман», деб кўнглидан ўтказди. Лекин... симоб томчиси худди Фаросатнинг умидвор нигоҳидан ажралгиси келмагандай энди ташқарига чиққан — у ҳовлининг ўртасида, гилос дарахтининг энг учида илиниб милтираётган... бўзариб отаётган тонг эса энг гўзал тонглардан-да гўзалроқ эди...

Фаросатнинг шу дамларда бошқа барча тонглардан ўзгачароқми-гўзалроқми — юмушлар билан машғул бўлгиси келди... челақни ҳовли ўртасидан оқиб ўтадиган ариқчага ботириб-ботириб олиб, ҳовлига сув сепла бошлади... У дам сувнинг марварид томчиларига, дам гилос шохдаги симоб томчисига суқланиб қарар, уларни қиёслар... сувнинг марварид доналаридек сочили-

ши... хазонларнинг сувдан ҳуркиб, қизалоқлардек нозланиб сачраб қочиши... дамо-дам челақ бандининг шарақлаб урилиши — бари ажиб бир мусиқадек хуш ёқаётган эди Фаросатта...

Ҳовли ёғ тушса ялагудек топ-тоза бўлди... Энди гилос шохидаги симоб томчиси пастлашса, пастлашаверса... Фаросат уни авайлаб кафтига кўндирса, авайлаб уйига олиб кирса-да... йўқ, асло ундай қилмайди — беҳос кўз ёши томса симоб томчиси кафтидан сачраб кетади... уни йўқотиб қўяди...

Фаросат ариқча ёқасида очилган лолақизғалдоқ тепасига чўк тушди, унинг қондек қип-қизил япроқчаларига, бефарзанд аёлнинг дарди жаҳонидек зулмат чулғаган қорачиқларига тикилди, термилди... «Сабр қил, лолақизғалдоқ, сабр, сабр!...» деди Фаросат. Сўнг лолақизғалдоқни авайлабгина узиб олмоқчи, кафтларида кўтариб уйга олиб кирмоқчи бўлди, қўл чўзди-ю... лолақизғалдоқ япроқчасида бир томчи шудринг милтираб, илиниб турганини кўрди — Фаросатнинг юраги қинидан чиқиб кетгудек безовта... дукурлай бошлади...

Фаросатнинг назарида лолақизғалдоқ япроқчасидаги томчи думалагудек бўлса, гилос шохидаги симоб томчиси ҳам қулаб тушадигандек эди. У симоб томчисининг пастта — ўзининг кафтларига тушмаётганидан хавотирланди... Ҳамдам акасини ёрдамга чақиришга чорланди...

«Турақолинг, Ҳамдам ака!.. Кўзингизни очинг», дейди, эрининг юзларини, қулоқларини, бурнини силайди, қайноқ лабларини унинг юмуқ кўзларига оқиста босади, «Уйқута тўйгандирсиз, Ҳамдам ака!» дейди. Эри кўзини очган захоти қандилда пайдо бўлган симоб томчисини кўриб қичқириб юборса... Фаросат кафтини эрининг оғзига босади, «Секин!..» дейди, «Чўчимасин...» дейди... эрининг оғушига сингиб-сингиб кетади... Сўнг... «Нонушта тайёр, Ҳамдам ака, чой шақирлаб қайнаяпти... бирга ўтирамыз... Сиз ҳам, мен ҳам ҳеч қаёққа ошиқмаймиз — бирга нонушта қилайлик, Ҳамдам ака!.. Ҳеч қаёққа бормаймиз бутун, Ҳамдам ака!.. Ҳовлидан чиқмайлик, майли, кун бўйи бир-биримизга термилиб ўтирайлик, Ҳамдам ака!..» дейди.

Ҳа, айтади. Айтади-ю, кўз ёшлари шашқатор оқаётганини, кўз ёшлари эрининг бетига, қулоғига, сочига томаётганини кўради. Ҳамдам акаси эса уни бағрига босади, эр-хотиннинг ҳидлари сингиб кетган кўрпа жилдини кўтариб, хотинининг кўзларини артади, «Йиғлама, Фаросат... йиғлама, жоним!..» дейди. Бўлак сўз, бўлак юпанч тополмайди... Фаросат эса... эрининг симоб томчисини кўрмаётганини, бугунги кўз ёшлари неча йиллардан буён ўзига ҳамроҳ кўз ёшларига ўхшамаётганини сезмаётган Ҳамдам акасига қараб кулади, йиғлайди, кулаверади...

### ҚОР ОДАМ

У бир неча бор соқолини қирдириб ташламоқчи — дам сартарошхонада, дам ўз уйида — кўзини чирт юмиб шартта-шартта қайчилаб ташламоқчи бўлганди. Лекин ҳар сафар ўша заҳоти ниятидан қайтар — якка-ю ёлғиз бойлиги, айрилмас ҳамроҳидан абадулабад жудо бўлиб қоладигандек соқолининг баҳридан ўтолмасди. ...бармоқлари беихтиёр соқолини тарайди — узун, дағал толалар панжаларининг орасини қитиқлайди... кўксига тушган тим қора, қуюқ соқоли оғушида тирноқларининг ости, бурунлари, кафти симилаб оғриётгандек ором олади.

Янги турар жой мавзеи узра тун чўкмоқда. Куникеча яшовчилар кўчиб келиб жойлашган бир жуфт тўққиз қаватли уй шом қоронғисида оқариб бўй чўзиб турибди. Тонг саҳарда ёнбошига қийшай-қийшай одамларни Шаҳарга олиб кетган катта-кичик автобуслар оқшом уларни қайтариб олиб келадилар. Гўё кундуз сон-саноксиз одамларни қучоғига олган Шаҳар тунда уларни бағрига сиғдиролмайдигандек... ёнбошига қийшайган катта-кичик автобуслар инқилаб-синқилаб рўпарадаги бекатта етиб келиб ҳарсиллаб тўхтади. Халта-хулта кўтарган аёллар, газета-журнал қўлтиқлаган эркаклар, иккала қўлини чўнтағига суққан ёш-яланглар тушади. Тўққиз қаватли қўшалок уй ҳовлисида қулоқни қоматта келтириб ўйнаётган болалар тўдасидан битта-яримтаси онаси ё отасига эргашиб уйига киради.

Автобуслар тиним билмай Шаҳардан одам ташийди, тўққиз қаватли уй ҳовлисида болалар сийраклашай демайди, айвонча панжарасига суянган хотинлар овози борича шанғиллайди... яқин-яқингача бор-роғ, экинзор бўлган бу янги мавзе ғала-ғовурларга, янги исларга кўникмоқчидек сукут сақлайди... Ҳализамон тун қуюқлашади, машиналар оқими сийраклашади, болалардан, уларнинг чуғур-чуғуридан бўшанган ҳовли тин олади... ҳовли, кўча, осмон, ҳув-в нарида ястанган кенг бедазор дала эрталабга қадар нафас ростлайди... Соқолли киши шовқинлар орасидан элас-элас чалинаётган Сукунатта қулоқ солади... Акс ҳолда миясида тегирмон тоши тинимсиз гувиллайди... гувиллаб айлангани сайин тош уваланади, уваланган қум зарралари совуб улгурмай... қумурсқаларга айланади... гимирлайди... Соқолли киши олис-олисларга термилиб пичирлайди, хўрсилади...

Катта йўлда оқиб бораётган машиналар орасидан дам «Жигули», дам «Москвич» қирғоқда туртиб чиққан дарахт илдизига илашган хасдек оқишдан тўхтайдига, тўққиз қаватли уй томон бурилади, соқолли кишининг ёнгинасидан ўтиб ҳовлига киради. Машина ойнасида Шаҳар юмушларидан толиққан, ҳорғин нигоҳлар кўринади. Қизғиш «Москвич»дан аёл кишининг баралла ҳиринглаши, сўнг, «Ана, қор одам!» дегани эшитилади. Соқолли киши «қор одам» деган гапга тушунмайди, у «Жигули» ва «Москвич»ларга «илашган» бензин аралаш қўланса исга тоб беролмай бурнини жийиради. Дарах матодан тикилган узун ва кенг чакмонининг барини кўтариб башарасини тўсмоқчи бўлади, лекин шу пайтда қандайдир дайди шабада эсади — бензин иси ўрнини қумурсқа иси эгаллайди... қумурсқалар соқолли кишининг миясини тарк эта бошлайди...

Йўлда мақтаб болаларининг шўх-шодон кулгиси эшитилади. Қақилдоқ қизалоқ портфель орқалаган болакайга тутқич бермай қочаётиб йиқилиб тушаёзди — соқолли кишига урилиб, уни ушлаб қолади... Соқолли киши шу ерда илдиз отган минг йиллик чинордек қимир этмайди...

Болакайлар, қизалоқлар тўққиз қаватли уйларга сингиб кетади.



Элик одимлар наридаги собиқ пивохонада ҳеч зор кўринмайди, музқаймоқ сотувчи бақалоқ хотин кўлидаги оғир тўрхалтани оёқларининг орасига кўйиб эшикка қулф осади. Эшик тепасидаги чироқ қизариб-бўзариб биғиллайди. Соқолли киши кўзларини юмиб, соқол-мўйлаби остида кўринмай кетган дўрдоқ лабини қонатгудек тишлайди...

Музқаймоқхонанинг чироқли жингирори энди соқолли кишининг миясида биғиллаётганга ўхшайди, биғиллагани сайин тегирмон тоши шиддатлироқ айланади, айланган сайин тошдан қумурсқалар кўпроқ уваланади... соқолли кишининг қуюқ сочлари остида қумурсқалар ғимири авжига минади...

Ҳали юдузлар чарақлаб улгурмаган қорамтир осмоннинг ҳуу-у олис ёқларидан ҳадемай Сукунат вазмин сузиб келади, етиб келиб соқолли кишининг жонига оро киради — яъни, унинг миясида ғужгон ўйнаётган чумолиларни битта-битталаб термачлашга тушади...

— Сиз тинчроқ жойда яшашингиз керак, — деганди тажанг дўхтир ўн беш йил муқаддам. — Миянгизда айланаётган тегирмон тоши ҳам, қумурсқалар ғимири ҳам — шовқиндан...

Тажанг дўхтирнинг маслаҳатига кўнди — шаҳарнинг овлоқ чеккаси — Ачаободдан ҳовли-жой қилди.

Кун бўйи бозорнинг энг гавжум жойидаги хизматидан қайтгач ҳу-у олислардан сузиб келаётган вазмин Сукунатта соатлаб маҳлиё бўладиган, кун бўйи танасини, соч-соқоли — миясининг ич-ичини мисоли челақдаги сувдек тўлдирган шовқин-сурон, ғала-ғовурни тўкиб ташлайдиган одат чиқарди. «Тажанг дўхтир бало экан, миям тинчиб, онадан қайта туғилгандек бўлдим», деб юрди у ўн йилгача. Кейин... Шаҳар уни қувиб Ачаободга ҳам етиб келди... Соқолли кишининг эски дарди кўзғади.

— Чиданг, — деди тажанг дўхтир маслаҳат эмас, зарда қилаётгандек оҳангда, — яшашни чидаганга чиқарган!.. Шаҳардан қочиб қаёққа борардингиз?!

Соқолли киши чидамоққа чорланган эди, фавқуллода «қочиш» имкони туғилиб қолди.

... У беш йил илгари Ачаободдан Қорақамишга кўчганини, адоқсиз далабоғ томондан эсадиган ипак-дек майин ҳаводан кўкси тўлиб нафас олишларини, қулоғи тинчий бошлаганларини орзиқиб, энтиқиб эслади... Қаердадир трамвай чийиллаб бурилди — трамвайнинг залворли гилдирағи миясини эзғилаб ўтгандек бўлди... Ёнма-ён тушган тўққиз қаватли уй Шаҳарнинг ҳайбатли бетон оёғидек... бетон оёқларга таянган Шаҳар соқоли киши устига, ҳовв наридаги далабоғлар устига бостириб келаётгандек... аммо-лекин шу далабоғ тарафдан юзиб келаётган осойишталикдан Шаҳар ҳам ором олаётгандек эди. Шу боис йўлда машиналар, йўлда йўловчилар сийраклашиб Шаҳарга айланаётган мавзе ором ола бошлагани сайин соқоли кишининг миясидаги тош гувиллаб айланишдан тўхтаётган эди...

Боши узра пириллаб учиб ўтаётган кўршапалакларнинг қанот қоқиши унинг миясига хуш ёқди. Соқоли киши сўнгги қумурсқа қўлидан оёғига, оёғидан ерга ўрмалаб тушганини сезади... ашқол-дашқоли олиб чиқилган уйдек енгил тортади унинг мияси... Шунда ҳали тамом озодлик сурурини тотиб улгурмай шалпанг қулоқ този ит югуриб келиб, унинг атрофида гир-гир айланади, тун қаъридан аёл киши нотаниш тилда итини чақиради, сўнг унинг кулиб туриб: «Тагин қор одамни чўчитиб юбормасин», дегани эшитилади... Соқоли киши негадир мийиғида кулиб қўя қолади ва ... деразаларида чироқлар ўчган тўққиз қаватли уй томон юради ва... бамисоли сокинлик шаънига бисотидаги бор ҳамду саноларни ўқиб, шукроналар айтган одамдек Шаҳарнинг бетон оёғига сингиб кетади...

### ҲАЛҚА ЙЎЛДАН ҲЎ-Ў НАРИДА

Дарвозани аста юзига ёпдим-да, қоп-қоронғи кўчадан кетавердим... Аллақайдан совуқ шамол эди — этим жунжиқиб кетди... Ҳа, бир неча кунлардан буён, ҳатто, неча ойлардан бери ҳаво иссиқ эди, айниқса, шу кун тун баттарин дим бўлди, кўчага чиқдим со-вуқ шабада эсаётганини илғадим. Беихтиёр шамол эс-

ган тарафга қараб йўл солдим... Йўл ўйдим-чуқур, ҳатто, тойгончоқ эди, бир неча бор йиқилаёздим... Ўшанда, бирдан юрагимга тундек қора ваҳима оралади — ёлғиз йўлга отланганимдан афсусландим... Кейин хаёлга чалғибман, ваҳимани унутиб, жўнайвердим...

Тун ярмидан оққан эди, иссиқдан бўғилиб, фарқ терга ботиб, алаҳлаб уйғондим у бир кўнглим мурти энди сабза ура бошлаган ўғлимни уйғотай, уни ўзимга ҳамроҳ қилай деган хаёлга бордим. Шу ниятда тепасига бордим — ўғлим худди бешикка беланган чақалоқдек маъсум жилмайди — унинг манглайидаги ҳуснбузарига термилиб қолдим — уйғотишга кўзим қиймади... Ширин тушини, оромини бузгим келмади... Бу ёғи — мен билан кетса онаси, синглиси ёлғиз — оиламиз эркаксиз қолишини ўйладим...

Хуллас, жўнадим, кетавердим...

Ҳалқа йўлга етаёзганимдагина йўлим олачипор ёришгандек бўлди, назаримда офтоб чарақлаб турибди-ю, у нурини фақат ҳалқа йўлга сочаётгандек туюлди. Ҳалқа йўлдан изма-из ўтаётган, йўл ёқасида бир қатор тизилиб тўхтаб турган машиналарнинг саноғи йўқ. Гўё қандайдир фалокат содир бўлгану, одамлар елиб-югуриб жароҳатланганларга шошилинич ёрдам кўрсатаётгандек...

Башарти шундай бўлган тақдирда ҳам мен уларга чалғишимнинг — йўлдан қолишимнинг имкон-иложи йўқ эди.

Кетавердим...

Ҳалқа йўлдан ўтиб олсам, у ёғи поёнсиз дала — манзилим кўл чўзса етгудек даражада яқинлашадигандек туюлар, майин ва безавол совуқ шабада димомини қитиқлар — ўзига чорлаётган эди...

Ҳалқа йўлга етганда:

«Тўхта!..»

«Ҳеч ким йўлни кесиб ўтмасин!..»

«Ҳадемай меҳмонлар ўтишади!..»

«Қимир этмай туринглар!..»

Бошқа пайт қулоғимга баралла чалинаётган бу амру фармонларга бўйсуним муқаррар эди. Афсуски, шу топда тўхтаб олмасдим. Мени қандайдир вайриинсо-

ний қудратли куч етаклаб бораётган, мен деч қанақанги тўсиқларга бўйсунмай олға, олға бораверишга маҳкум эдим. Бинобарин, ўтиш жойини истаб ҳалқа йўл ёқалаб нари кетдим.

Йўл куюш ёхуд кучли чироқлар нуридан беҳад чаровон, нурнинг бетон сатҳдан қайтишига кўз қамашар, бу етмагандай шундайига ҳам дим ҳавога қўшилиб йўлдан кишини лоҳас қиларли ҳарорат уфураётган эди...

Бир неча бор ўзимни овсарликка солиб, машиналар орасидан «лип» этиб йўлни кесиб ўтишга уриндим. Уддасидан чиқмадим — тўда-тўда кишилар «ҳой-ҳой»лаб қолишар, тирсагимдан, белимдаги қайишимдан тутиб изимга қайтаришар эди...

Мияга чўғ солингандек бозиллаб қизий бошлади... ичимни мушук тирмалайверди... миямдаги ҳарорат аста-секин мушақларимни, сўнг суяк-суяқларимни қиздира бошлади... Ҳалқа йўлни кесиб ўтмасам шу туришимча лаҳза чўғга айланишим, сўнг «пов» этиб бир ҳовуч кулга айланишим кўзимга кўринди... Йўл ёқасида турганлардан бирини четга тортдим.

— Биродар, менга ҳамроҳ бўлмайсизми?— дедим ўсмоқчилаб.

— Нима? Қандай ҳамроҳ?

— Ҳалқа йўлнинг нариги томонига қор ёғаяпти, ўша ёққа борамиз.

Нотаниш киши кулди.

— Ҳамма не ташвишда-ю, сиз не хаёлдасиз-а?! — деди у зарда қилиб ва жойига қайтди.

Мен тўхтай олмасдим — шунинг учун кетавердим, бошқа бир тўдага дуч келгунча йўл ёқалаб юрдим. Зиёлитабиат киши кўзимга оловдек кўринди. Унга рўпара бўлдим. Юрак ёрдим:

— Биродар, менга ҳамроҳ бўлсангиз?

— Хўш, кейин-чи?

— Биргалшиб йўлни кесиб ўтсак.

— Хўш?

— Ҳу-ув нарида қор ёғаяпти, паға-паға қор...

Зиёлибашара вазмин тортиб, пинагини бузмади:

— Қор ёғаяпти денг? — сўради у.

— Паға-паға қор ёғаяпти!

— Унда сабр қилайлик, машиналар ўтиб кетсин, рухсат тегса — ўйлашиб кўрамиз.

— Ўзингиз ўйлашиб, сабр қилаверинг!

Азбаройи тутоқиб кетганимдан ортиқ гапиролмадим, оёқларим ўзимга бўйсунмай мени ҳалқа йўлга етаклади. Уч, ҳатто, тўрт одим ташлаган ҳам эдимки, кимдир авайлабгина билагимдан тутди, ўтирилиб унинг афтига қарашга улгурмадим — ўзимни йўл ёқасида кўрдим...

— Нега қаноат қилмайсиз, биродар? Кўряпсиз-ку, ҳамма кутяпти. Сиз эса...

Шу чоқ оломон орасидан кимдир луқма ташлади:

— Меҳмонлар тушган машиналар қачон ўтади ўзи?

Мени изимга қайтаришганларидан ранжиганимни ҳам унутиб севинганимдан луқма эгасини излай кетдим: «Ким, ким сўради?.. Савол берган киши қани?..» Бедапояда бедана искаб чопаётган искович итдек оломон орасида жонсарак бўлиб югурияпману ўзимча, «Ҳамроҳ топилди! Ҳамроҳ топилди!..» дея қувончдан юрагим ёрилаёзди.

Топдим. Қирқларни уриб қўйган, қорамғиздан келган, биткўз киши экан. Турқини кўриб ҳафсалам пир бўлганини сездирмай қўлларига ёпишдим:

— Ака, бирга борамиз, бирга!.. Келишдикми?..

— Қаёққа борамиз?.. Нималар деяпсан, ука?!

— Ҳалқа йўлнинг нариги томонига! Меҳмонлар ўтишини кутмай...

Биткўзнинг афти бужмайиб, гапимни чўрт кесди:

— Меҳмонлар ўтиши билан уйимга қайтаман. Ярим тунда йўлнинг нариги ёғида, нима, пишириб қўйибдими?

У киши гапирмаётганди, балки ҳиқилдоримга чанг солиб тўғридан-тўғри мени бўғётган эди... бамисоли шу бутун оломон билан эшик-туйнуксиз тор хонада қолиб кетганимизу одамлардан, деворлардан таралаётган қўланса буғ хонани ёриб юборгудек қисилган, бу иссиқ ва қўланса ис бошқалардан кўра мени беҳад лоҳас қилаётган эди...

Ҳушимдан айрилаётганим элас-элас эсимда... Бикинимдан найза санчиб ерга қапиштириб ташланган-

дек қимир этолмас, кўзларимга ботмон-ботмон тош бостириб қўйилгандек қовоғимни кўтаролмасдим. «Бўлди, — дедим алаимдан тақдирга тан бериб. — Ҳша хонада, Ҳша издиҳомдан бурқсиб кўтарилаётган қўланса буғда мени димлашяпти экан», деб Ҳйладим. ШуҲнда ёнгинамдан, жуда яқин жойдан жонга роҳат бағишлагундек майин шабада эсди. Шу шабада мендаги алам аралаш армонни кўтариб кетгандек бўлди...

Не кўз билан кўрайки, ҳалқа йўлнинг нариги томонида ерпарчин бўлиб, тупроққа қоришиб ётардим!.. Не мўъжиза бу? Кимнинг инояти бу? Кимнинг муруввати?..

Ҳйлаш фурсати эмасди. Оғриқни, ҳалқа йўлнинг нариги ёқасида ҳамон сабр-тоқат қилиб турган гурра-гурра оломонга бир қур кўз ташлашни ҳам унутдим, жўнаб кетдим... кетавердим, кетавердим...

Юрганим сайин аъзои баданимдаги ҳарорат пасая бораётганини, мўътадил ҳолатга қайтаётганини сеза бошладим. Беҳисоб чироқлар чароғон қилган ҳалқа йўлдан тобора олислашавердим. Кетавердим...

Йўл босганим сайин ичим орзиқиб таталайверди — сабрим чидамади, югургим келди-югурдим, оёқларим ерга тегмай қушдек учгим келди — учдим... сўнг... сўнгра!.. Мана!.. Мана!.. Ниҳоят!.. яланглик ёқалаб зич ўсган аддқомат тераклар орасидан ўтдим... оппоқ, паға-паға қор ёғаётганини кўрдим... қор эмас — нур ёғаяпти, нур эмас — момик ёғяпти... Лайлак қор капалақдек учиб-учиб юзимга, кўзимга, лабимга қўниб-қўниб, сўнг ерга тўшалар, оппоқ капалаклар қўнган ерга оёқ босгим келмас, ҳарчанд ўзимни тиймай, парку тўшак ўзига чорлар, мени бағрига тортаётган эди...

Сўнг оппоқ момик деворга кўзим тушди. У пайдарпай, Ҳйнаб-қувнаб эркаланиб ёғаётган қордан бунёд бўлган қордевор эди.

Қордеворни қучгим келди — қучдим, девор пойига юз тубан ётиб қорларга белангим келди — беландим, чалқанча ётгим келди — ётдим, гавдам, юзим — энгил-бошимга оппоқ қор севалайверди... ётавердим...

Оппоқ, кумушдек, садафдек оппоқ борлиқ оғушида зри-иб кетдим... қорни соғинган эдим!..

Вужуд-вужудимдаги совуқ роҳатижон шабадада хавога таралар, ўзим эса қорга айланаётгандим... капалаксимон қор учқунлари янглиғ енгил, беғубор, майин бўлиб қолдим... шуурим, идроким тиниқлашиб, дунёни янада теранроқ идрок эта бошладим. Шунда... сени, сизларни эсладим... Инсоний туйғуларни эркалайдиган бу ажиб гўшани сенсиз, сизларсиз топиб келганимдан надоматлар чекдим. Ахир... ахир... «Юр, юринглар, қор ёваётган жойларга борамиз», десам менга ишонмас эдингиз. «Юрақолинглар, қор тўшакларда ўмбалоқ ошиб, ҳу-у шодумон болалигимизга қайтамиз», десам устимдан кулар эдингизлар..

Ана, куляпсиз. Қорга юзтубан узала тушганим, қор учқунига айланиб кетганларим бачканалик бўлиб туляпти сизларга.

Қорга чўмилгач, оқ-оппоқ нурга белангач, бирам енгил тортдим — на совуқни сездим, на вазнимни! Осмондан ўйнаб-ўйнаб кўнаётган қор учқунларига тармашиб зинапоядан кўтарилгандек фалак сари равона бўлишим мумкинлигини айтсам ишонасизми?..

Лекин мен қордевор ёқалаб тўғрига бораверганимни, ҳадемай қарши қирғоғини кўз илғамас мовий кўлга дуч келганимни айтсам-чи?.. Кўлнинг суви кўз ёшидек тиниқ, унинг тубида гужрон ўйнаётган балиқларнинг ҳисоби йўқ эди. Мен: «Битта балиқ тутаман, шу менга кифоя, битта» деганча сувни чайқатмай кўлга шўнғидим.

Эшитяпсизларми?..

Шўнғидиму, сувўтлар панасида мунчоқдек кўзларини жавдиратиб турган беданабалиқни икки кўллаб тутиб олдим. Шўрлик халос бўлиш умидида типирчиламади ҳам...

Қирғоққа чиқиб қай кўз билан кўрайки, кўлимдаги беданабалиқ эмас, куёнбалиқ экан. Биққа семиз, майин, қордек момиқ, нурдек ёқимли эди куёнбалиқ...

Эшитяпсизларми? Кулманглар, ишонмасангиз ҳам лоақал кулманглар, мазах қилманглар мени. Тасав-

вур қилгандан кўрган минг чандон афзал. Кўрмоқ афзал, етмоқ-етишмоқ афзал... Етишмоқ учун, кўрмоқ учун эса ҳалқа йўлдан кесиб ўтишга қордеворлар пойида узала тушиб ётишга, одамнинг қор учқунига айланиб кетиши мумкинлигига, алҳол мовий кўл тубига шўнғиб қуёнбалиқ тута олишига ишонмоғингиз — ана шу ишончга мубтало бўлмоғингиз керак.

Эшитяпсизларми?..

## САС

Тизгинсиз хаёллар, дийдор кўришишлар, гурунглар, беҳаловатликлар ва яна сўнгсиз «...лар, ...лар»ни КУНДУЗ деб атайсан. Кун уззукун кўзинг, қулоғинг, бурнинг ва ҳатто, оғзинг орқали ичинг КУНДУЗга тўлаверганидан кечга бориб қолдан тоясан...

КУНДУЗ нондек энгил ҳазм бўлади; тошдек бўлиб ичингга ботади; шима-шима тўймайсан, баъзан уни қайт қилиб ташломай жонинг ҳиқилдоғингга тикилади...

Ўқчиб юборасан. Ўқчиш аралаш бўғзингдан «Кетаман!» деган хитоб отилиб чиқади, негадир «Эстонияга бош олиб кетаман!» деб юборасан. Шу чоқ қулоғингга:

— Ўғли-имм!..

— деган сас чалинади, хаёллари бузилган гиёҳванддек чўчиб тушасан ва таъбинг тирриқ бўлиб эшикдериасиз, ҳувиллаган кимсасиз уйдан паноҳ истайсан. Кунботар тарафдаги шапалоқдек ойнаванд дарчадан қонталаш уфқ бўзариб кўринаётганини анча кейин сезасан.

Терак бўйи кўтарилган гулханнинг қизғиш алангаси осмондаги булут уюрларига етай-етай дейди... булутлар жон сақлаш ўрнига чарх уриб тўзиб-қочиб гулхан узра ғужлашади... алангадан дарозроқ икки кўлага беҳад узун паншаха билан булут уюрларини тутиб олиб гулханга итқитади...

«Булутни ёқиб адо қиласанлар! Осмон булутсиз қолади!» дея паншаха тутган кўлагаларга бақирасан, уфқ томон сузиб бораётган булут карвонини йўлдан



қайтармоққа тутинасан — чановидан қайнаб-тошиб  
тўкилаёзган оплоқ пахтадек булутга мингашиб ола-  
сан... Ой сатҳига оёқ қўйгандек вазнсиз бўлиб қола-  
сан, булутнинг жиловидан тутиб атрофга аланглайсан,  
чекчиз-ҳудудсиз осмонда якка-ёлғиз эканлигингдан  
қаттиқ ўкинасан. Шу чоқ:

— Ўғли-имм!..

— деган сас чалинади қуловингга. Сесканиб туша-  
сан, ён-верингга қаранасан, овоз эгасини топгинг, дий-  
дорига тўйгинг келади, лекин устма-уст бостириб ке-  
лаётган ва сени забт этаётган КУНДУЗга бас келмоққа  
тутинасан...

Ўзинг мингашиб олган пахтадек оқ булут гулхан  
тепасига етиб борганини, аланганинг қирмизи тил-  
лари уни ялаб-юлқай бошлаганини кўрасан... пан-  
шахани боши узра гир-гир айлантираётган қўлага-  
ларнинг оёғи олти, қўли етти бўлиб бирови мағриб-  
дан, бошқаси машриқ томондан булут уюрларини  
ҳайдаб-тутиб келаётганига кўзинг тушади... осмонга  
ўт кетаёттандек, ҳадемай осмони фалак, ою қуёш  
аланган оташ комида қоладигандек таҳликага туша-  
сан...

Кўз ўнгинг хиралашади... зулмат пардасини юл-  
қиб-йиртиб ташлашга чоғланасан — ўзингни дарчага  
урасан... пешананг дарча ойнасига бориб урилиб ул-  
гурмай нимадир бўлади-ю, ер онтарилади — битта-ю  
битта дарчаси бўлган, кимсасиз, ҳувиллаган хона чир-  
пирак бўлиб айланади... осмонга талпинаётган аланга  
тилларидан, девсифат кўлагаларнинг оёғи, ё бўлмаса  
паншахасидан тутиб қолмоқ умидида қўлларингни жон  
аччиғида чўзасан, талпинасан... уддасидан чиқмайсан...  
осмон тўла тўфон дарчага ёпирилади... Айвазов-  
ский — «Девятый вал»... баҳри муҳит... писта лўчоқ-  
дек чайқалаётган қайиққа тармашасан... Верешагин —  
«Опиумеды»... ҳаётдан безганлар... дунёни тарк эт-  
гинг келади... жон ширин, яшагинг келади, осмонни  
махв этаётган қоп-қора дуд-бўронга тармашиб юқорига  
ўрмалайсан, ўрмалайверасан... нафасинг қисади, бўғи-  
ласан, қора дуд танангни қоқ косовга айлантриб  
юбормай туриб жон сақлаш учун ўзингни ерга таш-  
лашга чоғланасан... ўн қаватли бино томида бир-бир

қадам ташлаб том лабига яқинлашасан, лип этиб сак-райсану... хазондек учиб-чайқалиб асфальт йўлкага чалқанча тушасан, миянг мажакланиб қатиғи сачраб кетади, кўзинг косасидан отилиб чиқади, бир тўда йўловчи бараварига чинқириб юборади... куласан, гўё бегона кишиларни чўчитишдан ҳузур туйгандек яна дуд-бўронга тармашасан, ўнинчи қават томига чиқасан ва ўзингни яна ерга ташлашга тутинасан. Шу чоқ:

— Ўғли-им!..

— деган сас баногоҳ кўкрагингдан итаради, изингга қайтаради... кўзингни чирт юмиб-очасан, «Ким чақирди? Ким?» дея сўроқлайсан, ён-верингга, орқа-олдингга ўтириласан... нечун ёлғиз эканлигинг боисини билмоқчидек аланглайверасан, бошингни чангаллайсан — бамисоли кўқдан ваҳий кутасан... чўк тушасан... дарчага умидвор термиласан... шилқ этиб бошинг эгилади, пешананг поёндозга тегади, кўзинг юмилади... тушингда ухлаб қоласан...

Қандай бўлмасин, уйқуни енгмоқчи бўласан, кўзингни очмасанг-да, ер қаъридан эшитилаётган зарбага қулоқ тутасан... беихтиёр санайсан, санайверасан... дук-дук, дук-дук, дук-дук... назарингда юрак зарбалари узоққа бормаи тўхтайдигандек туюлади, «тўхтайди, мана, ҳадемай тўхтайди» дейсан, санайсан, «беш, тўрт, уч, икки, бир...» «уч... икки... бир... бир...» Тўхтамаётганидан ҳайратга тушасан, кўксингни захга берасан, яна санашга тушасан «уч, икки, бир... бир... Ҳа, тўхта, тўхтасангчи!» дейсан, дўқ урасан, ялинасан-ёлборасан, рози-ризолик тилайсан. Шу чоқ:

— Ўғли-имм!..

— деган заиф, лекин жуда меҳрибон, жуда майин сас вужудингга мойдек эриб сингийди...кўзингни очасан, бошингни кўтарасан... хона деворлари қулофингга вазмин шипшиган мўйсафиддек сукут сақлайди... уларни кучинг, ўлгинг келади. Пешанангда пайдо бўлган реза-реза тер томчиларини кафтинг билан сидира туриб кўзинг ойнаванд дарчага тушади ва сувратдек қотиб қоласан: бўздек оқара бошлаган осмонда қикирлаб табассум ҳада этаётган юлдузларга термиласан...

Сўнг сўз:

— *Жўнгина топишмоқлар жавобини топа олмаган бўлсангиз ўзингиздан кўринг...*

Ҳазил

— *Тушингизни сувга эмас, одамларга айтинг...*

Беҳазил

1986—1987 йиллар.

## КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАГИ УЙ

Фира-шира қоронғида тошойна рўпарасига келсанг кўзингнинг оқи симоб томчисидай йилтираб диққатингни тортади, фақат унга узоқ термилиб қаролмайсан, эътиборинг зум ўтмай қорачиқларга кўчади. Нигоҳингни «тутиб» олган қорачиқлардан осонликча халос бўлолмайсан, термиласан, термиласан... шунда мошдан-да чоғроқ қорачиқларинг катталаша-катталаша тошойна сатҳини қоплай боради, тошойна сатҳидан ошиб деворни эгаллайди, яна-янаям катталашади, ана шунда қорачиқлар ўз-ўзидан эмас, балки ўзинг тобора уларнинг ичига кириб бораётганинг боис катталашаётганини сезасан.

Икки кўзинг қорачиғи икки қоронғи хонага айланади. Беихтиёр қўл чўзиб чироқни ёқиш ва қўш хонани чароғон қилишга унналасан...

...Шундай қилдим, лекин қўл чўздиму, худди токка уланган сим очиклигини туйқус пайқаб қолган одамдек сапчиб тушдим. Тутқич бермас ўйлар хаёлни олиб қочди: «Чироқ ёқилса товуш чиқадими?.. Жилла курси, «чиққ» этган товуш эшитилади, демак, сукунат бузилади. Бу етмагандай, қорин ўлардай оч — очликдан силласи қуриган одамни чироқни чароғон нури ҳам, нотаниш уйнинг ҳашаматли жиҳози ҳам калака қилаётгандай туюлади, зеро, қоронғилик ва тинч-осойишталик айни муддао: зим-зиё тун, оч қорин, мутлақ сокинлик?..»

Хонадон Соҳиби ва Соҳибаси айни шундай сокинликни орзу қилишар эди. Улар тунда ҳам ҳаловат йўқлигидан нолиб қолишар, мен эса ҳамдардлик изҳори сифатида бош чайқашдан бошқага ярамас, осмон-

дан бир-бирини қувалашгандек учоқлар ўтгани сайин, деразадан кўриниб турадиган темир йўлдан узундан-узун поездлар «тақа-туқ»лаб карвон тортгани сайин, уйни гир айлантириб ўраган йўлда одоғи кўринмас машиналар шовқини авжига миनावергани сайин — болаларнинг қийқириги, кўни-кўшнининг бақир-чақири, телефон жиринги, эшик кўнғироғи, кўнғироқ қолиб тақиллатиб келишлар — булар забтига олгани сайин Соҳиб узун бўйинини ориқ елкалари орасига тортиб қовоғи уюлар, Соҳиба эса бошини рўмол билан танғиб олиб, йўлакда у ёқдан бу ёққа юринишга тушар, бир-бирига фавқулодда садоқатли бу ғалати эр-хотиннинг жонига оро кириш умидида уларга: «Қоқ марказда яшашни чидаганга чиқарган, шовқинга кўни-киш керак, вассалом», дея мутойиба аралаш танбеҳ берган бўлар эдим.

— Биз қониқмаймиз, — деб тўнғиллар эди Соҳиб норозилигини яширмай кўнғидагини айта олаётганидан ўзида мамнулик сезиб.

— Лоақал кўника олмаётганимизни изҳор қилолмаётганимиз алам қилади, — деб йўлакдан луқма ташлар эди Соҳиба эрига ҳурмат юзасидан майин овозда.

— Биров силарни қоқ марказда яшашга мажбур қилдимиз? Марказга марказнинг инжиқликларига чидаганлар яқинлашади! Ёки биров оёқларингдан боғлаб қўйганми, шу ерга?! Қоқ марказда яшаяпсиларми, чидаганлар-да! Кўникинлар!.. — дедим бир куни хунобим тошиб, сўнг билса ҳазил, билмаса чин қабилида гапирдим: — Мана, ўзимдан қиёс. Шовқин экану, масалан, мени кўза ичига ташлаб қўйишса, кўза шаклига кириб оламан-да, яшайвераман. Ер ёнроқ бор-ку, ер ёнроқ! Ўшанинг ичига сиғдириб жойлаб қўйишсин, ер ёнроқ шаклига кириб-кўникиб роҳат қилиб яшамаган номард!

Соҳиб тасавурида мени ярим палла ер ёнроқ пўчоғига «беланган» алфозда кўз олдига келтирди шекилли, орзини очмай, елкаларини силкита-силкита кулди.

— Биз ожиз одамлармиз, сиздек буюк муросачи бўлишга иродамиз етмайди, — деди сўнгра тўсатдан жиддий тортиб.

Уларнинг шу аҳволда яшаётганига худди мен айбдордек зарда ва пичинг аралаш қошини чимириб гапириши оғир ботса-да, тилимнинг учидаги таъналарни тўкиб солмадим. Ахир, мутлақ сукунат қаерда бор?! Очиқ мозорда яшамайпсану, олам сув қуйгандек жимжит бўлса!.. Шовқин-сурон, бақир-чақир тириклик аломати эмасми?!

Мана, энди, «тиқ» этган товуш йўқ, бу икки хонани эмас, балки ўн уч қаватли улкан оқ бинони чўлу биебоннинг қоқ ўртасига кўчириб олиб бориб қўйишгандек атроф жимжит. Жимликнинг сирини ҳайрат аралаш англашга уриняпману, «Соҳиб ва Соҳиба орзусидаги сокинлик шу эмасмиди? Наҳотки, уларнинг орзусидаги осойишталик бўлак бўлса?» деган савол миямда гужгон ўйнайверди.

Ҳаёт бор, яъни одамлар нафас олиб, кун кечириб турган жойда бу қадар осойишталик ҳар қандай эсли одамни ҳайратга солиши тайин. Анча наридан пиёда келдим, унга яқинлашганим сайин чуқур кўл тубига сингиб кетаётгандек бўлаётганимни дарҳол пайқаман эканман. Бутун шаҳар уйқуда, ҳатто, одатдагидек яккам-дуккам чироғи ўчмаган деразалар ҳам кўринмади. Шаҳар марказида кўзга сийрак ташланадиган юлдузлар бир-бир тўкилиб қоронғи деразаларга сингиб сўнгандек осмон ҳам зимистон.

Ёнгинамдан ўтаётган мошиналар сувда оҳиста елиб бораётган қайиқ янглиғ сассиз-несиз. Мутлақ осойишталик шаҳрига мос моторсиз машиналар яратилгандир, ҳойнаҳой?.. Йўллар мутлақ равонлашгандир?.. Ё, ҳайдовчилар шу қадар назокатли одамлар этиб тарбияланишганмикан?..

Уйга беш-ўн қадам қолганда йўлимни бадмаст кимса тўсди. Ия, шундай осойишта шаҳарга бадмаст нусха қаердан кел қолди?.. У афтимга безрайиб ниманидир сўради, сўрамади, пўнғиллади. «Ўдағайлаяптими?» деб мушгим тугилди. Сўнг, ё, алҳазар, алжиётган кимсанинг товуши чиқмаётганини сезиб қолдим. Машина шовқинсиз юрса, одамлар овоз чиқармай ўдағайласа...

Маст одам ҳеч вақо тополмагач, тилини газак ўрнида ютиб юборган бўлса бордир, лекин лифт-чи? Лифт ўн учинчи қаватга кўтарилгунга қадар «тарақ-туруқ»,

«ратир-футур»лайвериб кўнгилини беҳузур қилиб юборар эди, бу сафар, ошиқ-мошиғи янги мойланган, келинчак тушган уй эшиги сингари овозсиз-несиз... жим, жим, жим.

Соҳиб ва Соҳиба адоқсиз шовқин-сурондан безиб шаҳардан бош олиб кетишди, энди эса ҳувиллаб қолган бу кимсасиз уйнинг чироғини ёқадиган зор йўқ, мен онда-сонда кўнгили тортиб-юрак ютиб келаман, ҳар сафар уйга яқинлашганимда руҳимда бир парокандалик, ўзимга ва яна аллакимларга нафрат бош кўтаради, тирик ва жонли ҳаёт учун табиий бўлган шовқинга дош беролмаган, ўз ибораси билан айтганда «буюк муросачи» бўлмоқ учун ўзида бардош тополмаган Соҳиб ва Соҳиба билан юзма-юз суҳбатта шайлангандек бўламан — ичкарига кираман, инглизча қулф совуққина «ширқ» этади, эшик ёпилади. Бугун эса... қулф шиқирламади, эшик оҳиста ёпилди ва бирдан юрагимга ваҳим оралаб, остонада манглаймни кесакига босганча уф тортиб юбордим, уф-ф!..

Фақат... тиланчининг қопчиғидек кенггина ён киссамни пайпаслаб топган калитим му-уздай — худди киш бўйи қор остида занглаб ётган темирдек қўлимга чиппа ёпишганидан эгим жунжикиб кетди. Бармоқларим учи бозиллаган дазмолга теккандек жазиллаб ачишди.

Юраксиз машиналарнинг шовқинсиз юраётганига, маст-аласт кимсалар товуш чиқармай ўдағайлашга одатланганига, лифтнинг ўн учинчи қаватга «чурқ» этмай кўтарилишига қарши калитнинг пинҳона норозилиги эдими, бу?..

Пешанамни ҳамон эшик кесакисидан узмай ўй ўйламасликка уриниб калитга ачинганимча туриб қолдим. (Қулфларини очмай-ёпмай қўйган — қулфи-дили очилмаётган калитларга ачинишдан ортиқроқ эзгулик борми?!) Бу алфозда ҳаёл суриб бўлмайдди. Ўйламайман, «Бор-е, дунёи кўтир!» дейману, мутлақо ўй ўйламасликка одатланаман (танаси ер ёнроқ пўчоғининг шаклига мослашадиган муросачи кимса фикрламасликка одатланиши мушкул эмас!). Айниқса, тун, сокинлик, қорин пиёзнинг пўсти, ҳамён очлик бобида қорин билан ёқалашса-ёқалашгудек бир аҳволда

уйлашни ким қўйибди менга?! Ҳеч зор музламас калитдан бошқа...

Калит иорози бўлмайди, музламайди, йиғламайди. Қулфни отади, холос.

Мана, эшикни очдим, қорачиқларим янглиғ қоронғи уйга кирдим. Чироқни ёқмайман, қорним очлиги ундан нарига, ортиқча ўй-хаёллардан қутилмоқ учун қўл-оёқ бирон юмуш билан машғул бўлмоғи дуруст. Бинобарин, ошхонага ўтиб милтираб, қарийб ёруғлик таратмай элас-элас ёнаётган газ оловини кўрдим — «Соҳиб ва Соҳибанинг чироғи сўниб қолаёзибди!» деган хавотир хаёлимни тилиб ўтди ва «Чой қайнатаман!» деган қарорга келиб, милтираган оловдан ўзини четта тортиб турган чойгумнинг қошқоғини кўтардим. Сув чўмични икки дафъа пақирга ботирдим, чойгумни сувга тўлдирдим на сувдан, на-да сирланган чойгумдан садо чиқди!

Сувга лиммо-лим тўла чойгум жим, хона жим, осмон жим, кўча-кўй жим, бу қандай бахт! — инсон орзиқиб соғинадиган сокинлик. О-оч зангори олов бир маромда ёнапти. Аланганинг тиллари дамба-дам учидан қурий бошлаган кузги япроқ сингари сарғаяди-кўкаради, сарғаяди-кўкаради... сукунат оромини бузиб қўйишдан хижолатланаётгандек базўр ёнаётган оловга тикилиб кўз тинади. Чойгум эса остида товланиб-тусланиб ёнаётган оловга беписанд қимир этмайди. Унинг биқинига туширилган қўшалоқ бинафшагул заиф олов шуғласида элас-элас тебранади.

Афтидан бу ҳолат сира-сира ўзгармайдигандек, яъни тун, сокинлик, осойишталик, оловнинг заифлигига беписанд чойгум — ҳамма-ҳаммаси бимисоли сурат каби ўзгаришсиз кўзга ташланади. Фақат... фақат... шовқинсиз-несиз ўтаётган фурсат оқимини илғаш, идрок этиш қийин. Мутлақ сокинлик тантана қилса вақт тўхтайди, вақт тўхтаган жойда фикр жойидан жилмай тураверади.

Мутлақ сукунат исканжаси авж олгани сайин шуур беҳаловатликни-шовқинни кўмсайди. Бундай пайтда «қилт» этган эпкин япроқни тебратгани каби энг арзимас шовқин ҳам ўй-хаёлга куч беради.

Эътибор қилганмисиз, чойгум тула сув қизигани сайин хилма-хил нағмалар шовқин сифатида сокинлашган, уйқусираган шуурга жон бағишлайди. Бамисоли ақл-идроқда қотаёзган хаёл калавасининг учи чойгумдаги сувга ташлангану, сувнинг ҳарорати ортгани сайин ўй-хаёл тушовини узган тойчоқдек яйраб-ғижинглаб югуради.

Чойгум шириллайди — тасаввурда қиш тонги, биринчи қор манзараси... Қалин қор ёғишини кутишга сабри етмаган болакай чанасини судраб кўчага чиқди. Чана чанғиси қор устида шовқинсиз сирғалади, қор юқиб улгурмаган жойдан ўтаётганда «чикқ... чикқ»лаб нағма чалади.

Чана етаклаган бола дераза остидан узоқлашади. Сукунат. Зум ўтмай бошқа бир болакай чана судраб чиқди. Яна «сирғ... сирғ-чирғ». Яна жимлик. Тун, чойгум, олов ўзаро аҳдлашиб олгандек бир-бировига озор етказмайди. Ҳу-у наридан болалар шовқини қулоққа чалинди. Чуғур-чуғур кучайди. Ҳар болакай ўз чанасини судраган. Чаналар чанғиси қорга, тош йўлга заиф ишқаланади... Чаналар-да, нимадир дегиси келади, бўлак сас бўлмагач, «сирғ-чирғ»дан-да улкан маънолар топиладиганга ўхшайди.

Болалар зумда ўтиб кетди, зумда яна сукунат чўқди. Фақат кимдир электр аррада тахта тилишга тушди. Арраҳона хийла узоқда шекилли, тахтани тилганда чиқадиган шовқин ҳавода эшилиб, буралиб, чўзилиб аранг етиб келмоқда...

Арраҳонани кўчириб яқинроққа келтиришди, арра нағмаси баралла эшитила бошлади. Ходанинг серкўз жойига етдими, аррага зўр келди... Арра чиранди, зўриқди — нола чекиб юборди... Туйқус арраҳона анҳорга чўқди чоғи шовқиннинг уни ўчди, бироқ ҳаводаги шовқиннинг акс садоси таралиб улгурмай арраҳона сув бетига қалқиб чиқди ва яна бояғи-бояғи забт билан кучоқ етмас ходани арралашда давом этди. Бу сафар ходани тилкалаш узоқ давом этмади, ходани тахта-тахта қилиб тилиб ташлашди шекилли, ўрнига мрамар харсанг ўрнатишди. Арра бояғидан ўн, юз чандон зўриқди, чираниб, фиғон чекиб мрамар харсангни мрамар тахталарга айлантира бошлади.



Арра кучанди, мрамр тилкалангиси келмай зўр бериб қаршилиқ кўрсатади, тепадан тинимсиз совуқ сув жилдирашиб қўйилади... аррадан, унга қўшилиб мрамр харсангдан ачимсиқ ҳовур кўтарилади... арра тобора шафқатсизлашади... қайтиб сокинлик бўлмайдигандек қулоқ қоматта келади. «Арра нола чекиб юборди!» дейди бир кўнгил, «Дарахт танасининг фарёди», дейди тушмагур бошқа кўнгил...

Аҳвол ўзгарармикан деган ўйда чойгумнинг тумшугини ўнг ёққа бурдим, сўнг, девор томонга ўтирдим — қаёқда! — арра мрамрни тилкалашдан бирор сония тўхтамади, аксинча — зўрайди... арраҳонани суриб-суриб уй томон яқинлаштиришаётган эди.

Шовқиннинг уини ўчиришнинг бирдан-бир чораси чойгумни ўт устидан нарига суриб қўйиш ёки оловни ўчириш, акс ҳолда ҳамон мақсад чой қайнатиш экан, чойгумнинг ҳолатини ҳарчанд ўзгартирмай қулоғимга қадалган ва лаҳза сайин турли октаваларда оламни бошига кўтараётган шовқинни тинчитишнинг иложи йўқ эди.

Нима қилмоқ керак? Оч қоринга чой ичишдан воз кечайми ёхуд сероҳанг ва турфа шовқинларга кўникайми?.. Мен бу ерда яшамайман-ку!.. Наҳотки, қаёқдаги тайин-нотайин товушлар ва шовқинларни пурмаъно оҳанглар каби севиб қолсам, бора-бора Соҳиб ва Соҳиба сингари серзарда, ичи тор кимсаларга айланиб, бетоқатлик касалигига йўлиқсам?..

Шу хаёлга боргунимга қадар қанча вақт ўйга толдим — беҳабарман. Сукунат ҳушимни жойига келтирди. Арранинг уни ўчди...

Оромбахш ҳаловат. Ҳаловат... куй... нола...

Тўрт-беш хонадон наридаги қўшни ҳовли, сўрида кимдир рубоб чертишни машқ қиляпти. У рубобни бир муддат тинғирлатди, кўнглига урди, чолғуни қўйиб радионинг қулоғини буради... Бўйи етган қиз босинқираб ингради, гўлдиради. Афсуски, унинг сўзларини англаб бўлмади... Уч қир наридан хонанданинг гулдирок ва шу гулдирашга ярашган майин, жозибали ноласи эшитилди. Қўшиқ авжига чиқди, нола ўркач-ўркач қирларни елдек ошиб ўтиб оқиб келаверди... Қуюқ майса қоплаган қирлар янглиғ паст-баланд қошлар...

Ёш боланикига ўхшаш қуралай кўзлар... паст-балаңд қошлар... Паваротти!..

Тотли уйқу элтган қиз чўчиб уйғонди. Яқин жойдан мурғак, ёлғиз қизнинг ибo тўла «Уёлама-ан», деган нолиши эшитилди. Қалин эшик зум очилиб ёпилди — шу очилиш-ёпилиши орасида ичкаридан «Ҳаё» сўзи тапқарига чиқиб қутилди, холос. «Уёламан»... «Ҳаё»... Эшитяпсизми, «Уёламан»... «Ҳаё»... Қаранг, ҳайрат тўла боқиш, бежирим ва чиройли гунча янглиғ жуфтланган лаблар...

Эшик қайтиб очилмади... дераза остига келиб ўтирган бола майса найчани пуфлашга тушди. Оламни қуруқ, чийилдоқ овоз босди...

Тош йўлдаги йўлқадан ўтаётган юк машина лойга ботди. У осонгина ўтиб кетиш илинжида енгилгина газ босди. Филдирак гувилаб жойида айланди. Ҳайдовчи газни босди — юк машинаси оғир кўзғалиб силтаниб кўчани бошига кўтарганча ўкириб ён-атрофга лой-сув сачратди. Беҳуда! Залворли филдирак чирилаб айланаверди, айланаверди ва беҳосдан қисирлаб кетди... машина филдираги эмас, чархпалакми-шойи ипакни ғалтакка ўраётган тикувчининг чархими... бир маромда «ғув-ғув»лаб айлана кетди. «Ғув-ғув» орасига дамодам арранинг, лойга тикилган машинанинг шовқини кўшилди, энди чойгумнинг ҳолатини ўзгартиришдан наф йўқ — сукунат унутилган, унинг ўрнини турфа хил ва муттасил ўзгарувчан, аниқ-ноаниқ шовқинлар эгаллаган эди. Зеро, чархпалакнинг ғичири, чархнинг мусичанинг сайрашига ҳамоҳанг «ку-кув»и тиниб, қор босган бепоеън яланглиқда шамолнинг сарсон изғиши эшитилди. Қаттол дев зир қақшатиб шамолни қувламоқда, шамол ўкирди, чўзиб-чўзиб ув тортди. Ёвуз дев қува-қува уни тутиб олди, остига босиб, эзғилаб савалашга тушди, шамол жон ҳолатда типирчилади, ўзини ерга урди. Ниҳоят, унинг зори Худога етди — ёвуз дев ҳолдан тойиб, ғойиб бўлди, шамолнинг оҳи пасайди, кафтдек юпқа тахталардан ун мисоли беозор-бесас эланаётган қириңди шамолнинг моматалоқ ва қонта-лаш жойларига малҳамдек сепилди. Қириңди эланиши шамолда ёғаётган қор каби тезлашди. Шовқин йўқ, майин, жуда-жуда майин, беозор сас субҳи содиқ эп-

кинидек, кулоқни сийпалаётгандек... «Як-40» пахламоқда... «Як-40»лар қатор-қаторлашиб ерга қўниш илинжида шўнғимоқда. «Як»лар нега парвоз қилмайдилар?.. Ҳамма-ҳаммаси шўнғимоқда. Ер сари пасаймоқда, пасаймоқда. Бепоён осмонда парвоз этиб юрган «Як»лар қўниш тарадудиди. Юрак шувиллайди... Ҳадемай қовоз қушчадек е-енгил учоқнинг оёғи дўқирлаб ерга тегди. Ана, қо-озир, мана... Шу пайт учоқлар бойиб бўлди, ўрнига ўрин мана шу қоп-қоронғи хонадек улкан, баҳайбат бочкага шариллаб сув қуйила бошлади. Бочка шиддат билан сувга тўлаверди. Ҳадемай бочка сувга тўлади, сув ундан ошиб-тошиб... чойгум, газхона, уй ва кўча-кўйга қўшиб мени сув босади!.. Қорачиқ ичидаги уйлар сув остида қолади...

Узоқдан шовуллаб-қалдираб-шарқираб яқинлашаётган тўлқиннинг шиддати бутун дунёни ағдар-тўнтар қилиш даъвосида ҳеч бир тўсиқни писанд этмай айқириб келаверди. Лаҳза сайин ерга яқинлашаётган учоқлар «Як-40» эмас, лиқ тўлатиб юклар ортилган «Ил-85»лар экан — азбаройи дунёни қиёмат кўпди!..

Чойгум оёғи куйган товукдек «қа-қо»лади, ирғиб тушаётгандек кўринса-да, жойидан жилмади.

Сув бочкадан тошиб чиқа бошлади.

Кўча сувга тўлди. Оқим селга айланди. Қутирди, телба бир шиддат билан дарвозага уриди. Дарвоза табақалари қарсиллади. Ошиқ-мошиқлар беўхшов гичирлади. Жим!.. Жим... Сукунат. Шовқин ва осойишталик.

Жойснинг назарида «кўча шовқини — худо» бўлса бордир, лекин одамзод кечмиши, ўтмиши эмасми, шовқин? Тарих — шовқинлар ўзгариши, узилиши, такроридан иборат... Чақалоқнинг тамшаниши, соатнинг безбетларча ва шафқатсизларча чириллаши — шовқин, фикр — шовқиннинг уруғи, қолган барча-барчаси шовқиннинг ўзи!..

Шовқинга кулоқ тутишдан муҳимроқ ва мароқлироқ нима бор?!

Дарвоза тавақалари синиб тушгудек силкинди. Бориб очиб юборишдан ўзга чора йўқ. Сув тинимсиз қатрига тортмоқда.

Чойгумга қўл теккизиб бўлмайди. Бочка сув остида

кўринмай кетди, кўча-кўй сел остида қолмоқда. Дарвоза ҳовли томон қийшайиб ағанайдиган важдатда лопиллади. Сув остида қолган ўнлаб одамлар жон аччиғида дарвозани гурсиллатишмоқда. Сувнинг муштлари оғримагани!.. Дарвозанинг бир-биридан залворли тавақаларини тутиб турган пўлат ошиқ-мошиқлар жойидан суғурилиб чиққудек шарақлади...

Дарвоза ваҳимаси тиниб, ўрнига яна арраҳона пайдо бўлди: мармар харсанг сариеғ ип тортиб нимталангандек осонлик билан ҳеч қандай қаршиликсиз зўриқишсиз кесила бошланди. Мармар харсангнинг кепаги майин қор мисол беозор эланаверди. Сув биқирлади, шақиллади. Тонгта қадар бошпана излаган шовқин ниҳоят хумордан чиқар манзилени топди — кўча тўла лиммо-лим сув остидан ўт ёқилгандек қизигандан-қизиди...

Соҳиб ва Соҳибани соғинган зим-зиё тун оғушидаги оғир хаёлларга толган кимсасиз уйда чой қайнади!..

1993 йил.

## МЕҲМОН

Чаккамдаги қуюқ соч орасида алланарса ғимирлади. Ҳар оқшом хонамда пайдо бўлиб хиралик қиладиган чивинга ўхшамади, «трикк» этиб деворга, столим устидаги қоғозга, кифтимга қўнадиган нўхатнусха, ўзи-ям нўхатдек қаттиқ қўнғизча ҳам эмас. Кечаю кундуз сукунат оғушидаги хонамга қадам ранжида қиладиганлар орасида ўзи жимжилоқдан чоғроқ, қаноти қизғиш суварак бор — ташриф буюришга буюради-ю, мени пайқади дегунча аzza-баzza физиллаганича жуфтакни ростлайди. Демак, сочларим орасида ғимирлаётган жондор у ҳам эмас.

Ўрнимдан туриб, девордаги тошойна рўпарасига бордим. Чаккамга қарадим. Қимир этган жон кўринмади. Кутдим. Жондорга шикаст етказиб қўймай деган хавотирда бармоқларимни ёки тароқни ишга солмадим. Яна кутдим. Бир оздан сўнг жондорга жон кирди. Шундагина қадам олишидан танидим — кимсасиз ва доимо осойишта хонамга танда қўйган ўргимчак!

Унинг хонамда қай пайт ва қай тарзда пайдо бўли-  
шини сезмай қоламан. Аксари шифтдан чилвир тўқиб  
тушаётган бўлади. Илк сафар танишган чоғимиз унга  
бехосдан кўзим тушган.

Хаёл оғушида туйқус бошимни кўтариб қарасам  
манглайимдан икки энлик нарида муаллақ турибди.  
Бейхтиёр бошимни силтаб орқага тортидим. Ҳосил  
бўлган кескин ҳаракат тўлқинида у тебраниб кетди.  
Шундагина у кўз илғамас қил арғамчига тармашиб  
турганини пайқадим. Ўзи мощдек, сарғиш-қорамтир,  
тўрт жуфт оёқчаси ола-була, икки жуфт қўлчаси оёқла-  
ридан кўра нафис, сарғиш.

Ўргимчак оч-наҳор кезлари тоши енгиллиги боис  
чилвирни нафис эшади, ўлжани паққос тушириб қор-  
ни қаппайган маҳал эса вазни оғирлашади, чилвирни  
шунга яраша пухтароқ эшади. Бироқ бу сафар, мана...  
қафасга илиниб жон таслим қилаётгандек жон аччи-  
гида типирчилаяпти.

Эссизгина, сочимни калтароқ қилиб қайчилатган  
бўлганимда ўргимчак бу қадар азобга қолмас эди. Нима  
қилиш керак, қандай ёрдам берсам экан?.. Қулоқ то-  
мон юрса соч исқанжасидан тезроқ қутиларди-я!..

Шу хаёлда кўрсаткич бармоғимнинг у-учи билан  
авайлаб йўлга солишга уриндим — ўргимчак гўжанак  
бўлиб, яна сочларим қаърига чўкиб кетди. Бошимга  
қандай қўнган бўлса шундайига қайтиб кетади, деган  
ўйда уни ўз ҳолига қўйишдан ўзга чорам қолмади.  
Сабр қилдим. Тошойнадан кўз узмай туравердим. Ни-  
ҳоят, ўргимчак хавф-хатар йўқлигига ишонч ҳосил  
қилди-да, чакка сочларим орасидан бошимнинг ўрта-  
си томон ўрмалай бошлади. У жуда олис йўлни танла-  
ган эди, йўлсизликдан машаққат чекаётганини, бири-  
биридан заиф оёқ-қўлчаларининг ҳаракати зое кета-  
ётганини кўриб-кузатиб туравердим.

Шўрлик, ўзи жуда беозор. Кунда-кунора ҳузурим-  
га ташриф буюради, хонамни эринмай, ошиқмай об-  
дон айланади, ҳеч ерга гард юқтирмайди, хайр-хўшни  
насия қилиб юйиб бўлади.

Гоҳо ёзув-чизувни бас қилиб, меҳмоннинг қадам  
олишига маҳлиё бўламан. Қадамни санайман. Саккиз  
оёқли жондорнинг қадамни санашдан адашиб кета-

вериб, охири кулиб юбораман. Куламану, ўргимчакнинг тўсиқ ва дунгликлардан заррача қийинчиликсиз ўтишига ҳавасим келади. Шумлигим тутиб қаламни ўргимчакнинг йўлига кўндаланг ташлайман. У бундай тўсиқларни писанга қилмайди, тўрт жуфт оёқ учун уч-тўрт қадамни ортиқроқ ташлаш чўт эмас.

Ўргимчак жонлини жонсиздан зумда фарқлайди. Йўлига қаламни эмас, бармоғимни тўсиқ қилсам бир муддат жонсиз тугунга айланади, шундай пайтда қўрқувдан озор чекаёттандир, деган андишада тепасига энгашиб қулоқ тутаман, йўк, ўргимчакнинг юрак зарбалари қулоққа чалинмайди. Чалинмаса-да, йиғинчоқ бўлиб олган оёқ толаларининг элас-элас дирдирашини кўриб, жимитгина жондорнинг жажжигина жонига жабр етказганимдан беҳад хижолат чекаман. Ким билсин, ҳойнаҳой, болажонларига ризқ излаб юргандир? Хос хонамдан бирор емиш топгандир?..

Жондордир-махлуқдир, умид билан келган жойидан қуруқ қайтмасин-да. Шом қоронғисида кириб келадиган чивиндан хижолатлик ерим йўк, у баданимнинг истаган жойига нишини суқади, оппоқ халта қорни қизариб қашайтунига қадар қонимни сўради, оғирлашиб кетганидан базўр учиб, деворга ёки дераза раҳига қўниб, узоқ дам олади, лаб-лунжини арта-арта ташқарига учади-кетади. Суварак ҳам шу — увоқ-пувоқ топади. Ўргимчак эса... ана, ниҳоят, қимирлаган қир ошади — адашган меҳмон минг бир уқубатда бошимнинг тепасидаги чойнакнинг оғзидай кенгликдаги сайхонлик томон яқинлашди. Суюндим, яхшиям, сочимнинг шу жойи сийраклаша бошлагани!.. Ишқилиб, шифтдан тўқиб тушган чилвирининг учини топса, эсон-омон бошимни тарк этса, нима бўлганда ҳам ўйнаб-кулиб келган меҳмон ўз оёғи билан юриб чиқиб кетса хотиржам тортаман. Акс ҳолда хонамда қадам босишга чўчийман, китоб-дафтарларим жойини ўзгартирмайман, тортмага қўл суқмайман. Қисилиб-нетса, оёқ остида қолса!..

Ана, ўргимчак сайхонлик бўйлаб тезликни оширди, қадамлари жадаллашгани сезиляпти, ҳозир аргамчисини топади, унга тармашади-да, фазога кўтарилган

учоқдек бошимни тарк этади, мен... не кўз билан кўрай-ки, ўргимчак арғамчисини тополмади шекилли, катта тезликда югуриб келиб сочларим орасига кириб кетди. Кўзимни чирт юмиб, очдим. Ўргимчак шошиб қолди, у шиддат билан қулоғимга яқинлашди. Қулоғимни беркитиш ниятида жон ҳолатда бармоғимни чўздим. Афсуски, кечикдим. Ўргимчак қулоғимга кириб димиқиб қолиши мумкинлигидан хавотирланиб улгурмасидан миямнинг и-ичида нимадир гимирлади. Кўзимни чирт юмдим, ҳушимни йиғиб улгурмай миямнинг ичида зир югураётган жондорнинг нималигини тушуниб етдим. Шўрлик, қаерга кириб қолганини тушунолмай жон талвасасида миямнинг дуч келган жин кўчасига ўзини ураверди, мен эса унинг сим-сим зимистонда адашиб-нетиб қолиб кетишини ўйлаб юрагим увишди. Икки қўллаб бошимни чангалладим. Миямнинг ичидаги қадам товушлари тинди. Кутдим. Бир пайт қандайдир куч ўнг кўзимнинг қовоғини ичидан туртиб, очишга уннала бошлади. Тушунолмадим. Кўзимни янаям қаттиқроқ юмиб тасаввуримни тиниқлаштиришга уриндим, шу пайт кипригимнинг бир чеккаси кўтарилиб, ҳозиргина миямнинг тор кўчаларида зир югураётган ўргимчак кўринди. Бирдан енгил тортидим, ҳушимни йиғдим, чехрам очилиб, меҳмонга қарадим — кўзимнинг оқу-қорасидан ситилиб чиққан таниш ўргимчак кўз нурим толасидан арғамчи эшиб, пастта осили-иб туша бошлади...

1997 йил.

## ЎЗИМ

Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди, лекин мени тушунмагани учун бировни айблашим ҳам галати. «Кап-катта эркак бўлиб қолдинг, рўзгорингни ўзинг уйдала», деган онамни мени тушунмаганликда айблашдан кўра, ўзим онамни тушуниш эпини топсам-чи!.. Ахир, қачонгача онамнинг этагига биқинаман?! Тағин, куп-қуруқ қўймадилар — кўрпа-ёстигимни қўлимга тутқаздилар, «Бошинг тошдан бўлсин, болам!» деб дуо қилдилар.

Боши тошдан бўлган бола кўрганини кўраверади, аммо...

Мушаклари кўпчиган йигит бошига битта кўрпа-ёстиқни кўтариб юриши малолми?.. Нар и борса, бир қучоқ пахта, беш қулоч астар-авра. Йўл юрсам-да, мўл юришни гарданга олиб, ке-етдим!.. Кўрпа омон бўлса йигит киши кўчада қолмайди, аммо-лекин... Фақат андек шошган кўринаман, уйдан чиқаётиб кўрпани пишиқлаб ўраб-чирмаб олмаганимни-чи!.. Онам бояқиш чўғдай қизил бахмал ёстиқ, майда жийда гулли оппоқ чойшаб бердилар, ҳаммасини кўрпа орасига уйкалабману бошимга қўйиб кўчага чиқаверибман...

Аввалига бинойидек кетаётган эдим, туйқус чойшабнинг бир учи осилиб тушиб қулоғимга довр ёпиб қўйди, кетаётган жойимда уни кўрпа қатига қистирдим. Аслида орасига ёстиқ ўралган кўрпани кўтаришдан ғурбат нарса йўқ экан.

Одамлар бошига бир иш тушса хаёлан ўша ишдан қутила олмайди, ваҳоланки, ундан қутилиш чора-тадбирини излаш тўғрроқ. Шундай дедиму, ўзим ҳам ҳамма қатори хом сут эмганларнинг бириман-да, кўрпа-ёстиқни эплаб кўтариш ташвишидан ортмай қолдим. Керакли тош-да!.. Кетавердим. Ҳар қалай кўрпасиз йигитдан кўра кўрпали йигитнинг одамлар орасида бош кўтариб юриши осон экан. Шу юришда қоқилмасам, одам танисам, ўзимни тушунган одамларни топсам, қад ростлаб кетаман-а!.. Фақат... хаёл билан бўлиб кўрпани бошимга қўйганимни, сўнг елкамга, сўнг яна бошимга кўтараётганимни сезиб қолдим. Намунча!.. Ўзим уялиб кетдим. Тария, битта-яримтаси кузатиб келаётган бўлса-я!.. Битта кўрпа-ёстиқни эплаб кўтараётган давангирдай йигит... Ҳар нарса бўлгани яхши-я!..

Бошимга қўйсам сирғалиб тушяпти, елкамга қўйсам гарданим увишиб қоляпти, қўлтиқласам, савил қолгур, қўлтиқда сирғайди.

Шунчалигини билганимда кичикроқ кўрпа олардиму, кичик кўрпа кичик-да, кунингта ярамаса кўрпанинг кўрпалиги қоладими?!

Ўйлай-ўйлай бўз топиш керак, деган хулосага кел-



дим. Қаттан бўлмасин, бўз топсам, кўрпани тутиб боғлайману, бу ёғи осон кўчади.

— Бўз керагида, — деб сўрадим тўдалашиб турганлардан бирига яқин бориб. Сўрадим, тўдадагиларнинг вазоҳатини кўриб қўрқиб кетдим. Улар худди бир қултум сувга ташна одамдек менга ташландилар.

— Кўрпага алмашаман!

— Ман иккита бўз бераман!..

— Ман учта..

Бошқаларни эмас, фақат ўзини тушунган тўда одамлари шундай бўладилар. Улар чангал чўзишдан тортинмайдилар. Тепанга бостириб келаверадилар.

Таҳликада жуфтакни ростлаш пайига тушдим.

— Бўззи нима қиламан?— дедим тўдадан узоқлашаётиб.

— Кафан қиласа-ан!..

Баданимдан муздай тер чиқиб кетди. «Ўзларингта буюрсин» демоқчи эдим, тилим айланмади. Бу ёғи... бировлар билан олишгунча ўзимни эпласам-чи. Мени тушунмаган нусхаларни мен тушунсам-чи!.. Бу ёғи... битта кўрпа-ёстиқни бемалол кўтариб юришни удалай олмаётган одам дуч келган кимсалар билан даҳанаки жанг қилишига бало борми. Йўлимдан қолмай...

— Ҳой, бола, лалайма, кўрпанга қара!

Хотин кишининг шанғи овозини эшитиб оловим чиқиб кетди. Йўлақдан чеккароққа чиқиб бошимдаги кўрпани кўксимга довур тушириб, қучоқлаб олдим. «Лалайма» деган сўз жон-жонимга ботди. Шанғи хотиннинг жони менга ачингани шудирки, лалайганимни кўрибди.

Пешанамда пайдо бўлиб, манглайим-бетим аралаш қувалашиб тушаётган тер томчиларини артиш ва яшириш учун кўрпани бетимга босдим. Кўрпа орасидан ёстиқ сирғалиб туша бошлади. Хўрлигим келди. Кўрпанинг баҳридан ўтсам-чи, деган фикрдан хаёлим чарақлаб кетди. Шу ўйга бориб улгурмаган ҳам эдимки, қўлимдаги кўрпа ғойиб бўлди. Сергак тортиб, атрофга аланглашга ҳам улгурмадим — кимдир манглайим, юзкўзим, ҳатто, гарданимгача оқиб тушаётган зера-зера тер томчиларини артаётганини кўрдим. «Яқин жигар-

ларимдан биримикан?» дебман. Йўқ, нотаниш — қош-лари узун-узун, кўзлари чарос, қирра бурун, юзлари тиниқ, оппоқ қиз! Фақат, жуда-жуда танишдек, сирдошим-қадрдонимдек бамайлихотир, елкаларимга қоқиб кўйди, юз-кўзимни артган рўмолчасини ён чўнтагимга солди. Сўнг кўрпани қўлимга тутқазди. Мени тушунган одамни топдим, деган ўйда севиниб улгурмай яна бир ўзим танҳо қолдим. Йўл юрсам-да, мўл юрдим. Мени тушунолмаётган одамларнинг маломатидан қутилиш ниятида шаҳардан ташқарига чиқиб кетишни мўлжалладим. Юравердим. Димоғимга саррин шабада урди, пича енгил тортдим. Буёғига камроқ танбеҳ эшитаман, ўзимни эплаб кетаман...

— Ҳу-у, бойвачча!..

Қулоғимга чалинган бу сўзнинг менга дахли йўқ, деган ўйда кетавердим.

— Ҳў-ў, кўрпали бойвачча!..

Шундагина овоз эгаси мени чақираётганини пайқадим, шошиб ёнимга ўтирибдим. Кўз ўнгим хира, фира-шира ёруғликда қандайдир мошиннинг кўлагаси кўринди.

— Кўзингни парда босибди, бола, четроқдан юр...

Кўзим тиниб кетди, қарай десам, чиндан ҳам шаб-кўрпа ўхшаб қолибман. Кўзимни ишқаш мақсадида қўлимни чўздиму, бошимдаги кўрпа орасидаги чойшабнинг бир чеккаси бетимни ёпиб кўйганини кўрдим. Дала йўлнинг ўртасида бораётган эканман, бу ёғи қоронғи ҳам тушибди. Мен эса...

Югуриб ўзимни чеккага олдим. Битта-яримта рўпара келаётган йўловчилар назаридан қочиш илинжида қадамимни жадаллатдим, кенг зовур қирғоғига бориб қолганимни, нишаб соҳилдан пастга қараб думалаб-юмалаб эниб бораётганимни жуда-жуда кеч пайқадим. Кўрпа ёйилиб кетди, ўзим думалашдан тўхтамай эниб бораётганимни, қучоғимда фақат ёстиқ қолганини сездим, зовур тубига кулаб кетмаслик хавотирида нимагадир илиниб қолган кўрпага жон-жаҳдим билан тармашдим. Ёстиқни, чойшабни қайтиб кўрпага ўрашга, ўраб олсам, сойлик тепасига чиқиб олишни кўзладим — билагим, бетларим, баданимга ҳисобсиз тиканлар ботди. Оғриқ азобига дош бераманми-йўқми,

кўрпа-ёстикдан айрилмасликни ўйладим. Ҳаракат қилганим сайин баданимга қадалган тикан игналари чуқурроқ ботар, булар етмагандай — ажриқда ағанама-япманми! — яна ҳисобсиз тиканаклар гуж бўлиб баданимдан, юз-кўзимдан жой топаверди.

Кўрпанинг бахридан ўтигидан бўлак чора қолмади. Шу хаёлга борган захотим кимдир қўлтиғимдан тутди. Оҳиста етаклаб зовур тепасига суяб чиқди. Узун-узун қошлари остидаги шахло кўзлари қизарган, юзи, бўйни нурдек оппоқ қиз бошимдан оёғимга довура қадалган игналарни битталаб тера бошлади. Қизнинг қўллари жуда майин, нигоҳлари жуда маъюс, жуда меҳрибон... суғуриб олган ҳар бир тиканак игнаси ўрнига унинг меҳрга тўла кўз нури тўлиб қолаётгандек... аъзои баданимдаги тикан игналари тутамаса, уларнинг ўрнидан вужудимга меҳр оқиб кираверса...

Кўрпам қаерда қолди?! Кўрпа-ёстигим!..

Хавотирда сойлик томон ўтирилдим, ўтирилдим, чағ-чунги қоқилган бежирим ва ихчам қилиб йиғилган кўрпам оёғим остида турганини кўрдим. Севиниб кетдим. Кўрпам йўқолса нима қолади, ким деган одам бўламан?! Миннатдорчилик изҳор қилиш истагида қизга юзландим, йўқ, ўтирилганимда ҳозиргина рўпарамда менга термилиб турган қиздан ном-нишон йўқ эди. Баданимга қадалган ва ҳозиргина териб олинган юзлаб тикан ўрни қайтадан қақшаб оғрий бошлади. Вужудим ачишди. Қизнинг баданимдан тиканларни битта қўймай териб олаётган пайтдаги меҳр-муҳаббатини эслаб кўнглим ийиб кетди. Юз-кўзидан, манглайдан, дудоқларидан садафдек оқ, ипақдай мулойим нур таралаётган қизнинг момик бармоқлари, кафти бошимни авайлаб силаётгандек бўлди.

Бежирим йиғилган кўрпани бошимга қўйиб, йўл юрсам-да, мўл юрдим. Чарчоқ нималигини унутдим. Гавжум кентларни, кимсасиз чўлларни ортда қолдирдим, чуқур кўприқдан, чуқур кўчадан ўтиб бозор майдонга етдим.

— Кўрпангни сотасанми?

— Ёстиғинга қанча берай?

— Вой, чойшаби гулли экан...

Яна тўдага рўпара келдим. Яна ўзидан бошқа ҳеч

кимни тушунмайдиган, тушунишни истамайдиганлар тўдаси. Улар мени тушунмаса, мен уларни тушунаман. Кўрпанинг қадрини билармиди, шу пандавақилар!.. Индамайман, қовоғимни уймайман, тумонат орасидан йул очиб, кулиб-жилмайиб боравераман.

— Кўчада қобдию, бояқиш!..

— Санга нима, туяқуш?!

Икки бозорчи хотин бир-бири билан юмма талаша кетди. Уларни мурасага келтириш ниятида кўрпани бошимдан олиб, қўлтиғимга босдим.

— Кўрпасини сотмасмиш!..

Шу гапни эшитдим, менга томон яқинлашаётган мўйсафидга қарадим. Мўйсафид мийиғида кулди, кулаётган бўлса-да, биринчи гапидан мени тушунаётган одам эканини сездим. Мўйсафид илова қилди.

— Чойшабиниям сотмасмиш!..

Пешвоз югуриб боргим, мўйсафиднинг белидан кучиб, ташаккур изҳор қилгим келди. Бўйи бўйимга мос, фақат гирдиғумдан келган, бир оз йўгон тортган, бетида жиддийлик, тозалик барқ уриб турар, муҳими, мен ўзимни тушунадиган одамни топганимдан бошим осмонга етаётган эди!.. «Бозор кишисимас», деган ўй кечди хаёлимдан.

— Кўрпасини сотган йигит эр бўмайди, эр йигит кўрпа сотмайди, — деди мўйсафид қимтилган лабини тишлагудай зарда аралаш.

«Садағанг кетай, амаки!..» — Ичимда айтган сўзларимни ўша замони тилимга кўчирдим.

— Жой топиладими, амаки?

— Топилади, — деди мўйсафид, — оилапарвар йигитлар жойсиз қолмайди.

— Оилапарвар?.. Оила?!

Шундай дедиму, нафасим ичимга тушди, нима қиларимни билмай кўрпани ташлаб қочишни мўлжалладим. Шу пайт издиҳом орасида манглайдан, ёноғидан, юзи-ю вужудидан оппоқ нур таралаётган қиз кўринди. Тавба, мўйсафидга ўхшаб кетаркан!..

— Мени тушунадиган одам! — деб юбордим кўққисидан.

Мўйсафид қизга, қиз мўйсафидга қаради. Мен қандай маъно англашилади, нима жавоб қилади, деган

ўйда мўйсафиднинг нуроний чехрасига тикилдим, кутдим, термидим. Не кўз билан кўрайки, мўйсафид... ўзим эдим...

1997 йил.

## БУГУН ЭРТАЛАБ

*Мингта телбанинг ақли бор менда,  
Миллионта ақлнинг телбалшқари.*

*Сурайё Зоҳир.*

— Каллани ишлатиш керак!

Айни саҳар уйқудан уйғониб, ҳали туғилиб улгурмаган ҳам эдимки, яъни кўзимни очиб улгурмасимдан таъна, киноя, ҳақорат ва яна аллақандай ёвуз маънолар аралаш шу калима хаёлимга тирғалди-ю, субҳий ҳаловатим тўзғиди. Бомдод ибодатини адо этишга киришдим ҳамки, ўша лутф ёруғ оламнинг энг осуда гўшаси — жойнамоз узра айланишаверди, мен ҳайдадим — у келаверди, ўзимни чалғитишга уннадим — зуғум авж олаверди: «Каллани ишлатиш керак! Каллани ишлатиш керак! Каллани ишлатиш керак! Каллани ишлатиш керак! Каллани...»

Кечамиди ё ўтган куними, ё-ки... аллақайси куни қулоғимга чалинган бу жумлаи муборак бугун эрталабдан сурбетларча бетимга тармашганини қаранг! Менинг шаънимни безаш ниятида айтилган эмасди-ку, у! Ёинки, «Ўғлим, сенга айтаман, куёвим сен эшит» қабилада айтилганмиди?! Қуриб кеткур, теша тегмаган жа оҳорли гап ҳам эмас, одамзод яратилибдики, инсон инсон қиёфасини олиб шундан улуғроқ кашфиёт қилган эмас. Одамзод қавми дунёга келиб орттирган дунёси ҳам шу — каллани ишлатиш! Илло, яна бир дафъа тавбалар қилайки, айни шу бугун саҳар мардондан менинг ақл-шууримни қийин-қистовга олаётгани галат. «Каллани ишлатиш керак!» деган маломатомуз жумланинг бугунги кунга қандай даҳли бор?! Нима, каллалар ишламаяптими? Ахир, инсоннинг калласи ишляяптики, дунё мавжуд, акс ҳолда нақ куёшнинг қораси ўчади. Қанақасига ўчишини ҳам айтайми? Офтобнинг ҳарорат манбаи бор-ку, ўша одамларнинг миясига жой-

лашган, тушгундингми, азизим, миялар қанчалик бақувват ва соғлом ишласа қуёшнинг нури шу қадар кучаяди, кучайиш суръати секинлашса борми, қуёш сўнади-қолади!

Тасаввур қилинг, ҳеч бир зотнинг — эркақдир-аёлдир, кексадир-ёшдир, мўминдир-гумроҳдир, қўйингчи, бани башарнинг каллани ишга солувчи «анжом»-лари зудлик билан яроқсизланаверса ва мўйсафид Ер кўз очиб-юмгунча буткул калласизлар сайёрасига айланса...

Муқаррар ҳалокатга олиб борувчи бу хавфни одамлар билади, ялписига каллалар ишламай қолишидан замон адоғига етажагини, замин у осмон тўзонга айланажагини сезади — инсоннинг баданида шундай сезим бор-да — билгани-сезгани учун ҳам ҳамма бир-бировини каллани ишлатишга ундайди: «Каллангни ишлат!» дея тарбиялайди, ўқитади, ўргатади, ялинади-ёлборади, ўтинади, калтаклайди, аразлайди, жанжаллашади, гиналашади, ёқалашади, урушади... тупга тутади. Одам боласи борки, назарида бошқаларнинг калласи ишламайдигандек туюлаверади. «Ҳойнаҳой, ўзимнинг ақлим заифлашиб қолгандир?» деган истиҳолога бориб ҳар куни тонг-ла маҳшарда ўзини-ўзи сўроққа тутиш, ўз нуқсонларини топгани сайин минг бир хижолат алангасида жизғанаги чиқиб... о-о-оҳ, фалак, одамзодни бундай саодат мақомига қачон олиб чиқасан?!

Шундай ўй сурсангки, қалбингнинг авра-астарини авдар-тўнтар қилиб ташласанг, қандай одамсан, бу ёруғ дунёда нима қилиб юрибсан, бепоён заминнинг қаериде, қай аҳволда яшаяпсан, яна қанча давру даврон сурасану қай фурсатда ра-во-на бўласан?.. Равона бўлгач, у ёқдаги йўлинг сени қай манзилларга етаклайди, ёруғ оламга келишингдан бурунги аҳволга тушасанми, ёинки бу дунёдаги аъмолларнинг боис адашиб-улоқиб тентирайсанми?.. Ёхуд, остидан дарёлар оқиб ётган, беҳишт мевалари тутанмас боғу роғлардан ошиён топасанми?.. Айқани-уйқаш қаторлашаётган бу саволларни ўйламоқ, чамаламоқ, тошгу тарози палласида ўлчамоқ учун озмунча ақл-идроқ, озмунча фурсат, ҳурлик, эркинлик... тантилик зарурми?! Фрейд бобонинг ўйловига қаралса ман-ман деган мардлар

ҳам ўзи ҳақидаги бор ҳақиқатни тан олишга ожиз-дирлар. Қайдам?.. Одамзодни бу қадар қарғиш уриб қўйган эмасдир-ов!.. Ўзингни рўпарангга ўтқазиб қўйиб, дўппини тиззага ташлаб, обдон чордона қуриб олиб, сен биру олам бир — мулоҳаза, ўй, хаёл, мубоҳаса, тафтиш уммонига ғарқ бўлиш наҳот шунчайин машаққат?! Андишани, муросою мадорани йиғиштириб айтдим-ку, сен биру олам бир! — Ўзингни чекичегараси бўлмаган ўн саккиз минг оламнинг жиловини чангалида тутган қодир Эгам билан юзма-юз ҳис этиб — шу мақомга кўтарила олсанг Фрейд боболарнинг эзмаликлари чикора! — жавоблар изласанг, излайверсанг!.. Ўзгага эмас, ўзингга, ўз ичингдаги адоватта адоват-ла яшасанг, нафсинг зулмидан халос бўлаверсанг!.. Бундан ортиқроқ лаззат борми, инсон учун?!

Ў-ў, касофат банда! Йигитман, эркак кишиман деб сумбатингни кўз-кўз қилиб дунёдан ўтаверсангу, бирон марта мен айтган адоват-ла ўйланиш, изланиш, жавоблар иташ бахтига мубтало бўлмасанг! Эркак-дир-аёлдир, ҳар бир эс-хушли жоңдор чекига жила курса бир дафъа шундайин мақом аршига кўтарилиш имкони битилган, ахир! Ўша дафъани, ўша имконни пайқашда қолган бари!

Иситма олаяпти шекилли? Баданим қизияпти, иситмага бало борми, шу топда?.. Хуллас, одам неча йил умр кўрмасин, Инсонлик мақомини санокли сониялардагина ҳис қилади. Умрга татигулик сония, лаҳза! Ушбу дақиқа бандани ўйлов аршига қадар олиб чиқади. Ўйлаш аршидаги сониялар англаш лаҳзаларига айланади. Умр — ўйлов аршига кўтарилиш учунгина берилган фурсат, муҳлат. Ўнлаб йиллар... юз йил, ундан-да зиёдроқ фурсатлар муттасил беҳаловат ўтади. Умрнинг йўлига беҳаловатлик тўшалган, одам бу сертикан тўшамадан четлаша олмайди, ундан оёғини узолмайди ҳам. Ўйлов аршига кўтарилмоқ учун эса беҳаловатлик кўчасида ҳаловат бекатини топмоқ зарур. Зеро, яшаш — ҳаловат васлига етиш, демакдир. Ана шу висол онларида суратий Одамдан сийратий Инсон мақомига ўтилади. Сурат нима, сийрат нима — буни ўйлагинг, ўйларингга ўйлар борлагинг келади...

Эҳ-хе-е, мен айтаётган ўйлов бўлакча-а! Кундалик ташвишлардан, баҳорий бўтана янглиғ бостириб келаверадиган юмушлар карвонидан халос эта оладиган, ҳеч кимдан ва ҳе-еч нимарсадан дахлдорлик жойи қолмаган одамни тасаввурингга сиғдира оласанми? Ўй-хаёлингни ўз ҳолига қўйгин, дахлдорликни мутлақо улоқтир, улоқтира оласанми?.. Ҳа-а-а, шунда-ай, улоқтира оласа-ан... Сен — сенсан, сен биру олам бир... Бутун олам бирлигини тутиб турган — бошқараётган мувозанат заррасига айланаяпса-ан... Сен, жумлаи жаҳон, жондору мавжудот фақат ушбу мувозанатга дахлдор... Тушуняпсанми?.. Хаёлингга, тасаввурингга эрк бер, уни бошқарма, ўз ҳолига қўй... Мувозанатга дахлдорлик... илохий дахлдорлик... да-хил-дорми?.. Да-хил-дордир?.. Жаҳл-дормикан?.. дахлдор-жаҳлдор, дахлдор-жаҳлдор! Жа-хилдор, жаҳл-дор... жаҳл-дор?! «Дор» бунча ёпишиб олмаса?! Унинг дахл ёхуд жаҳлга қандай дахли бор?.. Демак, «дахл» дейиш ҳам мумкин! У ҳолда «дор» қолиб кетади. «Дор»сиз «жаҳл» дахлдор бўла олмайди. Шундан, шундан... дахлга ҳам, дорга ҳам... дахл билан жаҳл арқоннинг икки учи, «дор» эса сиртмоқ, дор... «сиртмоқ доим бор», дегани. Дор — бор! Дор — одамга зор! Одам дорга зор!.. Оёғинг, кўлинг, белинг, бўғзинг — бари-бари шу сиртмоққа дахлдор... Даҳшат!.. Ёвузлик! Ҳар одиминг, ҳар нафасингда дор — сиртмоққа чап бермоқликка маҳкуман. Уни бўғзингдан олиб ташлайверасан-ташлайверасан, улоқтира-улоқтира хаёлларни-да дордан озодликка олиб чиқасан... Озодлик?.. Дунёда озмунча жондору жонзот борми! Бироқ умрини бошдан-оёқ муттасил уқубатга, мусибатга айлантириб ва ўзи топган уқубатларни муттасил бартараф этишга совуриш борасида одамга тенг келадигани бўлмаса керак!.. Қайси жондорнинг мусибати одамниқидан оғирроқ? Филнингми, шернингми, қўйнингми?.. Танида жони бор қўй қассобнинг қўлига тушишидан беҳабар еб-ичиб, ўтлаб юраверади, бас, бўлак ташвиши йўқ. Қўй боқаман, деган одамнинг эса жони ҳалак!

Хотинкўприқдаги жанжал ҳам қўй боқиш важдан чиққан... Худо шоҳид, қилган гуноҳим ўзимга ноаён — ленинчилик кал Пета кўрсаткич бармоғини қирса ҳам



тозаланмайдиган яғир чаккасига нуқиб, «У-у-ужж!» деганча теппамга дўқ уриб келган. Ўтакам ёрилаёзган, «Нима дивотти, Пета?!» деб бақириб юборганман. Калланг борми, деб сўжяпти дея тилмочлик қилган Тўхтамурод акам. Ўтакам ёрилаёзганидан тилимни тия олмаганман, оғзимдан бепарда сўз чиққан — бўралатиб, болохонадор қилиб сўкканман. Сўкканману, «Петадан ўламан, Пета ўлдиради!» деган хаёлда баттар эсхонам чиққан, қочишга шайланиб не кўз билан кўрайки, кал Пета турган жойида таррақдек қотиб қолибди. Бит кўзларидан тирқираб чиққан ёш гўдак боланинг кафтидек кичкина, офтобда чўяндек қорайган-қизғимтир юзидан думалаб-дувилаб ажин ариқчаларидан даҳанига келиб тўхтаб қолган. Чурқ этмаган, гапира олмаган. Қандай гапирсин, ахир, соқов бўлса!..

Худо уни соқов қилиб яратмаганида фўлдираб теппамга ўдағайлаб келмас, ман тушуниб-тушунмай уни бўралатиб сўкмасдим, у эса менинг нега, не боис сўкаётганимни тушунмаслик азобига чидолмай бехосдан йирлаб юбормас эдими?.. Тушунмаслик, тушунмовчилик, ҳақорат, эзгинлик... У чоқлар буларни ўйлаган эмасман, аксинча, ёмон алам қилган. Тушуняпсизми, одам қуригандай мени кал Пета каллани ишлатишга даъват этган. Гунг-соқовлиги майли-я, буниси Яратганининг хоҳиши, илло саводсиз, иркит, ор-риқ, йирикрок хандалақдек бошидан титилиб, пилтаси тўзиган, яғир, қизил бахмал дўппи тушмайдиган кал Петанинг калласи ишлаганми, ўзи?! Ақли расо одам миясининг ёнроқдек келадиган қисмида икки ярим миллион ҳужайра бўлишини инобатта олсак, кал Петанинг миясида қанча ҳужайра бўлгану, унинг қанчаси ишлаган? Тавбангдан кетай, худойим, калласи ишламайдиганлар калласи ишлайдиганларни каллани ишлатишга даъват этиш одати бандаларинг орасида қай давру давронлардан расм бўлган?!

Улай агар, ўша кезлар сурувни ёйиб ўтлатиш борасида кал Петанинг калласи меникидан дуруст ишласа ишлагандир, бироқ «Наҳотки, кал Петадан беш баттар ақлсиз туғилган бўлсам?!» деган аламдан ичимга азбаройи чўғ ташлангандек кўксим жазиллаб ачишган. Ҳатто, хаёлимга тирғалган шу савол-шубҳани қувиб

солиш ниятида ошкора газовотта шайланганман, шунда, ўша кунлар олдига ўтқазиб олиб ҳандаса ўқитаётган олим акам иттифоқо: «Каллами-ошқовоқми?!» деб гарданимга шапалоқ тортиб юборгану уним ўчган — «Бундан чиқди, кал Петадан ўн карра ақлсиз бир бахти қаро эканман-да!» дея тунлари кўрпанинг остида пу-сиб, дамимни чиқармай йиғлаганман...

Ўзимни қаёққа уришни билолмай қолганман, ёмон алам ўтган, алам қасдга айланиб, жон-жонимга хан-жардек ботган, каллани ишлатиш бобида кал Петадан ўзиш қасдида ҳандасани ўзлаштиришга муккадан кетганман. Начора, қўй боқишни эплотмаганим рост, қўйни семиртириш, сўйиш, гўшгини мўмай-мўмай пуллаш ёхуд қойилмақом қилиб пишириб, паққос туширишни ҳали-ҳали эплотмайман, чунки, мен удадуброн-учар эмасман, юдузни бенарвон уролмайман, мен юдузни бенарвон уриш даъвосида туғилмаганман, балки нарвонга поғонама-поғона кўтарилиб, ойнинг момик нурларига бетимни босишни, милтираган юдузларни кафтимга олиб эркалашни орзу қилганман... Хуллас, денг, Петадан ўзимнинг ақлироқ эканимни намойиш қилиб қўйиш қасдида ҳижжалай-ҳижжалай, алҳол, Фигорус ҳикматини ўзлаштирганман. «Фигорус ким?» дейсизми? Ўзимизнинг Пифагор-да, Пифагор!. Мен ҳам «Пифагор» деб ўрганганман, «Фигорус» деса сам назаримда бошқа одамнинг исмини айтаётганга ўхшайвераман. Хуллас, Пифагорнинг ҳикматини ўзлаштирганимга севинчимнинг зўридан оламга сиғмаганман. Пифагор илмига оид масала-машқларни писта пўчоғидай чақиб-ечиб ташлаганман. Кимга рўпара келсам гапнинг нишабини Пифагорга бураман, суҳбатдош рўйихуш берадим-йўқми, суриштирмайман-да, Пифагор жаноблари кашф қилган ҳақиқатнинг марзидан тотиниб кўришга ундайман: яъни «тўғри бурчак шароитида иккиланган икки калта ёнбош йиғиндисидир узун ёнбошнинг иккиланишига тенг!...» Қани эди, бу ёру» оламнинг мутлақ ҳақиқати ушбу те-о-ре-мада мужассам топганига одамларни ишонтира олсаму, «Одамлару одамлар, эшитмадим деманглар!» деб кўча-ма-кўча изғисам-кезсам!

Ажабо, кечагина ҳисоб дарси деса баданига қалти-

роқ турадиган бола бўлсам... Пифагор тушмагурнинг шу жўн ҳикматини ўзлаштиролмай Баҳодирхўжа муаллимнинг озмунча даккисини кўтардимми? Муаллим мен туфайли сабоқдошларим гувоҳлигида олим акамни изза қилганини айтмайсизми!..

Буларнинг-ку бўлари бўлди, илло мени азобга гирифтор қилган саволга ким жавоб беради? Кал Пета ҳам, ҳандасанинг билимдони бўлмиш олим акам ҳам худди келишиб олгандек «Каллани ишлатиш керак!» дея мени бир хилда койигани алам қилмайдими? Бундан чиқди, ҳар икковининг назарида мен нотавон, бемия одам эканман-да! Ахир... мен-ку, астойдил ўйласам қўй боқишни эплаб кетарман, аммо юдузни бенарвон уришга муносиб одам оймоманинг нурига хаёлларини пайваста эта олармикан?.. Ҳилол ойни, ўн тўрт кунлик ойни, тўлин ойни... Ер ортига яширинган хижрон ойини соғинармикан?..

Суриштириб келганда, соғинадими, йўқми — менга нима, мен ўзим ҳам қўй боқишга, ҳам Оймома ёруғидан Пифагор ҳикматининг маъзини чақиб ётишдан ҳузур топадиган одамга айлансам (яна сўзимдан тона-япман-а, боягина «Эполмайман», дегандим-ку!) «Барака истасанг, қўй боққил», деган нақлни сув қилиб ичганман, қўй-қўзиларим ўзидан кўпаяверсин, туёқ се-роблашгани сайин киссам пулга, қозоним мойга тўлишига ақлим етади, эҳ-ҳе-е, буни қайси ношуд валакисаланг истамайди! Бироқ тушуняпсанми, мен ундай одам э-мас-ман, худо урган бош-қа-ча одамман, калламни чандон ишлатган тақдиримда ҳам миямнинг ҳужайраларида қўй-қўзи, ем-хашак, калла-почага жой йўқ, жой! Шундай бўлгач, киссам калламдан ўзиб гўрга борадими, калла билан киссанинг томири бир, бинобарин, шул томирдан бирон нарса ўтиб турса кисса тўлади... менинг мия чаноқларим томирлари қаёққа уланганини ҳали-ҳали тополмайман, ҳар қалай, киссага туташмагани аниқ, аммо-лекин кал Пета икки дунёда Пифагор ҳикматини на эшитади, на тушунади! Мен эса каллани ишлатаверсам, ишлатаверсам ленинчилик кал Пета экану, унча-бунча таниш-нотанишларни доғда қолдиришим ҳеч гап эмас! Бунинг учун яна ўша — каллани ишлатмоғим, каллани ишлатмоқ

учун эса бош миянинг ўзи қандайин сир-саноатта тула матоҳ эканини билиб олмоғим шарт. Фақат, шуниси борки, (кўряпсизми?!) бир ишнинг пайига тушдим дегунча худди бугунгидек аввал иситма олади, сўнг феълимдаги бир кажлик йўлимни тўсиб чиқади: «Ҳа-а, ақлни пешламоққа отландиларми?» — «Шундай!» «Офарин, нени билмоқ истасалар, йўлни ибтидодан бошламоқ фарз. Уққан бўлсалар, манзиллари ойдин!»

Йўлим ойдин, манзилим ойдин, оқ ойдин, кўк ойдин... Ой ярақлаган тун. Куюқ ва баланд-баланд олма дарахлари, амал-тақал жон сақлаган пастак шафтоли барглари сап-сарик тилло тусини олибди. Кундуз унга кўзим тушди-ю, ич-этим увишди, сочи бевақт оқарибди... Ойдин тунда барваста олмалар пойида эрта қартайган пастак шафтоли... Олма дарахлари тик, баланд, япроқлари ям-яшил, қадди дол шафтолининг сочларига оймоманинг олтин шуъласи тўкилиб турибди. Тилло ранг нур, тилло ранг япроқлар, тилло сукунат, тилло сокинлик, тилло гўша... Кўримсиз ва абгор шафтоли дарахти ёлғиз... кал Пета ёлғиз, гапирмоқ умидида ҳарчанд овиз жуфтлаяпти ҳамки, сўлақлар отилаётган овзидан сўз чиқмаяпти... чиқмайди ҳам! Рўзи маҳшаргача чирансин Пета, талаффуз бўлмайди, талаффуз раво кўрилмаган унга! Раво — даво, раво — даво, раво — даъво... даъвоми, раво?... давоми?... да-во-ми?... Иситма даво, иситма раво, раво-раво-раво, бутун шу даво!.. бутун шу раво: раво-раво-раво!.. раво кўрилгани даво, буюрганини ейман, буюрганини ичаман, буюрганини ейман, буюрганини ичаман... Танам қизияпти, кўзларимнинг ичи бозилламоқда, жаҳаннам алангаси янглир, жаҳаннам!.. Босинқираяпман, иситма эмас, баданимга саноксиз зирапчалар қадалганга ўхшайди, шу чароғон тунда ажриққа ағанашга бало борми, оппоқ чойшаблар тўшалган ўринда ором олиш ўрнига тупроқ йўлнинг ўртасига ағанаган ҳанги эшшақдек ағана-верибман-ағанаверибман-ағанай... о-оҳҳ! Юз-кўзим, қўл-оёғим, кўксим, юмшоқ жойларим... миямнинг ичига довур зирапча, зирапча эмас, тикан қадалаверибди, санчилаверибди, Ана энди, ҳушимга келганда зирапча-ю, тиканакларни битталаб териб-термачилаб тириклик ташвишини чекиш ўрнига болаликда аллақайси

каснинг беҳос кўнглини оғритиб қўйганимдан ўрта-ниб-ағанаб ётибман. Ўнгайсизланишга, хижолатпазликка бало борми!.. Бугун ўша хаёллар кимга зарил!.. Ибтидога қайтиш, ҳар нарсани ибтидодан бошлаш... буёқда интиҳо, интиҳо... Йўқ, ибтидо — интиҳо!.. Аввал ибтидо — интиҳо!.. Ибтидо афзал — интиҳо!.. Интиҳоми? Интиҳоми?! Кашфиётнинг ойдин манзили, ойдин манзиллар қайда?.. Билишни иташ, билишанглаш-ўрганиш-идрок этиш... давом этаверади-этаверади, о-о-оҳ, тирноқча ҳақиқатни ўзингиз, шахсан ўзингиз кашф этиш бахтига мушарраф бўлганмисиз? Кашф этаётиб бу ёруғ дунёга одам қиёфасида келганингиз учун яратганга шукроналар ёғдирганмисиз?.. Қувончдан ўзингизни қўярга жой тополмай, телба янглиғ ирғишлаб, ҳиринглаб, илжайиб юрганмисиз? Сўнг, тиллоларга топиб бўлмас бу саодатманд масрурлик изидан келадиган ҳафсалангиз ҳуркак жиблажибон сингари «лип» этиб ғойиб бўлишини, тарвузингиз қўлтирингиздан туши-иб қолишини... Нетайликки, билишга, билишга уринганимиз сайин аёнлашаётган ҳақиқат биқинида жавобталаб мавҳумотлар бодроқ янглиғ бола-лаб улгуради, шундан, кашфиёт онларида топилган қувончлар ўрнини янгитдан надоматлар эгаллайди, назарингда осмонўпар тоғ чўққисидек қудратли туюлган билафонлигинг бўйинини қисиб, шумшайиб қолади. Ожизлик... алам... афсус... армон... аламзадалик... қизиқиш, ҳа-а, афсус-надоматлар урчитаётган, сени абгор қилаётган сезимларинг олампаноҳ қизиқишга рўпара келади-ю, кимсасиз ва овлоқ жинкўчадан гавжум, серқатнов шоҳ кўчага туйқус чиқиб қолган дайди ит каби ҳуркиб, думини кетига қисиб, келган томонига қараб жуфтакни ростлайди. Ҳисобсиз мавҳумотлар — адоқсиз муз ва қор доволари бўлса, қизиқиш ва интилиш — поёнсиз Шимолий қутбни забт этишга отланган Уэмура! — Уэмура ортга қайтмайди, зеро, унинг мия томирлари англамоқ, интилоқ, забт этмоқ манзилларига (ойдин манзилга!) туташиб кетган, инчунин у интилади, интилаверади, қоқилади-суқилади, адашадди-улоқлади, йўлидан қолмайди — кетаверади, кетаверади, йўл юрса ҳам мўл юради. Йўл юргани сайин бола-чақасидан, эл-юртидангина эмас, ўзидан узоқла-

шади, дахлдорлик ибтидосидан дахлсизлик интиҳоси сайин узоқлаша-узоқлаша Коинот, Замин ва сарҳадсиз Салтанатни туташтирган ўйлов аршига — уйғунликка етади... етдимикан?.. Етади, етдимикан?.. етгач ором, ором, о-о-о-ҳ, ором!.. ором воқе — дарвоқе, Нуомининг калласи, ер ости йўлида кўйлак-иштон сотаётган жигаргўшамнинг калласи... қай бири калла??!!

Яна савол, савол, савол — ибтидодан бошланган сафар, сафар, сафар. Начора, на-чора!.. одамнинг калласи ишлаётган-ишламаётганини англамоқ учун ав-валамбор бош миянинг икки ярим палладан иборатлигини, ҳар ярим палланинг ўзига раво кўрилган бурчи-вазифаси борлигини билиб қўймоқлик зарур. Ҳар қалай, кўпдан кўра икки дона нарсани эглаш осон. Осонликка осон-а, фақат... ўша икки ярим палланинг фаолияти юрак, ўпка, буйрак, ошқозон (ошқозондан гап очадиган кунми?!), бурун, кўз... қулоқ... ҳоказо аъзоларга дахлдорлиги маҳоллик туғдиради. Маҳолдан-маҳол ва чигал ишдан оғиз очсанг тилинг чигаллашади, чигал-чигал-чигал, кунинг ақлга қолади! Ақла-а-қил... одамзод қавми ақлдан қочиб қутилолмаганки, ҳаёти қил устига кеп қолди. Ман-ман деган одамлар ақлдан воз кечаман, ақлнинг измига юрмайман, деган қарорга келган заҳоти билиш, билишга ташналик, боя айтганим — қизиқиш бутун аъзои баданни занжирбанд этади (жаҳаннам иситмаси!), занжирбанд этиб, дунёни кўзингта шу қадар тор ва қоронғи қилиб қўядики, зиммасига ўн саккиз минг олам мувозанатини сақлаш юки ортилган бирдан-бир фикрловчи (каллали!) жонзод — Инсон Олий мувозанат чизган чизикдан узоқлаша олмайди, балки ўша тақдир чизигига монанд туғилади, кўпаяди, ўлади, қирилади. Яхши ҳам, ёмон ҳам, шоҳ ҳам, гадо ҳам...

Ақлликлар ақлсизларга ақлини пеш қилиши, ақлсизлар ақлликлар олдида ўзини ақлли кўрсатишга уриниши, ақлликлар жанжали, ақлсизлар можароси ва бошқа-бошқаларнинг, бандасининг гўзаллигию бузғунчилиги бўлмиш Мувозанат олдида нима деган гап?! «Тўқсон фоиз банда турма виждонсиз бўлар экан», деб аюҳаннос соладиган билимдонлар «Одамларнинг

бари Илоҳий мувозанат назарида тароқнинг тишидек тенг», деган ҳадиси шарифдан беҳабар-да!

Кўринадики, одамларнинг гўзаллигию бузғунчилиги у дунёю бу дунё илоҳий уйғунликка путур етказолмайди. Илоҳий мувозанат посангисини бузиш бандасининг яхши-ёмонлигидан эмас, Яраттанинг хоҳиш-иродасида!

Яхши ҳам, ёмон ҳам кечани кеча, кундузни кундуз демай (тунда — уйқу, кундузи — бедор, тун бўйи уйқу, кун бўйи — уйроқ, яна, яна я-на-а!.. давом этаверади, этаверади) ақлингни ишлатаверасан-ишлатаверасан, бу қадар бир хиллик, бу қадар мижров такрор-такрор-такрор одамни ҳолдан тойдиради, бир хиллик гирибонингдан олади, дунёнинг бойлигини йиғиб — ҳой, бутун дунё учарларию қўйчивонлари, топган-тутганларингни келтиринглар! Эгамнинг оёғи остига ташлайлик, зора, кеча ва кундуздан бўлак яна нимадир яратса?.. Кеча ва кундуз, кеча ва кундуз, кеча... Одамзод — эрмак, одамзод — мазах, одамзод — қўғирчоқ, гўдак, гўдак... тиришади, тармашади, уринади-суринади — фасллар ўтиб алланималарга эришади. Мувозанат «чурқ» этмайди, «қимир» этмайди — яғринида чумоли гимирлаган фил талвасага тушармиди! — ҳисоб-ки-тобга кўра фурсати етган лаҳзада Мувозанат истаса «чурқ» этади, истаса «қимир» этади, қарабсизки, ақлинг қудратига алданган Одамзод яна У чизган чизикқа қайтади. Чизик, чиз, из... ҳа-а, изга қайтади, тўғрироғи, изга тушади, чунки бу из чизигини Тортувчи ҳамма нарсани билгувчидир! Унинг огоҳлигию билгувчилиги олдида одамзоднинг яратувчанлигидан тортиб бузғунчилигига қадар, эзгулигию ёвузлигига қадар — бари эрмак, Унинг ихтиёридаги эрмак. Ихтиёр, ихтиёр эмас, изм, измида. Изм, ҳисмат, пешана, тақдир, тақдир азал... болалик... Хотинкўприк жарлари... ям-яшил, бепоён бедазор... сассиз оқаётган зилол сув... сурув-сурув қўй-қўзи... кал Пета, Тўхтамурод акам... ақллар, беақллар, қўйчивонлар, бошқалар... Кўмилиб кетди, бари... ўз ақли, ақлсизлиги, устаомонлиги, бойлиги, бебойлиги билан тупроққа айланди... Қисмат, тақдир, тақдир азал, пешана, Мувозанатнинг изми, чизган чизиги...

Билишга қизиқиш ҳам, биларонликка алданиш ҳам тақдир.

Билишга ташна бўлсанг калланг ишлайди, калланг ишлагани сайин Қуёшнинг тафти сақланади, шундан Заминда ҳаёт шаъми сўнмайди. «Билгил ва қўрқил!» дегани ҳам шу, яъни билмасанг, билишга интилмасанг ҳолинг вой! У ҳолда... пиравордида қўрқувга олиб борувчи билишга мубтало экан-да, инсон? «Билганинг сайин қўрқувинг ошиб боражак! «Нега? «Нега?» дейишдан қўрқмаяпсанми, демак, гумроҳсан! Гумроҳман?! Начора, гумроҳ бўлмасам ақлан кал Петадан ўзиб кетдим, деб керилармидим! (Ўзиб, қайга етдим?!) Шундай экан, ҳамон гумроҳ эканман, лоақал сўраб қолай.

Ҳалиги, нима демоқчи эдим... ҳа-я, билиш қўрқувга эмас, муҳаббатга олиб борса-чи?.. Яъни «Билгил ва қўрқил!» эмас, балки «Билгил ва севгил!» Тушуняпсанми, тинимсиз билиш, билишга қизиқиш ўйлов аршидаги муҳаббат кошонасига олиб чиқса нимаси ёмон! Наҳотки, инсоният мақомининг мунгли ва мунис муסיқасини тинглаб ором топмоқ учун муҳаббатдан кўра қўрқув, таҳлика қулайроқ бўлса?! Онадан топмоқ ва қўрқмоқ ниятида эмас, севмак муродида тутилиш афзалроқ-ку! Шундай эмасми? Нега? Муҳаббат, жунбиш хаёлни тўзғитади, қўрқув изга солади. Шу боис, муҳаббату қўрқув — ҳар иккови тенгдан керак. Эътиқод ва гумроҳлик, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва разолат Олий мувозанатнинг бу ёруғ олам аталмиш халтасида аралаш-қуралаш келгани сингари. Ахир, нуқул бир феъллик одам бўлмаган-ку, оламда, фақат яхши, фақат ёмон, фақат меҳнаткаш, фақат товламачи, фақат лодон каби... Бунинг боиси ичкарида, аъзои баданимизда ҳар лаҳза асносида миллион дафъа ҳужайра янгиланишида!..

Ушбу миллион янгиланишни изма-из идрок эта олган, аъзои-баданидаги жамики янгиланишларни Олий уйғунлик мақомига мослаштира олган одамгина комил инсонлик мартабасига етишади, шундай одамнигина калласи бутун ишлар экан деса арзийди. Аммо-лекин бу мартаба томон эзгулик олиб борадими, меҳнатсеварликми, интизомми, ақл-идрокми, эҳтиросларми?



«Ўлгудай эзма экансан-ей! Алжирашингдан кўнглим беҳузур бўлди». Топдинг, пича эзмалигим ҳам бор, аслида бу қадар эзма эмасдим, бомдоод ибодати ниятида кўз очдим (энг яхши уйғониш — ибодат ниятидаги уйғонишдир!), мана, боя айтганимдек, ажриқда аганабман — бош-оёғим тиканга тўла, зирапчалар миямга довур қадалган, иситма... босинқираяпман... эзмалик хуруж қилди (ахир, ҳеч ким эзмалик қилиш, вайсаш ниятида ёстиқдан бош кўтармайди-ку!), алжираяпман, алжираяпману бунинг тагига етолмаяпман. Йўтал тутса, нетасан, йўталасан-да! Эзмалик, мижғовлик дарди ҳам тумов ёки йўталдек ёпишса — мижғовланасан-да! Ёнбошимни босиб ётсам ҳам, беҳини қайнатиб ичсам ҳам, босиб-босиб уйқудори ичсам ҳам касални енга олмайман — вайсайвераман, гапиравераман. Қўшнимнинг уч ёшли боласи ҳам шу дардга йўлиққан. «Жим ўтир» деб қуловини чўзсанг ҳам, «Далипман! Далийвеяман!» деб бижирлагани-бижирлаган. Ахир бугуннинг дарди бу, мен ҳам бугуннинг одами — беармон вайсаяпман, пойинтор-сойинтор, ўхшатиб-ўхшатмай аламимни гапдан олаяпман. Эртага... эртага эмас, ҳали тушга бориб кулгу касали тарқаса мен ҳам куламан, ҳиринглайман, илжаяман, тиржаяман, ха-холойман, елкаларимни силкитиб, кўзларимдан ёш тирқиратиб куламан... ичакларим узилиб кетгунча кулавераман... пешинга бориб! Ҳозир — эрталабдан вайсақилик, эзмалик раво кўрилган экан, начора, унинг измидаман.

Ким билади, кечга бориб жонимиз омон қолса ҳойнаҳой сукут сақлаш касали юқар. У ҳолда балиқ янглиғ лом-мим демай яшашни биздан кўрасан — чурқ этган номерд! Тўхта-чи, дунёда қандай одам бўлиб яшаш афзалроқ? Ҳаётнинг лаззати эзмалиқдами? Меҳр-шафқатдами? Эҳтимол, кўй-кўзининг тилига тушунадиганларнинг, яъни ишбилармонларнинг ошири олчидир доим?.. Олимлик дурустми? Машшоқликми?.. Ҳаётнинг маъзига раққосалар кўпроқ етадими, раққосларми?.. Майнабозларми?.. Айтсанг-чи, ҳаётнинг лаззати қандай одамларга кўпроқ насиб этади, ўзи?!. Телбадемона бўлишдан кўра афзалроғи йўқдир балки?

Ўқимасанг, уқмасанг, билишга қизикмасанг, қор-

нинг тўқ-очлигини фарқламасанг, ҳушингга келган одам билан пачакилашиб, ҳушингга келмаганини бўралатиб сўксанг, сўка-сўка ҳовурдан тушсанг — вақт-соати етиб, олабий мувозанатнинг сақланиши учун хожатинг қолмаган дақиқаларда, яъни илоҳий уйғунликни сақламоқ учун ҳожатинг қолмаган сонияларда — раводан мосуво — кўрқмай-нетмай бандаликни бажо келтирсанг... сўнг ювиниб, тараниб, ўраниб, у дунёга ўтсанг. Эътибор қияпсизми, «Ўлсанг, ўлсангиз» демаяпман, одам ўлмайди, ҳеч нарса ўлмайди, балки у ёқдан бу ёққа ўтади, фурсати етгач эса бу ёқдан у ёққа қайтади... Дод-вой ортиқча, йиғи-сиғи беҳуда. Фарёд, ҳасрату надомат, бетоқатлик, туф-е!.. Узр, кечирим, осудалик, фаҳм-фаросат... нима, кечирим, фаҳм-фаросат нима деганинг?! Шу бугун саҳар мардонда алмисоқдан қолган бу сўзлар эсингга келганига ҳайронман, хўжам? Эсларию ҳушлари жойидами, ўзи?.. «Азобга қолдим», «бошим галвадан чиқмади-чиқмади»нинг адоғи борми? Умр бўйи ғам-андух чекаверсанг, тилинг ҳасратдан толмаса қандай яшайсан, ахир, қачон?! Нима эмиш, «Чархининг мен тортмаган дарду балоси қолдиму?»

— Маъзур тутгайлар, ёшлари нечада, биродар?

— Нимайди?

— Сир бўлмаса, айтаверсинлар?

— Ўттизни қоралаб...

— Э, яшанг! Э, кўп яшанг, ука! А, бу чархнинг юздан, йўғ-а, мингдан, миллиондан бир дарди астойдил ёпишса-чи, ука, унча-бунча банданинг-чи?.. А, бу, бунча фивон чекмасалар?! Ҳали нариги томонга ўтайлик, кўрайлик кўрадиганимизни... Бу ерда «дар-ду-бало» деганлари асли роҳатдир, эҳтимол?.. А, лаббай?!

— Нималар деяпсиз, тушунмаяпман? Очикроқ гапиринг!

— Очикроқ?.. Тушунтириб гапирайми?.. Хў-ўп, Фиворуснинг, яъни Пифагорнинг энг улуғ кашфиётини биладиларми?

— Қайси, Фиворус?.. Қайси Пифагор?!

— Э, кучингдан, ҳофиз! Нега кўзларини олиб қочяптилар? Бунда-ай ҳамсуҳбатнинг афтига қарайдилар-да! Қанақанги одамлар суҳбатдошига тик қаролмаслигини

биладиларми? Нигоҳини яширадиган одамларчи... Но-дирбек домла: «Оқзингни очсанг ошқозонингни кўраман», дер эдилар, мен — бўйим ҳаминқадар эмасми — оғизларини очсалар митти тилчаларини, ундан ўтиб мияларигача кўраман. Калла ишляаптими-мудраяптими ёхуд занг босиб ётибдими — билиш чўт эмас! Ҳисоблаб берайми, ана, пешана уч энлик, куюқ қош уч энлик, бурун... ҳе-е бурунлар-бурунлар! Катта-кичик, япалоқ-ясси, чўзинчоқ, пучук, танқайган, букри, қийшиқ... қандай бўлмасин, бурун — гипотенуза. Мана, гап қаерда, биродар! Донишманд Фигорусни эслаганимнинг боиси буёқда!.. Буруннинг гипотенуза эканлигини, қош, қовоқ, лаб ўлчами катетлар ўрнини босишини билмай туриб, чарх-кажрафторга нола чекишлари ортиқча-да! Ҳа-а, баракалла!.. Аввал ўзларини билиб олсалар, сўнг ён-атрофдагилар ҳақида новора қоқсалар. Ишни ибтидодан бошламоқ учун, яхшиси, метрога тушсинлар, тушсинлар-да, рўпарада ўтирган йўловчиларнинг бетига разм солсинлар. Манглай — болаликдан, қаншардан то юқори лабга қадар — ўрта ёшлик палласидан, остки лаб ва даҳан — кексалик айёмидан ҳикоя қилувчи ҳужжатли ойнаижаҳон! Кўрасану, ўқийверасан, холос! Мана, сизга бир дунё ҳикмат! Бу бурунлар, бу қош-қовоқлар, бу лаблар, яноқлар, пешаналар!.. Бир дунё гипотенуза, бир дунё катетт-т! Азбаройи кузатаётган одамнинг туни билан ухлаганми, уйқудан қолганми, ҳатто, неча бора безовта бўлиб ташқарига чиқиб келганигача ўқиш-уқиш мумкин.

Худо ҳаққи, Фигорус авлиё экан! Қаерга қараманг, кўзингиз катетлар ва гипотенуза иккиланишидан пайдо бўлган ҳосилага тушади. Ўлай агар, Фрейднинг ўзи, Пифагор!.. Вой, шарманда-е! Ҳандаса қаерда-ю, психология қаерда! Ақлнинг зўри ҳаётнинг моҳиятига бориб тақалаверар экан-да, бундан чиқди!.. Билъакс, Пифагор мусиқани рақамларга айлан-тириб тинглармиди?!

Эшитяптиларми, ҳофиз биродар! Сиз ё бўлмаса ер ости йўлида кўйлак-иштон сотаётган, авлиё Уэмурани бир чайнам сақичга олмайдиган ўсмир жигаргўшам мусиқани рақамга айлан-тириш, айлантира олиш нима эканини тасаввур қиласизларми?..

Ҳу-у, яратган Эгам, рақам — мусиқа — рақам... кал Пета — сурув — Пифагор... Катетлар — гипотенуза... катет, тет... гипокатет, гипо-катет, нуза-катет... ўзбекча эмас-да, инсоният тили, ҳа-ҳа, катетлар ва гипотенуза йиғиндиси ҲАЁТнинг ўзгинаси, зеро, унинг, яъни ҳаётнинг миллати бўлмайди, ҳаёт ё бўлади, ё — йўқ! Тирикликнинг мазмуни эса яна Пифагор ҳикматидан бошланади...

Бир замонлар насаро динида айрим роҳиблар учун оила қуриш ҳаром саналган. Ё, жаноби Исо алайҳиссалом, Аллоҳнинг суйгани — никоҳ турур! Наҳот, оила қуришни ман этганлар Пифагор ҳикматини ўқимаган бўлсалар! Ахир, у ўз кашфиётида...

Дарвоқе, Исо алайҳиссалом бурун яшаганми ёхуд Пифагор донишмандми? Буни аниқламоқ учун яна бир дунё ақл-идрок керак, калла ишламоғи шарт! Калла ишлагани сайин эса... хаёл бетизгин. Тутқич бермайди азбаройи, азбаройи... мен калламан нечоғли ишлатмай, бирни икки қилолмайди, ўрни юзга айлантиролмайди. Нарса-буюм-матохлар олдида азбаройи ҳисоб машқини ечолмай беҳуда уринаётган ношуд талаба аҳволига тушавераман... «Каллани ишлат!» Ишлатаман, дунёни дунё қилиб турган нарса каллани ишлатиш, зеро, дунёни нима сақлайди, биласанми? Айтайми?

Башарти, айтмасам-да, баногоҳ мен ҳам қўярда-қўймай мени қистовга олаётган саволни Бугун жанобларининг ўзларига қайтарсам қандоқ бўларкин? Ё, қийнамайми? Саволдан чўчийдиларми? «Каллани ишлатиш керак» демайми? «Калланг ишлайдими?» деб сўрамайми? Ёхуд саволларнинг барини маҳшаргоҳга қолдираимизми? Айт, айтадиганингни, бойвачча!..

«Эзма экансиз, каллангиз ишлайдими?» дединг-а, жигаргўшам. Мен ҳам сени шу хил саволга тутайми, айт, Петажон, жигаргўшамга шу саволни берайми, берсам... берсам берарман, лекин у эзмалик қила олади-ми?..

Ҳа-а-а, ҳо-ой, жаҳаннам иситмаси, етиб келди-ик, етиб келди-ик: бугун эрталабдан менга ёпишган ҳас-талиқ сенга юққудек бўлса. (Ҳатто, юқумли касалликлар ҳам ҳазар қиладиган одамлар бўлади-да!) Юқди ҳам дейлик, бугуннинг касали юқса-да, ҳали кун бо-

тишига эҳ-хе-е қанча бор! — кун узуккун шу бугуннинг дарди билан оғриб юрсанг-да, тикану зирапча-лар бозиллатиб ачиштираётган оғриқларингни бир бошдан ҳикоя қила оласанми?..

1994 йил.

## ЎН БИРИНЧИ ЭШИК

Чеки-чегараси кўринмас ва сўлим бу истироҳат боғида сайру саёҳат қилиб юрганлар ҳисобсиз эди. Кексаю ёш, эркагу аёл ўзи билан ўзи овора. Ҳеч кимса, «Нима қилиб юрибсан? Қаерга кетяпсан?» деб сўровга тутмайди, биров бировга ола қарамайди. Истасанг — баҳайбат ва сершоҳ дарахтлар соясида ҳордиқ чиқар, ҳушингга келса — суви жимирлаб кўзни олаётган кўл ёқалаб сайр қил, яна истасанг — тангадек соя тушмайдиган сайхонликка чиқиб офтоб тигида баданингни тобла...

Йўқ, Расул ҳамма қатори боғнинг жаннатий неъматларидан баҳра олиб сайру саёҳат қилиб юравермайди, унинг тоқати тоқ бўлаверади, ўзини кўярга жой тополмайди, бундайин мужмал кайфиятига истироҳат боғи айбдордек атрофга ўқрайиб аланглайди, аламини ичига ютиб... ҳаловат истайди. Бўғзини тў-ўлдириб ҳаво ютади ва ҳаво аралаш ичига... ҳаловат тўлгандек бўлади, унга кўшилиб ўзи ҳам... ич-ичидаги ҳаловат қаърига шўнғитиси келади...

«Ҳаловат нима, ўзи? Бошига урадими, ҳаловатни?! Аслида беҳаловатлик — тириклик аломати-ку?! Шунча нарсага фаросати етган йигит барчага аён ҳақиқатга келганда ақли ноқислик қилса?! Ахир, ҳей, бандай мўмин беҳаловатмисан, демак, яшаяпсан, тушуняпсанми, ўзи?! Ҳаловатга етишиш нима эканини наҳотки фаҳмламасанг, Расулжон?! Мутлақ ҳаловат гўшаси қаерда насиб этажagini кўз ўнгингга келтиргин: ўнг кафтинг — кўксингда, хотиржам, ёруғ оламнинг сенга меҳрибон қўллари кўмагида бетинг қиблага мойил... ҳаловатнинг ўзгинаси, янаям аниқроғи... сочингнинг учидан то оёғинг учигача «тирик» ҳаловат бўлиб узала тушганча ётибсан. Тик этган шовқин йўқ, ҳатто, нафас оли-

шинг ҳам эшитилмайди... бирон кас-нокас ҳузурингга қадам босмайди, дағдаға қилиб тепангга келмайди, негаки дунёнинг кўҳна ҳикмати шу — нечоғли чароғон хонада ўтирсанг қадам ранжида этувчилар шунчалик кўпаяди, эгаллаган хонанг ғариб, нурсиз ва қоронғи тортгани сайин эса оёқлар тийилаверади.

Ётган хонанг шундай: бу масканнинг мутлақ соҳиби ўзинг — бу ерга ҳеч ким қучоқ-қучоқ дард-ҳасрат халтасини кўтариб келиб, қопқоғи ёпилмаслик дардига йўлиққан мияннга тўкиб кетмайди, шовқин кўтармайди, гоҳ узундан-узун дуолар қилиб, гоҳ... сўкиниб хонангни тарк этмайди. Қулоғинг шанғиллашидан безор бўлиб қочгани жой тополмай ўтирганингдек қатор-қатор телефон нарға қилмайди ҳам. Буларнинг бари унутилиб, янгигина қазилган тупроқ иси, охори тўкилмаган оқ сурп ҳиди омихталаниб димоғингни қитиқлайди...»

Расул синиқ жилмайди. Тақдир ўша гўшага етказса — димоғинг ҳидни сезмаслиги муқаррарку-я, илло ўз ҳолинга қўйишармикан?

У ўз ҳолига қолиш ҳақида кўп ўйлайди, истироҳат боғининг овлоқ бурчакларига бош олиб кетади... кимсасиз сўқмоқлардан йўл юрса-да мўл юриб, кўпдан буён кўз остига олиб қўйган эшик ёнига етди. Энг сўнгги русумдаги майда, серкўз тахта эшик, янгигина бўёқдан чиққан, кўринишдан баҳайбат кўринса-да, қушдай енгилга ўхшайди — бармоғингни теккизма-сингдан очилиб кетадигандек... эшиқдан ўтган замонинг ўз ҳолинга қоладигандек...

Одам боласи ўз ҳолига қолиш кўйида бунча бошини метин деворга уравермаса?..

Расул мулоийм қайсарлар тоифасидан эди, шу боис, беш миллиард банда жўр бўлиб, «Девор бор!» деб ҳайқирган тақдирда ҳам у «Йўқ!» дея рад этишга иродаси-бардоши етар эди, бироқ Башорат — чехрасидан сутдек нур таралгувчи Башоратой: «Девор бор, Расул ака» деди-ю, Расулбойнинг имон-эътиқоди дарз кетди. «Башорат хасталиги» ундаги қатъияту ишончни синдирди. Башоратойнинг ҳар лутфи карами унинг учун мутлақ ҳақиқат, ҳар боқиши мутлақ жозиба тимсолига айланди.

Қизнинг «Бунчалик хаёлпарастсиз, Расул ака, ҳамма

ёқда девор бор», деган гапи унинг бисотида қолган сўнгги ҳаловат томчисини парчалаб юборди. Назарида Башоратой айтган девор топилса иккови ўша деворнинг икки томонида қолиб кетадигандек юраги симллаб оғриди. Ваҳоланки, Расул қизнинг оппоқ биллагидан, хипча белдан авайлаб қучиб, боғни гир айланишни, эпини топса, қанот ёзиб осмонларга парвоз қилишни ва тиним билмай «Қани, девор? Девор йўқ, жоним!» дея севгилисидан суюнчи сифатида дилбар ўпичлар олишни дилига тугди. Тугди-ю... дилидаги тугун ечилиши ўрнига...

У эшикка аста қўл чўзди, бармоғини, сўнг мушти-ни босди, назарида эшик шовқинсиз-несиз ланг очилиб кетадигандек эди, тасаввури адданганини дарҳол пайқади, таниш-билиши кўриб-нетиб қолғудай бўлса кулгили аҳволга тушажагини ўйлаб дарҳол эшиқдан нари кетди. Бирмунча олислашиб улгургач, аста ўтирилиб эшик томонга ўғринча қаради, сервиқор ва жим-жимадор эшикнинг устидан кулгандек бўлди.

— Ёш боладан баттар хаёлпараст экансиз, — деди Башорат унга. Қиз шундай деганида унинг юзида ачи-ниш, афсусланиш ва фахрланиш аломати сезилди.

— Мен хаёлларимда яшайман, — деди Расул мам-нунлик билан.

— Ҳеч қачон ҳаётга айланмайдиган хаёлларингиз-да, шундайми?..

Қиз ҳар сафар шундай деса, Расулнинг нафаси ичига тушиб кетар эди, бу сафар у бўш келмади:

— Эшикни топдим-ку?..

— Очилмайдиган эшик!..

— Очилади.

Башорат яйраб кулди.

— Хўп, майли, эшикни топдингиз, шундайми?

— Топдим.

— Демак, деворни кўрдингиз, шундайми?

Расул шошиб бош чайқади,

— Йўқ, — деди ҳовлиқиб. — Девор кўринмади!..

Башорат қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Йигит қиз-нинг кулгисида тақдирга ожизона тан беришни эсла-тувчи ҳазинликни сизди, унинг юзини кафтлари ора-сида тутиб, ўзига қаратди.

— Менга қара, — деди у астойдил илтимос қилиб. — Тушунолмадим. Хўп, ҳаммаси сен айтганин-гча бўла қолсин, девор борлигини тан ҳам олайлик, фақат шундан сен хурсандмисан ёки?..

Расул гапини охирига етказолмади. Башорат ялт этиб унга кўз қирини ташлади-ю, ўша заҳоти яна бошини ҳам қилди. Орадан пича фурсат ўтгач, у мулойим, лекин рад этиб бўлмас ишонч билан гапирди:

— Менинг хурсанд ё хурсанд эмаслигимнинг аҳамияти йўқ, девор борми — бас, биз у билан ҳисоблашмоғимиз шарт.

— Бўйсунимиз шарт, демоқчимисан?

— Ҳм...

— Бошқалар ҳам шундай ҳисоблайдиларми?

— Бошқалар... биз мавжудлигини тан олишни истатаётган, энг шафқатсиз девор — бошқалар-да!..

— Ҳеч ким... биронтаси ҳам тушунмайдими, бизни?!

Башоратнинг лаби пирпираб кетди, лекин сир бой бермади. Оғиз жуфтладию, йигитнинг саволига жавоб қайтармай, елка қисди. Бу сўзсиз иқроор Расулга бамисоли ҳукмдек оғир ботди, қизни етаклаб «Арғамчизор» ортидаги дарвоза томон жадал йўл олди. Башорат Расулга заррача қаршилиқ кўрсатмади — у етаклаган томон кетаверди. Бу — унинг йигитга нисбатан буткул ишончининг белгиси эди. «Сиз билан дунёнинг энг олис бурчакларига кетиб қолишга тайёрман», деб неча бор айтди ҳам.

— Шундай экан, нега бунчалик деворлардан ўта олмаслигимизни, деворлар олдида ожизлигимизни пеш қилаверасиз, — жоникиб, ҳатто, норозиланиб сўради Расул. — Одам ожизман дегани сайин ожизлиги ўн чандон кўпайгандан-кўпайиб бораверади, бундай умидсизлик билан девор оша ўтолмаслигимизни муқаррар қилиб қўясиз-ку.

«Арғамчизор» томондан бола-бақранинг қувноқ ва шўх қийқириғи эшитилиб турар эди.

— Ҳамма ўзи билан овора, — шивирлади Расул, гўё тил бириктириб қочишаётгандек маъшугасининг қулоғига энгашиб.

— Лекин дарвоза тақа-тақ...



Расулнинг ич-ичидан кўтарилган ҳарорат бетига, ундан бошига тепди, чаккаси лўқиллаб оғриди. Дарвозанинг темир гардишли тавақасини оёғининг учи билан туртди, чунки кучоғидан чиқарса бировлар тортиб кетадигандек хавотирда икки қўллаб қизни бағрига босди, уни қўлига кўтариб олишга шайланди. Бироқ дарвоза тавақаси қимир этмади...

— Юринг, бу ерда турмайлик, — деди ўша заҳоти Башорат.

— Шошилманг, сен... сиз ошиқмай туринг.

Расул амирона оҳангда овозини кўтарди, бунини Башорат ўзига оғир олмади. Расул худди узоқдан югуриб келиб дарвозага калла урмоққа шайланган қўчқордек ортига тисарилди. Башорат завқланиб кулди. Йигитни қўлтиқлаб, унинг яноғидан енгилгина ўпди. «Одамлар қараяпти, бизга», — деди шивирлаб.

— Қараса қарайверсин, — жеркиди Расул, хуноби ортиб. Башорат жиддий тортди.

— Қизиқсиз-а, Расул ака... «Девор, дарвоза» деяпмизу... мана шу одамлар-да, девор!.. Икковлашиб қўл ушлашиб юришимизни ким тўғри тушунади ахир? Дарвозаю эшиклар — одамларнинг юраги, қалби, мана шу юрак ва қалблар тушунсагина дарвоза тавақалари очилган ҳисобланади биз учун!..

Расулнинг кўксига қандайдир жондор питирлаб, ўзига қўшиб Расулни учуриб кетгудек қанот қоқди. Расул Башоратнинг ўхшатиштини эшитиб энтикиб кетди, ўзини йўқотиб қўйди ва... қизнинг бетидан, ёноғидан, бўйнидан устма-уст ўпди, бирдан чўк тушиб, унинг билаги, бармоқларини кўзига босди, энкайиб, тиззаларини қучди.

— Вой, бу нима қилганингиз? Туринг! — деди Башорат икки қўллаб Расулга ёпишиб. — Ҳамма қараяпти-я!..

Расул қадини ростлай туриб атрофга аланглади, сайру саёҳат қилиб юрганлар, югуришиб-қувалашиб ўйнаётганлар, чакчақлашиб суҳбат кураётганлар — ҳар бир одам кўзига девор бўлиб кўринди. «Башорат тўғри айтди, — хаёлига эрк берди Расул. — Ҳар одам бошқа одам учун — девор! Икки оёқди, жонли девор, ҳаракатланувчи, фикрловчи, гапирувчи, бошқаларни тушуниб... тушунмовчи девор...»

- Яхшилаб, самимий тушунтирсанг одамлар тушунади. — деди дилидагини тилига кўчириб.
- Нимани тушунади?
- Бизнинг муҳаббатимизни.
- Муҳаббатни тан оладими, одамлар, Расул ака?
- Башоратой, мен, биласизми?.. Биласанми, Башорат, мен би-ир-р кун кўрмасам, би-р-р соат телефонда овозингни эшитмасам тутқаноқ касалига йўлиқишимни, неча-неча тунларни бедор ўтказишим, соғинч азобидан жигар-бағрим гилкаланиб кетишини шу-ундай айтиб, ҳикоя қилиб бераманки, менинг изтиробларимдан энг галча, сўқимтабиат одамнинг ҳам юраклари сел бўлиб оқади ва ниҳоят мени... бизни тушунади.
- Ва устимиздан кулади... — илова қилди қиз.
- Нега, нега кулади? Ахир...
- Ахир... қизиқсиз-а, Расул ака,— мулойимлашди Башорат. — Ўзингиз нима деган эдингиз?
- Нимани? Қачон?!
- «Бундай муҳаббат камдан-кам одамга насиб этади», демаганмидингиз?
- Айтгандим.
- Демак, сиз билан бизнинг кўнглимиздан кечганини ҳам жуда камдан-кам одам самимий ҳис қила олади. Қани, қаерда ўшандай одам, қаердан излайсиз, қаердан топасиз?..
- Расул кўлга сув қуйилиш томонда темир панжарадан ясалган эшик борлигини эшитган, ҳатто, уни ўз кўзи билан кўрган ҳам эди. Негадир, шу дарвозани эслади-ю, ичида умид чироғи ёнди. Назарида ҳозироқ етиб борса, Башорат билан қўл ушлашиб чиқиб кетадигандек, чиқиб олса жуфт-жуфт бўлиб осмон-осмонларга парвоз қилган оққушлардек ер юзининг э-энг жаннатмонанд гўшаларига бориб кўнадигагандек...
- Узоқдан темир панжарали дарвоза кўринганида Расулнинг юраги ҳаприқиб кетди.
- Тез, — деди ҳовлиқиб, — ана, кўряпсанми, одамлар бемалол кириб-чиқяпти. Биз ҳам, ҳозироқ етиб борамизу...
- Етиб боришди ҳамки, дарвоза тақа-тақ юзига ёпилди. Расул панжарани чангаллади, кўпориб ташлагудек

куч билан силтади, дарвоза шарақлади-ю, қилт этмади. Шунда у бир ёнда жилмайиб турган ўрта ёшлардаги дароз бўйли кишини кўрди.

— Ҳа, ука? — сўради дароз бўйли киши ҳамон жилмайган кўйи.

Расул унинг ёнига югуриб борди, оёғининг учида чўзилиб амакининг қулоғига шивирлади. Амакининг юзи ёришиб кетди, унга қўшилиб Расулга жон кирди ва бирдан... амакининг афти тундлашди.

— Шу ёшга кириб севги-певги нимаиканини билмабман, окўси, мана, ўлиб-нетиб қоганим йўқ, қайтага опоқинг саккизтасини туғиб берган...

Расул бир сапчиди-ю, ўзини Башоратнинг ёнида кўрди, ўзини унутиб, қизни авайлаш ниятида унинг қўлидан тутди. Қизга аңдармон бўла туриб, амаки томон ўшқирди:

— Муҳаббатсиз оилада туғилган саккиз фарзандингизга ачинаман!..

У яна нимадир демоқчи эди, қиз билагидан тутиб тортганича гапиришга қўймади.

— Йиғлаяпсанми, Башорат? — сўради Расул жаҳлдан тушмаса-да, хавотирланиб.

Башорат бошини сараклатди.

— Нега унда хомуш тортдинг, жоним? — энди астойдил куйиниб сўради йигит.

— Расул ака, бунчалик соддади бўлмасангиз?

— Соддалигимдан куляпсизми?

— Сизнинг устингиздан кулсам, шу ерларда етаклашиб юрармидим!..

— Юринг, ҳозир музқаймоқ олиб бераман, ҳар хилидан, му-уздай, ширин-н-н! Мазза қилиб... едириб қўяман.

Башорат яйраб кулди.

— Мен сизга ёш боламанми?

— Мен сизга ёш боламан.

— Ҳамма қатори...

— Биз ҳамма қатори яшай олмаймиз, шундай-а, Башорат?

— Кўнглимиз шунга истайди.

— Ўзимиз-чи?

— Ўзимиз... — Башорат жим бўлиб қолди, атро-

фидан ўтаётган одамларга беҳис-бемақсад термилди.

Расулнинг йигитлик ғурури поймол бўлган эди. Башоратнинг бир сафар хомуш тортишига арзимайман, деб ўзини-ўзи койиди, қанчалик машаққат эса-да, Башоратни ўз муҳаббатига ишонтира ололди-ку, шундай бўлса-да, назарида у Расулнинг қайноқ муҳаббатини унутиб қўяётгандек туюлар, бунга сари ҳар учрашганида «Ишдан гапирайми?» деб сўрар, Башорат: «Гапиринг» дер, шунда Расул: «Ишқдан-чи, ишқдан? Ишни қўяйлик, ишқдан сўйлайлик», деб хиргойи қилишга тушар, бундан Башорат дам самимий кулади, дам... Расулнинг бундай қилиқлари ўзига бачкана туюлади, кечаю кундуз хаёлларини ишғол этган қиздан уялади, қайтиб бундай изҳорлар қилмасликка аҳд боғлайди, аҳд боғлаган заҳоти...

— Ҳалиги катта ёзувчи бор-ку, — деди ёзувчинини исмини атай тилга олмай, — «Шунча йил бирга яшаб, хотинимга бирон марта «севаман» демаганман», — деб гердайдгани-гердайдган.

— Демак, катта ёзувчи эмас экан-да, — бепарво жавоб қайтарди Башорат, хомуш тортиб.

Бу гап Расулга қандек ёқди.

— Сиз-чи?.. — Башорат саволини охиригача айтмади.

Расул бундай саволга жон-жон деб жавоб берди:

— Мен «Мен сени севаман», деган сўзни миллион марта айтаман. Айтганда ҳам миллион оҳангда айта оламан!..

— Шунинг учун ҳам сизни ҳеч кимга раво кўрмайман, — деди Башорат ҳаяжонини яширмай.

Расул боғнинг энг чекка-чеккаларига, овлоқ бурчакларигача борди, ёлғиз ўзи пойи-пиеда кезди, учинчи, тўртинчи, бешинчи эшикларни бориб кўрди, эшик овалари билан тил топишиш чорасини излади, бироқ ҳар сафар умиди пучга чиқаверди, умидсизланганида ва унга қўшилиб Башорат ҳам тушқунликка тушганида бирдан сапчиб, ўрнидан ирғиб турар, «Йўқ, топамиз, бизни, бизнинг самимий ва бокира туйғуларимизни тушгунадиган ва бизни қўллаб-қувватлайдиган, бизга оқ фотиҳа берадиган инсон топилади, ана ўша

инсон биз учун очилган эшик ҳисобланади!» деб ҳайкириб, ҳаяжонланиб гапириб ташлайди.

— Ўзи боғда нечта эшик бор? — сўради у бир куни тўсатдан.

Башорат жавоб бермай елка қисди.

— Боғда юрибмиз-ку, бунча ташқарига интилавермасак, Расул ака? — деб савол қотди. Расулга худо берди.

— Мен боғда эмин-эркин юришимизга қаноат қилолмайман, биз ҳамма жойда — боғда ҳам, шаҳарда ҳам, уйдаю кўчада ҳам ўйнаб-кулиб юришимиз... япашимиз керак. Тушунаясанми, Башорат, боғда қанча одам бўлса — биз учун уларнинг ҳаммаси эшик, очилмаган ва очилмайдиган эшик!

Расул ҳар сафар қизга тинмай далда берар, қачондир эшиклардан бирортаси очилишига уни ишонтиришга амин эди, амин эди-ю, баъзан кўнглининг тубтубидаги тушқунлик, чорасизлик ва мискинлик унинг жисми-жонини кўшиб ерга босаётганидан қочгани жой, айтгани сўз тополмай қолар эди. Шундай кайфиятда ҳам у оёқларига дам бермас, боғ айланиб, тавақаси ланг очиқ эшик излар эди. Олтинчи эшикнинг олдида уй баравар шох-шабба уюб қўйишибди, еттинчи эшик йўлаги жимжит, одам шарпаси ҳам кўзга ташланмади. Расул ҳайрон бўлди, «Етдим, топдим», деди ичида севиниб, бироқ унинг севинчи узоққа бормади.

— Ҳа, ке, ука,— деган товуш қуловига чалинди-ю, товуш эгасини тополмай аланглади.

— Ўзим, шунчаки айланиб...

Расул мақсадини айтиб улгурмай товуш эгаси унинг хафсаласини пир қилди.

— Бу ердан ҳеч банда ўзи юриб ўтмайди, кўплашиб кўтариб ўтишади.

— Тушунмадим, — деди Расул, суҳбат асносида остонадан ўтиб кетишини мўлжаллаб.

— Сабр қил, ана, орқанга қара, бу ердан кимлар қандай ўтишини кўрасан.

Расул келган йўлига ўтирилди-ю, қуюндек тумонат узра оппоқ сурп ўралган тобут сузиб эшик томон яқинлашаётганини кўрди. Навбатдаги умиди ҳам чиппакка чиққанидан Башоратнинг башоратлари тўғри эканига

кўнглида ишонч туғила бошлади. Лекин бу ҳол узоқда чўзилмади, у ҳаддан ташқари ўжар ва қайсар эди, бинобарин, севгилиси билан мурод-мақсадига етажигига бўлган ишонч-эътиқодига аввало ўзи ишонди. Ана шу ниятига Башоратни ҳам ишонтира олди, энди фақат чорасини топса бас, чорасини!.. Учта эшик топди, бешта, олтита, еттинчиси хос эшик экан, ундан бу дунёдаги паймонаси тўлганлар ўтар экан, ўтганлар жойини жаннатдан топсин, лекин саккизинчи эшик бор-ку, саккизинчисидан ўтиш эпини тополмаса излаб-истаб тўққизинчисини топиши мумкин-ку!.. Ўнинчиси ҳам гапми, истаганича топиши мумкин, истақ, ишонч ўлмаса бас, Расул юраверади, оёғида оёқ қолмагунича, умри поёнига етмагунича... умри поёнига етса етар, илло сабр-тоқати поёнига етмайди. Калака бўладими, гуноҳкорга чиқадими, калтаклар остида қоладими — Башорат билан уни тушунадиган одам ёрдамида истироҳат боғидан чиқиб кетадиган эшик излаш ниятидан қайтмайди.

— Шундайми, Башорат? — сўради у кўнглидаги қатъиятга қиздан далда кутиб.

— Сиз нима десангиз — шу, — қисқа жавоб қайтарди қиз.

Расул учун бундан улутроқ куч-қувват ато этадиган далда бўлиши мумкин эмас эди. Шу боис у дуч келган эшик олдига кўнглидаги мана шу ишонч-эътиқод тўлқинида борди, интилди, уринди — одамлар билан тил топишиш илинжида сўзамоллик, уddaбу-ронлик соҳасидаги жамики маҳоратини ишга солди.

Фиштли девор орасида қолиб кетган одам бўйидан баландроқ тахтани кўрганида Расул анчагина толиққан, тушкун кайфиятда эди. Фақат... доимо саранжом-саришта, озода сақланадиган боғнинг одамлар кўзидан йироқ овлоқ бурчаклари қаровсиз, эътиборсиз ташлаб қўйилади. Ташландиқ жойга на сув-пув сепилади, на супурги тегади. Чанг-чунг, доғ-дуғ босган тахтани девордан кўчириб ташлаш осон эмас. Олдига яқинлашиш ҳам маҳол: йўл йўқ, белга урадиган чақир тиканакли янтоқзор қадам босгани қўймайди. Расул қўли билан букиб, тик ўсган янтоқларни ёнбошга ётқизиб йўл очишга киришди, кафтининг сиртини тикан тилди, пар-

во қилмади, «Эҳтиёт бўлинг», деди Башорат меҳрибонлик билан, қизнинг оппоқ билагида қип-қизил чизиклар пайдо бўлганини Расул шундагина пайқади.

— Сиз қўлингизни урманг, аста ортимдан келаверсангиз бас, — деди у рамхўрлик кўрсатиб.

Шундай дея туриб оёғи билан янтоқ танасини босди, туфлининг таг чармига «кирт» этиб тикан кирди, эътибор қилмади, қуриган ўт-ўлан орасида итлар ражиган суяк қолдиқлари кўринди, йўл очишда давом этди, терлаб-пишиб кетди, Башорат рўмолчаси билан унинг чаккасидаги, бетидаги терни артди. Қизнинг янтоқ шохи илган этагини авайлаб бўшатди, Расул унинг оппоқ юзлари қизариб кетганини кўрди. Башорат бир оғиз бўлсин эътироз билдирмади, мен бу йўлдан юрмайман деб орқага қайтмади, ҳатто, одатича, «Қаёққа кетяпмиз, Расул ака?» деб савол ҳам қотмади. Қаёққа кетаётганимиз эмас, бирга бораётганимиз муҳим, дер эди Расул, мана, ҳатто, ташлаңдиқ янтоқзор оралаб бориш ҳам бу йигит-қиз учун фароғат, роҳат эди.

Расул тахта устидан кўпайтирув амали шаклида қоқилган темирга қараб ажабланди, ҳали етиб бор-май шу кўшалок темирни олиб ташлашни мўлжаллади.

— Асбоб-ускунасииз кўчириш қийиндир? — иккиланиброқ сўради Башорат.

— Икковимиз бирлашсак ҳеч қандай қийинчилик бизга писанд эмас, — жавоб қайтарди Расул.

Шундай бўлди ҳам — Расул Башоратнинг кўмагида тахтага қоқилган темирнинг бирини, сўнг иккинчисини осонгина кўчириб ташлади.

— Айтдим-ку, Башорат, астойдил киришсак ҳар қандай машаққатни енгамиз, — деди қувониб Расул. — Рўқматли отам кўп гапирар эдилар: астойдил аҳд қила билсанг — битмайдиган мушкул иш йўқ, дер эдилар.

— Ҳеч зор йўғ-а? — сўради Башорат атрофга ажабланиб аланглаб.

— Биз бормиз-ку, — кулимсираб пешанасидаги терни кафти билан сидирди Расул.

— Мен бошқаларни сўраяпман, йўловчиларни...

— Биз бошқалар эмасмиз, жоним, биз... бизни тушунамиз... бизни ва биз кабиларни тушуна биладиганларгина етиб келишлари мумкин бу ерга...

Расул овозини хиёл кўтариб санай кетди, етмишдан ошгандагина қиз унинг сановини бузишга журъат этди.

— Санашга вақт кеткизмай, бир бошдан кўчириб ташлай қолайлик.

— Яхши, шундай қила қоламиз, — деди Расул ва тахтага қоқилган михлардан бирини тортқилай бошлади. Мих қимирлади-ю, лекин суғурила қолмади, Расул уни айлангириб-тебратиб узоқ уринди.

— Шу-унча михни қоқиш кимга зарил келган-а? — Башорат Расулнинг куйиб-пишишига ачинганидан норозиланиб сўради.

— Эшикка эмас...

Расул шундай деб гап бошлаганида бош бармоғидан қон тирқираб кетди, Башорат рўмолчасини шилинган ярага босди, қора терга ботиб мих суғураётган йигитта жони ачишганидан уни ниятидан қайтаришга ҳам жазм қилди.

— Тахтани олсак-да, фойдаси бўлмаса нима қиламиз? — деб сўради шубҳасини яширмай.

— Бу михлар эшикка ёки тахтага эмас, — деди узилиб қолган гапини давом эттириб, — юракка қоқилган. Сен билан биргалашиб ана шу юракдаги михларни битта-битталаб суғуриб ташлаймиз. Майли, қўлимиз қонасин, майли, кўкариб-шилисин, лекин юрак михлардан тозаланса, томирлардаги қон гупириб оқади, қара, занглаган-қорайган, эгри-бутри, катта-кичик михлар...

Шом қоронғиси чўка бошлаган эди. Расул тахтадан суғуриб олган михлар оёқ остида уюлиб, шақир-р-пуқур-р қилар, занглаган, қорайган-қурайган мих уюмидан Расулнинг вужудидан оқаётган терга, қўларининг ва... қайсидир юракларнинг қони қўшилиб силқиллаб томаётган эди. Шундагина у тахтанинг нариги томонидан қоқилган саноксиз михларнинг учи бу ёққа чиқиб қолганини кўрди. Жуссаси ихчам кўринган Расул тахтага шердек ҳамла қилди, у ҳар битта михни минг бир уқубатда қимирлатиб, тортиб, суғуриб олишда давом этди. Кўйлаги титилиб кетди, жаз-жаз ачишаётган кафтини, бармоқларини дам-бадам тиззасига бошаверганидан шими қонга беланди. Қорни очмаётганига, қўли ёки асаблари толиқмаётганига ҳайрон бўлди,



лекин бирон лаҳза қилаётган иши ўзига бемаъни ёки бесамар туюлмади.

Унинг ёнида Башорат бор эди, Башорат билан ҳоли қолиш қувончи уни ҳар қачонгидан куч-қувватга тўлдирган, Расулнинг ҳар қандай хатти-ҳаракати Башорат учун қадрли, ҳикматли эди.

Мўъжиза қоронғилик айни қуюқлаша бошлаганида юз берди: истироҳат боғининг бу овлоқ гўшаси ёритилмаганидан зумда зимистонга, алмисоқдан қолган тахтага аллакимлар томонидан қоқилган беҳисоб миҳларни суғуриб олаётган йигит билан қиз кўлагига айланган пайтда... тахта жойидан силжиди. Расул азбаройи бақириб юбораёзди.

— Жоним!— деди тахтага кифти билан суяниб.

Башорат ёмонроқ шикастландими, деган хавотирда йигит томон интилди. Расул қонталаш кафти билан қизнинг белидан қучди, уни бағрига тортиб, юзига беозоргина лабини босди. Башорат «пича дам олайлик», демоқчи эди, лекин йигитнинг кучига-куч қўшилганидан-қўшилаётганини кўриб ҳайратга тушди. Оёғига тармашиб тиззаси томон ғимирлаб, ўрма-лаб чиқаётган сероёқ ҳашаротни шимининг устидан пайпаслаб тутмоқчи бўлди, эплормади, ҳашарот тиззасининг кўзига етди, тақимига ўтди. Қаердадир илон вишиллади.

— Илоннинг уяси борга ўхшайди,— деди хавотирланиб Башорат.

— Суғуриб олинган миҳларнинг ўрнидан чиқяпти,— деди бамайлихотир Расул.

— Бир оз дам олинг, Расул ака, — деди Башорат ёлборгудек оҳангда.

Расул кулди.

— Энди дам олмаймиз, Башорат. Етдим деганда чарчоқ қоладими, жоним?! Тахта ўрнидан кўзғалай деди. Сенга кўринмаяптими, Башорат?!

— Тахта олинса нима бўлади, Расул ака?


— Бу — қуруқ тахта эмас, эшик, тушгуняпсанми, Башорат, аллазамонлардан қолган ва кимдир келиб очишини кутаётган эшик! Парвардигор бирорта бандасини бенажот қолдирмайди, жоним, «бошим қотиб қолди», «дунё кўзимга қоронғи», «чора қолмади», де-

ганлар бекор айтибди. Башорат, майли, эшиклар ёпиқ бўлсин, майли, эшиклар бетингга тақа-тақ ёпилсин, ўксима, жонгинам, бири бўлмаса — иккинчиси, бештаси ёпилса — олтинчиси, ўнтаси очилмаса — ўн биринчиси очиқ бўлади, очилади, уқяпсанми, меҳрибоним, ҳамма эшиклар гумо-гурс ёпиқ бўлиши мумкин эмас, зинҳор ундай бўлмайди, фақат умид ўлмаса, ҳаракат сўнмаса бас, очиқ эшик топилади, Башорат, шу ердამисан, азизим, ке, ёнимга, яқинроқ ке, жоним, яқинроқ, жудаям яқин кела қол!.. Ҳадемай... Ҳадемай... майли, қўлларимнинг териси, эти шилиниб тушсин, қонлар оқаверсин, илону қурт-қумурсқалар баданимни чақсин, уст-бошимни тиканлар, михлар илма-тешик қилсин, сен ёнимда бўлсанг кифоя, Башорат, Башорат, мени... бизни қутқаради, халос этади, тушундингми, Башорат?.. Ҳалоскорим...

Расул навбатдаги михни тортганида тахта лоп этиб ўрнидан силжиди, қийшайиб унинг устига ағдарила бошлади. Расул эшикка қарамай қизнинг биллагидан тутди, уни кучиб ағдарилаётган эшикка, эшикка қоқилган, ҳали суғуриб улгурилмаган саноксиз михларга қаради, вужуди зирқиради. Шу топда эшикнинг ортидан майин, ёқимли шабада эсди. Бир жон бир тан бўлиб турган Расул билан Башорат бу эпкиндан энтикиб кетди...

1998 йил.

# Бозор детектив



Изқуварлик унсурлари инсон феъл-атворидаги ангаини мураккаб ва хос ҳолатларни ўранишда, тасвирлашда ҳам ҳудуд асқотадн. Шулқумга кифритилган хикаояларда, ҳашипо, жинноатнамо кўфитилар ўраган тақонрда ҳам мақсад жинноятнавислик эмас, балки, яна ўша — детектив унсурлари кўрагида инсоннинг мураккаб дунёсини ёқуфрок ўраниши.

## ЁҚУБ ИЗҚУВАРНИНГ ҲИЙЛАСИ

Ёқуб тўрам калласини салгина бошқача ишлатган эди ҳаётида тубдан бурилиш юз берди: киссаси пул кўрди, рўзгорига барака кирди, номи маҳалла-кўйнинг оғзига тушди, ҳаммасидан ҳам, бегоналар тугул, уйидаги бола-чақаларигача унинг иззат-ҳурматини бўлакча жойига қўядиган бўлишди! Тилидан ҳам, дилидан ҳам «Етказганига шукр» тушмайди-ю, баъзи-баъзида ўзи кашф этган янги касб-кори ўзига малол кеп қоляпти. Саратон иссиғида алакимларнинг кетида пойлоқчилик қилиб юришнинг ўзи бўладими?! Тўрт кун бурун борди, нақ пешингача уйига киролмай қолган лайчадек кўчада санғиди. Қориннинг пўстаги чиққаниям майли, яқин-атрофда чанқовбосди қултум сувнинг анқолиги ёмон алам қилди Ёқуб тўрамга!.. Бир ишни эп-лолмай қандай борган бўлса, шундай изига қайтди. Эртасига яна ўша кўчада кунни ярим қилди. Ивирсиниб юрди, сояси қуюқроқ ўрикнинг паноҳида чўнқайиб ўтирди, шу алфозда чимдим-чимдим мизғиб олди ҳам. Илло элик-олтмиш қадам наридаги қўш қаватли, қизғиш томли ҳашамдор уйнинг баҳайбат темир дарвозасида инсон қораси кўринмади. Ҳали кўчиб келишмаганми, нима бало, деб норозиланиб гудранди Ёқуб тўрам.

Илгариги замонларда уй-жойига қараб хонадон соҳибининг касб-корию топиш-тутишини адашмай чамалаш мумкин эди, энди эса касбдан кўли йўқ. Кимга қарасанг, пайтавасига қурт тушгандек елиб-югуриб юрганини кўрасан, разм соли-иб кўрсанг, эплаб қўйган ишининг тайини йўқ, асасасю-дабдабаси эса оламни бузади!

Ёқуб тўрам ҳам ўзи истар-истамас ўшаларнинг бирига айланди-қўйди. Ҳаммаси ҳеч бир ақли расо банданинг етти ухлаб тушига кирмаган янгича касб-кори кашф этишидан бошланди. Бундай қараганда, касб-

кор дейишгаям тил бормайди, ишлайдиган идорасиям, ишхонасиям, янгича айтганда, офис-пофисиям йўқ. Жамоа... жамоани бошига урадим! Бир ўзи! Ўзи топдим — ҳузурини ҳам ўзи кўради! Сирини дoston қиладиган, оззидаги насибасини икки қўллаб улашадиган анойилардан эмас у. Аллазамонлар ўтиб кетган товасининг невараси кепти: «Беш ўғлим, бари бекорчи, бирортасини ёнингизга олсангиз»... Қариндош-уруғ орасида Ёқуб писмиқнинг иши юришиб кетди, деган гап болалаганки, келган. Ёши олтмишдан ошиб биров ундан ёрдам сўраш тутул, унинг ҳолидан хабар олмаган. Энди-энди салгина калласи бўлакчароқ ишлаши туфайли қадамини ерга дадилроқ қўядиган бўлганида... «Жиянчаларни ёнимга оладиган ҳунарим йўқ, опоқи. Ўзим пенсадаги одам бўлсам...» Опоқи унинг айтганига ишонмади, шалвиллаб хайрлашди. Ичида қаранган бўлса ҳам эҳтимол. Ёқуб тўрам узoқ қариндошига ачинди, лекин чораси қанча?! Фалон-фалондақа юмуш топганман, ўғлингиз шу ҳунарнинг бошини тутсин десинми?!

Бир нарсанинг тагига етмагунича уйқуси келмайдиган ипирисқилар бор. Қўшниси Лутфиддин нахалга ўхшаш. «Ў, писмиқ, қатган ошиб-тошиб кетяпсан?» деб сўраб қолса бўладими, кўпчиликнинг орасида! Ёқуб тўрам бунақанги бемаъни луқмага бамаъни жавоб қайтаришни ўзига эп билмади.

— Ҳар қалай, ўғри-каззоблик қилаётганим йўқ, — деди-қўйди.

Ҳа-да, у ҳеч кимсани ураётгани, сўқаётгани йўқ, муттаҳамлик қилиб ўзганинг чўнтагига қўл суқаётгани йўқ. Таъманинг кўчасига йўламаяпти. Одамларнинг ўзлари келишади, чақиринишади, дард-ҳасратларини тўкиб солишади. Илтимос, илтижо, ўтинч ва ўзлари қўярда-қўймай қўлига ул-бул тутқазиб кетишади. Иши битмай туриб ташлаб кетадиганлар бор, ҳожати чиққач, Ёқуб тўрамни чорлаб чақирганлар қанча!

Ёқуб тўрам ўйлаб кўрса, эндиги замонда фалон касбнинг паттаси чўнтагимда деганинг билан нонинг бутун бўлмас экан, энди давру даврон ишнинг ўзини эмас, кўзини билганники!..

Шокарим барака топгур ҳунарининг кўзидаги нақ гавҳарини мўлжалга олганлардан чоғи, ана, уй-жойини кўрга ҳассадек қилиб, қойиллатиб қуриб қўйибди, иморати олмонларнинг ўйинчоқ фабрикасидан янги-гина чарақлаб чиққан қўғирчоққа ўхшайди — узоқдан қараган одамга кулаётган, жиламаяётгандай. «Менга ўхшап, лоақал менгаям ўхшай олмаяётган нопуд-нотавонлар устидан қаҳ-қаҳ отаётгандай!» деб минғирлади Ёқуб тўрам.

У Шокаримнинг хонадони ёнида атайин қадамини секинлатиб ўтаётиб иморатга саро-сар разм солди. «Мармар қопланган пойдевори мандан икки қарич баланд... Сувоғиям алламбалло... Дераза ойнаси кўзни оляпти, уйнинг ичига мўралашнинг иложи топилмади-да...»

— Топган ҳунарингдан ўргилдим! — деб юборди Ёқуб тўрам ўзидан астойдил аччиқланиб. Аччиқланди-ю, шу заҳоти шайтонга хай берди. Ахир умри меҳнатдан бош кўтармай ўтди-я, ҳе, эссиз! Кўксига шамол тегмади, эркак бошига дўппини яримта қилиб кўчага чиқолмади. Қариндош-уруғ, ошна-оғайни туғул, бола-чақасининг олдида ҳам бўйинини, унга қўшиб тилиниям қисиб юрди. Аслида салгина тилига эрк берса шундай гапларни биларди-я!.. Қанчадан-қанча теша тегмаган гаплари, қочириқлари тахи бузилмайгина ёруғ оламни кўрмай ичида жон берди, увол!.. Аҳён-аҳёнда тилига кучи етмай қолган пайтлари айтганини эшитганлар эса уни ичидан пишган писмиққа чиқаришди. Мабодо калласи бошқачароқ ишлаб қолмаганида, кўз кўриб-қулоқ эшитмаган юмушни топмаганида дунёдан «Ёқуб писмиқ»лигича ўтиб кетарди. Қариган чоғимда уйда ўтириб қолсам ҳолимга маймун йиғлайди, деб юрак ҳовучлаб юрганди, аксинча, худо қўш қўлади! Фақат минг битта ҳунар бўлса ҳаммасидаям сабртоқат қилган одамгина барака топар экан.

Ёқуб тўрамнинг ичи эса сабр-тоқатнинг кони! Ўзи мусичадек юввош, беозор, камсуқумдан-камсуқум эди, кўпчилик уни назари илмасди, очиқ-ошкор камситишдан ҳам тойишмасди. Ёқуб тўрам бундан озорланмасди. Нима бўлди-ю... йўқ, у кишим фавқулодда қаҳрамонлик кўрсатмади, юлдузни бенарвон урмади, белига белбоғ боғлаб ажнабий полвоннинг елкасини

ерга теккизгани ҳам йўқ — олтмиш йилдан буён амал-тақал асраб, кўтариб юрган калласининг ичидаги ақл тутмаларини зиғирча бошқача ишлатди. Шу, холос!

Аввалига у ҳақда ҳазил-ҳузул аралаш узун-қулоқ гап оралади. Миш-мишга биров ишонди, биров йўқ. Буюғини сўрасангиз, Ёқуб тўрамнинг ўзи ҳам ҳарчанд бош кўтармасин фалон кундан ёки писмадон ҳодисадан сўнг ўзимда шундай ноёб қобилият аломатини пайқадим деган тахминни айтолмади. Ўз исмига қачондан буён улуғловчи «тўрам» кўшилиб қолганига ҳам эътибор бермади. Одамнинг отаси қўйган исми ўзгарса-ўзгарадики, кўчада ортгирган лақаби умрбод қолади, деб юрарди. Ёқуб тўрам шу борада адашди, яъни замон ўзгаришларига яраша мияси салгина ўзгача ишлаганди, яшаш тарзига кўшилиб, лақаби ҳам янгилашиб кетди...

Ёқуб тўрам шу сингари хаёллар оғушида «объект»дан узоқлашмай тоқати-тоқ бўлаёзганида умидини боғлаб турган ҳодиса юз берди — кўча бошидаги муюлишдан чиқинди ташувчи машинанинг «ди-дит»и эшитилди. «Дўмбоқвой худо деган йигит экан!» деб юборди Ёқуб тўрам шайланишга тушиб. Чиқинди йивадиган машина қаерга келиб тўхташини чамалади.

Беш-олти кун бурун қоқ пешинда бир чойнак чойни мириқиб ичиб, сел бўлиб ўтирган жойида ёнбошлаб, пинакка кетган экан, қўнғироқ устма-уст жарангласада, аранг ўрнидан кўзғалди. «Яна биттаси келди!» — энсаси қотди Ёқуб тўрамнинг, ҳозир чиқиб дарвозани очади, яқин-атроф кўчалик бирортаси қўл қовуштириб илжайиб турган бўлади, мезбон, қани, ичкарига кирсинлар, дейди, меҳмон бўлмиш гўё оламшумул хуфия сирни ошкор этаётгандай паст товушда шивирлайди:

— Қизимизга совчи келиб қўймаяпти...

— Э, хайрли бўлсин, биродар, — дея Ёқуб тўрам лутф қилади. Меҳмон тағдор жилмаяди. Мезбон шунинг ўзида муддаони фаҳмлайди, лекин меҳмон ўз оғзи билан муддаога кўчмагунича у зинҳор сир бой бермайди.

— Ёқубжон амаки, сиздан фатво олмай туриб тўй бошлайдиган анойи йўқ, — деб мақсадга кўча бош-

лайди меҳмон бўлмиш. Ёқуб тўрам ўзини гўлликка солади.

— Мен-а? Мен қанақасига фатво бераман?.. — У шундай деб ҳайратини охиригача ифода қилиб улгурмай меҳмон дангалига кўчади:

— Ҳаммасидан хабаримиз бор, отахон. Сиз бир оғиз «ҳа» ёки «йўқ» десангиз бас, кўнгил хотиржам тортади. Ўзимиз ҳам ул-булни суриштирдик, лекин сизнинг йўриқингиз бошқа дейишди. Жон, ака, йўқ деманг, орамизада қолади...

Илтимос қилиб келувчилар ҳам, ўртага тушадиган воситачилар ҳам бошида, «орамизда қолади», деб ваъдани катта беришади, аммо-лекин мана, Ёқуб тўрамнинг кароматлари орада қолмаётгандирки, тўй мавсумида остонага илтимос қилиб келувчиларнинг кети узилмаяпти.

Хулласи калом, Ёқуб тўрам дарвозани очди-ю, ихчам қайчиланган мўйлабчаси ўзига хўп ярашган ўрта ёшлардаги дўмбоққина йигит кўзига оловдек кўриниб кетди. Йигит мезбон билан қуюқ кўришгач, тавозе билан қўлларини қовуштирди, уч хонадон нарида турган «ажнабий» оқ улови томон бирров назарини ташлаб қўйиб, гапни бошлашга қийналиб, ғудранди:

— Адашиб, нариги кўшнининг эшигини чақирибман...

— Ҳовли қаерда, ука? — деди Ёқуб тўрам муддаога кўчақол деган оҳангда.

— Қайнамада. — Жавоб қайтарди дўмбоқ йигит.

— Э, ҳа-а!..

Мезбон амаки не боисдан наъра тортиб юборганини меҳмон йигит туппунмади албатта, зеро, Ёқуб тўрам ўз довуғи беш-олти маҳалла наридаги Қайнамага етиб борганидан таажжубини яширолмаган эди. Бу кетишда аҳвол нима кечади? Ҳозирнинг ўзида тиними йўқ, маҳаллама-маҳалла, кўчама-кўча, ундан сўнг бозорма-бозор изғигани-изғиган. Нақ изқуварнинг ўзгинаси!.. Шаҳарда бозор болалаганини айтмайсизми! Одамлар бозор қолиб, данғиллама, қимматсотар дўконларга қатнашга одатланаётганига қуясанми?! Шу кетишда Ёқуб тўрам уч-тўрт ишончли шоввозни ёнига олмаса бўлмай-диган! У ҳолда... нони яримта бўлишиям майли-я, Ёқуб



тўрамнинг ақли салгина янгича ишлаб, кашф этган ҳунари фош бўлишининг оқибати нима кечади?! Буёғи, кўлидан бир юмуш келган одамнинг доврўғи ўрмалаб-чопқиллаб ёйилаверар экан, Қайнамага етган доврўғ эрта бутун шаҳарга тарқамайди, деган кафолат йўқ!

— Кўпни кўрган мўйсафидлар маслаҳат беришди, — мулойимлик билан қистовга олишда давом этди дўмбоқ йигит. — Анигини ҳеч ким сизчалик айтолмас эмиш...

Ёқуб тўрам мамнуният билан табассум қилди, жилмайди. Унинг эти «ўлгани»ни сезган дўмбоқ йигитнинг тили равонлашди. У Ёқуб тўрам ҳозиргина уйдан чиқаётиб кўнглидан кечирган барча гап-сўзларни қарийб айнан такрорлади. Фақат йигит тушмагур илтимосни қуюқ қила туриб бармоқлари букилган кўлини чапдастлик билан сермади-ю, Ёқуб тўрамнинг эғнидаги оқ яқтакнинг ён чўнтагига ўртасидан букланган... қовозчани солиб улгурди.

— Йўғ-э, нима қияптилар?! — деди ясама ҳовлиқиб Ёқуб тўрам. Ҳовлиқиш, ўнғайсизланиш, хижолат чекишни ўрнига қўйди-ю, чўнтагидагини олмади, уни меҳмон йигитга қайтариб бериш эпини тополмади.

Муомала «ускунаси»ни мойлаб олган дўмбоқ йигит буёғига ўзини анчагина эмин-эркин тутди.

— Ака, оиладаги гап-сўзни ҳар кимга дoston қилиш одатим йўқ, лекин сиздан сир сақламайман...

Ёқуб тўрам «майли» деган маънода бош ирғади, шу топда, «узатганини олган заҳотинг етти ёт бегона ҳам сирдошингга айланади», деган гап кечди кўнглидан.

— Катта қизимизда ёмон адашдик, ота, — деди меҳмон йигит дам «ака», дам «ота», дам «амаки»лаб мурожаат қилаётганининг фарқига бормай. — Ўртага бообрў казо-казолар тушганди. Ўзиям эл-юрт танийдиган одам...

Йигит хомушланиб, бошини сарак-сарак тебратди.

— Савлатидан ит ҳуркадию, рўзғорда... вой-вой, тийинни устида азон этаркан!.. Бировнинг рўзғордаги аҳволини билиб бўлмас экан, ота!.. Хулласи, қизим боласи билан уйимда...

— Э, аттанг!

Ёқуб тўрам астойдил ачинди. Меҳмон йигит сўзи ерда қолмаганини сезди.

— Шундай, оғзи куйганларданмиз, — деди у очикдан-очик ёлбориб. — Тезлатиб берасиз-да, жон амаки, ҳар қандай одамнинг асл гурқи-тароватую сир-асрорини икки кунда билиб беради дейишди, сиззи!..

Ёқуб тўрам чиқинди йирадиган мошиннинг яқинлашиб келишига қараб туриб дўмбоқ йигитнинг илтижосини эслади. Кимнинг қандай одамлигини билиш осон бўлганида, дунё ҳозиргидан буткул бошқачароқ бўлмасмиди? Низолар, тўқнашувлар, урушлар... Гулдек оилаларнинг тўзиб кетаётгани-чи? Одамзод бошидаги энг мушкул савдолардан бири ҳам шу, ука — одамни билиш!.. «Икки кунда билиб берасиз», дейди-я! Ўзи эса бир бообрў кимсанинг рўзғордаги аъмолини билгунича қизининг бахтини кемтик қилиб улгурибди!.. Кўча-кўйдаги қиёфа аслида чалритувчи ниқоблигини ҳар ким ҳам тушунавермайди. Ниқобга алданиб, қизини беради, қизини олади, ёр-биродарлашади. Рўзғордаги, ётиш-туришдаги аҳволни кўргач эса, қараб-сизки, узоққа бормай ҳамма ихлосу садоқатнинг уйи куяди!..

Ёқуб тўрам ўзи кашф этган «ҳунар»ни эслаб, шумлик билан қиқирлади. Бировнинг рўзғордаги, кундалик турмушдаги аҳволини биладиган битта жой бор — бозор! Олди-сотдининг устида ниқоблар йиртилади, йўқолади, йўқолмаса-да, одамнинг рўзғордаги, оиладаги ички қиёфаси яққолроқ кўзга ташланади. Нима ҳарид қиляпти, неча пуллигини танляяпти, қай тарзда савдолашаяпти, бозордаги қадам олишлар қандай — ҳа, ука, одамнинг рўзғордаги қиёфасини билай десанг уни бозорда кузат! Бозорда томоша қил! Ўнта яқин-йироқдан суриштириб билолмаганларингни ўз кўзинг билан кўрасан, ўз қулоғинг билан эшитасан!

Тинимсиз «ди-дит»лаётган баҳайбат кўкиш машина оҳиста юриб келиб, Шокаримнинг уйдан ўттиз-қирқ одимлар нарида «лангар» ташлади. Эрталабдан буён сув куйгандек тинч-осуда, кимсасиз кўча вала-ровурга тўлиб кетди. Аксари хонадонлар-

дан аёллар, болалар қўлида биттадан, иккитадан челақ кўтариб чиқишди.

Ёқуб тўрам темирни қизигида босадиган пайти келди. Фурсат ванимат! У ҳудди йўловчидек ўтиб боратуриб Шокаримнинг дарвозаси очилишини пойлаб, етиб борди. Ичкаридан қовоз қутини икки қўллаб инқиллаб кўтарган ўн ёшлар чамасидаги болакай чиқди. «Невараси, юки оғиргина экан», деб тахмин қилди ўзича Ёқуб тўрам. Зум ўтмай тахмини исбот топди — болакай ўн-ўн беш қадам юрмай қўли толди, қутини оёғи остига қўйиб, нафас ростлади. Челагини бўшатиб қайтаётган қўшни бола унинг ёнига югуриб келди.

— Кўтаришиб юбор, — деди Шокаримнинг уйидан чиққан бола тенгқур қўшнисига. Қўшни бола қутини кўтариш ўрнига унинг чала ёпилган қопқоғи орасидан тумшуғи чиқиб турган тунукасимон идишчани суғуриб олди.

— Вой-ву-у, чиройлилигини! Ташлама, буни ман оламан! Ана, бошқасиям боракан!..

Икки қўшни болакайдан икки қадам нарида ўтиб бораётган Ёқуб тўрам учун шунинг ўзи кифоя эди. Қўшни бола ўзининг кўзини ўйнатган-ўйнатмаган чиқинди идиш ва ялтир-юлтур халтачаларни титиб, очиб ташлаганининг ўзида у кишим зарур хулосаларни чиқариб улгурди. Ўзича, «Унур» дўкони, «Олай» бозори!» дея икки манзилни кўнглига тутди. Ёқуб тўрамнинг ҳисоб-китобларидан бирида одамлар шаҳарнинг қайси бозоридан рўзғорлик қилишларига қараб табақалаштирилган. Оилалар бозор-ўчарни эрлар, аёллар, ўғил-қизлар қилишига қараб гуруҳлаштирилган. Оила аъзолари умуман бозорга қадам босмайдиганлар рўйхати алоҳида. Булардан ташқари, Ёқуб тўрам бозорлик олиб кетиладиган идишларгача, ким қайси маҳсулотдан қанчадан хариқ қилишларида ҳам ҳикмат кўп, деб ҳисоблайди. Ҳаммасидан муҳими, Ёқуб тўрам мумкин қадар савдонинг устида бўлишга, жавоб-муомалани ўз қулоғи билан эшитишга ҳаракат қилади. Кимдир ўйнаб-кулиб, ҳазил-мутойиба билан бозор-ўчар қилади, кимдир қовоғини уюб олади, сотувчи билан ҳудди нари-бериб бўлиб қолган қудаси билан гаплашаётган-

дек сўзлашади. Титраб-қақшаб, алданиб қолишдан қўрқа-пуса муомала қиладигани бор. Оладигани беш кило сабзю, бозорни уч карра айланиб, нарх-навони тит-пити қилиб суриштиради. Буларнинг бари киссадан чиқаётган — сарфланаётган ақчанинг алами устида бўлаётган ишлар. Тежамли-сарамжон бўлиш айб эмас, лекин тўрт қадоқ гўштнинг нархини келишгунича қассоб билан қарийб ёқа бўғишишдан тоймайдиган қайнона ёки қайнота ҳадемай ошхонасига, рўзғорига бекалик қиладиган келинчакни не қўйларга соларкин?.. Келин шўрлик тежамнинг кўчасидан ўтмаган, ўз уйида мисқолаб эмас, ботмонлаб сарфлашга одатланган бўлса-чи?

Ёқуб тўрам қайнамалик дўмбоқ йигитдан манзилини, касб-корини аниқлаштириб олди.

— Ҳовлимиз балад кўприкнинг ёнгинасида, Долим дўхтир десангиз ҳамма танийди, — деди дўмбоқ йигит.

— Касблари дўхтирликми? — деб суриштирди Ёқуб тўрам.

Долим дўхтир кулимсиради.

— Асли шифокор эдик, яқин саккиз-тўққиз йилдан буёғига... замонавий ҳунарлардан насибамизни териб юрибмиз, отахон, — деди.

Орадан уч-тўрт кун ўтказиб, Долим дўхтир яна келди. Ёқуб тўрам жуда банд одам қиёфасида саломаликни мухтасар қила туриб, «Дўхтирликдан нон тополмаган-да, ўзини замонавий ҳунарга урган», деди хаёлан.

— У томон шошириб қўймаяпти, амаки, — деди Долим дўхтир.

— Қизи борнинг — нози бор, галга солинг, — насиҳат қилди Ёқуб тўрам.

Яна уч кун ўтди, шом қоронғисида Долим дўхтир яна эшик қоқиб келди. Ёқуб тўрамнинг аёли чиқиб, у киши йўғидилар, уч-тўрт кунда келиб қоладилар, деб жавоб қилди. Долим дўхтирнинг назарида Ёқуб отанинг аёли совуқроқ муомала қилганга ўхшади. Ёқуб тўрамнинг чўнтагига солиб қўйган эликталикини эслаб: «Камлик қилмадимикан?» деб хавотирланди.

Ёқуб тўрам бирортасига шунча берасан демади, демайди ҳам. Ишлаб юрган кезлари икки ойда, беш ойда... бир йилда олган маошидан ошириб берганлар бўлди, лекин у пулнинг бетига, қайси давлатнинг пули эканига қарамади, илтимосни адо этиш учун астойдил елиб-югурди. Бир сафар қотмадан келган, сочлари кумушдай оқ кампир келиб, фалон-фалончидан қиз олмоқчи эдик, ўшаларнинг уй ичини билиб беринг, ука деб қистовга олди. Ёқуб тўрам ҳарчанд тушунтирмасин, кампир қўймади. Тўсатдан «Йўл кўрасизми?» деб қолди-ю!

— Қанақа йўл? — ажабланди Ёқуб тўрам.

Кампир дангалчи экан.

— Эшитдим, оповси, бир ралтак оқ, бир ралтак қора ипни чувалатиб ташлаб, йўл кўрасиз экан. Шунга ўн кун, ўн беш кун кетадими, айланай? Мана, ўзим ола келдим, хўп, денг, жон ука.

Кампир шундай деб Ёқуб тўрамнинг қўлига икки ралтак ип тутқазди, Ёқуб тўрам мириқиб кулди.

Кулишга куладикун-я, лекин... Ёқуб тўрам Шокаримнинг изини олгунича ҳафта ичи қанча йўл пойлади, қанча хуноби ошди — ўзига аён. Одамлар, одатда, яшаш жойига яқин бозор-гузардан рўзгорлик қилгувчи эди, ҳозир ундай эмас, унча-мунча бозорга қадам босишни ўзига эп кўрмайдиганлар пайдо бўлди — «Олай»га боради, «Олай»ни-да назари илмай, ажнабийлар расмга айлантираётган минг турли ноз-неъмат тўла дўконга таңда қўядиганлар кўпайди.

Ёқуб тўрам икки тенгқур болакай «инъом» этган маълумотдан хулоса чиқаришда янглишмади — Шокаримнинг уйидагилар рўзгорни «Олай» бозоридан, камига «Унур» дўконидан қилади. Тахмини амалга ошиб, изқуварлик амалининг бир ҳафталик бесамар изгишларидан обдон тинкаси қуриган кунларнинг бирида у «Олай» бозорининг дарвозаларидан бирига кираверишдаги сомсахона ёнида аёли ва неварасини эргаштириб бораётган Шокаримга илашди. Эр-хотин ва неваранинг раста оралаб қадам олишининг ўзида димов-фироғ, кибр ва дасти дарозлик сиёқи сезилиб турарди. Ёқуб тўрам улардан дам атайин ортада қолар, дам жуда

яқин келиб қолар, бирон нарса харид қилиш юзасидан савдо қизиган пайтда эса Шокаримнинг муомаласи қандай, бўлғуси қайнонанинг тили-жағи қанақа — биронтасини эшитмай қўймади. Эр-хотин аввал картошка, сабзи, пиёз харид қилишди, сўнг харажат ҳўл мева раста қаторида давом этди. Шокарим нарх-наво юзасидан тортишмай, кўзига кўринган олмафуруш мўйсафидга, уч кило тортинг, деб юборди. Хотини «шошманг, адаси, наригисиниям кўрайлик», деб пишай деган савдони тўхтатди. Шокарим «тортаверинг» деган маънода олмафуруш мўйсафидга имо қилганди, хотини «мен бундай олма емайман», деб оёғини тираб туриб олди. Шокарим аёлининг серпардоз юзидаги таманно аломатини кўрган заҳоти олма харид қилиш шаштидан тушди.

— Жа, бойваччалик қилмай, сал савдолашсангиз бўлмайдимиз?!

Шокаримнинг хотини заҳрини сочиб эрига вишиллади, бу гапни, гапнинг оҳангини Ёқуб тўрам аниқ эшитди. Шокарим шу савлатига хотинидан паст келганини ҳам сезди. Боя пиёз харид қилиш чоғида ҳам эр хотиннинг измида эканини тасдиқловчи аломат сезилди. Шокаримнинг имоси билан тарози палласидаги тоғора тўлдирилган пиёз қайта жойига тўкилди.

— Арчишгаям, тўрашгаям қулай-да, — деди Шокарим сотувчининг олдида изза бўлишидан ийманмай-нетмай.

— Атайин арчишгаям, тўрашгаям қулай бўлмаганидан олинг! Жа, талтайтириб юбордиз, ўша суюкли келиниззи! Уйига кириб кетганича кун бўйи қорасини кўрсатмайди. Бир маҳал овқат қилганда арчса арчибди-да! Майдароғидан олинг, гап тамом!

Хотинининг дағдағасидан ўнғайсизланган Шокарим пича нарида бепарво турган неварасига ишора қилди. Лекин хотинининг сўзини икки қилмади.

Ана шу йўл-йўлакай «гурунг»нинг ўзиёқ Ёқуб тўрам бир дунё хулоса чиқариши учун кифоя эди. У кун бўйи қорасини кўрсатмай уйда ўтирадиган келиннинг аҳволини, унинг бу қайнона билан муомаласини

тасаввур қилишга уринди. Дўмбоқбойнинг лўппигина юзли, кушбичим мўйлабли чехраси кўз олдига келди.

Шокарим харид қилинган нарсаларни темир ара-  
вачага орттириб, уни тортиб бораётган ўспиринга йўл  
бошлаб кўчага юрди. Юкларни япон автоуловига орта  
туриб хотинига: «Унур»гаям кириб ўтамиз», деди. Ёқуб  
тўрам Шокаримнинг невараси кўтариб чиққан қовоз  
қути ичида «Унур»дан бошқа жойда топилмайдиган,  
сотилмайдиган қимматбаҳо яхна шарбатлардан, ноёб  
ширинликлардан бўшаган ялтироқ идишчаларни кўз  
олдига келтирди.

Нимаики кўрган, кузатган бўлса, уларнинг баридан  
чиқадиغان хулосанинг лўндасини, яна қўшимча муло-  
ҳазаларини Долим дўхтирга айтди:

— Шокарим ўзига тўқ, бағри кенг йигит кўринади.  
Кундалик рўзгорини танлаб-танлаб, чертиб-чертиб  
ўтказадиган одамлар келини ҳам минг чиғириқдан  
ўтказиб, асилени танлаган-да!

Долим дўхтир оғзининг таноби қочиб мамнун жил-  
майди. Ёқуб тўрам давом этди:

— Келин бўлмиш қизимиз қайнона билан тил то-  
пиша олса олам гулистон... Қолган жиҳатларида... тенг-  
лик, ука.

Долим дўхтир ҳаяжонда Ёқуб тўрамнинг сўнгги  
сўзларига эътибор қилмади. Мушт қилган қўлини Ёқуб  
тўрамнинг киссаси томон чўзди. Ёқуб тўрам астойдил  
ўзини олиб қочди.

— Тўй бўлсин, — дея яхши ният қилди у. Хайрла-  
шишди. Хотиржам тортидан Долим дўхтир зипиллаб  
бориб мошинасига минди. Бош ирғаб, жўнади-кетди.

Ёқуб тўрамнинг юраги увишди. Бир кишининг эмас,  
бугун бир оила аъзоларининг рўзгордаги феъл-атво-  
рини билиш осонми? Кимнинг ётиш-туриши қандай?  
Рўзгор тутишлар, сарф-харажатта муносабатлар? Озо-  
далиги, кир-чири, овқатланиши... ҳазил-мутойибаси,  
ғазабию меҳр-шафқати, инжиқлиги... шуларнинг ба-  
рини бир-икки дафъа бозордаги олди-сотди устида  
кузатиш билан аниқлаш кифоямикан? Шу йўл билан  
чиқарган тахминлари билан у ҳозирча нималардир  
қилиб юрибди, мабодо бу ҳам иш бермай, аксинча

паңд бериб қолса-чи?.. Одамларнинг туриш-турмуш-даги асл афт-башарасини ҳуфёна йўллар билан, яъни ҳеч кимга сездирмай, дилини оғритмай билиш, аниқлаш чоралари бордир? Ёқуб тўрамнинг янгичароқ ишлаган калласига келмаган яна, ким билсин, қанча ҳадислари бор, бунинг?! Ҳар қалай, одам миёни бошқачароқ ишлатса йўли топилмайдиган жумбоқ йўқ дейишади.

Ёқуб тўрам зиммасига олиб қўйган яна икки илтимосни адо этишни хаёлан режалаштирганича бир-бир юриб, уйи томон йўналди...

P.S. Шом қоронғиси тушди. Ёқуб тўрам Қайнамадан ҳам олисроқдаги маҳалладан суриштириб келган мўйсафиднинг ўтинчини адо этишни чамалаб ўтирган эди, эшик қўнғироғи жиринглади. Ёқуб тўрам одатдагидан-да оғриниб, истар-истамас кўчага чиқди. Ғираширада дарвоза бўсағасида қўл қовуштириб турган басавлатгина нотаниш кишининг сохт-сумбатига, сўнг бетига қаради-ю, туйқус тўхтаб қолди. Кўнглининг бир чеккасидан кўлага солиб ўтган хавотирдан тиззасига қалтироқ югурди.

Унинг рўпарасида турган киши — Шокарим эди!

«Айтмадимми?! Наҳотки, қовун туширган бўлсам?! Қаттан уйимни топиб келди бу? Нима ниятда келди?.. Нима қилиб изимни пойлаб юрибсан, искович, деса нима дейман?! Шу пайтгача бирор жўяли важ топиб қўймаганимни! Ҳе, хомкалла!»

— К-кесинлар, и-ичкарига кирсинлар, — дея олди Ёқуб тўрам қалтираб.

Қалтираб шундай деди-ю, ўша заҳоти хавотири ариди. Чунки Шокарим одатдаги илтимос билан келувчилар оҳангида муддаога кўчди:

— Ўзларидан қолар гап йўқ, оқсоқол, — деди у илтимосим ерда қолмас деган таъкид оҳангида, қатъият билан. — Кенжамизни уйлантирадиганмиз. Аёлларимиз қайнамалик Долим дўхтир деганнинг қизини кўриб келишибди. Ўша оилани...

Ёқуб тўрам гапнинг давомига қулоқ солмади. Шокарим яна нималардир деди-да, гап орасида Ёқуб



тўрамнинг кафтига икки букланган қоғозни қистирди. Ёқуб тўрам шошиб қолдими ёхуд бояги хавотири ариб улгурмаганмиди «чурқ» этмади. Ширинкомани қайтаришга ботинмади.

— Уч-тўрт кунда хабар олсам бўлар-а, ока? Суриштириб қўясиз-да.

Ёқуб тўрам Шокаримнинг машинаси узоқлашаётгандагина хушини йиғди. Бунақаси бўлмаган эди!.. Қайнамалик Долим дўхтирнинг қизи... Оиласи... Кафтини очди. Долим дўхтир чўнтагига солиб кетган хилидан, фақат ундан икки ҳисса кўп. Яхлит юзталиқ.

Ёқуб тўрам тиржайди, қиқирлади, кулди, ха-холаб юбормаслик учун лабини тишлади. Долим дўхтир дастлаб келиб кетганидан буён орада ўтган кунлар асносида у аввал Шокаримни, сўнг... Долим дўхтирнинг ўзини, оила аъзоларининг бозор-ўчар қилиш чоғида изидан тушган, шу тахлит уларни ҳам зимдан ўрганиб улгурган эди...

2003 йил.

## МА, ОШИ

Баҳор кечки овқатдан сўнг идиш-товоқларни йиғиб ошхонага келтирди-да, уларни ювишга тутинган жойида қўли ишга бормади. Кўнгли алақандай нохушликни сезгандай бирдан юраги увишди, чой дамлаб, оила аъзолари жамулжам ўтирган равонга қайтди. Остонага етганида ичкари хона эшигида костюмини кўрсаткич бармоғига илиб осилтириб тутганича қаққайиб турган отасини кўрди. Онаси, укалари бояги-бояги хонтахта теграсида ўтиришарди.

— Ростданми?.. Ҳазиллашаяпсизми?.. — деб сўради онаси ўтирган жойидан, отасининг қўлидаги костюмдан кўз узмай.

Катта укаси Бобур ҳам бўйинини чўзиб отасига ғалати алфозда бақрайиб қолганини кўрган Баҳор юраги бесабаб увишмаганига иқроп бўлди.

Отаси ғалати кулимсиради, бироқ бу кулимсираш

унинг бўздай гезарган бетигади мавхумликни баттар кучайтириб юборди.

— Н-нега ҳазиллашай?.. Ҳазиллашадиган нарса м-мас-ку... — дея гудранди у.

Мастура «дик» этиб туриб, эрининг ёнига борди, унинг қўлидаги костюмга тегса бармоғи куядигандек қўларини орқасига яширган кўйи костюмга «бош-оёқ» анграйди.

— Мана шу чўнтакка солгандим... Аниқ, аниқ эсим-да... Пулни кассадан олгач, чангаллаганча хонамизга кирдим. санадим. Ҳеч зор кўрмади. Шу чўнтакка... Бор эди...

Сабриддин маош қўлига теккан пайтдаги ҳолатларни овоз чиқариб айтиб эслаяптими ёки хотини ва болаларига ҳисобот бераяптими — тушуниш қийин эди.

— Қанчайди? — ташвишланиб сўради аёли.

— Нима қанчайди? Нимани излаяпсизлар?

Баҳор беихтиёр сўраб юборди-ю, тилини тишлади. Фақат у кўнглига тушган фулғуланинг боиси шу топда аёнлашишини сезганидан тилини тия олмаган эди.

— Маошши ўғри урибди!..

— Вой-й! — деб юборди Баҳор оёғига қайноқ чой тўкилгандек турган ерида сачраб.

У илдам юриб келиб қўлидаги чойнакни хонтахтага «тақ» эттириб қўйди-да, укасининг гапига ишонмай онасига мўлтиради.

— Ваҳима кўтармаларинг! — деди Сабриддин ўзини босиб. — Аввал қарай-чи...

Отаси гапиратиб нафаси ичига тушиб кетди. Костюмнинг дам ички, дам ён чўнтакларига бирма-бир бесамар кириб чиқаётган қўли титрай бошлади.

— Пальтонинг чўнтагига солгандирсиз, балки? — деди Мастура ҳамон умидини узмай.

Сабриддин костюмининг илгичидан бармоғини ўтказиб тутганича ичкарига кириб кетди. Зум ўтмай костюмни икки буклаб билагига ташлаган кўйи пальтони кўтариб чиқди. Ота оила аъзоларининг кўз ўнгида энди пальто киссаларини титкилашга тушди. Аёли, қизи, катта ўғли, ҳали бешга тўлмаган кенжаси — ҳаммала-

ри нафасларини ичига ютиб, Сабридиннинг қўлидан кўз узишмади.

Ва ниҳоят:

— Йўқ, — дея гўлдиради Сабридин узил-кесил маънода бошини сараклатиб.

— Вой, шўрим-мм! Бошқа нарсаларингиз жойида-ми?..

— Ж-жойи...

— Қ... қаранг, ахир...

— Қарадим... — Сабридин шундай деди-ю, пальто ва костюм киссаларига қайта бошдан бирма-бир қўл суқишга тутинди. Икки-уч парча-пурча қоғоз, автобуснинг ойлик чиптасидан бўлак матоҳ чиқмади.

— Шунқаям бепарво бўласизми-я, дадаси?

Сабридин аёлидан бу қадар мулоимликни кутмаган эди, ваҳоланки, бидиллаб, вайсаб қулоқ-миясини егудек бўлса бўралатиб сўкинмоқчи, шу тарзда ўзи ҳам хумордан чиқмоқчи эди, аксига олиб Мастура... Сабридин хотинига ачиниб кетди. Унинг кўзига қаролмади. Кулди. Кулгиси жуда беўхшов чиқди.

— Нега бепарво бўлар эканман, — деди ўзини оқлаб. — Опкелиб қўлингга тутқазмоқчи эдим. Қизинг сўраётганини оберақолайлик, қолганини Бобурбойнинг мактабига берасанми, Ботирбекнинг боғчасига берасанми — янаги маошгача рўзгорри амаллаб тургин, демоқчи эдим.

— Шунга хаёлингиз кетган-да, хаёл чалитган.

— Киссадаги пулга хаёлинг нима зиёни бор?..

— Зиёнини кўриб турибсиз-ку!.. Шу-унча пулни икки қўллаб олдири-иб ўтирибсиз-ку!.. Қайси киссангизда эди, ўзи?

Шу топда Сабридин йўқотган бир даста пулиннинг топилишига яна умид боғлади.

— Сен қара-чи, — деди хотинига, костюмининг қўйнидаги киссани кўрсатиб. — Қоғозга ўраб, жойлаб қўйгандим...

Мастура эрининг костюмини қўлига олишга ҳам чўчиди, назарида киссага қўл суқса, биров бармоқларидан тутиб қоладигандек юраги бетламади.

— Баҳор, қақдайма, бери ке, сен қара-чи!..

Баҳор индамайгина дадасининг ёнига келди-да, костюмнинг қўйин киссасига оҳиста қўл суқди.

— Ички чўнтақдан қанақаси олади, дада? Устингизда пальто бўлса?..

Ҳозирги аҳволида Сабриддин аёлининг эмас, ўил-қизларининг олдида ҳам ўзини гўдак боладек тутаётган эди. У елкасини қисди.

— Ўзимни ҳам ақлим бовар қимаяпти... — деб гудранди.

— Автобусда одам кўпмиди? — дея савол қотди Бобур кўпни кўрган изқуварларга хос жиддий алфозда қош-кўзини чимириб.

— Кўп эди. Тиқилинч... Барибир, пальтонинг остидаги костюмнинг ички чўнтагида пул борлигини қандай билди экан, бадбахт?!

Шу пайт Баҳор барча шубҳа-ю тахмин ва гумонларга нуқта қўйди.

— Вой-й! — деб чинқариб юборди у тўсатдан чийиллаб. Унинг костюм чўнтагига суқдан тўрт бармоғи киссанинг ён томонидан ёриб чиқди. — Чўнтак йиртиқ-ку, дада!

Сабриддин, Мастура ҳанг-манг бўлиб қолишди. Бирин-кетин йиртиқ чўнтакка қўл суқиб кўришди. Энгиз, узун киссанинг биқини тиккасига очилиб ётарди.

— Қачон йирта қолдингиз? — ҳайрон бўлиб сўради Мастура, эридан.

— Йиртмадим, бутун эди, — деди Сабриддин. — Кеча, бутун эрталаб кавлаганимда ҳам бутун эди. Тушлиқдан кейинроқ маош олдим, хонага кириб санадим, аввал чўнтакни кавладим, ҳеч вақо йўқ эди, сўнг пулни жойладим, мана, энди!..

Сабриддин минғирлаб гапини адо қилгунича Мастура қизи билан ҳамкорликда киссанинг йиртигини кўздан кечириб улгурди.

— Йиртилмаган, — деди у қатъий товушда.

— Қирқилган! — Онасининг гапига илова қилди Баҳор.

— Пискада қирқади, улар! — дея ваҳимага мой сепди Бобур.

— Сен ҳам четда қолма, тахмининг бўлса, айт, — деди Сабриддин кенжасига тиржайиб. Сўнг аёли, қизи бамисоли мотам тутишаётганини кўриб, жиддийлашди. Костюмини, устидан пальтосини кийиб, тугмаларнинг барини эринмай қадади. У не ниятда бундай қилаётганини бошқалар тушунолмай, ҳайрон бўлиб туришганда Ботирбек дадасининг оёрига тармашди.

— Тетманг, ада!.. Тетманг!

— Кетмайман, ўрлим, — деди Сабриддин кенжатоининг бошини силаб. Ва бутун оила аъзоларига янги қўйилаётган томошадан лавҳа кўрсатмоққа шайланган театр актёри сингари хатти-ҳаракатлар билан гапга тушди:

— Ишхонамдан шу кийимда, шу алфозда чиқдим.

— Йўлда бирон ёққа кирмадингизми?

— Йўқ, — деб бошини сараклатди Сабриддин аёлига. — Автобусга чиқдим, уйга келавердим.

— Одам кўпмиди? — сўради Баҳор.

— Йўқ, аввалига кўп эмас эди. Икки-уч бекат ўтгач, йўловчи кўпайди.

— Ўтириб олмабсиз-да, дадаси?..

— Бўш ўриндиқ бўлмаса, оёқ остига ўтирмайман-ку, онаси, — деди Сабриддин ўпкалаб.

— Тутмангиз тақилганмиди? — сўради Баҳор.

— Тақил...ган... билмадим, эсимда йўқ.

— Тақмагансиз, — деб дадасига «кўмаклашди» Бобур.

— Аввалига тақилган эди, — ёдига тушиб деди Сабриддин. — Йўловчи кўпайгач, исиб кетдим шекилли, пальтонинг тугмаларини бўшатдим.

— Костюмникини ечмагандирсиз?

— Ечмадим, ечмадим. Лекин ички чўнтақда, қўлтиқнинг остида пул борлигини қайдан билдийкин, аблаҳ?! —

— Дўмпайиб турган, шундан билиб, таваккал қилган-да, қирилгур!

Сабриддиннинг чиройи очилди.

— Топдинг, таваккал қилган. Таваккал қилмаса, костюмнинг ички чўнтагини қирқиб, пул ўмаришни унча-мунча одам эплалмайди!..

— Шартта қўлини тикқану, лезва билан қирққан, тамом!

Бобурнинг ваҳимасидан Мастуранинг эсхонаси чиқиб кетди.

— Курибгина кетсин-а, эпламай!.. Хайрият, биқинингизни тилиб юбормабди!..

— Баданимга тегса сезардим-а!

— Э, нафасингизни ел учирсин!

— Ўша тирбанд автобусда, қўйнимга қўл суқиб, чўнтагимни кесибдими — элагани-да!.. Илло, қойилман!

— Нимага қойилсиз?! — Бурнини жийриб савол қотди Мастура, энсаси қотиб.

— Пальтонинг остидаги костюмнинг ички чўнтагидан эплаб олдими, қойил-да!

— Сизга қолса, бориб қўлини сиқиб, табриклаб ҳам келасиз!..

— Топсам-ку, ўзим биламан-а, қандай табриклашни!.. — У шундай деб бирдан жим бўлди, сўнг ўзича мингирлади: — Ёки пальтонинг этаги...

— Пальтонинг пул турган томондаги этаги очилиб қолган, ўғри шундан фойдаланган.

Сабриддин қизининг топқирлигига тан берди.

— Тўғри, Баҳор, бир пайт ўгирилсам, пальтонинг чап этаги икки киши орасида қисилиб қопти, базўр тортиб, суғуриб олдим.

— Сиз пальтонинг этагини суғуриб олгунча ўғри пулингизни суғуриб олган, ишини битириб улгурган!

— Костюмнинг тутмасини ечмасдан-а?!

— Ечиб зарилми?! Сизни чалғитса бас-да, улар!..

— «Улар» дейсанми?!

— Кисавурлар ёлғиз юрмайди, дада. Тўда-тўда бўлиб юради. Камида икки-учталаб, бешталаб юради.

— Бешталаб?! — Шундай деб Мастуранинг кўзи чарақлаб, ола-куласи чиқиб кетди. — Яхшиям сезмаганингиз, дадаси! Тагин тўртта-бешта кисавур билан ёқалашиб, вой, бир худо асрабди-я!.. Бош-кўзингиздан садақа-я, ўша маошингиз!..

Сабриддин ичакузди латифа тинглаган одамдай очилиб қулди.

— Шу маошга беш киши овора бўлгани кулгили!..

— Бешта — ҳали ҳаммаси эмас, улар ҳам ўмарганидан чўтал чўзади.

— Маошнинг ўзи чўталча чиқмайди-ю, нимасини бўлишади? — Энди Сабриддин тақдирга тан берибгина қолмай, кўнглига мутойиба ҳам сифаётган эди. — Чўнтак қирққанига тузукроқ тегар, ўлдими! Бўлишай деса урвоғ ҳам бўлмас!..

— Бола-чақамизга урвоғ бўлмайди-ку, чўнтакке-сарга юқармиди?!

— Ў, бечора бадбахт!.. Шу-унча юрак ютиб, таваккалига, сездирмай-нетмай чўнтак кесиб, менинг маошимдан барака топармиди!.

— Рўзғор, ош-нон дегандай.

— Маош ўғрига ош-нон бўлармиди. Маош рўзғорга, қора қозонга мўлжаллангани учун ҳам ма-ош, мен эса ҳардамхаёллик қилиб, кисавурга ма, ош қип кепман...

— Куласиз-а, дадаси, — ўзи ҳам кулимсираб деди Мастура боягиндан анчагина юмшаб. — «Тавба» денг, жонингиз омон қолганига шукр қилинг. Фақат уйдаги ўғриларингиз нима қилади, энди?..

— Сабр қилади, онаси. Ҳадемай яна маош беришади, ма, ош...

2003 йил.

## БОЛОХОНАДАГИ БОБОЙ

Онам унда-бунда: «Юр, катта холагни кўриб келамиз», деб қолсалар, ҳар сафар юрагим бир орқага тортади. Гап катта холамнинг одамовилигида, уйига борган одамни энсаси қотиб, қоши чимирилиб қарши олишида ҳам эмас — бунга ҳаммамиз кўникиб кетганмиз, негадир катта холамнинг хонадони жойлашган жинкўчанинг ўзини жиним суймайди. Тор, илангбиланг, одамлари-ку, бири-биридан ғалати: маҳалламизнинг энг найнови ҳам, энг пак-пакана бақалоғи ҳам, занжидек қора, тилласувидек малласи ҳам шу

кўчада яшайди. Халтакўчадан ичкарилаб кетаверасиз-кетаверасиз — ҳар сафар аччиқ ичақдек тор шу йўлдан бораётиб орқага — тобора кўздан йўқола бораётган катта кўчага ўтирилиб қарайвераман. Катта холамнинг уйи катта кўчага яқинроқ эмаслигига афсусланаман.

Буниси ҳали ҳолва. Юра-юра халта кўчанинг охирига етдим деганда — билмаган одам кириб қолса, халта кўчанинг адоғига етган жойида бир киши фақат ёнлаб ўтиши мумкин бўлган кенгликдаги йўлакка ўлақолса қадам босмайди. Бир сафар акам, йўлка эмас — лаҳад деганида онам акамнинг оғзига урган. «Э, топган гапинг қуриб кетсин!» деб роса жавраган. Чунки бундай гаплар катта холамнинг қулоғига етса юзкўрмас бўлар эканмиз...

Хуллас, лаҳадни эслатадиган — лаҳади нимаси, мен қайдан билай?! — йўлакдан изма-из ўтиб борсангиз алҳол жиндек буриласиз-у кўш тавақали ранги уникиб кетган чоққина дарвозача тепасидан чиқасиз. Ошиқ-мошиғи ҳам йўқ, эшик табақасининг бир чеккасидан чиқарилган тўрт энлик тирсак кесакининг чуқурчасига ботиб туради — ошиқ-мошиқ ўша! — онам эшик тавақасини ҳар сафар ёнбоши билан туртиб, гулдиратиб очади. Кўча сатҳи эшикнинг нақ белидан келади, шу боис эшикни очасизу, уч-тўрт зинапояни босиб ҳамиша қоронғи, зах ва ҳавоси намчил ва оғир йўлакка тушасиз. Ҳар сафар йўлакка оёқ босганда тор кўчанинг кўрқинчилиги ҳолва бўлиб қолади. Онамнинг этагига қапишиб оламан.

Йўлакнинг «авзои» онамнинг кўнглиги ҳам хатар солади шекилли, ҳар сафар онам ҳам: «Ўзинг асра, Худойим», деб пичирлайди. Етти-саккиз одим ташланганда эса катта, сатҳи кенг, қуёш чарақлаган ҳайҳотдай ҳовлига чиқасизу, шундай енгил тортасизки!.. Халтакўчани ҳам, йўлакни ҳам унутасиз, фақат катта холамнинг тил учидаги, кўл учидаги салом-алиги демаса...

Холамнинг шу одати сабабини сўраганимда онам каттароқ бўлсанг билиб оласан, деган эдилар, катта бўлганимга қадар бу сирли хонадонда мен ақлим етмаган яна бир ҳолат юз берди.



Холамнинг ўғли Пўлат акам бизникига борганида, уйимизга бир киши кўчиб келди, ижарага турибди, деганида онам қанақа девона экан у, ижарага бошқа жой қуриб кетибдими, деб ишонмаган эди. Кейин бу хабар тасдиқланди — акам бориб, ўз кўзи билан кўриб келибди: олтмиш билан етмишни ўртасидаги, паст бўйли, думалоқдан келган, сочлари қордек оппоқ, жуда сипо, кўринишдан каттаконларни эслатадиган бобой экан!..

Пўлат акам янаги сафар уйимизга кирганида, гапдан-гап чиқиб, онам ўша бобойни суриштириб қолди.

— Бобой жуда кўпни кўрган одамга ўхшайди, илло ҳеч ким билан гурунглашмайди, чурқ этмайди, рўпара келсангиз, бош ирғаб саломлашади, холос. Босиб қўйган давлати борми, ишқилиб, пулнинг бетига қарамайди. Ижара ҳақини ортиги билан бериб юбораверади, қайтарсангиз қўл силтайди-да, юқорига чиқиб кетиб, кун бўйи қамалиб ётаверади.

Айтганча, Пўлат акам «юқори» дегани — болохона, унга боя мен тасвирлаган зим-зиё йўлакнинг бурчаккинасидаги гичира-гичир нарвондан чиқилади. Бобой болохонадаги якка хонани ижарага олган.

— Бола-чақаси йўқми, қаерлик ўзи? — ҳайрон бўлиб сўради онам.

— Буёғини ҳали суриштирганим йўқ, илло олим одамга ўхшайди, — деди Пўлат акам худди олим одамнинг шахсини суриштиришнинг ҳожати йўқ демоқчидек.

Ўзим ўйинларим билан бўлиб Пўлат акамнинг гоҳ кулимсираб-гоҳ ҳайрон бўлиб айтган гапи қулоғимга чалиниб қолди.

— Хола, — деди Пўлат акам онамнинг эътиборини ўзига тортиб, сўнг давом этди. — Бир нарсани сира тушунолмаяман.

Онам «нимани?» деган маънода Пўлат акамга қаради.

— Бобой бор-ку, ўзи жуда бамаъни одам, оғир-вазмин, босиқ. Камгап. Ёши ҳам бир жойга бориб қолган.

— Хўш?..

— Бир ғалати одати бор.

— Қанақа?

— Тўсатдан радиосиними, магнитофониними шунақанги варангладиб кўядики, эшитсангиз эсхонангиз чиқиб кетади!

Онам кулимсиради, Пўлат акам жиддийликни йўқотмай, шубҳали бир синоат ечимини топмоқчидек айтганларини тасдиқлашга уринди:

— Бехосдан кўйса, пасайтиради-ку, одам, тўрри-ми?.. Бу, ўзим соатга қараб турадиган бўлиб қолдим — камида ўн, ўн беш дақиқагача йўқ ердаги данғур-дунғур кўшиқни роса балаңд кўйиб, эшитади.

— Эшитса эшитибди, сенга нима? — деди онам ўсмоқчилаб.

— Сенга нима, дейсиз-а, хола, шунақанги варанг-латадики!.. Йўқ, бўкиртириб, ўкиртириб кўяди! Илло, қулоғи чатнаб кетмаганига ҳайронман!.. Ҳовлида турган жойимдан қараб турсам, болохонанинг томи учиб кетай-учиб кетай дейди!.. Жиннироқми, овсарроқми десам — бинойидек одам!.. Икки дафъа йўлиқиб айтдим: «Ашулани пастроқ қилиб эшитинг, ота, бу ёқда онамиз бор, кексачилик, асаблари дош беролмайди, шовқинга», дедим.

— Нима деди?

— Чурқ этмади. «Хўп» дегандек бош ирғади-ю, орадан икки кун ўтмай яна ўша-ўша. Ҳайронман!..

Катта холамникига яқинлашяпмизу, онам билан Пўлат акамнинг суҳбатини эсладим. Бир кўнглим шуни сўраб-суриштирмоқчи эдим, онамга ёқадими-йўқми деган хаёл изн бермади. Сўрамасам, сирли воқеа-ходисалар каттаю кичикни қизиқтиради, ўйлатади, ҳатто, қандайдир чоралар кўришга ундайди. Мен ҳам шу топда, ким билсин, кўнглимга бир изқуварлик майли соя ташлаб ўтдими, ишқилиб, хаёл қочди-да!.. Лекин уни онамга сездирмадим. Алмисоқдан қолган кўча эшикка етган жойимизда болохонага алангладим, деразасиз, туйнуксиз йўлакка кирдик, дарҳол болохонага олиб чиқадиган зинани кузатдим. Одатдагидек онамнинг этагига ёпишмадим, балки югуриб бориб, зинага

оёқ қўйдим, эски нарвоннинг ғичирлаши оғир хаста одамнинг инграшидек эшитилди. Онам: «Ўзинг асра, Худойим», деб улгурмай, «Вой, қайт!» деб юборди дод солгудай даҳшатга тушиб. Онам шундай демаса ҳам мен тепага қараган ва орқага қайтиб улгурган эдим.

— Эсим чиқиб кетти-е, болам! Эс-песингни еб қўйдингми?! Нима қиласан, у ёқда?!

Йўлақдан ўтиб, ҳовлига кирдик ҳамки, онамнинг устма-уст танбеҳи тутмади. Афтидан у шу гаплари билан мендан кўра ўзидаги қўрқувни қувиб солаётган, эҳтимол, шу лаҳзаларда йўлакнинг хавотирли «авзои»га Пўлат акам айтган бобойнинг ғалатиликлари қўшилган эди. Мен эса ўзим ҳам чуқур ўйлаб-нетмай зина томон югуриб боришга журъатни қаердан олганимни билолмай ҳайрон эдим.

Бунга онамнинг ваҳимаси қўшилиб ўз таъсирини ўтказа бошлаган эса-да, чинакам изкуварларга ўхшаб ўзимни сипо ва вазмин тутишга ҳаракат қилдим. Ва катта холам билан онам гурунглашиб ўтиришганида болохонадаги бобой радиосини варанглашиб қоларми-кан деган ўй хаёлимдан кетмади. Пўлат акамнинг, эртами-кечми, тунми-кундузми, унга барибир, тўсатдан шунақанги балаңд қиладики, эсли-хушли одамнинг қилиғи эмас бу, деганини эсладим.

Бир пайт ҳовлида айланиб юрсам, думи, қанотлари қип-қизил хўроз катақдан чиқибди-ю, товукларининг ёнига кириш йўлини тополмай «қу-қу»лаб юрибди. Уни қувишга тушдим, бир маҳал хўроз ўзини йўлакка урса бўладими!.. Изидан қувиб кирдим. Қоп-қоронғи йўлакка кирдим, таққа тўхтаб қолдим. Зумда хўроз қувиб кирганимни ҳам унутдим. Шунда йўлакнинг қоронғилигидан қўрқмаётганимни англаб қолдим. Пайтдан фойдаланиб, ҳеч нарсани ўйламай-нетмай зинага яқинлашдим-да, тепага қараганча, унга оёғимнинг учини қўйдим. Нарвон «ғиринг» демади, иккинчи поронага оёқ қўйганимда шунақанги ғичирладики, сапчиб тушдим, назаримда, мен оёқ қўйган заҳоти радио ё магнитофон оламни бошига кўтариб варанглаб юборадигандек туюлди. Шу топда қайсидир бурчакка биқиниб олган хўроз «қа-қо»лаб қанотларини тапиллат-

ганича ҳовлига отилди. Мен ҳам нарвондан сакраб тушиб, унинг изидан ҳовлига югуриб чиқдим. Болохонадаги бобой шуни кутиб турган эканми, бирдан юқоридан мусиқа садоси эшитилди. Мен сўрининг чеккасида ўтирган онамнинг ёнига югуриб бордим. Онам «ялт» этиб болохона деразасига қаради. Катта холам, «Бошланди, яшшамагур!» деб тўнғиллади.

— Нима бошланади? — ўзини билмаганга олиб сўради онам.

— Пулат ижарага одам қўйган, — деб имо қилди холам болохонани кўрсатиб. — Ўзи беэиён, бояқиш, ҳақини вақтида бериб туради деган эди, овсарлигини билмаган экан... Радиосини кунига бир ўқиртирмаса хумордан чиқмайди, тавба!..

Онам ниманидир сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганида мусиқага қўшиқ уланди. Унинг сўзларини тушуниб бўлмас эди. Куй-қўшиқ тўсатдан шовқинга айланди, болохона гулдирай бошлади. Онам икки қулогини беркитиб, кўзларини чирт юмди.

— Бу ҳали ҳолва, — деди катта холам гезариб, бошидаги рўмолини қулоқларига қўшиб қайтадан ўраб олар экан.

Мен учун айни муддао, ўзим кутган фурсат келган эди. Сўрининг ёнидан юқорига аланглай-аланглай кузатдим, аста-секин кишибилмас қадамлар билан яқинлашиб туриб, ўзимни шартта йўлакка урдим! Бу сафар йўлакнинг қоронғилигидан мутлақо кўрқмадим! Тўғри бориб, нарвонга тармашдим. Назаримда тепадан қалдираб-гулдираб ўн қаватли иморат бузилиб аядрилиб тушаётгандек, йўлакка тушаётган чанг-тўзон ҳадемай мени шу зимистон йўлакка қўшиб кўмиб ташлайдигандек эди. Шунга қарамай киноларда кўриб кўзим пишган эканми, довжурок изқуварлар сингари юқорига дадил, лекин ошиқмай чиқа бошладим. Шунча марта катта холамникига келиб бирон марта болохонага чиқмаганимни эсладим. Лекин пиллапоя бешолтита экан, холос, зумда нарвон тепасидаги чоққина майдончани кўрдим. Майдончининг ёнгинасида болохона хонасининг эшиги очиқ турарди!.. Нима қилай? Чиқаверайми?! Шартта кириб борайми? Нима дей-

ман? Танимасам, бирон марта гаплашган бўлмасам? Балки, чиндан ҳам жинни-пинни бўлса, хап этиб бўғиб ташласа!.. Юқоридан ҳовлига қаратиб улоқтирса!..

Шу хаёлда бошим нарвон тепасига етган жойда тўхтадим, очиқ эшикдан шундоққина кўриниб турган хонага мўраладим. Чоққина стол, хонтахта, каравот. Хонтахта ёнида кўрпача. Бири биридан эски. Фақат стол, хонтахта устидаги китоблар хилма-хил, қоғоз ва-рақлари сочилиб ётарди. Куй-қўшиқ эшитилаётган ра-диоми-магнитофонми — қаерда турганини тополма-дим, бўйнимни чўзиб хонага мўраладим. Шу пайт хона ўртасида бир чол пайдо бўлди — Пўлат акам тасвир-лаган бобой шу киши! У қўлидаги пулт тутмаларини босди, мен тушунмайдиган тилда айтилаётган қўшиқ шу қадар варанглаб кетдики!..

Кулоғи оғирмикан?.. Шу тоифа қўшиқлардан жини кўзийдиган бўлиб қолганмикан?.. Балки ўйинга тушиб кетар?.. Бошқа қандай нияти бўлиши мумкин?!

Устма-уст хаёлимга ёғилиб келаётган саволларнинг бирортасига жавоб тополмадим, уларга жавоб излаб ўтиришнинг мавриди ҳам эмасди. Чунки... Бобой — ҳа, ўрта бўй, семизгина, сочлари оппоқ, ҳурпайган, йўқ, жайранинг игналаридек тиккайган, ҳа, каттакон-ларга ўхшаш басавлат — бирдан хона деразаси тава-қаларини шарақлатиб ланг очиб юборди. Шовқиннинг бир қисми ҳовлига чиққани боис, болохона, нарвон, йўлакнинг кўшилишиб зириллаши пича пасайди. Шу пайт бобой деразадан бир оз ўзини орқага олиб тик турган кўйи, кўзларини юмиб олди-да... бақиршига тушди. У қўлларини ола-тасир ҳаракатлантирар, уч-тўрт кишининг ҳамласидан ўзини аранг ҳимоя қила-ётган одамдек бирдан кўрпача устига ағдарилар, оёқ-қўлларини типирчилатар, яна ирғиб турар, кўзга кўрин-мас кимсалар билан муштлашар, шу алфозда овози-нинг борича бақиршидан, дод солишдан тўхтамас, мен унинг бўйин ва чакка томирлари бармоқдек-бармоқ-дек бўлиб ўйнаб кетганини ўз кўзим билан кўриб ту-рардим.

Мен ҳанг-манг бўлиб, нима қилишимни билмай қол-дим. Югуриб кириб бобойга ёрдам берсаммикан, ра-

диони ўчириб қўйсаммикан? Нимага у аллақандай тушунарсиз бегоназабон қўшиқ шовқинига қўшилиб овозининг борича дод соляпти? Нима учун? Ким ўзи, бу одам? Соғми-носоғми?..

Бошим қотиб қолди. Энди бобой обдон жазавага тушган, мени кўрар аҳволда эмасди. Назаримда, радио ё магнитофон эмас, бобойнинг ўзи бўкираётган, эҳтимол, ўкираётган эди. Телба фарёд жўрлигидаги бу қўшиқ қачон адоғига етиши менга қоронғи эди.

Шовқин ва ўзим кашф этган сирдан мутаассир аҳволда турган жойимда онам пайдо бўлганини, «Вой, ўлиб қўя қолай!» деганича жон ҳолатда мени кўтариб, бағрига босиб, нарвондан туша солиб ҳовлига отилганини билолмай қолдим.

Катта холамнинг ҳовлисидан қандай чиқдик, онам билан холам қандай хайрлашишди, халта кўчанинг бошига қандай чиқдим, уйга қандай етиб келдик — буниям билмадим. Онам шўрликнинг йўл бўйи қўйиб юбормай билгимни чангаллаб келаётган қўли ҳамон қалтирар эди...

2004 йил.

## Кулган, кулдирган...



Кулги ниҳоятда ҷиддий мӯъжиза.  
Эни қудратли ҷиддийлик оғизлик қил-  
ган ҳоҳда кулги асқотадн. Бунини уғун  
эса кулгини билиш керак. Ҳар қандай  
ҳолат замиридаги кулгили ҳолатни топа  
ва куфра билган киши бахтиёрдир. Ни-  
манини устидан кулаётганига, қандай  
ҳолатни кулгили деб ҳисоблаётганига қараб  
эса халқини салоҳиятини, келажакини  
белгилаш мумкин.

## ЙЎЛАҚДАГИ ОДАМЛАР

### I

*А.Райкин ва Ч.Чаплин мақомида.*

Ўттиз ёшлар чамасидаги йигит эшикни очиб кирди-ю, хаёлида «иссиқ экан», деб қўйди. У йўлакнинг ўртасига етганда, ўзига берилган саволни эшитиб тўхтади.

— Қаёққа?

Йигит бўйинини аранг буриб деди:

— Учинчи бўлимга.

— Мажлис бўляпти. Қабул — ўндан!

Йигитнинг афти бужмайди. Энди орқага ўтирилганида бўш курси турганини кўрди. Мажолсизланиб оҳиста ўтирди, сезилар-сезилмас пишиллади, ихради, бошини деворга суяганча кўзини юмди.

Эшик очилди, кўчадан кирган одам тез-тез юриб кела бошлади, таққа тўхтади.

— Қаёққа?

— Иккинчи бўлимга.

— Мажлис бўляпти. Қабул — ўндан!

Йигит кўзини очди. Изига қайтган киши эшикни очиб кўчага чиқаётганини кўрди. Ёнига қаради. Деворга тақаб тўрт бурчак қилиб тахта билан ажратилган каталақда ҳозиргина ўзини тўхтатган ўрта ёшлардаги киши ўтирарди. Йигит унинг айвони энсиз шляпасига, оппоқ, таранг юзига разм солди. Шляпали кишининг олдида чоққина тахта-стол, унда телефон, дафтар, ручкадан бўлак ҳеч вақо кўринмади. Йигит кафтини пешанасига босиб кўзини юмди. Эшик очилди.

— Қаёққа?

— Учинчи қаватга.

— Мажлис бўляпти.

Эшик тарақлаб ёпилди. Йигит пальтосининг этагини тортиб тиззаларини беркитди. Нимадир тўхтовсиз та-



рақлайверди. Йигит кўзини очди. Шляпали киши калтабақай бармоқлари билан стол қиррасини чертаётган эди. Чироқ липиллади. Йигит шифтга чаплангандек япалоқ чироқларга қаради. Шахмат катаклари шаклидаги икки жуфт чироқнинг биттаси дам ёниб, дам ўчарди.

Телефон жириглади.

— Ҳа... Шундай! — овози эшитилди шляпали кишининг. — Мажлис бўляпти... Билмадим!..

Эшик очилди. Аёл кишининг шошилинич қадам олиши, сўнг майин товуши эшитилди:

— Салом!..

Йигит кўзини очиб, қошини чимирди. Ёнига қаради. Шляпали киши бошини силкиб алик олди. Йигит рўмолчасини олиб бурнини артди. Чироқ липиллади. Болдирига совуқ шамол урилди. Шляпали киши дўриллади:

— Қаёққа?

— Директорга.

— Бугун қабул йўқ.

— Қачон бўлади?

— Кўчада ёзиб қўйилган.

Эшик очилиб ёпилади. Йигит оёқларини чалиштирди. Шифтга, фанер қопланган деворга, оёқ остидаги оқиш мрамарга кўз югуртирди. Совуқ ва илиқ аралаш ҳавода мовор исини туйди. Чироқ липиллади. Эшик тарақлади.

— Ёп! — ўшқирди шляпали киши. Юпун кийинган, бошьяланг ўсмир шошилиб, совуққотганиданми, дудуқланиб гапирди:

— У... учинчи қаватга...

— Қайси бўлимга?..

— Иккинчи....

— Ўндан кейин келасан!..

Ўсмир изига қайтди, икки одим ташлаб тўхтади:

— Юқорида кутиб турсам майлими?

— Майли эмас!

Ўсмир кўчага чиқди. Йигит йўталди. Шляпали киши столни ногора қилиб чертди. Ручкани айлангириб дафтар устига ташлай бошлади. Чироқ липиллади. Йўлакнинг ҳавоси зах эди. Эшик очилиб, қундузёқа пальтоли қиз кўринди. Салом берди.

— Мажлис бошланиб кетди, — деди шляпали киши.  
— Биламан, — деди қиз ичкари кириб кета туриб, бепарво.

Шляпали киши ўрнидан турди, тўсиқ ортидан чиқди. Йўлакнинг сўл томонига ўтди, қайтди. Эшик очилди. Жун рўмолининг учлари билан оғзини беркитган аёл кирди.

— Қаёққа?

— Ўғлим ўн саккизга тўлди. Шунга...

— Қайси бўлимга?

— Бўлимни билмайман, айланай. Кўк эшик бор-ку...

— Мажлис бўляпти. Қабул — ўндан.

Аёл эшик томон, шляпали киши бу томон юрди. Аёл тўхтади.

— Соат неча бўлди, айланай?

— Соат ташқарида, — жавоб берди шляпали киши ўтирилмай.

Эшиқдан ғириллаб шамол кирди. Йигит устма-уст акса урди. Рўмолчасини олиб кўзини, лаб-лунжини артди. Чироқ липиллади. Шляпали киши изига қайтди.

Йигитнинг димоғига моғор иси урилди. Уф тортиб, оёқларини тапиллатди. Телефон жиринглади.

— Ҳа! — деди шляпали киши трубкани оғзига яқинлаштирамай. Трубкадан гудок эшитилди. Киши трубкани жойига қўйиб ўтирилди. Телефон чўзиб-чўзиб жиринглади. Шляпали киши трубкани олди.

— Алё!

Эшик очилиб, ўрта ёшли киши кўринди.

— Мажлис бўляпти! — деди шляпали киши трубкани оғзига тикқудек бўлиб.

Ўрта ёшли киши йўлакнинг ярмидан ўтди.

— Қаёққа? — деди шляпали киши трубкани кафти билан тўсиб.

Ўрта ёшли киши зина томон бурилди. Шляпали киши трубкага бақирди:

— Ўндан. Ҳа, ҳа, ўн-дан-н!

У шундай деб трубкани жойига қўйди, зина томон югурди.

— Биродар, ҳў, биродар!

Йўлакка аввал ўрта ёшли, сўнг шляпали киши қайтди.

- Қабул — ўндан! — деди шляпали киши.
- Соат ўн бўлди-ку! — деди ўрта ёшли киши.
- Унда — ўн бирдан!
- Ия, бу қанақаси?

Йигит кўзини пирпиратди. Чироқ липиллади. Шляпали киши ўнг томонга ўтди, қайтди.

— Бу қанақаси?! — деди ўрта ёшли киши кафтига куф-куфлаб.

Шляпали киши чапга ўтди. Эшик очилиб, кетма-кет тўрт нафар йигит гуриллаб кирди. Йўлак муздек бўлиб қолди. Моғор иси йўқолди. Йигитлар гангургунгур шовқин солиб ичкарига юришди.

- Йўл бўлсин?
- Тўртинчи бўлимга.
- Қабул — йўқ.
- Ўзлари бугунга чақиришган.
- Бугун қабул йўқ!

Йигитлардан бири тўнғиллади. Иккинчиси ҳиринглади. Тўртовлон изига қайтиб кўчага чиқди.

Шляпали киши тўсиқ ортига ўтиб ўтирди. Стул қаттиқ гичирлади. Киши шляпасини пешанасига тушириб яслади. Стол қиррасини чертди. Йўлакни илмиқ моғор иси босди. Йигит чалиштирган оёқларининг ўрнини алмаштирди, шарфи билан димоғини беркитди. Уф тортди, даҳанини чўзиб йўталди. Ихради. Иягини кафтига қўйиб энкайди. Телпагини юзига тушириб, кўзини тўсди. Эшик очилди.

— Учинчи бўлимга, — деди кимдир.

— Мажлис бўляпти. Қабул — ўн бирдан, — деди шляпали.

Эшик тарақлади.

Стол чертилди.

Эшик очилди.

— Директорга — қабулга, — деди кимдир димоғида тўнғиллаб.

— Директор — мажлисда. Қабул — ўн бирдан, — деди шляпали. Телефон жиринглади.

— Эшитаман! — деди шляпали. — Йўқ, бошқа жой!

Трубка шарақлаб жойига тушди. Тўсиқнинг эшиги гийқиллади. Шляпали кишининг вазмин қадам товуши эшитилди. Телефон жиринглади.

— Йўқ, бошқа жой! — деди шляпали. У трубкани қўйиб чапга ўтди. Изига қайтди. Йўлак тор эди. Йигит кифтини кўтариб бошини деворга суюди. Кўзини хиёл очди. Чироқ липиллади. Шляпали киши чапга ўтди. Йигитнинг димоғига мовор иси урди.

Эшик очилди.

— Қаёққа?

— Иккинчи бўлимга.

— Мажлис бўляпти. Қабул — ўн бирдан.

Эшик ёпилди. Шляпали киши чапга ўтди. Мовор иси келди. Йигитнинг кўзи ёшланди. Шляпалига қаради. Осма соатнинг капгири одам бўйидек узун — дам у ёққа-дам бу ёққа ўтар, эшик очилиб-ёпилар, йўлакка совуқ шамол урар, чироқ липиллар, йигит гоҳ йўталиб, гоҳ акса урар, шляпали киши соатнинг капгиридек ўнгга-сўлга, сўлга-ўнгга ўтар, ўтаверарди.

Телефон жиринглади. Соат капгири тўхтади — шляпали киши тўсиқ ортига ўтди.

— Эшитаман... Мажлис бўляпти. Қабул — ўн бирдан.

У трубкани жойига қўйди, стулга ясланди. Йигит ўрнидан турди. Шляпали кишига қаради.

— Ака, — деди у, — ёшингиз нечада?

— Эликни уриб қўйдик, ука, нимаёди? — деди шляпали киши.

— Шунчаки, сўрадим-да, — деди йигит. — Ачинганимдан.

— Нимага ачиндинг, укам?

— Одам неча йил яшашини биласизми?..

Шляпали киши баттар ясланди, керишиб, мириқиб ҳомуза тортди. Йигит унинг эснаб бўлишини кутмай эшикни очди. Афтига совуқ, тоза шамол урилди. Йўлак-да телефон жиринглади, чироқ липиллади...

## II

*Э. Рязановнинг «Гараж» ва Б. Брехтнинг  
«Мешчанлар тўйи»га тақлид.*

Сумбула опа инқилаб-синқилаб автобустга чиқди-ю, боласи кўз ўнгида саккизинчи қават деразасидан тушиб кетган онаизордек чинқириб юборди:

— Вой, ўли-и-й-й!..

Шу пайт нимадир «қарс!» этиб сиңди, ҳайдовчи йигит ўтирган жойида қулоғини динг қилди, сўнг отилиб кабинадан чиқди-ю, кўчага тушиб энгашганча автобус тагига қарай кетди.

Чуғур-чуғур тиниб, ҳамма Сумбула опага қаради.

— Вой, одамми ҳар нарса бўтани яхши-и!.. Вой, оқибатти уйи куйси-ин!.. Вой!..

Сайди ака ўтирган жойида қўлини пахса қилиб сўради:

— Ҳа, ҳа, нима гап, Сумбула опа, тинчликми?

Сумбула опанинг ранг-қути ўчди-ю, кўзини беҳол юмганча ёнбоши билан кабина деворига суялиб қолди. Олдинги қаторда ўтирган Меҳри сакраб ўрнидан турди, «ҳой-ҳой»лаганча Сумбула опанинг сумкасини қўлидан олиб, уни ўз ўрнига ўтқазди.

— Сув!.. Сув борми?! — деди сўнг, ҳовлиқиб. Автобустагилар бир-бирига саволомуз аланглашди, ҳеч кимдан садо чиқмагач, ўрта қаторда ўтирган ўрта ёшлардаги киши шимининг орқа чўнтагидан рўмолча чиқариб Меҳрига узатди.

— Боягина ювгандим, пешанасига босинг, — деди у меҳрибон бир товуста.

Сумбула опа ҳуркиб ўзига келди, кўзларини чарақлатиб, кафти билан апил-тапил юзини тўсганча бош чайқади.

— Йўқ-йўқ, Бўтавойни рўмолчасини пешанамга босиб имонимдан айрилмоқчимасман.

— Сизга теккан рўмолчани қайтиб киссамга солармидим, ташлаб юбораман, — деди Бўтавой ака пишилаб.

Автобуснинг тагида нимадир тарақлади, ҳайдовчи йигит югуриб кабинага кирди-ю, икки қўлига темиртерсак тутганча отилиб изига қайтди. Ҳамма Сумбула опа билан Бўтавой аканинг аччиқ-тизийқ муомаласига анграйиб қолганди. Фақат охирги қаторда Нарғиза билан дилкаш суҳбат қуриб ўтирган Эркин суҳбат орасида ҳайдовчи йигитта бирров кўз қирини ташлаб қўйди.

Сумбула опа Меҳридан сумкасини қайтариб олди, сўнг Сайди акага юзланиб, ҳамон беҳол бир аҳволда гапирди:

— Ҳамма жойлашиб бўбди-да... «Опа чиқиб қолар», деган гап ҳеч кимнинг тамизига кемабди-да...

Сайди ака елкаларини силкитиб, сочларини тўзғитиб хахолаб юборди. Бошқалар унга жўр бўлди. Биринчи қаторда ўтирган келинчак ийманибгина ўрнидан туриб жой бўшатди.

— Мана, ўтиринг, мен... ана, орқада жой бўш.

У шундай деб орқа томонга бораётганда рўмолчасини қайтиб чўнтагига жойлаётган Бўтавой ака унинг йўлини тўсди.

— Ўтир, сан жойингга ўтир, қорнингда боланг бор, автобусси қуйруғи қанақа сакрашини билмайсанми? — деди жержиб.

Келинчак дув қизариб бошини эгди. Иккинчи қаторда ўтирган Тўлашжон майин табассумлар билан Бўтавой аканинг гапини маъқуллади:

— Бўтавой акангиз тўғри айтдилар, сингилжон, сиз оғироёқсиз, орқада ўтириш хавфли...

— Нима, менга ярайдими орқада ўтириш, — лабини буриб жириллади Сумбула опа. — Саодатнинг қорнида боласи бўлса, ана, Бўтавой орқага ўтсин!

— Менинг қорним оғриб турибди, эртага дўхтирга борадиганман, эҳтимол менинг ҳам болам бордир?..

Қаҳ-қаҳадан автобус ёрилиб кетай деди. Қаердан-дир ҳайдовчи йигитнинг, «секинроқ!» деган заиф товуши эшитилди. Унга ҳеч ким эътибор қилмади.

Ҳаммадан узоқ кулган Сайди ака бирдан жиддий тортиб фармони олий ўқиётган саркордек салобатли оҳангда деди:

— Қани, кимда ким ҳомиладор бўлса олдинга ўтсин, бошқалар — орқага!

Орқароқдаги қаторда жимгина ўтирган қорамағиздан келган йигит ўқиётган газетасидан бош кўтармай луқма ташлади:

— Билиб қўйинглар, мен орқада ўтирибман! Бўтавой аканинг ҳомиласи йўқ! Қорни бошқа нарсага оғриятти!

Магнитли шахмат тахтачасини тиззасига қўйиб ўзича дона суриб ўтирган касаба уюшма раиси Яшаревич ниҳоят чиқолмади чори, чуқур бир «уф» тортиб ўрнидан кўзгалди.

— Вей, манга қаранглар, жуда бу, чегарадан чиқиб кетилди-ку, а!— У ҳамон қаерга ўтиришини билмай тик турган келинчакка тамшаниб қараб тўполонни тинчйтишга киришди: — Ҳар ким аҳволига қарасин, ҳаммамизга жой етарли. Бирпас сабр қилинса бир зумда ҳар ким уй-уйига етиб олади.

Автобус остидан шофёр йигитнинг бўрилиб йўталгани эшитилди, у ниманидир тақиллата бошлади. Наргизанинг дам кулиб, дам гапиришини суқланиб томоша қилаётган Эркиннинг қулоғи динг бўлди.

Белини оқ қайиш билан сириб олганидан кўкракларини кўтарилиб тушган Нозик худди эрига ноз-фиروق қилаётган хотиндек «Иҳм!» деб башарасини ойнага бурди-да, истар-истамас тўнғиллади:

— Кунинг Яшаревичга қолса бир умр сабр қилиб ўтасан, дунёдан...

— Ҳа-а, бопла, Нозик, бопла, — Бўтавой ака унинг қўлтирига сув пуркаётиб найзасини суқиб олди: — Қиз бола бўлсанг ҳам отанг тенги кишининг бетига чанг солавер!

— Вой-во-ей, насиҳат қилмаган сиз қолувдиз!— деди Нозик баттар қошларини учуриб.

Ҳамма қолиб негадир Тўлашжон хижолат чекиб, юзлари лов-лов ёна бошлади. Қора Шокир гудраниб Нозикни суқди. Сайди ака кимга гап уқтиришни билмай, гарангсиб ўрнидан турди ва чурқ этмай қўлини кўксига қўйиб келинчакни ўтиришга ундади.

— Саодатой, ўтиринг, жойизга ўтиринг!..

Сайди ака меҳрибонлик қилиб улгурмай, Сумбула опага жойини бўшатган Меҳри унинг ёнидан қисилиб ўтди-да, ўзини Сайди аканинг жойига ташлади.

Сайди ака анг-танг бўлиб қолди: мош-гуруч сочини қўли билан тарай-тарай билагига ташлаб олган костюмини авайлаб олдинги эшикка юрди.

— Мен тушдим... пиёда кетаман... пиёда...

У афтидан савдойи бўлиб қолгандек, кўзлари маъносиз, нурсиз эди. Бошини елкасига қийшайтирганча зинадан бир қадам тушди-ю, тўхтади, ҳаммага бир-бир кўз югуртирди ва кимларнингдир қарашига ҳамдардлик-яқинлик аломатини туйди шекилли, ўпкаси тўлган болақайдек йиғламсираб юборди:

— Пиёда кетадиган аҳмоқ йўқ! Ҳа-а!.. Ҳамманг пиёда қолсанг-қоласан, мен автобусда етволаман!.. Ўтирволиб, яслане-еб кетаман!..

— Ба-асс! — деб қичқирди ҳайдовчи йигит бўғилиб. — У автобус остидан чиқолмаётган, чамаси боя нимадир «қарс» этганда машинасининг синган-нетган жойини созлаётган эди. — Узилиб кетай деяпти-и!..

Автобусга чиққанидан буён ташқарига хомуш-фаромуш термулиб ўтирган Азим ака қулоғи бирдан очилган одамдек тилга кирди:

— Ия, ҳали йўлақдан қўзғалмабмиз-а!.. Дарвоза ҳам очилмабди!.. Шофёр бола боядан бери зор қақшаяпти-ю, қарасаларинг бўлмайдими?! Ўзим кетганимда аллақачон уйимга етган бўлардим-а!.. Кимга кераги бор бунақа автобуснинг?!

— Ҳозир, Азимжон, қулайликка тил теккизманг. Қўз очиб-юмгунча уй-уйимизга етамиз.

«Пов» этиб ёнган Азим ака Яшаревичнинг ширин сўзидан ийиб, ялтоқланди:

— Шофёрга айтинг, йўлни Циркуль кўчасидан бошласин.

Азим ака оғзини юмиб улгурмай автобусдагилар аюҳаннос солиб юборди.

— Сиркулмас, биринчи Зулдир маҳалладан ўтади!

— Зулдирда пишириб қўйгани йўқ! Катта йўлда тушиб, у ёғига пиёда борсанг оёғинг синиб қолмайди.

Салмия ўтирган жойидан қоматини тик тутиб қўлини белига тираганча шовқин-суронни босиб тушди:

— Автобус биринчи бўлиб менинг уйимдан ўтади!.. Кейин ким қаёққа борса бораверсин!..

Бўтавой ака бу гапга чидолмади, тура солиб аста Салмияга рўпара келди:

— Нима дедиз?.. Гапиргандай бўлдиларми?.. — У кафтини қулоғига тутиб устма-уст сўради: — А, лаббай?..

— Мени Сурёнга ташлаб ўтади. Бошқасини билмайман! — яна гапни чўрт кесди Салмия.

— Ҳайитлари муборак бўлсин... — деди Бўтавой ака ҳамон мулозим товущда.



— Нима?—деб сўради Салмия тушунмай.

— Айёмлари муборак бўлсин, деяпман...

Салмия калака бўлаётганини сезиб, афтини бужмайтирди.

— Бизда қачондан буён ишлайсиз? — ҳамон ўша кесатиқ оҳангида сўради Бўтавой ака.

— Нимайди?! — бўш келмай гап қайтарди Салмия.

— Сумбула опа қариб қолди, десак, бу ёқда ўзлари етишиб чиқаётган эканлар-да!..

Бўтавой ака жарини қарсиллатиб жаҳл отига ми-наётганини пайқаган Яшаревич унинг билагидан тортиб жойига ўтказди. Салмия гапдан қолмади, ундан орқада ўтирган Нозик чимирилиб лаб жуфтлади, олдинда эса — Сумбула опа қуруқликка чиқиб қолган балиқдек каппа-каппа оғиз очаетганди.

Азим ака ўрнидан тура солиб, Яшаревичга кўрсатма бера кетди:

— Қанақа месткомсиз-ей, манавилар юмдалашиб кетади ҳозир, — деди Бўтавой ака билан Салмияга ишора қилиб. — Ҳозироқ ҳал қилинмаса газак олади бу.

— Юмдалайдиган жойини кўрсатиб қўяман! — деди Бўтавой ака совуқ тиржайиб.

— Қайтиб автобусга чиқолмайдиган қилиб қўймасамми! Ҳу, ўша!..

Автобус қаттиқ силкинди, безгак тутган бемордек қалтирай бошлади, сўнг баногоҳ ўнг томон девори қарсиллаб чок-чокидан сўкилди. Ҳамон автобус тагида тимирскиланаётган ҳайдовчи йигит ҳовлиқиб эмаклаб чиқди-ю, қулочини ёйганча ағдарилаётган автобус деворини суяб қолишга уринди. Наргиза билан дилкаш суҳбат қуриб ўтирган Эркин унга ёрдам бериш ниятида дик этиб ўрнидан турди-да, сакраб пастга тушмоқчи эди, Яшаревич уни тўхтатди:

— Эркинжон, қимирламанг, ўтиринг, кичкина мажлис ўтказиб оламиз...

«Об-бо», «ола-а», «мажлисга бало борми», сингари норози луқмалар пешма-пеш эшитилди. Сайди ака до-вучча чайнаган одамдек афтини бужмайтирди.

— Мажлисга тоқат қилмаганлар пиёда жўнайверсин! — деди Азим ака аланглаб.

— Ҳаво етишмаяпти, димиқиб кетяпмиз, — деб зорланди олдинги қаторда ўтирган жувон ёнидаги келинчакка имо қилиб.

Яшаревич кўлини кўксига босиб ҳамкасбларини тартибга чақирди:

— Пича сабр қилинсин, бир оз... ана, автобуснинг бир томони ағдарилиб тушяпти, ҳам... кейин ҳеч ким димиқмайди, мажлис ўтказиб олинади...

«Мажлис катта бўладиганга ўхшаб қолди», — деб гудранди қора Шокир. Унинг тахмини тўғри чиқди — Азим ака бош силтаб сочини тўғирлади-да, Яшаревичга танбеҳ бера кетди:

— Ким айтади сизни «касаба» деб!.. Ия!.. А, бу мажлиснинг қонун-қондаси бор. Лоақал уч киши сайлансин, юқорига чиқсин. Масала жиддий. Шундай экан, консада-консов, жиддийроқ гаплашиб олмоғимиз шарт, ахир!

Автобуснинг ўнг девори чок-чокидан сўкилганда ойна кўзи синиб ер билан битта бўлди, ҳайдовчи йигитнинг бардоши етмади, у суяб қолмоқчи бўлган деворни ерга оҳиста гуширди-да, гарангсиб автобусдагиларга нажот истаб мўлтиради. Наргиза билан дилкаш суҳбат қуриб ўтирган Эркин бетоқатланиб унга ачиниб қаради. Лекин у автобусдан тушиб кетиши мутлақо мумкин эмас, шундай қилгудай бўлса коллективга, мажлис аҳлига ҳурматсизлик қилган ҳисобланарди...

— «Азимжон юқорига чиқсин», деганлар қўл кўтарсин, — таклиф ташлади Яшаревич.

Азим ака бош ирғаб-ирғаб автобуснинг олд томонига ўтди.

— Чиқаверинг, Азимжон, суягингиз мажлисда қотган, чиқаверинг, — деди ачитиб Бўтавой ака.

— Тўғри айтасиз, Бўтавой, — деди Азим ака кинояга фаҳми етмай. — Умрим мажлисда ўтган. Юқорида ўтирмасам чидолмайман.

— Бошинг мажлисдан чиқмасин! — деди Салмия.

— Қарғаманг! — деди Азим ака.

— Қарғайман!.. Бошгинанг мажлисда чирисин! — баттар заҳарини тўқди Салмия.

Азим аканинг оғзи кўпириб кетди. Шофёр йигит кўларини ёйганча бақрайиб турар, томирлари ўқлогдай-ўқлогдай бўртиб турган билагидан тирқираб қон оқаётганди. Уни кўрган Наргиза кўзини чирт юмиб олди. Тўлашжоннинг башараси жилмайганча қотиб қолган эди. Қора Шокир «Етти пуштинг мажлисда куйсин-а!» — деб сўкинди ичида.

Бу ёқда президиум сайланиб, мажлис ўз ишини бошлаган. Яшаревич нутқ ирод қилаётган эди:

— Ҳамонки, касаба бизга ғамхўрлик кўрсатган экан... ҳамонки, уй-уйимизга олиб бориб кўядиган автобус берган экан, ундан унумли фойдаланмоқ керак. Тўрри, корхонамиз тарихида бундай қулайлик биринчи бор яратилиши. Биринчи марта автобустга чиққанамиз учун ҳам жиндек келишмовчилик юз бериши табиий...

— Кечирасиз, — деди Азим ака кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб. — Мажлисни жонли формада олиб борсак дегандим.

Яшаревич «маъқул» деган маънода бош ирғади. Азим ака гапни илиб кетди:

— Мажлисимиз автобус шароитида ўтаётгани, президиум аъзолари тик туриб қолгани учун сизлардан узр сўраймиз. — Битта-яримта қарсак чалинди. — Корхонамиз тарихида биринчи бор служебний автобус берилган экан, бундан мақсад — муддао нима? Қани, хўш, ким айтади?

Қаердандир ҳайдовчи йигитнинг инграгани эшитилди. Наргиза билан ёнма-ён ўтирган Эркин икки ёнга аланглади-ю, ҳайдовчини тополмади. Азим ака тамшаниб ҳаммага бирма-бир кўз югуртирди. Меҳри, Салмиядан сирғалиб ўтиб, қора Шокирда тўхтади:

— Қани, Шокирбой, укажон, сиз айтинг.

— Мақсад битта — ишга вақтида етиб келиш, уйга барвақт қайтиш! — деди жойидан қимир этмай Шокир.

— Баракалла, укажон! — деди Азим ака жавобни тасдиқлаб. — Ҳамон шундай экан, келишиб олайлик-да, жойимиздан жилайлик, ахир. Ҳадемай қоронғи тушади.

— Қоронғи тушиб бўлди... уйдагиларга нима деймиз...— Саодат келинчакнинг товуши базўр эшитилди.

— Бу автобусга ишонсак, эрлар хотинсиз, хотинлар эрсиз қолади! — «киҳ-киҳ»лаб кулиб юборди Сайди ака.

— Мирсайди, мажлис бўляпти, — тартибга чақирди уни Яшаревич. Ҳамма жим бўлди. Азим ака сўзида давом этди:

— Майли, автобус биринчи бўлиб мени оббормай қўя қолсин, лекин Сиркул кўча билан Зулдир маҳаллага етмай икковининг ўртасидаги катта йўлдан кетаверсин. Сиркул билан Зулдирга борадиганлар тушиб қолаверади.

— Оқибатта ўт тушсе-ен, оқибатта ўт кетсе-ен! — тўсатдан аюҳаннос солиб юборди Сумбула опа тиззасига мушглаб? Сайди ака хахолаб кулди, Бўтавой ака худди хавотирлангандек Сумбула опага бақрайиб қаради. «Ҳозир тугқаноғи тутади», деди ўзича қора Шокир.

— Сув йўқми?— деди Яшаревич аланглаб. Ҳеч кимдан жавоб бўлмади. Бўтавой ака орқа киссасига қўл суқиб тортган эди, рўмолчасига суварак илашиб чиқиб, югургилаб қолди. Уни кўрган аёллардан бири чинқириб юборди.

— Ош-нонингга қўшилиб кетди-ю, жирканишга бало борми?! — деди сўкқандан баттар қилиб Бўтавой ака. Яшаревич Сумбула опага тасалли берди: — Уйга борганда сув-пув ичиб оларсиз...

— Касаба бўмай ў-ўл, — деди Нозик. — Қўлингдан ҳеч бало кемайди-ю!

— Яшаревич, сиз бизга касабасиз, мен шу касаблага ўттиз йилдан буён аъзоман. Ўттиз йил ишлаб қўйган одамга ҳурмат шуми?! Ўттиз йил-а!..

— Сумбула Самадовна, — деди Яшаревич ҳамон қўлида тутиб турган шахмат тахтачасига кўз югурти-

риб. — Аввало, иш стажингиз йигирма тўққиз йил бўлди, холос. Майли, узоқ йиллик хизматингиз ҳурмати автобус катта йўлдан яна бир бекат ичкарига ташлаб чиқади.

— Вой, ҳимматиз бошшизда қоси-ин!.. Вой!..

Сумбула опа яна дийдиё бошлаётган эди, Яшаревич тутакиб кетди.

— Бас, гап тамом! — деди у. — Автобус катта йўлдан кетаверади. Ҳар ким уйига яқин жойда тушиб қолаверади.

Сумбула опа апил-тапил халтасини кавлаб қороз-ручка олди-ю, тиззасига тўшаб, жон-жаҳди билан ёзишга тушди.

— Мен катта йўл ёқасида тушиб қоламан! — деди Меҳри.

— Мен ҳам... — деди келинчак.

— «Мен узоққа бормайман...» — деди ичида кулимсираб қора Шокир.

Яна уч-тўрт овоз розилик билдирди. Сайди ака одатдагидек гап пардасини юқоридан олди:

— Салмияни Сурёнга ташлаб ўтиб, мени катта йўл ёқасига ташлаб кетсаларинг — эртагаёқ ишдан бўшайман! Эркак кишининг гапи битта бўлади!

— Сиз-чи, Нозикой?—сўради Яшаревич.

— Ташвишланмай қўя қолинг, мен шофёр билан келишаман, — деди у пинагини бузмай.

Тўлашжон савол кутмай ўрнидан турди-да, табас-сумларга фарқ бўлиб арз-дод айтди:

— Тор кўчага оббориб қўймаса, юқорига шикоят ёзаман!

Автобусни гала-ювур босди. Ўнг томонда ўтирганлар девор йўқлигидан чўчий бошлади шекилли, гимирлашга тушди. Сумбула опа ёзаётганини тугатдими — варақни президиумнинг учинчи вакили — Тамарахонга тутқазди.

— Шикоят! — деди сўнг бифиллаб. — Ўттиз йил хизмат қип қўйган одамга касаба союз раиси «Бас!» деди. Именна, ҳозир биров бировга «бас!» дейдиган вақт эмас!.. Арзимни кўриб чиқмагунларингча автобусси жилдирмийман!..

Автобус худди денгизда тўлқин сурган қайиқдек чайқалиб кетди. Шофёр йигит чап томонга югуриб ўтди. Автобуснинг чап томон девори қарсиллаб чокчокидан сўкилиб кетди. Ҳайдовчи йигит кифтини ағдарилаётган деворга тутди. Ўтакаси ёрилаёзган Наргиза юзини Эркиннинг кўксига босди. Эркин Наргизани етаклаб сакраб ерга тушди, шофёрнинг ёнига шошилди, автобус деворини тутишга ёрдамлашди.

Ўриндиқларни тўлдириб ўтирганлар икки ёни ланг очилган автобусдан йиқилиб тушаётгандек чўчиб ўринларидан туриб олган, ўриндиқлар ўртасидаги йўлакда тирбанд бўлиб туришарди. Улар қий-чув қилишар, гала-говурдан ким нима деяётганини тушуниб бўлмас, автобуснинг деворини тутиб турган ҳайдовчи йигит билан Эркиннинг қўллари, кифтлари толиқиб бораётган эди.

Автобусдагилар бир зум жим бўлди. Яшаревичнинг бўғиқ, хаста товуши эшитилди:

— Бўтавой, катта йўлда тушиб қоласизми? — Бўтавой аканинг товуши хотиржам эди:

— Менинг қовуғим бўш... Автобус эшигимнинг тагига ташлаб ўтмаса уйга етолмай қоламан!..

Ҳайдовчи йигит билан Эркин автобус деворини авайлаб ерга қўйишди. Биронта ойна синмади. Хуноб бўлган ҳайдовчи йигит мотамсаро бир алфозда Эркинга юзланди:

— Сиз қаёққа борасиз, ука?

— Мен... биз Чинободга борамиз, — деди Эркин энг эзгу орзусини айтаётгандай хўрсиниб, Наргизага ишора қилар экан.

Шофёр афсусланиб бош чайқади:

— Дарвозани очиб кўчага чиқинг-да, секингина йўлга тушаверинглар, бу автобус Чинободга етиб бо-ролмайдди, ука. Эсон-омон етиб олинглар...

*1983 — 1992 йиллар.*

## ЧИМБОЙКЎЧАЛИК ҚЎШНИЛАР

Энсиз, узун хонадаги хонтахта гирдига тўшалган кимхоб кўрпачанинг бир чеккасидан жойлашиб ўтирган уч мўйсафид бир пиёладан чой ичиб улгурмай даҳлиз томондан Ҳикмат ошбошининг етти маҳаллага таниш овози эшитилди:

— Зокир ота, Чимбой кўча, ичкарига киравуринглар, жой бемалол!.. Намуналиклар билан би-ир ошкўрлик қилинглар!

Эшик очилиб, Зокир ота оқсоқланиб-лапанглаб кириб келди. Унинг «етови»даги беш-олти човли ҳамроҳи аввал келган намуналик уч мўйсафид қаторидан жой олди. Хонтахта атрофи қарийб тўлди.

— Тўй устига тўй бўлсин! — деб дуо қилди Зокир ота.

Ўтирганларнинг бари бир овоздан дуога қўшилиб «омин» қилди.

Нон синдирилди, чой қуйилди.

Орага чўккан бир чимдим сукунат «нафас» ростлаб улгурмай Эшпўлат чорва туни билан ухламай чиққан одамдек тажангланиб гап бошлади:

— Ёз чилласида-я!.. Ёмон қуйди-е!

Ҳасан дўкончи ҳам инсон ахир, бинобарин у ҳам ўз фикрини айтишга ҳақли.

— Унчалик эмас-е, бир шивалаб ўтди, холос-да, — деди у янгигина тандирдан узилган нондан дастурхонга тўкилган седаналарни бармоғининг учи билан тегиб олаётиб.

Аҳад сувчи гўё юрагини биров тортиб олишдан чўчигандек ўнг кафтини чап кўксидан узмай мийиғида кулимсираб, суҳбатга қўшилди:

— Ҳасанбой, ука, буни «шивалади» демайдилар. Жала...

Бошланди! Айниқса, Райҳон гул суҳбатга чўғ қалади.

— В-ой, жала емиш! — деб кўзи косасидан чиққудек кекирдагини хонтахтанинг ярмигача чўзди у, ғирт ўзининг «шахсий» лаҳжасида. — Утқан кунги шаррос ямғир олдида бунисини «томчилади» дисаям булади.

Райҳон гул тиржайди, бу, ўтирганларнинг устидан кулишмиди ё ўткан кунги ёмғирни мазах қилишми — ҳеч ким тушунмади. Зуфар косибнинг энсаси қотди. У бир карч қовунни эринибгина оғзига олиб бораётиб, ҳолсизланиб норозиланди:

— Ҳов, Райҳон, ўткан кунгини қўй, бугунги, ҳозиргисини айт-да, оқаси!..

Зокир отадан кейин учинчи бўлиб ўтирган Нурилла ҳисобчи қўни-қўшнилар орасида бўлиб турадиган бундай тортишувларни разм солиб кузатади ва лозим топса ёки ҳангомачилар қизишиб кетсагина муроса ўрнатиш ниятида «давра»га тушади. У бу сафар ҳам шундай қилди.

— Кимга қандай билмадим, — деди у дам у-дам бу қўшнисининг авзоини эътибордан қочирмай, — ҳар қалай, яхшиямки, ёнимда селюфан халта бор экан, дўппини ўрашга аранг улгурдим.

Рауф сўфининг товуши барчанинг овозини босиб тушди.

— Вей, — деди у тўнғилаб, — ёғдими-ёғмадими, санга нима?.. Худони куни-да!..

Сўфининг дағдағаси кор қилдими, қиёматли қўшниллар ҳеч бир сабабсиз-несиз бошланган мунозарани бас қилишди. Тор ва узун хонада Зуфар косибнинг «оҳ-оҳ»лаб, тамшаниб қовун ейиши, ташқарида яккам-дуккам ғўнғир-ғўнғир эшитилиб турди. Хонадаги жимликни намуналик мўйсафиднинг ўртадагиси бузди:

— Биз келаётганда битта-яримта томчилай бошладди. — деди у чимбойликларга қарата. — Ёз ёмғири зумда ёғиб ўттувчи эди.

— И-иҳ! Бир зум-а, бир зум! Қанақа ёз, бу, ўзи?! Ҳавони қаранг, совуқдан эгим жунжикиб, уйга қайтиб, камзул кийиб чиқдим-а! — Эшпўлат чорва шундай деб эғнидаги тим қора, ғижим камзулини кўз-кўз қилди. — Жикқа-я! Неъмат ака, сиз ушлаб кўринг!..

Кўнчи Неъмат Эшпўлат чорванинг тим қора камзулига қўл теккизмади, беғубор жилмайди, ёнма-ён ўтирган Раҳим карвонни тезлади:

— Вей, Раҳимжон ака, узум кўрмаганмисиз?! Бун-



до-оқ гапирсангиз-чи, ҳозир манавилар ёқалашиб кетади!

Бошини ҳам қилиб бир гужум хусайнини «режалаштираётган» Раҳим карвон чўчиб бош кўтарди, дастурхон атрофини тўлдириб ўтирган кекса-ю ёш қўшниларига бир қур кўз югуртирди, шундан сўнггина оғиз очишга жазм этди:

— Майли, гапираман... Кеча қоқ пешинда гилоснинг соясидаги сим каравотда ёнбошлаб, кўзим илинибди денг. Бир пайт кимдир «Бабай! Бабай!»лаб дарвозани гурсиллатиб қолди-ку!.. Чиқсам — хат ташувчи кампир — пенса келтирибди. Вой, барака топгур, тунов куни бериб кетган пенсанг тахи бузилмай кўрпачани тагида турибди, тагин шуни кўтариб келиб уйкумни буздингми, деб пича койидим.

— Биров сиздан пенсияни сўрадимиз?! — деб унинг оғзига урди Аҳад сувчи. — Ёмғирдан гапиринг, ёмғирдан.

Кундалик ҳаётда учраб турадиган унча-бунча жўн саволларга Раҳим карвоннинг жавоблари доим тайин туради.

— Яқин беш-олти куннинг ичида ёмғир-сомғир кўрганим йўқ. Ана, кўчанинг чанги чиқиб ётибди!..

Эшпўлат чорванинг кўзи ола-кула бўлиб кетди. У қўлидаги пиёлани Раҳим карвоннинг бетига оттудай важоҳатда олайди.

— Овсарликка солади-я, ўзини... — тўнғиллади Зокир ота хўмрайиб.

— Ким овсар?! — нафсониятига игна суқилгандай безовталанди Раҳим карвон.

— Мен! — деди Ҳасан дўкончи бир қўлини боши узра ҳаволатиб. — Айтиб қўя қолай, ҳаммаси мен туфайли бошланди. Мен шу гапни кўзгамаганимда...

Ҳасан дўкончининг ён бериши Райҳон гулга ёқмади. У бўғилиб уқтиришга уринди:

— Ҳей, Ҳасан, нига гунаҳни буйнингга оласан? Жанжални сен башламадинг-ку. Ямғир башлади. Ямғир шувалаб утмагани-да шунча машмаша юғиди.

Кўнчи Неъматнинг аччиги бетига тепди.

— Райҳонали! Биров сенга: «Ёмғир ёрмади», деди-

ми?! — Қўлини боши узра силталаб иддаосини тасдиқлаб гапирди у.

— Диди!

— Ким диди?

— Ким диди-я?... Мана, шетта кимдир айтди-ку!.. Яки, чиқиб кетдимми? — Райҳон гул шундай деб ён-веридагиларга аланг-жалаңлади ва кутилмаганда намуналик уч мўйсафиднинг ёшроғига қаратиб бармоғини нуқиб кўрсатди. — Сиз айтингиз-а, яғмади диб? Туғрими?

Райҳон гул имо қилиб кўрсатган намуналик ёш бўлса-да, жингала сочи қордек оппоқ киши ҳайронлигидан тили калимага келмай қолди. Елкасини қисди. Чимбойлик қўни-қўшниларга бир-бир кўз югуртирди. Асабийлашганиданми-ўнрайсизланганиданми лабининг чеккаси «пир-пир» уча бошлади.

— Бу аралашгани йўқ, жим ўтирибди-ю, — уни ҳимоясига олди ўрта ёшлардаги ҳамроҳи. Оқ сочли намуналик дадиллашди. Овоз чиқариб, истеҳзо аралаш кулимсиради.

— Чимбой кўчага ёққан ёмғир билан нима ишим бор?! — деди бурнини жийириб.

Унинг зардаси чимбойликларга оғир ботди, бироқ тўйхонада пачакилашиб ўтириш ноўринлиги андишаси устун келиб, ҳеч ким жавоб қайтармади. Фақат орадан бир оз ўтиб, кўнчи Неъмат ётиғи билан, лекин тағдор қилиб гапни атай узоқдан бошлади:

— Биродар, — деди у ясама илтифот билан. — Қўшни маҳалладансиз-а?

— Ҳм, — деб калта жавоб қилди оқ сочли киши.

— Қанақасига қўшни маҳалла, қўшни кўчаданмиз-ку, Неъматвой. Намунаданмиз, — жиғибийрони чиқиб изоҳ берди намуналикларнинг ёши улуғроғи.

— Ҳа, ана-а, кам бўманг, — деди кўнчи Неъмат куюқ мош-гуруч қошларини учуриб. — Биззи кўчага, мисол, Чимбойга ёққан ёмғир, нима, Намунани четлаб ўтарканми? А, биродар?

— Ёвади... — деди тўнглик қилганига пушаймон бўлгандек изза тортиб оқ сочли киши.

— Машинақа экан, шунча одамга қараб туриб, неча пуллик ишим бор, дейсиз-а!.. А, бу ёз ёмғири...

Эшик тарақлаб очилиб, икки қўлида икки лаган ош кўтарган Ҳикмат ошбоши кўринди.

— Ичкарига биқиниб, овозларинг чиқмайди! Бир уй одам борлигини унутаёзибман, — деди одатича ҳазилвонлик қилиб.

— Қани, тез-тез, совутмай олинглар. Чой етарлими?

— Жой-чи, жой? Жой етишмай шошиб қолмаяпсиларми? — сўради Зокир ота.

— Амалаяпмиз, — жавоб берди Ҳикмат ошбоши. — Ҳайтовур пана жойлар кўп экан... Ўзи шу хонадонда қачон тўй бўлса — бир бало ёрмай иложи йўқ-да. Кўрмайсизми, қоқ ёз чилласида бутун энгилбошнинг шилтаси чиқиб кетди!..

Эшпўлат чорвага жон кирди.

— Бормисиз, Ҳикмат ака, мани ур-риб энгиб турганди-я, булар!..

— Нега уриб энгади? Нега урар экан?!

— «Ёмғир ёрмади» деб... Мана, жиққа сувга ботдим-ку. — Эшпўлат шундай деб камзулининг этагини тиззасига ёйди. — Ёрмади эмиш!..

Ҳикмат ошбоши ҳаммага ош улашилганини бир қарашда аниқлади-да, шошилиб чиқаётиб илова қилди:

— Оппоқ дастурхонларни йиғиб улгуришмади, расво бўлди ҳаммаси!..

Эшпўлат чорвага янаям жон кирди — оғир бир мушкулени осон қилган одамдек энгил тортди ва «Ана!» деб шу чоққа довур «чурқ» этмай ўтирган Беҳзод дўхтирга мамнун бўлиб қараб қўйди.

Беҳзод дўхтир «тушундим» деган мазмунда табасум билан сўзсиз жавоб қайтарди.

Икки оворадан тортилган паловхонтўра тепасига юпқа паррак қилиб кесилган гўштлар тўғралди, хонани «олинг-олинг» тутди. Кўз очиб юмгунча лаганга юқа қилиб сузилган серсабзи ва ёғли палов икки чеккасидан чимдиб-чимдиб ушатилаётган патир нондек ихчамлаша бошлади. Гуруч оби-тобида етилгани мақталди, сабзи тўғраганларнинг ҳақиға дуо қилинди. «Гўшти титилиб кетибди», деди Нурилла ҳисобчи, «Мол гўшти-ю, қаёқда титилади?!» — эътироз билдирди Эшпўлат чорва, «Йўғ-е! Курканинг этими деб ўйлаб-

ман», — орага суқилди Раҳим карвон. Яна бир қанча узуқ-юлуқ гаплар «жўрлигида» лагандаги «патир»нинг бир нечаси паққос туширилади, мўйсафидроқ шериклар ошнинг ярим-ёртисини амалладилар.

Ош баҳона ёмғир «пайрови» жамоанинг хотиридан кўтарилиб турганда Раҳим карвон қовун туширди.

— Об-бо-о, — деди у, лаб-лунжини қайта-қайта арта туриб, — ёмғир тўйхонага ям ёғибди-да!..

Зуфар косиб икки-уч босим мириқиб кекирди, сўнг эринибгина савол қотди:

— Бозорга ёрмаганмикан, ишқилиб?

— Бундай ёмғирлар бозорга юкмайди, — деди Ҳасан дўкончи.

— Бозор сувюкмас-а, — аскияга олди Аҳад сувчи.

— Қандай сув? Қанақа ёмғир?.. Нега юкмас экан?! — Нурилла ҳисобчининг жиғилдони ош билан дуруст ёғланди шекилли, овозини кўтарди.

— Уч яшли бала чаптиргандай яғди-кетти, бир шамол килса...

Райҳон гулнинг изоҳи Азим заргарнинг эшикни қарсиллатиб очиши билан кесилди.

— Чойинглар борме? Яхши ўтирибсиларме? — деб лутф қилди у.

Бу унинг «Жавоб берсак, уйни бўшатасизларми?» маъносидаги илтифоти эди.

Лаганлар қўлма-қўл қилиб ташқарига узатилди.

— Ёмғир тиндимми? — деб сўради намуналик мўйсафидлардан ёши улуғроғи.

Бу саволнинг жавоби уйни тўлдириб ўтирганларнинг ҳаммаси учун воятда муҳим эди, бинобарин, барча ялписига Азим заргарнинг овозига анграйди.

— Ҳу, боя тинган! Ҳаво очилиб кетде! — жавоб берди Азим заргар.

— Худони кун-де, — деди Рауф сўфи кафтининг ёғини соқолига суркаб. — Ёмғир ҳам худонинг неъматиди.

— Айтдим-ку, ўтиб кетади деб! — Кўнчи Неъмат ўз кўнгида шундай деб баҳсга «илмий» яқун ясаган бўлди.

— Ўтишга ўтди-я! — деб яқун ясалган баҳсни яна чўзди Нурилла ҳисобчи. — Илло яқин-орада бунақа

қуймаганди. Дўппимдан айрилишимга сал қолди-я, қизиталоқ!

— Нима қуймаган? — туйқус сўради Раҳим карвон.

— Ямғир! — деди Райҳон гул.

— Қачон қуйди?!

— Боя... Ҳозир, келаётганимизда. Ҳалиям томчила-япти.

— Азимжон «тинди» деди-ку!

Эшпўлат чорванинг афти бужмайди.

— Айтaveraди-да! — деди у бошини асабий қашлаб. — Тинадиган ёмғир эмасди!

Беҳзод дўхтир мийиғида кулимсираб ёши улуғларнинг фотиҳасини кутди.

Ниҳоят, Зокир ота хонадон соҳиблари, тўй сабабчилари ҳақиға дуо қилди, чимбойлик ва намуналик маҳалладошлар дўстона-беғубор бир мамнуният билан юзларига фотиҳа тортдилар.

Изма-из тизилишиб даҳлизга, ундан ҳовлига чиқа бошладилар.

Ичкаридаги тортишув ҳароратида қизиган тафти ҳамон совумаган Эшпўлат чорва Аҳад сувчига қамти бориб, унга сирли равишда шипшиди:

— Неъмат аканинг йўлағида ёмғир тинишини кутдик. Шаррос қуйди, ўзиям! Тўғрими? — Ва саволига жавоб кутмай уқтиришда давом этди: — Шу орада уйга кириб, камзулни илиб чиқдим. Қайтиб йўлакка еттунимча жиққа сувга ботдим. Мана, ишонмасангиз, ушлаб кўринг!..

Аҳад сувчининг ёнида Раҳим карвон турган эди, бу гапларни беихтиёр эшитди-да, лўқма ташлади:

— Камзулли нами ош еб терлаганники. Ёмғирники эмас.

Эшпўлат чорва азбаройи жиғибийронлигидан ерни талилатиб тепинди. Ҳасан дўкончи бир ҳатлаб, ярим доира ясаб турган мўйсафидлар ўртасига чиқди.

— Шўтга, тўйхонанинг ўртасида ўзимми бўғиб қўя қоламан! — деди у разабдан кўзлари косасидан чиқиб, қўллари қалтираб.

Мўйсафидлар «ҳой-ҳой»лаб уни шаштидан туширишди.

— Бутунча кўятуринг, Ҳасанбой, — деди Раҳим карвон дўкончининг елкасига меҳрибонларча қоқиб.

— Мен туфайли бошланди шу жанжал! — деди Ҳасан дўкончи бир оз ҳовурдан тушса-да, аччиғини босолмай. — Ошга чиқмаганимда шунча жанжал йўғиди!

— Ёғдими-ёғмадими — сенларга нима? — Ўзича гудранди пинагини бузмай Зуфар косиб тўйхонадан чиқишаётганида.

Кўни-қўшнилар ҳар бири ўз хаёлига андармон бўлиб Чимбой кўчага бурилгандагина иттифоқо Беҳзод дўхтир бир чимдим сўз айтди:

— Аслида табиат ҳодисалари ҳар кимнинг миждига қараб турлича таъсир...

Дўхтир гапини охирига етказолмади.

— Бе-е, Чимбойда табиат ҳодисаси нима қилади, ука?!

Беҳзод дўхтир бирдан жиддий тортди, сўнг, ода-тича чиройли жилмайди-кўйди. Кўни-қўшнилар бирин-бирин уйларига тарқаб кетадиган жойга етганда Рауф сўфи икки кўлини орқасига боғлаган кўйи баралла даъватта ўтди:

— Қиёматли, тобуткаш кўни-қўшнимиз! Бировимиз бир нарса деганда «хўп» деб маъқуллаб, бир фикрга келишиш шунчалик малолми?! Ўйлаган-нетганимиз бир жойдан чиқса — интифоқ яшаш қийин эмас! Интифоқлик — иймондан, биродарлар!..

Бу гап барчага мойдай ёқди, «тўғри-тўғри», деган маъқуловчи овозлар ҳам эшитилди.

— Барака топинг, Рауфжон. Шу, палакат, ёмғир ёғди-ёғмади деб сал қолди-я, ёқалашиб кетишингларга, — деди Зокир ота хаста товушда йиғламсираб, сўнг қўшниларини огоҳлантирди: — Ҳой, барака топгурлар, эртага наҳорда ошга чиқинглар-а!

... Ҳар ким уй-уйига тарқалди. Икки кўшни пича юрган жойида Чимбой кўчанинг шундоққина қаншарида баркашдай қуёш чарақлаб кўринди. Афтидан у шу бутун фақат чимбойликлар учун ётоғидан бош кўтариб чиққан эди.

— Ана, қуёш ҳам чарақлаб кетди! — деди Нурилла ҳисобчи чехраси очилиб.

Дарвозаси ёнига етиб борган Эшпўлат чорва та-  
жанглашиб тўнғиллади:

— Қуёш эмас-е, бу!.. Қуёш чарақлаб чиқишига  
ҳали анча бор!..

1998 йил.

### «HUNDAI» ВА ТЕЛПАК

Иzzатали ака тонг қоронғисида кўчага чиқиб, уч-  
тўрт хонадондан ўтган жойида Қамбарбойнинг дарво-  
засидан гизиллаб чиққан посон қиз боладек кетворган  
машина унга юзма-юз яқинлашиб тўхтади.

— Ҳе, окам, азонлаб йўл бўлсин?

— Ошга-да, қаерга бўларди, — жавоб қилди Иzzа-  
тали ака машина эшигини қия очиб гапираётган Қам-  
барга.

— Юринг, опкетаман, — деди у суриштирмай. —  
Ман сиззи ошнинг ўрил боласига оббораман!

Иzzатали ака иймаңди-ю, ортиқча илтифот кутмай,  
чаққонгина бориб, қўшнисининг ёнидан жой олди.  
Машина гувиллаб катта йўлга тушди. Иzzатали ака  
машинанинг ичига кўз югуртириб, ҳаваси келди.

— Бу қанақа мошин, Қамбар? Жа, ялтироғиданми,  
дейман?

Қамбар ҳиринглаб кулди. Қўшнисининг юпун эн-  
гил-бошига сездирмайгина беписанд қаради.

— Ош қатта, ўзи? — сўради у гапни чалғитиб.

— «Осмон»да, «Осмон» ресторани бор-ку. Ўшатта.

— Нима, «Осмон»га кетяпсизми?

— Ҳа, «Осмон»га.

— Тўхтаҳўжаникигами?!

— Тўхтаҳўжаникига.

Қамбар қулоғига ишонмагандай, бошини буриб ёни-  
да ўтирган одамнинг башарасига диққат қилди. Кейин  
дарҳол ўзини қўлга олди-да, сир бой бермай сўради:

— Ўзи келиб айтдим, тўйга?

— Ман уйда йўғидим, кеннойингга айтиб, тайин-  
лаб кетибди. Албатта борсин, дебди. Шунга...

Қамбар қулоғига ишонмади-ю, Иzzатали аканинг  
гапини ўз қулоғи билан эшитаётганига, бир нарса

деёлмади. Кимсан — Тўхтаҳўжа қаёқдаги шўртумшук Иззатни уйига келса-я!..

Улар анча жойгача жим боришди. Орада Қамбар бир-икки Иззатали аканинг уст-бошига назар ташлади. Иззатали ака ҳаво совуқлигига қарамай, юпқа ёмғирлўш кийганидан андак истиҳолага ҳам тушди. Бу етмагандай, ёмғирлўш билан сўлоқмондай телпак кийиб олгани ошиб тушди-ю!

Иззатали ака бунақа машинага биринчи ўтириши эди, йўл-йўлакай унинг ичидан, рул чамбараги-ю, бошқа ускуналаридан кўзини узолмади. Юргандаям жуда текис юраркан-да, ўзиям!..

Бир зумда «Hundai» меҳмонхона ёнидан сузиб ўтиб, машиналар издиҳоми орасида ўзига жой излай бошлади. Афсуски, аксига олиб, машина меҳмонхона биносидан анча узоқлашиб кетди. Иззатали ака бир кўнгли шунақа иномарка машинадан тушиб келишини дўст-душман кўрсайди деган хаёлга ҳам борди. «Майли, ҳозир қоронғи, ошни еб, чиқаётганимизда кун ёришиб қолади», деди ўзича ва машинадан тушаётиб, бошидаги телпакни ечиб, ўриндикқа қўйди.

— Яшанг, ўзим айтмоқчи бўб тургандим, чиққанда кийиб оласиз, окам, — деди унга қараб Қамбар.

Ошга кирувчилар, вой ву-у-у, одам тупроқ, денг! Иззатали ака анграйиб, Қамбарни йўқотиб қўйди. Назарида, Тўхтабой уни махсус кутиб оладигандек эди, қатта, Иззатали ака тугул, шу топда тўй эгасининг кўзига отаси ҳам кўринмайди-ёв!..

Хуллас, Иззатали ака аллакимларга қўшилиб ичкари кирди, иззат-ҳурмат жойида. Ҳофизларнинг ҳам додалари хизматда, чой, жиззали кулчалар пешма-пеш кеп турибди.

Бир замон лаганлар йиғиб олингач, Иззатали ака ташқарига чиқди. Кун сал ғира-шира ёришибди-ю, бу тумонат орасидан Қамбарни қандай топади?.. Иззатали ака аланг-жаланглаб қўшнисини топгунича боши совуқдота бошлади. «Шамоллатиб қўймасайдим», кўнглидан кечирди у, шундагина боядан бери машина турган жойга боравериш эсига келмаганига ўзини койиганича ўша томон шитоб юрди. Чамалаб, машина қўйилган



жойга етди-ю, ерга қоқилган михдек қаққайиб турган Қамбарга урилиб кетаёзди.

— Сани анетта пойлаб турибман-а, ука! Бошимдан совуқ ўтиб кетти! Очақол, мошинни!

— Қанақа мошин? Мошина қани, окам?!

Иззатали ака қўшнисининг товуши аллақандай совуқдан-совуқ чиққанини пайқагандай бўлди-я!

— Мошинанг қани? — деди у ён-атрофга аланглаб. Машиналар издиҳоми ўша-ўша, лекин...

— Уриб кетибди-ю, знағарлар!

— Нимани уриб кетади? Пачоқлабдимиз?! — ваҳимага тушиб сўради Иззатали ака.

— Э, бошши қотирманг, ўғирлаб кетибди! Қанж...

Иззатали аканинг эхонаси чиқди-ю, тилини тишлади.

— Вой-й-й! — деб юборди, сўнг ресторан томон аланглаб, типирчилади. — Бориб айтаман. Тўхтага айтаман! Топиб беради!..

— Қанақа, Тўхта? Жиннимисиз?! Тўхтани нима иши бор?

— Ахир!..

— Нима, ахир. Сиззи ишингиз бўмасин. Дамингиз чиқмасин. Тушундингизми? Гуллаб юрманг, тагин!

Иззатали ака ўша куни, эртасига, индинига ошга таклиф қилган Тўхтаўжани орзига келган жамики ширин-нордон гапларини қалаштириб «йўқлади». Буни-сиям майли, икки гапнинг бирида хотини миясини қоқиб қўлига берди:

— Лалайгансиз! Латтасиз! Бошингиздаги телпакни олдири-иб, мум тишлаб ўтирибсиз!..

— Ўзиям эскийди... — минғирлади Иззатали ака.

— Нега эски бўларкан?! Балодай бошиззи совуқдан асраб юрувди!.. Йўқотиб, энди эскига чиқардизми?!

Иззатали ака хотинининг бу гапига гап топиб беролмади. Ўзиниям жонидан ўтди-да! Куён телпак бўлсаям, эски бўлсаям, жоннинг роҳати эди! Мана...

Орадан ёз ўтди, кетидан куз ўтди. Яна қиш келди. Совуқ кунлар бошланиб, яна ўша телпак машмашаси давом этди:

— Ўзингиз ўлардай лалайгансиз! Ўшанда, пишиқ-

роқ бўлганингизда!.. Бошшингиздаги телпакни қўй-нингизга тиқи-и-и-иб кирсангиз, биров ошдан қувиб чиқарармиди?!

Иззатали аканинг калласи энди ишлаб қолди. Ҳақиқатда, падарлаънат ўша «Hundai»га ишонмай, қўйнига солиб кирганида ҳам, мана, яна қишли-қиров-ли кунлар бошланиб кетди, ёз ўтди, куз ўтди — битта телпакка ёлчимади. Гоҳ ёмғиргўш, гоҳ пальто билан дўппи кийиб юрибди...

Кечагинда хотини ҳовлиқиб гап топиб келди:

— Тез, Қамбарбойникига югуринг! Савил қоғур мошинаси топилибди! Телпагингиз ҳалола бўлса, мошинасининг эт-бетида тургандир. Чопинг!

Иззатали ака янги ўғил кўрган отадек ирғишлаб юборди. Яланг оёғига чоригини илиб, қўшнисиникига югурди. Етиб борди-ю, дам дарвозани тақиллатди, дам қўнғироқ тугмасини устма-уст боса кетди. Хайрият, Қамбарнинг ўзи ҳовлида экан, зумда чиқа қолди.

— Ҳа-а, окам, келинг, нима гап?!

Иззатали ака тушмагур йўлақда гижинглаб турган «Hundai»га тамшаниб кўз ташлади-да, ичи таталаб муда-даога кўча қолди:

— Худо қайтариб берибди-ю, ука! — Шундай деб у машинага имо қилди. — Ҳалолидан экан! Эшитдим, югуриб чиқавердим. Қизиталоқлар, минмай яшириб қўйган-да, ўша-ўша гижинглаб турибди!..

Иззатали ака шундай деб машинага яқинлашди-да, унинг ичига, ўтган қиш ўзи телпакни қолдирган ўрин-диққа аланглади, ҳеч вақо кўринмади.

— Жа алам қилувди-да, ука, шу пайтгача, мана, яна қиш келдиямки... Совуқни қара!

Қамбар қўшнисининг муддаосини тушундими-йўқми, бунга ўйлаб ҳам кўрмади.

— Нимаси алам қилади, окам! Баҳорда уриб кетишганди, мана, қиш кемай янгисини олдим! Қалай, зўрми?.. Ўша ўғирлатганимми худди ўзидақасини олдим!..

2002 йил.

## МАСКОВЛИК ЯХШИ ОДАМ

(90-йил вақимаси)

Зил-замбил жомадонларни судрагудай бўлиб ташқарига чиқишимиз билан изғирин шамол бир уюм хазонни шиддирашиб оёғимизнинг тагига суриб келди. Қоронғи тушган, борар еримиз йўқ, мусофирхона бекаси билан тил топишолмадик, бу ёғи... Биқини қовурғасига ёпишган дайди лайча худди йўқотган эгасини кўриб қолгандай думини ликиллатиб келиб атрофимизда айланишга кетди.

— Сўраганини бера қолмайсизми? — деди Хоним ҳам хавотир, ҳам ўксик оҳангда. — Яқин-атрофда бормаган меҳмонхонамиз қолмади-ю, ахир!..

— Доллар нимаиканини биласанми? — сўрадим ўлганимнинг кунидан тиржайишга уриниб. — Шўронинг сўмини Тошканинга ишлатасан деяпти.

Хоним аҳволимизнинг аянчлилигини фаҳмлаб етган эса-да, қорни оч, силласи қуриганидан, қайтиб ориз очмади.

— Шу пайтдан зимистон бўб кетганини қаранг! — деди аламини кимдан олишини билмай у.

Бовужуд, Масковда оқшом тушмай шаҳар қора қозон тўмпарилгандай зимистонга айланаркан-э!..

— Қиссангда ул-бул борми, анави шўрликка ташла, — дедим ёнимиздан жилмаётган лайчага имо қилиб.

Хоним ниятимни тушуниб ён-верини кавлаштирди-да, топди шекилли, учоқдаги нонуштадан қолган ниманидир итта ирғитди. Ирим деймизу, илло сен бирон жондорга раҳм қилсанг сенга Худо карам қилади, деган ҳикматта шу онда яна бир карра имон келтирдим. Хоним ирғитган луқмани лайча ямлаб улгурмай ёнбошимда бир аёл пайдо бўлди. Юқа пальтога ўралган, боши, афти, бўйнини шол рўмолга чирмаган, тумшугини қуловимга чўзиб шивирлади:

— Жой бор.

Аёлга бош-оёқ кўз югуртириб кўнглим аларда бўла-

ёзганди, гапини эшитиб севинганимдан уни қучоқлаб олай дедим. Танамга жон кирди!

— Тўғирлайсизми, мана, қанча десангиз, олинг!

— Секин, секин, — бўғилиб баттар шивирлади аёл ён-верига аланглаб. — Бу ерда чиқарманг, борганда оламан.

Шошганимдан қаёққа боришимизни ҳам сўрамадим, назаримда аёл бизни икки соатдан буён лаққилатишаётган мана шу мусофирхонага жойлайдигандай кўринди, йўқ, у бизни бино рўпарасидаги қуюқ дарахтзор оралаб кетган ёлғизоёқ йўлга бошлади.

Ўн қадам юрар-юрмас қоронғилик қаърига сингиб улгурмасимиздан олдинда бораётган аёл тўхтаб орқасига ўтирилди.

— Ҳи-и-и!.. Шу-унча жомадон, тўрвани қайси юрак минан кўтариб юрибсилар?

— Ҳа, жомадон кўтариш учун ҳам юрак керакми?

— Ваййй, ҳозир Масковни билмас экансизлар!.. Қўлингдагини эмас, оғзингдагини юлиб кетяпти!.. Даҳшат!..

Аёл шундай деб йўлга тушди. Юкимиз оғирлигидан қадамимиз суст, тўхтаб-тўхтаб жомадонларни қўлдан-қўлга алмаштиргунча йўлбошчимиз беш-ўн қадам узоқлашиб кўринмай кетар, фақат яланг оёғига илган калишнинг (эрининг этик билан киядиган калиши шекилли) дўпир-шўпири эшитилади, холос.

— Қаёққа обкетяпти бизани?..

Хотин зоти шу-да, кўнгилга келганини тўхтатмай шу заҳоти тилига чиқармаса сабри тошади. Мен боя қоронғи дарахтзорга кирган чоғимиз кўнглимдан кечган хавотирни Хоним энди сўраяпти.

— Келяпсиларми?.. — Калишнинг шалоплаши тиниб йўлбошчимизнинг бўғиқ, хирилдоқ товуши қулоққа чалинди.

— Менга қаранг, — дедим овозимга дадиллик оҳангидан бир пайса қўшиб, — уйингизда ким бор? Ичадиганлар йўқми, ишқилиб?

Зимистонда қаердандир тушган шуъладан аёлнинг кўзи уккининг кўзидай ялтираб кетди.

— Вой-й-й, ўзим ичадиганларга тоби-тоқатим йўқ. Чолим ича-ича, мана, касалхонадан бери кемайди. Уйда ёлғизман.

Калиш яна дўпирлади. «Таваккал-да!» дедим ичимда ўзимга далда бериб. Иланг-биланг сўқмоқдан яна анча юрдик. Қўққисдан тўрт қаватли гиштин уйнинг ёнидан чиққанимизда бир енгил тортдим денг.

— Биринчи қават... — шивирлади аёл худди ёнбошимиздаги дарахтларга эшиттиргиси келмаётгандай секин гапириб. — Ҳовв, анув йўлак. Тўғридаги эшик. Йўлакка кирган замоним изимдан борасизлар. Тўхтаманглар, тез кириб олиш керак.

Аёл жавоб кутмай пальтосига ўранди-да, калишини судраб жўнади. Унинг қораси кўздан йўқолиши билан Хонимга, «Кўтар!» деб амр қилдим.

— Ҳой, ўзининг уйига бошлаб келяптими у? — савол қотди Хоним хавотирланиб.

Бемаврид савол учун Хонимни жеркиб ташламоқчи эдим, тилни тийдим, қолаверса, анави аёл ўзининг уйига ўғринча келяпти-ю, етти ёт бегонаникига қираётган Хоним хавотирланса нима қилти?!

Оёқ остидаги нарса кўринмайдиган йўлакка кирганимизда зина майдончаси томондан вишиллаш эшитилди:

— Гшшш!.. Бу ёқда!.. Секин... Келақолинглар, тез!..

Йўлбошчимиз эшикни очиб ичкари кириб олган, чироқни ёқмай-нетмай тинмай бизни шоширар эди.

Қоқилиб-туртиниб ичкарига кирдик. Эшик ёпилди. Чироқ ёқилди. Хоним икковимиз аланглаб даҳлизга, ичкари уйга кўз югуртирдим. Мезбон аёл пешанасини эшикка босганча «кўзча»дан мўралаб туриб қолди.

— Ҳа, кимга қараяписиз?

— Тшш!.. Чап ёнимдаги қўшним — ит, меҳмон опкелишимни пойлаб туради-да, дарров хабар қилади.

— Қаёққа хабар қилади?! — деб юборди Хоним қўлимга ёпишиб.

— Менга деса Ерзинга чақмайдими! Уйимга кириб олдик, бўлди, кўрқадиган жойим йўқ!.. Юкларни ошхонага киритинглар.

Мен мезбон аёл Ельциннинг фамилиясини бузиб айтишига кулгим қистаса-да, мақсадга кўчдим:

— Биз қайси хонада тунаймиз?.. Юкларни ўша хонага кирита қоламиз-да.

— Уйим ўзи бир хоналик. Мен ошхонада ётаман. Қўрқманглар, юкларингга қўл теккизмайман. Мен — яхши одамман.

Аёл ҳамон шивирлаб гапирар, аҳён-аҳёнда товуши баланглашиб кетса чўчиб тушар, сўнг «томоғим оғри-япти, шамоллаганман», деб узр сўрар эди.

— Қани, ошхонада тура турсин-чи, ётишдан аввал ўйлашиб кўрамиз, — дедим. Сўнг қорин очгани эсга тушди. — Чой-пойнинг иложи борми?

— Ана — газ, бирпасда қайнайди. Фақат, нон йўқ.

— Чиқиб келсам-чи? Яқин-орада дўкон борми?

— Икки уй нарида ошхона бор.

Хоним нола чекиб юборди:

— Йўқ-йўқ, ошхонанинг овқатини емаймиз!

Мезбон аёл худди ўзбекчани тушунгандай Хонимнинг гапини маъқуллай кетди:

— Ҳозир егуликка арзирли бирон нарса тополмайсилар. Яхшиси, дўкондан нон опкела қолинг.

— Яқинми?

Аёл чулчутнинг тўққиз тангасидай қилиб узоқ тушунтирди, гапининг орасида дамо-дам «Фақат, тез бориб-тез қайтинг», деб жаврар, «Дарахтзордан юрманг, ёмон одамлар кўпайиб кетди!» деб ваҳима қилар, бунга сайин Хоним: «Қўйинг, борманг, нонсиз амаллармиз», дея хавотири чандон ортар — мен эса бу орада икки аёлни хавотирга қўйиб кўчага отланган эдим.

— Ёнингдаги пулларингни ташлаб кет, — деди мезбон эшикнинг юз бир зулфинини бирма-бир тушираётиб, мен билан видолашаётгандай лаби гезариб. — Одам кўрқади-да, ука...

— Соат энди саккиздан ўтди-я! — дедим вашим келиб. — Намунча!..

— Ҳозирги Масковни билганингда шундай демасдинг. Кеча-кундузнинг фарқи қолмади. Яшшамагур-

лар сенинг ўзбеклигингни сезиб қолса... Бу ердагиларнинг назарида ҳар бир ўзбекни қулоғининг тукигача олтин қопланган!..

Дўконга елдек бориб изимга елдек қайтдим, зимистон ваҳимаси демаса биров «Кимсан?» демади. Қўлимдаги икки буханкани кўрган мезбоннинг кўзи олайди:

— Бу-уй, шунча нонни нима қиласан?! Бор-йўғи уч кишимиз-ку!

Мен кулдим.

— Бугун еймиз, эрталаб нонушта бор, ортса — ўзингиз...

Мезбон аёлнинг чеҳраси очилиб кетганини дарров пайқадим, унинг салқи, рангсиз афт-башарасига қон югургандек — ўзи уй билан ошхона ўртасида бўзчининг моксидайдой югургилаб қолганди.

— Қўлингни ювиб ол, қайноқ сув бор, мана — ироқи совун, сочиқ.

Аёл хориждан келтирилган ироқи совуннинг қорозини йиртиб қўлимга тутқазди, оҳори тўкилмаган сочиқни елкамга ташлади. Ундаги фавқулодда ўзгариш боисига ақлим етмай ювиниб-артиниб хонага кирдиму столга ёзилган дастурхонни кўриб, ҳаммасига тушундим. Хоним дастурхонни безаш учун бор «махоратини» сафарбар этган — бунинг оқибатида Узбекистон табиатининг сахийлигидан далолат бўлмиш ёнғоқ, майиз, новвот ликобчаларга қўйилган, ўртада ҳозиргина чайилган тилло ранг ҳусайни, кўшни ликобчада беш-олти паррак қази ўзини кўз-кўз қилиб турарди.

— Ия, намунча сахийлигинг тутиб кетди? — сўрадим Хонимдан, ўзимни бепарво тутишга уриниб.

— Бечора, жудаям муштипар аёл экан... Ойига етмиш сўм оларакан. Ўғли алоҳида яшаракан... Эри касалванд... ачиниб кетдим!..

Мезбон аёл оёғи — олти, қўли — етти бўлиб тиним билмас, қилаётган ишининг тайини йўқ, дамбадам, «газ ўлгур паст ёняпти — ҳозир қайнайди», деб стулга жойлашиб ўтирар — яна дик этиб турар эди. Алҳол, янгигина чайиб келтирган шиша стаканларни йиғиштирди-да, ойнаванда жавонда ясатирлик

бежирим ликобчали чиннидан учтасини олиб столга қўйди.

— Дуч келган одамми уйимга бошлаб келавермайман. Ўзбекларни жуда ҳурмат қиламан!.. Силарни худо етказди.

Чойхўрлик бошланди. Олтмишларни уриб қўйган мезбон аёл боядан бери нафсини амал-тақал тийиш учун бор иродасини сарфлаб адо қилган шекилли бирдан тўрт ёшли боғча боласига айланди.

— Мунча чиройли! — деди узумдан бир ғужум олиб. Сўнг оғзига солди-да, энтикиб кетди: — Вой, ву-у-у! Асалл!..

— Буниси — узумни қуруғи.

Аёл ортиқча илтифотга муҳтожлик сезмай узумга майизни аралаштириб каппалади.

— Бунинг чўпагини олиб ейдилар, — деди Хоним кулиб.

Мезбон аёл гўё биз мезбону, у меҳмондек талтайиб мамнун кулди.

— Қўявер, бизга Ўзбекистоннинг чўпаги ҳам маза-ли, — деди у ҳамон «оҳ-оҳ»лашдан ўзини тиёлмай, тамшаниб.

Узум, майиз, ёнғоқ «базми» аралаш-қуралашига ту-гагач, навбат қазига етди. Сўнг — новвот. Мезбон аёл ўзбекларда дастурхонга нимаики қўйилган бўлса ҳам-масидан тўйгунча тотиниш шарт деб тушунди шекил-ли, новвотга савол назари билан анграйди.

— Бу нима?

— Новвот.

— Нават? «Нават» нима дегани?

— Ширинлик. Ўткир ширинлик. Кўп касалликлар-га даво.

— Томоғим оғриётувди. Шамоллаганман...

Хоним «йўқ, томоқ оғриғига тўғри кемайди», де-моққа лаб жуфтлаган эди, мен отни эрта қамчила-дим:

— Жуда бўлади-да, чойга солиб ичинг, эрталаб отдек бўлиб турасиз.

Мезбон аёл кўрсатмамни айтганимдан ўн чандон аълороқ қилиб ўринлатди.



Мозор босиб келган неъматлардан тўйиб тотинган мезбон аёл оғзидан бол томиб мен билан Хонимга ўрин тўшади, дазмолланган оппоқ чойшаб солди, Ўзбекистон ва ўзбеклар ҳақида пойинтар-сойинтар саволлар ёғдирди, гап орасида «майли, юкларни шетта обкириб қўя қол», деди. Опхонага чиқмасимдан: «Мен ҳам ичкарида ётай, халал бермайманми?» деб илова қилди. «Ётаверинг, бемалол», — менинг ўрнимга рухсат берди Хоним.

Чироқ ўчирилди. Аёл эшикни зичлаб, орқасидан стул тиради.

— Ошхонадан айвончага чиқадиган эшик яхши кулфланмайди — кирса ўша ердан киради-да. Чўчиб бошимни кўтардим.

— Ким киради?!

— Ким кирарди — ўғри-босқинчи киради-да! Айвончага темир панжара қурдирайлик, деб чакагим тушди — чолим ўзидан ортмайди. Бунинг устига кулфи бузуқ. Яшшамагур ўғрилар билиб қолса... Ҳар куни туниминан юрагимни ҳовучлаб ётаман...

— Чолингиз қилмаса, ўғлингизга айтинг.

— Бе-е! У ҳам отасидан баттар!

— Эсли-ҳушлигина, ёши каттадир, ахир?

Гапимни охирига етказмагандим ҳамки, аёл «Хи-и-и!» дедию, ўрнидан сапчиб турди, этаги палосга қадар чўзилган оқ тунги либосида арвоҳдай юриб тепамга келди.

— Бугун нечанчи?!

— Бугун... — ёстиқдан бошимни уздим. — Бугун октябрнинг иккинчи куни.

— Вой, ўли-и-и!.. — Ўғлимми тузилган куни-ю бугун! Қирқ иккига чиқди! Вой-й!..

Аёл шундай деганча бориб стулни тарақлатиб сурди, эшикни очди, йўлакка чиқа солиб телефоннинг рақамлар гардишини вириллата кетди. Зум ўтмай гап бошлади:

— Ҳой, Света, сенмисан? Меҳмонла борми?.. Ўтиришибди?.. Вой, Света-а, кампир бўмай ўла-ай, эсимдан чиқиб, ётган жойимда ҳозир лоп этиб эслаб қолсам-де! Эссизгина-я!.. Дутоналарингми?.. Эрлариминан?..

Эссизгина-я!.. Володям қани ўзи, чақир! Табриклар қўйай. Ётибди?.. Ичгандир-да?.. Чўчкадай ичди?! Ухлаб қолдимиз? Ҳе, ичкиликка қирон кесин!.. Ҳай, майли... Менми? Мен бир ўзим. Чол эрта-индин келади... Мазам йўқ, ётибман... Томоғим оғрияпти. Майли, хўп...

Эшик очилиб қайта зичланди. Стул эшикка тақалди. Аёл ёнимиздан шарпадек сассиз ўтиб бориб дераза пардасининг чеккасини кўтариб кўчага мўралади. Мен, Хоним ёстиқдан ярим-ёрти бош узиб унинг галати юришига, қилиқларига тушунмай қаранамиз.

— Яхшиям ўтган ҳафта совғасини элтиб бергандим. Икки шиша ароқни қирқ беш сўмга олдим-а! Э, ер ютсин ичкиликни!.. Ўғлим кўриб тентак бўб қолаёзди — «туғилган кунимгача ичиб қўяман», дейди.

— Қаёққа мўралаяпсиз? — сўради Хоним аёлниң гапини бўлиб.

— Биринчи қават-да, юрагим йўқ, буни устига мана шу дераза анча паст. Ташқаридан одам бўйи баробар. Кечасиминан юрагимни ҳовучлаб ётаман...

— Кўйинг, ундай деманг, — Хонимнинг овозида хавотир шарпаси сезилди. — Худо асрасин, ишқилиб.

— Тўғри айтасан, қизим. Ўзим яхши одамман, биров минан ишим йўқ. Кўриб турибсилар — бойлигим йўқ. Шундай бўлсаям... замон ёмон бўб кетди. Ҳи-и-и, масковликлар очидан қирилай деяпти!..

Ётдик. «Қаёққа опкелдиз ўзи, кўрқиб кетяпман?» шивирлаб норозиланди Хоним. «Кўйинг, худонинг ўзи асрасин», дедим уни юлатиб. Жимжит. «Тиқ» этган садо йўқ. Зум ўтмай, мезбон аёлниң бир текис пишиллаши эшитилди. Чарчаган бўлсам-да, уйқум қочди. Мезбоннинг ваҳималаридан хийла хавотирга тушган бўлсам-да, эркак киши сифатида икки аёлга кўриқчилик вазифасини зиммамга олиб ётавердим.

Алламаҳал эди чоғи, хотин кишининг чинқириғидан чўчиб уйрондим. Уйқум ўчмай туриб ўтирдим. Эркак киши бўралашиб сўкинди. Яна. Хотин киши чийиллаб уввос солди, хўнгради.

Кўзимни ишқаб қарасам мезбон аёл икки букча-йиб деразаниң ёнида турар — пардани қиялатиб ташқарига мўралар эди.

— Нима гап? — сўради чўчиб уйғонган Хоним ҳовлиқиб.

Мезбон аёл пардани ёқди. Келиб Хонимнинг тепа-сига энгашди-да, шивирлади:

— Учинчи қаватда бир чўчқа яшайди. Худонинг берган қуни ичиб келиб хотинини дўппослайди.

— Шу маҳалда-я?

— Эрталабгача уради. Ҳи-и-и!.. Афтини кўрсанг, қабондан тарқаганми, дейсан!.. Ўтган қишда балкондан ағанаб тушган — деразамнинг тагига қулаган. Қиёмат кўшган, ўшанда!..

— Юрибди-ю, хотинини калтаклаб, — дедим, «ўлмаганми» деёлмай.

— Ўлмади-я, қирилгур!.. Икки ой ўтиб тузалиб келди. Мана, аҳвол ўша-ўша!

Биз жим қолдик. Аёл жойига бориб чўзилди. Бир оздан сўнг қоронғи бурчақдан илонга ўхшаб вишиллагани эшитилди:

— Тағин «гурс» этиб қопдай қулаб тушса, кўрқиб кетманглар...

Хоним ўша қабонга ўхшаш кўшни худди устига қулаб тушаётгандай дилдираб-ҳуркиб билагимга чирмашди — у дар-дар қалтираётган эди...

Хуллас, бир кеча минг кеча эмас, деган нақддан ўргилай — ташқари ола-чалпоқ ёришганини деразадан кўрдиму, қушдай енгил тордим.

Кеча оқшомдагидек нонушта базми такрорланди. Мезбон аёлнинг оғзидан бол тома бошлади. Кун ёришгач, яхши одамнинг ваҳимахонасидан тезроқ қутилиш ниятида келишилган ҳақни тўлаб, хайрлашдик.

— Битта-битта чиқинглар, — шивирлади мезбон аёл. — Ўнгга юринглар. Катта кўчада учрашасизлар...

Рози бўлдик. Аёлнинг айтганидай қилдик.

Хонимнинг изидан катта кўчага етай деганимда ортимдан калишнинг шалоплаши, сўнг ҳарсиллаш эшитилди. Ўгирилиб қарасам, мезбон аёл!

— Тинчликми? — сўрадим ундан, ҳайрон бўлиб.

— Аув... — деди у тутилиб. — Анув, нимаёди, шифо бўладиган ўткир ширинлик бориди-ку?..

— Новвотми?

— Ҳа, нават, нават. Ўшандан пича ташлаб кет. Кечасиминан баданимни қиздирди-я... Жо-оним кирди!..

— Мана, олақолинг,— деб тўрвани ерга қўйдим.

Мен чўккалаб-энгашиб мезбон аёлниг илтимосини қондиргунимча у қулоғим остида вишиллаб тинмай меҳрибончилик қилаверди:

— Юкларингни бунақа кўтариб юрманглар. Шунча ейдиган нарсанг борлигини биров билса борми, ҳи-и-и!.. Худо кўрсатмасин!..

1990 йил.

## Дундаги хорражт



Дунё кен. Эл-элтлар кўн. Уларини  
хаёти, яшаи ва тафраккур тарзи хақнда  
- ўқманда, эшитманда, кўфманда таъсирла-  
ниш табиий. Шаассуфотлар, илтифоблар,  
халжонлар миллийлик бегафаларини йет-  
лаб ўтади, урдуинсоний тунгулар кўз  
огади...

## КИОВА ҚУЁШИ

*Американи кашф этганлари яхши, лекин уни пай-  
камай ўтиб кетганларида яна ҳам яхши бўларди.*

*Марк Твен.*

Ташқари совуқ. Эшик ўрнига осиб қўйилган хом тери шамолда лопиллайди. Синтейют терини силтаб кўтариб ичкари кирди-да, елкасидаги милтиқни бизон шохидан ясалган қозикқа илиб, пўстинини бир чеккага улоқтирди, илдам юриб келиб тўрда ўтирган бобосининг қаршисига чўккалади:

— Борадиган бўлдим, у рози!..

Чол ориқ, ялонгоч қўлини пўстин остидан чиқараркан, сўради:

— Қаёққа?

— Синтейютга жавоб бер, бобо! Кунботардаги қор босган дарага жўнаяпмиз. Эртагаёқ қайтамыз.

— Отанг қайсарлик қилиб, ўзининг бошига етди. Сен ҳали ёшсан, бола!

— Йигирма киши отланыпти. Отамни сузиб жарга қулатган бизон шу подада экан, Мартин айтди.

— Аблах Мартин!

Кексайиб юзи бир бурда бўлиб қолган чол жойида асабий силтанди. Синтейют отасининг жасади қайтган овга Мартин ҳам борганини билар, отасини сузиб ўлдирган бизоннинг тусини ундан бир неча бор сўраган ҳам, аммо тайинли жавоб ололмаган эди, ҳозир бобосининг назабланганини кўриб Мартинга нафрати янада ортди.

— Синт уни ўлдирмай тинчимайди!

— Оғзингни юм!

Чол сезилар-сезилмас титраётган қўлини невараси томон чўзди. Синтейют бобосининг кафтидан ушлади. Бобо пайпаслаганча йигитнинг елкасидан тутиб ўзига тортди.

— Сен насл-насабимизни курутгани отланяпсан! Эртага охирги бизонни қон қақшатасанлар-да... ё, Улуғ рух, Киова қабиласининг куни битади!

— Ундай дема, бобо! Ахир, улар яна қишлоққа хужум қилиши мумкин.

— Қани эди, шуни кўриш насиб этса...

— Кўкламгача етадиган гарамни еб битириб, молларни озиқсиз қолдирганини кўрсанг эди! Сигир-бузоқларни янчиб ташлагани-чи! Макленненинг хотини билан боласини тепкилаб тупроққа қориб кетганини айтмайсанми! Қутурган бизонлар бостириб келиб чайлангни тит-питини чиқариб ташласа ҳам миқ этмай ўтираверарсан?!

Шунча гапни бир нафасда айтган Синтейют ҳансираб ўрнидан туриб кетди. Ҳозиргина асабий титраётган чол индамай бир нуқтага тикилиб ўтирар, алланималар деб пичирлар эди. Ниҳоят, у қўли билан «Ўтир» ишорасини қилди. Синтейют яна аввалги жойига тиз чўқди.

— Бир замонлар ер юзида одам зоти бўлмаган, — дея салмоқ билан гап бошлади чол. — Ана ўшанда Улуғ рух дарё ёқасига учлари осмонга тақалган Буюк йўл дарахтини ўтказган. Барча жонзот бу тупроққа ўша дарахт шохларидан тушган. Улар орасида эркак ва аёл киова ҳам бўлган. Эр-аёл кун бўйи юриб қуёш ботаётган паллада дарахтга етишган, етишгану у ерда бир қанча бизонларни кўришган. Шу пайт булутлар орасидан Улуғ рух тушиб келган-да, эр-аёлга хитоб қилган: «Мана шу бизонларни сизларга бердим. Сизларни тўйдирадиган ҳам, кийинтирадиган ҳам мана шулар. Лекин унутмангларки, ер юзида бизон зоти қирилиб битса — киова қуёшининг сўнгани шу!».

Чол ориқ панжаларини ёйиб, қўлини олдинга чўзди. Синтейют бобосининг қўлини тутиб, сўради:

— Бўлмаса нега улар бизга хужум қилади? Қўл қовуштириб ўтираверсак, қишлоғимизни янчиб ташлайди-ку, бобо!

Чол бир муддат индамай қолди, шифтта қараб лаблари титраб кетди.

— Бобо гапирганда Синт қулоқ солмоғи керак!..

Бир замонлар юртимизда бизон ўрмондаги япроқлардан ҳам кўп бўлган. Киова ҳам, сиу ҳам, шайен ҳам — ҳамма қабила бизон гўшти еб, бизон терисидан кийим кийган. Биласанми, нимага? Инсоф билан овлаганмиз, инсоф билан! — Чол бир оз индамай тургач, яна давом этди: — Катта сувнинг нарёидан одамлар келди-ю, бизонларимиз қирила бошлади. Эҳ, гумроҳмиз! Ўзимизнинг одамлар ўшалар учун бизонларни овлаб беришарди! Бизонларни эмас, насл-насабимизни йўқотишга кўмаклашдик! — Чол қарилигини унутиб юборгандек эди. У бутун гавдаси билан силтаниб ўрнидан туриб кетай дер, мадорсиз оёқларига ёшлиқдаги кучқувват қайтгандек туюлар, сўқир кўзлари чақнаётгандек эди. — Эшитяпсанми, Синг? Улуғ руҳнинг ўғитларини унутиб қўйдик. Ноинсофлар, бизонларимиз терисини юртларига олиб кетиб алақандай тангаларга алмашар эканлар... Ҳадемай бу ерларга ўзимиз ҳам сизмай қоламиз...

— Бобо, ўтирган жойингда бундай хаёлларга берилаверма. Хавотир ҳам олма. Эртага...

— Бас! — деб неварасининг сўзини кесди чол. — Отанг ақлли, лекин у ҳам сендек шартаки эди. Оқ танлиларга эса бундайлар эмас, ювош, оёқ-қўли чаққон дастёрлар керак. Отангнинг ўлиmidан кейин ҳам кўп одамларимиз бизон овидан омон қайтмади. Уларни бизон отиб ўлдирмагандир, ахир?! Мартиндан хавфим зўр!

— Бобо, нега бўлмаса оқ танлиларни юртимиздан ҳайдаб юбормаймиз?

Чол товушини пасайтириб, насиҳатга ўтди:

— Оғирроқ бўл, болакай, ҳали ёшсан. — У бир зум қулоғини динг қилди-да, давом этди: — Ҳайдайдиган вақтлар ҳам келади. Уч йил бурун Асов от, Ёта-лоқ хўкиз бошчилигидаги қизил танлилар Литл-Бигхорн бўсағасида Жорж Кастер галасини қандай қийратганини эшитгансан. Оқибати нима бўлди? Қизил танлилар қонини дарё қилиб оқизишди. Ҳа, йил ўтган сайин уларга бас келиш қийинлашиб боряпти...

Лабларини қаттиқ қимтиб, елкасига тушган сочини бармоқлари билан юлқиб ўтирган Синтейют шартта ўрнидан турди.



— Бобо, Синт эртага жўнайди. Хавотирланма. Шу гапларинг чин бўлса, одамхўр бизонни бир кўриб келаман!

Чол мадорсиз, қоқ панжалари билан неварасининг елкасини силади:

— Улуз рух кўлласин! Киова қонидансан-да... Эсиз киова!..

Эрта тонгда бир тўда овчи қишлоқ марказидан тоққа қараб йўл олди. Баъзилари итини эргаштирган. Олдинда фермер Мартин Бергстрессер бормоқда. Қалин тушган қор юришни қийинлаштиради, изғирин юзга игна санчади.

— Лаънати бизонларни ўша куниеқ қириб ташлаш керак эди, — деди ўртароқда кетаётган кимдир.

— Бўрон кучли эди-да, — дея эътироз билдирди Мартиннинг подачиси Жоа, — қор босган дарага чиқиб бўлмасди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Мартин, — улар ҳозир очидан ўлай деб қолган. Кунини кўрсатамиз! Қари Логанни ўзимга қўйиб берасанлар!

Синтейютнинг кўзига каттакон, қоп-қора буқа кўриниб кетди. Очликдан қутурган бизонлар қишлоққа ёпирилган куни поданинг олдида келган баҳайбат Қари Логан пичан ғарамини ағдарган эди. Бу қайсидир қабила бошлиғининг номи бўлиб, пенсильванияликлар ўша бизонни шундай деб атар эканлар. Мана энди Мартин уни ўлдирмоқчи...

Фермер овчи тўплаётганини эшитган Синтейют фурсатни ўтказмай кеча уникага етиб борди.

— Синтейютни ҳам олиб кетинг, — деди унга тик қараб.

Мартин бир зум ҳайрат билан тикилиб турди-да, маъносиз кулимсиради:

— Ҳали жуда ёшсан-ку, болакай. Овга ёзда борарсан, эртага Жоани олиб кетяпман. Йўл кўрсатишга бир киши бўлса бас.

— Сэр, Синтейют отасини жарга қулатган бизоннинг терисини шилмагунича тинчимайди!

— Вой, азамат-эй! Майли, тайёрлан! Ўша бизонни сенга ўзим кўрсатиб қўяман!

Синтейют кеча бўлиб ўтган ана шу гапларни эслади. Мартин чиндан ҳам унга ёрдам бермоқчими ёки?..

У туни билан бобосининг гапларини ўйлаб ухлолмаган эди. Отмасанг, Мартиннинг жаҳли тез, аяб ўтирмайди. Кеча қабиладошларидан биронтасига маслаҳат солиш хаёлига келмаганидан ўкинди. Ҳозир эса Жоага яқинлашишнинг иложи йўқ. Хаёлан минг бир кўчага кириб, ҳеч йўл тополмаётган Синтейют туйқусдан сесканиб, елкасидаги милтиқ тасмасини силтаганча кўндоқни чангаллаб олди.

— Ҳа, нега чўчиб тушдинг, бола? — дея хахолаб кулди унинг ортидан келаётган ўрта ёшлардаги киши. — Бизонни кўрмай талвасага тушяпсан, ким айтади сени азамат йигит деб?!

Синтейют шартта бурилиб, милтигини қорга улоқтирди:

— Синтейютни кўрқоқ деб ўйлаяпсанми? Сендакаларни милтиқсиз ҳам нимталаб ташлайди!

Оқ танли ҳай-ҳайлагунича икки-уч киши Синтейютни ушлаб қолди. Шундан сўнг Синтейют батамом хаёлга ярақ бўлди: «Қаёқда, нима мақсадда кетяпман? Булар кимлар? Дўстми, душманми? Бобомнинг гаплари чин бўлса, у қолда...»

У миясида чарх ураётган ана шу саволларга жавоб топмоқчи бўлар, бироқ уларнинг бирортасини чуқур ўйлаб кўришга қурби етмас, боши тарс ёрилгудек эди. Қанча йўл юрганларини ҳам билмади. Дам-бадам нафаси сиқилиб ҳансирар, баданидан совуқ тер чиқар эди.

Мартиннинг «Тўхтанглар!» деб бақиргани уни ҳушига келтирди. Эллик қадамлар олдиндаги кенг дарада юздан ортиқ бизон тўшигача қорга ботиб турарди. Безовта бўлган жониворлар ғимирлаб қолишди, бироқ кўпчилиги жойидан силжий олмади.

«Очликдан ўлаёзибди ҳаммаси, — деб хаёлидан ўтказди Синтейют. — Улуғ руҳнинг борлиги чин бўлса, қани эди, шуларга қанот ато этсаю, тинкаси қуриган бу жониворлар учиб кўздан йўқолса! Йўқ, аввал отамнинг қотилини кўриб қўйишим керак! Кейин... майли, учолса учиб кетаверсин!»

Синтейют одамларига кўрсатма бераётган Мартинга яқинроқ борди.

— Сэр, отамни сузиб қулатгани қайсиси, кўрсатинг?

Фермер кулиб юборди:

— Оббо! Сенларни абжирлигинг демаса, ўлгудек гўл бўласанлар-да! Ана, отангни ўлдиргани! Ана, ана! Шуларнинг ҳаммаси! — дея Мартин оғзидан тупук сачрати бизонларни кўрсата бошлади. Сўнг милтигини ўнглаб, тепкини босди. Берироқда турган бизон жойида типирчилаб, қорга ботиб кетди. Қорга сингиб бораётган қип-қизил қондан сезилар-сезилмас буғ кўтарилди.

Тасир-тусур отилаётган ўқ товушлари дара сукунатини бузиб юборди. Ўқ теккан бизонлар жон талвасасида типирчилаб қорга кўмилиб кетар, баъзилари кўзи олайганча қотиб қолар эди.

— Тўхтанглар! — деб Мартин кўлини баланд кўтарди.

Ҳамма фермерга қаради.

— Қари Логанни кўрдингларми? Уни ўзим эрмак қиламан! Қани, энди ўқни аяманглар!

Қонга беланган буқача қорнига қадар ботиб қолган жойидан сапчиб турди. У даранинг ичкарасига қараб интилар, биқинидан тизилаб отилаётган қон қорда биланглаган из қолдирар эди. Лекин беш-олти қадам узоқлашмай, икки марта мункиб кетди, чираниб оёққа турди-да, думини хода қилганича ўкириб қочди. Шу пайт саярсига устма-уст теккан ўқ буқачани қулатди. Танаси бутунлай қорга ботди, кейинги туёғи бир-икки марта мажолсиз кўтарилиб тушди-да, сўнг у ҳам қорга сингиб кетди...

Кўз очиб юмгунча дарада етти-саккизтагина бизон қолди. Синтейют уларга қарата бетўхтов ўқ узиб хахлаётганларга бирма-бир тикиларкан, ўзини йиртқичлар орасига тушиб қолгандек ҳис қиларди. Ана, Мартин ҳам, унинг укаси Жоржи ҳам кўзига йиртқич бўлиб кўриняпти. Уларни битталаб отиб ташласинми?.. Синтейютнинг қулоғи шанғилаб, ўқ товушлари эшитилмай қолди. «Эсларингда бўлсин, ер юзида бизон зоти қирилиб битса — киова қуёшининг сўнгани шу. Эсиз, киова!..»

Синтейют югуриб бориб Мартиннинг милтигини ушлади.

— Сэр, бўлди! Отишмасин, айтинг уларга!

Қари Логанга тўртинчи марта ўқ узаётган фермер Синтейютни итариб юборди. Синтейют чалқанчасига йиқилди. Жоа югуриб келиб, уни елкасидан ушлаб кўтарди. Синтейют сапчиб туриб, овози борича қичқирди:

— Тўхта! Тўхтаглар! Отманглар!

Лекин ҳеч ким унинг гапига қулоқ солмасди.

— Сэр, Мартин! — деди Синтейют фермерга яқинлашиб. У милтиқни жон-жаҳди билан чангаллаб олган, ҳансирар эди.

Қари Логан ётган жойида бўйнини чўзиб пишқирар, керкиган бурун катакларидан отилиб чиқаётган буғ қорни пуркаб учирар эди. Синтейют жониворнинг ола-кула бўлаётган кўзларида таъна, ҳасрат аломатини пайқади. У фермерга қараб югурди. Йигитнинг қинидан чиқиб кетгудек кўзларида қасос шарпаси ўйнар эди.

— Сэр, отма! Отма, деяпман!

— Оғирроқ бўл, ҳароми! Бўлмаса ўзингни ҳам шуларга қўшиб... — Мартин заҳарли хахолаб, оғзи кўпириб бақирди: — Отасининг олдига ошиқаётганга ўхшайди бу сарик ит. Йўқотинглар, кўзимдан! Бўлмаса...

— Нима-нима-а?! Мана! Мана бўлмаса!

Синтейют тепкини устма-уст босди. Мартин кўкси-ни чангаллаганча қорга думалаб, типирчилаб қолди. Синтейют учинчи марта ўқ узгач, Жоржи ва яна уч-тўрттаси унинг қўлларини орқасига қайириб ерга босган, нарироқда эса беш-олти киши Жоанинг йўлини тўсиб турар эди. Синтейют бошини силкита-силкита юз-кўзига ёпишган қорни тушираркан, оёғини базўр кўтариб ташлаётган Қари Логан кўзига гоҳ отаси, гоҳ энг сўнгги бизон бўлиб кўринар эди...

1981 йил.

## ЁЛФИЗИМ — СИЗ

*Кўлгина рус ёзувчиларига Достоевскийнинг аёли каби умр йўлдоши насиб этганига эди, улар анчагина яхшироқ яшаган бўлур эдилар.*

А. Толстой.

— Уйланиш учун қандай қизни танласам экан? Қайлигим...

— Албатта, оқиласини танлаган маъқул.

— Йўқ, меҳрибонроғини танлардим...

Йигирма ёшли бокира қиз — Аннанинг кўксига нимадир «жиз» этди. У ўтирган жойида кўзларини ёш қизалоқлардек жовдиратиб, рўпарасида ёнбоши билан турган Федор Михайловичга термиди. Қоматини роз тутганида ўрта бўй гавдаси хийла тик кўринадиган адиб калта қилиб қайчиланган тўқ сариққа мойил кўнғир соқолини бармоқларининг учи билан тутамлаб бир нафас ўйга чўмди-да, узоқ ўйлаб излаган сўзи «лоп» этиб хаёлига келган одамдай шошиб гапирди:

— Муҳаббат бўлмоғи шарт! Бахтли оила қурмоқ учун ҳурмат қилишнинг ўзи кифоя эмас!

Аннанинг нафаси ичига тушиб кетди. Ахир у бир неча кун бурун Достоевскийдек ёзувчининг уйига келиб у билан юзма-юз суҳбатлашиш — тагин, муҳаббат-ла оила қуриш ҳақида-я! — у ёқда турсин, лоақал унга рўпара келишни хаёлига сиғдирилмас эди. Мана энди... қандайин бахтли тасодиф экан-а?

Анна бу саволга жавоб топиш учун жуда-жуда ёшлик қиларди, қолаверса, бу хилдаги саволларга чалғийдиган мавриди эмас — машҳур адиб янги романини айтиб турибди, Анна эса эшитганларини оқизмай-томизмай қорозга туширмоқда.

Ўн кундан ошди ҳамки, адибнинг фикри-ёди «Қиморбоз»да. Қиз одатдагидек эрталаб эшиқдан шошиб-пишиб кириб келганида у хонада икки бурчак орасида қатнай бошлаган бўлар, Анна қороз-қаламни ҳозирлаб улгурмай роман воқеаларини келган жойидан ҳикоя қилишга тушар эди. Ёзувчи шу қадар паришонки, ҳар кунни уйига қатнаётган, кун бўйи ўзининг хизматида ўтирган маъсума қизнинг лоақал исмини ҳам эслаб

қололмайди — баён эта туриб, тўсатдан қизга ўтирилади-да:

— Исмингиз нимайди? — дея савол қотади. Қисқартма ёзишнинг машқини олган котиба аввалига ажабланиб қоғоздан бошини кўтаради, шу тахлит такрор сўрашлар кунига икки-уч қайталанавергач, кулгиси қистайди, баралла кулиб юбормаслик учун лабини тишлайди, сўнг хаёлан ачинади — «бечора ёзувчи...» деб кўяди ичида. Ёзувчи эса, мунис ва дилбар қизнинг қуюқ қошига, тўғри, хушбичим бурнига, кенг ва дўнг манглайига, сутдек оқ ёноқларига тикилиб қолади. Ёзувчининг орзидан чиқажак сўзни илҳақ кутаётган қизнинг юзи бирдан дув қизаради — у бошини эгиб, нигоҳини яширади, адиб эса буни пайқамайди, негаки у Аннадан кўз узмаётганига қарамай, қизни кўрмаётган бўлади. Унинг лаби секин ҳаракатта келади — шивирлаш наърага айланади:

«...элик беш ёшда севиб қолиш бахт эмас, фалокат келтиради одамга! Тагин, нимасини айтасиз, у генерал шўрликнинг шу қадар жигар-бағридан урибдики — бундай муҳаббат одамни хароб қилади, хароб!.. Ахир, қиз бор-йўғи йигирма бешга чиққан экан-а!.. Тасаввур қиялпсизми, қандоқ қилсин ахир у?!»

Анна ўша йигирма беш ёшли қиз — Полинага бир ам ачиндики, худди яқин дутонасидек нуқул ўшани ўйлайдиган бўлиб қолди. Опаси Машаникига бораборгунча ҳам дам Полинага, дам йўқ ердан шундай қиз образини яратаётган ёзувчига хаёли қочди. Қайноқ чой устида опаси билан поччасига Достоевский ҳақидаги таассуротларини тилидан бол томиб тўлиб-тошиб айтди. Хайрлашаётганида опаси кутилмаганда Аннани четта тортди:

— Оғзингга кеганини алжийверма. Бўлмагур хаёлларга ортиқ чалғима, сингилжон, — деди у ғамхўрлик ва беписандлик билан бурнини жийириб. — Худого минг қатла шукрким, орзуларинг амалга ошадиган орзу эмас. Ўзинг танангга ўйлагин, синглим, — касалванд бўлса, хотини ўлган, тагин бўғзигача қарзга ботиб ётибди деяпсан — кўнглингга яқин йўлатма ундай одамни?

Опасининг ноўрин танбеҳини эшитган Аннанинг жазаваси тўтди.

— Нималар деяпсан, Маша, — деди у опасидан астойдил хафа бўлиб. — Уни кўнглимга яқин йўлатиб нима гуноҳ қилибман?! Орзу қилаётганим йўқ! Фақат шу қадар ақлли инсон ва ажойиб ёзувчи билан танишиб, суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлганимдан теримга сиймаяпман, холос. Кейин, у менга шунақаям меҳрибонки, шунақаям эътиборлики!..

Анна опасига заррача ёлгон гапирмади, унга кўнгида борини тўкиб солди, ҳатто, опасининг асоссиз дашноми кўнглига оғир ҳам ботди, унинг димоғдорлик билан айтган аччиқ-тирсиқ танбеҳини эслгани сайин ичига ўт тушгандек ловуллаб кетяпти. Ахир шу гаплар Федор Михайловичнинг қулоғига етиб қолса нима бўлади?

Қиз икки-уч сафар хаёлига келган шу фикрдан юраги орқага тортиб кетди, овоз чиқариб айтмаса укмайдигандек, «Йўқ, йўқ! У киши эшитмадилар, мутлақо эшитмадилар!» деб ўзини тинчлантирди. Тинчлантиришга тинчлантирди-я, лекин... наҳотки, у Федор Михайловични севиб қолган бўлса? Ёш қалбида муҳаббат ғунчалари ниш уриб куртак ота бошлагани шу бўлса?.. Йўқ, асло, бундай эмас! Нималар деяпти у? Хаёлга келтириб бўлмайдиган нарса-я! Ақлсизлиكنинг ўзгинаси-я!..

Ундай десам, романни ёзиб тугаллаган кунимизнинг эртаси — октябрнинг ўттизинчи куни не сабабдан ясан-тусан қилиб бордим уникага? Наҳотки, қирқ беш ёшини нишонлаётган, афт-башарасини соқол босган мўйсафидсифат одамнинг кўзига чиройли кўриниш умидида қилган бўлсам шу қилиқни?! Тавба-а!.. Бир ойдан буён устимдан тушмаган қора мовут кўйлак ўрнига оч бинафшаранг кўйлагимни кийдим. Эшиқдан кириб боришим билан Федор Михайловичнинг чеҳраси яшнаб кетди.

— Ажойиб!.. Бағоят гўзал!.. — овозининг борича хитоб қилди у. — Кўйлагингиз қандоқ ярашибди-я, Анюта! Қоматингизни бирам гўзалаштириб юборибдики!

Ҳайрат ва мақтовлардан Анна ўзини йўқотиб қўяёзди. Орадан бир неча кун ўтди, мана, у ўша мақтовлардан сархуш бўлганини эслаяпти. Федор Михайло-

вичнинг ёниб-куйиб романи баён эта туриб ора-чира ажабтовур луқмалар ташлаши, тўсатдан беҳад меҳрибонликлар кўрсатгани бирма-бир кўз ўнгидан ўтгати. Нега? Не боис бундайин ҳолат асирасига айлантипти Анна? Қаерлардан келиб тирғалантипти бундай ўйлар қизни азобларга қўйиб?

Федор Михайлович қизнинг садоқатли хизматига миннатдорлик изҳори ўлароқ, Аннанинг уйига борди. Обрўли меҳмоннинг ташрифиди бутун бир воқеага айланди, айниқса, меҳмон донишмандлиги, камсуқумлиги, фавқулодда ширинсуханлиги билан Аннанинг онаси Анна Николаевнага ҳам ёқиб қолди.

Меҳмон алламаҳалда кетишга тараддуланди. У оstonада туриб хайрлашаркан бирдан «ёрилди»:

— Анна Григорьевна, сиздан ўтиниб сўрайман, «Жиноят ва жазо»нинг сўнгги бобларини зудлик билан ёзиб тугатсак... Шартлашилган муддатда муҳаррирга етказиб бермасам...

Федор Михайлович шу топда ўйнагани кўчага чиқмоқ учун онасидан ялиниб-ёлбориб ижозат сўраётган болакайга ўхшаб кетди... Уни бундай аҳволда кўрган Анна адабнинг сўзини ерда қолдира олармиди?.. Одатдагидек силлиқ таралган, бошига ёпишиб турадиган сочининг бир тутами манглайига тушиб қолган Федор Михайлович бошлаган гапининг давомини айтишдан ўнғайсизланаётган, хаёлида куни кеча муҳаррир Любимовга йўллаган мактубидаги ўтинчлари гўжгон ўйнаётган эди: «Жиноят ва жазо»ни декабрнинг йигирмасига довури етказаман. Фақат, аҳволим беҳад оғир — ёнимда сариқ чақа ҳам қолмади. Мурувватли Николай Алексеевич, шу кунларда беш юз сўм зарур бўлиб қолди, илтимос, бериб туринг, шунда таҳририятдан олган қарзим олти юз бўлади...»

Аннанинг қулоғи остида опасининг кибр тўла иддаоси эшитилади: «Тағин бўғзигача қарзга ботиб ётибди деяпсан — кўнглингга яқин йўлатма ундай одамни!..»

Меҳмон билан қизининг хаёлини чулғаган ўйлардан беҳабар Анна Николаевна «жавоб қилмайсанми» деган ишорада Аннани туртди. Бемаврид хаёлга толган қиз ҳурматли меҳмонни куттириб қўйганидан хишлолатланиб қизарди ва:



— Жоним билан сизга ёрдам беришга тайёрман, Федор Михайлович, — деди ер чизиб. — Бироқ муаллимимиз Ольхин нима деркин? Эҳтимол, у сизникига қизлардан бирортасини жўнатар?..

Афтидан меҳмон бундай жавобни кутмаган эди.

— Йўқ-йўқ, — деди у шошиб. — Наҳотки, муаллимингиз шундай қилса? Ахир мен с-сизга кўникиб қолдим. Тушунапсизми?.. Бошқа дугоналарингиз билан ишлай олмасман. Тагин... башарти, сиз ўзингиз хушламаётган бўлсангиз, у ҳолда, начора...

Федор Михайловичнинг шундайига ҳам паст, бўғиқ товуши хириллаб эшитилди. Лекин шу хирилдоқ товуш Аннанинг юрагидаги орому ҳаловатни ўғирлаб улгурган эди.

— Қизнинг кўкси безовта дукурлади, у на она-сига, на меҳмонга бир сўз айтиб улгурмай Федор Михайлович остона ҳатлаб кўчага чиқди. Башарти у шу чиққанича индамай жўнаб кетганида Аннани адоқсиз азобларга қолдирган бўлар эди, қизнинг бахтига кўчага чиқиб извош томон икки-уч одим ташлаган адиб бирдан тўхтади — изига бир қадам қайтди-да, бояги ҳаяжони босилган шекилли, босиқ гапирди:

— Ўқишга борган заҳотингиз илтимосимни муаллимингизга етказсангиз. У киши тушунади менинг аҳволимни...

Меҳмонни кузатишгач, Анна фавқулодда ҳодиса юз бермагандек ўз юмушлари билан машғул бўлмоқчи эди, бунинг уддасидан чиқолмади — Федор Михайловичнинг ўтинч тўла овози, тагдор сўзлари шундоқ ҳам одамови қизни ётоқ бўлмасига қамади.

«Анна Григорьевна» деди, «ўтиниб сўрайман», деди... Ширинсўзлигини!.. «Бечора кишилар»ни, «Оқ тунлар»ни ёзган одам эшигимда ёлбориб турса-я!.. «Неточка Незванова»чи!.. «Хилватдан мактублар»ни ўқимагандим... «Ўлик уйдан мактублар...» Қиз қамоқхона ҳаётидан ёзилган романни эслади-ю, кўзи ёшланди. Ёдига тушган қаҳрамонлардан бири гўё жонли одамдек — яқин танишидек кўз ўнгида гавдаланди:

«Сироткин деган аристон ўн ёшли боладай жавдираб қарайди одамга...» Йўқ, Сироткин эмас, Федор

Михайловичнинг ўзи-ку, болалардай жавдираб-мўлти-раб қарайдиган!..

Аннанинг юраги орқасига тортиб кетди — у кеча опасиникидан қайтганидан буён, мана, бугун атоқли меҳмон келиб кетганидан бери ўзига азоб бераётган, тинимсиз бўғзига тирғалаётган сўзни шивирлаб тилига кўчирди: «Наҳотки, унинг ҳам кўнгли бўлса?..»

Анна худди бироз деразадан ошиб хонасига бостириб кираётгандек, кўрқиб каравоти ёнига қочиб борди, ҳозиргина оғзидан чиққан гапи дераза тоқчасига тушиб қолгандек ортига ўтирилиб қарашга юраги бетламади — сокин тун сукунатини кўксини ёриб чиққудек безовта зарбалар гупури бузаётган эди...

Тонгга қадар бирон муддат тиниқиб ухладими-йўқми — Анна билмади. Уйқусизлик азоби эмас, уйқусизликка сабаб бўлмиш ўй-хаёл укубати унга уч кунгача тинчлик бермади. Ўй-хаёллар билан ёлғиз курашди. Тўртинчи куни эрта билан қаёққадир отланди, аммо кийиниб ҳозирланган жойида беихтиёр тайсаллаб қолди — ўзидаги бундай ўзгариш боисини кейинги кунларда борлигини исканжада тутиб турган ҳаловатсизликка йўйди, сўнг ортиқ ўйламасликка қарор қилди. Фортепьянонинг қопқоғини очиб, айна чоғдаги кайфиятига монанд нафис ва маънос романслардан бирини чала бошлади... «Ўйламайман», деди Анна мусиқа оҳангига фарқ бўлишга уриниб, «Ахир мен сизга кўникиб қолдим». Қиз хаёлига тирғалган бу гапга қулоқ солишни истамагандай бошини орқага силтади — оҳанг тўлқинларига фарқ бўлишни истаётган эди у — «Тушуняписизми?» — Анна бош чайқади — романс садолари хонани тутди — хонада Анна ёлғиз, йўқ-йўқ, оҳанг ва Федор Михайловичнинг илтижо тўла сўзлари — ўтинчлари Анна билан хонага қамалиб олган эди!.. Қиз ҳарчанд уринмасин уч кундан буён ўзини қийнаб юборган ўша ўтинчларни қуваётган, лекин сира-сира унинг таъқибидан қутила олмаётган, аксинча, тобора унинг исканжасига қаттиқроқ илинаётган эди. «Тавин... башарти сиз ўзингиз хушламаётган бўлсангиз... начора...» Анна бош чайқади, ичида «Йўқ» деди, яна бош чайқади — мусиқа авж пардасига кўтарилди — «Йўқ!» деди Анна овозини баралла

қўйиб, «Илтмосимни муаллимингизга етказсангиз, у киши менинг аҳволимни тушунади...» «Йўқ! Йўқ! Йўқ!..» деди Анна бошини орқага ташлаб — фортепьянодан таралаётган куй қизнинг узун, нозик ва оппоқ бўйнидан сирғалиб «Йўқ, йўқ!»ларга қўшилиб кетар. шинам хона оппоқ куйдан янаям ёришган «Йўқ!» не муддаода айтилаётган эди, у ниманинг инкори ё ниманинг эътирофи эди — ўзгалар тугул, такрорланмас уқубатларга тўла ардоқли телбалик измидаги Аннанинг ўзига-да ноаён эди...

Аннанинг узун-узун бармоқларига титроқ югурди-ми ёхуд маънос романс ниҳоясига етди-ми — фортепьянонинг фалфажри янглиғ жаранги пасая-пасая хонанинг сукунатига сингиб кетай деганда, тўсатдан йўлақда оёқ товуши эшитилди. Анна унга эътибор қиладиган ҳолда эмас эди. Оёқ товуши яқинлашаверди, қизнинг энди-энди ором топаётган юраги бирдан ҳаприқиб кетди — у туйқус ортига ўтирилди, ўтирилди-ю, остонада дард, ўтинч, умид, соғинч лиммо-лим кўзларини қиздан узмай турган Федор Михайловични кўрди!..

Анна чақирилмаган меҳмонни кўриб ҳанг-манг бўлганидан қимир этмади. Чамаси, ташрифидан меҳмоннинг ўзи ҳам ўнғайсизлана бошлади.

— Қандай номаъқул иш қилиб қўйганимни биласизми, Анна Григорьевна,— деди у ҳаддан ташқари ҳаяжонини босолмай.— Биласизми... мен шундай қислиб кетдимки!.. Бугуноқ, ҳозироқ келиб сизга учрашмасам ёрилиб кетар эдим, Анна!.. Тушунаман, бундай келишим мутлақо ўринсиз... сиз ва муҳтарам онангиз олдида беҳад хижолатдаман...

— Йўқ, сира хижолат чекманг, Федор Михайлович,— деди Анна мезбон сифатида ўнғайсизликни тарқатиш муддаосида ниҳоят унга пешвоз юриб.— Ҳозиргина йўлга отланаётувдим... Истасангиз извошда бирга кетамиз.

«Истасангиз?!» Шу дамда Федор Достоевскийдек адиб учун бу сўз мутлақо тушунарсиз эди, назарида рус тилининг табиатига бу сўз мутлақо ётдек туюлди, зотан у, маъсума ва бокира Анна билан бир извошга минииш эвазига ёруғ дунёдан воз кечишга тайёр эди.

Ёлдор қизғиш от қўшилган чана зоҳиран бир-бир-роғига мутлақо мос келмайдиган, ботинан эса икки томчи сувдай қўшилиб кетишга тайёр бўлган мўйсафиднамо Федор Достоевский билан йигирма ёшли бокира қиз Анна Сниткинани олиб, Петербургнинг қор босган кўчаларидан елдек сирғалиб, йўлнинг танобини торта кетди.

Манзилга ета-еттунларига қадар бу икки бахтиёр вужуд ораларида қандайин ошкора ва унсиз савол-жавоблар бўлди — уларнинг-да хотирасида йўқ, фақат бир жажжи «тўқнашув» ёдга муҳрланганича қолди: нима бўлдию, муюлишдан ўтаётиб чана бирдан силтаниб қийшайди, кутилмаганда Анна мувозанатни йўқотиб ёнбошига оғди. Фёдор Михайлович ғайришуурий бир чапдастлик билан қўлини қизнинг белига чўзди. Шу чоқ мўътабар оила тарбиясини кўрган Аннанинг кўзи шундай чакнадик!... Бу кўзлардаги ғазабми-норозиликними кўрган Федор Михайлович азбаройи каловланиб қолди, у гўё панжасини бозиллаган чўгга ботириб олгандек қўлини жон ҳолатда тортди.

— Хавотирланманг, йиқилмайман! — деди Анна фавқулодда совуққон бир оҳангда.

— Йиқилсангиз қани эди!..

Хижолатдан мулзам бўлган адиб қизга тик қарашга ботинолмай, шу топда хаёлига келган ҳазилдан ўзича севиниб кетди. Зумда жиддий тортган қиз ҳамроҳининг кўнглида кечган пинҳона севинчли фаҳмлагандек, чеҳрасига яна табассум югурди.

## II

Достоевский айрим қўлёзмаларни, кўнгилга яқин мактубларни бундан ўн йиллар бурун қозоқ дўсти Чўқон Валихон ҳадя этган бежирим тахта қутида сақлар эди. У қути ёнига чўк тушиб қовоз тахламларини титкилади. Қўлёзмалар, мактублар... Федор Михайлович уларнинг ҳеч бирини ўқимас, қўллари қовоз титапти-ю, қулоғи эшиқда эди.

Эшик эса яқин-орада очилмайдигандай тақа-тақ берк, ташқарида «тиқ» этган товуш йўқ. Достоевский ўсиқ қошлари остидан деразага кўз қирини ташлади,

«ҳаво очик» — кўнглидан кечди унинг. Яна қутига энгашди. «Ярақлаб кетди!.. Ҳатто, кўзим қамашди-я!.. Қўлимга олган жойимда тушириб юбордим...» Федор Михайлович титраб кетди — «Наҳотки, тополмасам?!» У шундай деб шоша-пиша қоғоз тахламларини бирма-бир олиб, атрофига ёйиб ташлади. Соатга қаради — «Ўн беш!..» Деразадан ташқарини кузатди — «ҳаво очик бўлгани билан қуёш нурсиз...— эшикка қулоқ солди. — Кўрмай қолган бўлсам-а!» дея секин, қайта бошдан қоғозларни тартибга келтира бошлади. «Кейинги сафар мана шу ўнг бурчагидан топдим — кўзим қаттиқ қамашди, авайлаб бармоғимнинг учи билан тутдим, юрагим ҳаприққанидан бармоғимга титроқ турди. «Тушириб юбормай-да!.. Кафтимга, кафтимга қўйсам бас, йўқотмайман. Ана!.. Мана-а... Эҳҳ-ҳҳ!..» Топдим, етдим деганда кафтидан юмалаб қутига тушди — яна кўздан ғойиб бўлди... «Йигирма беш... ҳадемай ярим соат бўлади... ҳеч қачон бунчалик кечикмаган. Демак!..» Достоевский дарчага қаради — кун ёруқ, офтоб чиққан, лекин қуёш нурсиз, фэйзсиз эди!..

Федор Михайловичнинг кўз олди қоронғилашди. «Касалим тутиб қолмасин-да!» деб хавотирга тушди. У бутун балони тушида ушбу қути ичида бир неча бор топиб, неча дафъа йўқотган дурдан кўраётган эди. «Ўзим айбдорман!.. Оғзимдагини олдирдим... Ёки, ўша кунни чанадаги қилиғим оғир ботдимикан? Наҳотки, ҳазилни зил тушунди у?.. Ахир мен чанадан йиқилгин демадим-ку, балки «йиқилгудай бўлсанг, сени тутиб қолиш бахти насиб этар», деган ниятда айтдим... Йўқ-йўқ, Анна зийрак қиз, у — фаросатли, фаҳмли қиз. У...» Федор Михайлович қутидан дурни топиш умидини узай деганда бирдан эшик очилди-ю, қуёш чиққандай хона чарақлаб кетди!

— Топдим! Ниҳоят, топдим! — деб ҳайқириб юборди Достоевский ва югуриб эшик ёнига келди. Қувончининг зўридан унинг кўзлари чўғдек ёнаётган эди.— Қайтиб тополмайман деб ваҳимага тушаётгандим. Топдим! Худонинг ўзи етказди, сизни, Анна!..

Достоевский бирдан ўзини йўқотиб қўйди, қарашлари маъюс тортиб, қизга синовчан назар солди. Қўлларини юваётгандек бир-бирига ишқади, бошини

елкасига қийшайтириб анграйиб турди-да, шошиб бориб қизнинг мўйнали пальтосини ечди, «Совуққа қолиб кетибсиз, Анюта!» деб қизни бағрига босгундай меҳрибонлик кўрсатиб, айланиб ўргилди — қулоқчинининг боғичини авайлаб бўшатди.

— Пиёда келдим, шунга ҳаялладим, — деди Анна узрнамо оҳангда.

— Пиёда?! Мен эса кўзим тўрт бўлиб кутдим!.. Эшикдан кўз узмай кутдим!.. Хаёлларим минг ёқда — йўқотдим деган хавотирда кутдим, Анна!..

Достоевскийнинг кўзи дам ёлқинланиб кетар, дам бирдан маънос тортар, ўнг кўзи шикастлангани боис боқишларидан бир хил маънони уқиш қийин бўларди. Шу сабаб Анна сездирмай адибнинг чап кўзидаги ифодага қараб унинг кайфиятини аниқлар эди.

— Федор Михайлович, боядан бери нимани «йўқотдим» деяпсиз? «Йўқотдим», «топдим» дейсиз, нима ўзи у?

Қизнинг ниҳоят етиб келганига энди узил-кесил ишонч ҳосил қилиб кўнгли хотиржам торта бошлаган адиб Аннанинг саволидан кулиб юборди.

— Тушимда, денг, Анна Григорьевна, манави қути ичидаги қорозларни титкилайвердим, титкилайвердим, тўсатдан бир дона дур топиб олдим. Қувончимдан шошиб қолдим, дурни кафтимга қўйган жойимда уни яна йўқотдим. Аня, тушуняпсизми, қўлимдаги дурни йўқотдим-а!..

— У қолда нега қўлёмалар сочилган? — сўради қиз оғзи ланг очиқ қутига имо қилиб.

Достоевский жиддий тортди. У бошига оғир мусибат тушган одамдек дераза раҳига беҳол суянди, ташқарига умидвор термилди. Хонасида ёлғиз эмаслигини унутгандек ўйга толди. Қиз «саволим жавобсиз қолди», деган ўйга бораётганда, адиб тушкун кайфиятда тилга кирди:

— Ҳаяллай бошлашингиз билан қутини титкилай бошладим. Дурни тополмадим!

— Ахир у тушингизда эди-ку, Федор Михайлович? Тушингизда кўрган дурни ҳушингизда қайдан топасиз?

Анна шундай дея қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Би-

роқ қизнинг кулгиси мезбонга юқмади — у кулмади. Анна дарҳол ўзини қўлга олди.

— Нима, тушга ишонасизми? — сўради у хийла жиддийлашиб.

— Жуда! Жуда ишонаман! Мабодо сиз келмай қолсангиз, мабодо қутидан дур топилмаса, мабодо... қуёш ўлимтик нур сочиб тураверса мен ҳам... оқибатини билмадим...

Анна Достоевскийнинг қиёфасидаги жиддийликни, ҳатто унинг ўнг ёноғи «пир-пир» уча бошлаганини сезди-да, зудлик билан мавзунини ўзгартиришга жазм қилди. У Федор Михайловични тутқаноқ тутиб қолиши мумкинлигини эслаб, қўрқиб кетди...

...«Қиморбоз» қорозга туширилган йигирма олти кун давомида Анна ҳар сафар уйга кириб келганида Федор Михайлович ўзидан-ўзи кеча ё бутун қандай ишлар билан машғул бўлганини, кимлар билан учрашганини, ҳатто, ўй-хаёлларигача эринмай, батафсил ҳикоя қилиб берар, ёзувчининг одатларини ҳали яхши билиб улгурмаган қиз Достоевскийнинг бу тахлит «ҳисоб» беришларини кулимсираб, ҳайрат-таажжубдан жон қулоғи билан тинглар эди. Анна бирон дафъа биринчи бўлиб савол қотмас, ҳар сафар адибнинг ўзи сўз очар эди. Бу сафар Анна ўзи сўрашга қарор қилди. Зеро, унинг фаҳмича, Федор Михайловични ҳозирги ҳолатидан чалғитишнинг бундан бўлак чораси йўқ эди. Шу боис қиз ўктам бир товущда хаёли паришон суҳбатдошига мурожаат қилди:

— Федор Михайлович, кеча, аввалги куни қаерларда бўлдингиз ёки бирон нарса қораладингизми?

Натижа Анна кутганидан аъло бўлди: бирдан Достоевскийнинг чиройи очилди, унинг, ҳатто, ўнг кўзи ҳам кулгидан — мамнунликдан чақнаб кетди. Чамаси қизнинг саволи Достоевский учун айна муддао бўлганди.

— Хаёлда янги асар режасини пишитяпман.

— Янги асар? Бошлаганингизни битирмай туриб-а?

— Буниси учун «Жиноят ва жазо»ни ҳам тўхтатсам арзийди.

Таажжубдан Аннанинг камон қошлари кўтарилиб, кўзлари янаям чиройли кўриниб кетди.

— Нималар деяпсиз, Федор Михайлович?! Ахир у ниҳоясига етай деганди-я?!

— Воз кечаман, азизим. «Жиноят ва жазо»дан, «Қиморбоз»дан. Чала жойларига қайтиб қўл урмайман.

— Сизни бунчалик мафтун этган янги асарингиз нима ҳақда экан, ўзи?

Бу савол Достоевский учун айна муддао эди.

— Айтиб берайми? — У хонанинг нариги бурчагига қадар тез юриб борди — ўтирилмай туриб болаларча қувноқ оҳангда саволини такрорлади: — Айтиб берайми?..

Шундай деди-ю, бирдан ўтирилиб, қизга қув қараш қилди. Кулимсиради.

— Мумкин бўлса... Жон деб эшитаман...

— Мумкин!.. Мумкин эмас — мутлақо шарт! Уни фақат сизга ҳикоя қилишим мумкин, Аня!

Анна юмшоқ оромкурсига оҳиста чўқди. Федор Михайлович қизнинг рўпарасида тик турганича оташин нутқ ирод этишга шайланган нотикдек томоқ қирди, калта йўталди, қўлларини қаерга қўйишини билмай қовуштирди, калта камзулининг ён чўнтақларига сукди, сўнг яна шошиб қовуштириб, ҳикоясини бошлади:

— Кекса рассом, ёши, тахминан ўзим қатори... Отанаси аллазамонлар бандаликни бажо келтирган... Оғанилари ҳам. Елғиз. Ўлгудай одамови. Қачон қарасанг, башараси тунд. Устига-устак, болаликда оғир касалга чалиниб, бир қўли фалаж бўлган. Чизган суратларида етим-есирлар, бева-бечоралар, тиланчилар, умри қамоқда ўтган дарди бедаволар... Одамларнинг оёғи остида эзилган майсаларни чизадими-ей...

Достоевский дераза билан қиз ўтирган оромкурс орасидаги беш-олти одимлик масофада юрина бошлаган, боши эгик, овози ғамгин, ҳатто, чап қўли жонсиздек қорни устида осилиб қолган эди. Адиб ўзи яратаётган қаҳрамонининг қиёфасига кириб кетишини Анна яхши билар, шундай бўлса-да, шу топда бу қадар ғамбода, эзгин ҳикоя бошланишини кутмаган эди.

Адиб оғир уф тортди-да, давом этди:

— Одамнинг чивинчалик қадр-қиммати қолмаган замонда бундай суратларнинг қадрига етадиган аблаҳ



топилмайди, негаки, худо урган аблахнинг қадрига фақат аблах инсонгина етади...

Достоевский деразадан тушаётган кун ёруғига орқа ўтириб турган бўлса-да, кўзлари қазабнок чарақлаб кетди, зум ўтмай нур яна сўнди.

— Аблах инсон топилмайдиган жойда унақанги суратларни ҳеч ким сотиб олмайди. Рассомнинг эса ҳаётда чизишдан, тўхтамай чизаверишдан бўлак маслаги йўқ, бинобарин, биттаю битта соғлом кўлидан мўйқалам тушмайди. Ўзи нотавону дунёдаги жамики ожиз нотавонларнинг ғамини чекади, бир хонали уйига қамалиб олганча кўзёш тўкади... Лекин бу ёшларнинг акс садоси ўлароқ яратилган асарлар туғул, рассомнинг ўзи ҳам бирон бандани холис томонидан қадрланмайди...

Достоевский уйнинг тўрида деворга илинган бут рўпарасига бориб олган, овози дам кўтарилар, дам қиз ўтирган оромкурсига етиб келмайдиган даражада пастлашар, буни гоҳ фаҳмлаб, гоҳ фаҳламаётган адиб янги асарини ҳикоя қиляптими ёхуд худога ёлборяптими — фарқлаш қийин эди.

— Ҳаёт ўзига шундай аччиқ қисматни раво кўрганидан рассом тақдирга тан беради... Кунларнинг бирида судхўрникига бориб, ҳаво қаҳратон совуқ эканига қарамай, бирдан-бир бойлиги бўлмиш қишлоқ чакмонини гаровга қолдиради. У бу пулга бўёқ, қоров харид қилишни мўлжаллайди. Судхўрникидан уйига қайтаётиб, қўшнисиникида дод-фарёдни эшитади. Кирса, ароқхўр ота извош тагида қолиб ўлган, жўжабирдай жон оилада қора чақа ҳам йўқ. Тасаввур қиляпсизми, ўликни кўмишга пул йўқ! Ёруғ дунёга инсон бўлиб келиб, ўғил-қиз орттириб, тўртта жўжадай-жўжадай арзандаси-ю, битта мушфиқ хотинининг иссиқ-совуғини эплотмай умри ҳасратда ўтган, аламини ичкиликдан олиб, суварақдай ўлим топган одамни одамларга ўхшатиб кўмишга пул йўқ!..

Анна бу йўқчиликка худди ўзи айбдордек ва ўз гуноҳини бирдан англаб қолган одамдек «дик» этиб туриб кетди-да, ҳикоя қилиб толиққандек ўйга толган Федор Михайловичга қаради. Адибнинг лаби асабий учаётгани куюқ мўйлаби остидан ҳам сезилди.

— «Хўрланган ва ҳақоратланганлар»да ҳам шундай бахтсизларни ёзгандингиз...

Достоевский чўчиб қиз томон ўтирилди.

— Қайси, қандай «Хўрланган-ҳақоратланганлар»-ни айтяпсиз?!

— Анув... ўзингиз ёзган роман-чи... Князь Ихменев. Наташа... Нелли...

— Йўқ, ёдимда йўқ ундай асар... Ундан ҳам воз кечаман!.. Манави айтаётганим ҳаққи, баридан юз ўтираман. Ҳаммасидан!..

Бундай жавобдан лол қолган Анна гап тополмай нафасини ичига ютди. Адиб ҳикоянинг давомини айтди:

— Рассом киссасидаги бор-йўқ сўлкавойни чиқариб, бева аёлнинг қўлига тутқзади... Йўқ, қўлига эмас, стол чеккасига қўяди... Ўзи эса юпун, қаҳратонда йўтала-йўтала кўчадан совуқроқ уйига қайтади...

Биласизми, Аня, ўзи бахтдан бенасиб шундай одам ўзга бахтсизга бахт ато этишни кўнгли тусаб қолса нима бўлади? Биласизми?!

Анна киприк қоқмай Достоевскийдан нигоҳини узмади, саволга адибнинг ўзи жавоб қилди:

— Беш баттар бахтсизроқ бўлади!..

Рассомнинг бошига яна қандай бахтсизлик тушиши эҳтимолини тасаввурига сиғдиролмаган қиз ўтирган жойида бир қўзғалиб олди-ю, икки қўлини мушт қилганча адибнинг оғзига тикилди.

— Ўзининг бахтсизлигига кўниккан бечора умрида лоақал бирорта одамга яхшилиқ қилишга қурби етмаслигини бирдан фаҳмласа... о-о, бу — даҳшат! Бунинг азобига чидаш, кўникишдан кўра ер шарини кафтда кўтариш осонроқ!.. Рассом жаноблари бунинг тушунмайди, тушунса-да, рад жавоби берилишини ҳисобга олмайди.

— Қандай рад жавоби?.. — энтикиб сўради Анна.

— Ахир у бир маъсума қизга ошиқи беқарор бўлиб қолади...

Достоевский шундай деб, бирдан орқага ўтирилди. Шиддат билан Аннанинг рўпарасига келиб тўхтади, бир сония тошдек қотиб қолди, сўнг шу замони шартта бурилиб, остона томонга юрди. Шошиб, зарда аралаш гапирди:

— Үзи худо омаддан қисган бир фақиру нотавон бўлсанг, чизажак сурат учун устингдаги чакмонни гаровга қўйсанг-да, ёшгина бокира қизга муҳаббат изҳор қилишга бало борми?! Сенга ким қўйибди муҳаббат кўчасига тумшуқ суқишни?!

Анна оёқларини тагига тортиб, қўлларини мушт қилиб кўксига босди:

— Бундай муҳаббат рассомга бахт келтирса келтирар, лекин унинг муҳаббатидан қиз шўрликка не наф?

— Қиз... шўрлик...

— Кекса кўнгил муҳаббати қизни бахтли қила оладими?..

— Муҳаббат... бахт... м... м...

Достоевскийнинг жуссаси бирдан кичрайгандек бўлди, у худди кўпдан буён бир оёқда тургандай, мувозанатни йўқотиб ағдарилаётгандек ёнбошига қийшайди, кўзларини катта-катта очиб, ўтинч ва илтижо билан қизга қаради. Қизнинг эса тили калимага келмас эди.

— Тасаввур қилинг: рассом севги изҳор қилса, қизга уйланиш ниятида эканини айтса, қиз нима қилмоғи керак?

— Рози бўлмоғи...

— Рози бўлмоғи?.. Касалванд бўлса ҳам, бахти қаро бўлса ҳам, умри ҳасратда ўтса ҳам-а?..

— Лоақал рассомнинг қалби учун, меҳр-шафқатта лиммо-лим қалби учун рози бўлмоғи керак...

— Бордию, рассом — мен... — Федор Михайловичнинг овози олис само қаъридан келган момоқалди роқдек гулдиради: — Қ-қизнинг ўрнида сиз бўлсангиз-чи?..

Анна тагида нимадир ғамирлагандек ирғиб ўридан турди, югуриб дераза ёнига борди, тирилиб, ўтдек нур сочаётган қуёш нуридан тўйиб симирагандек энтиқди-да, бутнинг рўпарасига ўтди — сочи, ёқаси, узун этагини тузатди, бошини ҳам қилди, қўли увишгандай кафтларини уқалади. Бармоғи қаттиқ қарсиллаб кетди, сўнг яна бир мунча лаҳзалар жим туриб қолди-да, бирдан ҳаяжон тўла овозда шивирлади:

— Мен... мен, бир умрга сизни севаман, дер эдим...

Федор Михайлович уйронганида кун тиккага келган, нонушта ҳозирлаб қўйган Анна Григорьевна мушукдек сассиз-шовқинсиз мимирлаб, ўзини уй юмушлари билан чалғитиб юрар эди. У эрини дастурхонга таклиф қилди. Адибнинг қовоғи солиқ, туни билан тиши лўқиллаб оғриган одамдек шашти паст эди, бинобарин, нонуштани ҳам наридан-бери қилди. Чурк этиб оғиз очмади.

Анна дастурхонни йиғиштириб олгач, савол назари билан эрига қаради. Ўзи хийла тўлишган, дўмпайган қорни қизлик латофатига аёллик тароватини қўшган эди.

Федор Михайлович рафиқаси ўнрайсизланаётганини сезди.

— Жорж Сандни ўқияпсанми? — савол қотди у бундай савол-жавобларга ҳуши бўлмаса-да, ўзини зўрлаб.

— «Горио ота»ни, — деди хотини.

— Яхши. Аввал Бальзакнинг барча асарларини ўқиб битиргач, Жорж Сандни бир бошдан бошлаганинг маъқул.

— Ҳозир... сенга ёрдамлашай...

— Ҳозир, Барроу хоним қандай маслаҳат берган бўлса — шу. Риоя қилишинг шарт.

Федор Михайлович Женеванинг энг қўли енгил дояларидан бўлмиш Барроу хонимни уйига бошлаб келган, у Аннани обдон назардан ўтказгач, унга таллайгина йўл-йўриқлар кўрсатган, айни чоғда ҳар куни эрталабки ҳавода сайрга чиқишини маслаҳат берган эди.

— Сен-чи? — эҳтиётлик билан сўради Анна. Федор Михайловичнинг афти бужмайди. Анна ҳафта мобайнида эрининг кайфияти айниб юрганидан хабардор эди, шу боис ҳозир гапни чўзмай кўчага отланди.

— Эҳтиёт бўл, узоқлашиб кетма, — деди эри у эшикни ёпиб чиқаётганида.

Хонада ёлғиз қолган Достоевский қўлёзмалар тартибсиз сочилиб ётган иш столига кўз ташлади-ю, унга яқинлашишга юраги бетламади. «Ҳаммасига ўзим айб-

дорман! — хаёлидан кечди унинг. — Қаёқданам олдим-а, ўша икки юз сўмини!.. Бир ўтиришда ёзиб ташлайман деб ўйлабман-а!.. Хом, жуда хом ўйлабман-да!.. Белинский ҳақида битта мақола ёзгунча «Телба»ни ярмига етказиб қўярдим!.. Берган пули бошида қолсин!.. Ёнимда бўлганида икки ҳисса қилиб қайтариб, қарзимдан ҳам, мақола ёзишдан ҳам қутилардим!..»

Адиб мақола қўлёзмаларини йиғиштирмай дўсти Майковга хат ёзишга тутинди. Хат ёзиш унинг жонидили, бир бошласа кетма-кет ўнлаб одамга эринмай, батафсил дил изҳорини қоғозга тўкишдан чексиз роҳатланар — руҳи енгиллашар эди.

«Дўстим Аполлон! Ҳаво айнигани чатоқ бўлди, — деб бошлади у номани. — Женева ҳавоси яқин орада бундай тўс-тўполон кўтармаган экан. Бизнинг келишимизни кутаётган эканми!.. Касалим зўриқиб кетди, ҳафта ўтмай йиқилиб қоляпман. Азизим, ўзингдан қолар гап йўқ, қаттиқ тутқаноқдан сўнг беш-олти кунгача ўзимга келолмай юраман... Бу етмагандай, Б. Х. ҳақидаги мақола жуда малол келди менга. Тугатолмаяпман. Жўнатган пулинг кунимизга яраб турибди.

Анна Ивановнага биз дайдиларнинг алангали саломимизни етказгайсан».

Анна сайрдан қайтиб, эрининг руҳи енгиллашганини кўриб, ўзи ҳам енгил тортди. Бундай пайтларда Федор Михайловичнинг тили эшилиб кетар, йўқ ердаги гапларни шуңдайин ўхшатиб айтардики, хотини беихтиёр ишониб қолганини ўзи ҳам сезмас эди.

— Ҳамон ҳаво бизга илтифотсизлик қиляптими, бас, оёғимиз кўчада қолган эмас, биз ҳам кетамиз, — деб гап бошлади Достоевский хотини эшиқдан кириб улгурмай, худди ҳозироқ кўч-кўронини ортадигандек шошилиб. — Пича пул топамиз-да, Парижга жўнаймиз! Менинг давримда Францияни би-ир кўриб кўйгин, жоним! Париж бўйлаб сайр қиламиз, Анята, Париж бўйлаб!

Анна Григорьевна кўзлари чақнаб, ёш боладек ҳовлиқаётган эрини кулимсираб бир оз кузатди-да, сўнг гапирди:

— Барроу хоним «кўчишни тўхтатиб туринглар», деди-ку...

Хонада бетоқатланиб юрина бошлаган Федор Михайлович бу «янгилик»ни эслади-ю, бирдан «шилқ» этиб бўшашди-қўйди. Шу заҳоти вазмин тортиб, хотинига қаради.

— Дарвоқе, — деди у ҳомиладор аёлининг қўлидан тутиб, — тўнғичимиз Женевада туғилади-да, шундайми?

— Худо насиб этса...

...Эр-хотиннинг қарийб ҳар суҳбати тўнғич фарзанд орзусидан бошланар ёки туғилажак ўғил ё қиз дийдорини соғиниб энтиқишлар билан тугар эди. Ўша куни кечки сайр чоғида ҳам бу одат қанда бўлмади. Тилла зеб-зийнатлар дўконининг кўзни қамаштирувчи катта ойнаси ёнидан ўтаётди, Федор Михайлович тўхтади.

— «Телба»нинг қалам ҳаққини олсам, тўғри шу ерга келамизда, — деди у тамом жиддийлик билан, — аввал ўзимга ёққан тақинчоқлардан танлайман. Анави, хоч суратли балдоқни, феруза кўзли тўнғични, сўнг... — Адиб яна қайси тақинчоқни «танлаш»ни билмай гапдан адашди. Анна Григорьевна кулди. Достоевский кулмади, балки киссаси пул тахламига тўла бойваччадек ҳамон жиддий қиёфада хотинига юзланди: — Сўнг ўзинг истаганингни оласан — танлайверасан, танлайверасан — мен эса бир чеккада туриб ҳақини тўлайвераман. Менга қара, тагин тўнғичимизни унутиб қўймайлик ўшанда — қизми, ўғилми, барибир, атаб олавер. Уқтингми?

Анна яйраб, баралла кулди. Нозик, оппоқ муштчалари билан Федор Михайловичнинг кифтига, билагига турта-турта уни хом хаёлларни тўкиб солишдан тўхтати-да, сўради:

— Аполлон Николаевич жўнатган пул яна қанчага етади?

Одатда, Достоевский пул етишмовчилигини ўзига жуда овир олар, бу ҳақда бир бошласа, ёниб-куйиб узоқ гапирар эди. Лекин у шу топда бундай тақчилликдан гап очишни истамади, балки бирдан мавзунини ўзгартирди:

— Аполлонга хат ёздим. Боягина жўнатдим. Кў-ўп ташаккурлар айтдим. Сендан салом дедим.

— Федор, — деди шу пайт бирдан қошларини чимириб Анна. — Р. кўчасида бирор танишимиз борми?

Достоевский зийрак тортди. Жавоб бермади-ю, саволни англамагандай хотинига анграйди. Анна саволни такрорлади:

— Р. кўчасида яқин танишимиз борми?

— Қайси Р. кўчасида? — Ҳамон фикрини жамломай савол қотди Достоевский. Оғиз-бурнидан кўтарилаётган қуюқ ҳовур кўзи, манглайи рўпарасида бир лаҳза секинлашди-да, сўнг тарқаб кетди.

— Икки тепа ортидаги-чи?

— Э, ҳа-а, ўша Р. кўчаси эканми? — бирдан яйраб жонланди Достоевский. — Ахир Барроу хоним ўша ерда яшайди-да!

— Нега ҳар куни боряпсан, уёққа?

— Ҳар куни?.. Ҳа, тўғри, ҳар куни бораман. Ўша кўчага қатнаб доянинг уйини кўриб келмасам, йўл ёдимдан кўтарилиб кетади. Сени кундуз дард тутадими, тундами — билмаймиз-ку! Шундай эмасми?! Бирдан тунда чақиршига тўғри келиб қолса, йўлда адашиб қолмай деб кунига бир дафъа бориб қайтаман Р.га. Дояни ўзим хабарламасам, ким боради у ерга?..

Эрининг бунақанги ажабтовур қилиқларидан Анна ажабланмайдиган бўлиб қолган эди, лекин шу онда эрининг бояги мутойибаларидан сўнг бирдан ҳозир ўзи айтгандек таҳликада юрганини эшитиб, кўнгли бўшашиб кетди. «Тўлғоқ бошланса... бўлак ёрдамчим бўлмаса... Кимдан нажот кутаман?.. Онамнинг келишига шифокорлар рухсат бермабди... Ёлғиз ишонганим, ёлғиз суянчигим... ёлғиз Аллоҳим!.. Ишқилиб, ўшанда касали тутиб қолмасин-да!.. Ўзинг раҳм қил!..»

Аннанинг худодан сўрагани шу эди, ой-куни яқинлашгани сайин кўнглига зимдан ваҳима оралаётган, лекин буни шундайига ҳам касали зўрая бораётган эрига сездирмаётган, бу ёқда Федор Михайлович ундан кам хавотирга тушмаётган, эҳтимол, хавотирини ичига ютиб юргани учун ҳам ҳафта сайин тутқаноқ уни жаҳаннам азобига солаётган эди. Февралнинг йигирмасига ўтар кечаси қаттиқ ҳирқироқдан, тапир-

тупурдан чўчиб уйронган, уйку аралаш сапчиб даҳлизга чиққан, уйнинг гира-шира, олачалпоқ ёруғида эрининг у ёқдан — бу ёқда ташланаётганини, орзидан отилаётган кўликка беланиб чангак ва акашак бўлиб қотган кўлларини чўкаётган одамдек нажот истаб чўзаётганини кўрган, унинг ҳар сафаргидан кўра қаттиқроқ даҳшат солиб бўғизланаётган молдек хириллашидан юраккинаси адои тамом бўлган Анна кўнглида: «Э, худо! Ҳозир дард тутиб қолмасин!» дея нола чекиб юборди-ю, сас чиқармади. Кўзларидан дув-дув ёшлар юмалайверди.

— Раҳминг келсин!.. Ўзинг... Чўзиляпти!.. Шафқатингни дарир тутма, ё, раб!.. Сира бунчалик узоқ чўзилмаган!.. Кароматингни кўрсат!.. Биз мусофирлардан, бу бегуноҳ бандангдан меҳру шафқатингни аяма!..

Аннанинг астойдил таваллоси ижобатга ўтди: Федор Михайловичнинг шайтонлаши сустлаша-сустлаша, у бир-икки дафъа «Ҳиққ!.. ҳиққ!..» дея овоз чиқарди-ю, бошини солинтирганча кулала тушиб қалтирай-қалтирай оғир тин олди. Анна худованди каримнинг ҳаққига ададсиз шукроналар ўқиди. Шукр қилса-да, бундай ҳолатнинг асорати эрини ҳафта бўйи ўзига келтирмаслигидан хавотири ортди. Уни тезроқ оёққа турвазишнинг бирдан-бир чораси эрини ўз ҳолига қўйиш эди. Шу боис, Анна кун бўйи чурқ этиб оғиз очмади — эрининг ўрнини йиғмади ҳам.

Оқшом, ҳали қоронғи тушиб улгурмай, Федор Михайлович омонатгина ёнбошлади-ю, қаттиқ уйқуга кетди. Анна ўзининг ширин орзулари, таҳликалари ва узуқ-юлуқ қора ўйлари билан ёлғиз қолди. Тонг-ла саҳарда эса... дам-бадам оғриқ азобини амаллаб енгаётган Анна учинчи ё тўртинчи санчиққа дош беролмай, устидаги чойшабни тишлаб олди. Яна санчиқ турди — Анна тишлаб олган чойшабни жон ҳолатда тортди — чойшаб тариллаб йиртилди.

— Вой-й, жоним-м! — деб юборди Анна овоз чиқариб. — Федор...

Эри қимир этмади. Анна нафасини ютди — лабини тишлади. Дард тутмаса зинҳор эрини безовта қилмасди-я!..



— И-ихх, Федор!.. Чўчиб кетмасин-да, ишқилиб... Федор... Вой, жоним-эй!.. Ихм-м!..

Аннанинг кўли эрининг елкасига тегди. Достоевский шу заҳоти болишдан бошини узди.

— Ҳа, нима гап, жоним? — сўради шошиб уйқусираб.

— Бошланганга ўхшаяпти... жоним чиқиб кетай дейпти...

— Оҳ, азизим! Ҳозир, жоним, ҳозир!..

Анна эрининг маъюс ва паришон овозини эшитиб, севиниб кетди. Нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, не кўз билан кўрсинки, эри бошини ёстиққа қўйганча пишиллаб ухлаётган эди. Аннанинг бир қўрқувига ўн қўрқув қўшилди. Алаmidан пиқиллаб йиғлаб юборди. Ташқарида шамол увиллади, нималардир тақирлади — олам зимистон остида қолди... Бахтига, оғриқ пасайди. Тонг қоронғусида эса...

— Федор!.. Федор Михайлович, турақол, азизим!

Анна оғриқ азобидан юмилган кўзини очди-ю, тепасида парвонадек гир айланаётган кўлага — эрини кўрди. Федор Михайлович нима қиларини билмай унинг дам юз-кўзини, дам қўлларини силаб-сийпалар, дам совуқ тер босган манглайига лабини босиб: «Ҳозир! Ҳозир, жоним!.. Мен тезда бораману келаман!» дер, худди шундай қилса хотинининг дарди енгиллашадигандек, унинг устидаги кўрпани тузатишга уннаб кетар эди.

Бир пайт у қаердандир кўлига илинган чакмонини судраганча эшик томон югурди, бораётиб нимагадир қаттиқ қоқилди — курси тарақлаб ағдарилди. Эшик қарсиллаб ёпилди. Анна ингради. Эшик қайта очилиб Федор Михайлович кирди.

— Мана, жон, Аня, ичиб сабр қила тур, мен физиллаб бораману бошлаб келаман, — деди-да, чинни стаканга совуқ чой қуйиб, хотинининг бош томонига яқин қўйди. — Бошлаб келаман, ҳаммаси жойида бўлади!..

Федор Михайловичнинг оёқлари уни икки ойдан буён ҳар куни бўзчининг мокисидай қатнайвериби ёд бўлиб кетган Р. кўчасидаги таниш дарвозага бошлаб борди. Борди-ю, адиб жон-жаҳди билан қўнғироқ туг-

масини босди. Бундайин бемаҳал чақириқларга эти ўлиб кетган оқсоч аёл кўзини ишқаб, юз-кўзини ўраб эшикни очди-да, қандай имирсилаб чиққан бўлса, шунчалик ошиқмай ичкарига кириб бадар кетди. Тоқатсизликдан Федор Михайловичнинг нафаси бўғзига тикилди. Совуқ шамолни сезмай, қўлини гоҳ орқага қилиб, гоҳ боши узра асабий силтаб у ёқдан — бу ёққа юрди. Алламаҳалда оқсоч хотин кўринди.

— Хоним яқинда келиб ётган эканлар, уйғотолмадим, — деди у.

Федор Михайлович азбаройи йиғлаб юбораёзди. Чора истаб аланг-жалаң қилди-да, югуриб келиб кўнғироқ тугмасига кафтини босди. Қўлини узмади.

— Қўлингизни тортинг! — деди оқсоч хотин дўқ уриб.

— Чақиринг, деяпман! Ҳозир деразани уриб синдираман! Тез!..

Бу орада Барроу хоним кўринди. У Федор Михайловични таниб, оқсоч хотинга извошчини уйғотишни буюрди.

Улар уйга етиб келишганида Анна хийла тинч ётган эди. Хоним унинг аҳволини кўриб, хавотирга ўрин йўқлигини, чақалоқ кечга томон туғилишини — ўшанга яқин энага билан бирга келишини айтиб, қайтиб жўнади.

Бу кун Достоевскийнинг ҳаётида энг узун ва энг беҳаловат кун бўлди. У хотинининг ёнидан жилмас, ҳар сафар Аннанинг инграшини, оҳ-воҳини эшитгандан юраклари ўртаниб, хотинининг қўлларига юзини босар, тинмай ўпар, силар-сийпалар, иложини топса, хотинидаги оғриқларни ўз баданига кўчиришга тайёр эди.

Тушдан сўнг тўлғоқ такрорланди. Достоевский эшикка қарайвериб кўзлари тешилаётган деди, лекин Барроу хонимдан дарак бўлмади. Федор Михайлович кўчага отилди. Шиддат билан юрганидан Р. кўчасидаги туйнукли қизғиш дарвоза ёнига етиб борганида унинг аъзойи-баданидан шовуллаб тер қуйилаётган эди.

— Тез! — деди оқсоч хотин кўринган замони. — Тез, чақиринг!..

— Хоним уйда йўқлар,—деди оқсоч хотин абгор аҳволда шумшайиб турган адибга ижиргангандек қараб.

— Топинглар! — деб ўшқирди Достоевский французчалаб, сўнг ўрисчалаб сўкинди, ўдағайлади:— Шаҳарларингта ўт кўяман! Дунёга ўт кўяман! Топ, деяпман!..

— Уйда йўқлар, — совуққон такрорлади оқсоч хотин ўзини четта тортиб.

Достоевский ниманидир эслагандай шошиб қолди, у пайпаслай-пайпаслай аллақайси киссасидан ўн франкли қогоз пул чиқарди-да, оқсочнинг олдига югуриб келди, пулни унинг қўлига тутқазди.

— Мана, сизга, қалам ҳақи олсам яна бераман!.. Айтинг, Барроу хоним қаердалар?!

Шундан сўнггина оқсоч хотин икки хонадон наридаги кўшни уй томон имо қилди. Ёзувчи кўрсатилган уй ичкарасига кириб кетишдан ўзини базўр тўхтатди.

— Барроу хоним!— деб бақирди у панжарали эшик ортидан. — Барроу хоним! Бормайдиган бўлсангиз менга бўлак доя топиб беринг! Азоб чекиб ётибди!.. Барроу!..

— У-у, бу ўриснинг дастидан қутилмадим-қутилмадим-да! — деганча норозиланиб-мингирлаб, афтини жийириб чиқиб келди хоним.

— Романнинг пулини олай, сизни хурсанд қиламан, хоним! Тезроқ юрайлик! Ҳаммасини атайман!.. Жони азобда қолди бояқишнинг!..

Федор Михайлович Барроу хоним ва унинг ёнида юрадиган энагани уйга бошлаб келганида Аннанинг жонида жон қолмаган эди.

— О-оҳ, уҳ-ҳ!.. Чидол... Федор!.. Онажон!.. Им-мм!..

— Сиз нари туринг, қараманг! — Амр қилди Барроу хоним Достоевскийга ва ўзи шошилмай Аннанинг тепасига борди.

Федор Михайловичнинг назарида доя кампир атайин имиллаётгандай, ҳатто, беморга бепарво қараётгандай туюлди.

— Хўп, қарамайман,— деди у шошиб.— Фақат тезроқ ёрдам кўрсатинглар, ўтинаман, сал шошилинг, хоним!

Доя кампир кўзойнаги остидан Достоевскийга ола-йиб қараб қўйди-да, бамайлихотир кафтини Анна-нинг қорнига қўйди, бошини қийшайтириб, аёлни-нг қорнига қулоқ тутган бўлди.

— Эримга хушёр бўлинг, онахон!.. У кишига оғир гапирманг! О-оҳ!.. Қаранг, нима қиялпти у? — Оязи қуришиб ёлборди Анна.

— Об-бо, сенга қарайми ё болани эринг туғадими?! Бир-бировига бунақанги қапишиб қолган эр-хотинни кўрмаганман-а, худо! — энсаси қотди кампир-нинг. — Қараманг, қанақа эркаксиз, ўзи?!

— Жонимни берай, хоним!.. Онахон!.. Тезроқ ёр-дамлашинглар!.. Бояқишни қийнаманглар!.. — Достоевский шундай деб тўшак ёнига югуриб келди. — Ўти-наман!..

— Хўп, хўп, мана, меҳмоннинг ўзиям ҳаракатга тушяпти, ана, ҳозир, — Барроу хоним бесабр эрни тинчлантириш учун бўлса керак, кафтларини Анна-нинг икки биқинига теккизгудай бўлиб пайпаслади. — Жонинг шунчалик ширинми, қизим? Чида! Лабингни тишлаб олма!.. Тилингни тишлама!.. Эшитяпсанми, ти-лингни торт, ҳо-озир бўшанасан!.. Ҳоз...

— Тилингни торт, Аняжон! Торт, жоним, тилингни! — нари кетган Достоевский бир ҳатлашда яна доя билан энаганинг орасида пайдо бўлди.

— Қарама!.. — ингранди Анна.

— Нарини туринг, жаноб, халал беряпсиз...

— Кетинг!.. Чиқинг, бу ердан!

— Хўп!.. Чиқаман! Вой, худойим-эй!..

Достоевский дераза ёнига борди. «Қандоқ қилай!.. Қандоқ қилай!» деганча икки қўллаб қизил бах-мал пардага ёпишди, чангаллади, пардани юзига бос-ди.

— Эрим қани? — сўради жони азобда тўлғанаёт-ган Анна инграб ва жониқиб.

— Шу ердалар, — уни тинчлантирди энага.

— Эринг шу ерда, ана, чўк тушиб худога нола қиялпти, — шанғиллади Барроу хоним.

Чиндан ҳам Достоевский чўк тушган, кафтларини бетига босганча тинимсиз пичирлар — тангри таоло-нинг пойига бош қўйгудек сажда қилаётган эди.

— Болани эҳтиёт қилинг, болани, — деди Анна оғриқ-ни унутиб. — Бола шикастанса эрим чидолмайди...

— Ё, қодир худо, хотинимнинг дардини ўзинг осон қил!.. Тўнғичимизни ўз паноҳингда асрагил, ё, худованди қарим!.. Елғизимизни ўзинг сақлагил!..

Достоевский тинимсиз муножат қилаверганидан гўё ўзи эмас, ёнида бошқа одам худога нола қилаётгандек туюлди.

— Вой! Воҳ, жоним! Қаердасан, худойим?! Ёлғизим-м?!

Адиб бетини тиззасига босди. Бу азобли нолалар яна бирпас давом этса юраги ортиқ дош беролмасди, шундан кўрқиб қулоғини беркитишга қўл чўзди-ю... Анна чинқириб юборди. Қаердадир ўткир чироқ ярақлаб, Достоевскийнинг юмуқ кўзлари қамашди — у кўзини очиб, бошини кўтариб улгурмай хотинининг чинқиригини чақалоқнинг чинқириги босиб кетди. Федор Михайловичнинг қулоғи том битди, юрак ютиб ўтирган жойидан тўшак томонга қаради. Не кўз билан кўрсинки, доя кампирнинг қўлида жажжи бир инсон орзини борича очиб, хонани бошига кўтариб чириллар эди. Достоевский югуриб эмас, йўқ, у қадини ростлай олмади — тўшак ёнига эмаклаб борди, бетини, соқолини ювиб тушаётган кўз ёшларини артмай-нетмай хотинининг қўлини юз-кўзига суртиб, энтикиб, ютоқиб ўпа кетди.

— Тангрим... — деди ҳолсиз овозда Анна.

— Худойим... — деди Достоевский ҳамон на хотинига, на доя кампирга, на-да энагага тик қарашга юраги бетламай.

Шу пайт Барроу хонимнинг мамнун, ўктам товуши бири бирига тангри, бири бирига уммат бўлган бу икки пайваста жон эгасини ҳушига келтирди:

— Қиз экан. Қиз қутлуғ бўлсин!..

1990 йил.

## АЛ-АЪРОФ

*Икки парда, етти куришишли фожиа*

### Иштирок этувчилар:

Эдгар	— ёзувчи, шоир, журналист. 40 ёш.
Виржиния	— хотини, 24 – 26 ёш.
Клемм хоним	— Эдгарнинг аммаси ва қайнонаси.
Жон Аллан	— Эдгарнинг ўтай отаси.
Фрэнсис	— ўтай онаси.
1-қиёфа	
2-қиёфа	
3-қиёфа	
4-қиёфа	
Аёл-қиёфа	
Грисвольд	— танқидчи, 27 – 28 ёш.
1-ҳамкасб	
2-ҳамкасб	
3-ҳамкасб	
ва бошқалар.	

Воқеа 1849 йили куз кунларининг бирида АҚШнинг Балтимор шаҳрида, машҳур адиб, шоир ва журналист Эдгар Аллан Понинг хонадонида содир бўлади.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### Биринчи кўриниш

Хона жиҳозлари эски-туски: сим каравот, стол, учта стул. Оёқ остида кичкина қизил гилам. Деворга қоқилган тахта тагликда қадим-ги юнон худоси Палладанинг оқ бюсти турибди.

**Эдгар.** *(Ёзиб, хаёл суриб ўтирибди. Стол устида, тағида узун-узун қўлёзмалар бетартиб сочилиб ётибди. Виржиния унинг оёғига бош қўйиб, ёнбошлаган. Эдгар сокин товушда шеър ўқийди.)*

Кўз ёш тутар ҳар ённи дуддай,  
Ойлар эрир ва ўсиб борар,  
Ерга сизмай борар улкан шар,  
Кўкни ойлар қоплар булутдай.  
Туннинг ҳар лаҳзаси ойдино-ойдин...

Ҳар ким ёт жой излар, хулласи,  
Ҳам ўчираш юлдуз шуъласин,  
Унда ҳаёт йўқлиги чиндир...<sup>1</sup>

Виржиния оҳиста ўридан туради. Эдгарнинг бошини силаб, упади. Хонада юра бошлайди. Деразадан тунги осмонни кузатади.

**Эдгар.** *(Шеър ўқиб туриб, Виржиниядан кўз узмайди.)*

Ҳў, ўша олис соялар ичра,  
Ухлайди Ой, қалблар осуда...

Виржиния! Менга қара, жоним, опповим! Кўзларингни мендан узмагин! Менга қараб турсанг, биласанми, нима қиламан?.. Ўлай агар, эрталабгача, эртага кечгача бирор дақиқа ҳам тўхтамай гапираман! Гўзал кўзларингни таърифлашдан сира чарчамайман!

Минг марта, миллион марта таърифлайман-у, биласанми, бирорта сўзни икки бора такрорламайман!

Виржиния кулади. Эркаланиб, Эдгарнинг елкасига юзини қўяди.

---

<sup>1</sup> Э. По шеърларини Фахриёр ўзбекчалаштирган.

**Эдгар.** Фақат сен-чи!.. Сен... Елена хонимни айтгандим-а. Эсингдами?

**Виржиния.** Эсимда. Минг марта айтгансан.

**Эдгар.** Яна айтсам майлими?.. Рашк қилмайсанми?

**Виржиния.** Рашк қилиш учун ҳолим қолмади... Қаерларда юргандинг, Эдди, мени адои тамом қилдинг-ку, жоним.

**Эдгар.** Ўзинг тузукмисан, Виржин?

**Виржиния.** Қара, бир ҳолатда бўлиб қолибсан. Шу-унча кун оч-наҳор, юпун...

**Эдгар.** Нью-Йоркка бордим. У ердан паромга чиқиб, Жерсига ўтдим.

**Виржиния.** Жерсига?! Нима қилдинг, у ерда, Эдди?!

**Эдгар.** Мэрини излаб бордим.

**Виржиния.** Яна қайси Мэри?

**Эдгар.** Уни айтмаганмидим, сенга?

**Виржиния.** Ҳозиргина Жейн хонимни эслаб тургандинг, энди Мэри деяпсан...

**Эдгар.** Балтиморда Мэри деган қизга ошиқу беқарор бўлиб қолгандим. Ўзиям ўлгудай севарди, мени.

**Виржиния.** ...

**Эдгар.** Ўша қиз турмуш қургач, эри билан Жерси шаҳрига кўчиб кетибди, деб эшитиб қолдим.

**Виржиния.** Хўш...

**Эдгар.** Ўшани излаб бордим.

**Виржиния.** Ахир у оила қурган бўлса, не мақсада бординг? Яшаш жойини, манзилени қаердан топдинг?

**Эдгар.** Виржин, азизим, биласанми, у мени жон-жонидан севарди. Шунини эсладим-у, чидолмадим!.. Нью-Йорк билан Жерси ўртасида қатнайдиغان паромда етти марта у ёқдан-бу ёққа бориб келавердим, бориб келавердим.

**Виржиния.** *(Ҳайратдан ёқасини тутди.)* Тавба-а-а!.. Эсингни едингми, Эдди? Мени бирон марта ўйламай...

**Эдгар.** Паромга чиққан йўловчи зоти борки, Девро жанобларини танийдиган одам борми деб, битта



қўймай сўрайвердим, суриштиравердим. Еттинчи марта паромга чиққанымда...

**Виржиния.** Йўловчилар сени жиннига чиқаришгандир, ўзиям?

**Эдгар.** *(Кулади.)* Топдинг! Жиннигаям, девонагаям чиқаришди. Мен эса суриштиришдан толмадим. Охири еттинчи марта паромга чиққанымда, буни қара-чи, Девро жанобларининг ўзлари Жерсига қайтаётган эканлар. Матрослардан бири у кишига, «Бир овсар йигит беш-олти кундан бери сизни излаб-суриштириб юрибди», деб хабар етказибди. Хуллас, танишдим: *(Кесатиқ оҳангига.)* Девро деганлари бўйчан, гўдайган киши экан. Лекин кўрдим-у, турқи ёқмади. «Эссиз, Мэри!» деб юбордим... ичимда айтдим. Хуллас, Девро жаноблари билан танишдим-у, мени уйингизга меҳмон қилинг, деб туриб олдим.

**Виржиния.** Қандай анойи экан, у жаноб? Бир оғиз гапингни эшитиб, уйига бошлаб боравердимми?

**Эдгар.** Кўнмаганига қўймадим. Сизнинг рафиқангиз Мэри хоним менинг яқин дўстим бўладилар, дедим. Шундан сўнг ишонди.

**Виржиния.** Ва олиб борди дегин...

**Эдгар.** Олиб борди. Ҳашаматли уй-жойлар, оқсочлар хизматда. Мэрини айтмайсанми! Бирам очилиб кетибдики!.. Кибор, аслзода!.. Биринчи бўлиб унинг садафдек оппоқ бўйнига кўзим тушди!.. *(Тантанали оҳангига.)* Тонг танг қолар унинг кўксин кўрганда!.. Хуллас, ҳурмат бажо айлаб, унинг, қўлини олиб лабимга босдим. Ана шунда кўзининг туб-тубида, биласанми, киши билмас мунг ва маъюслик яширинганини сездим!.. *(Пауза.)* Нима қилиб шу-унча кун оворай сарсон бўлганимнинг сабабини ўзим ҳам шунда билдим: Мэрининг тилларанг кўзойнаклари ортидаги шахло кўзлари тубидаги пинҳон изтиробни кўрдим-у, ҳолдан тойиб қолдим. *(Пауза.)* Увол бўлибди, Мэри, увол-л!.. *(Пауза.)* Меҳмон қилишди... Чурқ этмай ўтиравердим. Овқат келтиришди, бутун аламини овқатдан олдим. Бош кўтармай, паққос туширдим. *(Ўйчан.)* Биласан-ку, Виржин, мен ҳаётда бировлар мен ҳақимда нима деб ўйлашди экан, деган мулоҳазага борган эмасман. Қор-

ним очлигидан ёки овқати ниҳоятда хуштаъмлигидан эмас, аламимдан паққос туширдим. Тушуняпсанми мени, ортиқча суҳбатлашмаслик учун, ўзимни чалғитиш учун шундай қилишдан ўзга чора тополмадим. Галира бошласам борми, тилимни тия олмайман. Шундан чўчидим.

**Виржиния.** Ҳайрият...

**Эдгар.** Ҳайрият, дейсан-у, кейин барибир, бўлмади. Ўзимни тутиб ўтиролмадим. Ортиқ бардошим етмади.

**Виржиния.** *(Хавотирга.)* Нима дединг?! Наҳотки, сени иззат-икром билан уйда меҳмон қилган мезбонларни ранжитган бўлсанг?

**Эдгар.** Ранжитдим. Мэри хоним, сиз мана шу турқи совуқ билан кўриб-билиб турмуш қурдингизми, манави ҳашаматларга учиб хотин бўлиб юрибсизми, дедим.

**Виржиния.** Даҳша-ат! Эдди, бу — бориб турган безорилик!.. Эри индамай ўтиравердимиз?

**Эдгар.** Сапчиб ўрнидан туриб кетди. Шу ернинг ўзида отиб ташлайман, деди. Лекин гўзал Мэри босиқлик қилди. Бир пайтлар мен тўйиб-тўйиб бўса олган ипақдек нозик лабларини қимтиб ўтирди-ўтирдида, бизнинг оилавий ишларимизга аралашманг, деди-қўйди. Ортиқ гапирмади.

**Виржиния.** Кечирим сўрамадингми?

**Эдгар.** Кечирим сўраш хаёлимга ҳам келмади. Мэри шўрликнинг рангида ранг қолмади. Ундан нигоҳларимни олиб қочиш учун, нима қилишимни билмай, ликобчада турган редискани босиб, устма-уст оғзимга тиқиб, карсиллатиб чайнашга тушдим. Оғзим, тилим, тишларимгача ловуллаб ачишди!..

**Виржиния.** Бечора, Мэри...

**Эдгар.** Мэри ўрнидан турди-да, виқор билан қадам ташлаб... *(Бирдан ёдига тушиб.)* Боя Жейн хонимни, яъниким, соҳибжамол Еленанинг қаддини роз тутиб, виқор билан қадам ташлашини айтаётган эдим, сenga!..

**Виржиния.** Айт, айтавер...

**Эдгар.** *(Қагдини роз тутиб, тавозе билан қадам*

ташлайди.) Жейн самбитгулнинг навдасидек қомати-ни роз тутиб юрса сокин сув сатҳида сузиб бораётган оққушга ўшарди!.. Ҳар бир сўзи, нигоҳи, қўл ҳаракатлари... қадам олишигача илоҳий бир гўзаллик оламига фарқ этар эди, одамни!.. (Энтикиб.) Самодан тушган фаришта эди!..

**Виржиния.** Ҳар бир одам ўзини самодан тушган ҳисоблайверса, ким паст келади. Камтар-камсуқумлик ҳам фазилат.

**Эдгар.** (Салчиб туради. Таққа тўхтаб, бир нуқтага тикилганча хаёлга толади.) Мен — камтар-камсуқум... На кибр, на ҳавони билдим, на...

**Виржиния.** Ўзингни оқламасанг ҳам биламан, Эдди. Болалик чоғларингни айтиб бергансан-ку, ўзинг!..

**Эдгар.** Жим!.. Келишяпти. Мени соғинишганга ўхшашяпти!.. Кўнглим сезяпти!.. Ота-она бўлгач, соғинади-да!..

### Иккинчи кўриниш

Эдгар столда мутолаага берилиб ўтирибди. Бадавлат Жон Аллан ва унинг рафиқаси Фрэнсис хоним кириб келишади.

**Жон Аллан.** (Эдгарга, кесатиб.) Бекорчиликдан бошни урарга жой тополмай юрибдиларми?

**Эдгар.** Бекорчиликка вақт йўқ.

**Жон Аллан.** Эс-ҳуши бутун тирик жон борки, пул топиш, мол-дунё орттириш илинжида ўзини ўтта-чўққа уриб юрган бир пайтда жаноблари кун бўйи қироату сафсатабозликдан бўшамаяптилар чоғи?..

**Фрэнсис хоним.** (Жон Алланга, жигдий.) Жон, дарров бошлама. Қўйгин...

**Эдгар.** (Жон Алланга, жигдий.) Гўдаклигимдан қулоғимга қуйиб келаётган шундай танбеҳларингизни, ниҳоят, инобатга олиб, кўпчиликнинг ақлини лол қолдирадиган бир иш топдим. Кўпчилик эмас, ҳаммани — бутун инсониятни қизиқтиради, аҳли башар учун гоятда муҳим!.. Бутун рўзвор ташвишлари сизнинг зиммангизда бўлган оиламиз аъзоларига эса кони фойда!..

**Жон Аллан.** *(Жигдий тортагу.)* Йўв-э?..  
Нечук?

**Эдгар.** Мўлжалимдаги шу иш юришиб кетса, мен ҳам еганим — олдимда, емаганим...

**Жон Аллан.** *(Истеҳзо билан кулади.)* Ҳозир ким кўп — хом хаёлга берилиб, тасавурида бойиб кетаётган кўп. Қўлидан ҳемири келмайди-да, «емаганим — кетимда»га тушади!..

**Эдгар.** Тўппа-тўғри! Мен ана ўшандай хомхаёллар кунига тушмаслик учун ҳам сизнинг хонадонингизда олган тарбиям, ўқиган китобларимдан тўплаган фикр-фикр ақлимни нақд бойликка айлантириш йўлини топдим! Жарақ-жарақ пулга айланмайдиган илмни бошшимга ураманми! Тўғри эмасми?! Эссиз, шу пайтгача китобдан бош кўтармай уйга қамалиб ўтираверибман-у, бойлик орттиришни хаёлимга келтирмабман. Қараб туринг, шу ишни бошлаб олай, мўмай даромад сувдек оқиб кела бошлагач, шон-шухрат ҳам, мол-давлат ҳам садоқатли лайчадек тилини осилтириб изимдан эргаше-еб юради!..

**Жон Аллан.** Тушунмаяпман. Бирдан... Қандай қилиб?!

**Эдгар.** Кечалари мижжа қоқмадим, ўйлай-ўйлай каллам тарс ёрилай деди. Сўнг шундай қатъий қарорга келдим. Яъни, айтаверайми?..

*(Пауза.)*

Буруншунос бўламан!.. Қани, айтинглар-чи, кимда бурун йўқ? Онасидан бурунсиз туғилган биронтасини кўрганмисизлар? Ана, қаранг (залга), кексаю ёш, эркагу аёл, шоҳу гадо қатор-қатор — бурни бор. Паррандаю даррандининг, чўчқаю суваракнинг, қурт-қумурсқанинг... вой, вў-ў-ў, ҳисоблаб чиқилса, бу ёрув дунёда озмунча бурун борми?!

Жон Аллан билан Фрэнсис хоним бир муддат анг-танг бўлиб, анграйиб қолишади.

**Фрэнсис хоним.** *(Бўшашиб.)* Тўғри-и...

**Жон Аллан.** Ўйлаб кўрмаган эканман...

**Эдгар.** Фақат сизлар эмас, ҳеч ким ўйлаб кўрмаган. Тумшугининг у-учидаги бурнини хаёлига ҳам келтирмаган. Бурним бўлмасаям, у таг-тугидан узилиб тушсаям яшайвераман, деб ўйлашади. Чунки бурун башаранинг қоқ марказида жойлашганига қарамай, одамнинг танасидаги энг хокисор аъзо. Аҳён-аҳёнда бир артиб-суртиб қўймасак, ортиқча эътибор ҳам қилмаймиз. Хокисор-да, ёзда қуёшдан, қишда аёздан асрамаймиз ҳам, шўртумшукни. Ваҳоланки, бурун ўз бурчини — вазифасини адо этишдан воз кечиб *(тик турган кўйи бармоғининг учлари билан бурнини қисади)* икки дақиқа нафас олмай қўйсин, нима бўлади? Нақ қиёмат қўпади-я!.. Киссасидаги эмас, чангалидаги ақчасини санашга чоғи келмай қолади-я, одам!.. *(Шилқ этиб ўзини стулга ташлайди.)*

**Жон Аллан.** Кейин-чи?

**Эдгар.** Нима, кейин?

**Жон Аллан.** Турган-битгани жарақ-жарақ фойда дединг-ку?..

**Эдгар.** *(Кулимсирайди.)* Мендек буюк буруншуноснинг ҳаммадан бурун яратган буруншуносликка доир ноёбу-нодир асарлари бутун инсониятнинг бурни олади...

**Жон Аллан.** Инсониятни қўй, Эдгар, ўзинга, ўзимизга қандай фойда келишидан гапир.

**Эдгар.** Ҳа, шуни айтинг! Ана ўшанда сиз дўконпуконингизни менга ўхшаш етим-есирларга эҳсон қилиб юборасиз. Чунки сиз бурун ва буруншунослик орқасида ёғилиб келаётган пулларни санашдан бурнингиз... э, кечирадилар, қўлингиз бўшамай қолади. Ахир сиздек бадавлат ва аслзода инсон бурнингиздан сўнгги нафасингиз чиқиб кетгунча пул санамасангиз нақ қиёмат қойим бўлади-ку, шундай эмасми?! Қаердан, қай йўсинда келишнинг нима фарқи бор, сиз учун?

**Фрэнсис хоним.** *(Эдгар майнабозчилик қилаётганини пайқайди.)* Эдди! Ўғлим! Нима қиласан, жигига тегиб?..

**Жон Аллан.** *(У ҳам боядан бери калака бўлаётганини тўсатган сезади.)* Сир бой бермасликка уриниб,

*Эдгарга пичинг қилади.)* Ж-жудаям ноёб-б машғулот топибсан-н!.. Ҳа, энди, ўқишни эплолмадинг, ҳарбийга қочиб қутулмоқчи бўлдинг — уддасидан чиқмадинг. Қалампирдан ясалган бу тилинг биронта одам билан муросага йўл қўймаса... Буруншунос бўласанми, сафсатабозми, мен айтган гапни унутма: шу кетишда умринг ҳасратда ўтади, бола!..

Эдгар шартта ўрнидан туради, Фрэнсис хонимга таъзим бажо келтиради-да, шахдам қадамлар билан хонадан чиқади.

### Учинчи кўриниш

Эдгар Виржиния билан.

**Эдгар.** Тушу尼亞панми, Виржиния. Ҳар бир аёл ўзини фариштадек тутиши, фариштадек яшаши керак! Худо ҳар бир аёлга ўзгача гўзаллик, ўзгача тароват ато этган — шуларни, энг аввало, ҳар бир аёлнинг ўзи ҳис қилсин... Мен биронтаям аёлнинг қора меҳнатдан эгилиб-букилганини, эзилиб-нетганини кўришни истамайман! Сен ҳам... Қани, асалим, мен айтгандек юриб кўрин.

**Виржиния.** *(Эдгар ўргатгандек қилиб юради. Кулади.)* Энди ёқдими?..

**Эдгар.** *(Жигдий.)* Қақдингни букма! Шошма! Иягингни сал кўтар, тўғрига қара. Ҳа-а, мана шундай!.. Шуниям унутма — сен оқсоч ёки хизматкор эмассан, эртақ кеч куймаланишавермай, дамингни ол. Китоб ўқи. Тошойнага қараб, ўзингни томоша қил. Умр бўйи ўзини ойнага солиб томоша қилмаган аёллар бор.

**Виржиния.** Қўйсанг-чи, Эдди! Сен қаердан биласан?

**Эдгар.** Гапимни бўлма, жоним. Тошойнага қаргин-да, «Мен дунёдаги э-энг гўзал аёлман!» дегин. *(Залга қарата.)* Ана, ҳар битта аёл — кексадир-ёшдир, айтсин: «Мен дунёдаги энг гўзал аёлман!» де-

син!.. Айтгин-да, сўнг пианино чал. Товушингни эҳтиёт қил, хўпми, ёлғизим! Малол келса, авжини ас-тароқ айт.

Хонага Клемм хоним киради. Қизи билан куёвининг суҳбатига мамнуният билан қулоқ солади.

**Клемм хоним.** Рўзгор юмушлари ўзимдан ортмай-ди, болам...

Эдгар ҳамон рафиқасидан ҳаёдиши узмай қайнонасининг рўпарасига келади, тавозе ва виқор билан энгашиб, унинг қўлини лабига келтириб утади. «Сиздан ортмагани учун мен ҳам айбдор!..»

**Виржиния.** *(Ҳамон у ёқдан-бу ёққа юради.)* Елена хонимга ўхшатиб юряпманми?.. *(Тўсатдан йутал ту-тади. Энгашиб қолади.)*

**Эдгар.** Жудаям зўриқма. Қоматингни ўз ҳолига қўйиб, э-эркин юргин-да, жоним!.. Киборларча яшаш виқор билан юришга одатланишдан бошланади. Пил-дир-пилдир қилиб, алпанг-талпанглаб юрадиганлар бор-ку, ўшалар бирор юмшоқроқ курсига ўтириб қолса бирдан қадам олишлари ўзгариб, босайми-босмайми қабилида... таманно қилган, кўз қарашлари сузилган... саломлашса бош ирғаш билан чекланган... э, курсингни юмшоғига урай!.. Киборлик аёлларга ярашади.

**Виржиния.** Эдди! Жуда ошириб юборасан-да!.. Елена, яъни Жейн хоним билан танишганингда бор-йўғи ўн беш ёшда бўлгансан. Ёш бола бошингга қаёқдан шунчалик кузатувчан бўлиб қолгансан, тавба!..

**Эдгар.** *(Уйчан.)* Мен бола бўлмаганман... Онамдан бола бўлиб туғилсам туғилгандирман-у, ўтай отамнинг қўлида катта одамлардек яшаганман... У ердаги ҳар битта муомала, ҳар битта кўз қараш мени улғайтирибгина қолмай, кексайтириб ҳам юборган... Ўттиз ёшли Жейн хонимга ошиқу беқарор бўлиб қолганим-да, ҳа, тўғри айтдинг, эндигина ўн беш ёшли... кап-катта эркак эдим!..Елена менга худди ўзига тенгдош эркакларга қарагандек муомалада бўларди. У хоҳлаганидек эркак бўлиб вояга етиш орзуси мени янаям улғайтириб юборган...

**Виржиния.** Орзуинг рўёбга чиқдими?

**Эдгар.** *(Хаёлчан.)* О, Елена, сенинг тароватинг олдида мен...

Кутурган денгизларни кездим сар-сари,  
Лекин дилни орзиқтирган илоҳий жамолинга,  
Кўрк бағишлар эрди сумбул сочларинг шалоласи...

Орзуим?.. Нега меңдан сўраяпсан? Орзуимни бошқалар билмаса-да, сен билишинг керак.

**Виржиния.** *(Кулшмсираб.)* Ҳар куни минг битта орзу, қай бирини билиб улгурай?

**Эдгар.** Ўша минг битта орзуни бутун биттага жамлаяпман.

**Виржиния.** Қанақасига?

**Эдгар.** Мени туғиб дунёга келтирганча ҳаётдан видолашган онамдан тортиб, гўдаклигимдан кафтида кўтариб катта қилган, тарбия берган Фрэнсис хонимгача, бир бурда нонни минг миннат билан раво кўрган Аллан жанобларидан, соҳибжамол Еленадан тортиб... ҳамма-ҳамма яқинларимни бутун уйимга — шу ерга чорлайман. Улар мени жудаям соғинишганини юрак-юрагимдан ҳис қиляпман. Марҳамат, уйим тор эса-да, аввал сизлар келинлар, кўнглим — хаёлларим бепоянлигини кўриб қўйинглар, дейман!.. Сўнг мен ўзим сизлар чорлаётган ёқларга бораман... Кўрасан, шундай дейман, уларга, жоним!..

**Виржиния.** *(Хавотирда.)* Мен-ку, қарши эмасман... Нималар деяпсан, Эдди?..

**Клемм хоним.** Мен ҳам... Кутиб олавераман... Қўлимдан келганича...Лекин жон болам, қўйгин, шундай хаёлларни...

**Виржиния.** Толиқиб қоласан, Эдди. Бир оз қувватга кирсанг, кейин чорлар эдикми, ҳаммаларини?.. Мен ҳам ёнингда тураман, уларни кучоқ очиб кутиб оламиз.

**Эдгар.** Жим. Сен оғзинга олма, бу гапни!.. Мен эса... Вақт зиқ. Келаверишсин, ахир мен чақириб қўйдим ҳаммаларини. Чақириб қўйиб, энди лафзимдан қайтолмайман, жоним!..



## Тўртинчи кўриниш

Эдгар каравотда ёнбошлаганича ўқиб ётибди. Грисвольд ва икки ҳамкасби киришади.

**Эдгар.** Қани, қани, келинлар. Марҳабо!

**1-ҳамкасб.** Келмасак, ётаверасанми, Тузукмисан, ўзи?

**Эдгар.** *(Кулимсираб.)* Бетоблигим ҳам ёдимда йўқ. Ҳар куни тонгда уйғониб, ишга отланаман-у, қувватим етмай...

**Грисвольд.** Қувватим етмай, дейди-ю, кечагинда Клемм хонимдан бир талай мақола, шеър, тақриз жўнатибди. Ёзадиган машинанг борми дейман, нима бало?!

**Эдгар.** Бор, бор! Ёзадиган машина ичимда. Ўзиям роса ёзадиган пайти келди-да!

**Грисвольд.** *(Истеҳзоли кулади.)* Ол-а! Кимнинг ниёти нима, ким нима қилмоқчи — билиб бўлмай қолди-ю!..

**1-ҳамкасб.** Нега билиб бўлмас экан?! Ҳамманинг дарди тайин — пул топиш! Жарақ-жарақ топса, топганини каламушга ўхшаб қавагига тикаверса. Қавагига тахлагани оз кўриниб, яна босар-тусарини унутса...

**Эдгар.** Яша! Босар-тусарини унутган ҳар бир одам — битта поэма. Битта драма!

**2-ҳамкасб.** Жа, оширворасан-да, Эдди!

**Эдгар.** Мутлақо! Нима учун шундайлигини айтайми?

**2-ҳамкасб.** Айт-айт.

**Эдгар.** Босар-тусарини унутган, талвасага тушган одамнинг бутун феъл-атвори — фазилатиям, қусуриям юзага қалқиб чиқиб, беш қўлдай кўриниб қолади. Америка ҳам шу: ўз йўлини топиб олгунича жамият ҳам шундай одамнинг аҳволига тушади. Бу эса сизу биз — қалам аҳлига кони фойда. Ҳар қадамда бири-бирдан ажойиб мавзу «Мени ёз!» деб тарикдек сочилиб ётибди. Тўғри эмасми, жаноблар? *(Залга қарайди.)* Тўғри эмасми, хонимлар? Ҳар биттангизни, қўйиб берсак, гапирадиган, тўкиб соладиган дард-ҳасратингиз озми? Ичингизда бижғиб ётган зардоб йўқми? *(Дўстларига.)* Нега шуларни ёзмайсизлар?

**2-ҳамкасб.** Тўғри гапиряпсан, Эдди. Ёзиш керак. Фақат сенга ўхшаб бунчалик бош кўтармай ишлаш одамни синдириб ташлайди-да, ошна.

**1-ҳамкасб.** Синдириш ҳам гапми?! Кунпаякун қилади!

**Эдгар.** Кунпаякун қилганга ҳам ўхшаяпти... Қалам тутишга ҳолим қолмаяпти... Ўрнимга Грисвольд жаноблари иш бошлабди. Маъқул...

**1-ҳамкасб.** Қўйсанг-чи, Эдди, тезроқ соғайиб кетсанг, ҳеч ким сени журналдан ҳайдаётгани йўқ. Қаёққа бойиб бўлдинг, ўзи, тўсатдан?

**Эдгар.** Нью-Йоркка бордим. У ердан Жерсига ўтдим. Эски қадрдонлар билан отамлашдик...

**1-ҳамкасб.** Шуни бир офиз огоҳлантирсанг бўларди-ку. Тартиб-интизом деган нарсалар бор, ахир.

**Эдгар.** *(Кулимсирайди, жиддийлашади.)* Тартиб-интизом дейсан-а!.. Виржиния овир касал. Бир йўтал тутиб қолса, жонимни берворгим келади, лекин бефойда. Тепасида туришга эса юрагим чидамайди. Менинг рафиқамга, Балтимор шахрига эмас, бутун Америкага ҳаво етишмаётгандек туюлади. Чидолмайман. Чора тополмаётганим алам қилади, ўзимга. Сўнг, қочаман, бош олиб кетаман... Грисвольд анча тартиб-интизомли деб эшитдим...

**1-ҳамкасб.** Қўйсанг-чи, Эдди. Грисвольд ҳам ҳамкорлик қилаверади... Биров сенинг қўлингдан ишингни тортиб олаяптими?..

**Эдгар.** Мен ишлаш ё меҳнатдан эмас, ишсизлик ва бекорчиликдан толиқаман. Бекор қолсам ваҳим босаверади, ўзимни кўярга жой тополмайман. Мен хаёлимни ўз ҳолига қолдирмаслик учун ҳам тинимсиз банд бўлишим шарт. Ўзим ҳам, хаёлларим ҳам банд бўлиши керак... Мен...

**2-ҳамкасб.** *(Эдгарни атайин чалғитиш мақсадида.)* Сизлар ҳали Эдгарнинг хат ёзиш жинниси эканини билмайсизлар!

**1-ҳамкасб.** Қандай хат жинниси?

**Грисвольд.** *(Истеҳзо билан.)* Америкада По жанобларининг хатини олмаган инсон қолмайди, яқинда.

**2-ҳамкасб.** *(Бегараз кулиб.)* Қўйиб берсанг, жанобимиз Ойгаям хат йўллашдан тоймайдилар!

**Эдгар.** Жефферсондек улур зот умри бүйи ўттиз мингга хат ёзган! Мен ҳам қўлим бўшади дегунча, хат ёзгим келади. Хат ёзсам роҳатланаман. Мен ҳаммангиздан ёлбориб-ўтиниб сўраган бўлур эдим: хат ёзинглар. Тўкилиб-тўкилиб ёзинглар, шундай е-енгил тор-тасизларки!..

**Грисвольд.** *(Кесатиб.)* Бу кетишда Жефферсонни дорда қолдирадилар, чоғи?..

**Эдгар.** *(Тушқун.)* Қолдиришга қолдирардим-у, умрим етмайди-да, бунча хат ёзишга...

Орага жимлик чўқади. Клемм хоним киради.

**Клемм хоним.** Хуш келибсизлар. Ўтиринглар. Кимга қаҳва келтирай? Кимга чой?

**Грисвольд.** Соҳибжамол Виржиния бекамиз дуруст-милар?

**Эдгар.** *(Грисвольдга.)* Дуруст, дуруст. Айниқса, «Америка шоирлари»ни ўқиганимиздан буён анча дуруст!

**1-ҳамкасб.** Қўйсанг-чи, шоир. Ҳалиям ўша гинакудуратни сақлаб юрибсанми? «Америка шоирлари» китоби чиққанига қанча бўлиб кетди!.. Ундан буён Грисвольднинг танқидчи сифатида сенинг ижодингга муносабати яхши томонга анча ўзгарган.

**Эдгар.** Ўзгармаганда-чи?! Жон Китсдек нозиктаъб шоирни танқид қилавериб, ҳоли-жонига қўйишмади. Шўрлик ўттизга чиқмай ўлиб қутулди. Мен шоир сифатида Грисвольдга ёқмаган бўлсам, осмон узилиб ерга тушмас?! *(У саҳна чеккасига келиб, залга мурожаат қилади.)* Менинг шоирлигим танқидчига ёқиши муҳими ёки сиз — мухлисларгами? А, айтинглар, азизлар!..Ёки Грисвольд исми танқидчи жанобимга ёқмади деб сочимни битталаб юлайми?! Айтинглар!

**Грисвольд.** Шоирнинг танқидчига ёқиш-ёқмаслиги алоҳида мавзу, По жаноблари, мен сизнинг ўзимизда шу-унча мавзу қалашиб ётган, миллатимиз шаъни-шавкати ҳақида қайғуриш керак бўлган бир пайтда аллақайдаги кимсага бағишлаб шунчалик завқ билан поэма ёзганингизни...шу-унча эҳтиросни ҳавога совурганингизни тушунолмаганим, холос.Тағин, китобингизни ўша инсон номи билан атабсиз-а!.. *(Елка қисади.)*

2-ҳамкасб. «Темур ва бошқа шеърлар» китобини айтаяпсизми?

Грисвольд. Ҳа-да!..

Эдгар. Биринчидан, Темур алақаёқдаги кимса эмас, дунёнинг сал кам ярмини забт этган саркарда! Иккинчидан, мен мана шундай жаҳонгир ҳам оддий одамлар сингари изтироб чекиши, ўйларга толишини, унинг э-энг инсоний туйғуларини тасвирлашга уринганман.

(«Темурбек» дostonидан парча ўқийди.)

Ҳавойи кибрдан шарафсизликка  
Инган руҳ сирини турарсан билиб.  
Шайдо дил, увада шуҳратингни ва  
Тахт тошлари аро жилвалар қилиб...

Грисвольд. (Кесатиқ оҳангига.) Ўқиганми-из...

2-ҳамкасб. Кўйинг, ўқийверсин. Эдгар, ўқи, оғайни.  
Эдгар. (Ҳамон шеър таъсирига.)

Афсуски, муҳаббат сирини очмоқ  
Учун керак сўзнинг бариси пучмоқ!

Шеър ўқишдан тўхтади. Бошқалар унга қарайди.

Эдгар. (Пичинг аралаш давом этади.) Учунчидан эса, буни қарангки, (ҳамкасбларига) рўпарангизда турган жаноби танқидчимиз мен ўн уч ёшимда — айна шу поэмани ёзган йилим дунёга келганлар!..

3-ҳамкасб. Яша, Эдди, ўзиям сен билан баҳслашган одамни жигини эзмагунча тинчимайсан-да!..

Грисвольд. Кечирасизлар, муҳтарам ҳамкасб жаноблар! Мен журналга янгигина келган ходимман, қолаверса, биз эски гина-кудуратларга ойдинлик киритиш учун эмас, бемор дўстимизнинг ҳолидан хабар олиш ниятида келганмиз. Шунини унутмасликка даъват этман, сизларни!

Эдгар. Мен ҳам шу фикрдаман, Грисвольд. Омон бўлсак, шеърят, умуман, адабиёт майдонида кў-ўп олишармиз. Бутун, ҳозир эса... Мен ўзимдан эмас, Виржиниядан кўпроқ хавотирдаман... (Овозини пасайтиради.) Бир нарса бўлиб қолади, деган шум хаёлда кечалари уйқум ўчиб кетяпти. Шўрлик...

**2-ҳамкасб.** Ниятингни яхши қил, Эдди! Америка қирғинбарот урушлардан қутулиб, энди мустақил яшай бошлаганида, қимирлаган жон борки, ишласам, топсам деб елиб-югуриб юрганида ўлимни ўйлаш бемаънилик.

**Эдгар.** Нимасини айтасан, дўстим! Бизга қолса ўладиган анойи йўқ. Айтдим-ку, айна бош кўтармай ишлайдиган замон келди. Фақат ишлаш бошқа, талваса, жазава бошқа... Мамлакат оёққа туриб, ҳаётни изга солиб улгурмаганидан фойдаланиб, бойлик орттириш талвасасида ҳеч бир номаъқулчиликдан, тубанлик ва разолатдан ҳазар қилмайдиганларнинг уруғи ёмон урчиди. Бунинг касофати...

**Грисвольд.** Ҳар қандай сув тинишидан бурун, яхшилаб лойқаланади, шунинг учун бу жуда табиий ҳол.

**Эдгар.** Муҳтарам танқидчимиз шуни унутмасинларким, одамлар сув эмас, лойқа ҳам эмас. Тўғри, мамлакат йил сайин йўлини топаяпти, фақат шу аснода аксарият бетоқатлар йўлсизликдан саросимага тушиб қоляпти. Кўряписизлар, кўпчилик эртанги кунга ишонишнинг бирдан-бир чораси — бойлик, фақат бойлик орттириш деб ўйлаяпти. Аслида бу йўл, охири-оқибат, жарга обориб қулатишини тушунтириб қўйиш бизнинг вазифамиз, бурчимиз!

**Грисвольд.** *(Хахолаб кулади.)* Муҳтарам шоиримизга ошкора айтишга мажбур бўляпмиз, яъни уччига чиққан хаёлпарастсиз! Гапим учун асло разабланманг, Эдгар По жаноблари, сиздан ўн уч ёш кичик бўлсам-да, дилимдагини айтишга ижозат берасиз, деган умиддаман. Бошқалар билмаса айб эмасдир, лекин сиз билан биз жудаям тушуниб олишимиз шарт бўлган бир аччиқ ҳақиқат бор: пул ҳукмронлик қилган жойда ҳақиқат тилини қисиб ўтиради. Ҳозиргина айтган гапингизни қаранг, эшитган одам сизни истаганича мазах қилиши муқаррар! Сиздек мантик илмининг билимдони бундоқ ўйлаб кўринг, ахир: қоп-қоп пул йиғиб, қалъаю қаср қураётган қайси ҳамюртингиз бунақанги сафсаталарга қулоқ солади?! Улар сиз билан биздақа шўртум-шукларнинг маслаҳатига қараб қолган жойи йўқ! Очиғи, улар биз сингари шоиру қаламкашдан кўра анчагина ақлдиларки, кўпчиликка қараганда яхшироқ, фаровон-

роқ яшашяпти!.. (Пауза.) Ночор-нотавонлар эса сизнинг бундай доно маслаҳатларингиз битилган газета-журналингизни сотиб ҳам ололмайдди!.. Кўлига тушиб қолган тақдирда эса, сизнинг сўзларингизни ўқиш юрагига сиғмайди. (Кулимсирайди.) Турмуш ташвишларидан гангиб, юрагига қил сиғмаётган қашшоқ одам газета ўқирмиди!.. Тағин шу жойларда осмонўпар уй-жойлар қурилади, деб ёзганингизга ўлайми?! Қорнини эплаб тўйдиролмаётган одам осмонўпар уй қуришни ўйлайдими?! Шоирлик ҳам эви билан-да!..

**1-ҳамкасб.** Осмонўпар уй? Америкадами?!

**Эдгар.** Манхеттенда!

**1-ҳамкасб.** Манхеттенда?1 Вой, до-од, худойим-м!..

**Эдгар.** Кимда-ким шу гапимга ишонмаса, ён дафтарини олиб, ёзиб қўйсин: шундай замонлар келади-ки, Манхеттенда камида йигирма қаватли уйлар қурилади!.. Ҳозир устимдан кулаверинглар, вақти келиб, эҳтимол... мендан кейин ўқиб юрасизлар. (Ҳолсизланиб ўтириб қолади.)

Клемм хоним тўртта чашкада чой, қаҳва кўтариб киради.

**Эдгар.** (Кўлига қоғоз олиб, ўқийди.)

Бир кун ярим кечаси мен оғир хаёллар ичра  
Кўҳна китобларни уйқу элтиб варақларкан  
Ва ралати тушлар кўриб ётарканман кўққисдан  
Кимдир уни қоққанидай эшигим тарақлади.  
«Ярим туннинг сукунатини бузиб менинг гўшамга  
Кимдир меҳмон бўлиб келди», дея ўйладим...

**1-ҳамкасб.** Эдгар!..

**2-ҳамкасб.** Қачон ёздинг, Эдгар?

**3-ҳамкасб.** Охиригача ёздингми?..

Виржиния кириб келади. Қадини тик тутиб, виқор билан юради. Меҳмонлар «Ў-ў!», «Ана, ниҳоят!» дея уни қарши олишади. Бирма-бир келиб, унинг қўлини ўпишади.

**Грисвольд.** Виржиниядек малаксиймо яшаётган хонадонда бу каби хуноб шеърлар битилишига шахсан

мен бароят ҳайронман!.. Ахир Виржиния-я!.. Қаранг, бу кўзлар, бу қадди-қомат!.. Бу сўлим ва бокира, парку-булут мисол фаришта!..

**Виржиния.** Тунда келган меҳмон — мен...

**Эдгар.** Виржиния! Ундай дема!..

**Виржиния.** Эшик қоқаётган меҳмон — мен, азизим, Эдди!..

**Эдгар.** (*Зўраки кулади.*) Ахир шеърнинг давоми ҳали қорозга тушгани йўқ. Унинг маъноси сен тушунгандек эмас. Уни қандай туталлашимни ўзим ҳам билмай юрибман...

**1-ҳамкасб.** Тан олиш керак, ажойиб шеър бўлиши сезилиб турибди! Оҳанги жудаям таъсирли!

**Грисвольд.** Сиз хавотирланманг, Виржиния. Ҳар бир шоирнинг изтиробидан эзилаверсангиз, бу дунёда яшаб бўлмайди.

**3-ҳамкасб** Виржиниянинг елкасидан кучиб, унга сўзсиз тасалли беради. Клемм хоним почтачини бошлаб киради.

**Почтачи.** Ҳамманинг оғзида Гатлиннинг ўлими!

**3-ҳамкасб.** Нима деб ёзишибди?

**Почтачи.** Ақл бовар қилмаган ёвузлик дейишяпти. Қотилларга ўлим жазосини талаб қилишяпти.

Ҳамма битта-битта газета олиб, кўз югуртиришга тушади.

**3-ҳамкасб.** Тўғри-да! Гатлиндек истеъдодли шоир ўлиб кетаверади-ю, ҳеч ким жазоланмайдими?!

**2-ҳамкасб.** (*Ўқийди.*) «Миллат душманларини халқнинг кўз ўнгида осиш керак!..»

**1-ҳамкасб.** (*Ўқийди.*) «Гатлиндек шоирни азоблаб ўлдирганларнинг ўзлари азоб-уқубатта гирифтор этилиши керак!..»

**Грисвольд.** Ия, ия! Жанобимизга таъна тошлари отилибдими?

Бошқалар унга, унинг қўлидаги газетага қарайдилар.

**Грисвольд.** (*Ўқийди.*) «Ҳар қандай бошқотирма-ю, чигал жиноятлар ечимини топишга сўз берган Эдгар

Аллан По жаноблари нега сукут сақлаяпти? Наҳотки, Гатлиндек қаламкаш ҳамкасбига у кишининг жони ачишмаса?!»

**Эдгар.** *(Кулади. Жигдийлашади.)* Нега ачишмас экан?.. Бироқ Гатлиннинг ўлимида жиноят йўқ.

**3-ҳамкасб.** Нима-а?!

**Грисвольд.** Ана, холос!.. Мана, сизларга яна битта янги фикр!.. Билиб қўйинглар, қачон ва қаерда ном чиқармоқчи, шуҳрат қозонмоқчи бўлсанглар, энг осони — ҳамма «тўғри» деб турган нарсани «нотўғри» деб овоза қилинган!.. Борди-ю, бутун Америка «қотиллик» деб бир овоздан ўз нафратини изҳор этаётган бўлса, мана, жанобларига ўхшаб «йўқ, қотиллик эмас» десанглар, қарабсизки, доврунгииз дунёга таралиб турибди-да!

**Эдгар.** *(Босиқлик билан.)* Жиноят йўқ...

**Грисвольд.** Полиция маҳкамалари, қилни қирқ ёрадиган изқуварлар нима деб турибди-ю, бу кишим...

**Эдгар.** Яна такрорлайман: жиноят йўқ!

**2-ҳамкасб.** Ахир қамоқда олинган икки эркак ва бир аёл тун бўйи Гатлинга тан азоби берганини бўйнига олди-ку?!

**1-ҳамкасб.** Бобой ҳам!..

**Эдгар.** Уларнинг тўрттови суд қилинади, қамалади ҳам. Бизга ўхшаш журналистлар газеталарни тўлдириб ёзамиз, одамлар адолатли жазо берилганини ўқиб, кўнгиллари жойига тушади.

**3-ҳамкасб.** Кейин-чи?

**Эдгар.** Кейин, йиллар ўтиб, мана шу тўрт кишига асоссиз жазо берилгани тасдиқланади.

**Грисвольд.** Қандай қилиб? Башорат қилсинлар-чи!..

**2-ҳамкасб.** Кўнглинг сезаётганини айт, бизлар ҳам билайлик.

**Эдгар.** Айтсам куласизлар, айтмасам... ҳа, майли... Мантиқ илмининг бир сири бор: ҳақиқатни ҳадеб қудуқ тубидан излайвермай, тоғу тошнинг чўққисига ҳам, ён-атрофга ҳам қараш керак... Чунки одамлар ҳеч кимсага ёрмаган кўнгилдаги ҳасратларини фақат қудуқ тубига эмас, кимсасиз тоғларга ҳам раво кўрадилар...



**2-ҳамкасб.** Эдди, илтимос, майнавозчилик қилмагин!..

**Эдгар.** Майнавозчилик?! Бор ҳақиқатни очиқ-ошкор айтсанг ҳам майнавозчиликка йўйишади-я!.. Газета-журналларни қаёқдаги бошқотирмалар босиб кетганини ҳам енгилтаклик, бемазагарчилик деб аюҳаннос солиб юришибди!.. Аслида ундай эмас!.. Арзонгаров алдам-қалдам дея камситилаётган ўша бошқотирмалар минг-минглаб, миллионлаб оддий одамларни турмуш қийинчиликларидан чалғитувчи эрмаклик вазифасини ўтамоқда. Майли-да, ҳориган кўнгилларга ором бағишламоқда.

**Грисвольд.** Матбуотнинг вазифаси одамларни турмуш қийинчиликларидан чалғитишми? Ундан кўра, одамларни сафарбар этиш маъқул эмасми?

**Эдгар.** Сафарбар бўлгани билан амалда бирор ишнинг удаасидан чиқолмаслик кўрқуви... боши берк кўчага кириб қолган ва ўзини ожизу нотавон ҳис этаётган одам лоақал нафас ростлаш умидида энг оддий, энг жўн машғулотдан ҳам таскин, тасалли топади. Ўзини чалғитади.

**1-ҳамкасб.** Бу гапларни Гатлиннинг ўлимига нима дахли бор?

**Эдгар.** Жудаям дахли бор-да! Жамият ҳали-вери йўлини тополмай, қийинчилик устига қийинчилик қалашиб келавергач, бошини қай деворга уришини билмайдиганлар чунонам кўпаядики!.. Бир қисм одамлар яхшилик қилади, яратади, қуради, бунёд этади, бошқалари бузади, вайрон қилади. Орада яна қанчадан-қанча ғалати-ғалати тоифа одамлар болалайди. Худодлик даъвосидагилар кўпаяди, кўз кўриб-қулоқ эшитмаган хосиятли кимсалар пайдо бўлади. Гатлиннинг жонини суғуриб олганлар ҳам мана шундай — ўзларидаги ноёб хосиятни кўз-кўз қилиб қўймоқчи бўлган замонамизнинг қўлбола сеҳргарлари!.. Бири — ўқитувчи, иккитаси — рассом. Бирортаси жиноятчи, каллакесар ёки босқинчи эмас. Бобой эса шоирга, ҳатто, қўлининг учини ҳам теккизмаган. Шоирни тўнаш мақсади эса мутлақо тасдиқланмади...

**Грисвольд.** Шоирнинг нимасини тўнайди?!

**Эдгар.** Ҳа, баракалла! Энг қизиғи, Гатлин бирор

марта қаршилиқ кўрсатмаган!.. (Жим бўлади, суҳбат-дошларига бирма-бир кўз ташлайди.) Шунисини ҳеч ўйлаб кўрдингларми?.. Бирон марта қарши қўл кўтармаган, ҳатто, ўзини ҳимоя ҳам қилмаган. Ваҳоланки, истаса, қаршилиқ кўрсатишга бемалол кучи, қурби етарди. Лоақал ўзини ҳимоя эта оларди.

3-ҳамкасб. Ўлардай маст бўлган, чекиб олган деб ёзишди-ку?

Эдгар. Мутлақо бўҳтон! Ўша хонадонга йиғилганларнинг ҳеч бири оғзига бир қултум ҳам ичкилик олган эмас. Оғзига олмаган-а!.. Бундай ажабтовур ишлар билан шуғулланадиган одамлар, одатда, ичкиликдан ҳазар қиладилар. Гиёҳвандлик ҳақида-ку, гап бўлиши мумкин эмас. Ичкилик, гиёҳвандлик бор жойда ундай тажрибага қўл урилмайди.

2-ҳамкасб. Қандай тажриба?

Эдгар. Одамнинг жонини танасидан суғуриб олиб, уни қайта жойига жойлаш тажрибаси!..

(Пауза.)

Грисвольд. Эдгар, азизим, шеърларингизга ўхшатиб жумбоқ қилмай, очиқроқ гапиринг.

Эдгар. Фаросатли киши учун ҳеч қандай жумбоқли жойи йўқ. Бобойни яхши биласизлар: у ҳар турли ғайритабиий ҳолатларда инсонни, унга қўшиб жонини бошқара оламан деган даъволар билан авом халқни озмунча лақиллатиб юрдими?! Авомни авом десак, Гатлингга ўхшаш, ўша муаллиму рассомга ўхшаш туппа-тузук одамлар ҳам унинг муридига айланиб кетишди. Бобой одамга азоб-уқубат бериш йўли билан унинг вужудидаги жонни қувиб чиқариш ва ўзи истаган лаҳзада жонни қайтариб қўйишга қодирлигини намойиш этиш мақсадида тажриба ўтказган. Гатлин эса тажриба ўзида ўтказилишига розилиқ билдирган. Шунинг учун ҳам у мутлақо қаршилиқ кўрсатмаган. Мана, гап нимада!..

(Пауза.)

Гатлиннинг ўлими — жамиятда мутлақо кўз кўриб-қулоқ эшитмаган қабилдаги жиноят турлари

етилиб келаётганидан бир далолат! Полицайларимиз, изкуварларимиз жиноятга муносабатни ўзгартирмас эканлар, бундан кейин ҳам доғда қолаверадилар, чунки жамиятда ҳаёт тарзи ўзгаргани сайин жиноятлар ҳам ўзгара боради... Шеърларимнинг мураккаблигини яхши эслатдингиз, Грисвольд, боягина ўқий бошлаган шеъримдаги қарға бор-ку, эшикни қоқаётган, Гатлин — ўша!.. Гатлин — қарға!.. Эшикни тақиллатаётган, темир панжарали деразадан мўралаётган қарға!..

Серпанжара ромни очган заҳотим  
Гўдайган ва кексайиб қолган бир қарға  
Чиқиб келди унинг ортидан аста  
Лапанглаб, аланглаб минг қўйли бойдай.  
Лекин келтирмади у таъзим бажо,  
Лордлардай кириб келди, димоғи осмон.  
Эриниб қанотин силкиди-да, у  
Семизликнинг кибри билан эшигим —  
Теппасида турган илоҳ Паллада  
Бюстига бориб қўниб олди-ку.

Афсуски, қарғанинг даракларидан маъно топишга ҳамманинг ҳам фаҳми етавермайди...

**Грисвольд.** Келинг, гўзал Виржиния! Бу қалби дағал эркакларнинг жиноят ва жазо ҳақидаги тортишувларига чек қўйиб, гўзаллик ва нафосат мавзудан сўз очинг.

**Эдгар.** Виржиния сиздек азиз меҳмонларни ёқимли хонишлари билан хушнуд этиши мумкин.

**Виржиния.** Эдди, мени кижолат қилма, жоним!..

**Эдгар.** Айт, жоним, юракдан чиқариб куйлагин. Меҳмонларга манзур бўладиган қўшиқларингдан куйла.

Виржиния пианино ёнига ўтиради. Оҳиста чалади. Хиргойи қила бошлайди. Ҳамма жим. Қўшиқ авжига чиқади. Эдгар тўсатдан ҳавотирга тушиб, Виржиниянинг ёнига боради, унинг рўпарасига ўтиради. «Астароқ!» деб улгурмай, Виржинияни йўтал тутади. Стулдан туради, қаддини ростлашга улгурмай букчайиб қолади. Эдгар уни бағрига босиб, бошини қучади. Шунда йўтал зўрайиб, Виржиниянинг оғзидан қон отиради. Эдгарнинг оппоқ қўйлагига қон сачрайди.

**Эдгар.** *(Жонҳолатга.)* Жоним!.. Тинчлан, бечорагинам! Ҳозир! Оҳ, тангрим!.. Мана, мана бу ерга ётгин. *(Виржинияни каравот томон етаклайди.)* Ёрдам беринглар! Клемм, Клемм хоним!.. Аммажон!..

Клемм хоним югуриб киради. Меҳмонлар шошиб қолишади.

**1-ҳамкасб.** Доктор чақириш керак!

**2-ҳамкасб.** Чақириш керак! Зудлик билан!

**Грисвольд.** Доктор нима қилиб берарди! Келгани билан ҳеч вақоси бўлмайди!..

**Эдгар.** Майли, дори-дармони бўлмасаям, ўзи келди-ку! *(3-ҳамкасбига)* Илтимос, сиз югуринг! Докторга хабар қилинг!.. Аҳволи ниҳоятда хавотирли, денг!..

**3-ҳамкасб.** Тушундим, ҳозироқ чақираман! *(Югуриб чиқиб кетади.)*

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Биринчи кўриниш

Клемм хоним мотам либосида, хомуш ўй суриб ўтирибди. Товуш чиқармай йиғлайди. Эдгар киради. Ширакайф.

**Эдгар.** Аммажон, йиғлаяпсизми?

**Клемм хоним.** *(Шошилиб кўзини артади.)* Йўқ, йўқ! Келдингми? Қаёқларга ғойиб бўлдинг, Эдди? Юракбағрим адо бўлди-ку, барака топгур!..

**Эдгар.** Мендан хавотир бўлманг, амма. Сиздек муштипар ва беозор инсон олдида мен — ҳеч кимман. Ҳеч ким-м...

**Клемм хоним.** Ундай дема, айланай. Сени бутун Америка танийди.

**Эдгар.** Бутун Америка танийди-ю, ўзим на Америкага, на... дунёга сизмаяпман...

**Клемм хоним.** Феълингни кенгроқ қил, Эдди. Ахир бу ёғи...

**Эдгар.** Тўғри айтасиз, бу ёғи нима ҳам қолди?.. Шу пайтгача кенг қилолмаган феълимни умрим

поёнига етганида ўзгартиришга қурбим етарми-ди?!

**Клемм хоним.** Эдди, кўрқитма мени, ўғлим. Таниқли ёзувчисан, шоирсан. Ўзингни ўйламансанг, мени ўйла, ўғлим!.. Сен ҳам куйдирма, Эдди!..

**Эдгар.** *(Клемм хонимни кучоқлайди, елкасини, кўларини силайди.)* Сиз жаннати одамсиз, аммажон!.. Сиздек қалби дарё — бағри дунё одамни ўйласам, кимни ўйлай?! Сизни, сиздек инсонларнинг дардини ўйламансам, мендақа зўр ва таниқли ёзувчининг нима кераги бор, бу дунёга?!

**Клемм хоним.** Умрим поёни, деган сўзингни қайтиб оғзингга олма!

**Эдгар.** Ў-ў-ў, аммажон-а!.. Оғзимга олмаганимдачи!.. Оғзимга олмасам узоқроқ яшаб қоламанми? Худо умримга умр қўшиб берармиди?! Атрофингиздаги бўрилар сизга, менга ўхшаганларни важиб тўймаса, тўйганини билмаса, худо нима қилиб бера олади? Айтинг, амма!.. Отам, акам, онам ўттизга чиқар-чиқмас сидан қирилиб кетди-ку!.. Мен эса ҳаммаларидан узоқ яшадим, аслида қирққа тўламан, деб ўйламаган эдим... Бевақтдан-бевақт ўтиб кетганларга биров ачиндимми? Жонига ора кирдимми?! Виржиния-чи?! Шундай фаришта, мусичадек беозор, соҳибжамол рафиқам гўдак эди-ку, гўдак!.. Анави бойваччалар нима қилиб берди? Мен нима қилиб бера олдим?..

Қалам учуда топганим қорнимни тўйғазишга етмаса, унга зарур дори-дармонни опкелиб беролмадим-ку! Катта ёзувчимиш!.. Таниқли шоир, журналистмиш-ш!.. Ақли балога етадиган башоратчимиш!.. Ўргилдим, бундай мирқуруқдан!.. Тагин мен шўрпешана Виржинияга виқор билан яшашни ўргатиб ўтирибман, аҳмоқ-қ! Киборларча яшагин деб, қоматингни аёл туттин деб қадам олишни машқ қилдирибман!.. Қорни овқатга ёлчимаган аёл-қиз қаддини роз тута оладими?! Менга хотинлик қилиб, қатор-қатор ўғил-қиз туғиб берадими?! Хомкала!.. Ахир улар ҳам, Виржиния ҳам яшашга ҳақли эди... На фарзанд, на рўшнолик кўрди... Жаннатга равона бўлди...

**Клемм ховим.** Бандасининг у дунёдаги жойи ёлғиз згамга аён...

**Эдгар.** Нега бизга эмас?! Нега раҳмдил худо буни бандасига аён қилмайди?! Бир тутам умримизни ҳасратда ўтказгани етмагандай, у дунёда борар манзилмизни билмасак!

**Клемм хоним.** Қўй, Эдди, офир бўл. Худога шак келтирма.

**Эдгар.** Асло... *(Шошиб, киссасидан қороз олади. Ўқийди.)*

Рух! Тубсиз ва мовий кўқдаги  
Кимникидир ибодатхона?  
Гўзаллик ва ваҳшийлик унда  
Бир-бири-ла ҳусн талашар.

Борлиғимиз сўздан иборат,  
«Сукут» деймиз сукунатни биз.  
Дунёдаги жамики сўзнинг  
Энг соддаси «сукут» бўлади.

**Клемм хоним.** Янги ёздингми?

**Эдгар.** *(Қулоқ солмай давомини узуқ-юлуқ ўқишда гавом этади.)*

Ҳар юракка тўсиқ бўл ҳамда тиловат бўлгин,  
Бандасин гуноҳидан юдузлар тўкилмагай.

Бош қашишга қўл тегмаган ҳаётнинг сўнгги завқи —  
Ўлим деган сўз ортида мангуликлар абасдир —  
Лекин теран уйқу бордир, «турмуш» дегани йўқдир —  
Ҳорғин руҳим ором олсин ўшал жойда илоҳий —  
Абадият ва жаҳаннам азобидан олисда.

**Клемм хоним.** Дўзахни гапирмагин, дедим, Эдди. Бир ҳафта дайдиб юриб, ёзиб келганинг шуми? Шу ёшингда ўлиму дўзахни тилга олаверишинг ҳам худога хуш келмайди...

**Эдгар.** Ўн беш ёшимда ёза бошлаганман. «Ал-аъроф» деган шеърим.

**Клемм хоним.** Ўн беш ёшингда?!

**Эдгар.** *(Кулаги.)* Шелли ва Байрон таъсирида ёзган деб калака қилишди. Мильтонга тақлидчиликда айб-лашди. Данте, Вальтер Скоттга олиб бориб тирга-ганларига ўламанми?!

**Клемм хоним.** Ўн беш ёшингда шуларнинг барини ўқиганмисан?!

**Эдгар.** Ўқиганман. Падаримиз Аллан жаноблари-нинг уйи тула китоб эди. Умрида бир варақ китоб ўқимасаям киборлар орасида ўзини кўз-кўз қилиш мақсадида беармон китоб йиғарди. Китобнинг ҳузурини мен кўрганман!.. Ман-ман деган ёзувчидан ўзиб кетаман ва дунёга донг таратаман, деган ният би-ир лаҳза бўлса-да, хаёлимни тарк этмаган!.. Лекин на-риги дунёдаги аросат Шелли ё Байроннинг, Данте ё Мильтоннинг маҳрига тушмаган-ку! Умри бу дунё-нинг аросатида ўтаётган мен биламанми ёки улар-ми?!

**Клемм хоним.** Нега ундай дейсан, Эдди? Аросат нима дегани, ўзи?

**Эдгар.** *(Сукут сақлаб.)* Одам вафот этгач, жаннатга ёки дўзахга тушади. Шундайми?

**Клемм хоним.** Ҳм-м...

**Эдгар.** Муқаддас китобларда ёзилишича, Худо томонидан жаннатга ҳам, дўзахга ҳам раво кўрилмай-диган бандалар бўлади. Ўшандай тоифа одамлар Аро-фат дея аталмиш аросат девори устида қолиб кета-дилар.

**Клемм хоним.** Тавба-а-а!..

**Эдгар.** Дастлаб ўқиганимда ақлдан озиб қолаёзган-ман!.. Мусулмонларнинг Қуръон китобида Арофат — аросат девори, деб ёзилган. Уни ўқидим. Форсларнинг Саъдий деган шоири ўтган. Унинг «Гулистон» асарини топиб ўқиганман... Хаёлларим тўзиб кетган!.. Ўша кез-ларда ёза бошладим-у, ҳали-ҳануз тугатолганим йўқ... Шеър ҳам, ўзим ҳам аросатда қолгандай...

**Клемм хоним.** Ундай дема, Эдди. Туталлаб қўя қол, ўша савилни.

**Эдгар.** Виржиния вафот этганидан буён шу шеър-имнинг руҳидан келиб чиқиб кетолмаяпман... Умрим,

ўтаётган ҳар бир куним тушга, йўқ, тушдаги тушга ўхшайди. Шу кайфиятда ўша узундан-узун шеъримни қайта бошдан ёзгим келяпти...

**Клемм хоним.** Виржиния қизимнинг жойи...

**Эдгар.** Ошиқ-маъшуклар висолнинг ширин  
суҳбатидан маст

Тунни бедор ўтказдилар, лекин тонг отмас эди.

Қурбон бўлди икков, чунки тангри умид бермагай

Ўз юрагин уришини тинглолмаган кишига...

Тушуняпсизми? Одамнинг қандай инсон эканлигини билиш учун унинг сиз, биз кўриб турган ҳаётдаги аъмолидан келиб чиқиш жуда-жуда озлик қилади. Одам жамият, табиат, ой, қуёш билан... бутун коинот билан уйғуналашиб кета оладими-йўқми?... Унинг жаннатга ё дўзахга тушишини ана шулар белгилайди. Икковигаям тушмаса, аросатда қолади... Аросат, ҳасрат...

Эдгар қафтларини бетига босганича чўк тушиб, ўтириб қолади. Узун оқ ридо кийган эркак ва аёл ёнма-ён суҳбатлашиб ўтади. Уларнинг афти кўринмаса-да, Жон Аллан ва Фрэнсис хоним эканлиги сезилади.

**Жон Аллан.** Сен ҳамиша унинг ёнини олгансан. Гўё мен золим-у, сен — раҳмдил фариштасан.

**Фрэнсис хоним.** Ахир нима қилганда ҳам у ўғлимиз.

**Жон Аллан.** Асранди ўил... Мен уни асраб олганимда, ош-нон бериб, кийинтириб... сен ўз фарзандингдек ювиб-тарамаганингда гўдаклигида ўлиб кетарди.

**Фрэнсис хоним.** Жон, барака топгур!.. Бизнинг, сенинг тарбиянг туфайли ёзувчи бўлди, дунёга танилди. Худо берган феъли шу экан. Ахир шу-ундай машҳур шоирнинг отаси эканингдан фахрлансанг-чи!

**Жон Аллан.** Машҳурлиги менга нима қилиб берди? Сенга нима каромат кўрсатди? Бизни боқиш, давлатимизга давлат кўшиш у ёқда турсин, ўзини эплламади. Унга ишонган одам... ана, хотиниям ўлди, ўзиям узоқда бормайди... Айтгандим-а!..

**Фрэнсис хоним.** Нима дегандинг?



**Жон Аллан.** Умри ҳасратда ўтади дегандим... Ушанда ҳам оғзимга ургансан. Мен эса ўз гапимда қолганман!..

Жон Аллан билан Фрэнсис хоним чиқиб кетишади.

**Эдгар.** *(Аста бошини кўтаради, қўлларини туширади.)* Мен ҳам ўз гапимда қоламан!.. Умрим ҳасратда ўтадим, руҳим сарсон кезадими... айттанимдан қайтмайман!..

Мен шунинг учун туғилганман!..

### **Иккинчи кўриниш**

*Уша хона. Хира ёришилган. Эдгар ёлғиз. Хаёлга торқ бўлиб ўтирибди.*

**Эдгар.** Грэхемнинг журналидан кетаман. Тўғри, у бутун мамлакат миқёсида чиқадиган биринчи журналга асос солди. Лекин одамлар газет-журналдан ихлоси қолган бир пайтда... *(Залга.)* Айттинглар, қайси газетани ёки қайси журнални битта қўймай ўқийсизлар?.. Қани, нега жим бўлиб қолдингиз? Ҳой, биродар? Ҳой, онахон? Айттинглар, ҳой, бойвачча, нега кўзингизни олиб қочяпсиз?.. Ҳа-а, ўқимайсизлар! Мен худди шундай пайтда Грэхемнинг журнални машҳур қилиб юбордим! Биров билиб, биров билмаган беш минг адад қаерда-ю, қирқ минг қаерда! Бир йилда-я!..

Ўзиям итдек тиним билмадим, ҳўкиздедек ишладим. Ман-ман деган шоир-ёзувчилар, қалами ўткир журналистлар газетадан нари кетмай қолди. Уларнинг бари мен туфайли келишди!

Ҳали ишга ёлланмасимдан бурун ниятимни очиқ айтдим: ўзим мустақил журнал чиқариш орзуим борлигини тушунтирдим. Грэхем жаноблари ваъдани катта қилди: «Бу журналнинг ишини йўлга қўйиб беринг, сўнг сизга маблағ бераман», деди... Ваъдабоз!.. Субутсиз!.. Ёки яна пича сабр қилсаммикан? Ярим йилча ишлаб берақолайми?..

Тагин ярим йил яшайманми-йўқми?..

Грэхем пайдо бўлади.

**Грэхем.** Яна ярим йил ишлаб бер, журналнинг адади элик мингга кўтарилсин, сўнг...

**Эдгар.** Ярим йиллик умрим қолмаган бўлса-чи?..

**Грэхем.** Ҳар ким насиб этганича яшайди, ишлайди...

**Эдгар.** Ўзим учун қачон ишлайман?.. Ҳозирнинг ўзида адои тамом бўлдим... Сенинг ваъдаларинг тамом қилди, мени...

Саҳна ортидан йўтал товуши эшитилади. Эдгар гапдан тўхтайдди, кулоқ солади. Виржиниянинг овози келади.

**Виржиния.** Эдга-ар!.. Эд-ди-и!..

**Эдгар.** Виржиния! Ҳамон йўталапти. *(Пауза.)* Ахир уни совуқ ер қаърига топшириб келгандим-ку!.. Ёки, мени ёнига чорлаяптими?.. У энди йўталмайди. Йўтал азобидан қутулди у. Бечора... Йўтал уруғимизни қуритди. Уруғимиз, оиламиз йўталга бас келолмади. Эс-эс ёдимда... онам шўрлик йўтала-йўтала нафас ололмай қоларди. Икки букчайиб қон қусгани-қусган эди. Охири йўтал опкетди...

Эҳтимол, отам ҳам қашшоқ ва ночор оиламиздан эмас, мана шу касаллик дастидан қочиб кетгандир?.. Бош олиб кетсам, бу бахти қароликлардан қутуламан деб ўйлагандир? Лекин қаерга қочмасин, шафқатсиз ўлим уни қувиб етгани муқаррар... Синглим Розалини айтмайсизми!..

Йигирмадан ошганда ҳам ўн икки ёшли қизалоқдай эди... Ўзим эса наҳотки, ўтай отамнинг қарғишига қолдим?! «Умринг ҳасратда ўтсин», деб қарғагани, мана, ҳасратда ўтяпти... Йўқ, у қарвамагани, «ҳасратда ўтсин» эмас, «ҳасратда ўтади», деб башорат қилган, мен эса ўзим мутлақо жиним суймаган инсоннинг башоратини рўёбга чиқариш учун яшабман-да?! Ё, тақдир!.. Инсон ҳам шу қадар ожиз ва нотавон бўлади-ми!..

Энди-чи? Жаноб Грэхемнинг номини машҳур қилиш учун яшаяпман, куну тун демай ишляпман!.. Ақлимни, истеъдодимни Грэхем-м жанобларининг ёлрон мақтовларини эшитиб ялтоқланиш ва қўл учида бераётган қалам ҳақи эвазига сотаяпман!.. Совурияпман!.. Қора қарға-а!.. Қора қарға-а!..

Агар ўтай отамнинг бетига, «Мен сиз истаган йўлдан юрмайман! Мен ўзимни сиздан мустақил деб эълон қиламан!» деб исён кўтармаганимда... Оч-наҳор, ишсиз ва бошпанасиз, сарсону саргардон юриб, Клемм амманинг хонадонига қўним топмаганимда, амманинг бахтиқаро қизи Виржинияга уйланмаганимда... Амма, аммажон! Клемм хоним!..

Клемм хоним югургилаб киради. Эдгарнинг рўпарасига келиб тухтайди. Эдгар Клемм хонимни кўради-ю, ҳушёр тортмайди. Ўзи билан ўзи гаплашишда давом этади.

Эдгар. Аммажон... Беозор ва бечора аёл... Бошида эри йўқ, иккита қуп-қуруқ қўлидан бўлак ҳеч-еч вақоси бўлмаган шўрпешана кампир ўғил-қиз улғайтирди, ўғли ичкиликдан абгор бўлиб кетди. Қизи эса... Мен ҳам олиб қололмадим, қизини... Мен ношуд, мен ҳам икки қўли ва қаламидан бўлак ҳеч вақоси йўқ нотавон... Нима, бизнинг, аммамнинг оиласи, насл-насаби мана шундай тубан шароитда очликдан, бедаво хасталиқдан қирилиб кетаверсинми?! Суварақдан баттар қирилдик!.. Оҳ, худо! Наҳот, биз бечораларда қасдинг бўлса?!

Қаранглар, инсоф билан айтинглар, бизнинг оиладан ким қолди?... Ҳеч ким!.. Ёлғиз ўзим!.. Розали қани?... Виржиния қани?... Мен уни гулдек асраб-авайлайман, гулдек эъозлайман деган ниятда унга уйлаңдим ва... уни асрай олмадим...

Навбат ўзимга етди...

Элс-элс йўтал товуши эшитилади.

Эдгар. Қора қарға!.. Ҳа-ҳа, ўша! Вақт зиклигидан, умрнинг фаниматлигидан дарак беряпти!.. Уни эшитаётган биронга зот бормикан?..

Клемм хоним. (Ёлбориб.) Эдди, жоним, пича дамнингни олгин. Қўрқиб кетяпман, жон болам. Ёта-қолгин.

Эдгар қулоқ солмайди. Клемм хоним чиқади.

Эдгар. Ҳа, афсус, вақт зиқ. Қарға қуловимга қағиллаяпти... Умрим қисқа эканини кўнглим сезарди. (Шивирлаб.) Ҳойнаҳой, кўнглим сезгани учун ҳам бугун барча кадрдонларимни уйимга чорлаётгандирман?.. Шунинг учун ҳам шошилиб яшадим. Бирон дақиқани беҳуда исроф қилгим келмасди. Шундай яшадим!.. Чунки бетоқат бўлиб туғилганман...

Бир-бир қадам босиб сахна чеккасига боради.

Эдгар. Жаноб Грэхем субутлими-субутсизми деб ўйлаб ўтирган вақтим зое. Бошқалардан гина-кудурат қилиб ўтирган фурсатларим зое. Бунга тоқатим етмайди. Тезроқ яшаб қолишим, тезроқ ишлаб қолишим керак.

Рўпарасида ўзига ўхшаш 2-қиёфа пайдо бўлади.

2-қиёфа. Грэхемда нима айб? Нега уни субутсизга чиқаряпсан?

Эдгар. Айтдим-ку, у менга берган ваъдасининг устидан чиқмади. Чиқадиганга ўхшамаяпти ҳам. Менинг эса умрим тугаб боряпти!.. Чироқларим сўниб бораётганини сезаяпман...

2-қиёфа. Сен бетоқат бўлсанг бошқаларда нима гуноҳ? Ҳар кимнинг ўзига яраша орзу-ниятни, режаси...

Эдгар. Ҳа-а, яш-ша! Мен бошқаларнинг кўксигаги орзу-ниятларнинг қурбонига айланишни, уларнинг қўлида ўйинчоқ бўлишни истамайман. Мен...

2-қиёфа. Ҳамиша хуноб бўлиб юрганнинг-юрган! Ҳамиша бошқалардан норозисан! Бунда-ай, бошқаларни тушунишга ҳам ҳаракат қилгин-да!..

**Эдгар.** Бошқаларни тушуна билмаслик — аблаҳлик! Ҳисоблашмаслик — ундан беш баттар разиллик!

**2-қиёфа.** Ҳа, ана энди ўзингга келяпсан. Ҳар нарсага етган ақлинг...

**Эдгар.** Лекин мен бирдан аблаҳ бўлиб қолган эмасман, мен болалик чоғларимдан аста-секин аблаҳлаша бошлаганман.

**2-қиёфа.** (Саҳна чеккасига яқинлашади.) Сен ўлгудай китобийсан.

2-қиёфа ёнида 3-қиёфа пайдо бўлади.

**3-қиёфа.** (2-қиёфага.) Китобийлик айб эмас. Айб бўлганида Жон Аллан жанобларидек нуфузли инсон уйини китобга тўлдириб ташламас эди.

**Эдгар.** (Хахолаб кулади.) Жон Аллан нуфузли инсон бўлдимиз?! «Нуфуз» сўзининг уйи куйде-е!.. Уйи куйде-е!.. (Бошини қўллари билан буркаб, мук тушиб ётиб қолади.)

**3-қиёфа.** Олтин жазавасидаги одам китоб ўқирмиди?! Аллан жанобларининг уйидаги китобларни биринчи бўлиб Эдгар ўқиган.

**1-қиёфа.** Фрэнсис хоним китобга ошно қилган.

**2-қиёфа.** Мажбур қилиб ўқитган.

**3-қиёфа.** Мажбур қилган?! Қандай қилиб? (Залга қарата.) Марҳамат, биронтангиз ўғлингиз ё қизингизни мажбуран китобга қизиқтириб қўя оласизми? Уриб, сўкиб, қўрқитиб... Худо юқтирмаса, бошидан зар сочсангиз ҳам ўқимади!.. Бу ёруғ дунёда инсонга ато этилган э-энг буюк мўъжизадан бебаҳра яшаб ўтади!.. Мен эса Фрэнсис онамдан...

**1-қиёфа.** Фрэнсис онамизга тил теккизма!

**3-қиёфа.** Фрэнсис онам Аллан жаноблари тўплаган ва ҳеч кимсани йўлатмайдиган кутубхонага киришга рухсат берганида мен ўн уч ёшга ҳам тўлмаган эдим. Энг ноёб китобларни ўша ерда ўқиганман. Ўн уч ёшимда ёзган «Темурбек» дostonимни кўриб қувонгани хануз кўз ўнгимда...

**Эдгар.** («Темурбек» дostonидан эслаб-эслаб, узук-юлуқ ўқийди.)

Замин маликаси, дилбар Самарқанд,  
Жаҳон тақдирига эгалик қилар.  
Барча шаҳарлардан мағрур ва баланд,  
Шухратда у билан беллаша олар...

Тунлари порлаган соҳибжамол ой,  
Гўзаллик тахтига чиқолмас кундуз.  
Унинг хира тортиб қолган чиройи,  
Нур соча олмайди, табассуми — муз...

**1-қиёфа.** Хотирангта балли!

**Эдгар.** Фрэнсис онам... Савдогар Аллан... Бош кўтармай ёзган шеърларим... Ҳаммаси хотира... Уларнинг ҳаммаси шу ерда бу кун...

**2-қиёфа.** Жон Аллан етим қолган Эдгарга раҳм-шафқат қилиб эмас, ўзи тирноққа зор бўлгани сабабли уни асранди қилиб олган.

**1-қиёфа.** «Ўзинг фарзандли бўлсанг, бу шўр етимдан воз кечамиз!» дея хотинининг миясини қоқиб қўлига берган!

**3-қиёфа.** Қўйсанг-чи! Қаёқдаги гапларни нима қиласан, қўзраб?..

**Эдгар.** (1-қиёфага.) Ўчир-р... Ёлво-он...н.

**1-қиёфа.** Ёлво-он?.. Ўзингни овсарликка солма. Ўтай отангнинг бу гапини ўз қулоғинг билан эшитгансан. Бир марта эмас, ўн марта, юз марта лаб эшитгансан.

Аёл-қиёфа пайдо бўлади.

**Аёл-қиёфа.** Фрэнсис сени астойдил ювиб-тараганди, Эдди.

**1-қиёфа.** Ювиб-тараса тарагандир, лекин ҳамиша ҳомиладор бўлиш орзусида яшаган! Сенинг бахтингга у бефарзанд ўтган.

**2-қиёфа.** Қайси аёл фарзанд кўришни орзу қилмайди?

**3-қиёфа.** Фрэнсисга тил теккизма.

**Аёл-қиёфа.** Эдди бирон марта Фрэнсисга тил теккизмаган, ранжитмаган ҳам.

**Эдгар.** Ранжигмаганман-н... Уйдан узоқлашиб кетган кезларимда ҳам унга тинимсиз хат жўнатганман...

**1-қиёфа.** Хатларни Фрэнсис хонимни соғинганинг учун эмас, жаноб Алландан пул сўраб ёзгансан.

**2-қиёфа.** *(Худди ўқ теккандек букчайиб қолади.)* Их-х!.. Единг, аблаҳ!.. Болалигим Алланинг кўлига қараб абгор бўлди!.. Эсимни танибманки, тўрт центта зорман!.. Кечаю-кундуз тиним билмадим, бош кўтармай ёздим, ёздим, яна ёздим!.. Бирим икки бўлмади. Меҳнат...

**1-қиёфа.** Меҳнат қилиб бойимоқчи бўлдинг-а?..

**2-қиёфа.** Ҳа!

**1-қиёфа.** Меҳнат билан-а?!

**2-қиёфа.** Ҳа, дедим!

**1-қиёфа.** Меҳнат билан бойиса, дунёда эш-шакдан бадавлатроқ жондор бўлмасди!.. Тушундингми, овсар, сўтак!..

**3-қиёфа.** Ким сўтак? Ким овсар?!

**1-қиёфа.** Сен! Сен! Сен! Ҳаммаларинг!..

**2-қиёфа.** Ўзинг-чи, заҳар! Ўзинг четда қолмоқчимисан, илон?!

**3-қиёфа.** Тилинг аччиқлиги деб бошимизга озмунча балолар ёғдими?! Сенинг касофатингга қолиб...

**1-қиёфа.** Мени аблаҳ қилиб вояга етказган, озимни заҳардонга айлантирган ҳам шу ҳаёт... Шу Аллан... Унинг қурумсоқлиги... Ўшанинг зикналиги туфайли Жефферсон университетини битиролмадим... Ўшанинг бетини кўрмай деб ҳарбий хизматга ёлландим...

**2-қиёфа.** Кейин-чи?.. Кейин ҳам...

**1-қиёфа.** Кейин ҳам... муҳтожлик қоп-қора булут янглиғ ҳозиргача бошимнинг тепасидан кетмади... Қора меҳнат билан одамнинг бири икки бўлмаслигини, мана, энди тушуняпман...

**2-қиёфа.** Алланинг хонадонидан бош олиб чиқиб кетдингми, бас, қайтиб у ерга бормаслигинг керак эди.

**1-қиёфа.** Елкамнинг чуқури кўрсин, деб кетгандим...

**Эдгар.** *(Шу чоққача чўк тушганча бетини тиззалари орасига кўйиб, биқиниб ўтирганди.)* Фрэнсис хонимнинг вафотини эшитгач, чидолмадим.

**2-қиёфа.** Кейинги сафар-чи? Нега босқинчилик қилдинг?

**1-қиёфа.** Босқинчилик?!

**2-қиёфа.** Алланнинг кейинги хотини юраги ёрилиб ўлай деди-ку! Ўгай отангни дўкондан чақириб келишди. Сени дайди лайчадек қувиб солишди.

**1-қиёфа.** Ҳаддингдан ошма, ошна! Овозингни ўчир!..

**2-қиёфа.** Нега ўчирай?! Ўзингдан чўчиёсанми?.. Қилмишларингни эслашдан қўрқасанми?..

1-қиёфа 2-қиёфанинг устига ташланади. Мушглаша кетади. 2-қиёфа ўтириб қолади.

**Эдгар.** *(Қағдиги ҳолсиз ростлайди.)* Нимадан қўрқатганимни сен қаердан била қолдинг?.. Дайди итлигимни бетимга солдингми?.. Бутун умр дайди лайчадек яшадим...

**2-қиёфа.** Бошинг гангиб борганинг ёдингга-ку!..

**Эдгар.** Ўгай онамнинг...

**2-қиёфа.** Ўгай онангни қўй, Алландан пул ундириш илинжида боргансан. Чунки... наҳотки, унутган бўлсанг?! Очингдан ўлар ҳолатта тушдинг, ўша қурумсоққа умид боғлашдан бошқа чоранг қолмади. Бош уриб бординг...

**1-қиёфа.** Аллан эса...

**3-қиёфа.** Тўполонни эшитиб, қўшни Лигея хоним чиқиб келди-ю, унга кўзинг тушган заҳоти зумда ўзгардинг-қолдинг.

Эдгар ирғиб ўридан туради. Хотирасини жамлайди. Чехрасига табассум югуради. Афти бужмаяди.

**Аёл-қиёфа.** Бошқаларнинг ўтакасини ёрганинг етмагандай, Лигея хонимнинг дилини вайрон қилдинг...

**Эдгар.** Вайрон қилдим?! Лигеянинг дилини вайрон қилдимми?! Мен аблаҳ, мен ярамас, мен малъун...

Қиёфалар бирин-сирин ғойиб бўлишади.

**Эдгар.** Ўзим оч-наҳор, тўрт центта зор қашшоқ!..



Мирқуруқ, ёзувчи!.. Фрэнсис хонимнинг... онамнинг тўшақдаги ўрнини эгаллаган аёлни ҳақоратлаганим етмагандай, Лигеядек фариштамнинг дилини оғритдимми?!

**Аёл-қиёфа.** Шўрлик тарашадек қотиб қолди. Қочгани жой тополмади. Сенинг захар-заққум сўзларинг...

**Эдгар.** Ҳа-а-а, айтдим!.. Айтганда ҳам Жерсига атай излаб бориб, Мэрига айтганларимдан баттарроқ, аччиқроқ қилиб айтдим. Игнадек санчиладиган қилиб, сутдек оппоқ баданларини илма-тешиқ қилиб ташлайдиган қилиб айтдим. Эрингни севмайсан-ку, дедим. Ўша таъвияга ўзингни раво кўрдингми, дедим! Ўшанга эркаланиб, ўшанинг кучоғида тўлғониб бола орттирддингми... *(Йўтал тутади. Ўқчийди. Хона бўйлаб зир югуради. Чўк тушиб ерни муштлайди. Ниҳоят, йўтали босилади.)* Мен унинг оёқларини ўпишга зор эдим. Сўқим эри эса рўдайган, кеккайган рознинг ўзгинаси!.. Кўзинг тешилгур, совуқ! На севги, на муҳаббатни билишини турқи айтиб турибди, мараз!.. Ишқсиз-ҳиссиз эркакнинг балчиқда кийиладиган калишдан нима фарқи бор? Айтларинг, нима фарқи бор-р?! М-мараз-з!..

**2-қиёфа.** Ким мараз?

**Эдгар.** *(Аёл-қиёфанинг олдида тиз чўқади.)* Мен — мараз!.. Лигеяни ўша турқи совуқнинг қўйнига солиб қўйиб, ў-ў-ў! Ёниб кетяпман!.. Лигея оппоғимнинг ўша тарашанинг тўшағида ўтказган ҳар лаҳзасида мен минг дўзахнинг азобида қовриламан!.. Куйиб кулга айланаман!.. Шоирман деб оламга жар солиб юрган мен ярамас-с!.. Лигея!.. Мен ҳайвонни, мен бағритошни, мен безори аблаҳни кечир!.. Кечир, жоним, Лигея-я!!!

4-қиёфа ва Грисвольд кириб келади.

**4-қиёфа.** *(Киборларча қадам ташлайди, кийимлари бадавлат.)* Умр бўйи киборларча ҳаёт кечириш орзусида яшадинг, лекин безориликдан воз кечолмадинг.

**Грисвольд.** Безорилик — қашшоқликнинг ошнаси...

**4-қиёфа.** Аёл кишига шундай муомала қилишни ўзига эп курган эркакка киборлар даврасига йўл бўлсин!

**Грисвольд.** Ўзи кирадиган эшикларни очилмайдиган қилиб беркитиш По жанобларининг ҳаётий маслакларига айланиб кетган... Кибор бўлиб кибор эмас, бой бўлиб бой эмас, бир кун кўча безори, бир кун оламга татийдиган шоир!.. Бир кун муҳаррир, бир кун гўзал хонимчаларнинг қулбаччаси!.. Шу эмасми...

**Эдгар.** Аросат!!!

**Аёл-қиёфа.** Лигея ҳўнграб юборди ўшанда. Унинг изидан югуриб чиққан ўрли билан қизининг аҳволини кўрмадинг ҳам!

**Эдгар.** Аросат!!! Э, худо, Арофат деворингдан дўзахга қулатиб қўя қол, мен гуноҳкор бандангни!.. Одамларнинг дилини вайрон қилган ҳақиқатларга ўт қўй, парвардигор!.. *(Ҳўнграб юборади, бирдан ҳушёр тортиб алам билан гапирарди.)* Севмасанг, нега суйкаланасан, Лигея?.. Севмасанг, нега эркаланасан, жоним?! Сен ҳам аросатда...

3-қиёфа пайдо бўлади.

**3-қиёфа.** Китоб яккаю ягона бошпана эди... Хаёли, вужуди китобда, жисми ҳаётда ўтди...

**Эдгар.** Аросат-т!!! Билардим, Лигеянинг ичи зардобга тўла эди. Шунга чидолмасдим мен. Жигарим эзилиб кетарди. Кўзимга кўринган ҳақиқатларни айтиб тилимни куйдиришдан кўра, атайин, энг ғаройиб китобларни топиб ўқиб, ўзимни чалғитишга уринардим. Турмуш машмашалари тушга ўхшар, ундаги уқубатлардан жонимни асрайдиган бирдан-бир бошпана эса китоб эди... Бораман! Ҳозироқ поездга ўтириб жўнайман-у, Лигеяни топиб, унинг оёғига бош ураман!..

**Аёл-қиёфа.** Нима қиласан, бориб? Мен-ку, Лигея! Азизим!.. Бунчалик жонинг ўртанмаса?!

Эдгар унинг оёқларига юзини босади.

**Эдгар.** Лигея! Лигея-я! Нахотки, сен шу ердасан?!

**Аёл-қиёфа.** Мен сенинг ичингдаман, Эдди!.. Эримнинг, фарзандларимнинг кучоғида эмас, сенинг қалбингда яшайман, Эдди!..

Йўтал эшитилади. Эдгар қулоғини динг қилади.

**Эдгар.** Тўхта! Тўхтанглар! Жим!.. Ким йўталапти?! Ахир Виржиния.. Клемм хоним соппа-соғ.. Ҳа, орамизда соппа-соғ одамлар ҳам бор!..Онаммикан?.. Уч ёшимда эшитгандим, онамнинг йўталини. Ўша йўтал садоси ҳамон қулоғимдан кетмайди. Худди ўзи!.. Бечора, муштипар онам... Атак-чечак қадам ташлаган кезларим йўтала-йўтала, қон қуса-қуса, жон таслим қилган онам... Онажонимнинг йўтали...

**Аёл-қиёфа.** Кўзингни оч, Эдди!

**3-қиёфа.** Кўзингни оч, Эдди!

**4-қиёфа.** Биз сенга бегона эмасмиз, Эдди...

Қиёфалар бойиб бўлади. Эдгар Аёл-қиёфанинг олдига югуриб келади.

**Эдгар.** Сен кетма!.. Сен ташлаб кетмай тур, мени Лигея! Ҳадемай мен ўзим... мен ўзим... Мендан қутулсан, юмшорим...

**Аёл-қиёфа.** Бемаъни гапларни қўй, Эдди. Айтдим-ку, мен — ичингдаман, Эдди. Мен сени ташлаб кетмайман, кетолмайман, жоним!

**Эдгар.** Жонгинам! Оппорим!.. Ўзинг халос эт мени!

**Аёл-қиёфа.** Эшитяпсанми, Эдди? Онангнинг йўтали бежиз эшитилмаяпти...

**Эдгар.** Биламан, бежиз эмас. Бу дунёда ҳеч нарса бежиз эмас! Сал кам қирқ йил бурун вафот этган онамнинг йўтал садоси ҳам бекаромат эмас...

Эсимда... Кутишлар...

Аччиқ кўз ёшлари кеч кузнинг...

Каминда кул тортиб қолган кўмир ҳил олар зўра...

О, мен тонгни бунчалар кутдим!  
Жавобсиз эҳтиросга,  
Ул ҳақдаги саволларга жавоб кутдим. Бефойда.  
У Леонора эди, ҳусну малоҳатда тенги йўқ,  
Ўтган кунларимни ёритган юлдуз...  
Онам — қарға... Йўтал — қарганинг қағиллаши...  
Қарға қағиллайди: «Ҳеч қачон»  
Қарға қағиллайди: «Ҳеч қачон»  
Ҳеч замон...

Саҳна қоронғилашади.

**Эдгар.** Жоним-м!.. (*Эдгар Аёл-қиёфани бағрига босади.*)

Аёл-қиёфа. Биронтаси кириб қолади. Эдди.

Эдгар. Бутун дунё кириб келмайдими, ёлғизим!..  
Ёруғ оламнинг, бани башарнинг кўз ўнгида бағримга  
босаман, Лигея!.. Ахир, биз бир одаммиз, икки ву-  
жуддаги бир одам!..

Иккови чирмашиб кетади.

### Учинчи кўриниш

Эдгарнинг соғайи ёмонлашган. Каравотда ётади, туради. Ҳол-  
сизланади. Ёзишга тутинади. Утиролмайди. Туролмайди. Бетоқат.

**Эдгар.** (*Каравотга ётибди.*) Чўзилиб ётадиган  
пайтми, ҳозир?! Нима, ётсанг соғайиб қоларми-  
динг?! Ёстиқдан бош узмай ётаверса ўлмайдими,  
одам?!

Ирғиб ўрнидан туради. Ёзув столи ёнига бориб ўтиради.

«Ал-Аъроф»ни тугатишим керак. Умр бўйи... Эсим-  
ни таниганимдан буён ёзаман-а, уни!.. Аросатда ўта-  
ётган умр, «Аросат» шеъри, аросатда қолаётган шеър...  
Лигея, қаердасан, азизим!.. Асалим, оппоғим, яғонам!..  
Мен ҳеч кимсага заррача каромат кўрсатолмадим, на

мени боқиб олган ота-онамга, на Виржинияга, на ам-мажонимга... Сенга нима қила олдим, Лигея?.. Мен сени дунёдаги э-энг бахтиёр аёлга айлантирмоқчи эдим, лекин ўзи бахтиқаро одам ўзгага бахтни қаердан ҳам олиб берарди?! Қадамингга гуллар сочолмадим... Мен... Мен...

Аланглайди. Гулзорга тушади. Очилиб турган гулларни чўк тушиб, силаб-сийпалайди. Ҳидлайди. Клемм хоним киради.

**Клемм хоним.** Эдди, нега турдинг? Ахир доктор айтди-ку, қимирламай ётгин деди-ку!.. Нима қиялсан, шу топда?

**Эдгар.** Гуллардан хабар олаяпман. Ҳадемай доктор келади, ҳамширалар келади. Улар ёнимда, тепамда мижжа қоқмай ўтиришади, шунда уларга гулдасталар ҳада этаман.

**Клемм хоним.** Майли, ҳозирча ётгин, бор, жойингга. Пича ухлагин.

**Эдгар.** Меҳрибоним!.. Пича эмас, ҳадемай узо-оқ ухлайман. Сени ортиқ гапиртирмайман. Доктор келсаям, тепамдан нари кетмасаям қимир этмай ётавераман. Ўшанда-чи... ҳамширалар тугул, ман-ман деган доктор ҳам уйғотолмайди (*Кулади*).

**Клемм хоним.** Юрагим ўйнаб кетяпти, Эдди! Жоним, бунчалик тушкунликка тушма, айланай. Доктор айтди-ку, аҳволинг дуруст...

**Эдгар.** «Тушкунлик» дедингизми?! Ҳаётнинг шунча заҳар-заққумини кўрган сиздек муштипар аёл... менинг аммажоним, қайнонам, мени тушкунликка тушди деб ўйлаяпсизми?! Мен тушкунликка тушаманми?.. Шунга билиб қўйинг! Мен сиртимдан роса тушкунликка тушгандек кўринган пайтларимда ҳам ич-ичимдан ҳеч кимга, ҳе-еҳ нарсага бирон лаҳза бўйсунган эмасман!.. Очимдан сулайиб пул сўраган, қалам ҳаққимни тезроқ беришларини сўраб ёлборган кезларимда сиртимдаги Эдгар чор-ночор кўринса-кўрингандир, лекин зинҳор-базинҳор ичимдаги Эдгар асло паст кетган эмас!.. Тушкунлик — ожизлик, ожизлик эса мен учун ҳақорат!.. Мен ожиз

эмасман, шунинг учун ҳақоратланиб яшамайман! Бунга йўл қўймайман!..

Менинг майин-мулойим муомаламга қараб озмунча оёқости қилишдими, индамас экан деб бадном этиш учун озмунча ҳийла-найранг ўйлаб топишдими, лекин шуни унутманг, онажоним, қалбини қурум босган ўша қашқирлар менинг устимдан кулишолмади!.. Мен эса кулдим, қаҳ-қаҳ отиб, мириқиб кулдим!..

*(Пауза.)*

Мени фақат Лигея тушунган...

Аёл-қиефа пайдо бўлади.

Аёл-қиефа. Сен Лигеяни ҳақорат қилгансан... Эри, ўрли, қизи билан тинчгина яшаётган аёлнинг дилини вайрон қилгансан... Сен — иблиссан!..

Эдгар. Иблис?! Ким мени иблис деганди?.. *(Ўйга чўмади.)*

Лигея югуриб киради.

Лигея. *(Аёл-қиефа.)* Ундай деманг! Зинҳор бу сўзни тилга олманглар, ўтинаман!..

Эдгар. *(Лигея пайдо бўлганидан беҳабар.)* Ҳа-а, эсладим! Диккенс — Чарльз Диккенс жаноблари айтган! «Эдгар Понинг қаҳрамонлари эмас, унинг ўзи иблис!» деган!.. *(Кулади.)* Мана, сен ҳам тасдиқладинг, ўша ҳақиқатни... Аслида мени иблисга айлантирган ҳам Лигеянинг ўзи, Лигеянинг муҳаббати...

Лигея. Эдди-и!

Эдгар. *(Лигеяни кўради.)* Лигея-я-я!!! Кўзларимга ишонмаяпман, Лигея! Наҳотки, шу дақиқаларда ҳам менга ёрдамга етиб келдинг, жонгинам?! Сени безовта қилдимми? Айт, оромингни буздимми, Лиге-ея-я?.. *(У Лигея томон талпинади, Лигея ўзини нари олиб қолади.)*

Лигея. Йўқ, асло... Сен, тинчлан, Эдди... Мени деб

изтироб чекишингни асло истамайман, дегандим-ку, сенга, Эдди...

Эдгар. Нима? Нима дединг? Изтироб? Изтироб дедингми?.. *(Асабий сукутга чўмагу.)* Топди-инг... Мени умр бўйи азобга қўйган, йўқ, азобга қўймаган, балки умримнинг йўлчиروفини топдинг, жоним!.. Умрим изтироб истаб ўтди... Изтиробсиз ўтган кунларимни менинг ҳаётимдан ўчириб ташла, уқдингми?! Ўгай отамга, жиним суймаган касбдошларимга, шоир-ёзувчиларга — бошқа-бошқа ҳаммасига аччиқ-аччиқ гапларимни айтган ва уларнинг нозик қалбини вайрон қилган бўлсам — барчаси изтироб истагида, изтироб истаги жазавасида юз берган. Жерсига болалигимда суйган бир қизни излаб борганларим... Сени — Лигея, эринг ва ўғил-қизинг кўз ўнгида беҳурмат қилганларим... Виржиния-дек худо бахти қаро қилиб қўйган гўдакни бахтиёр қилишга уринганларим... Ҳамма-ҳаммаси бир шоир — кўнгил бандасининг изтироб бандаси эканининг касофати эди... *(Залга қарата.)* Бир ношуд, нотавон ўғли-гизнинг гуноҳидан ўтинг, азизлар.

Начора, мен ўзим шундай инсон бўлай дебманми?! Парвардигор менга шу тақдир, шу қисматни раво кўрган бўлса қандоқ қилай?.. Мен сизларнинг ҳузурингизда бошимни эгиб, тиз чўкишим мумкин... Тиз... тиз чўкаманми? Нима учун тиз чўкишим керак? Ҳой, инсонлар, нега яна сукут сақлаяпсизлар?! Яна оғзингизга толқон солиб олдингизларми?! Ахир қандай инсонсизлар? Бирон гапимга, бир оғиз сўзимга қарши рад жавобини берсангизлар-чи! Ахир мен шўртум-шуқ шоирвачча сизлардан ҳам бир изтироб топай!.. *(Ха-холоб кулагу.)* Мен изтироб топмаган онларимда уни ўзим кашф этдим — «Ал-Аъроф»ни ёзишга киришдим. Ёзавердим, ёзавердим. Тугатолмадим. Тугатолмайман ҳам. Чунки чинакам Арофат девори устида тик турган кўйимда ҳам Арофат изтиробини ёзаётган бўламан...

Уқдингми, оппоғим Миля?! «Изтироб чекишингни истамайман» деган гапингни?! Жуда кўп такрорлагансан бу гапингни, Лигея. Лекин мени иблисга айлан-тирган ҳам сен ўзинг... Ҳа, сен!.. Мен сени шунчалик

севмаганимда, сени деб адои тамом бўлмаганимда, сенинг ял-ял ясаниб эрингни қўлтиқлаб кетаётганингни кўриб, рашик алангасида ақлдан озиб қолмаганимда зинҳор иблисга айланмасдим!.. Ваҳоланки, менинг... бизнинг муҳаббатимиз ҳар қандай оилавий садоқатдан юксакроқ, илоҳийроқ... покизароқ эди!.. Мен — беғубор иблис...

Клемм хоним уни етаклаб каравотга олиб келади. Аёл-қизфа, Лигея ғойиб бўлади.

Эдгар. Йўқ, ёзишим керак! Мен ҳеч қачон тушкунликка тушмаганман. Шеър ёзаман, шоир бўламан деган ниятда қўлимга қалам тутганимга ўттиз йил бўляпти. Ўша қарорим қатъий! Танлаган йўлимдан зинҳор қайтмадим. Биринчи китобим «Темур ва бошқа шоирлар» деган номда чиққанди. *(Хотирасини жамлаб узуқ-юлуқ ўқийди.)*

Замин маликаси... дилбар Самарқанд  
Жаҳон тақдирига эгалик қилар...

Эҳ-ҳ!..  
Тунлари порлаган соҳибжамол ой  
Гўзаллик тахтига чиқолмас кундуз.  
Унинг хира тортиб қолган чиройи  
Нур соча олмайди, табассуми — муз...

Яна ёза оламанми, шундай шеърларни?.. Куч-қудрат топа оламанми? Умрим етармикан, бунга?..

Қирқ йилдирки, қарға эшикни қоқиб мени огоҳ этади. Қағ-қағ, қар-қар-р деганда... Қар-қар... қарқ, қа-ар-рқ дегандек эшитилади назаримда.

Мен қирқ ёшгача... ниҳоят, шу кунгача... Гапларим тушкунликка ўхшаётган бўлса, аммажон, сиз билиб кўйинг. Мен кўпроқ ёзай, ўйларимни қорозга тушириб қолай деб яшадим. Шундан бошқа орзу-ниятим бўлмади.

Неча бора айтганман: одамнинг умри — туш, йўқ, тушдаги туш! Тушдагидек яшаб ўтиш, тушда кўрганларингни ёзиб ўтиш қанчалар роҳат!.. Фақат турмуш



ташвишлари тушингни бузиб, тўзғитиб юборади. Хотиржам туш кўришга қўймайди. Тушларим бузилавергач, ҳаддан ташқари тоқатсиз одамга айландим.

Жуда шондим. Бетоқатлигим боис, одамлар билан ҳам, гина-кудуратлар билан ҳам, гийбату ҳасадлар, мунофиқликлар... хасталигу кўз ёшлари билан ҳам ҳисоблашмадим...

Мен улгурмаган ишларим, орзуларим олдида тушкунман, холос, амма... *(Ҳолсизланиб каравотга чўзилади.)*

**Клемм хоним.** *(Ясама кўтаринки оҳангга.)* Эдди, ўғлим, ҳали узоқ яшайсан. Ёзганингча ёзасан, ўз журналингни ҳам чиқарасан. Ҳеч ким сенга душманлик ҳам қилмайди. Сенинг душманинг йўқ, айланай.

**Эдгар.** Менинг душманим — ўзим. Мен, ўзгалар билан эмас, сира ўзим билан чиқишолмадим. Ўзимни қўярга жой тополмадим сира. Нима ишга қўл урсам, ичимда тўс-тўполон қўпди. Бир кўнглим бир томонга, иккинчиси — бошқа ёққа тортди, яна ким билсин, алақанчаси хуши келган томонга тортқилайвериб абгор қилди, абгор... «Ал-Аъроф»да тасвишламоқчи бўлган аросат болалигимдан ичимга кириб олганча қайтиб чиқмади, ундан қутилолмадим... Умрим аросатдан қочиш билан ўтди. Қоча-қоча, мана, аросатга тушай деб турибман... Ўзим ичимга сиғмаганим-сиғмаган, Америкагаям, дунёгаям сиғмадим!.. Душман ташқарида эмас, ичимда, амма...

**Клемм хоним.** Мана, шу-унча хатлар ёғилиб кеп турганда, бундай гапларни қўйгин, Эдди. Улар сенга куч-қувват бағишлайди, жоним.

Почтани беради. Эдгар хатларга бирин-кетин кўз югуртириб, чала-ярим ўқиб, итқитиб ташлайверади.

**Эдгар.** Майн Рид... Филадельфияда танишгандим. Дилкаш йигит. Ў, Чарльз Диккенс... машҳур адиб. Романига тақриз ёзгандим...

Грисвольд ҳам ёзибди. Хат ёзгунча ўзи келақолмайдими!.. Ёки докторлар ёнимга киритишмаганми-кан?.. Бундан чиқди, аҳволим чатоқ экан-да?.. *(Ўқийди.)* «Эдгар! Сен ҳеч кимга ўхшамаган одамсан. Сенинг адабиёт, санъат ҳақидаги билганларинг, ўқиганларинг

олдида менинг билим ва тушунчам қанчалар ғариблигини тан оламан. Ўтинаман, эски гиналарни унутайлик...»

Гина?.. *(Кулади.)* Қандай гина? Гинага вақт қайда, Грисвольд?! Гина-кудурат ва аҳмоқона кек сақлагунча яшаб, ишлаб, ўқиб, ёзиб қолайлик, орайни!.. Яшашга вақт етишмаяпти-ю, кек сақлаш-у, гинага фурсат қайда?! Кеннеди... Жон, устоз! Ўн етти йил бурун Балтимордаги танловда мени қўллаб-қувватлаган, ҳикояларимга юқори баҳо берган... Менга устозлик қилган дарёдил инсон!.. Мен, ярамас, Жон Кеннедидек инсонга ҳам оқибат кўрсатолмадим. Пулга муҳтож бўлганимдагина унга хат ёздим.

Марҳаматини дарив тутмади. Мана, энди ҳол-аҳвол сўраб хат йўллабди. «Сендан умидим катта, Эдди. Бардам бўл. Албатта, соғайиб кетасан!.. Бир оз оёққа туриб олгин, албатта бораман!.. Сени севиб ва соғиниб, Жон Кеннеди»...

*(Пауза.)*

Албатта соғайиб кетасан, деб ёзибдими?.. Демак, ҳозир аҳволим чатоқ. Устоз шундай деб эшитган. «Бир оз оёққа туриб олгин...» Демак, оёққа туролмаяпти деб айтишган. Мен эса... мана, оёққа турганда-чи! Юғуриб юрибман-ку!..

У ирғиб қад ростлайди. Ёнбошига қулайди. Аранг каравотта тармашади. Оқ халатли йигит-қиз шитоб билан кириб, уни қайта ётқизишади. Олис-олисдан йўтал эшитилади.

Эдгар. *(Турмоқчи бўлади. Ҳамширалар тутиб қолишади.)* Онам йўталапти!.. Клемм, Клемм хоним. Аммажон!.. Тез келинг!

Клемм хоним йўл-йўлакай кўз ёшини арта-арта киради. Эдгарнинг тепасига келади.

Клемм хоним. Эдди, жонгинам, тинчлан. Бардам бўл, ўғлим. Мен шу ерданман. Ҳеч ёққа кетмайман, айланай.

Эдгар. Мен ишлаб топган барча пулни онамга беринг. Онам шўрлик азобда, рўшнолик кўрмай, фақирликда ўлиб кетди. Онамга сариқ чақалик нафим тегмади, амма!.. Хўп. Денг...

Клемм хоним. Хўп, хўп бўлади, жоним. Сен тинчлангин.

Кета бошлайди.

Эдгар. Амма! Тўхтанг, кетмай туринг. Ҳали сизга айтадиган гапларим кўп. Бугуноқ, ҳозироқ бориб Грэхемга учрашинг. Айтинг. Лонгфеллонинг шеърлари, Фенимор Купернинг икки пулга қиммат романига қалам ҳақи берганида мен норози бўлгандим. Менинг барча қалам ҳақларимни ҳам уларга қўшиб берсин. Мен розиман. Тушундингизми? Манавилар қўйиб юборса (*У турмоқчи бўлади, чиранади.*) Ўзим бориб айтардим!..

Менинг эс-ҳушим жойида, қўйиб юбор-р!.. Шундайми, ҳали?! Лоақал бирорта игна суқ! Доринг йўқми? Игнанг йўқми?.. Бир чимдим пахтанг ҳам топилмас, ҳойнаҳой?.. Анави пичоқни ол-да, қорнимни ёриб ташласанг ҳам розиман, қутиламан... (*Пичинг қилиб қулади.*) Бечора, бахти қаро Виржиниядан қолган дори-дармон бориди, аммажон, ўшаларни олиб чиқ. Ўша дорилар мени ҳам Виржиниянинг изидан олиб кетсин... (*Талваса аралаш хаҳолайди.*) Қаранглар, қарға дарвозани қоқаяпти!.. Деразадан мўралаяпти!..

Клемм хоним, ҳамширалар аланглашади.

Эдгар. Қаёққа аланглаяписизлар?.. Қарға, бу — менман-ку!.. Мен қарғаман. Эртага сенларнинг ҳам оёқ-қўлларингдан бошқалар босиб туради. Одам борки, жончиқар талвасасида сенларга ўхшаш бераҳм-бешафқат кўмакчиларга куни қолади. Бу кунга тушмайдиган инсон йўқ, шуни унутмаларинг!.. Шафқат қил...

Ҳамширалардан бири Клемм хонимни ташқарига етаклайди. «Чи-

қиб туринг, хоним, сизни курса безовта бўялпти». Клемм хоним, «Хўп, хўп» деганча чиқади.

**Эдгар.** Амма!.. Клемм хоним!.. Кетманг!.. Буларнинг кўлига ташлаб кетманг!.. Лигея!.. Қаердасан, жоним?.. Виржиния!.. Лигеяни чақиринглар!.. Ҳозироқ етиб келсин!.. Мен барча қалам ҳақларимни Лигеяга мерос қолдираман, мерос-с!.. Қалам, қовоз беринглар... Ёзгим келаяпти... Қалам... «Ал-Аъроф»ни қайта ёзаман... Алам...

*(Пауза.)*

**Рейнольдс!**.. Ҳамма мендан юз ўтирди-ку, Рейнольдс! Сен ўзинг кела қол. Лоақал сен жонимга ора киргин. Рейнольдс!..

**Ҳамшира.** *(Кўрқиб.)* Клемм хоним, Рейнольдс ким? Қариндошингларми ёки?.. У киши қаердалар?

Клемм хоним югуриб киради.

**Клемм хоним.** Ким? Ким?.. Рейнольдс?.. Эшитмаганман...

**Эркак ҳамшира.** *(Иккала аёлга қарата оҳиста.)* Ҳеч ким эмас, алақайси ҳикоясининг қаҳрамони...

**Эдгар.** Демак, мана ва ниҳоят...  
Ҳамиша ҳақ, сенинг нафратинг,  
О, Исрофил, нафратинг бешак...  
Исрофил... Исрофил...

Давом эттиролмайди. 3-қийфа киради.

**3-қийфа.**

... Оҳангларга — беҳис, ғафлатли.  
Шоир учун эҳтирос — бешик.  
Комил бир шахс, кўркам савлатли,  
О, донишманд ҳофиз, бўл омон,  
Қўшаверсин шухратингга шон!

## Аёл-қиёфа.

Ишқ завқидан пориллайди Ой,  
Муҳаббати лаззат бағишлар...

## 2-қиёфа.

Кўк сеники, жами лаззат ҳам.  
Бизнинг дунё — шодлик ва кулфат.  
Тонгимиз-чи, тонг эрур фақат.  
Ҳуснинг сояси у, бири кам.  
Кўзни қамаштирар бешафқат.

## 3-қиёфа.

Товушлар ҳам дадилроқ бундан,  
Каломуллоҳ каби гулдираб  
Порласайди нур бўлиб кунда  
Илоҳий бир салтанат узра...

Доктор шошимай кириб келади. Саҳна қоронғилашади. Қанотларини тапиллатиб учган қарра қаттиқ қариллайди. Товуши узоқлашади ва зум ўтмай, сўнади...

*Парға.*

2002—2004 йиллар.

## МУНДАРИЖА

<i>Хотира ва кайфият манзаралари</i> .....	3
--	---

### Бизни улгайтирган болалик

Онам, жияним, мен .....	8
Кўчиш .....	10
Ҳашарчилар .....	19
Алам .....	24

### Бедор мозий

Оқ либос .....	30
Қазо бўлган намоз .....	39
Тўхтабойнинг бойликлари .....	54

### Кенг осмоннинг тор кўчалари

Саф .....	82
Васий .....	86
Этақдаги уй .....	94
Қаар .....	101
Қоялардан балақда .....	107
Маданиятли киши .....	116
Маҳзуна .....	126
Жалман .....	136
Ибн Муанний .....	155
Отанинг ошнаси .....	168
Нусхақашнинг меросхўри .....	179
Жим ўтирган одам .....	193
Жимжитхонага йўл .....	223

### Изтироб экан-ку, муҳаббат!

Оқимга қарши оққан гул .....	266
Жозиба .....	269
Беозор қушнинг қариши .....	279

### «Кўнгила... янгилик қидирадир...»

Вазият .....	294
Топишмачоқлар .....	299
Кўз қорачиқдаги уй .....	315

Меҳмон .....	324
Ўзим .....	327
Бугун эрталаб .....	333
Ўн биринчи эшик .....	349

### Беозор детектив

Ёқуб изкуварнинг хийласи .....	364
Ма, ош! .....	377
Болохонадаги бобой .....	383

### Кулган, кулдирган...

Йўлақдаги одаamlар .....	392
Чимбойкўчалик қўшнилар .....	407
«Hyundai» ва телпак .....	415
Московлик яхши одам .....	419

### Дилдаги хориж

Киова қуёши .....	430
Ёлғизим — Сяз .....	437
Ал-Аъроф .....	462

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД  
**БЕОЗОР ҚУШНИНГ ҚАРҒИШИ**

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2006

Муҳаррир Қ. Қаюмов  
Бадий муҳаррир Б. Бобожонов  
Рассом Н. Шоабдураҳимов, О. Бурхонов  
Техник муҳаррир Р. Бобохонова  
Мусахҳиҳлар Ю. Бизаатова, Н. Охунжонова

Теритга берилди 29.09.05. Босишга рухсат этилди 22.12.05.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Шартли босма табои 26,9. Нашриёт-ҳисоб та-  
бои 25,3. Адади 5000 нусха. Буюртма № 1872. Баҳоси келишилган  
нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.